



Нурали  
ҚОБУЛ

ЕТТИ ИҚЛИМ  
ХОҚОНИ

ёхуд аҳд ва

ТАХТ



Тарихий роман



ТЕМУРИЙЛАР  
ЭПОПЕЯСИ

II



НУРАЛИ ҚОБУЛ

ЕТТИ ИҚЛИМ ХОҚОНИ  
ёхуд  
АҲД ВА ТАХТ

*Тарихий роман*

*(Қайта нашр)*



ТОШКЕНТ - 2015

УЎК: 821.512.133-311.6

КБК: 84(5Ў)7

Қ-52

Қобул. Нурали

Етти иқлим хоқони ёхуд аҳд ва тахт. Тарихий роман./ Н.Қобул  
/Қайта нашр – Т.: «IJOD-PRESS», 2015. – 480 б.

УЎК:821.512.133-311.6

КБК: 84(5Ў)7

*Ёзувчи Нурали Қобулнинг мазкур асари муаллифнинг олдинги «Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич» романининг тадрижий давомидир. Роман моҳият эътибори билан Амир Темур шахсини кўп қирраларда гавдалантириши билан бирга тарихимизнинг бугунги нузли кунларини, ўзликни янада чуқурроқ англашига ундайди.*

#### **Т а к р и з ч и л а р :**

Ашраф АҲМЕДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Бахтиёр НАЗАРОВ – филология фанлари доктори, профессор

Қурдош ҚАҲРАМОНОВ – филология фанлари доктори,  
профессор

Тоҳир ҚАҲҲОР – филология фанлари номзоди, доцент

ISBN 978-9943-994-07-2

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2011.

© «IJOD-PRESS» нашриёти, 2015.



## БИРИНЧИ БОБ

*Оллоҳнинг қулларини севмасдан  
унинг севгисига эриша олмайсан.*

Қуръони Карим

*Қўплар ҳақиқат билан шу боисдан олишадиларки,  
мабодо улар ҳақиқатни тан олсалар, ўша заҳотиёқ  
изсиз йўқолиб кетадилар.*

Гёте

Давлат аркони, амиру қўмондонлар, мусофиру сарой аъёнлари тавозе билан таъзим бажо келтириб, зар ҳошияли, олтин куббали хос саропардани тарк эта бошладилар. Садр оғочидан ясалган тахтада ўтирган улуғ амир хайр-хўшлашаётган қўноқларга бош ирғаб. Ўз эҳтиромини билдирар эди.

Ниҳоят саропардада ёлғиз ўзи қолди. Ташқаридан ҳамон одамларнинг гала-ғовури эшитилиб турарди.

– Оллоҳга шукр! – деди у беихтиёр овоз чикариб. – Яратган эгамга шукрлар бўлсин!

...Бу илтижо ўю хаёлларини беҳос яна Туркистон тизмаларига, Жаку Барлос иккиси Тахти Қорача довоида лашкарсиз қолиб кетган дамларга етаклади. Уч юз чоғли черик қўмондонини ташлаб, ярим кечада ғойиб бўлганди. Ёнида Жаку Барлосдан бўлак инсон зоти қолмаган эди. Шу воқеадан сўнг Жаку тағойи айтиб берган ҳикоят ҳеч эсидан чиқмади. Хотирасида мухрланиб қолди. Жуда кўп яқину бегоналарга ибрат ўларок айтади.

– Ҳа, жиян? Полиз бекчисидек нечун бир ўзингиз ўтирибсиз? – сўради тунги овдан қайтиб келган Жаку Барлос қўшда зоғ ҳам кўринмаганидан ҳайрон бўлиб.

– Мендан кўра полиз қўриқчисининг аҳволи ҳам яхшироқ бўлса керак, тоғойи, – жавоб килди Темур ота ва тоға авлоди, кекса барлос бегининг хурмати учун ўрнидан кўзғалиб.

Шошиб қолган кекса овчи оёқларидан даста қилиб боғланган бир тўп каклик ва кашқалдоқни тутганча анграйиб турарди.



– Англамадим, бек. Одамларимиз қани? Недан ёлғиз ўзингиз гирибсиз? Черикни юмуш билан бирор ерга жўнатдингизми? Ҳамон ҳайратдан ҳервайганча қошлари чимирилиб турарди саку Барлос.

– Ҳеч қайга жўнатганим йўқ. Ўзлари ғойиб бўлибдилар, деди Темур Жаку тоғанинг содда хатти-ҳаракати ва гап-ўзларидан завқлангандек ўксик оҳангда.

– Қаёққа жўнаб қолади жиян? Нечук?

– Мен ҳам шунга ҳайрон бўлиб ўтирибман-да, тоғойи. Ўнамоқ нари турсин, росмана қочишган. Аниқроғи, тун эронғусида жуфтакни ростлашган.

– Қўшдаги турумга қараганда шундайга ўхшайди. Отларни ам олиб кетишибди. Курол-яроғлар ҳам бизники эди. Энди има қиламиз, жиян?

– Не қилардик. Ташвиш берган эгаси мушқулимизни ҳам сон этар, – деди Темур ўйчан нигоҳини суҳбатдошига тикиб.

– Ҳа, бу ҳам Оллоҳнинг синови. Шу синовларга дош бера илсақгина у бизни ҳадафимизга эриштиради, – деди Жаку Барлос жиянининг кўнглини кўтармоққа уриниб. – Ҳалиям Ху-дога шукр деймиз жиян!..

Темур савол назари билан унга тикилди.

– Ўша онаси байталларнинг иккимизни бир ёқлик қилмай, сочимизнинг бир тукини ҳам тўкмай, асл сотқинликларини кўрсатиб, замонида даъф бўлганликлари учун Яратганга шукр қиламиз, Темурбек! Чўлда мард, йўлда номард ўлади! Бу отадушман хоинлардан қутулганимиз учун ҳам Эгамга шукр қиламиз! Бўладиган ишнинг бўлгани, ўладиган одамнинг ўлгани маъқул! Зиённинг қаеридан дўнсангиз ҳам фойдадир. Ўша ҳаромилардан қутулганимизга қуллуқ қиламиз! – Жазаваси тутиб гапирди кекса барлос беги. – Ҳа, отингдан айланайин, худойим-а!

Темур ним табассумда ўзи учун жон чекиб сўзлаётган ҳаётидаги энг яқин, сирдош ва кадрдон кишисига меҳру муҳаббат билан қараб қолган эди.

– Бир бақироқ туянгизман-да, жиян. Бўлар-бўлмасга бақираверсам айбга буюрманг, – деди бу нохуш воқеани кўнглига олмасликка уринса-да, хафахон оҳангда Жаку Барлос.

– Бақироқ туянинг бори яхши, бақириб турса ундан ҳам яхши, – жавоб қилди Темур ўша ним табассумда.

– Бир ношукр киши ўтган экан, – дея бир оз тин олгач, гапида давом этди у Темурнинг қаршисига чордона куриб оғир чўкаркан. – Худо берган ризку насибага қаноат, сабру шукр қилмай охир-оқибатда уйсиз-жойсиз, бола-чақасиз, энг сўнгида емак-ичмаксиз ва кийим-кечаксиз қолибди. Хайриятки, улар яшайдиган ерда қум бор экан. Охири не қиларини билмай, қумга кириб, ўзини бўғзигача кўмибди: Ўтган-кетган гўрдан боши чиқиб тургандек кўринадиган бу одамга лолу ҳайрон қараб, ёқа ушлаб, тавба қилганча калима қайтариб узоқлашармиш. Ниҳоят, фариштали бир оқсоқол унинг ёнига келиб ҳол-аҳвол сўрабди. “Ҳар неки Оллоҳдан, худога шукр қил, бўтам” дебди мўйсафид унинг бошидан кечган воқеаларни эшитгач, дилтанг бўлиб. “Кўчада очу яланғоч қолган бир одам бўлсам, яна не учун худога шукр қилай?” дебди у киши фиғони фалакка чиқиб. “Тавба дегин, худога шукр қил” такрорлабди яна чол йўлида давом этаркан. Оқсоқол кетар-кетмас майин эсиб турган шамол кучайиб, теваарак-атрофдаги қумни ялаб-юлқаб, тап-тақир қилиб, учириб кетибди. Бояги киши яна эскиси каби шир яланғоч кўчада қолибди. Кекса дононинг “худога шукр қил” деганини шунда англаб етган экан, – дея ҳикоясини тугатди Жаку Барлос.

Темур иштиёқ билан сўзлаётган суҳбатдошининг оғзига қараб қолган эди.

– Машойихларнинг пири экансизу, тоғойи! – деди анчадан сўнг бу ривоятдан ҳайратга тушиб. – Нақадар ибратли нақл экан-а?

– Биздаям гап кўп. Бироқ пақир эчки панада деб юрамиз-да, жиян, – гапни ҳазилга бурди бек.

– Фақирлигингиз бор бўлсин-е тоғойи! – дея ўрнидан туриб Жаку Барлосни бағрига босди. – Сиз каби қалби бутун, садоқатли инсон ёнимда экан, Оллоҳ мени дар кўймас! Ҳаётимдаги энг сўнги садоқатли кишим ўлароқ бир сиз мени ташлаб кетмадингиз! Оллоҳга шукр!

Улар анчагача бир-бирларини бағриларига босиб турдилар. Иккисининг ҳам кўзи жикқа ёшга тўлди.

– Ёшда сиздан каттаман! Бошда эса кичикман! Сиз азиз жарим танлаган йўлнинг тўғрилигига инонганим учун ҳам катта бошимни кичик қилиб орқангиздан эргашиб юрибман! – деди содда ва самимий Жаку Барлос йиғига ўхшаш титроқ овозда.

Темур Жаку Барлоснинг ўнг қўлини олиб, чап кўкрагига босди.

Худонинг куппа-кундуз куни кўшу чериксиз, эшу эрмаксиз шип-шийдон кўчада қолган тоға-жиян руҳлари тушкун бир алпозда сўнги икки отни миниб, ўй босган кўйи, минг бир андишаю истиҳола билан Ҳожи Барлос ва Баҳром Жалойир қароргоҳи томон йўлга тушдилар.

Ишинг-юришмай, омад сендан юз ўгирганда, дунё кўзингга тор кўринади. Жозиба касб этиб турган нарсалар ҳам ўз-ўзидан гўзаллигини йўқотади. Ҳатто кўнглингда ўз-ўзингдан нафратланишга ўхшаш ҳислар ғимирлаб қолади. Бу ёруғ дунёда сенинг учун жони ачир инсон зоти қолмагандек туюлади. Ҳаётдан ҳафсаланг пир бўла бошлайди.

Қорадарё бўйида уларга сўфий Шоҳи Қаландарнинг байтларини айтиб, икки дарвеш дуч келди. Йўлчилар отлари жиловини тортиб, дарвешларнинг зикру саносига кулоқ солдилар.

– Ҳаққа нола этгину,  
Нолага кунинг қолмасун.  
Болам-болам дегину,  
Болангга кунинг қолмасун!..  
– Ончи ошингни ейди-я,  
Ҳончи бошингни ейди... ---  
– От кўрмаган от кўрса,  
Мина-мина ўлдирар.  
Тўн кўрмаган тўн кўрса  
Қоқа-қоқа тўздирар...

Улар жандаси чиқиб кетган кулоҳлари остида ранги билиб бўлмас даражада қорайиб кетган, юзларида маънос йилтираган ожизона кўзларини отлиқларга тикканча кир қўлларини узатиб туришарди. Темур ёнидаги сўнги кепакийларни олиб, икки дарвешга бўлиб берди. Дунё топган калдай қувонган дарвешлар ақчаларни биров тортиб оладигандек шоша-пиша қўйниларига тикиб, буниси ҳам бирор нима берармикан дегандек нажотталаб кўзларини Жаку Барлосга тикишарди. Жаку Барлоснинг чўнтагида эса елвизак ҳуштак чаларди. Қамчиси билан ўнг кўнжига урганча ўдағайлаб, мушукдўк қилган бўлди.

– Ҳа-а, барака топиб, байтал чопгурлар-ей! Хў-ўп садақа

сўрайдиган одамни топдинглар-а! Айни дамда сенлар мендан зангинсанлар! Отим ҳам черикники! Иложи бўлса менга бирор нима беринглар! – Ҳазиллашди Жаку Барлос. – Дарвешларнинг султони каби олдиларинг. Яхшиси дарё бўйига тушиб, одамга ўхшаб бир ювининглар. Ҳиндистон маймунларига ота-она бир қардош бўлиб қолибсанлар! Ҳе, энаси байталлар! Жўнанглар!

Дарвешлар хатарга дуч келганда бўйинини ичига тортган тошбақадек елкаларини қисишиб, чорикларини судраганча сой томон эндилар.

Себаргага кўзи тушган арғумоқлар сувлуқларини чайнаб, гуллай деб қолган ёввойи йўнғичқага бўйин чўзишарди.

– Бедазорга қаранг-а, жиян. Белга тепади-я. Мол-ҳолнинг кўзидан панароқ экан-да. Жониворларни бир ўтлатиб олмасак гуноҳига қоламиз, – деди Жаку Барлос от жилловини тортиб, йўлдошига боқаркан.

Темур гап-сўзсиз бош ирғади.

Бегона шовурдан чўчиган бир жуфт бедана пириллаб кўтарилганча, соҳилни қоплаган самбиттоллар орасига ўзларини уришди.

Тоға-жиян чакмон ва тўнларини тўшаб узанишди. Иккисининг ҳам дили хуфтон, ичларига чироқ ёкса ёришмас эди.

Югани чиқарилиб бедазорга қўйиб юборилган отлар киртиллатганча кўм-кўк бедани узишарди.

– Дарвешларга айтган сўзларингиздан болалигим кўз олдимда жонланди, – самимий оҳангда хаёл сураркан Темур. – Кичиклигимизда бизга бир қўшҳовучдан тутмайиз ёхуд туршак бериб, шундай дер эдингиз. Қаранг, шунга ҳам чорак аср ўтибди-я.

– Барака топ, байтал чоп деган гапни бизга Атабек амаки айтар эдилар. Биз ҳам бола эдик. Рамазон ва қурбон ҳайитларида катталар берган бир бўлак қанд-қурс ёки тутмайиздан бошимиз кўкка етарди. Ўзимизни мутли ҳис етардик. Атабек аво ширинликлар билан бирга бир кепакйдан ақча ҳам берардилар. Биз эса хирапашшадек бек бобонинг кўрғони атрофида айланишиб, ўйнаб юраверардик. У кишининг охири мусофирлар учун тайёрланган иссиққина қозонаки патир, сумалак, ҳолва ва ош беришларини билардик. Қўноқлари қолиб, биз билан суҳбатлашиб ўтирардилар. Емақдан сўнг яна ширинлик улашардилар ва

ниҳоят “Қани энди уй-уйларингга жўнанглар-чи. Эналаринг ҳам кўзлари тўрт бўлиб кутиб ўтиргандир. Ҳа, энаси байталлар! Ҳа, барака топгурлар-ей, байтал чопгурлар-ей” дер эдилар меҳрибон аллаловчи овозда. Умр дегани оқар сувдек бир гап. Кўз очиб юмгунча ўтар-кетар-экан. Бир ўгирилганча элликка ҳам кириб кўйибман жиян. Отда юриб, от чопган дамда ҳаёт завқли, мароқли туюлади, отдан тушган кунинг унинг қизиги қолмагандек. Одамлар от устидагиларга юлдузга боққандек ҳавас билан боқадилар. Отдан тушганга эса ўз тенги, ҳатто паст назар билан, шунчаки бир ўлим бандаси каби қарайдилар. Хом сут эмган одам боласи шунақа кўймижоз бўлади. На иссиққа чидайди, на совуққа дош беради. Боланг эса кичиклигида кичик бало, каттаргани сари катта балодир.

Кўп ўтмай этакдан яна ўша қаландарларнинг овози келди.

*– Ҳамма нарса пул, болам,*

*Кўли калта қул, болам.*

*– Бул ҳаётнинг чораси,*

*Юз қораси!*

*Дил яраси!*

*Парча экмак пораси!*

*– Қумгонинг олтин бўлсин,*

*Қўрбулоқдан сув тўлмас,*

*Йигит неки мард бўлсин,*

*Тушганда дўсти ўлмас...*

*Хон қаҳрига учрасанг,*

*Ҳатто боланг ўзгарар*

*Ҳечам саси чиқмаган,*

*Хотин зоти қўзгалар.*

*Оғизлар бир оғиздан,*

*Одам каби ёзгарар.*

*Ўзники турткиласа,*

*Тепкилайди ўзгалар...*

Жаку Барлоснинг гапидан кейин Темурнинг хаёли Атабек амакига кўчди. У ёрдам сўраб борадиган биргина одам қолган эди. Бу ҳам бўлса ҳар қандай вазияту шароитда барчага бирдек



қарайдиган, одам айирмайдиган, шоҳу гадога тенг, чингизий хонларга ҳам юзингда кўзинг бор демай айбини бетига айтадиган Атабек Барлостурк эди.

Темур Жаку Барлос билан бирга Атабек бобонинг қўши томон йўлга тушди.

– Қаерга бормоқдамиз, жиян? – сўради Жаку Барлос отини қичаб етишиб юрар экан, улар бир фарсах, чамаси, йўл босгач.

– Атабек бобоникига, – жавоб қилди Темур оғир ўйлар оғушида.

– Улуғ авомиз Атабек бобо ҳар замон ҳузурларига бориб, зиёрат қилиб туришимиз лозим бўлган улуғ инсон, – деди Жаку Барлос хурсанд бўлиб. – Мен ҳам доимо ул кишимдан ҳол-аҳвол сўраб тураман.

– Мен шу пайтгача улусимизда Атабек бобо каби дунё кўрган ва дунёни англаб етган кишини учратмадим. Аспида мана шундай, ҳаётнинг барча оғир-енгилликларини кўриб кўзи пишган, ҳақлик ва ҳақсизлик орасидаги ҳар қас англаб ета билмас чизиқдан чекилмаган кишилар юртни бошқариши керак, – Жакубекнинг фикрини давом эттирди Темур.

– Бироқ амакингизга тахту сиёсат ҳақида оғиз очсангиз энсаси қотади. Ҳеч қачон кўпчиликка бирдек яхшилик қилиб, барчага бирдек ёқиб бўлмайди дейдилар. Бошимдан кўп ўтказганман – ҳар замон ва ҳар маконда савобнинг тағи тешик бўлади. Одам зотига давомли яхшилик қилиб бўлмайди. Хом сут эмган бандалар бу яхшилик ва савобларнинг моҳиятини ҳар доим ҳам англаб етмайдилар. Бу муттаҳам бой-бадавлат бўлганидан кейин закот бериши, хайр-садақа қилиши шарт деб ўйлайдилар. Агар шундай қилмасанг сени бемалол кофирга ҳам чиқариб қўлверадилар. Уқуви, эс-хуши бор одамга балиқ ейишни эмас, балиқ тутишни ўргатмоқ керак. Балиқ тутишни ўрганган одам эса ўз-ўзидан сувда сузишни, қайиқ ясашни, балиқлардан турли хил емаклар тайёрлашни, балиқ тижоратини ўрганади ва ҳеч бўлмаганда боласига шу касбларни ўргатади дея таъкидлайдилар, – дея Атабек бобонинг ҳикоясини қилди Жаку Барлос.

– Атабек бобо давлат қуши бошга ёким лошга қўнишини жуда эрта англаган доно одам. Ул кишимнинг ҳинд, арабу ажам, мағрибу машриқ дейсизми, кўрмаган юрти, суҳбатлашмаган номдор кишиси қолмаган.

– Бундан икки йил бурун оқсоқолнинг зиёратларига келган эдим. Бобо яйловда, чўпонларининг бошида экан. Излаб бордик. Бошлари осмонга етди. Қўй айрони ичиб, қотирма патир еб, гурунглашдик. Сўнгра у киши дўстимиз Худойдодбекнинг отаси Тангриберди Барлоснинг оғир ётганлигини айтиб, бирга бориб кўришни таклиф этдилар. Рези бўлдим. Амир Тангрибердининг ана кетди, мана кетди бўлиб ётганини эшитган эдим. Саккиз қир ошиб, Каттабарлосга бордик. Бизни амирнинг хачирдек келади-ган икки бойтевати қаршилади. Атабек оқсоқол отининг жилловини тортганча бўрибосарларга маъноли тикилиб қараб қолди. “Тангриберди Барлос тузалиб кетади. Ит жонивор ҳамма нарсани билади. Ўладиган одамнинг ити бундай важоҳат билан хурмайди” деди синчковлик билан. Бу гапдан ҳайрон бўлиб, бобонинг оғзига қараб тажрибаси ва синчковлигига тан бердим. Амир кўп ўтмай оёққа туриб кетди. Бекорга табиб табиб эмас, бошдан кечирган табиб демас эканлар...

Улар Атабек бобонинг кўрғонига яқинлашиб қолган эдилар. Темур илк бор бобо кўрғонига ўн тўрт ёшлигида отаси билан бирга келган дамларни эслади. Бу орада қанча сувлар оқиб ўтди. Не-не одамлар ўтиб кетди. Отаси билан келгандаги бўрибосарларнинг авлодлари уларни таниганча думларини ликиллатиб қаршилади. Жақу Барлос хуржунидан яримта нонни олиб, икки бўлиб уларга ташлади.

– Бўрибосарлари бакувват. Демак, бобомизнинг ҳам турумлари яхши, – деди Жақу Барлос қулиб бояги гапга ишора қилгандай.

Атабек оқсоқол уйда экан. Уларни кўриб суюнганидан кўзи жикқа ёшга тўлди. Бир-бир бағрига босди.

– Мени сизлар йўқламасангиз ким йўқлайди! – дея меҳмонхонага жой ҳозирлатди. Қўй сўйдирди.

Улар узоқ суҳбатлашиб ўтирдилар. Темур лашкарининг бир кечада ғойиб бўлганлиги воқеасини айтмади. Бизга атаб кўйганларингиз бўлса бераверинг, деди Темур суҳбат орасида ярим ҳазил, ярим чин оҳангда. Бобо номдор шоҳ ва кўмондонларнинг қиличларини йиғарди. Сўнгра қиличларини кўрсатишни сўради. Охири бир кун бу қиличларнинг барчасини Темурга беришни ваъда қилганди.

– Топганим сизники, Темурбек. Хуржунларингиз тўлгунча ол-

тину кумуш танга берганим бўлсин. Бироқ мен учун энг рохат иш қиличларимни таърифлаб, бу антиқалар қийматиғни англаб етган одамга кўрсатишдир, – дея меҳмонхонага туташ бўлма томон бошлади бобо.

Чоғроқ хона деворига ўн чоғли қилич осилган бўлиб, ҳар бир қиличнинг остида биттадан жило бериб ишланган қалқон бор эди. Дастасига қимматбаҳо тошлардан ишлов берилган қиличларнинг ҳар бирининг баҳоси бир вилоятнинг йиллик божу хирожига тенг эди. Ердаги сандиқлар устига қимматбаҳо эроний гиламлар тахланган, бир нечаси деворга осилган эди. Вассажуфтларга қоқилган миҳларга олтин кумуш ва жез қумғон ҳамда кўзалар осилган, эшикнинг икки тарафида икки каттакон манқал турарди.

– Темурубек билан келмасак, бизга кўрсатмас экансиз-а, бек бобо! – дея ҳазиллашди Жаку Барлос.

– Гапнинг очиғи, Жақубек, бу хазинамни икки ўғлим Нурмулк билан Муҳаммад Дарवेशга ҳам ишонмайман. Гоҳида кечалари келиб шу ерда ётаман. Темурубек тезроқ Самарқанд тахтига ўтирса эди. Қўшқўллаб топшириб, мен ҳам одамлардек тинчгина ухлардим. Бу ерда ўнта қилич бор. Айниқса, олтитаси жуда қадрли ва қимматбаҳо. Мана бу дастасига садаф қадалгани Султон Маҳмуд Ғазнавийники. Биласизлар, турк хоқонларидан Султон унвонини илк бор қўллаган ҳукмдор Маҳмуд Ғазнавий бўлади. Дехлидан минг қўйнинг баҳосига тенг келадиган пулга сотиб олганман. Буниси эса Султон Санжарники. Дунёда бундай улуғ подшоҳ ўтмаган, Оллоҳ раҳмат этсин. Исфаҳонда ишланган. Тепадаги Қўниё султони Алоуддин Кайкубодники. Бир-бирига ўхшаш ана у икки қилич эса Биринчи Қиличарслон билан Иккинчи Қиличарслонларники. Бу икки улуғ салжуқли турк султонлари ислом мамлакатларини хочлилардан сақлаб қолган подшоҳлар. Уларнинг отаси Султон Алпарслон эса Бизонс императури Роман Диогеннинг ўзиникидан уч мисли кўп қўшинини Малазгирт майдонида тиз чўктириб, импературни асир олган. Асир тушган Диогенни Султон Алпарслон хузурига олиб келганларида ақлу хуши бошидан учган насроний подшо кимсасиз кул каби титраб турган. Султон Алпарслон унга иззат-икром кўрсатади ва ниҳоят савол билан мурожаат қилади. “Сен мени асир олганинда не

қилар эдинг, Диоген?” дея сўрайди. “Ўлдирар эдим!” деб тўғри жавоб беради Қайсари Рум. “Мен эса сени озод этаман!” Аскарларим сени мамлакатинг худудигача кузатиб қўядилар!” дейди мардлик ва олижаноблик қилиб Султон Алпарслон. Қайсар бу мардонавор мунъоабатдан хайратга тушиб, хайкалдек қотиб қолади. Бола каби елкалари силкиниб йиғлайди. Тушимми, ўнгимми дея билакларини чимчилаб кўради. Ана инсон, ана инсон зотига меҳру шафқат, Жақубек. Дарёдан сув бағишлаган деб ана шундайларни айтадилар-да. Салжуқ султонлари ўзимизнинг ўғузларнинг қиниқ уруғидан бўлиб, бизнинг аждодларимиздир. Мен билган кечмиш ҳукмдорлар орасида мунҳий, жосус ёхуд исковуч сақламаган ягона султонлар сулоласи салжуқийлардир. Улар жойларга ва саройларига юксак мартабаларга тайинланган, ишонч билдирган одамлари орқасидан айғоқчи қўймоқни номардлик, нотантилик деб ўйлаганлар. Ақлларига сиғдира олмаганлар. Бу нарса ўз навбатида вазиру волийларимда ҳам менга нисбатан ишончсизлик туғдиради деб ўйлаганлар.

– Бироқ шундай улуғ султонларга ўз қавмдоши, султон Санжар замонида бош ҳаммомчи мансабига эришган Хоразмшоҳларнинг авлоди биринчи бўлиб хиёнат қилган, – гапга қўшилди Жаку Барлос. – Шунчаки сотмай, ҳатто уларга қарши курашганлар.

– Алхол шундай, Жақубек. Инсон боласи икки ҳолатда исён кўтариб, чиғириқдан чиқади. Бир борлиқдан, бир йўқликдан. Оч баччағардан қоч баччағар дейдилар-ку. Инсон қорни тўйиб, ҳамёни ақча кўриб, кетига жир битдими, ўзгара бошлайди. Фақат кўй боқишга ақли етган минг қўйли чўпон ҳам бой эканман, демак, ҳаммадан ақллиман деб ўйлаганидек, кетига жир битганлар остидаги шоҳона – кўрпа-тўшакка тоқат қилмай, ўтиргани тахт ахтара бошлайдилар. Тум дунёни хароб қилиб келган муаммо мана шудир, Жақубек жигарим, – қўл ҳаракатлари билан бошини сарак-сарак қилиб фикрини англатарди бек бобо.

– Қавми турк борким, азалдан содда, ишонувчан ва дўлвор бўлган. Шу феъл-атвори боис, шоҳликдан гадоликка тушиб, бири икки бўлмай панд еб юрган, – бу кўнуларда оқсоқолдан паст келмас эди Жаку Барлос. – Билга қооннинг айтганини қилмай, ғарбга эмас, шарққа қараб юрганларида борми, бугунга келиб турк деган гап-фақат-битикларда қоларди...

– Билга қоон нима деган? – дея сўради Жаку Барлоснинг гапни бўлиб мезбон.

– Билга қоон “Чин сори борманг, улар инжулари ва хонимлари билан сизни маҳв этадилар” деб ёзиб қолдирган.

– Ҳа-а, кўп ақлли бўлган экан-да бу қоон. Бирок Чинда кўп маротаба бўлдим. Бу Чин деганингнинг ярмиси ўша қоон айтган чинлашган турклар бўлса керак. Боиси, кўпчилигининг келбату турку таровати қуйиб қўйгандек ўзимизникиларга ўхшайди. Билга қоон сал кечиккан эканда.

– Одам Ато билан Момо Ҳавонинг болалари бир-бирларига ўхшайди-да, – суҳбатга қўшилди Темур. – Одам зоти борки кунни ўтмоғи учун кул ташлайди. Улусларни бошқариш, йўналтириш ва бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга ерлаштириш Искандару Чингизхон каби хоқонларнинг ақлидан ва қўлидан келажак бир иш. Жаку тоға айтган улуғ турк хоқонлари ҳам ўз вақтида улусларини сақлаб қолмоқ учун салжуқийлар каби ғарб томон йўл олганлар.

– Қойил-е, Жакубек, тарихдан сабоқ бераман десам, сизлар менга бу хусусда хутба ўқийсизлар чоғи, – тан берган бўлди Атабек бобо.

– Биз сизчалик дунё кўриб, юрт кезиб одам танимаганмиз Атабек аво. Хат-саводимиз ҳам ўзимизга яраша. Эшитиб, туйганимизни гапирамиз-да. Айбга буюрмайсиз, – хижолатомуз оҳангда жавоб қилди Жакубек. – Бул хусусда шогирдингиз Темурбек сиздан кейин турадилар. Биз ул кишимнинг бир навқарларимиз.

– Астағфируллох, астағфируллох! – деди Темур.

– Темурбек инсон зотининг кадр-қимматини биладиган, ҳар бир ишга адолат билан ёндашадиган аждод фарзанди. Сиздек тоға авлоди ўтирган томнинг устига чиқмайдиган инсондир. Бу дунёда улусни улус қиладиган икки манба бор. Куч ва бирлик. Шунини унутмасаларингиз бас. Қолгани шунинг ортидан келаверади. Ҳа, мана бу сўнгги қилич, хоқони ақрам Чингизхонники. Жўжихоннинг учинчи ўғли Беркахоннинг неварасидан ўнта улоқчи отга алмаштириб олганман. Шунақа гаплар, биродарларим. Бургут қариса сичқон овлар деганларидек, шу саккизта қилични қўриқлаб ётибман. Ҳиндистонга боргим келади-ю, йўл-сўлда ўлиб-нетиб қоламанми деб ўйлайман. Ҳиндистонда



енг яхши кўрган машғулоти кўёшнинг чиқиши ва ботишини кузатиш эди. Ҳеч бир мамлакатда бундай гўзал ва бетакрор манзарани кўрмаганман. Кечалари тушларимга кириб чиқади. Мен қари бўрини йўқлаб келганларингиздан бошим осмонга етди. Эътиборларингиздан кўкка етган бошимни эгиб, ерга теккунга қадар таъзимдаман. Бу ёруғ оламда инсонни инсон йўқлашидан улуғ неъмат йўқдир.

Бек бобонинг ичи тўлиб кетган, дардини айтар кишиси йўқ эди. Барлосларнинг икки номдор бегининг остонасини ҳатлаб кириб келишидан астойдил хурсанд бўлган эди.

Хонадон соҳиби антиқахонасига қулф уриб, калитини калта пешоварий кўйлаги чўнтагига солди. Уларнинг меҳмонхонага ўтишини кутиб турган хизматчилар тол товоқларда қат-қат қилиб, қийма, бешпанжа ва жигар кабобларни олиб кирдилар. Бурчакдаги бели боғлиқ хизматкор қимиз, қимрон ва кўй айронини косаларга қуйиб, узатиб турарди. Атабек оқсоқол суфра устида ҳангомани қолган жойидан олди.

– Боя Хоразмшоҳлар ҳақида гапирдик. Менинг ожиз ақлим бир нарсага етмайди. Тахтга келган ҳукмдор борки, Оллоҳнинг муқаддас динини ўз истак-манфаати йўлида қўллайди. Халифаларимизнинг динимизни парчалаб, мазҳабу тариқатларга бўлиб ташлаганларини мубосаҳа этмайман. Бироқ халифа ан-Носирнинг Чингизхон билан тил бириктиришини, Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг халифа ан-Носирни халифаликдан тушган дея эълон қилиб, ўрнига термизлик пайғамбарзода Саййид Исомиддин Алоулмулк Термизийни халифа деб эълон этганлиги ва унга қарши кўшин юборганлигини қандай изоҳлаб бўлади? Бу қавмнинг халифаси халифа ўрнида, шоҳи шоҳ ўрнида бўлмаса. Шу, боис бизнинг мусулмонлар бор ерда ғавғою маш-маша бор.

– Сиз айтган машмаша мусулмон бўлмаган жойларда ҳам бор аво! – гап қўшди Жаку Барлос.

– Тўғри, – ҳамон суҳбатдошининг фикрига қўшилди уй эгаси. – Ҳиндистонда ҳар бир кўю қасабанинг бир худоси бор. Сизларнинг худоларинг битта, қандай яхши, бошларинг тез бириқади дея бизга ҳавас қиладилар. Улар ҳаётини ўрганиб юрган юнон билан суҳбатлашганимда ғалати гапни айтган эди. «Бу

одамларнинг худолари ўзларига ўхшайдилар» деган эди у. Мен унга «Худо одамларга ўхшамайди» дегандим. У менга раҳми келгандек бир муддат синчковлик билан тикилиб турди-да, «мен билан тортишма, сен дунёга фақат ўз диннинг даричасида қараб ўргангансан. Сенинг динингда бу каби масалаларнинг тортишиш тақиқланган. Мен эса дунёга барча динлар ва фалсафалар кўзи билан боқаман» деди суҳбатлашишни истамай. Шарманда бўлиб ўтирмайин дея индамай қўя қолдим. Шунда улусимизга бошқа динлар тарихини, дунёвий илмларни астойдил ўргатиш керак экан деган фикрга келдим.

Кекса барлос беги кўзи қиймасидан қилинган қозонкабобдан анча-мунчасини паққос тушириб, устидан бир шокоса қўй айронини сипқорди.

– Кабобни совутмай олинг, Жакубек, еган-ичган ярайди. Емаган-ичмаган ернинг остида. Дадил-дадил олинг, – меҳмонларга илтифот кўрсатарди оқсоқол. – Гапнинг эркагини айтадиган бўлсак, мулло Темурбек, бу кексалик дегани ғирт бўлмайдиган бир тирикчилик экан. Қариган сари кишининг руҳи тушиб, тажанг ва зикна бўлиб қолар экан. Тиш борида еб, оёқ орасидан шамол ўтиб турганида юриб қолмоқ ҳам бир давлат экан. Белда куч-қудрат борлигида итдек чопиб яшамоқ мужодаласини бериш нақадар оғир кечса, вужудингни тарк этаётган қувватни сақлаш учун тиришмоқ ундан ҳам қийин кечаркан. Бежизга етмиш – кетмиш, саксон – йўқсан демас эканлар. Кўзинг тирик бўлса ҳам йўқ саналар экансан.

– Қўйсангиз-чи, бек бобо, биздан ёш кўринасиз. Қўйиб берса улоқ чопадиган авзойингиз бор, – дарду ҳасратга ўтган мезбонни чалғитмоқчи бўлди Жаку Барлос.

– Қайда-ей, Жакубек! Сизам гапни оласизда! – Ўша юноннинг айтишича, бундан беш-олти минг йиллар бурун Дашти қипчоқнинг ғарбида яшаган саклар ва массагетларнинг скифиседан деган бир қавми ўлганни кўммас эканлар. Касал бўлиб ўлган кишилар ҳаром саналиб, емоқ учун иту қушга берилар экан. Жангда ўлганларни иззат-хурмат билан қўй каби сўйиб, пишириб ер эканлар. Массагет деган қабилаларда қариб, ўзига бағишланган худойида қўйларга қўшилиб сўйилиб ейилиш энг яхши ўлим ҳисобланар экан. Айтганингиздек ёғоч отни миниб чопиш ҳам яқинлашмоқда.

– Бизнинг ҳудудларда яшаган халқлар тарихини чиндилар, юнон ва румлар ёзиб қолдиришган. Демак, сизнинг юноннингиз ўша китобларни ўқиган. У китоблар ҳали биз томонларга етиб келмаган, – деди Темур бу гапларга қизиқиб. – Агар шу юноннинг қай юрт ва манзилда яшашини билсангиз, масрафини зим-мамизга олиб, юртимизга даъват этардик.

– У ҳинд, насроний ва мажусий ошналарим билан дўст эди. Негадир биз мусулмон ва туркларни у қадар жини суймасди. Кейин билсам боболари салжуклилар тазйиқидан Марказий Юнонистонга қочиб борган экан. Ўғилларим Муҳаммад Дарвеш билан Нурмулк чин ва ҳинд қарвонлари билан у тарафларга бориб-келиб турибдилар. Айтиб кўрайинчи. Топа олишармикан уни.

Темур ва Жаку Барлос диққат билан бобонинг ҳикоясини тинглардилар. Бу ҳудудларда Атабек Барлостурк каби етти иқлимни кезган жаҳонгашта одамни топмок ва суҳбатлашмок ҳар кимга ҳам насиб этавермас эди.

– Сўзингизни бўлдим, аво. узр тилайман, – деди Жаку Барлос оқсоқолнинг ҳасрати ниҳоясига етмаганини ҳис этиб.

– Нега узр тилайсиз, иним. Шу баҳонада яна бир оз маъноли мавзуда суҳбатлашдик. Дийдиёмни давом эттирсам, киши кексайгани сари ёру дўст, ошна-оғайнисидан ажралиб, ёлғизлиниб қолар экан. Айниқса, бирга униб-ўсган, эсингни танигандан бери ош-қатик бўлиб юрган кишиларнинг қайтиши одамга таъсир қилар экан. Худди эрта-индин сенга ҳам навбат келадигандек туюлавераркан. Ўлим ҳақ, бироқ унга тик боккан камдан-кам одамни кўрдим. Эгам бу дунёда ҳамма нарсанинг ҳисоб-китобини қилиб қўйган экан. Биз аҳмок бўлиб ўзимизни ўту чўққа уриб юрар эканмиз. Бир кун келиб барча тоат-ибодатинг бир ҳуруш бўлиб чиқаркан.

Меҳмонлар бошларини қуйи солганча кекса бекнинг сўзларини тинглаб ўлтирардилар. Улар дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўрниларидан туришди. Атабек бобонинг атаганларини олиб, йўлга чиқдилар.

Ҳинду Чин, Афғону Эронда донг таратган кекса барлос тужжори, жаҳонгашта Атабек Барлостурк ниятига етди. Жонидан азиз кўрган жияни Амир Темурни Самарқанд тахтида кўрмок унга насиб этди.

Турон кўшини Балх фатҳидан қайтиши билан антиқа-

хонасидаги топган-тутганини тўрт туяга юклаб икки ўгли – Муҳаммад Дарвеш ва Нурмулк Барлостуркларни ёнига олиб, бошкентга етиб борди.

– Ҳаммани кутмасам ҳам сизни кутган эдим, устоз! – деди Темур кучоқ очиб оқсоқолни қаршилар экан. – Қадамнингизга ҳасанот!

– Энди ўлсам армоним йўқ! Сизни бундан сўнг юрт жиловини ғайридин ва ғайримиллатлар кўлига бермаслигингизга ишонаман! Илоҳим, Яратганнинг улусимизга раҳму шафқат кўзи ила боққани рост бўлсин. Эгам тахту давлатингизни пойидор этсун! Қасд қилганлар паст бўлсин! – дуо қилди Атабек бобо. – Икки ўғлимни ҳам хизматингизга олиб келдим. Эти сиздан суяги биздан. Чўпон қилиб, сурув боқдирасизми, савашга солиб қилич чопдирасизми, ўзингиз биласиз. Мен қаришмайман. Ўша ақлли Билга қоон айтганидек, Ҳинду Чинда бироргасига илакишиб қолса, ишни худо урди деяверинг. Атабек Барлостуркнинг насли-насаби ва миллати йўқолиб кетади. У тарафларда миллат деган гап йўқ. Қавмлар флқат дин байроғи остида бирлашадилар.

– Икки ўғлингизга бугуноқ улус амирлигини бериб, тегишли худудга жўнатаман. Бироқ сизни ҳам қўйиб юбормайман, – деди Темур Атабек бобонинг содда ва самимий сўзларидан роҳатланиб.

– Мен дордан кочган қари бўрини нима қиласиз, Темурбек? – деди хайрон бўлиб кекса бек. – Қўлимдан нима иш келарди.

– Сиз Турон давлатининг пойтахти, дорулсалтанат Самарқандда бир дорулфунун ва дорушшифо куриб берасиз. Курилиш ишига мударрис ва табиблар топишу танлашга бош-қош бўласиз. Бу хусусда мен сизга биринчи ёрдамчи бўламан! – деди Темур ўнг қўли билан бобонинг елкасидан кучар экан. – Бугундан бошлаб сиз менинг хос маслаҳатчим ўлароқ, бош хазиначи этиб тайинланасиз. Мен бу қимматбаҳо қиличларни сиздан бошқа ҳеч кимга ишонмайман. Мухтарама маликамиз Сароймулкхонимдан улуғ хоқон Чингизхоннинг олтин тахтини ҳам қонунан расмийлаштириб олинг-да, барчасини баробар **ҳазинача** сакланг.

– Не хизмат буюрсангиз бош устозимизнинг **Abdulla Qodiriy nomidagi**

хадя этган тахтни хазинада асраб нетамиз. Дўсту душманнинг кўзига сарой тўрига кўйиб ўтиринг! – деди бу таклифдан ўзини йўқотгудек даражада шошиб қолган Атабек оқсоқол.

– Ҳали бундай тахтга ўтирадиган иш қилганимиз йўқ. Қолаверса, гап тахтда эмас, кўнгилга тугилган аҳдда? Сиз олиб келган антиқалар ва улуғ хоконнинг олтин тахти улусимизнинг миллий сарватидир. Уни ҳеч ким шахсий манфаати йўлида фойдаланмоғига ижозат этилмайди. Бош хазинабон ўларок бугундан эътиборан тўнларни шу йўсунда бичмок мажбуриятдасиз, устоз! Сизнинг бошдан кечирмиш илму тажрибаларингиз биз учун бир мактабдир. Салтанат юритмак ишида менга ҳар нарсани ҳар замон очик, рўйи-рост сўйлай билурсиз.

– Улусни қочган тарафига караб қувсангиз, охири бир кун ортда қолиб кетасиз. Унинг олдига тушиб етакламок, тўғри йўлга бошламок керак. Кишилиқ табиати шундай, одамлар ўзларининг ноқис зақоларига кўра инсон қийматини илму амали билан эмас, эгаллаган мансаби билан ўлчайдилар. Барчадан юксак рутбали мансабдорни энг ақлли киши деб ўйлайдилар. Улусимизда Сино, Беруний, Замахшарий ёхуд Кошғарийларнинг юртдош ҳамда миллатдошимиз эканлигини билган санокли одамларни кўрдим ва ёқа ушладим. Азал-азалдан одамлар олдиларидан оккан сувнинг қадрига етмай келганлар. Шул боис ҳам бу улуғ аждодларимиз ўзга юртлардан сўнг макон топмок мажбуриятида қолганлар. Улусда ана шундай инсонлар етишиб чиқажак бир иқлим яратмок жоиздир. Шундагина миллатнинг кўзи очила боради. Улуси манфаатидан юз ўғирмайдиган ёшларни тужжор, элчи ва хабарчи ўларок дунёнинг тўрт тарафига юбормок лозим. Улар юртга янгилик олиб келадилар. Кезган, кўрган инсоннинг йўли очилади ва ўз навбатида улар элнинг йўлини очадилар. Инсон, кўрмай, билмай, ушламай, ҳис этмай туриб ва чуқур англаб етмай туриб, журъат-ла катта, улуғ ишларга қўл уролмайди...

– Ҳақсиз, устоз! Миллатнинг имони илму адолатдир! Илму адолатдан юз ўгирган улус эътиқодда ноқис қолажак!



Чину мўғул, хинду салжук, руму араб саройлари расм-русумлари, қонун-қоидаларини, барча хону хокон, шоҳу султонларнинг тўққиз сулоласию, насли-насабини беш қўл-дек биладиган Атабек Барлостуркни улуғ амир диққат билан тинглади.

Хайр-хўшлашаркан, кекса бек Турон амирига меҳру садоқат, ихлосу эътикод билан тобуғ келтирди.

Темур ота аждодининг хурматли ёшуллисини бағрига босиб, илиқ кузатди.

Улуғ амирга ҳаётида ҳеч ким бу тўғри, доно ва адолатли киши каби меҳру мурувват кўрсатмаган, беғараз яхшилик қилмаган эди.

Шундай инсонлар борлиги учун ҳам бу дунё оёқда, инсоният яшаяжакдир, хаёлидан кечди оқсоқолнинг ортидан қараб қоларкан.



## ИККИНЧИ БОБ

*Мени кофир демоққа, ўзимдин ўзга хоқон йўқ,  
Иймоним бутдир оламда, иймонимдек иймон йўқ,  
Муслмонликда мен танҳо эдим бу даҳр аро, дўстлар,  
Агар мен ҳам кофир бўлсам, бу дунёда муслмон йўқ.*  
Ибн Сино

Сулоланинг оила ташвиши бош малика Бибиҳоним зиммасида эди. Болаларнинг ўқиши ва одоб-ахлоқ сабоғини олмоқларини Сароймулкхоним узлуксиз назорат қиларди. Амирзода Жаҳонгир Муҳаммаднинг ўлиmidан сўнг-Хонзодабегимнинг тақдирини ўйлаган Сароймулкхоним ҳам бу хусусда ҳазрат билан сўзлашмоққа фурсат кутар эди.

Тўхтамишнинг элчисини йўлчи этган Темур шом намозидан сўнг бош малика хузурига йўналди.

– Сизни кўрсам барча ташвишларимни унутаман, Бибим, – деди Темур оҳистагина Сароймулкхонимнинг кўлини кафтига олиб силар экан. – Аҳволингиз яхшими? Болалар ва неваралар ташвиши сизни толиқтириб қўймаётирми, маликам? – Кўнгил сўради меҳрли оҳангда.

– Бу ташвишлар сизга бўлган меҳру соғинчимнинг меваларидур, ҳазратим. Сизни ўзлаган дамларимда улар ила овунамен, – жавоб қилди соғинч тўла овоз билан Бибиҳоним.

– Сиз бор экансизки, менинг бу тарафдан кўнглим йўқ. Авлодимиздан ноқобил, раиятнинг энсасини қотирадиган инсон етишиб чиқмаслиги лозим.

– Хонзодабегимнинг аҳволлари нечук? Кайфияти қалай? – паст овозда сўради Темур хона тўридаги банорас кўрпачага оғир чўқаркан.

– Шу хусусда сиз ила маслаҳатлашмоқ ниятида эдим, ҳазратим, – муҳокамаси кутилаётган масалага ўтди Бибиҳоним.

– Сўйланг. Бу ҳолатдан мен ҳам безовтаман. Бирор чора-тадбир кўрмоғимиз жоиз, маликам.

– Амирзода Мироншоҳ Мирзо ҳам балоғатга етган азамат бир йигитдур. Сиз маъкул кўрсангиз Хонзода бегимни ул кишига никоҳлаб берсак деган эрдим. Катта қардошининг фарзандига ота бўлиб, бағрига босиб юрармиди деган умиддамен, – муддаога кўчди бош хоним.

– Маъкул фикр. Биз эски туркларда шундай одат бўлган. Бирок бу хусусда шайхулислом билан сўзлашиб, фатвосини олмок лозим бўлади, – деб жавоб қилди Темур.

– Жиянини амакиси бағрига олса бу улуғ савоб, ҳазрат. Гулдай келинимизни бировнинг қўлига топшириб бўладими?

– Ҳақсиз. Бу масалани охирига етқузунг. Сиз не десангиз ва не ишни лозим кўрсангиз розиман. Бу савобли ишларингиз ажрини Аллоҳ беражак.

Сўнгра Темур Амир Боботуркнинг тақдирини, унинг Салима Султонбегимга бўлган муҳаббатини сўзлаб берди. Улар анчагача суҳбатлашиб ўтирдилар.

Темур Турон юртини бирлаштирганига ўн йилдан ошган, энди унга ҳеч бир давлат ёки салтанат таҳдид сололмас, унинг шуҳрати узоқ элларга тарқала бошлаганди.

Карвонбошилар ва савдогарларнинг Хуросон, Эрон ва Жўчи улуси тарафда ўзларига қилинаётган зулмлар, ҳаж сафарига бориб келувчиларнинг безовталикларини эшитган Темур худудларни тартибга келтириш лозимлиги ҳақида ўйларди. Бирок бу юртларнинг ҳукмдорлари шунчаки бир мактуб билан муаммони ҳал этиб қўя қолмайдилар. Уларга қатъий талаб қўйиб, масалани очиқ-ойдин ҳал этмок вазифасини юкламок лозим бўлади.

Давлатнинг муҳим ишларини муҳокама этмок учун Кешда курултой чақирилди. Вилоятларнинг ҳокимлари, амирлар, беклар ва мингбошилар йиғиладиган бу анжуманга Ҳирот ҳокими Малик Гиёсиддин Пир Али ҳам чақиртирилди. У Темурнинг хос чопари Темур Маликга ҳурмат-эҳтиром кўрсатдию, бирок Кешга келмокни орқага сураверди. Чопар Самарқанд йўлига чиқаркан, Ҳирот ҳокимидан Амир Темур ҳазратларига берилажак жавобни айтишини сўради.

– Амир ҳазратларининг ҳузурига бормок биз учун шарафдур. Бирок элчи этиб ҳеч бўлмаганда улуғ амирларидан бирортасини юборганда ҳам бошқа гап эрди, – дея мужмал жавоб қилди Малик Гиёсиддин тилига ўзга баҳона келмай.

Темур Малик Ғиёсиддин Пир Алининг тайсаллаётганини фаҳмлади. Шундай бўлса-да, Хожа Сайфуддинни элчи қилиб арзигулик совға-салом, самимий оҳангдаги дўстлик, биродарлик ва ҳамкорлик мактуби билан Ҳиротга жўнатди.

Хожа Сайфуддин Ҳиротга жўнаб кетар экан, Темур Тохир тарихчи билан хос китобчиси мавлоно Ориф Бухорийни хузурига чорлади. Қодир қиссахонни ҳам таклиф этишларни тайинлади. Алп Туркашбек ва Боботурк билан улар етиб келгунга қадар суҳбатлашиб ўтирди. Уларга Малик Ғиёсиддин Пир Алининг илгари тобелик ва иззат-ҳурмат билдиргани ҳолда бугун сўзидан қайтаётганини айтди.

– Бизга унинг бир динори ёки бир парча ери керак эмас. Дунёнинг барча еру суви, осмону ер ости бойлиги Аллоҳга тегишлидир. Бу давлат, бойлик ва худудлар барчамиздан қолажак. Ҳеч ким уни у дунёга орқалаб кетмайди. Жаҳонни забт этган Искандар Зулқарнайн ҳам бўш қўл билан кетган. Бироқ атрофимиздаги худудларда жойлашган барча хону бекликлар ўзларни ҳоқими мутлоқ ҳис этадурғон бўлиб қолдилар. Ўтган ҳам, кетган ҳам улар билан ҳисоблашмоғи керак. Улар бизга бас келишига ишонган куни кечмишдаги каби юртимизга бостириб келадилар. Мана ўн йилдирки, амир Камариддиннинг Андижонни талаганини ҳисобга олмасак, Турон юртига кимса ёмон ниятда оёқ босгани йўқ. Иншооллох, тирик эканмиз, юртимиз бундан буён ғаним изини кўрмағай. Малик Ғиёсиддин яхши сўз ва сулҳ билан эш бўлмайдурғон кўринадур, – деди Темур мулоҳаза оҳангида суҳбатдошларининг фикрини билмоқ ниятида.

– Туркхоқонлиги даврида дейсизми, Қорахонийлар ёки Маҳмуд Ғазнавий замонидами, Хоразмшоҳлару Чингизхон вақтида ҳам бу худудлар бизнинг тасарруфимизда бўлган. Халқларимиз бирга, аҳил-иноқ яшаганлар. Пир Али бизга йўлдош бўлса фақат ютади, – жавоб қилди Боботурк.

Шу пайт эшик оғаси чақирилган уч киши келганлигини билдирди. Кўшк томон мавлоно Ориф Бухорий, Тохир тарихчи ва Қодир қиссахонлар келишарди. Дастурхончи ўртага турли-туман емаклар, шарбат, қимиз, кимрон ва қўй айрони келтирди. Меҳмонларга патнисда бирма-бир узатди-да, таъзим бажо келтириб, тисарилганча чиқиб кетди.

Темур ва суҳбатдошлари меҳмонлар билан ўринларидан туриб, самимият ила кўришдилар. Бир оз фурсатдан сўнг эса хос мунажжим мавлоно Бадриддин ҳам келиб даврага қўшилди.

Темурнинг бу фозиллар ила суҳбати Кешнинг хушманзара Оқдарё наҳри бўйида қурилган мухташам кўшиқда давом этарди. Мажнун ва самбиттолар сочини юваётган биллур каби тиниқ дарё гоҳ тўлқинланиб, гоҳ сокин оқар, турли кушларнинг кулоқларга ўрнашиб қоладиган сайроғи киши кўнглини яйратарди. Тоғ тарафдан арча ва кийик ўтининг хушбўй иси димоққа урилар, бу гўзал табиат қўйнида инсон унинг ўт-ўлан ёки куш каби бир бўлагига айланарди. Оқдарёга қўшиладиган кичик бир ирмоқ бўйида ошпазлар кўзи гўшtidан арча ўтинида тандиркабоб тайёрлашар, чоғрок қозонда шўрва қайнарди.

– Туринглар, биродарлар, аввал бир оз айланиб келайлик, ошчилар билан суҳбатлашиб, ўзимизнинг ҳам тандиркабоб тайёрлаган дамларимизни эслайлик, – деди Темур юзига фотиҳа тортиб ўрнидан кўзгалар экан.

Ўтирганлар Буюк амирга эргашдилар.

– Йўл-йўлакай зира ва кийик ўти терамиз. Қани кўрамиз, ким энг кўп ва яхшисидан терар экан, – деди Темур суҳбатдошларни адир томон етакларкан. – Бу ерларга майдаю катта моллар ўрмаламаган. Зира ва кийик ўти кўкариб турган бўлса керак. Зира билан кийик ўти камдан-кам жойда бирга ўсади. Бу ерда эса иккиси баробар қийғос гуллаб ётади. Ҳозир айни зирани териб оладиган фурсат. Кийик ўтини истаган пайтда териб олса бўлаверади. – ҳикоя қилиб борар эди Темур. – Болалигимда худди шу ерга келиб, чалқанча ётганча осмонга термулардим. Куш уйқуси каби ўтди-кетди у дамлар. Бу икки зираворни термоқда бир сир бор. Уни ҳар ким ўз улушини тергандан сўнг айтаман, – дея илк бор ўзи ишга киришди.

Ҳар ким ўз ҳолича бир кўлига зира ва бир кўлига кийик ўти тера бошлади. Ҳовучлари тўлганда қуйига эндилар.

– Барчанинг зирасини ҳидлаб кўрамиз. – деди Темур ўзининг кафтидаги бир ҳовуч зирани бирма-бир хидлатиб кўраркан. – Кимки адашиб ёввойи зира терган бўлса хиди бўлмайди. Аралаш терса ҳам хиди яхши бўлмайди.

Барча баробар кимнинг зираси табиий ва кимники ёввойи



эканлигини аниқлашга киришиб кетди. Темур, Боботурк ва хос мунажожим Бадриддинларнинг терган зираси яхши деб топилди. Қолганларникига хашак кўқили ёввойи зира аралашган эди. Улар терган зираворларни ошчиларга бердилар. Обид баковулнинг тандир устини қандай қилиб арча шоҳлари билан беркитиб, устига тупроқ тортишини томоша қилдилар. Сўнгра гуруйглашиб, кўшкка қайтдилар.

– Мухтарам Тоҳирбек! Сиз бизга Ҳирот тарихи ҳақида билги берсангиз. Янглишмасам, бу ерларни илгари ҳам, ҳозир ҳам Турон юртининг жануби деб атайдилар. Бизга бу ҳақда маълумот бера биласизми? – деди Темур йиғилганлар дастурхон атрофидан ўз жойларини олар экан.

– Ҳирот, Хуросондаги Нишопур, Балх ва Марв каби энг йирик шаҳарларнинг биридур. Табиати мўътадил, об-ҳавоси қулай бир минтақа эрур. Унинг табиати бизнинг Кешга ўхшаб кетадур. Хуросоннинг пойтахти саналувчи бу шаҳар ғоят эски ва қадимийдур. Шаҳарнинг Ироқ, Хуш, Майдон, Мулук ва Қипчоқ каби беш машҳур дарвозаси бор. Шаҳар аркининг майдони бир фарсах келадур. Арkning тўртта буржи бўлиб Али Асад, Ҳариф, Ҳок ва Шамъониён деб аталади. Бу улуғвор арк Қипчоқ ва Мулук дарвозалари ўртасида жойлашгандур. Ҳиротга Ғазора, Инжил, Ғурвоң, Турониён, Саноён, Парвона, Сабқа, Ҳаводаштак, Камроқ, Адвон ва Тизон каби ўндан ортиқ булук қарайди. Аҳолисининг аксари туркий ва форсий тилли кишилардур. Дини ислом бу ерда муқимдур. Илк таассурот учун шу билгиларни айтмоғим мумкин. Сўровларингиз бўлса бош устига, ҳазрат, – жавобини тугатди Тоҳирбек.

– Ташаккур сизга, мухтарам биродар. Бу ердаги хукмдор бизнинг салтанатимизни аввал бошдан тан олиб келарди. Бироқ кейинги пайтда ҳеч бир асос бўлмагани ҳолда ўзини биздан олиб қочмоқда. Курултойимизга турли баҳоналарни рўкач қилиб келмайдур. Ёш бола сўйламайдиган сабабларни сўйлайдур. Не чора-тадбир қўлламоққа бошим қотиб қолди, мухтарам дўстлар. Бу хусусда маслаҳат бера билурмисиз? Мен амир ва лашкарбошилардан олдин сиздан маслаҳат сўраб, кенгашмоқдаман. Уларга қолса эрта сахардаёқ Ҳирот устига от кўйсак. Лашкаримиз ўз-ўзидан кўпайиб, кучайиб кетди. Қувватини вужудига сиғдира

олмай савашмок учун баҳона ахтармоқда. Зотан, қиличини қиндан чиқарган одам баҳона кидирмайди. Ҳаж сафари ва карвонлар хавфсизлигини таъминламоқ ҳам атрофимиздаги бебош ҳокимлар тизгинини гортиб турмокни тақозо этмоқда.

– Имкони бўлса ишни, Малик Ғиёсиддин Пир Алини яхши сўз билан йўлга солмоқдин бошламоқ тузук, ҳазрати олийлари. Сиз шу пайтгача ноҳақ ҳеч кимнинг бурнини қонатмадингиз. Арқонни узун ташланг. Эрта-индин Пир Алининг ўзи тавба-тазарру қилиб келиб қолар, – деди мавлоно Ориф Бухорий.

– Қани энди иш сиз айтганчалик осон кўчса. Малик Ғиёсиддин ва унинг эли ўжар, арзимаган нарса учун ётиб савашадиган қавмдур. Уларни илгаридан билурмен. Иш осон кўчмайдурғонга ўхшайдур, мавлоно, – деди Темур мавжланиб оқайтган сувга тикилар экан.

– Ҳазрат! Сиз барчамизга уламолар султони Сайид Шариф Жузжоний ҳазратларининг мактубини ўқиб берсангиз. Нечун бу хусусда кимсага сўйламайсиз? – деди Боботурк ўтирганлар диққатини муҳим бир масалага тортди.

– Ҳазрат Сайид Жузжоний бизни ортиқча таъриф этганлар. Мен ҳазрат сўйлаган олий хизматларни уддаламоққа ўзимни ҳали ожиз деб ўйлаганим боис бу ҳақда оғиз очмадим. Лозим топсангиз мана хат. Ўзингиз ўқиб беринг, – дея мактубини амир Боботуркка узатди.

Боботурк мактубни олиб кироат билан ўқий бошлади.

– «Ислом оламининг таянчи, раиятнинг улуғ гамхўри, Турон мулкининг Буюк Амири Темур Муҳаммад Туроғай ҳазрати олийларига! Ислом уламоларининг барчаси бир оғиздин иттифок бўлиб айтганларки. Аллоҳ таоло ҳазрат рисолатпаноҳ пайгамбаримиз, унга тангри таолонинг марҳаматлари ва саломлари бўлсун. динини тарқатиш учун ҳар юз санада бир кишини динни янгиловчи сифатида ихтиёр этган. Саккизинчи юз йилликда Амир Темур Соҳибқирон ҳақиқий динни ривожлантиради ва унга рағбат беради деган умиддамиз» – дея ёздилар Сайид Шариф Жузжоний, – деб мактубни ўқиди амир Боботурк.

– Дарвоқе, мусулмон оламин динимиз пайдо бўлибдурки, ғалаговур, тўс-тўполон. Муъмин-мусулмонлар ҳақу ноҳақни ажрата олмай оворай сарсондурлар. Исломда етмиш иккита ботил

мазҳаб пайдо бўлубдур. Аларни бартараф этиб, ҳақ мазҳабни, аҳли суннат ва жамоага ривож бермоқ лозим, – суҳбатга кўшилди хос мунажжим мавлоно Бадриддин.

– Дарвоқе, ислом олами парокандадур, – деди Қодир қиссахон. – Нуҳ алайҳиссаломнинг авлодлари бир-бирини еб, дину миллатини йўқотмоқда. Хулоқухон салтанатидин сўнг Ироқи ажам билан Ироқи араб, Эрону Озарбайжон юртлари бўлиниб кетдилар. Айни замонда Ироқда жалойирлар, Журжонда чўпонийлар, Форсада музаффарийлар, Сабзавор бирлан Исфароинда сарбадорлар, Хуросонда эса картлар ўзларини ҳоқими мутлоқ эълон этиб, ислом оламини парчаламоқдалар.

– Аллоҳ дилимизга нени солиб, нени буюрса шул бўладур, – деди Темур ўйга толиб.

Суҳбатдошлар иссиқ тандиркабоб еб, кимиз ичишиб, узоқ ўтирдилар. Барчаларининг таъблари равшан, диллари орзумидларга тўлиқ эди. Юрт тинчлиги, улус бирлиги, элнинг ҳаёти яхшиланиб бораётганлиги барчанинг кўнглига келажакга умид кўзи билан қараш ҳис-туйғусини солган эди.

– Эрта пешин намозидан сўнг келинг, – деди Темур хос мунажжим мавлоно Бадриддинга. – Бутун кўкдаги юлдузларни ишга солиб, кўмакка чақирсангиз ҳам сизни шатранжда тиз чўқтираман, – ҳазиллашди гап сўнгйда.

– Гоҳ пирдан, гоҳ муриддан, – бўш келмади мавлоно Бадриддин. – Биз ютқазсак бир ғариб мунажжиммиз. Индамай елкамизни қисиб кетаверамиз. Аммо ўзлари ютқазсалар осон бўлмаса керак деб ўйлайман. Кечаси ухлаш лозим, – жавоб қайтарди мунажжим ҳам бўш келмай.

– Жўжани эрта пешиндан сўнг санаса ҳам бўлаверади, – деди меҳр билан мунажжимнинг елкасига қўлини кўяр экан Темур. – Нақадар кўнгли тоза ва беғубор одамларсизлар. Агар атрофимда сизлар бўлмаганингизда ҳаётим не кечарди дея ўйлаб ўйимга етолмайман. Сизларни менга дўст ва маслақдош қилган Аллоҳимга шукрлар бўлсин! Зотан инсонга қош-қовоғига қараб турадиган кул эмас, дўст керак. Қани энди ҳар бирингизнинг ҳаётингиздаги барча оғир-енгил кунларингизда ёнингизда бўлиб, сизларга чексиз яхшиликлар қилсам. Мен учун бундан буюк саодат бўлмағай!

Шу сўзларни сўзлаганда, беихтиёр унинг кўзлари ёшовлади. Барча дўстларини кучоклаб, бағрига босиб хайрлашди.

– Астағфируллоҳ!

– Астағфируллоҳ! – дейишди улар бирин-кетин.

Эртаси куни эрталаб Алп Туркашни хузурига чорлаган Темур Ҳиротда бўлаётган ишлар ва Хожа Сайфуддиннинг тақдири хақида сўраб-суриштирди. Ҳиротга кетган элчи ўн ойдирки, Самарқандга қайтмаган эди.

– Бу ерда бир гап борга ўхшайдур, Туркашбек, – деди Темур ташвишли қиёфада. – Янгилик борми?

– Бор, ҳазрат! – Пир Али Хожа Сайфуддинни зиёфатма-зиёфат олиб юриб тинкасини куришибди. Ҳар бир сўзида сизнинг номингизни тилидан қўймас эрмиш. Керак бўлса Темурбек ҳазратларининг отига хутба ўқитиб, танга зарб этамиз деган гапларни ҳам сўзлабди. Хожа Сайфуддин захарлаб ўлдириб қўймасайди дея, юрагини ҳовучлаб юрган эмиш. Унинг кўз ўнгида эса саваш тайёргарлиги кўрилмоқда экан. Ҳирот калъаси деворлари мустаҳкамланиб, таъмирлаб бўлинибди. Узунлиги икки фарсаҳ келадиган Шаҳристон девори қурилиб, шаҳар атрофидаги ўттиз маҳалла боғ-чорбоғлари билан ўралиб, шаҳар худудига қўшиб олинган. Узоқ вақтга етгулик озиқ-овқат омборларга келтирилган. Хожа Сайфуддин узоғи билан икки ойларда етиб бораман, ҳазрат безовта бўлмасунлар. Душманнинг сиртида эмас, ичида бўл деган сўзга амал қилиб, барча воқеа ва ҳодисаларни кузатиб турибман. Ҳар ҳолда бу тарафдан хайриятлиғ кутиб бўлмайди. Шунга қараб чора-тадбир кўрмоқ лозим деган хабарларни бериб турибдилар. – сўзини мухтасар қилди Туркаш.

– Хожа Сайфуддиннинг хабарлари хусусида нима дейсиз? Унга ишонса бўладими? – сўради Темур. – Анинг узоқ қолиб кетгани ҳам шубҳалидир.

– Хожанинг сафари чўзилишига бошида ўзингиз рухсат берганингиз, ҳазрат.

– Рухсат берганимда ҳар ҳолда бир йил қолиб кет демагандурман.

– Менимча, ул кишининг барча ахборотлари биз учун гоят муҳимдир. Бу маълумотларни бизнинг одамларимиз етказган хабарлар ҳам тасдиқламоқда. Бундан ташқари ўзингизга илгари

айтганимдек, Малик Ғиёсиддин зулмидан безган қавмлар билан ҳам алоқаларимиз бор. Улар Хожага мурожаат қилиб, бизни беклаётганликларини билдирмоқдалар.

— Унга хабар еткуринг, Самарқандга қайтсун! Юриш учун зарур ҳозирликлар кўрмоққа киришилсун! — деди Темур қатъий оҳангда. — Биз Малик Ғиёсиддин билан сичқон мушук ўйнамаймиз. Дўст бўлса дўстлигини очиқ айтиб исботламас экан, шунга қараб иш тутамиз.

Темур Туркашга рухсат бериб, беихтиёр чўзилди. Унга Моҳондан хабар келган эди. Ҳузурига бундан йигирма йил бурун уни зиндонга ташлаган Моҳон ҳукмдори Алибек Жониқурбоний келаётган эди. Темур орага тушган кишиларга унга нисбатан кўнглида ҳеч бир ғарази йўқлигини, бу воқеанинг Аллоҳнинг бир синови дея қабул этганлигини сўйлагандан сўнг Алибек Жониқурбоний совға-саломини туя карвонига юклаб йўлга чиққан эди.

Айниқса, Оқ Ўрда ва Кўк Ўрдага кўркув солиб турган амир Қамариддиннинг белини синдириб, Мўғулистонни забт этган Амир Темурнинг шуҳрати ёйилганди. Хайрихоҳлар унинг ҳузурига интилар, ёвлашиб юрганлар эса яқинлашмоқ, дўстлашмоқ учун Самарқанд йўлини тута бошлагандилар.

Олтмиш икки кун Амир Темурни қўлбола зиндонда асраган дўлвор Алибек Жониқурбонийнинг ҳам пайтавасига қурт тушган, уйқусида ҳаловат йўқ эди. У Темурдан ёмонлик кутмаса-да, ўзаро мавқе талашиб юрган туркман амиру бекларидан чўчий бошлади. Буларнинг бирортаси Темурга ўз садоқатини кўрсатиш учун ҳам унга ёмонликни раво кўриши мумкин эди. Хайриятки, ўшанда улуғ пир Муборакшоҳ келиб, Темурни озод қилиб юборди. Йўқса Алибек Жониқурбоний бу пайтда ҳаёт бўлармиди, йўқми, бу ёлғиз яратганга маълум.

...Ўшанда биз тўрт киши эдик, кўм-кўк тиниқ осмонга термулиб ҳаёл сурарди Темур. Ўлжой Туркон оғо, Дилшод оғо ва Амир Ҳусайн. Бугунги кунда эса ёлғиз мен тирикман. Аллоҳга шукр! Ўтганларни худо раҳмат қилсун! Жойлари жаннатда бўлсун!

Темур шу ҳаёлда ўрнидан туриб, таҳорат қилди. Икки ракат нафл намози ўқиди. Сўнгра бир замон у ила барабар зиндон азобини чеккан уч йўлдоши руҳига Қуръон тиловат қилди.



## УЧИНЧИ БОБ

*Ўзингинг ўзгага қилган яхшилигингни, ўзанинг ўзингга  
қилган ёмонлигини унутиб яша.*

Халқ сўзи

Эртаси куни ҳам Темур Окдарё бўйидаги кўшқда ўтирарди. Пешин намозидан сўнг хузурига хос мунажжим мавлоно Бадриддин ташриф буюрди. Хос мулозим ҳинд усталари садафдан ясаган шатранжни олиб келиб, хонтахта устига терди. Улар икки маротаба ўйнадилар. Биринчисида Темур ғолиб келди. Иккинчисида мунажжим енгди. Энди учинчи бор дона сурардилар.

Кўшқдан бир неча қадам нарида эшик оғаси билан чопар турарди. Темурнинг кўнгли бир хушхабарни сезгандек бўлди. Ўгирилиб, сўйланг дегандек бош ирғади.

– Суюнчи беринг, аъло хазрат! Ўғил муборак бўлсун! – деди қувончини яширолмаё эшик оғаси. – Фарзанди аржуманд кутлуғ бўлсин!

Темур хурсанд бўлиб кетди. Елкасига ёпиғлиқ турган шоҳона тўнни ечиб, эшик оғасининг елкасига ёпди. Чопарга эса кумуш эгар-жабдуқли отини ҳада этди.

– Ворис муборак! Аллоҳ умри билан берган бўлсин! – кутлади мавлоно Бадриддин. – Ота-боболари каби улусимизнинг шаън-шавкатли ўғлони бўлиб етишсун!

– Қуллук, мавлоно! Юринг энди. Бугун бизга сиз тарафдин ёруғлик йўққа ўхшайдур, – деди яна шоҳмот тахтасига ишора қилиб.

– Шоҳ! – деди Темур мавлоно Бадриддиннинг шоҳига кишт бераркан. Мавлоно шоҳини фарзин билан тўсди.

– Энди мағлуб бўлдингиз, мухтарам мунажжим! – деди Темур фарзин бўлган пиёдаси билан қайта шоҳ бераркан! Ўғилнинг оти ҳам Шоҳруҳ бўлади. Бизнинг мана шу саодатли кунларимизни эслатиб юради!

– Ажойиб исм. Шу пайтгача эшитмаган эдим бундай гўзал отни, – деди мавлоно Бадриддин. – Ғоят гўзал!

– Янги меҳмон шарафига тўкин дастурхон тузатилиб, зиёфат тартиб этилсун! Катта-кичик, барчага емак улашилсин! – буюрди Темур амир Боботуркка қараб. – Яқинларимизнинг барчасини ҳузуримизга чорланг. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин!

Бахтли дақиқалар-тез, кўз-очиб юмгунчалик-фурсатда ўтиб кетади. Бироқ оғир кунларнинг кечиши қийин бўлади, ўйларди Темур кўшқда ҳаёл суриб ўтираркан. Эшик оғаси Мохондан ҳокими Алибек Жониқурбоний ташриф буюрганини, Темур ҳазратлари пешини юзига суртмоқ ниятида эканлигини маълум қилган, Темур ҳаётидаги энг оғир кунларни бошдан кечирмоққа мажбур қилган кишини кутиб ўтирарди. У билан суҳбатлашмоқ ва сўзини эшитмоққа қизиқарди. Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади деганлари шу экан-да. Бечора Алибек ташвиш чекмаса ҳам бўлар эди. Темурнинг кўнглида унга нисбатан ҳеч қандай адоват йўқ. Пешонасига ўша кунлар битилган эканки, бошдан кечирди. Тақдирга тадбир йўқ.

Куйида эшик оғаси етаклаган меҳмон кўринди. Семиз, қиррабурун ва салқи юзли Алибек Жониқурбоний хансираб юриб келарди. У кўшқга яқинлашганида Темур ўрнидан турди. Алибек Жониқурбоний эса таппа ўзини Темурнинг оёғига ташлади.

– Мен гуноҳкор бандани кечиринг, аъло ҳазратлари! Сизга нисбатан кўнглимда ҳеч қандай ёмонлик йўқ эди! Мендан жоҳиллик ва гумроҳлик ўтган! Бир қошиқ қонимдан кечинг, ҳазратим! Бир умр қулингиз бўламен!

– Туринг ўрнингиздан, – деди Темур уни қўлтиғидан оларкан. – Менинг кўнглимда сизга нисбатан бирор кин бўлганида эди, ҳузуримга чорламас эрдим. Мен сизни дўст, биродар, диндош ва миллатдошим деб билурмен ҳамда ҳурмат қилурмен, – деди Темур уни ўтирмоққа даъват этар экан. – Сизнинг ҳам кўнглингиз тоза эканки, бўлиб ўтган ўша воқеа учун узр тиламоқ учун заҳмат чекиб келибсиз. Узрингиз қабул. Биз сиз билан дўстмиз. Худойликни айтмоғим лозимки, сизнинг ертўлангизда ҳаётимда ҳеч кимдан олмаган сабоқни олдим ва ўшанда ким бўлмайин, ҳеч қачон ва ҳеч кимга ноҳақ жабр-зулм қилмайман деб аҳд қилгандим. Кўзум очиқ эркан, аҳдимга содикмен.

– Арзимас совғаларимизни қабул-этинг, ҳазрат! – деди Алибек

орқасидан келиб бир неча қадам нарида таъзим қилиб турган одамларига ҳадяларни келтиришни буюриб. – Оз бўлса-да, кўп ўрнида кўрасиз.

Алибек Жониқурбонийнинг совғалари антиқа, турли-туман ва қимматбаҳо эди.

– Ташаккур, Алибек! – деди Темур унга миннатдорчилик билдириб.

– Сиз келин қилмоқни орзулаган қизим Хон Султонни ҳам ҳузурингизга келтирдим. Сиз ила қуда-анда бўлмоқ, бизга буюк бир шарафдур, ҳазрати олийлари, – деди сўнгра Алибек Жониқурбоний.

– Ҳа, биз сизнинг қизингизга оғиз солганмиз. Узоғимизни яқин қилиб, хўп яхши иш қилибсиз. Сизларни ҳос меҳмонхонага ерлаштирадилар. Дамингизни олиб, шаҳар айланингиз, томоша қилингиз. Сўнгра бафуржа суҳбатлашамиз, – деди Темур меҳмонни кузатар экан.

Темурнинг набираси амирзода Муҳаммад Султонга ўзининг қизи Хон Султонни олиб бериш нияти борлигини эшитган Алибек Жониқурбоний оила аъзолари билан йўлга тушиб, бу хайрли ишни ҳам битирмоқ ниятида келган эди. Ўн кундан сўнг эса Хон Султонбегимни амирзода Муҳаммад Султонга унаштирдилар.

Бу ишнинг бошида турган амир Боботурк маросим охирлагач, Темурга ҳисоб берди.

– Биз ҳам сизнинг тўйларингизда хизмат қилайлик, мухтарам амирим. Бахтимизга доимо соғу саломат бўлинг ва ниятингизга етинг, – дея уни дуо қилди Темур. – Бўлажак келинимиздан ҳеч бир хабар йўқми? – дея Салима Султонбегимни суриштирди.

– Афсуски, йўқ, ҳазрат. Бироқ Аллоҳдан умид бор. Бизга ҳам раҳми келиб мушқулимизни осон этар, – жавоб қилди амир Боботурк.

– Менинг кўнглим ҳар нарсани сезади, Боботурк. Сиз орзуйингизга етасиз. Бироқ Яратган сизга сабр-тоқат берсин! Ютган ютади дейдилар, – унга таскин берди Темур. – Амирзода Мироншоҳга айтинг. Эртага эрталаб нонуштадан сўнг ҳузуримга келсинлар. Сиз ҳам сафар ҳозирлигини кўринг. Ҳирот томон юрасизлар. Зора келиндан ҳам хабар топилса.

Амир Боботурк таъзим-ла чиқиб кетаётганда, Темур уни эшик олдида тўхтатди. Боботурк қайтиб келди.



– Бир нарсани сизга айтиб қўяйин. Туркашбекка ҳам айтинг. Ўн марта кудамиз бўлса-да, Алибеклар қавмига ишониб бўлмайди. Биздан кўра манфаати кўпроқ тегадиган ҳукмдорни топган куни шартга юз буриб, ўша томонга ўтиб кетадилар. Унинг хатти-ҳаракатидан хабардор бўлиб турмоқ лозим ва қўшини ҳамда уруғи ичида ишончли кишимиз бўлиши керак. Одамимиз-биз-тарафдан эмас, ўзининг авлодидан бўлсин. Бойлик ваъда қилинса улар ҳеч нарсадан тоймайдилар. Тушундингизми? – Қайта таъкидлади Темур жиддий оҳангда.

– Тушундим, ҳазрат!

– Эгам йўлингизни берсин!

Темурнинг шубҳасига ҳайрон бўлган Боботурк воқеалар ривожидан Алибек Жониқурбонийнинг юраги тоза эмаслигини, Самарқандга келишдан олдин Ҳирот ҳокими Малик Ғиёсиддин Пир Али орасида махфий музокаралар бўлганлиги, улар ўзаро қандайдир битимга келишганидан хабар топди.

Темур Самарқандда уни кузатар экан, беихтиёр, кўзларига тик боқди. Меҳмон нигоҳини олиб қочди. Шунда Темур эски танишининг бу келиши бир ўқ билан икки ўлжани урмоқ эканлигини фаҳмлади.

Болаларини оғир шароитларда, барча баробар ишлаб, дунё танишга ўргатадиган Темур Ҳирот юришини амирзода Мироншоҳга топширмоқчи эди. Ўн тўрт ёшли амирзода бир ҳаракат қилиб кўрсин-чи, шунга қараб иш юритилади қарор қилди Темур. У тарафда Пир Али билан укаси Малик Муҳаммаддан бошқа астойдил қаршилиқ кўрсатадиган ҳукмдор ҳам, куч ҳам йўқ. Бироқ бундай фикрга бориб, лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Урушда қонуният камдан-кам бўлади. Гоҳида оддий бир тасодифу, эътиборсизлик ҳам жангу жадал тақдирини, тарих ғилдирагини бошқа томонга буриб юбориши мумкин.

Амирзода Умаршайх Мирзони Андижон ўлкасидан олиб бўлмайди. Дўғи худудининг хавфсизлиги учун бир темурий амирзода у тарафда турмоғи лозим. Жўчи ва Жетага ҳам, кеча оёғини ўпиб кетган Тўхтамишга ҳам, бесўнақай Алибек Жониқурбонийга ҳам ишониб бўлмайди. Ишқилиб, Аллоҳ кунингни бу инсонларга қолдирмасин.

Узоқ ўйлаган Темур охирида Мироншоҳ бошчилигидаги

кўшинга сафар ҳозирлигини кўрмоққа фармон берди. Амирлар нигоҳида янги жангу жадал ташвиши сезилиб турса, лашкарбошиларнинг кўзи ёнарди. Тавба, ўзича ўйлади Темур, инсон зоти ҳарб ишини бўйнига олдимиз ўзини шу қасбни қўллашга тайёрлаб, шунинг иштиёқида яшар эканда! Акс ҳолда худо билади эртага тақдири не кечади?

Юриш хусусида барча бир фикрда эди. Ҳеч ким бу сафарга эътироз билдирмади. Мироншоҳнинг ёнида Хожа Сайфуддин, Пир Хусайин барлос, Муҳаммад Султоншоҳ, Оқ Буғо, Усмон Аббос, Тобон баҳодир ва Жаҳонгир барлослар бор эди. Уруш кўриб кўзи пишган бу амиру лашкарбошиларни жўнатган Темурнинг ўзи ҳам маълум муддатдан сўнг йўлга чиқиш ниятида эди. Бироқ бу фикрини ҳеч кимга билдирмади. Кишилар қанчалик мустақил иш юритсалар, шунчалик қатъий ҳаракат қиладилар ва ҳеч кимга суянмайдилар. Ишни ниҳоясига етказмоққа уринадилар. Бундай шароитда амирзода Мироншоҳ ҳам пишади, тобланади, дея ўйлаган эди.

Жайхундан ўтган амирзода Мироншоҳ ўрдуси Шибирғонга етганда тўхтади. Кўшин шу ерда муқим қолди. Шароит тақозоси нуқтаи назаридан қишни муътадил иқлимли Шибирғонда ўтказмоққа қарор бердилар. Баҳор кириши билан Мурғоб дарёсини кечиб ўтган лашкар Бодхиз ўлкасига кирди. Бу вилоят Ғиёсиддиннинг укаси Малик Муҳаммад тасарруфида эди. Бир ярим йилдан бери урушга астойдил тайёргарлик кўрган Малик Муҳаммад кўшини қаттиқ қаршилиқ кўрсатди ва Мироншоҳ лашкарини Мурғоб томон чекинишга мажбур этди.

Лашкар ҳаракатидан хабардор Темур ишнинг бошида ўзи турмаса бўлмаслигини англаган эди. Унинг бошдаги шубҳаси тўғри чиқди. Қисқа фурсатда катта ўрду Кеш атрофидаги сой ва кенгликларни тўлдирди.

Минг уч юз саксон биринчи йил учинчи ойнинг йигирма еттинчисида лашкар ҳаракатга келди. Кўшин йўлга чиқаркан, чопар Алибек Жониқурбонийдан мактуб келтирди. У мактубда Амир Темур ҳазратлари истаган замон кўмакка етиб боришини, лозим кўрса йўл кўрсатувчилик қилишга ҳозирлигини таъкидлади. Темур қуловузга эҳтиёж йўқлигини, бироқ кўмакка келишига рози эканлигини билдириб, қудасига чопар жўнатди.

Катга лашкар шитоб билан Жайхундан кечиб ўтиб, Андхуд ерига кирди. Темур кўшинни шу шаҳарга жойлаштирмоқни буюрди. Ўзи эса амиру лашкарбошиларини олиб, бу ернинг улуг кишилари мазорларини зиёрат қилмоқликка, масжиду мадрасалардан хабар олиб, раият аҳволи ила танишмоққа киришди. Кўчалардаги гадоё, ғариб-ғураболар маълум бир ерларга жамланди. Уларга озиқ-овқат, кийим-кечак берилиб, фойдали бирор иш билан шуғулланишга жалб этилди.

– Жаҳрия тариқатининг шайхларидан бири Бобо Сангу ҳам шу ерда яшайди, ҳазрат, – деди Боботурк улар жомеъ масжидидан чиқишаётганда.

– Худо Куръони Каримини ва бу дунёни тириклар учун, мана шу оламни яшартмоқ учун яратган. Бу шайх эса узлатга чекинган. Нима, бу Аллоҳга қарши исёнму? У худога нега мени яратдинг демоқчими? Шу боис динни парчаловчилардан эҳтиёт бўлмоқ лозим. Ҳар бир иш ақл-идрок доирасида бўлмоғи керак. У кишим ўзларини авлиё санаб узлатда ётсалару, бошқалар унга емак ташисинлар? Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбандни олиб кўринг. Бир парча нонини ҳам ўз қўл меҳнати эвазига топиб еган. Бу Аллоҳга ҳам, Аллоҳни илм билан топмоқ ниятидаги инсонларга ҳам тушунарли ва қабул этарли тариқатдур. Муқаддас ислом дини тарки дунёчиликни инкор этади. Лекин бу киши бизни қандай қабул қилмоғидан қатъи назар зиёрат этамиз, – деди Темур улар оҳиста отда кетиб бораркан.

Бобо Сангу Темур оёғи остига қўй тўшини ташлаб қарши олди-ю, бироқ очилмади.

– Буни ҳам тушуниш керак. Юртига келганимизни ҳазм қила олмаган кўринади. Бу ер аввало Аллоҳнинг, сўнгра бандаларникидир, – деди Темур Амир Боботурк ила йўлида давом этаркан.

Улар шаҳар четидаги қўшин томон яқинлашганида амирзода Мироншоҳнинг хос чопари кутиб турарди.

– Ваалайкум ассалом. Келинг, авлодим, – деди Темур ёш навкарни кузатар экан. – Амирзодамизнинг сихатлари яхшими? Не хабарлар келтирдингиз?

– Амирзодамиз падари бузрукворларига сихат-саломатлик тилаб, фармон беклайдилар. Йўл-йўриқ кўрсатмоқ сўрайдурлар, – деди жаранглаган овозда хос чопар.

– Амирзодага айтинг. Бизни Мурғобда бекласунлар. Етиб бо-  
рамыз. Ҳеч қандай ҳарбий хатти-ҳаракат қилинмасун. Лашкар  
юриш ҳозирлигини кўриб, сафарга шай бўлиб турсин. Англа-  
дингизму? – деди Темур дона-дона қилиб.

– Англадим, буюк амир ҳазратлари!

– Йўлингиз оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлсун! Амирзода ва  
барча амиру лашкарбошиларимизга бизнинг салом ва хур-  
матларимизни еткуринг!

– Бош устига, аъло ҳазрат!

Хос чопар улардан анча нарида, отини ушлаб турган шерикла-  
ри олдига қайтди. Улар аввал отни секинроқ ҳайдаб, сўнгра чоп-  
тириб кетдилар.

– Чопарлик ва элчилик нақадар бир ажойиб иш-а? – деди Темур  
уларнинг от кўйишганига ҳавас билан тикилиб тураркан. – Ёш-  
лигимда мен ҳам элчи бўлмоқликни орзу этардим. Дўстларимиз  
билан элчи-элчи ўйин ўйнардик. Ким кўйини қаерда боқиши  
хусусида музокаралар олиб борардик.

Тонг отиши билан Темур лашкари Андхуддан чиқиб, Ҳирот  
томон юрди. Олди-орти кўринмас қўшинни кўрган рақибнинг  
қўлидан қиличи тушиб кетарди. Лашкар Сарахсга етмасданок  
қоровул вилоят ҳокими Малик Муҳаммад шаҳар ва қалъалар  
калитини топшириб, тобелик изҳор этмоқ ниятида келаётганини  
билдирди.

Темур Малик Муҳаммадни илиқ қаршилади. Оғаларча муно-  
сабатда бўлиб, ёнидан жой кўрсатди.

– Биз бундан буён ўзимизни сиз олий ҳазратларининг бир хиз-  
матчиси деб билурмиз! – дея таъзим ила сўз бошлади, Малик  
Муҳаммад титраган оҳангда. – Ниятимизнинг исботи ўлароқ  
шаҳримиз ва қалъаларимиз калитини сиз ҳазрати олийларига  
тақдим этурмиз!

Унинг овозида самимият ва садоқатдан кўра кўрқув, ҳадик ва  
фурсати келгани замон ўч олмоқ оҳанги устундек эди.

У шундай деб зарбоф боғичли қизил халтачага солинган калит  
шодасини Темурнинг олдига қўйди.

– Сизнинг сулҳпарварлик ва тинч-тотувликка бўлган ҳара-  
катингизни юксак қадрлайман, мухтарам биродарим, – дея жавоб  
қилди Темур самимий ва босиқ оҳангда. – Бу дунё ва бу ер барча-

миздан қолгувсидир. Модомики, тирик эканмиз, уни ақл-идрок ила тасарруф этмоқ мажбуриятидамиз. Бул вилоят ва унинг еру суви, ҳокимияти сизга ва улусингизга буюрсин! Бизнинг лашкаримиз бу ердан бир дона игнани ҳам қўлига олмайду. Сиз салтанатимизнинг вакили сифатида Хуросон юртини сўрайсиз. Бу ҳақдаги фармони олий сизга тақдим этилади.

– Куллуқ, ҳазрати олийлари! – деди ўрнидан туриб, қайта-қайта таъзим қилар экан, Малик Муҳаммад бу сахийликдан ҳаяжонланиб. – Сизнинг бу қадар олижаноблигингизни эшитган эрди-ку, гапнинг рости унчалик инонмагандик. Ҳақиқатан ҳам сиз дарёдан сув бағишлаган, уммон қалбли бир инсон экансиз. Бизнинг баъзи хато ҳаракатларимизни кечиринг. Узримизни қабул этинг.

– Сизнинг ҳеч қандай хатойингиз йўқ. Виждонли, иймонли ва эътиқодли бир инсон сифатида элу юртингизни ҳимоя этмоқ бурчингиздур. Шунинг учун мен сизни хурмат қиламан ва қадрлайман. Сиз ҳақсиз. Биз ҳам осмондан тушганимиз йўқ. Неки бўлса Аллоҳнинг тақдири. Шунга қараб иш юритмоғимиз керак деб ўйлайман, – дея унинг сўзларига жавоб қилди Темур. – Биз Маккадан то Тангри тоғларигача бўлган улкан ҳудудда диндош ва иймондошларимиз, жумладан бошқа дин ҳамда миллат кишилари ҳам эмин-эркин яшасинлар, тижорат қилсинлар деган умидда юртларнинг бирлашувини-истаймиз. Бу улкан сарҳадда кимса-кимсанинг молига кўз олайтирмайди, кимса-кимсага зулм ўтказмайди. Фақир-фуқаро, етим-есир, бева-бечора, бой ва золимлар зулмига мубтало бўлмайди. Бизнинг ясо ва юсунимиз, конун-қоидамиз шундан иборатдур. Бу хусусда бирорта фикрингиз бўлса ҳар замон тортинмай айтишингиз мумкин. Биз нотўғри ёки танқидий фикр учун ҳеч кимни жазоламаймиз. Бул иш ожизларнинг тирикчилигидур. Ишончим комилки, элу юртингиз омонликда яшаяжак!

– Куллуқ, ҳазрати олийлари! Умид ҳам шунчалик. Гапнинг рости, сиздан бу қадар марҳамату саховат кутмаган эрдик, – деди ҳаяжонини боса олмай Малик Муҳаммад. – Бундан буён оёғимизни итоат ва садоқат остонасидан олмағаймиз.

– Бизда ҳеч қачон инсоний меҳр-муҳаббатимиз ва меҳримуруватимизни сиздан дариг тутмағаймиз! – деди Темур уни кузатмоққа чоғланаркан.

Лашкар Мурғоб томон юзланди. Амирзода Мироншоҳ Мирзо қўшини сафарга шай бўлиб, катта ўрдунни кутиб турарди. Қўшин бирлашиб, кўз илғар майдонни тўлдирди. Темур сайхонликнинг кунчиқиш томонидаги тепаликка чиқиб, лашкарни кўздан кечирди.

Оқ тулпорнинг жилови Ҳиротга томон бурилди. Қудратли қўшин ҳаракатга келди. Олий ўрдуда Темур учун кадрдон бўлган, ҳаётининг оғир ва енгил кунлари кечган Жигдалик дараси томон борарди.

– Жигдаликда қўнамиз, – деди Темур амир Боботуркка. – Ўтовни, илгари менинг ўтовим тикилган тепаликка тикинглар. Ўша дамларни бир хотирлайлик. Буюк амирнинг осмонранг саропардаси тўрт тараф кафтдек кўриниб турадиган тепага тикилди. Кунлар исиб кетмаганлиги боис кўнчилик ўтов тиккан эди. Темур тоат-ибодат қилаётганида ёки холи қолганида амир Боботурк ва Алп Туркашбек унинг ёнида бўлар, вазиятга қараб маълум масофада турардилар.

– Туркашбекка айтинг, кечқурунги емақдан сўнг Кўк Ўрда ва Оқ Ўрда хусусида суҳбатлашамиз. У тарафларда ҳам жуда катта воқеалар содир бўлаётганга ўхшайди. Тўхтамиш ўғлон иш кўрсатибди чоғи. У ислованларга тегмаса бўларди.

Амир Боботурк оти томон юрди.



## ТЎРТИНЧИ БОБ

*Бир худодин ўзгаси,  
Барча галатдур, Машираб-о!*  
Бобораҳим Машраб

Жўчи улусида хонлар кўлқоп каби алмаштириларди. Наврўзни ўлдириб тахтни эгаллаган Хидирхон бир муддат Жўчи улусини ҳам, Русияни ҳам илгида тутиб турди. Хузурига Москва улуғ князи Дмитрий Донский, Владимир улуғ князи Андрей Суздальский, князлар Константин Ростовский ва Михайло Ярославскийлар келиб, ўз тобеликларини билдириб кетдилар. Ҳеч ким эрта-индин бу қудратли салтанатнинг алғов-далғов бўлиб кетишини ақлига келтирмас эди.

Кўп ўтмай Хидирхон катта ўғли Темур Хожа уюштирган фитна оқибагида ўлдирилди. Бу суиқасдга Хидирхоннинг бошқа ўғиллари ҳам қўшилдилар. Темур Хожага эса Жўчи улуси тахтида ўттиз беш кун ўтириш насиб этди, холос.

Ўрдада шундай ҳолат юзага келган эдики, чингизий хонзолаларнинг тахт таллашиб, бир-бирларини ўлдиришлари амир ва лашкарбошиларнинг жонига теккан, бир-хонзоданинг ўлими бир неча амиру лашкарбошининг йўлдан олиб ташланиши ёки ўлимига сабаб бўларди.

Бундай ҳолатга қарши илк бор исён кўтариб чиққан киши Олтин Ўрданинг амири Мамай эди. Мамай бундан бир қанча сана аввал Олтин Ўрда хони бўлган Бердибекнинг куёви ва бош амири эди. Бердибекнинг бутун давлат ишларини юритган Мамай катта тажрибага эга бўлиб, моҳир қўмондон эди.

Темур Хожани аксарий Олтин Ўрда амирлари суймас эдилар. Бошкентдаги барча етук амир ва мингбошиларни ўзига кулоқ солишга мажбур эта билган Мамай Темур Хожага қарши очиқ кураш бошлади. Бунинг учун дастлаб Ўзбекхон авлодидан бўлмиш Абдуллани хон деб эълон қилди. Тахт учун очиқ ва шиддагли кураш кетди. Мамайдан қўрққан Темур Хожа Идил дарёси бўйларига қочди ва ўша тарафларда яшириниб юрди. Бирок Мамайнинг одамлари уни излаб топиб, ўлдирилди.

Мамай Чингизхон авлодидан эмас эди. Шу боис ўзи хон бўла

олмасди. Абдулла эса номига хон эди. Бирок Сарой Оқ Ўрда хонларидан бўлмиш, Ўрда Шайхнинг ўгли Муридхоннинг қўлида эди. Абдулла билан Мамай ва Муридхон ўртасида аёвсиз кураш борарди. Бирок Муридхонни Мамай ва унинг хони эмас, Мўғул Буганинг ўгли ўлдиради. Сарой тахтини эса Темур Хожанинг ўгли, Ўрда Шайхнинг невараси Азизхон эгаллайди. Азизхон ҳам Абдулланинг ракиби ўларок уч йил ҳукмронлик қилади. Булғор ери эса бу пайтда Пулат Темур қўлида эди.

Мамай кўлбола хон Абдуллани минг уч юз етмишинчи йилгача ушлаб турди. Унинг сирли ўлиmidан сўнг Ғиёсиддин Булокхонни хон қилиб кўтарди.

Мамай Рус устига юриб, Ботухон, Ўзбекхон ва Жонибек замонларидаги хирожлар миқдорида бойлик келиб туришини талаб қилади. Рус князлари ила савашиб енгиллишни хаёлига ҳам келтирмас эди. Сабаби, у истаган замони беш юз минг сонли қўшин тўплай билар, бундай қўшин билан ҳар қандай душманни ер ила яқсон қилиш мумкин эди. Мамаининг Литва князи Ягайло ва Рязань князи Олег каби иттифоқчилари бор эди. Бирок бу князларнинг ҳам аслида ўз ниятлари бўлиб, барча муаммо ва манфаатлар бойлик ва ҳокимиятда туриб қолишга бориб тақаларди.

Бундан уч йил бурун кўнгилдагидек солиқ тўламай кўйган рус князларини жазолаш учун улар устига юрган Мамай Нижний Новгородни эгаллади ва аскарларига қўлга илингулик нарсани олишни буюрди.

Мамай рус хавфини билар ва унга нисбатан чора-тадбир қўлламоқни-да уддасидан чиқар эди. Бирок Тўхтамишнинг имкониятларини ҳисобга олмаган эди.

Пухта Тўхтамиш эса Мамай билан Русия муносабатларини синчковлик билан кузатди. Мамай рус қўшинларини енгса ҳам кучсизланар, енгилса тинкаси қурир эди. Тўхтамишхон бунинг ҳисоб-китобини қилиб, қиличини қайраб, найзасини чархлаб турарди.

Мамай Кўк Ўрдага етиб келиши биланоқ барча ишларини йиғиштириб кўйиб янада катта қўшин тўплашга киришди. У Русия устига босиб бориб, янчиб ташламоқ ниятида эди. Мамай тўплаган бойлигини бошкентда қолдиришга ҳам ишонмай ўрдуси билан бирга олиб юрарди. Бу бойликнинг ўндан бирига у катта лашкар тўплай оларди.



Тўхтамишхон Жўчи тахти билан бирга шу олтинларни кўлга киритмоқ илинжида фурсатни бой бермай кўп сонли лашкари билан йўлга тушди. Уша, бир пайтлар мўғуллар русларни енгган Калка дарёси бўйида икки мўғулу қипчоқ қўшини тўқнашди. Қонли жанг Тўхтамишхон фойдасига ҳал бўлди. Мамай ўнгламайдиغان даражада синди.

Жўчи бегининг оёғи тойганини кўрган амир ва лашкарбошилари дарё суви каби оқиб Тўхтамишхон томон кетавердилар. Қисмат Мамайдан юз ўгирган эди. Ҳатто уни никоҳли тўрт хотинидан иккитаси бир кечада ғойиб бўлди. Кўп хону амирларни кўриб кўзи пишиб кетган ўрда беклари уддабурон Тўхтамишхоннинг қобилиятини билар ва ичларида тан олар эдилар.

Шу фикрда бўлган кўплаб амирлар эл улуси билан сурувсурув қўй, уюр-уюр йилқи ва туяларини ҳайдаб, Сигноқ томон йўлга тушдилар.

Барча амирлари ва лашкарбошилари ташлаб кетган Мамайнинг боши қотиб қолди. Атрофида минг чоғли лашкари бор эди, холос. Уларни ҳам катта пул эвазига тутиб турар, барчасининг кўзи Мамайнинг сандиқларга солинган дуру гавҳарларида эди. У шу пайтгача бойликни куч-қудрат, ечилмаган муаммоларнинг калити деб билар эди. Шунда у илк бор бу бойлик бугун ёки эрта ўзининг бошига етишини ҳам англади. Бироқ қанчалик ўйлаб кўрмасин, бу дуру жавоҳирларни бировга бермоқ ва ундан ажрамоқни ақлига сиғдиролмади.

Не қиларини билмай, атрофини ўраб турган сотқин ва хоинлар ичидан тезроқ чиқиб кетишни ўйлаётган Мамай Қримнинг Генуяга қарашли Кафа шаҳри маъмурларидан бошпана сўраб, мурожаат этди. Улар эътироз билдирмадилар. Ҳисобсиз хазинасини туя ва араваларга ортган Мамай Кафа шаҳрига етиб борди. Бир замонлар у бу тарафларга келганида барча ҳокиму маъмурлар келиб оёғига бош урар эди. Энди эса уни бир тўп қуроли кишилар совуқ кутиб олди. Мамайнинг юраги орқасига тортиб кетди. Бунча миқдордаги хазина билан ўз юртидан чиқиб қаерга ҳам бора оларди? Наҳотки, шунга ақли етмади? Ақлинг бўлганида шундай катта юртни қўлдан бой берармидинг деган ички бир нидо келди. Мамайнинг дами ичига тушиб кетди.

Унинг кўнглига келган фожиа бир haftaдан сўнг юз берди. Кафаликлар Жўчининг омад юз ўгирган ҳокимини ўлдириб, ҳисобсиз бойлигини тортиб олдилар.

Дашти Қипчоқ осмонда Тўхтамиш ўғлон юлдузи порлар эди. Бутун Жўчи улусида тахтнинг янги ва энг кучли даъвогари Тўхтамишнинг олдига тушадиган, унга бас келадиган бирор-бир куч йўқ эди. Унга Мамай хазинасининг катта бир қисми ўлжа бўлиб тушган эди. У бу бойликка лашкарини қуроллантирди ва қолганини жангчиларига бўлиб берди. Тўхтамиш деса, ўзини ўт-чўкка урмоққа ҳозир катта ва кучли кўшин янги фатҳлар орзусида депсинарди.

Ҳожитархондан Булғоргача, Итил бўйидан Шимолий Кавказгача, Идилнинг ғарбидаги ўлкалар билан бирга Қрим ҳам то Литвага, ғарбда Краковгача Тўхтамишхон тасарруфига ўтган эди.

Тахтга мустаҳкам ўрнашиб олган Тўхтамиш Русиядан олинандиган хирожларни суриштирди. Солиқлар камайиб кетган эди. Бу мўмай даромаддан воз кечгиси келмаган Тўхтамиш Дмитрий Донскийдан бошлаб барча рус князларига қўйидаги мазмундаги мактуб билан элчилар юборди. «Менким Итил хони Тўхтамиш, сизнинг ва менинг хавфли душманам Мамайни янчиб, Жўчи тахтига ўтирдим. Мен бу шарафга билагимнинг кучи, ақлимнинг теранлиги ва қиличимнинг ўткирлиги ила эришдим. Сизларга ҳеч бир ёмонлиқ истамайман. Фақат ота-боболаримиз замонида тўлаб келган солиқларни ўша миқдорда ўз вақтида юбориб турсангиз бас. Сизга мен томондан ҳеч қандай зиён-заҳмат етказилмайди.»

Бу хатни олган ва Тўхтамишнинг қудрати ҳақида тасаввурга эга бўлган рус князларининг тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди. Зотан Мамайни Тўхтамиш енгмаса, у барибир Русия устига босиб борар эди. Русия учун иккиси бирдек хавфли эди. Русияда катта савашдан сўнг лашкар қолмаган, Тўхтамиш нари турсин, унинг кичик бир бўлинмаси келса ҳам қаршилик кўрсатадиган куч-қувват йўқ эди. «Бутун Русия ерида аскарбошилар, хизматчилар ва барча қўшинлар тамомила камайиб кетганлигидан бутун Русия ери катта таҳликага тушиб қолган эди. Бундай шароитда барча рус князлари яна илгаригидек тобелик бўйунтуруғини бўйинларига илдилар. Куликово ғалабаси афсонага айланиб қолди. Хатто Куликово қаҳрамони, шу жангдан сўнг Дмитрий

Донский номини олган Москванинг улуғ князи ҳам Ўрдага, Волганинг янги шоҳи Тўхтамиш хузурига ўз элчилари Тўлбуға ва Мокшиани ҳада ва совға-саломлар билан жўнатган».

—Нафақат Россия, Литва ва Польша ҳам худди шу замонда Олтин Ўрда, Тўхтамиш кўлида эди. Литванинг буюк князи Ягайло Польшанинг ҳам қироли эди. У вақти-вақти билан Тўхтамишдан фармойишлар битилган ёрлиқлар олиб турарди.

Тўхтамишхон ёрлиғида шундай сўзлар битиларди:

*«Менким Тўхтамиш. Ягайлога дейман!*

*Улуғ ўринга қандай қилиб ўтирганлигимизни хабар қилмоқ учун биз Қутлуғ Буга ва Ҳасан бошчилигида аввал элчилар юборган эдик ва сен ҳам ўшанда ўз аризачиларингни бизга юборган эдинг. Сенинг бизнинг ҳукуматни тан олиб битилган самимий мактубингни олдим ва буни қадр этамен. Ўз тахтингда муқим ва мустаҳкам тур. Ҳеч қимдан қўрқма. Ҳар замон сени ҳимоя этгувчи биз каби қалқонинг бор. Келишув асосида тўлайдиган хирожларни ўз вақтида жўнатиб тур!*

*Олтин Ўрда хони Тўхтамиш.*

*20 май 1393 йил*

*Тана (Азов шаҳри).»*

Ягайло Тўхтамишнинг садоқатли, кучли ва қатор имтиёзларга эга бўлган вассалларидан бири эди. Рус князларининг елкаси тиришиб, астойдил хизмат этмаётганларини сезган Тўхтамиш уларнинг танобини тортиб қўймоққа қарор қилди. Бу ҳақда Москванинг улуғ князи Дмитрийнинг рақиби бўлмиш, Литва улуғ князи ва Польша қироли Ягайлони ҳам огоҳлантирди.

— Ўрус князлари бизнинг ҳукмронлигимизни тўла-тўқис тан олган кўринмайдулар, — дея хос амиру лашкарбошиларига маслаҳат солди Тўхтамишхон. — Бу парча-парча бўлиб кетган князликларни бундан буён улуғ Олтин Ўрда давлатининг бир улусларига айлантирмоғимиз лозимдур. Акс ҳолда, оёғига лагта боғлаган бу қавм ўзига келмайдурган кўринадур. Рус ерини забт этмоқ ва унинг энг катта шаҳри Маскўпни олмоққа ҳозирлик кўрулсун. Ўрда худудида ва пойтахтда бўлган рус савдогарлари, элчилари ва хизматчилари салтанат ичкарасида ушлаб турилсин.

Эртаси кундан бошлаб фармон кучга кирди. Тўхтамиш Мамай қилган хатоларни билар, бундан хулоса чиқарган эди. Мамай-

нинг ўз устларига босиб келаётганидан икки ой бурун хабар топган рус князликлари бирлашиб қўшин тўплагандилар. Тўхтамиш эса уларни доғда қолдириб, яшин тезлигида қаршиларида пайдо бўлди.

– Мамайга бир маслаҳатни берганимизда кулок осмаган эди. хон хазратлари, – дея Тўхтамишхоннинг кулогига шивирлади аввал Мамайнинг, эндиликда янги ҳукмдорнинг бош амири бўлиб олган амир Шоҳ Мурод. – Дастлаб Булғорни забт этиб, Итил дарёси бўйлаб сузадиган савдогарларнинг бойликларини олиб, ўзларининг суробини тўғрилаб қўймоқ керак. – Бу дарёда эмин-эркин сузиб, савдо қилар эканлар, эрта кунда улардан ҳар қандай хавфни кутса бўлади.

Зийрак Тўхтамиш бу маслаҳатнинг тўғрилиги ҳақида ўйлаб ўтирмади. Эртасигаёқ кичикрок бир қўшинни Булғор устига юборди. Бу лашкар Шоҳ Мурод берган маслаҳатни амалга оширди. Илғор орқасидан ўзи ҳам катта лашкар билан Итил (Волга) дарёсидан ўтди.

Тўхтамишнинг келаётганидан хабар топган Нижний Новгород улуг князи Дмитрий Суздальский эл-юрти тинчлиги ва талан-маслигини ўйлаб, берган сўзига содик қолди. Ҳатто икки ўглини катта қўшинга бош қилиб, ёрдам учун Тўхтамиш ҳузурига юборди. Бироқ улар Тўхтамишни топа олмай қайтиб келдилар. Рязан князи Олег Рязанский эса Тўхтамишга йўлбошловчилик қилди. Бу ҳақда рус тарихчилар шундай ёзди: «Рязан князи Олег бўлса подшо Тўхтамишни Рязан ерига кирмасиданоқ қарши олиб, унинг оёғига бош урди. Тўхтамишнинг Рус устидан ғалаба қилишда унга ёрдамчи бўлди. Рус ерини қандай қилиб босиб олиш ҳамда тошдан қурилган Москва шаҳрини қандай осон йўл билан қўлга олиш ва князь Дмитрий Ивановични қандай қилиб енгиш ва ағдариб ташлаш тўғрисида баъзи бир гапларни айтди».

Дмитрий Донскийнинг рус князларини бирлаштирмак йўлидаги уринишлари беҳуда кетди. У қўшин тўпламоқ ниятида Кострома томон жўнади. Ока дарёсининг қулай кечувидан тезлик билан ўтиб олган Тўхтамиш, Москванинг тепасида турар эди. Москва нотинч эди. Шаҳар аҳолиси эса шаҳарни мудофаа этмок керакми ёки уни ташлаб чиқиш лозимми дея баҳслашишарди.

Минг уч юз саксон иккинчи йилнинг йигирма учинчи августидан

Тўхтамиш Москвани қамал қилди. Ҳимоячилар шаҳарни бир муддат сақлаб турдилар. Бироқ бу қавмларнинг ичкиликка бўлган рағбати ишнинг белига тепди. Шаҳарда тартибсизлик бошланди. Бу аҳволда курашиб бўлмас эди. Буни англаган, Литва билан Москвани бирлаштириш ниятида юрган Литва князи Ольгреднинг ўғли Остей совға-саломлар билан сулҳ сўраб, Тўхтамишнинг ҳузурига борди. Руснинг энг марказ князлигини синдирган Тўхтамиш катта ўлжа билан Твер томон юрди ва у ердан салмоқли хирожни ундириб, Ўрдага қайтиб кетди.

Бу ғалабалардан боши айланган Тўхтамиш энди ўзини шундай даражага етказган инсонга хиёнат этмоқ йўлининг бошида турарди. Барча турк-мўғул хонлари каби этига жир битгач, ҳеч кимни танимайдиган унсурлар жунбушга келаётган, атрофидаги бирни ўн қилиб кўрсатадиган амиру мулозимларнинг ёлғонларига ишона бошлаган эди.



## БЕШИНЧИ БОБ

*Қум йиғилиб тош бўлмас, қул йиғилиб бош бўлмас.*

Халқ сўзи

– Эндиги ишларимиз хусусида сўзланг. Алибекдан не хабар? – деди Темур Туркашнинг ҳикоясини тинглаб бўлгач.

– Ҳазратларига маълумки, Ҳирот ерига киришимиз билан Алибек Жониқурбонийга қўшини ила келиб катта ўрдуга қўшилиш айтилиб, чопар юборилган эди. Бироқ на Алибекдан ва на чопардан хабар бор. Моҳондаги одамимизнинг етказган маълумотига кўра Алибек чопаримизни тутиб турибди. Нияти ёмон эмиш. Малик Ғиёсиддиннинг одамлари атрофида изғимоқда экан. Ҳойнаҳой, махфий тарзда ҳарбий иттифок ҳам тузганлар. Шу боис ҳар қандай шароитда улар лашкарининг бирлашувига йўл қўймаслик лозим деб ўйлайман, – ҳисобот берди Туркаш.

Ҳирот ҳукмдори Малик Ғиёсиддин исёнчи сарбадорларни бостириш мақсадида, айни дамда Сабзаворда турарди. Чопар Амир Темур қўшини келаётгани хабарини етказгач, не қиларини билмай боши қотди. Энг яқин одамлари билан бор-будини олиб, она юрти Ғурга жўнашни ҳам хаёл қилди. Бироқ яширин тил бириктирган иттифокчиси Алибек Жониқурбонийнинг дами баланд эди. Алибек бирлашиб курашилса Темурни йўлдан олиб ташлаш мумкинлигига уни ишонтирган эди. У тарафда Алибекнинг акаси Валибек ҳам чопар юбориб, Темур билан сулҳ тузмасликка даъват этарди. Узоқ маслаҳатдан сўнг қўшин Ҳирот томон юрди.

– Ҳиротга келаётган Малик Ғиёсиддин қўшини йўли тўсилиб, Жом, Қавсия ва Фушанж қалълари эгаллансин! Ёғий катта куч билан ёриб ўтиб, Ҳирот томон ҳаракат қилса, кўп талофот бермаслик учун лашкар асралиб, ракиб қўшини ўтадиган йўл қолдирилсин! Қарши тарафни сулҳга ундаб кўрилсун! – Сўнгги фармонни берди Темур.

Қавсия қалъаси қутволи Маҳдий паҳлавон қаршилик кўрсатмай қалъа калитини топширди. Қолган икки қалъадагилар эса қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Қалълар камал қилинди.

– Қалъадагилар сулҳга чорлансин. Қаршилик кўрсагиш бефойдалиги англатилсин. Уларга қарши нафтандозлардан ўқ отилмасин! – дея лашкарбошиларига кўрсатма берди Темур. – Биз эса бир неча амиру мулозимлар билан мухтарам пиру комил Тайбодийнинг зиёратларига борамиз. Бул улуғ шайх Малик Фиёсиддинга биз билан курашмоқ бефойда эканлигини англатар балким.

Шайх Зайниддин Абубакр Тайбодий Амир Темурни иззатикром билан қарши олди.

– Етти иқлим осмонида сизнинг жаҳонгирлик юлдузингиз кўрунадир, иним Темурбек! – деди шогирдини бағрига босар экан! – Неча вақтдирким, Аллоҳ ақлу вужудимга бул туйғуни соладур. Зотан ҳар бир ишга диққат-этиборли бўлмоғингиз, етти эмас, ўн етти ўлчаб, бир кесмоғингиз жоиздур. Бу юз йилликда бизнинг ақл ва имконият доирамизда бўлган худудлар ҳамда халқларнинг тақдири сиз ила боғлиқдур. Ўзингизни асранг. Худо ҳам сақлансанг, сақлайман дейди, – самимий ва аллаловчи оҳангда сўйлар эди шайх Зайниддин. – Бутун ислом аҳли сизга кўзини тиккан. Динимизнинг асл моҳиятини англамаган ҳукмдорларимиз неча йиллардирки, бу ишончу умидни оёқ ости қилиб келмоқдалар. Шу боисдан ҳам бирортасининг салтанати узоқ давр сурмаган. Ҳаётда адашсангиз нон кетади, сиёсат ва давлат юритиғида хато қилинса, жон кетади.

– Бу даврда тинч ва осойишта яшамоқнинг бирдан-бир йўли куч-қудратли бўлмоқдур, ҳазрат, – деди Темур Тайбодийнинг сўзларини диққат билан тинглар экан. – Не ишга қўл урсак сиз ва сиз каби улуғлар маслаҳатисиз бошламағаймиз. Биродаримиз Малик Фиёсиддинга ҳам насиҳат қилсангиз. Бизга нисбатан дўстлик ва биродарлик узангисидан оёғини олмаса. Дини, тили ва қони бир улусларимиз бутун бир давлат бўлиб, бирлашиб яшайверсалар. Укаси Малик Муҳаммад қандай қилиб Сараҳс вилоятини бошқараётган бўлса, у ҳам Ҳиротни тасарруф этаверсин. Фақат асрлардан бери борди-келди қилиб, қуда-анда бўлиб кетган элу элатларимизнинг ҳаракат эркинлигига даҳл солмасинлар. Бизнинг давлат қонун ва қоидаларимиз бу теварак-атрофидаги ҳар қандай мамлакатникидан адолатлидур. Ҳеч бир ҳукмдору аллома бу хусусда бизга эътироз билдирмаётир. Фиёсиддин Пир Али учун ҳар вақт сулҳ ва диёнат асосида муносабат ўрнатмоқ қопуси очик.

– Барча ҳукмдорлар каби у ҳам тахтга ўтирганида катта-кичикнинг сўзига қулоқ соларди. амал қилмаса-да, одамлардан маслаҳат сўрарди. Ҳокимияти мустаҳкамланиб, беш-унта тўғрисўз, халқ эътиборини қозонган кишиларни ўлдириб, сургун қилиб, ҳажга жўнатиб қутулганидан сўнг тўнини тесқари кийиб, ўзгарди-қолди. Ўзи нари турсин, шунчаки оддий вазиру амирларининг ҳам бурни осмонда. Зотан, ўзидан кетган бу қавмни сиз йўлга солмасангиз бошқа бир киши уддалаёлмас. Бироқ мен Малик Ғиёсиддин ила сўзлашиб, сизга хабар етказурмен. Худо инсоф бериб, гапга кирар балким.

Шайх Зайниддин Тайбодий катта бошини кичик қилиб Ҳирот йўлида турган Малик Ғиёсиддиннинг қароргоҳига йўл олди. Уни ўзидан ҳар тарафлама устун бўлган Амир Темур билан савашмасликка, раият қонини беҳуда тўкмасликка даъват этди. Табиатан кўрқоқ одам бўлган Малик Ғиёсиддин бошида бу таклифга кўнғандек бўлди. Бироқ суҳбат сўнгида фикридан қайтиб, оёғини тираб туриб олди.

Темур кўшинлари Фушанж қалъаси қамалини давом эттирдилар. Қалъа қутволига тўрт маротаба элчи юборилди. Қалъани қон тўкмасдан топшириш сўралди. Молу жон омонлиги ваъда этилди. Бироқ қутвол сулҳга кўнмади. Аксинча қалъани ўраб турган кўшинлар устига ўқ ва тош отмокни кучайтирди.

– Шаҳидларнинг гуноҳи унинг бўйнидадур. Қалъа забт этилсин ва ишғолдан сўнг бузиб ташлансин! – Қаҳрли овозда фармон берди улуғ амир.

Навбат Ҳиротга келган эди. Қутилганидек Ғиёсиддин Пир Али кўшинлари Машҳад йўли орқали Ҳиротга кирганди. Оз қон тўкиш ва сулҳга эришиш услубида ишлашга ўрганган Темур катта ва очиқ майдонда икки улкан кўшин тўкнашишини, одамларнинг беҳуда қирилиб кетишини истамасди. Боиси, бугун унга қарши қурашадиган лашкарлар эртага Темурнинг раияти бўлади. Шу боис улар яхшилик ҳамда сулҳ йўли билан бирлашмоғлари, имкон қадар қон тўкилмаслиги лозим. Ҳар қандай улуғ иш ҳам инсонларнинг қони эвазига амалга оширилса татимайди. Ақл ва усул билан иш битмаган жойдагина қиличчи қўллаш мумкин. Шунда ҳам душман кўзи сиёсат, одамларнинг хулоса чиқармоқлари учун. Боиси, қилич билан келган нарса қилич билан кетади.



Жангнинг бисмиллосидан қандай тугашини биладиган Темур шундай қилдики, Малик Ғиёсиддин шаҳарни мудофаа эта олмади. Унинг лашкарлари кечалари Ироқ ва Қипчоқ дарвозаларидан чиқиб Темур бўлинмалари устига тун босқиси уюштирса-да, бу хужумлардан ҳеч бир натижа чиқмади.

Темур шаҳарнинг тўрт дарвозасини бирданига синдириб, ёппасига хужумга ўтмоқни буюрди. Пойтахтнинг маркази Шаҳри Дарун ва марказдан ташқи қисми Шаҳри Берун деб аталарди. Шаҳри Берунни қўлдан берган Малик Ғиёсиддин қолган-қутган лашкари билан ички шаҳарга кириб, яширинди. Шаҳри Берунни олишда икки минг ёғий лашкари асир тушди. Шаҳри Дарунни олиш учун ҳам яна ҳар икки томондан кўп қон тўкилиши керак эди.

Темур хузурига Боботурк, Жаку Барлос, Эсон Буға, Ҳожа Сайфуддин ва Туркашбекни чорлади.

– Малик Ғиёсиддин ила тенг бўлсак, кўп одамнинг хунига зомин бўладиган кўринамиз. Эрта-индин бу кишилар салтанатимизнинг ватандошлари бўладилар. Жангларда яқини ҳалок бўлган кимса бизни ҳеч қачон чин юракдан қабул этмайди. Бир усул ишлатамиз. Ташқи шаҳарни олиш пайтида асир тушган икки минг нафар навкарни озод қиламиз! Бу асир лашкарлар орасида бизнинг одамлар ҳам бўлмоғи ва аралашиб кетмоғи жоиз. Ҳозирок мана шу мазмунда фармони олий ҳозирланг! – деди Темур Акрам муншийга қўл ҳаракатлари ила мурожаат этаркан. – «Шаҳри Даруннинг буржу боралари ва дарвозаларини кўриқлаб турган, уни ҳимоя этаётган барча лашкар ва раиятга шулар нарса маълум бўлсинким, кимки ихтиёрий равишда, холис ниятида биз-ла яраш сулҳига келиб, қурол ишлатмоқдан воз кечса, унга молу жон омонлиги кафолати берилади. Булар инсонлар янги ҳукумат маъмурияти ва лашкарида илгаригисидан ҳам юқори мартабага эришиб, улусга хизмат қилмоқ шарафига ноил бўладилар. Фармони олийга қарши иш тутган кишилар эса пешоналарида неки ёзиғлари бўлса шуни кўражақлар!»

Фармондан юзларча нусхалар кўчирилиб, ёй ўқлари ила Шаҳри Дарунга қараб отдилар. Шаҳри Дарунга кирган собиқ асирлар ва улар орасидаги махфийлар кўча-кўй ҳамда бозорда бу фармонни тарқатдилар. Тадбир ғоят фурсатида қўлланган эди. Қалъа тепасидаги лашкарлар ўз хизмат ўринларини ташлаб, ихтиёрий

равишда уй-уйларига кета бошладилар. Малик Ғиёсиддиннинг сўнги хатти-ҳаракатлари беҳуда кетди. Раияти унинг сўзига кулоқ солмади. Бир томчи қон тўкмасдан Ҳиротнинг юраги саналмиш Шаҳри Дарун эгалланган эди.

Ажал шундоққина қаршисида турган Малик Ғиёсиддин Пир Али энди қандай қилиб бўлмасин Темурнинг кўнглини олиб, ўзи учун қулай шартлар асосида сулҳ тузмोक ҳаракатига тушганди. Ниҳоят амиру бекларни тўплаб, маслаҳатлашди ва Чингизхон авлодидан бўлмиш хотини, Тўкай Темурхоннинг қизи Султон Бека, тўнғич ўғли Пирмуҳаммад ва Аланқува авлодиданман деб юрувчи Искандар Шайхни Боғизоғонга, Темур ҳузурига сулҳ сўрагатириб юборди. Темур элчиларни ҳурматино жойига қўйиб қарши олди. Шарафларига зиёфат берди.

– Ҳар замонда мўтабар қўноқларимиз бўлингиз. Ташрифингиз бошимиз ва кўзимиз устига. Биз хешу ақробомиз. Малик Ғиёсиддинга сўйланг. Биздан чўчимасун. Ҳузуримга келсунлар. Сулҳ шартларини шунда келишамиз. Мендин ул зоти олийга салом сўйланг ва ҳурмат-эҳтиромларимни етқуринг, – деди Темур элчиларни йўлчи этаркан.

Малик Ғиёсиддин боғи гуллаб-битганини англаб етган эди. Элчилар қайтгач, уларнинг сўзларини тинглаб бир оз ўзига келгандек бўлди. У Амир Темурни меҳри ҳам, қаҳри ҳам қаттиқ инсон ва ҳукмдор сифатида анчадан бери билади. Темур Балхни қўлга киритиб, давлат туза бошлаганда Малик Ғиёсиддин унга қарши кураш учун ўзини чоғлаб кўрди. Бирок кўз олдига Амир Ҳусайиннинг тақдири келиб, тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди. Амир Ҳусайиннинг ўша воқеадан бир ой бурун иттифок бўлиб Темурга қарши курашиш ҳақидаги таклифига рози бўлмаганидан афсус чекди. Мана энди ўша хатонинг аччиқ, мусибатли мевасини ўзи тотиб ўтирибди.

Элчилар қайтиб борган куннинг эртасига Малик Ғиёсиддин амиру шайхлар, уламою Ҳиротнинг номдор бойлари йўлдошлигида Темур қароргоҳи томон йўл олди. Чопари олдинроқ келиб хабар бериб кетган эди.

Темур Ҳирот подшоҳини иззат билан қаршилади, ҳурмат билан ёнидан жой кўрсатди. У билан бирга келган меҳмонлар ҳам мартабаларига қараб Темурнинг ўнг ва сўл томонида ўтирдилар.

– Хўш келдингиз, – деди Тему́р турли хаёлда ўтирган, юз ва кўзларидан безовталиқ аломатлари сезилиб турган кўноқларга жиддий, бироқ самимий оҳангда нигоҳ ташлар экан. – Бу учрашувимиз бир ой бурун юз бериши ва бирор томчи қон тўкилмаслиги мумкин эди. Бу кимнинг айби ила бўлганлиги барчангизга маълум. Бироқ бўлиб ўтган воқеани муҳокама этмоқдан фойда йўқдур. Биз олдинга қарамоғимиз ва савашлардан безган раиятнинг дардига дармон бўлиб, оғирини енгил қилмоғимиз лозим. Бу ишда мен барчангизни кўмакчи бўласиз, бирлашиб, иттифоқликда юрт ва улусга хизмат этамиз деб ўйлайман, – дея сўзини мухтасар қилиб, сиз не дейсиз дегандек Малик Ғиёсиддинга ўгирилди.

– Бизнинг узримизни қабул этинг, ҳазрати олийлари. Неки ўтса биздан ўтди. Ғолиб бўлмоқ ҳам, мағлуб бўлмоқ ҳам Аллоҳдин. Биз бундан буён сизнинг хизматингизда бўлмоқ ва итоат камарини белдан ечмаслик шарғини қабул қилган ҳолда хузурингизга келдик. Сўзларимга мана шу ерда ўтирган одамлар гувоҳ. Бизнинг самимийлигимизга ишонинг! – деди Малик Ғиёсиддин титроқ овозда.

Сўз орасида ўнинг совуқ кўзларига тикилган Тему́р шоҳ нигоҳи тубидаги нафрат учқунини пайқамай қолмади. Беихтиёр «сен ҳам кузатяпсанми» дегандек Алп Туркашга қаради. Махфий бошлиғи ҳам Тему́рнинг қош-қовоғига қараб турарди. Тему́р унга буни доимо назоратда тут дегандек тикилиб кўйди. Шоҳликдан умидини узган Малик Ғиёсиддин айни дамда молу мулки ва жони омонлигини ўйларди. Бошини олишга буюрмаса бўлгани. Шу таҳликада ўтирган Пир Алининг сўзлари ҳам пойинтар-сойинтар чиқар, хаёли жойида эмасди.

– Сенинг молу-жонингдан кечаман! Истасанг Аллоҳ насиб этса ҳаж сафарига бор, она юртингга ҳам кета билурсан. Салтанатнинг барча ҳудудларида хавфсизлигинг таъминланажак, – деди Тему́р гапини чўзмай.

– Қуллук, ҳазрати олийлари! Сиз не десангиз шул бўлғай. Не хизмат буюрсангиз бош устиға! – қўлини кўксига кўйиб таъзим қилди Малик Ғиёсиддин ўзига келгандай бўлиб.

Малик Ғиёсиддинга бошдан оёқ шоҳона сарупо кийгизилсун! Икки тўққиз наслдор от ва икки туман динори, кепакий

акча ҳамда антиқа совға-саломлар тақдим этилсун! Шунингдек, ҳозирча ўзларининг ватанлари Ғурни идора этиб турмоқ вазифаси топширилсун! – деди Темур баланд овозда.

Темурдан ўзи кутмаган илтифотни кўрган шоҳ Малик Ғиёсиддин боши омон қолганига суюниб, фурсатни бой бермай эртасигаёқ Ғур томон йўлга тушди.

Кўноқларга тушлик бериб кузатган Темур Боботурк билан Алп Туркашга қаради. Бу дегани кўринишхонада иккинги қолинг дегани эди.

– Хуросон пойтахтини фатҳ этдук. Иншооллоҳ, қолган ҳудудлари ҳам аста-секин салтанатимиз тасарруфига киражак. Эртагаёқ Жаҳоншоҳ Жаку бошчилигидаги лашкаримизни Нишопур билан Исфароин забтига юборамиз. Бироқ тутуриғи йўқ, на гўшту на суяк бўлмиш Алибек масаласини нима қиламиз? Бу одамдан бизга ҳеч қачон яхшилик келмайдурғон кўринадур. У табиатан бугун оёғингни ўпиб, эртаси куни бошингга тепадиганлар тоифасидан. Шул боис бирон чора-тадбир кўрмоғимиз лозим, – деди Темур ташвишини яширмай.

– Хуросон пойтахти фатҳини эшитиб эрта-индин остонангизда пайдо бўлиб қолса ҳам ажаб эрмас, – фикр билдирди амир Боботурк.

– Бу гапда жон бор, – қувватлади Туркаш. – Сарбадорлар етакчиси Хожа Али Муайяд ва Сабзавор ҳокими амир Валибек Жониқурбонийлар ҳам шундай килишса керак. Малик Ғиёсиддиннинг тақдири барчаси учун унутилмас бир сабоқ бўлди.

– Кўрамиз, – деди Темур хаёл суриб. – Бугун этагимизни ўпиб, Самарқандга қайтишимиз билан бемалол тўнларини тесқари кийиб олаверадилар. Буларнинг икки сўзлигидан ёғсиз айрондан безгандек безганман.

– Улардан ҳар нарсани кутса бўлади, – деди амир Боботурк.

– Кўшиннинг ярми Жаҳоншоҳ билан кетса, қолгани ҳам ҳозирлигини кўрсин. Тус ва Калот устига юрамиз. Хуросондаги ташвишларимизни тезроқ битирайлик. Самарқанддаги ишларимиз қолиб кетди, – деди Темур кетмоққа руҳсат бераркан.

Алибек Жониқурбонийнинг ҳам кўрпасига ўт тушган эди. Темурнинг ўзи томон келаётганини эшитгани ҳамона ҳаловати йўқолди. Дастлаб кўрқувдан Озарбайжон ёки Усмонли турк сал-

танати томондаги оқ ёким қора қўнли туркман қардошлари тарафга қочмоқчи бўлди. Бироқ бугун Хуросонни эгаллаган, Эронни ҳам забт этган Темурга уни тутиб берсалар-чи? Бу ёғи неча пулга тушади? Ундан сўнг, Темур томон қайтиб келинадиган йўл ҳам беркилади ва у кечирмайди. Яхшиси, яна узр сўраб оёғига бош урмоқ керак. Ҳар ҳолда ўртада қуда-андачилик деган гап бор. Ҳеч бўлмаса, шуни юзхотир қилар.

Бир ҳафталик изтиробдан озиб тузган Алибек Жониқурбоний, яна бетининг суви беш томиб, Темур остонасига бош уриб келди. Темур бу пайтда Марвда эди. Абу Муслим турбасини зиёрат қилиб, шаҳар доруғаси билан бундан буёнги ободончиликлар хусусида сўзлашиб турарди. Алибек кечирим сўрагандан сўнг ғоят ёқимсиз ва ҳайвонниқига ўхшаш овозда ўкириб йиғлаганча ўзини Темур оёғига ташлади. Темур бир муддат унинг аҳволини барча кўрсин дегандек қараб турди. Сўнгра ёнида турган амир Боботуркка паст овозда сўз қотди:

– Бу бетайиннинг жасадини тик қилиб қўйинг. Юзи бўлса бизга қарасун!

Амир Боботурк бориб Алибекнинг қўлтиғидан олди. Унинг юзига чанг ва хас илашган, бир ҳол аҳволда эди.

– Қудачилигимиз ҳурмати бу гал ҳам гуноҳингиздан ўтдук, Алибек! Ишингизни қилаверинг! — деди Темур-у-билан кўришар экан. — Сизга кимса қўл теккизмайди!

Шу куни пешин намозидан сўнг Али Муайяд ҳам тобелик ихор этиб келди.

Кечқурун икки меҳмон шарафига дастурхон ёзилди. Ҳар иккисига шоҳона чопон, марассаъ, камар ва ханжар, антиқа совғалар ҳадя этилди.

Салтанатга тобелик камарини тақмаган Хуросон юртининг биргина вилоят ва шаҳри Сабзавор қолган эди. Бу ерда яна бир қудағай Валибек Жониқурбоний ҳоким эди. Унга ҳам қаттиқ-қурук гапириб бўлмас, яхши сўз билан эл қилмоқ лозим эди.

Урду Ўғилжатов яйловига етиб келиб, қўр тўкиши баробарида хос элчи Темурнинг мактубини олиб Валибек Жониқурбоний ҳузурига учди. «Муҳтарам қариндошимиз Валибек, сиз азиз биродаримизга ўз ҳурмат ва самимиятимизни билдириб, Хуросоннинг сўнгги худуди Сабзаворни мулозимларимиз илгига топ-

ширишингизни сўраймиз. Акс ҳолда улуснинг молу жони ғорат елига совурилиб, қасру қалъангиз ва олий иморатларингиз кун-фаякун этилажакдир», – дея битилган эди мактубда.

Мактубни ўқиган Валибек Жониқурбонийнинг тепа сочи тика бўлиб кетди ва бола-чақасигада хайр-маъзурни нася қилиб, Темурни кутиб олмоқ учун йўлга чиқди. Тобелик изҳор этди.

Ўрду қўш ташлаган яйловда икки ҳафта турди ва Самарқандга қайтиш тадоригини кўрди. Темур Суюрғатмишхонни ёнига олиб, Хуросон тахти билан боғлиқ давлат ишларини кенгашди. Сўнгра фармони олий ҳозирланди.

Фармони олий эълон қилинмасдан бурун Темур ҳузурига амир Боботурк, Алп Туркаш ва Эсон Бугани чакирди.

– Сизларга маълумки, яқинимиздаги Хурошо қишлоғида амакиларимиз Ҳожи ва Идику Барлослар ваҳшийларча, асоссиз ўлдирилган. Мен бу хусусда илгари ҳам сизларга айтган эрдим. Шу масалага ҳам охириги нуқтани қўймоқ фурсати келди. Одамлар ҳеч бир жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмаслигини англамоқлари керак. Бу икки шаҳид қариндошларимизнинг фарзанд ва набираларини топиб ҳузуримга олиб келинг, – деди Темур қатъий оҳангда.

– Бу ишлар бажарилган, ҳазрат! Ўзларининг ушбу хусусда кўрсатма беришларини кутиб тургандик. Бу ишга бош-қош бўлган ва амалга оширган барча бузуки шахслар ҳозир елимизда. Не буюрсангиз бажо этилур, – ахборот берди соҳибхабар.

– Барчаси маҳв этилсун. Бу хусусда хоннинг фармони, қозиларнинг хулосасини бош муншийдан олинг! – деди Темур ковоғини уйиб.

– Амир Ҳожи барлос раҳматлининг набираси Али Дарвеш билан амир Идиқунинг ўғли Муҳаммад Дарвешлар бир неча кундирки, пешингизни кўзларига сурмоқ ниятида ёнимиздадур. Изн берсалар чақира билурмиз.

– Чорланг!

Икки амакивачча келиб Темурнинг пешини ўпиб, юзларига сурдилар. Иккиси-да беихтиёр кўзига ёш олди. Темур уларни ёшланган кўзларига тикилган қўйи меҳрибонлик билан бағрига босди. Кўнгли бузилиб кетди.

– Ҳуш келдингиз, авлодларим! – деди йиғига ўхшаш овозда.

– Ўқсинманг. Бу дунё ҳисоблидур. Сизга зулм ўтказганлар бугун қатл этилажак. Салтанатимизда кимки бировга ноҳақ жабр қилса ҳоли шундай кечажак!

– Давлатингиз боқий бўлсин! = деди йиғи-аралаш Муҳаммад Дарвеш.

– Илоҳим, бахтимизга доимо омон бўлинг! – қўшилди Али Дарвеш.

– Бугундан эътиборан Ашраф қишлоғини иккингиизга суюрғол қилиб берурмен. Аҳил-иноқ, раиятнинг кўнглига қараб иш юритинг. Бир бурда нон топсангиз ярмини халққа беринг. Темурийлар авлодидан инсон зоти норози бўлмаслиги керак. Бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлайлик. Бир-биримизнинг эътиборимиздан қолмайлик. Улуғ Турон давлати учун, унинг бирлиги ва саодати учун ҳар дақиқада керак бўлса жон бермоққада ҳозир туринг! – дея сўзини тугатди Темур. – Шунингдек, Сабзавор ҳам Валибек Жониқурбонийдан олиниб, унинг эски ҳокими Шайх Али Сабзаворийга берилади. Тобон баҳодирни вилоятга доруға этиб тайинлаймиз. Уларга кўмак беринг. Бардам бўлинг. Биз ҳар куни Самарқанддан бу ерга келиб сизни ҳимоя эта олмаймиз. Аксинча, сиз ҳар замон салтанат хизматига шай турмоғингиз лозим бўлади!

Эртаси куни Ҳиротда, бутун Хуросон элида тантаналар бошланди. Кўча-кўйдаги мусофиру дарвеш, қаландару, фақир-фукарога ош-сув берилиб, садақа улашилди.

Кекса балхтут соясида бир товоқдан ош еб ўтирган икки дехликлик мусулмон мусофир ўзаро суҳбатлашарди.

– Бу тантаналар нечун, Баҳромбек? – сўради ёши кичиги каттасидан.

– Буюк Турон амири Темурнинг учинчи ўғли амирзода Мироншоҳ Мирзо бугун эрталаб Хуросон тахтига ўтирди. Бу тантаналар шунинг учун, – жавоб қилди ёши улуғ мусофир. – Аллоҳнинг не суйган куллари булар. Отаси Турон султони. Бир ўғли Умаршайх Мирзо Андижон юртини сўрайди. Буниси эса Хуросон шоҳи. Худо бераман деса кўшқўллаб бераверар экан-да.

– Бу авлоддан ёмонлик келмайди. Улар гуноҳкорларни уч маротабагача кечирар эмишлар.

Икки ҳамсуҳбат кўй ёғига қилинган Туркистон паловини хузур қилиб едилар. Сўнгра ҳолва билан сув ичдилар.

– Амир Жаҳонмулк сўйлаган Боботурк деганини қандай топамиз? – сўради ёш меҳмон.

– Секин, – ўқрайиб қаради каттаси. – Амирнинг номини бу ерда тилга олиб бўладими, галварс! Исковучлар туйса иккимизнинг ҳам теримизга сомон тикади. Наҳотки, шунга ақлинг етмаса, каллаварам, – аччиқланди Баҳром мусофир. – Минг марта эҳтиёт бўл десам ҳам фойдасиз экан сенга. Одам бўлмайдурғон кўринасан.

– Кечиринг, устоз Баҳром, – елкасини қисиб узр тилади ёрдамчиси. – Чарчоқдан толиқибман. Бошим айланиб кетибди. Рухсат берсангиз шу ерда бир оз узансам.

– Бу ерда чўзилсанг кўзинг илинмасдан Темурнинг шаҳарда тартиб ўрнатувчи, кўча-кўйда санкиб, дуч келган ерда ётиб юривчиларни олиб кетадиган навкарлари кўлига тушасан. Ана ундан сўнг кўрасан томошани. Қаердан ва нимага келганингни билишса иккимизни ҳам теримизни шилиб, бошимизни сапчадек узишади. Яхшиси, тезроқ карвонсаройга жўнайлик. Бафуржа ухлаб, вазифамизга киришамиз. Ташрифимиздан ундан бошқа кимса хабар топмаслиги керак. Унутма ва кулоғингга куйиб олгинки, биз бу ерга ўша хонимнинг топшириғига биноан келганмиз. Сухбатлашганимизда қовун тушириб ўтирмагин тагин.

– Тушундим, уста. Ҳеч бир ишга аралашмайман, – деди паст овозда ёш мусофир.

Баҳром шеригини карвонсаройда қолдирди-да ўзи амир Боботуркни излаб кетди. Уни Ҳирот шаҳри ичидаги Боғизоғон боғи атрофидан топиш мумкин деган гапни эшитгач, лашкарбоши ва амир сифат кишилардан сўраб-суриштира бошлади.

– Ана у кўрдингми? Тўриқ отда келаётибди. Атрофини ўн чоғли навкар ўраб олган, – деди совут кийган юзбоши синган кумуш сопли қиличини курулсозга кўрсатар экан. – Ўзинг кимсан? Айғоқчи-пайғоқчи эмасмисан?

– Йўғ-э, хўжам. Энг яқин кишиларидан соғинчли салом келтирдим, – гулдуради Баҳром шаҳар маркази томон кетаётган суворийлар томон юраркан.

Баҳром йўл бўйига бориб, амир Боботурк келаётган тўпга қараб қўлини силкиди. Тўдадан бир отлик ажралиб чиқиб унинг олдига келди.

– Не истайсан? Кимсан? – сўради у от устида баланд овозда.

– Менга амир Боботурк ҳазратлари керак. Зарур гапим бор, – жавоб қилди Баҳром. – Фақат ўзлари ила сўйлашмоғим лозим.

Отлик қайтиб бориб амирга йўловчининг сўзини айтди. Боботурк тўдадан ажралиб чиқиб, Баҳром томон юрди. Кўнгли нимадир сезган эди. Отдан тушиб сўрашди.



– Сизга муҳим гапим бор эди. Холироқ жойда сўйлашсак, амир ҳазратлари, – деди Баҳром қиёфасига жиддий тус бериб: – Мен Деҳлидан келдим.

Боботуркнинг кўз олди қоронғилашиб, оёқ-қўли бўшашиб кетди. Нафаси ичига тушиб, ютинди. Отини етаклаганича, меҳмонни йўл четидаги савашдан зарар кўрган боғ томон бошлади. Йигитлардан бири келиб отини жиловини қўлидан олганда ҳам хаёли жойида эмас эди. Анчадан сўнг ўзига келиб, Баҳромга сўз қотди.

– Бегим юбордиларми? – сўради титроқ овозда.

– Ҳа, бегим юбордилар, – деди бурро-бурро қилиб Баҳром.

– Сизга соғинчли саломларини етказишни ўтиниб сўрадилар.

– Сихат-саломатми? Унга зиён-заҳмат етгани йўқми? – Ташвишли оҳангда тез-тез гапирарди, Боботурк.

– Худога шукр. Сихат-саломатлар. Не йўл билан бўлмасин, мени тезроқ кутқариб олиб кетсинлар дедилар.

– У киши ҳозир қаерда? Кимнинг қўлида? Уни кутқармоқ учун нима қилмоқ керак? Сўйланг тезроқ!

– У кишини бу тарафдан қандай кетганларини билмайман. Оналари билан шу онда Деҳли шаҳрида яшаб турибдилар. Турмушга чиқмаганлар, – тутилиб-тутилиб, жавоб қилди мусофир.

Сўнгги сўздан ўзига келгандай бўлди. Бироқ Баҳром ёлғон сўзлаётганини кўзидан пайқади. Сезса-да сезмасликка олиб, бошини эгганча-уни тинглади.

– Ул кишимни олиб кетганлар катта миқдорда пул сўрамоқдалар экан. Шу маблағни олгач, қўйиб юборар эмишлар. Бериб бу ҳақда сизга айтинг дея тайинладилар ва йўл харажатларимизни бердилар.

– Сиз деҳлиликка ўхшамайсиз-ку? – деди Боботурк унга тикилиб. – Асли қаерликсиз?

Баҳром довдираб қолди.

– Юз тузилишингиздан мамлукларга ўхшайсиз? – деди Боботурк.

– Шундай, амир ҳазратлари. Мамлукман, мусулмонман, – деди амирнинг синчковлиги олдида ўзини йўқотгудек бўлиб.

Боботурк индамасдан отини олиб кетган йигитга ишора қилди. Навкар амир ва ўз отини етаклаб келди.

– Бул меҳмонни миндириб ол, – деди навкар йигитга қочириб қўйсанг бошинг билан жавоб берасан дегандек тикилиб.

Сўнгра яна икки навкарни қўриқчиликка қўйди. Баҳромнинг кўзи бежо бўлиб, безовталана бошлади. Демак, бу ерда бир

гап бор хаёлидан ўтказди Боботурк. Бу, ҳойнаҳой, тўппа-тўғри Жаҳонмулкнинг олдидан келаётибди. Чодир томон кетаётган амир Боботурк йўл-йўлакай Туркашбекнинг йигитларидан бирини кўриб қолди. Бу йигит тил учун тутилганлар билан ишловчи хос махфий эди. Боботурк уни ёнига чақирди.

– Ана у отга мингашгани рост гапни айтишга тайёрлаб, кечқурун ҳузуримга олиб киринг. Мен сизга иш буюрганими Туркашбекка айтиб қўяман, – деди отлари ёнма-ён кетаркан оҳиста.

– Англадим, амир ҳазратлари. Кўнгиллари тўқ бўлсин, – жавоб берди махфий очик чехрада. – Қисқа фурсатда тобига келтираман.

Махфий Баҳромни чодир эшигига олиб келганида Боботуркнинг ичини ит тирнаб, безовта ўтирарди. Ҳузурига зудлик билан етиб келиши лозим бўлган Эртўғрул Туронни кутарди.

– Инимиз, иймонли, виждонли, мўъмин-мусулмон йигит эрканлар. Сизга барча воқеа ва қай мавзуда гап сўз кечган бўлса ростини сўйлайдилар. Биз ҳам бул кишимга ҳеч бир ёмонликни раво кўрмаймиз, – деди махфий йигит Баҳромни эргаштириб чодирга кирар экан, қайтиб чиқмоқчи бўлиб.

– Сиз кетманг, дўстим. Бу масалада менга қўмагингиз лозим, – деди Боботурк ҳаста овозда махфий навқарга.

– Бош устига, амир ҳазратлари, – жавоб қилди у қўлини кўксига қўйиб. – Изн беринг, мени кутаётган йигитларни огоҳлантириб қўяй.

Боботурк бошини чайқади. Кўп ўтмай у яна чодирга қайтиб кирди.

– Амир ҳазратларига не учун келганингни, сени ким бу тарафга юборганини батафсил сўйла. Гапни айлантирма, – деди у чодирга қайтиб кираркан Баҳромга буйруқ оҳангида.

– Мени бу томонга Жаҳонмулкнинг лашкарбошиси Сиддик Сўфи юборди. Жаҳонмулк Дехли султонининг укаси билан бирга. Улар дўст. Минг нафар атрофида лашкари бор. У Салима Султонбегимни ўғирлатиб олиб кетгандан сўнг султоннинг укасига тортик қилди. Ўзи хотинликка олмоқчи бўлганди. Бироқ султоннинг иниси хонимни кўриб қолгач, режаси амалга ошмади. Унга беришга мажбур бўлди. Акс ҳолда боши кетарди. Бироқ султоннинг қардоши эр-хотин бўлиб яшамайдилар дейишади. Салима султонбегимга етолмагани алам қилган, Жаҳонмулк хонимнинг Исмоил Султон қўлида қолишини ҳам истамайди. Қандай қилиб

бўлса-да, жиянини бу тарафларга қочириб юбормоқчи. Бироқ шундай жўнатиб юбормоқчи эмас. Амир хазратларидан катта қалин истамоқда. У айтган бойликни тегишли одамга олиб бориб берганимиздан сўнг бир ҳафта ичида Салима султонбегимни шу пулни элтиб берганлар олиб қайтадилар...

Боботурк ўтирган жойида тошга айланиб қолган, бир гап қўлоғига кирса, иккинчиси кирмас эди. Махфий йигит ҳам хайратдан қотганча эшик олдида тиз чўкиб ўтирарди.

– Не қилмоғимиз лозим, авлодим? – дея ҳазин оҳангда муурожаат қилди амир махфий навқарга қараб. – Бошим айланиб, кўзим тиниб кетяпти. Уни жоҳиллар қўлидан халос эта олмаганим учун бир умр ўзимни кечира олмайман. Бироқ ҳаёт эканман, уни Самарқандга олиб келаман. Маслаҳат беринг, жигарим, не қилсак тўғри бўлур?

– Бўлган воқеани эшитдингиз. Қолган тафсилотлар менга аён. Меҳмонимиз ташқарида йигитлар билан бир оз айланиб турсинлар. Иккимиз сўзлашиб олмағимиз лозим, – жавоб қилди йигит.

Махфий йигит Баҳромни шерикларига топшириб, чодирга қайтиб кирди.

– Ишлар чигал-ку, сиз нима дейсиз биродар? – дея махфий йигитга юзланди амир Боботурк.

– Шериги ҳам бор экан. Мулк дарвозаси яқинидаги карвонсаройда қолган экан. Йигитларни юбордим. Ҳадемай топиб келишади. Буларнинг ҳаракатини англаб бўлмайди. Назаримда, улар илгари ҳам Жаҳонмулкнинг кўрсатмасига биноан шу ишни бажарган одамлар. Барча сир-асрорни, ҳар икки томонни яхши билладилар. Жаҳонмулк кўшинимизнинг бир йилдан бери Хуросон ерида юрганидан хабардор. Буни билиб туриб, у бундай ишга қўл урмайди. Ўзининг қаердалигини кимсага билдиришни ҳам истамаса керак. Бошига акалари Хон Саид ва Наврўз Султонларнинг кунги тушишини яхши билади. Менимча, булар пул ишлашнинг мақсад қилиб келган товламачилар, – жавоб қилди йигит.

Навқарнинг гаплари дадил, сўзларида маъно ва мантиқ бор эди. Уни тинглаб тахта бўлиб ўтирган Боботуркнинг хаёлига Деҳлига кетадиган карвонга, Эртўғрул билан шу йигит бошчилигида тўрт-беш нафар кишини кўшиб юбориш фикри келди. Нега илгарироқ шундай қилмади? Эркак деган зот ҳам шу қадар ланж ва ланцовур бўладими? Салима Султонбегим балки аллақачон ундан юз ўғиргандур. Бироқ Боботурк ундан воз кечмайди. Нима қилиб бўлса-да, уни кутқармоқ керак.

– Ҳозир бу кишини сўроқ қилиб вақтни ўтказмайлик. Мени ҳазрат сўраб қоладилар. Сиз ҳар икки мусофир билан обдон яхшилаб гаплашинг. Ичида ҳеч бир сири қолмасин. Бемалол сўйлашларига имкон берсинлар. Гуноҳларини ювмоқ имкониятини берилишини сўйланг, – деди амир Боботурк ўрнидан туриб, тўнини алмаштирар экан. – Умидим сиздан. Аллоҳ насиб этса, сизнинг тўйларингизда ҳам қамишдан бел боғлаб хизмат килурмен.

Боботурк шундай деб йигитнинг елкасига қокиб қўйди. Беихтиёр кўзлари ёшовлади. Чодир ёғочига илиғлик чопонини олиб, йигитнинг елкасига ташлади.

– Қуллук, амир ҳазратлари. Бул улуғ саруполарга муносиб ҳеч бир иш қилмадим. Қуллук. Исмиим Акрам Ўғузбек. Ҳар замон ва ҳар қандай хизматингиз бўлса буюринг. Туркашбекнинг ёрдамчисиман, – миннатдор бўлиб сўзларди Акрам Ўғузбек.

– Сизга қуллук. Сиз каби садокатли инсонлар бор экан, давлатимиз қудратли, салтанатимиз пойидор ўлажак, – деди амир Боботурк навқарни кузатиб қўяр экан.

Чодирдан чиқиб бир оз наридан бери юрди. Кеч кириб, шаҳарнинг кунчиқиш томонидаги тоғлар устида ойнанинг ўроғи булутлар орасидан аранг кўзга ташланарди. Янги ой чиқибди, ўйлади ўзича Боботурк. Шу дамда балки у ҳам айни манзарани кузатиб тургандир. Барибир инсон ҳаётида бир маротаба бир кишини қаттиқ севса иккинчи бор бошқа кимсани шундай яхши қўра олмайди. Инсон юраги бир бор забт этилади. Тирикчилик ва оила масъулияти одам зотини қул қилиб, ўз оқимида олиб юраверади. Бориб сизни ўзим олиб келаман! Биз ҳадемай Ҳинд сори ҳам юрсак керак! Ҳаётимда шу пайтгача одам боласини ўлдирмадим. Бироқ сизни шу қўйга солганларнинг терисини шиламан!

У ичида шу сўзларни такрорлар экан, шаҳд билан юриб бориб отига минди. Отнинг чопишидан ҳосил бўлган шамолдан кўзидан тирқираб ёш чиқар, бу ёш кўксидан, меҳрга тўла вужудидан оқиб чиқаётгандек эди.



## ОЛТИНЧИ БОБ

*Йўли узуннинг — қўли узун.*

Лашкар Хуросон юртидан чиқиб, Самарқанд йўлида шитоб билан юрарди. Буюк амирдан орқарокда ўнг тарафда, Жаку Барлос, амир Муайяд, Эсон Буғо, Оқ Буғо, Боботурк ва Туркашбеклар борарди. Сўл томонда эса хос мунажжим Бадриддин, Тоҳир тарихчи, Қодирбек қиссахон, Акрам мунший, Ўткун Тегин бахши ва китобдор Ориф Бухорийлар келишарди. Дашти Қипчоқдан келиб Темур ўрдусига ўз тўпи билан қўшилган Кулбек Ялоғий латифалар сўйлаб, барчани кулдиради.

Буюк Амир ўнг тарафга ўгирилганда Амир Боботурк ёки Алп Туркаш етиб борарди.

— Не гап-сўзлар, ёш амир? — деди Темур Боботуркга ўгрилиб.  
— Қаерда дам оламиз? Ҳадемай Жайхунга ҳам етиб қолсак керак. — Ўткун Тегинбекни эшитиб, йўл чарчоғини чиқарсак. Нима дейсиз? Ёки она қишлоқни соғиндингизми?

— Йигитлар дарёда чўмилиб, отларини ҳам чўмилтириб, бошқа маиший ишларини йўлга қўйиб, дам олсалар яхши бўлади. Биз бир кун дам олиб йўлга тушсак дейман. Лашкар эса бафуржа бир икки кун истироҳат қилиб ортимиздан келаверади. Самарқанддан хабар келди, Ўғибегимнинг аҳволлари оғир эмиш, — жавоб қилди Амир Боботурк.

Темурнинг қизи Ўғибегим икки йил бурун Амир Мусонинг ўғли Муҳаммад Мусога узатилган, ундан Султон Ҳусайн исмли ўғли туғилган эди. Боботурқдан бу гапни эшитган Темурнинг қиёфаси ўзгарди. Отини секинлатиб, беихтиёр олис-олисларга тикилиб қолди.

— Ёмон туш кўрдим, Боботурк. Юсуф пайғамбар яхшиликка йўйсин, — деди анчадан сўнг дардли овозда.

— Худо шифо бериб, яхши бўлиб кетадилар, ҳазрат. Аллоҳнинг карами кенг, — жавоб қилди Боботурк.

— Опамиз кутлуғ Туркон Огага хабар беринг. Ўзлари унинг бошида туриб, муолажасини назорат қилсунлар!

Бухорога киргач, лашкарнинг ўз қишлоқ ва овулларига тарқалишига фармони олий берилди. Фармоннинг мазмуни шундан иборат эди. Барча пиёда лашкар, суворий, ўнбоши ва юзбошиларга одатдаги белгиланган миқдордаги маошга қўшимча улуфа берилиши, бу ҳақ оиласини бир йил боқишга етадиган миқдорда бўлиши, лашкар келган юрт ҳокимлари аскар оиласига куни ўтгулик даражада ер ажратишлари ва навкар олий ўрдуга қақирилган ҳамоно етиб келишга шай туришлари қайд этилганди.

Бу қиш Темур учун мусибатли кечди. Қизи Ўғибеким вафот этди. Буюк амирнинг Жаҳонгир Мирзо мусибатидан пайдо бўлган яраси янгиланди. Юрса ҳам, турса ҳам. Ёстикқа бош кўйса ҳам аёлларнинг айтиб йиғлагани кулоқлари остида жаранглайверди:

*Сандиқ тўла сариқ гул,  
Сайламай оптан қўлима.  
Айрилиқ кун, азоб кун.  
Недан оптан бўйишма.  
Болам-ай, болам!*

*Кичкина богча ичида,  
Айланиб қолди, бошларим.  
Армонимни орқалаб,  
Оқиб қолди ёшларим.  
Болагинам, болам-а!  
Қолдим, бағрим доғлаб-а.*

*Туялар ётур тошлоқда,  
Жувдалари ён ёқда.  
Болагинам қайда деб,  
Икки кўзим ҳар ёқда.  
Болам-а-ай, болам!*

*Қармоқ солсам, кунда йўқ,  
Излов солсам, элда йўқ.  
Қалпоқлари қош устида,  
Боласи йиғлар ош устида.  
Болагинам, болам-а!*

*Оқиб ётган оқ дарё,  
Одим ерда банди бор.  
Эсизгина кетганнинг,  
Айтмай кетган дарди бор.*

---

*Болагинам, болам-а!*

*Самарқанднинг минори  
Унда якка тумори,  
Юрагимни ўртайди,  
Ўтганларнинг хумори.  
Эсизгина болам-а!  
Қолдим, бағрим доғлаб-а!*

Боботурк билан Туркашбек ўтган бозор овга чиқиб даштдан жайрон боласини тутиб олган эдилар. Ўзаро маслаҳатлашиб, буни ҳазратга олиб борайлик, шояд кўнгиллари ёзилса дея фикр қилдилар. Темур турли хил қуш ва ҳайвонларни севар, боғларидаги бу жониворларга емак беришни хуш кўрарди.

Улар жайрон боласини даҳлиздаги арча ўтини ёнаётган печ олдида қолдириб, Темур хузурига кирдилар. Бирор-ҳафта, чамаси, ҳазратни кўрмаганлари учун кўлини ўпиб, пешини юзларига суртдилар.

– Мени ёлғизлатманг. Инсон боласи осмонни суяб турса ҳам биттадур. Ёнида ишонган меҳр қўйган ва меҳр кутган одамлари бўлмас экан, ҳаётида тот ҳам, туз ҳам бўлмайди, – деди Темур улар ташрифидан кўнгли ийиб.

– Бир муддат ўз-ўзингиз ила қолинг дея безовта этмадик, устоз, – дея жавоб қилди амир Боботурк таъзим билан хиёл бошини эгиб. – Сиз сабру тоқат, иродаю саботда барчамизга пиру қилмадиз. Неки юз берса қисматдин. Биз шогирду навкарларингиз сизни қадди буқик кўрсак ерга кириб кетгусимиз. Шу боис бошимизда ҳар доим ғолиб, мағрур ва музаффар турмоғингизга кўникканмиз!

– Нега бу қадар йўргунсиз, Туркашбек? Овозингизга қараганда кечаси ухламаган кўринасиз. Тинчликми? – соҳибхабарга тикилиб деди Темур.

– Худога шукр. Тинчлик, ҳазрат. Биз ўз ташвишимиз ила машгул бўлиб, тек ўтиргонимизга қўймайдилар бу ғаламислар. Ўзингиз огоҳлантирганингиз каби, жоникурбонийлар, – деди Туркаш торгиниб.

– Бирини Мохон, яна бирини Мозандарон ҳокими этсак. Қуданда бўлсак, – деди ҳайратда улуғ Амир ёнбошлаган ёстиғини қўйнига олиб чордона кўриб ўтирар экан. – Бизга тегишли одамлар деб, кимса уларнинг мушугини пишт демаса!..

– Афсуски, шундай, ҳазрат. Икки ака-ука гапни бир ерга қўйиб, Сабзавор устига қўшин тортмоқ тараддудида эмишлар. Кунни кеча у тарафдан кишимиз келди. Бир эмас, бир неча одамимиз бу хабарни тасдиқламоқда. Овул ва даҳалардан лашкар тўплашни бошлабдилар.

– Вазирини аъзам Хожа Шамсуддинни чорланг, – деди Темур Боботуркга қараб.

Боботурк даҳлизга чиқиб бош вазирга одам юбортирди. Шу пайт жайрон боласининг инграгани эшитилди.

– Жайроннинг овозими? – деди Темур жайрон бўлиб.

– Ҳа, жайрон боласини тутган эдик. Жонивор совуқда жовдираб, тўдасидан адашиб қолган экан. Сизга олиб келдик, ҳазрат, – деди Туркашбек мавзу ўзгарганидан ўзини енгил ҳис этиб.

– Фаройиб-ку, қани кўрайлик-чи? – деди Темур ўрнидан туриб даҳлиз томон юраркан.

Қизғиш қўнғир рангдаги жайрон боласи пишиқ ғиштдан ишланган печ ёнида, жулпат устида ётарди. Олдига кишилар келгач, ўрнидан кўзгалди.

– Неча кунлик экан? – сўради Темур.

– Ўн кунлик бордир, – жавоб қилди Туркашбек.

– Жайронлар кишининг чилласида ҳам туғар эканми, а? Кеч қочган бўлса керак-да жонивор. Сут ичяптими?

– Ҳа, ҳазрат. Емишини идишга солиб олиб юрибмиз. Мана, – дея кичкина сопол шишачага эчки терисидан қилинган эмизик тикилган идишни Темурга узатди Туркашбек.

Темур эмизикни олиб жайроннинг оғзига тутди. У қулқуллатиб эма бошлади. Жониворнинг бошини, орқаларини силади.

– Сен энди мен билан яшайсан, бўтам! Сен онангдан ажралибсан. Мен эса...



Темурнинг овози бўғилиб қолди. Кўзида ёш ҳалқаланди. Туркашбек гўёки ҳеч нарсани сезмагандек орқада қотиб турарди. Темур ҳеч қачон одамлар олдида кўзига ёш олмас, кўз ёши ва бола йиғисига ҳечам тоқат қила олмас эди. Жайрон боласи сутини ичиб тугатиб, унинг бармоқларини эма бошлади.

– Яна бир оз сут берайликми? Тўймади чоғи, – деди Темур хирқироқ овозда орқасида турган Туркашбекка.

– Боя ҳам ичган эди, ҳазрат. Бироздан сўнг берганимиз маъқул, – жавоб қилди Туркаш.

– Бўлмаса айтинг. Эчки сутидан олиб келишсин. Жайроннинг сути, эчки сутига яқин. Ўзим эмиздираман, – деди Темур эмизикни қайтариб бераркан. – Кўзини чиройлилигини қаранг. Халқда охунинг айби кўзида деган гап бор. Ҳаётда ҳам шундай. Инсон жуда ақлли ва хушбичим бўлса унга кун бермайдилар. Унинг айби яхшилигида.

Шу пайт эшик олдида бош вазир Хожа Шамсуддин билан амир Боботурк кўринди. Бош вазир ҳам ҳафтадан бери ҳазратни кўрмаган эди. Бағрига босиб, кучоқлашиб, кўнгил сўради.

– Ўзингизни қўлга олинг, ҳазрат. Аллоҳнинг иродасига бўйсунмоқ мажбуриятидамиз. Қолганларга ул кишимнинг тупроғича умр берсун! – деди дардли оҳангда.

Улар олдинма кейин хонага кирдилар. Одам қўлидан сут эмган жайрон боласи ҳам беихтиёр уларнинг орқасидан эргашиб хонага кирди. Темурнинг оёқларига суйқаниб, чопони барини тишлаб торта бошлади.

– Ҳа, жонивор-а, бир гал сут бергач, инсонга эш бўлди, қўйди. Дунёда неки жонзод бор, меҳрга муҳтож. Инсон ҳам шундай. Яхши сўзнинг гадойи, – деди Темур оёқларига суйканаётган жайрон боласига тикилар экан йиғига ўхшаш овозда.

– Сизни бир йилдан бери кўрмагандекман. Сизсиз калаванинг учини йўқотиб қўяр эканмиз. Ишқилиб Аллоҳ сизни ҳар доим бошимизда соғу саломат, эсон-омон, бағри бутун, тўрт кўз тугал асрасин! – дуо қилди Хожа Шамсуддин юкуниб.

– Қудаларимизнинг хатти-ҳаракатларидан воқиғисиз, бош вазир жаноблари? – деди Темур кўришиб Хожа Шамсуддинни ўтирмоққа даъват этар экан.

– Шундай, олий ҳазрат. Улар сўзларида турмай яна хиёнат

узангисига оёқ қўйдилар. Модомики, иккиси икки вилоятнинг ҳоқими. Уларни норизо этгулик хатти-ҳаракат биз тарафдан содир этилмаган бўлса. Нечун бундай иш тутадилар, барчамиз ҳайронмиз, – жавоб қилди бош вазир. – Бу хусусда давлати аркон ва амиру лашкарбошиларнинг фикри қатъийдур, – қўшиб қўйди бу хусусда ўзининг ҳам тушунчаси борлигини билдириб.

– Сўйланг, – деди Темур жиддий оҳангда.

– Исёнчилар оёққа қалқиб, раиятга зиён етказиб, элу юртни бузмасдан жойида танобини тортмоқ керак. Илгариги каби яна уларнинг гуноҳидан ўтиб, совға-салом ва суюрғол бермаслик керак. Эски хато ва кўнгли бўшлигимиз бизга сабоқ бўлмоғи лозим. Мени айтди дерсиз ҳазрат, эрта кунда кўзи олма-кесак терадиган ўша Тўхтамиш ҳам бизга дўстлик қилмайди. Жўчини бир ёклик қилиб, сўнгра Хуросон ила машғул бўлмоғимиз жоиз эрдими?

Бош вазирнинг шаъмалари ўки бевосита Темурга қаратилган эди ва бу борада бош вазир ҳақ эди.

– Ҳақсиз, мухтарам вазири аъзам жаноблари, – деди Темур паст ва дардчил оҳангда. – Жўчи хусусида баҳсни кейинроққа қолдириб, бугун-эрта ҳал қилишимиз лозим бўлган Хуросон иши ила машғул бўлсак. Мен амиру лашкарбошиларимизнинг фикрларига қўшиламан. Исён томир отмасидан бурун олдини олмоқ керак. Амир Алибек Жониқурбоний бизни барибир англай олмайди. Ул кишим бизнинг ҳаракатимизни ўз юртларига қилинган тажовуз деб билади. Ул кишига-да ҳақ берамиз. Кимда-ким адолатли иш кўрса Аллоҳ шул тарафдадур, – дея сўзини тугатди.

– Изн этсалар аркони давлатни тўплаб, бу хусусда улар фикрини ҳам олсак. Хон ҳазратлари билан ҳам ўзингиз қўнишсангиз, – деди бош вазир.

– Розимен. Бугун пешиндан сўнг сўзлашамен. Хон ҳазратларига ҳам бу хусусда билдиринг, – жавоб қилди Темур.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, ҳазрат, – гапга аралашди амир Боботурк. – Русхат этсалар бир хусусда кеч бўлса-да, бир фикрим бор. Ушбу масала бўйича мухтарам бош вазиримиз бундан буён янглиш фикрда бўлмасунлар.

Темур шогирдига каради.

– Мухтарам бош вазир жаноблари, аввало Жўчини бир ёклик қилишимиз лозим эрди деган гапни айтдилар. Ўша пайтда бу

ишига қўл урмоқ жуда хатарли бўлиб, бизнинг ҳалокатимизга ҳам олиб келиши мумкин эди. Бош вазир жанобларининг ўйламай-нетмай шундай дейишлари хусусан мени хайратга солди. У вазиятда бир душманамиз ўн бўлиб, бутун Турон юрти ўт ичида қолар эди. Мен бош вазир ҳазратларидан узр сўраб, бундан буён бу фикрларини бошқа ерда сўзламасликларини таклиф этамен, — деди амир майин оҳангда. — Эшитган қулоққа яхши эрмас. Қай даражада бўлмасин, бугунги кунда Тўхтамишхон бизга эш бўлиб, сўзимизга кириб турибди. Нега энди ундан душман яшшимиз керак? У бизга нисбатан бирорта ножўя хатти-ҳаракат қилғони йўқ-ку.

Орага оғир жимлик чўқди. Бош вазир лаб-лунжини йиғиштириб Боботуркка даъфи жавоб қила олмади.

— Амир Боботурк ҳақдур. Сизнинг сўзларингизда ҳам жон бор, муҳтарам бош вазир жаноблари. Бироқ илгари айтганим каби айни замонда баҳслашмоқ ва бу муаммони муҳокама этмоқ фурсати эмас, — деди жимликни бўзиб Темур. — Гапдан гапнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор дегандек, сувни кўрмасдан бурун этик ечмай турайлик.

Темур ўзи ва мулозимлари ўртасида бўладиган бундай гап-сўзларни совуққонлик билан тинглар, ҳеч бир амиру лашкарбоши ноҳақ сўзласа хафа бўлмас, ҳақми-ноҳақми у ўз фикрини очик айтгани учун ҳурмат кўрсатарди. Бу ҳолат эса улар ўртасидаги муносабатни яхшилаб, олий раҳбариятда соғлом илқим яратарди. Ҳеч ким бир-биридан арз қилмас, кўнглида гина-кудурат асрамас эди.

Тўпланган мажлис аҳли қора либосли Темурга яна бир-бор ҳамдардлик билдириб, дуо этдилар. Шайхулислом Қуръони Каримдан сура тиловат қилди. Сўнгра бош вазир содир бўлган воқеа хусусида ахборот берди.

Суюрғатмишхон ва Темур кўпчиликнинг фикрини билмоқ учун сукут сақлаб ўтиришарди.

— Исён бостирилмоғи, бул фитна салтанатнинг бошқа тарафларига ёйилмасдан бурун унинг чора-тадбирини кўрмоқ лозим, — деди баланд ва қалтироқ овозда Темурнинг ишончини қозонган Аббос баҳодир. — Бугун ёнига амир Валибекни кўшиб олган Алибек эртага Малик Ғиёсиддин каби бошқа ғанимларимизни

ҳам йўлдан урмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Шу боис ул исёнчилар ўз масканида янчилмоғи лозим. Бундан буён яна ер билан битта бўлиб, узр сўрасалар молу жонидан кечмаслик шарт деб ўйлайман, – сўзида давом этди Аббос баҳодир.

– Ҳақ гап!

– Уни ўз юртида бартараф этмоқ лозим!

– Унга энди шафқат қилиб бўлмайди!

– Ҳа, жуда ҳаддидан ошиб кетди! – бирма-бир фикр билдирди улуғ амирлар ва лашкарбошилар.

– Кўнгилчанлигимиз ва бағркенглигимиз охири бир кун бошимизга бало бўлмасдан ғамимизни емоғимиз лозим, – деди амир Сайфуддин туркчанинг бухоро лаҳжасида салмоқлаб. – Алар андишанинг отини кўрқоқ деб билмоқдалар. Темурбек ҳазратларининг ҳар қандай шароитда қон тўкмасликка уриниш ҳаракатининг моҳиятини англаб етмаётирлар. Начора, яхши сўз ва инсоний муносабат билан ҳал бўлмаган ишга қилич аралашур. Биз улар олдида олчоқлик ёки муттаҳамлик қилмадик. Неки мақсадимиз бўлса очиқ-ойдин сўзлаб, ҳал этдик. Бири Моҳонни сўраб турган бўлса, бири Мозандаронни. Темурбекнинг рағбатлари ила солиқлардан ҳам деярли озод қилинганлар. Билмадик яна не истайдурлар. Менинг фикри ожизимча, бу тўрвасоқол Алибекдан ҳатто ўз хешу ақрабосига ҳам яхшилик келмайди. Биз буни тажрибада кўрдик. Яна жамоа не деса, кўпчиликнинг фикри қайда тўхтаса, биз ҳам шул тарафдамиз.

Суюрғатмишхон Темурга ўзингиз якун ясанг дегандек қараб, хиёл бошини эгиб, ишора қилди.

– Муҳтарам амирлар, беклар ва салтанат таянчи бўлмиш барча биродарларимиз: Авваламбор, менга билдирган ҳамдардлик ва меҳр-муҳаббатга тўлиқ сўзларингиз учун миннатдорчилигимни қабул этгайсиз. Бу салтанат, чекилаётган изтироблару савобли ишлар хон ҳазратлари ва менинг учун эмасдур. Бу барчамизнинг юрт, улус ва динимиз олдидаги муқаддас бурчимиздур. Биз ёввойи қавмлар оёғи остида тили, маънавияти ва маърифати топталган юртимизнинг кўкрагини кўтариб, унинг буюк бирлигини тикламоқ ниятидамиз! Бу улуғ орзу-армонимизни ҳеч кимдан яширган эмасмиз ва яширмаймиз! Жониқурбоний биродарларимиз аввал бошда бу ҳаракатимизга қўшилган ҳамда

уни қўллаб-қувватлаган эдилар. Буни биз ҳар замон юксак қадрлаймиз ва шунга яраша уларнинг обрў-эътиборини жойига қўямиз! – Олий маслаҳатдан шул нарса аён бўлдики, барча баробар ҳаракатга келмасидан бурун фитначиларни бир тарафлик қилиш фикридадур. Машваратдан бурун мен бир неча нафар амир ва мулозимлар ила тек-тек суҳбатлашдим. Улар ҳам шу фикрдалар. Шундай экан, қиш ярмидан оғиб, сафар учун оғир бўлса-да, йўлга чиқмоққа тўғри келадур. Биз муҳтарам вазири-миз Муҳаммад Довудга бир ойга етгулук ошлиғ тўпламоқ мажбуриятини юклаймиз. Шунингдек, ул кишим мавжуд ёв-яроғлар, чодир утовлар ҳисоб-китобини қилсунлар. Ўлка ва туманларга одам жўнатилиб, лашкар тўплашга киришилсун. Қолган ишларни муҳтарам бош вазир жаноблари ила биз ҳал этажакмиз. Барчангизга ташаккур!

Аркони давлат ўрнидан кўзгалди. Солинда Темур, бош ва-зир, амир Боботурк, Аббос Баҳодир ва Туркашдан бўлак кимса қолмади.

– Умаршайх Мирзога ва Мироншоҳ Мирзога хабар еткуринг. Ҳар икки амирзоданинг қўшини йўл-йўлакай қўшимча хабар етгани замоноқ Калот атрофига етиб келишсун! Қўшинлар машқини тобига еткурган бўлсунлар! – Туркашга буюрди Темур.

Сохибхабар қўлини кўксига қўйиб бошини эгди-да, эшик томон тисланди.

– Биз ҳам сафар тадоругини кўрмагимиз лозим, Боботурк! – деди Темур бу юришни истамаётганлиги шундоққина овозидан сезилиб. – Бу одам зоти Аллоҳ берган умрини яшаб, тинчгина оёқ узатиб ўлишни истамас экан-да. Начора энди қўлимиздаги қилични янада маҳкамроқ тутишимизга тўғри келади.

Темур шундай деб солиннинг у тарафидан бу тарафига бир марта бориб келди.

– Ўзингизнинг аҳволингиз нечук, Боботурк? Шундай уйланмай ўтиб кетасизми? – деди бошқаларга бўшсизлар дегандек ишора қилиб.

– Бу хусусда янгиликлар бор, ҳазрат. Фурсати бўлмади сизга сўйлаин десам, – жавоб қилди Боботурк.

– Шундайми? Сўйланг бўлмаса. Не хабарлар? – қизиқди Темур.

– Асли мамлук бўлган, бироқ ўзини ҳиндистонлик дея танитган икки киши Туркашбекнинг йигитлари қўлидадир. Катта маблағ

эвазига қаллиғингизни олиб келиб берамиз дейишмоқда. Махфий йигитларимиз уларнинг асл мақсадлари ва сўзларининг не қадар ростлигини билиш устида ишламоқдалар. Бу ишдан бирор натижа чиқмасада, охирига етмоқ ниятидамиз.

Орага жимлик чўкди Темур яна бир бор хонанинг у бошидан бу бошига бориб келди.

– Модомики, сиз у хоним-ла яшамоқни ният қилган экансиз, бунинг учун керак бўлса Ҳиндистонни ҳам фатҳ этамиз, – деди Темур Боботуркнинг елкасига қўлини қўйиб. – Бироқ яна бир йил кутишга тўғри келади. Бу кишилар билан суҳбатлашиб, масаланинг моҳиятига етинглар. Буларни сизнинг маъшукангизга етказмоқдан кўра янада муҳимроқ бошқа ишлар ҳам қизиқтириши мумкин. Уларнинг қўшин ва давлат иши қўнусида ёғий билиши лозим бўлган ҳеч бир нарсадан хабар топишига йўл қўймангиз. Уларнинг қайтиб кетиши ҳам мумкин эрмас, авлодим. Балки ҳибсга олдиарсиз. Хоним ҳақидаги сўзлари эса келиб, эсон-омон қайтиб кетиш йўлидаги бир восита бўлиши мумкин. Бу ишнинг тубига етмоқни Туркашбекнинг бўйнига қўйинг. Бу хусусда янгилик бўлгани он менга сўзланг.

Эшик оғаси ҳазратни Сароймулкхоним йўқлаётганини билдирганида Темур Боботуркга кетмоққа рухсат берди.

– Бош маликамизга сўйланг. Кечкурун хузурларида бўлурмен, – деди Темур сарой таркибидаги масжид таҳоратхонаси томон юрар экан.

Бухоро қиши мўътадил, ёкимли ва ғамгин эди. Кечаси тьяниқиб ухлаган Темур эрта уйғониб, таҳорат қилди, бомдод намозини ихлос ила ўқиб, нонушта ҳозирланган хона томон юрди.

Иссиққина хона ўртасидаги хонтахтада пишлоқ, қаймоқ, ҳусайни узум, чакилган ёнғоқ ва мағиз ҳамда сояки майиз турарди. Хонтахта четидаги ҳиди анқиб турган кулчаларнинг устига бах-мал дастурхонча ёпиб қўйилган эди.

Эшик олдида ҳазратни тавозе билан салтанатнинг бош маликаси Бибихоним кутиб турарди.

– Ассалому алайкум, ҳазратим. Яхши ётиб турдиларми? Кайфиятлари яхшими? – деди бош малика таъзим бажо келтириб.

– Ваалайкум ассалом. Ассалому алайкум. Ташаккур, маликам. Таъбим нисбатан равшан, кайфиятим жойида, – жавоб килди Темур хонтахтанинг деворга суяниш мумкин бўлган, ойна-

га қараган тарафига ўтираркан. — Яна оғир сафар олдидамиз. Қўшин қишда қийналадурғон кўринадур. Бироқ бу юриш бизнинг ихтиёримиздан ташқарида бўлмоқда. Қирқ киши бир ён, қингир киши бир ён деганларидек, битта қудамиз Алибекнинг кутқуси билан барчамизнинг тинчлигимиз бузилди. Қишнинг чилласида юриш қилмоқ ташвишида қолдик. Бу муаммони ўз фурсатида бартараф этмасак, бизга ҳайрихоҳ бўлмаган кучлар эртага Турон ерига кўз тика бошлайдилар.

— Кечаги машвараат мазмунидин хабар топгач, мен ҳам бул фикрни қувватламоққа жазм этдим, улуғ амирим, — деди Бибиҳоним бундан ўзга чора йўқлигига ишора этаркан, — ҳар ким экканини ўрар. Йигит кишига ўлим йўқ, агар у ўзини ўтга урмаса дейдилар...

— Бизга не хизматлари бор? — дея гап мавзуини ўзгартирди малика. — Рухсат этсалар сизни кузатиб қўйиб, Самарқандга жўнасақ. Сизнинг рағбат ва дуоларингиз билан Боғи Беҳишт, Боғи шамол ва Боғи баланд саройлари куриб битказилди. Эртаиндин Боғи зоғон ҳам битиб қолар. Ҳадемай кўчат ўтказмоқ фурсати ҳам келур. Экиладиган оғочларнинг ҳисобини қилиб, тайёрлаб қўйганман, — деди Бибиҳоним эрига ўрик шарбатини қўйиб узатар экан.

— Йўлда, Кешга тўхтаб, Оқсарой курилишини ҳам бир кўринг. Ишнинг қандай кетиши хабарини менга етказинг. Бу сарой дунёда ягона улуғвор ва бетакрор бўлмоғи лозим. Бу кетишда курилиши жуда узокқа чўзиладиганга ўхшайди. Усталар ва наққошлар яна лозим бўлса айтарсиз. Хуросон томондан юборурмиз, — дея таъкидлади Темур Сароймулкхонимга. — Самарқанд шаҳри доруғаси ишига аралашмасдан назорат қилиб турунг.

— Хўп бўлади, ҳазратим. Сиз кўнглингизни тўқ қилиб, ой бориб омон келинг! — тилак билдирди Бибиҳоним.

— Қуллуқ, дуода бўлинг, бибим! — деди Темур меҳрли оҳангда. — Менинг даҳлизда турган жайронимни Боғи беҳиштга олиб бориб қўйинг. Ўзингиз қараб турунг.

— Бош устига.

— Хонимлардан биз ила баробар Дилшод оғо борадур. Ул кишим отда яхши юрадулар. Айтинг, сафар ҳозирлигин кўрсунлар, — буюрди Темур.

Турон лашқари Бухоройи шарифдан чиққанида ҳам қор пағапаға ёғар, Зарафшон водийсининг ёғдек майин тупроғи устига

кўрпадек тўшалган момик пар отларнинг тиззасига етай деб қолган эди. Ўрду даштга чиқиши билан сурув-сурув қўйларга дуч келди. Темур ўзидан беш кадамча орқада келаётган, тўрик отда эркаклар каби дадил ўтирган Дилшод оғога қаради. Темурнинг севимли хотини отини жадаллатиб эрига етиб олди.

– Қалайсиз, маликам? Бу машаққатларга чидай оласизми? Ёки ҳалиям иссиққина саройга қайтасизми? – ҳазиллашди Темур.

– Сиз билан дунёнинг нариги бурчига бўлса-да, борурман, ҳазратим. Ундай деманг. Эндигина, сафарда бўлса-да, сиз фақат бир меники бўлиб турибсиз. Бу бахтдан мосуво этманг, – нозик овоз билан жавоб қилди Дилшод оғо.

– Йўл азоби, гўр азоби дейдилар. Сиз ширин-шакар сўзли хонимни озор чекманг демокчиман. Истасангиз тахтиравонга чикиб ўтиришингиз мумкин.

– Сизнинг ёнингизда кетмоқ биз учун энг улуғ тахтиравондир. Ёнингизда жангга тушмоққа ҳам ҳозирмен, ҳазрат, – кўнғироқдек ёқимли овозда сўзларди Дилшод оғо.

Кўшин жануб томон юргани сари қор сийраклашиб, ҳаво иликлаша борди. Лашкар енгил нафас олиб, Жайхунни кечиб ўтиб, қисқа фурсатда Калотга яқинлашди. Амирзода Мироншоҳнинг кўшини ҳам Сарахсдан чикиб, шу ерда, олий ўрдунинг етиб келишини кутиб турарди.

Алибек Жониқурбоний Темур кўшинининг бундай қисқа фурсатда Калот қалъаси деворлари ёнида пайдо бўлишини ўйлаб ҳам кўрмаганди. Қоровуллари бу хабарни етказганида шайтонлаб, анчагача оёқ-қўли бўшашиб, не карорга келарини билмай ўтириб қолди. Анчадан сўнг ўзига келиб, буйруқ берди:

– Калот қалъаси атрофидаги барча қишлоқларнинг аҳолиси кўшин билан бирга қалъа ичига олиб қирилсун! Ёғий худудларимиздан оти учун бир тутам ҳашак ҳам топа олмасун! Бу қалъани оладиган азамат ҳали онасидан туғилган эмас! Қўлига қурол олишга имкони бор барча одамлар қалъа ҳимоясига жалб этилсун!

Алибек шундай деб, шахд билан отига миндию, қалъа бурж бораларини кўздан кечирмоқ учун жўнаб кетди. Ёнида хос ёрдамчиси Нурмамед отини елдириб борар эди.

– Амир Темур билан беллашиб обрў топмаймиз, оға! – деди у юмшоқ, маслаҳатомуз оҳангда отини ниқтаб Алибекка етиб оларкан. – Яхшиси, қудангиз билан ишни уруш-савашсиз битирмоқ чорасини излайлик!



Қовоғи осилганча мум тишлагандек жим кетиб бораётган Алибек қамчисини даст кўтариб Нурмамеднинг бошига солди.

– Бор! Керак бўлса менинг қизимнинг ўрнига Темурнинг ўғлига хотин бўл, итвачча! – ўшқирди Алибек. – Йўқол кўзимдан!

Нурмамед отини шартга оркага буриб чоптириб кетди. Ёши улуғ Алибекка қарши қўл кўтармади. Алибек-бир-муддат яйдоқ ерда турди-да, отини шотирига тутқазиб, қалъа деворига чиқиб кетди.

Темур кўшинга ҳеч қандай жиддий хатти-ҳаракатлар қилмасликка буйруқ бериб, шошилмай қалъа атрофига жойлашишни буюрди.

– Алибекдан бирор жўяли фикр кутамиз. Бу орада лашкар ҳам у ёқ-бу ёғини тартибга келтириб, ерлашиб олади, – деди Темур амир Боботуркга ўзи учун қурилган оқ кигиз ўтовнинг қасабаларини ушлаб кўраркан. – Асл ўғуз ўтови бу. Ёзда салқин, қишда иссиқ бўлади. Дилшод оғонинг ҳам ўтовини тикдириб, аҳволидан хабардор бўлинг. Кучига ортиқча баҳо бериб, шамоллаб қолган кўринади бояқиш.

Уч кун давомида қарши тарафдан бирон-бир таклифни кутган Темур ниҳоят элчибошини хузурига чорлади.

– Муҳтарам ақрабомиз Алибекка еткуринг. Ҳар галгидек бизнинг ул кишига заррача хусуматимиз йўқ. Қалъадан чиқиб, хузуримга келсалар ҳар замонгидек меҳр-мурувватимиз ва иззат-икромимизда бўладилар. Биз ул кишимнинг молу жонларига омонлик тилаб, бундан буён тинч ва бирликда яшамоқнинг режасини тузамиз. Бизнинг ана шу тилақларимизни еткуринг, – деди Темур ва элчининг қўлига шу мазмундаги мактубини тутди.

Алибек Жониқурбоний Темур элчиси билан яхши суҳбатлашди. Бироқ элчининг сўзларига ишонмади. Энди қўлига тушсам Темур этимни нимталайди деган даҳшатли ўй унга тинчлик бермади. Қалъа ичидагиларни ўз ҳолига ташлаб, қавмини эргаштирганча тоққа қараб от қўйди. Бу воқеа Темурга маълум бўлгач, ўй суриб қолди. Алибекни қувиш маъносиз бир тирикчилик эди. Тоғу тошда ҳар қандай фалокатга дуч келиш мумкин. У ерларда турли хукмдорлардан қочиб юрган қароқчи тўдалар ҳам бор. Вақти-соати етиб буларнинг ҳам ҳисоб-китобини қилмоқ керак.

Қалъага хужум қилишда ҳам маъно йўқ. Барча ташвишу таҳликанинг сабабчиси у ерда бўлмагач, бечора халққа озор бериб нима қилади.

– Энди бошқа бир йўл тутамиз, биродарлар, – деди Темур мийиғида кулиб, ўтовига тўпланган қўшин бошлиқлари, амиру хос мулозимларга бирма-бир қараб чиқаркан. Ўн чоғли жарчи кечаси билан яхшилаб тайёрланади. Улар эрта-саҳардан бошлаб бор овозлари ила: «Мозандарон деб адашиб, Калотга келиб қолибмиз, Амир ҳазратлари зудлик билан Мозандарон йўлига тушишингизни буюрдилар!» дея жар сола бошлайдилар. Унга-ча қўшинларнинг бир қисми чекиниб, йўлнинг икки томонида пистирмада туради. Ярим минг чоғли суворий ўзини қочаётган қилиб кўрсатади. Қалъадагилар ўзларини қандай тутадилар, кўрамиз? Қалъадан бизни қувишга чиқишса иш тамом. Қалъа бизники бўлади. Агар ҳийлани пайқаб, чиқишмаса унда бошқа бир тadbир ўйлаймиз, – деди Темур қўшин ҳаракатини лашкар-бошилар ила кузатар экан.

Қалъадагилар тонг отиши билан Темур қўшинининг урвоғи ҳам қолмаганини кўришиб ҳайрон бўлдилар. Бир зумда қалъа ҳовлиси оломон ва лашкар билан тўлди. Қалъа қутволи ғолибона оҳангда мурожаат этди:

– Барчангиз кўрдингизким, Калот каби мустаҳкам қалъани ололмасликка ёғийнинг ақли етди. Фурсатни қўлдан бой бермай уларни кувмок, ҳеч бўлмаганда уғруқ ва озиқ-овқат заҳираларини тортиб олмағимиз керак! Бундай қулай вазият ва ўлжа ҳар доим ҳам ўз оёғи билан келавермайди. Қани кетдик, биродарлар! – дея мурожаат қилган қутвол биринчи бўлиб от қўйганча қалъа дарвозасидан чиқди.

Отлиқ лашкару оломон унинг ортидан гурра эргашиб ташқарига отилдилар. Оз фурсат ўтмай йўлда кетаётган суворийларга етиб олдилар ҳам. Қалъанинг мустаҳкам деворларидан икки фарсахча узоқлашганларида қуршовга тушганларини англаб етдилар. Суворийлар чигиртка каби ўрмалашиб келаётган ўлжа иштиёқидаги кўзи оч одамларни чопиб ташладилар.

Кун пешиндан оққанида қалъа яна қуршовда қолган эди. Амирзода Мироншоҳ Деҳча дарвозаси қаршисида турар, амир Муайяднинг ўғли амирзода Али қалъага оқиб кирадиган сой бўйини эгаллаган, амирзода Умаршайх эса иккинчи дарвозани бузиб кирмокда эди.

– Калот қалъасини бир томчи қон тўкмай олиш мумкин! – деди Темур қалъа атрофида турган қўшинларнинг жойлашувини куза-

тар экан. — Қалъага оқиб кираётган сой беркитилса бас. У таслим бўлади. Бироқ қалъа ичида бола-бақра, кексаю-беғуноҳ одамлар бор. Биз бундай қилмаймиз. Инсофга келиб, сулҳ сўрашларини кутамиз.

Бошсиз қолган қалъа ҳимоячилари— маслаҳатлашиб, сулҳ тузмоқ учун ҳозирлик кўра бошлаган эдилар. Улар қаршисида махфий ер ости йўли билан қалъага кириб келган Алибек Жониқурбоний пайдо бўлди. Баҳслашаётган одамларнинг сўзи оғзида қолди. Барча бирдек ҳайратда унга тикилиб турарди.

— Бу босқинчилар билан ҳеч қандай сулҳ тузилмайди. Менинг зиндонимнинг тупроғини ялаб кўрган бу чўлоқ бўрини тилка-пора қилмасам Алибек отимни бошқа қўяман! Ўша пайтда пахмоқ соқол имом билан Валибек инимнинг сўзига кириб уни бекор қўйиб юборган эканман! Мана энди, ўша хатонинг жазосини тортмоқдамиз! Ё ҳаёт, ё ўлим! Энди биз уни юртига тирик қайтариб юбормаймиз! Барчангизни жиҳодга даъват этамен!

Алибекнинг оташин сўзлари ҳиссиётга берилган бу турк қавмининг суюқ қонини жўштирган, уни яна телбаларча ўзидан бир неча баробар кучли лашкар оёғи остига ташлаётган эди. Буни сезган Нурмамед каби амирлар сукут сақлардилар.

Алибек сўзини тугатиб, беш-олти чоғли энг яқин мулозимлари билан саройга кириб кетди.

Белдан юқори чиқмайдиган бемаза латифалари боис Самарқанд санъатчилари ва сўз усталари орасидан қувилган масхарабоз Қулбек Ялоғий ҳам Алибекнинг мулозимлари орасида эди. У уят ва бачкана ҳангомалари билан ҳазил-мутойибани унчалик англаб етмайдиган Алибекнинг одамларини лақиллатиб, кунини кунлаб юрарди.

Оғзи шалоқ ва суюқ аскиячи ва қизикчилар улуғ амир даврасига йўлатилмас эди. Жиддий одамлар табиатан масхарабозларни ҳазм эта олмайдилар.

Ялоғий ҳайдалгани ошкор бўлгунга қадар улуғ амир номини сотиб тирикчилик қилиб юрди. Икки дарё орасидан узоқлашгач, бир парча эмак учун Самарқанд саройи зиддига бўлар-бўлмас латифалар тўқирди.

— У хийла билан қўшинимизнинг бир қисмини қиличдан ўтказди. Энди хийла билан иш тутмоқ навбати бизга келди. Темур қўшинини сақлаб қолмоқ учун ҳар қандай сулҳга рози

бўлади. Унга тавба-тазарру қилиб, беш нафар навқари билан ўзини Чуқурдарага чақирамиз. У мард одам, келади. Бу ёғи Аллоҳ нени раво кўrsa шу бўлади, – деди Алибек ўтирганларга муғомбирона бирма-бир қараб чиқаркан.

Кечга бориб Темурнинг олий ўрдусига оқ байроқ кўтарган Муҳаммадшоҳ Жониқурбоний кириб келди. Муҳаммадшоҳдан бурун келган элчи Темурга Алибекнинг хатини етказган бўлиб, у мактубида Темурдан қўшинларини қалъадан бир фарсах нарига олиб кетишни, шу аснода сулҳ учун ҳозирлик бошлашни таклиф этган эди. Темур Алибекнинг шартини қабул қилиб, лашкарни қалъадан бир фарсах ортга чекинишга фармон берди. Қўшинлар янги манзилга ўрнашиб бўлгач, келишилган муддатда олий ўрдуга Муҳаммадшоҳ етиб келганди.

– Алибекхон савашни тўхтатмоқ, камални очмоқ ва сулҳни имзоламоқ учун сўзни беш нафар кишингиз билан Чуқурдарага таклиф этадилар. Алибек ҳам қалъа қутволи билан беш йигит ҳамроҳлигида етиб келдилар. Шу ерда аҳдномага имзо чекилади, – дея сўзини тугатди Муҳаммадшоҳ Темурнинг нигоҳидан кўзини олиб қочаркан.

Элчи сўзлар экан, унинг гапи давомида Темур беихтиёр Алп Туркашга маъноли қараб қўйди. Нигоҳида булар билан бирга кетадиган одамни ҳозирла деган маъно мужассам эди.

– Биродаримиз Алибекка бориб айтинг. Шартларини қабул этдик, – деди Темур Муҳаммадшоҳнинг қалин қошлари ўртасига нигоҳини қадаб. – Бизнинг элчимиз ҳозир сиз билан бирга қалъага боради ва биргаликда сулҳ матнини ҳозирлайди.

Қалъадаги хабарчилар элчи зиндонга ташланганини ва Алибекнинг режасини маълум қилишганда рақибнинг болаларча ўйлаган найранги ошкор бўлган эди. Чуқурдара учрашуви ҳам шунчаки бир ўйин эканлиги билинди. Энди юриш тартибида ўзгариш ясаш керак эди. Темур амиру лашкарбошиларни тўплаб, қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилди:

– Сўзлаганимдек Калот қалъасини бир томчи қон тўкмасдан олажакмиз. Муҳтарам Суюрғатмишхон билан амирзода Алининг икки туман лашқари Калотга келадиган барча йўлларни эгаллаган. Қалъага инсон зоти кириб чиқолмайди. Биз эса Туршиз устига юрамиз. Исёнчиларга қўшилиб кетиши мумкин бўлган

биринчи қалъа Туршиздур. Туршиз иши ҳал бўлгунга қадар Калотнинг чораси топилиб қолади. Ҳозироқ элчи юбориб Малик Ғиёсиддинни ҳам чақирамиз. Бизга Туршизни олишда кўмаги тегиб қолар.

— Кўшин Ясси довони орқали Туршиз қалъасига қараб юрди. Шу ерга етганда Дилшод оғо қаттиқ оғриб қолди. Темур зудлик билан тахтиравонда уни Самарқандга жўнатди. Самарқанд сафарига бошлиқ этиб тайинланган Эртўғрул Туронни ёнига чақириб қуйидагиларни тайинлади.

— Бибихонимга айтинг, Дилшод оғони яхши қаратсунлар. Амирзода Шохруҳнинг волидаи мухтарамаси Меҳрибонбегимга еткуринг, амирзодага диққатли бўлсинлар. Самарқанддаги аҳволни икки-уч кун ичида пухта ўрганиб, орқага қайтинг!

Туршиз Хуросоннинг энг мустаҳкам қалъаларидан бири бўлиб, садидийлар қўл остида эди. Ҳирот ҳокими Малик Ғиёсиддин Пир Али ўн йил, чамаси, бурун бу қалъани амир Али Садидий қавмига берган эди. Ғур жамоасига кирувчи садидийлар саваш бобида ҳассос эдилар. Улар бу ҳужумнинг олдини олиш учун пухта ҳозирлик кўргандилар. Деворларда тизилишиб турган мерганлар қалъани ўраган лашкар устига ўқ ва тош ёғдирарди. Буни кўрган Темур—иш—осон—кўчмаслигини англаб, ҳузурига Малик Ғиёсиддинни чақиртирди.

— Сиздан қалъани ҳада сифатида олган садидийлар уни яхшилик ва сулҳ ила топширсалар керак, Малик жаноблари, — деди Темур от устида кетаркан Ҳиротнинг собиқ ҳокимига. — Ундан ташқари булар сизнинг юртдошларингиздур.

— Давлат сарҳадини ҳимоя этмоқ мақсадида ўша пайтда Туршизни уларга берган эдим, ҳазрати олийлари. Бироқ бу қавмни билурсиз. Бўйсунмас ва жангари. Муомала ила муросага келмайдиганлар хилидан. Шундай бўлса-да, ижозат берсангиз бориб улар билан сўзлашсам. Қон тўкмасликка, ишни яхшилик билан битирмоққа ундаб кўрсам, — дея жавоб қилди Малик Ғиёсиддин бу оғир вазифани удаламоқ масъулиятидан хаёли қочиб.

— Ул биродарларимиз кимсанинг сўзига кулоқ соладургонга ўхшамайдилар, — деди Темур Малик Ғиёсиддинга синчковлик билан тикилар экан. — Майли, ҳа деган туяга мадад. Биздан нима кетди. Бир уриниб кўринг. Бўлса сувли, бўлмаса лалми деганларидек, шунга қараб иш тутамиз. Аллоҳ сизга йўл берсун!

Малик Гиёсиддин икки аскар ҳамроҳлигида қалъа томон от қўйиб кетди. Сулҳга ундовчи даъватни эшитган қалъа химоячилари уни ўққа тутдилар. Навкарлардан бири ҳалок бўлди. У Темур ҳузурига боши эгик, тушкун киёфада қайтиб келди.

Темур мавжуд вазиятни муҳокама этмоқ учун чодирига Жаку Барлос, амир Боботурк, Алп Туркашбек ва Али Муайяд Орлотни чорлади.

– Не усулда иш юритмокни маъкул кўрурсиз, мухтарам амирларимиз? – дея мурожаат этди Темур чодир тўрига оғир чўқаркан.

– Бу Малик Гиёсиддин қайдан пайдо бўлди, аълоҳазрат? Унинг дили ва қўли тўғрилигига ишонасизми? – дея гап бошлади Жаку Барлос асабий оҳангда ҳаяжонини босолмай. – Ахир, минг бир турфа яхшиликлар қилганингиз билан ундан дўст чиқмаслиги маълум-ку! Нахотки, буни чуқур тушунмасангиз, Темурбек?

Темур лабини қимтиганича ўтирганларга бирма-бир гап-сўзсиз тикилиб чиқди. Улар нигоҳида ҳам шу маъно зоҳир эди.

– Малик Гиёсиддинни маҳв этмоқ унчалик оғир иш эмас. Бироқ бу воқеа бизнинг ҳеч бир оғиримизни енгил қилмайди. Қайтамга унинг орқасида турган одамларни-да бизга душман қилади. Усиз ҳам ёғийларимиз етиб-ортиб ётибди. Малик Гиёсиддиннинг нотўғри оёқ босган куни боши кетади. Ишимиз юришмай турганини бахтидан ва тахтидан ажралган бечора бир шохдан кўришимиз ожизлигимиз аломати эмасму, Жакубек? Унинг ўрнига қалъани забт этмокнинг йўллари изласак бўлармиди? – деди Темур Жаку Барлосга қараб.

– Мен ўз фикримни айтдим, Темурбек. Тўғрими, нотўғрими, гапимни ичимда сақламайман. Лозим топсангиз қабул этинг. Қабул этмасангиз ҳам хафа бўлмаймиз. Ёш келинлар каби аразлаш давридан ўтганмиз. Телба-тескари сўзласак кўнглингизга олманг. Бир қанча амиру лашкарбошилар мендан бу гапни сизга етказишни сўрадилар. Гуноҳимиз бўйнимизда, – қизариб-бўзариб жавоб қилди Жаку Барлос терлаган пешонасини артиб.

– Сизлар бир нарсани англамоқларингиз лозим, биродарлар, – деди овозини баландлатиб Темур. – Малик Гиёсиддин авлоди неча ўн йиллардан бери Ҳирот халқини бошқариб келган ҳурматли бир сулола. Биз уларнинг иззатини жойига қўйиб муомалада

бўлмоғимиз шарт. Давлатнинг ҳеч бир ясода ёзилмаган қонун ва қоидалари ҳам бор. Барча гуноҳкорларни жазолаб бўлмайди. Нимадандир қўл силташ, ниманидир кўрмасликка ва ненидир сезмасликка олишга тўғри келади. Бусиз давлатни тутиб, бошқариб бўлмайди. Одамлар ҳар доим ҳам адолату диёнатнинг олий мақомларини англаб етавермайдилар. Шундай экан, улар тушунадиган, улар қабул этадиган, барчага баробар бир сиёсат юритмоқ керак бўлади.

Темур сўзини тугатгандан сўнг анча ўтгач ҳам ҳеч кимдан садо чиқмади.

– Энди Туршизни ҳам Калот каби қолдириб кетиб бўлмайди, ҳазрат. Бор кучни ташлаб, уни олиш керак, – деди вазиятни юмшатишга интилиб Жаку Барлос.

– Бу хусусда менинг фикрим шундай, – деди Темур ўйга толганча. – Махфий равишда кавлаётган ер ости йўлимиз тугаши билан манжаниқ, тош аррода ва нафт отарларимизни ишга соламиз. Қалъада ёнгин бошланиши билан пиёдаю суворийлар баробар хужумга ўтадилар. Шу аснода қалъани забт этмоқ иши узоққа бормайди.

Бу фикр барчага маъқул келди. Кечаси билан сахармардонда хужум-бошлашга ҳозирлик кўрилди. Темур ҳам ухламади. Туманларни айланиб чиқиб, лашкарнинг аҳволини кўздан кечирди. Темурни яқиндан кўриш орзусида юрган навкарлар учун бу катта гап эди.

Ер ости йўли қалъа деворига етиши билан нафт отувчилар ва тўпчилар ишга тушди. Қалъанинг турли жойларида ёнгин кўтарилиб, деворлари ўпирилиб туша бошлади! Ҳар тарафдан аскарлар қалъага ёпирилди. Қалъа вайрон бўлиш арафасида турарди. Ҳимоячиларнинг бошлиқлари ҳар қандай ҳаракат беҳуда эканлигини кеч бўлса-да, англадилар. Қалъа буржларида, одамлар тўпланган майдонларда оқ байроқлар кўрина бошлади.

– Қалъа таслим бўлди! – деди Темур ёнида турган амир Боботуркка. – Зудлик билан жарчиларга етказинг. Қон тўкилмасин. Қалъа ичидаги оддий фуқаронинг молу ҳолига қўл теккизишмасун. Фақат ҳарбий бошлиқлар ва амалдорларнинг бойликлари ҳисобга олинсин. Ҳеч ким ўлдирилмасин. Хавфли кишилар асирга олинсун!

Жанглар тугаб, оппон-соппон бўлгач, Темур одатдагидек оқ отда қалъага кириб келди ва айланиб чиқди.

– Садидийлардан бундан буён яхшилик кутиб бўлмайди. Буларни яхши биладан, аълоҳазрат. Тагин одатдагидек ҳокимиятни яна уларга қолдириб ўтирманг. Бир ғалвамиз икки бўлади, – деди отни чоптириб етиб келган Жаку Барлос Темурга.

– Унда нима қиламиз уларни? – Жаку Барлос томон ўгирилди Темур.

– Бу авлодни салтанатнинг барча бурчакларига тарқатиб, оқ уйлик қилиб юбориш керак, – қатъий жавоб қилди Жаку Барлос.

– Маъқул. Зотан булар шул жазога мустаҳиқдурлар.

Жаку Барлос кейинги пайтда илк бор яна Темурга сўзи ўтганлигидан қониқиш туйиб ишга киришди. Орқароқда келаётган Акрам мунший билан фармон тайёрлашга киришдилар.

Садидийлар Туроннинг шаҳар ва қишлоқлари томон кўчкўронини оту туяларга юклаб, йўлга чиқдилар. Олий фармонга биноан косиб, ҳунармандлар Самарқанд, Кеш ва Бухорога кўчдилар. Деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи қавмлар эса Туркистоннинг сувли водийлари ва яйловларига ерлаштирилди.

Темур чодирини ўрнатилган тепалиқда бу ишни кузатиб турар экан, ёнида турган амир Боботурк билан Жаку Барлосга сўз қотди.

– Бизга тиш-тирноғи билан қарши курашган қавмларни Турон юртининг юрагига олиб бориб қўйишимиз қандай бўлар экан, Жаку тоға? Бизга қарши Туршиздан кўра Бухорода туриб курашмоқ осон эмасму? Эртага бу каби қавмлар Турон юртининг ерли аҳолисини ўз ватанидан сиқиб чиқармаслигига ким кафолат беради? Бу ишимиз аслида хато эмасму, Жакубек? – деди бу иш ниҳоясига етгач Темур.

– Бундан сўнг булар яхлит қавм сифатида бирлаша олмайдилар. Уларни шундай оқ уйлик қилиш лозимки, ҳар қандай шароитда бошлари бирикишининг иложи бўлмасун, – жавоб қилди ушлаган томонини бермайдиган Жаку Барлос.

– Масаланинг яна бир томони борки, буни ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эрмас, – суҳбатга аралашди амир Боботурк. – Оқ уйлик қилинган арабий ва форсий қавмлар қишлоқларда яшашдан кўрқиб, катта шаҳарларимизда тўпланаётирлар. Бу



ахволда бир неча ўн ёки юз йилдан сўнг бошкент ва бошқа шаҳарларимизда ерлик қавмга мансуб аҳоли қолмайди. Тарихий тажрибадан маълумки, миллат шаҳарларда, пойтахтда шаклланади. Усиз ҳам тилимиз араб ва форс тилининг сикуви остида фақат кўшинда, қишлоқларда, яйловларда қўлланилмоқда. Бу муаммони ҳам охиригача ўйлаб кўрмоғимиз лозим, аъло ҳазрат! Бундан ташқари келажакда бу уруғлардан Ҳиндистон ёхуд Мисрдаги мамлуқлар каби подшоҳ ёки бош вазир каби одамлар чиқиб қолса борми? – дея сўзини тугатди амир Боботурк.

– Ҳақсиз, амир, – жавоб қилди Темур паст овозда. – Мамлакат ҳудуди ва сарҳарларини ўйлайвериб, бул каби вағаний ишлар ила етарли даражада машғул бўла олмаяпмиз. Сарой аҳлимиз ҳам она тилида сўзлашмоқни унутиб қўймоқда. Кишининг не тилда сўзлашуви унинг шахсий ишидур. Бироқ аввал она тилини кўнгилдагидек билсун. Сўнгра хоҳласа чулчут тилини ўргансину кўнишсин. Мадрасалар, масжидлар ва девонларда турк тилини етарли қўллаш хусусида фармони олий ҳозирлаймиз. Акрам муншйга, китобдор Ориф Бухорийга айтинг «Қуръони Каримнинг илк туркий тафсирини», «Девони луғотит турк» билан «Қутадғу билик» ни етарлик нусхада кўчиртирсинлар. Тилини асрамаган миллат маҳв ўлмоқликка маҳқумдир. Биз эса ким, Турон мулкининг малиги, Улуғ Туркистон амиримиз. Миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи, туркнинг бош бўғинимиз. Бу ишларни биз қилмасак кимса қилмағай!

– Буни қарангки, устоз, сиз каби бундан юз йил чамаси бурун Кўниёдаги Қаҳрамон ўғиллари беклиги, беги Маҳмудхон «девонда, майдонда, саройда ва мажлисда туркча кўнишилсин» деган фармон чиқарган экан. Биласиз, инсон шахсиятини белгиловчи энг муҳим унсур бу тил ва қондир! Шул иккисидан путур кетдим, улус емиради, ўзга халқларнинг овига, ўлжасига айланади, – деди амир Боботурк улуғ Амирнинг фикрини маъқуллаб.

Сухбат шу нуқтага етганида от чоптириб хос чопар Қамчибек Қавчин учиб келди. Отдан тушиб, таъзим ила тиз чўкиб, сўзламоққа изн сўради.

– Марҳамат авлодим, сўйланг! – деди Темур унинг юзидан яхшилик хабарини туйиб.

– Амирзода Умаршайх ҳузурларида Эрон подшоҳи Шох Шужьонинг элчиси совға-саломлари ҳамда мактуби ила қа-

булингизга мунтазир бўлиб ўтирибди хазрат олийлари. Амирзода Умаршайх фармонингизни беклаб туманлари устидалар. Барча бирдек зафаршиор сўзингизга кўз тикиб турибди!

– Амирзодага айтинг. Элчини оқшом емагига олиб келсунлар. Сизга рухсат, авлодим. Ҳар замон улусимизга шундай кунту садоқат ила хизмат этинг! – деди Темура эски дўстининг мўйлари қорайиб, забардаст йигит бўлиб етишган ўғлига ҳавас билан тикилар экан. – Инсон зоти ўлмас экан-а, – сўзида давом этди от чоптириб кетаётган йигитни кузатиб. – Гўёки қаршимда отаси, раҳматли амир Қавчинбек тургандек. Хивокда, Таваккал кўнғирот билан урушганимизда Турон баҳодир билан бирга жонимизга ора кирган эди, Аллоҳ раҳмат айлагур. Мана энди ўғли юртнинг кунига ярамоқда. Палаги тоза авлод тозалигича қолар экан. Машойихлар бежизга яхшидан ёмон бўлди деб куйинма, ёмондан яхши бўлди деб суюнма демас эканлар. Наслларимиз бизнинг ишларимизни муносиб давом эттира олармиканлар, Жаку тоға? Шуларни ўйлаб кечалари уйқум қочади. Боиси, не-не улуг салтанатлар яратган авлодларимиз танамиздаги қизиққон қон оқибатида тўзиб кетдилар. Салтанатлари барбод бўлди. Бизни нелар кутаётган экан, ўйлаб ўйимга етолмайман.

– Аллоҳдан умидимиз бор, буюк амирим. Яратганнинг ҳақ дини, улус бирлиги ва тинчлиги йўлида ҳеч бир хоқон қилмаган ишларни бажармоқдасиз. Бунинг ажри бор деб ўйлайман. Мени безовта этгувчи бир нарса борким, бу ҳам бўлса миллатимиз ичидан чиқадиган қони бузуқ ҳоинлардан келадиган разолат. Бу дунёда мансаб ва бойлик деган нарса бор экан, одам зоти бир-бирини сотиб ва еб яшайверади. Мен ҳам шуларни ўйлайман, – дея мулоҳаза этди Жаку Барлос.

– Ҳай авлодларим, пешонадаги ёзиқни кўрамиз. Аллоҳнинг карами кенг. Бизни-да раҳми шафқати, иноятидан бенасиб этмас! Мулозимларига амр беринг, Боботурк, Шоҳ Шужьонинг элчисини муносиб кутиб олайлик. Бош-оёқ сарупо ҳозирлашсун. Бу мухтарам кўшнимизнинг ҳам тинчлиги бузилган кўринадур. Авлодларимиз қўлида тутиб келган бу мамлакат ҳам эртаиндин бизга кўшилиб кетишидан чўчиётган бўлса керак. Биз шу томондан тўғри юриб, Рум орқали араб денгизига чиқамиз.

Шунда бутун Турон юрти бирлашади. Албатта Эроннинг хам ҳақ ва ҳукукини берамиз. Ўзини ўзи бошқарсин. Яна қолганига Аллоҳ подшоҳдур!

Боботурк кўлидаги ўроғлиқ қоғозлар тўпламини кўрсатиб, Темур мутолаа қиладиган китоблар ёнига қўйди.

— Бу не эди? — сўради Темур намоз ўқимоққа ҳозирлик кўраркан.

— Ўзингиз таъкидлаган турк тилли шоирларнинг шеърларидан ташкил топган тўплам. Девонга «Малзумоти туркий» дея ном берибдилар. Бир кўздан кечириб чиқсангиз, сўнгра кўчиришга берар эдик, — жавоб қилди Боботурк.

— Кўп маъқул иш. Шу кечасиёқ ўқиб чиқаман. Офарин! Дўстларимизга менинг ташаккуримни етказиб қўйинг.

Темур шундай деб, кўчма масжид томон юрди.





## ЕТТИНЧИ БОБ

*...Дарҳақиқат тангри-таоло сиздек золим ҳокимлар ва одамларга жабр қилувчи подшоҳлар устидан салтанатни менга берди. Ким менга қаршилик қилган бўлса, тангри ундан мени баланд тутди. Мен билан мухолифатга бориб, адоват қилганларга қарши мени қўлаб-қувватлади.*

*Сен буни кўрдинг ва эшитдинг.*

*Агар сен шунга рози бўлиб итоат этсанг, дуруст иш қилган бўласан...*

Темурнинг Эрон подшоҳи  
Шужъога мактубидан

Шоҳ Шужъонинг элчисини қабул этиш маросими олдидан Темур хузурига Тохир тарихчини чақирди. Ҳол-аҳволини сўраб, яшаш ва еб-ичишдан қисилмаётганлиги билан ҳам қизикди.

– Яшаш учун еймиз, ҳазрат, емоқ учун яшамаймиз, – дея жавоб қилди ҳар доим Темур билан очиқ-ойдин ва дўстона гаплашадиган тарихчи.

– Шоҳ Шужъодан совға-саломлар ила бизга элчи келибдур. Ул киши ўз отасининг кўзини ўйиб олган ва маҳв этган деб эшитганим бор. Шундай киши билан муносабат ўрнатсак бўладими? Бу хусусда менга бир оз билги бера билурмисиз? Кейинги ўн йилликлар давомида Эрон тахтида юз берган воқеалар хусусида билганларингизни сўзласангиз, – дея сўради тарихчидан.

– Ҳақиқатан, сўйлаганингиз каби шоҳ Шужъонинг тахтга келиши жуда хунук кечган. Ул кишим падари бузрукворининг кўзига мил тортиб, таҳқирлаб, салтанатни эгаллаганлар. Бул киши асли Нишопур, Шероз ва Исфохон ўртасида жойлашган Язд деган жойдан бўлиб, бу ер машҳур Абаркўҳ шаҳарчасига яқиндур. Отаси оддий бир тақводор киши бўлиб, уни Муҳаммад ибн Музаффар деб атаганлар. Ўша замонда Язд ва Шероз орасида арабларнинг ҳафожа қабиласидан Жамол Лук исмли бир қароқчи пайдо бўлади. У мағрибу машриқдан келиб-кетувчи қарвонларни талаб, қаршилик кўрсатганларни ўлдира бошлай-

ди. Бу аҳвол барча қатори Муҳаммад ибн Музаффарни ҳам безовта қилади ва у Жамол Лукга қарши курашга бел боғлайди. Ниҳоят, у билан юзма-юз олишади ва бошини танасидан жудо этиб, ўша пайтдаги Эрон султони, яъни мўғул хони Абу Саидга юборади. Бу ишдан мамнун бўлган султон Абу Саид давлат ерларидан катта ҳудудларни ибн Муҳаммадга иқтоъ, яъни инъом қилади. Шундан сўнг ибн Муҳаммад султоннинг ишончли одамларидан бирига айланади. Унинг болалари ва набираларига ҳам етарли миқдорда ер-мулк берилиб, улар бу ҳудудда барча ҳисоблашадиган катта кучга айланадилар. Уч ўғли Шоҳ Музаффар, Шоҳ Маҳмуд ва Шоҳ Шужьоларнинг ҳар бири кичик бир салтанат соҳиби бўлдилар. Султон Абу Саиднинг ўғли йўқ эди. Шу боис у вафот этганида давлатни илгида тутадиган Муҳаммад ибн Музаффардан бўлак кудратли куч йўқ эди. Андин сўнг у Ажам Ироқи ерларида барча бўйсунадиган подшоҳ бўлиб қолади ва ҳеч бир рақобат ва низосиз мустақил шоҳлик қилади...

– Шоҳлик унга осмондан тушган экан-да, а? – завқ билан тарихчининг гапини бўлди Темур. – Султон Абу Саид Халоқлардан бўлса, нечун тахтни бирор аждодига қолдирмаган?

– Инсон зоти шундай, ҳазрат. Эртага азроил жонини оладиган бўлса ҳам ўлимини кўз-олдига келтирмай, юз йил яшайдигандек тирикчилигини қилаверади. У ҳам ҳали-бери ўлмаيمان деб ўйлаган бўлса керак, – жавоб қилди тарихчи.

– Ўлмай одам қоладими? – деди Темур паст овозда. – Ҳикоянгизда давом этинг.

– Муҳаммад ибн Музаффар тириклигида унинг етук ва машҳур ўғли Шоҳ Музаффар вафот этади. Шундан сўнг у иккинчи ўғли Шоҳ Маҳмудни валиаҳд эълон қилади. Бу воқеадан олти йилдан кейин тахт хусусида ота билан Шоҳ Шужьо ўртасида низо чиқади. Оқибатда падаркуш ўғил отани тутиб олиб маҳв этади ва тахтга ўтиради.

– Тавба! – деди Темур ёқасини ушлаб. – Бу халқнинг бошига не-не кишилар келиб кетмас экан-да, а? Ёмон кетиб яхши келмас деганларидек, бир золим кетиб, ундан-да золим киши ўрнига келади. Боиси, ёмон ва золим одамни йўлдан олиб ташламоқ учун ундан-да ёвуз ҳамда золиброқ бўлмоқ керак. Сўзлаганингиз Шоҳ Шужьо ҳар қандай жазога мустаҳик инсон экан, – деди Темур таъсирланиб. – Аллоҳ унга адолат қўли билан муносиб жазо бергай!

– Аллоҳ уни қилмишлари учун оғир жазолаган. Шоҳ еб тўймас касалига мубтало бўлган. Намозларида худодан гуноҳларини ва сиз ила учраштирмасликни сўрар эмиш, – кўшиб кўйди тарихчи.

– Аллоҳ неки истаса шу бўлади. Бу инсон ила кўришмоқни ҳам улуғ бир гуноҳ деб биламан, Тоҳирбек. Элимизда ота-онанг чўчка бўлса боғлаб боқ деган гап бор. Бул каби қони бузуқ ва иймонсиз сулоланинг халқ бошида турмоғи раиятнинг фожиасидур. Ишончим комилки, халқ мушкулини яратган осон этажак, – деди Темур эшик олдида икки бор кўриниш берган эшик оғаси томон қарар экан. – Қани юрингчи, қулоғини қизитганимиз шоҳнинг элчисини қабул этиб, суҳбатлашайлик, – дея ўрнидан қўзғалди Темур.

Улар Темурнинг чодир қаршисидаги узун, кўринишхона ва меҳмонхона вазифасини ўтайдиган саропарда томон юрдилар. Темур амир ва лашкарбошилар ила кириб ўтирганда пойгакда элчи пайдо бўлди. Икки букилиб таъзим қилди. У Шоҳ Шужъонинг қимматбаҳо совғалари ила Темурни тан олиб ёзган мактубини топширди. Темур элчини муносиб ерга ўтқазиб, иззат-икром кўрсатди. Бош-оёқ сарупо кийгизди.

– Шоҳ Шужъо ҳазратларига биздин салом сўйланг. Биз ул биродаримизга дўстлик ва яхши кўшничилик мақомида турибмиз. Ул кишим бизга бўлган хайрихоҳлик ва тобелик хилъатини ечмасалар биздин ҳеч бир ёмонлиғ кўрмагайлар, – деди Темур элчига қайтмоққа рухсат этаркан.

Шоҳ элчиси орқаси ер искамай юртига қайтди. Темур Жаку Барлосни эргаштириб меҳмонхонадан чиқди ва бир оз тоза ҳаво олган бўлиб, чодир атрофида айланди. Ёруғ ва ҳузурбахш ёз оқшомида кишининг чодирга киргиси келмас эди. Улар ҳовли саҳнига курси кўйиб ўтирдилар.

– Сабзавор сарбадорларини ҳам ўзимизга эл қилмоғимиз лозим. Бу ватансевар бир гуруҳдир. Улар билан ҳар қандай шароитда жанг қилмаслигимиз керак, – деди Темур Жаку Барлосга. – Сиз бу тарафларда ҳокимлик қилиб уларни бир оз ўргандингиз. Бу хусусда не йўригингиз бор?

– Сабзаворда уларнинг ғоявий раҳнамоси Саййид Муҳаммад Шариф ас-Сарбадолий деган киши бор. У киши жуда кўп фазилатлар ва хислатлар соҳибидур. Шу машхур одамни иззат-хурматини жойига кўйиб ҳузурингизга чорласангиз. Иншооллоҳ, бу иш шунда жуда осон кўчади, – дея маслаҳат берди Жаку Барлос.

– Бўлмаса эртагаёқ Саййид Муҳаммад Шарифга совға-саломлар ила хурматли шайхларимиздан икки нафарини юборинг. Менинг ул устозга бўлган эътиқод ва хурматимни етказеунлар. Биздан фақат яхшилик ва саодат кўражакларини англатсунлар, – дея кўрсатма берди Темур.

Саййид Муҳаммад Шариф узоқ кутдирмади. Тезда Амир Темур ҳузурига етиб келди.

– Сиз каби улуғ, фозил ва комил инсоннинг суҳбатини олмоқ мен учун буюк бир шарафдур, ҳазрат! – деди Темур Муҳаммад Шариф билан кучоқ очиб кўришар экан. – Сиздаги илм жавоҳирларидан баҳраманд бўлмоқ бизнинг кўзимиз ва йўлимизни янада очгусидир! – Сўзида давом этди меҳмонни тўрга таклиф этар экан.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Сиз каби барча илмларнинг билимдони, Қуръони Каримни ёд билган инсон ила суҳбатлашмоқ бизга ҳам бахтдур, буюк амир ҳазратлари, – тавозе билан жавоб қилди Саййид Муҳаммад Шариф.

– Бироқ сиз тўкис илм одамисиз, мавлоно Саййид ҳазратлари. Ҳар замон сиз каби улуғ олим ва фозил кишиларнинг маслаҳати ҳамда дуо-фотиҳалари билан иш юритмоқлик менинг одатим эканлигини эшитгандурсиз. Барча ишларни биз эски удумимиз бўйича кенгаш ва машваратлар ҳамда Қуръони Карим йўриғи ила амалга оширамыз, – деди Темур мавлонога лутф кўрсатар экан. – Маъкул кўрсангиз, бизни ўзингизга шогирдликка муносиб деб билсангиз, бундан буён Хўросон юртидаги барча ишларни сиз ҳазратнинг тўғри ва адолатли фикрларингиз асосида йўлга кўйсак. Токи бу юртда бирон кимсанинг ноҳақ бурни қонамаса, молу мулкига озор етмаса.

– Астағфируллоҳ! – деди яна Саййид Муҳаммад Шариф бошини хурмат ила эгаркан. – Адолат ва диёнат йўлида мен ҳар нарсага ҳозирмен, муҳтарам Темурбек. Фақат сизу бизнинг сазйи-ҳаракатларимиздан раият саодат топса бас. Бироқ қон тўкмоқ ва киши ҳақиқага хиёнат қилмоқ ишларига қўл урилса мен бундай ҳамкорликдан ўзимни тортадурман, ҳазрати олийлари. Аллоҳ барчамизни тўғри йўлдан адаштурмасун ва ҳар доим бир-биримизни англамоққа қодир бўлайлик.

– Фикрингизга юзда-юз кўшилурман, мавлоно. Ҳақиқат ва тўғри сўз бўлмаган жойда дўстликка ҳам ўрин қолмайди. Мен энг аввало сизнинг тўғри маслаҳатингиз ва танқидий фикрла-

рингиз гадойиман. Киши ким бўлишидан қатъи назар шу тахлит иш юритмаса у юксалмайди ва элга йўл кўрсатмоқликка нолайикдур. Менинг ҳам нуқсонларим кўп. Бирини сезсам, бирини сезмасман. Дўст киши буни айтиб турмоғи шарт деб ўйлайман. Ҳеч бир хусусда тортинмай, ўз фикр-мулоҳазангизни билдириб турсангизгина сиз бизга ҳақиқий дўстсиз.

Темурнинг самимийлигидан мавлоно ҳайратга тушган эди. Бежизга ҳам, Аллоҳ унга бу қадар катта ҳудуддаги салтанат ва муваффақиятларни насиб этмаган экан, дея ўйлади оҳиста тасбеҳ ўғирар экан.

– Буюринг, ҳазрати олийлари! Неки хизматингиз бўлса ҳозирмен! Бироқ подшоҳлик ишларига шу пайтга қадар аралашмадим. Боиси, дунёда адолат билан юрт сўраган шохни кўрмадим ва эшитмадим. Шундан ҳам улардан узоқ юрамен. Бироқ сиз каби ҳукмдорни илк бор кўришим, – деди таъзим ила хиёл бошини эгаркан мавлоно.

– Яна бир бор таъкид этурмен, мавлоно. Хизмат буюрмоқ учун эмас, маслаҳат олмоқ учун сизни ҳузуримга чорладим. Сиз буюринг. Хуросон элнинг фаровон ва осойишта яшамоғи учун не қилмоқлик лозим. Шуни сўйланг, ҳазратим? – Қўлларини сермаб сўзларди Темур.

– Мен сиздан бу қадар очиқ кўнгиллик ва самимият кўрганим учун чин кўнгилдан маслаҳат берурмен. Фикрим ва тавсиямнинг рост ва тўғрилигига бошим ва иймоним ила жавобгарман. Зотан, сиздан ҳам сўзларимга амал қилмоқликни, ҳатто кичик жузъий бир масалаларда бўлсин, сўзингизда турмоқликни рижо этаман. Сиз каби ислом байроғини баланд кўтарган инсоннинг қўшинида турли дин ва мазҳабга оид кишилар борлигини эшитиб, ҳайратга тушдим ва хурсанд бўлдим. Муқаддас китобимиз Қуръони Каримда йигирма саккиз пайғамбар тилга олинган ва барча кишилар ягона Аллоҳнинг бандаларидур. Уларга эътиқод эркинлиги берганлигингиз сизни дунёвий салтанатингиздан, жаҳоннинг энг қудратли подшоҳи, соҳибқирони ўлажагингиздан далолатдур!

– Бул каби юксак баҳоингизга муносиб ўлмоқлик жаддида бўлурман, – деди Темур хижолат чекиб. – Бизларнинг улуғ соҳибқиронимиз, Эрон шохларини тиз чўктирган буюк лашкарбошимиз, хоқон Алп Эр Тўнгадир. Биз ул улуғ зотга муносиб авлод ўлмоғимиз лозим, – қўшиб қўйди Темур.



– Эронлар уни Афросиёб дейдилар. Бу улуғ ҳокон ҳақида эшитганим бор, – жавоб қилди мавлоно. – Барчамиз ўз қадр-қимматимизни, қолаверса, баҳоимизни биладурмиз. Бу худудларга, бу инеонларга сиз каби кучли, одил ҳамда маърифат-парвар бир подшоҳ лозим. Сизда бир илоҳий қудрат борки, юзма-юз сўзлашсангиз ҳар қандай инсонни ўзингизга эл қила оласиз. Бундан кўринадики, сиз етти иқлимни қон тўқмасдан забт эта билурсиз. Пайғамбар худо эмас, худодан жудо эмас деганларидек, Аллоҳ шу дақиқада юрагимга солган сўзлар тилимга келмоқда. Сизга энг муҳим маслаҳатим, зудлик билан бу ерлар фалакининг кутби ва бу йўллар доирасининг маркази Хожа Али Ибн Муайяд ат-Тусий ила кўришмоғингиз лозим. Ул зоти олий Сабзавор сарбадорларининг улуғ ҳукмдори бўлиб, ўн икки имом номи билан пул зарб этиб, улар номини тутиб, хутба ўқитади. У ҳеч қачон икки сўзламайди. Тили ила дили бир авлиёсифат кишидур. Уни ҳеч кимга кўргазмаган иззат-хурмат ила хузурингизга чақириб, шундай юксак мақомда мартабасини зиёда этмоқ, меҳр-муҳаббат кўргузмоқ керак. Бу хатти-ҳаракатлар ўз навбатида сизни янада юксакка кўтаради. Мен сизга хайрихоҳ бир дўст сифатида ул зоти олийни хузурингизга келмоққа даъват этурман.

Мавлоно Темур хузуридан қимматбаҳо совға-саломлар, бир умрга етқулик бойлик ва иззат-хурмат билан кузатилди. У уйига ҳам бормай, тўппа-тўғри Хожа Алининг хузурига йўналди.

– Кўнглим сезмоқда, сиз улуғ Темур хузуридан яхши хабар билан келмоқдасиз, устоз, – дея мавлонони қаршилади Хожа Али Тусий.

– Мен шу пайтгача бу зот каби самимий, ҳар қандай кишини ўзига маҳлиё этадиган улуғвор инсонни кўрмаган эдим, – ҳикоя қила бошлади мавлоно. – У юз минг нафар лашкар қиладиган ишни икки оғиз ширин сўз билан амалга оширар экан. Менинг олдимда ўзини хизматкор каби камтар ва камсукум тутганидан хижолат чекдим. Сизу биз ул кишининг ёнида бўлмоғимиз лозим деган фикрга келдим. Бу ишимиз Эрону Турон юртининг узоқ муддат тинч-тотув, осойишта ва фаровон яшамоғи ҳамда динимиз равнақиға олиб келади. Ул зоти олийдан бир мужда келса лаббай деб жавоб беринг. Мартабангиз янада юксалиб, довруғингиз етти иқлимга тарқалади, – дея ҳаяжонли сўзини тугатди мавлоно.

– Бу учрашув ва улуғ Темур-ла бўлажак ишларимиз рўёларимда

аён бера бошлаган эрди. Мен бунга ҳозирмен, устоз. Эртадан бошлаб сиз ҳамда Амир Темур ҳазратларининг исмлари ила тилло тангалар зарб эта бошлагаймиз ва жомеъларимизда номларингизни хутбага қўшиб ўқитурмиз, – деди Хожа Али устозига тавозе ила таъзим қилар экан.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Мен Аллоҳнинг оддий бир бандасимен, бир фақир ва муҳтож инсонмен. Бул каби ишлар менга ярашмагай, – деди мавлоно хижолат чекиб.

Хожа Али сўзлагани каби ишга астойдил киришди. Кўча-кўйда одамлар афсонавий Амир Темур ва унинг фазилатлари, киши ақлига келмас саховатпешалиги ҳақида сўзлар эдилар. Худди шу дақиқада шайх Хожа Али ҳузурига буюк Амир Темурнинг шамол каби учиб келган, йўллар танобини тортгувчи элчилари ташриф буюрдилар. Шайх бу учкур суворийларни шоҳона иззат-икром билан қаршилади. Зиёфатдан сўнг улар билан Темур ҳузурига отланди. Элчилар отларини жадаллатиб илгарирок етиб келиб, шайх ташрифи хусусида буюк амирга хабар етказдилар. Темур шайх Хожа Алини бутун суворийларни сафга тизган ҳолда карнай ва ногоралар ила тантанавор вазиятда кутиб олишга буйруқ берди. Амир Темур салтанатида ҳали ҳеч ким бу қадар иззат-ҳурмат билан кутиб олинмаган эди. Шу оддий бир инсоний ҳурмат бутун Хуросон тақдирини ҳал этган эди.

– Бу аҳволда лашкарни қандай боқамиз, жиян? Ўлжа тушиб турмаса иш бўладими? – Темурга ҳазиллашиб сўз қотди Жаку Барлос.

– Энг муҳими, лашкарнинг жони ёнига қолаётур. Жон омон бўлса мол топилади, тоға, – жавоб қилди бу ишдан мамнун Темур.

Темур оддан тушиб анчагача пиёда юриб бориб, Шайх Хожа Алини кутиб олди. Қучоқ очиб кўришди. Шайх Темурга тиз чўкиб таъзим этмоқчи эди, буюк Амир изн бермади. Уни тавозе билан кўкалам, соя-салқин толзор остига тикилган ҳаворанг чодир томон бошлади. Шайх Хожа Али йўл-йўлакай қўлидаги бир сиқим Темур исмида зарб этилган тилла тангаларни толзор ичида ўйнаб юрган амирзода, бекзода ва оддий фуқаро болалар бошидан сочди.

– Сизларга ҳам Аллоҳ буюк бобонгизнинг бахту тахтини, иқболини ато этсин! – деб дуо қилди.

Суворийлар қурол-аслаҳаларини ҳавода муаллақ кўтариб, меҳмонга ҳарбий иззат кўрсатдилар.

Темур Шайх ила пешинлик қилгач, уни тенгсиз совға-саломлар билан сийлади-да, беклару лашкарбошилар ҳузурда ушбу сўзларни айтди:

– Улуғ Шайх Хожа Али Ибн Муайяд ат-Тусий Хуросон юртининг улуғ сиймоларидан биридур! Бугундан бошлаб бул улуғ зот Улуғ Турон салтанатининг таянч тоғидирлар! Ул кишим ўз волийликларида давом этиб, ислом миллатига садоқат билан хизмат қилаверадилар. Неки кўмак ва хизмат лозим бўлса биз камарбастамиз!

Шайх Хожа Али ўрнидан туриб таъзим бажо келтирди. Хос лашкарлар ҳамроҳлигида у яна иззат-икром билан кузагилди.

Шундан сўнг Хуросоннинг барча шаҳар ҳокимлари, қалъалар ноиблари, таниқли ва машхур одамлар келиб Темурга тобелик изҳор эта бошладилар. Буларнинг орасида Бовард ҳокими амир Муҳаммад ва Сарахс ҳокими амир Абдулло энг номдор кишилар эди.



## САККИЗИНЧИ БОБ

*Алл Эр Тўнга деган хоқон бор эди,  
Унга замину кўк юзи тор эди.  
Туз айлади у қуёшни кўкка,  
Доноликда тенгсиз, жаҳонда якка.  
Кўктурк, уйгур, қарлуқ ва қорахонли,  
Тагин қанча турклар инсоф-имонли.  
Уни ўзларига ота дейдилар.  
Зафар шухратини ҳар он ёйдилар.*

Алл Эр Тўнга достонидан

Туршиз фатҳ этилгач, беклар тавсиясига биноан амирзода Мироншоҳнинг хос мулозими Сарик Оталиқ Туршиз доруғаси этиб тайинланди. Лашкар Калот забти учун йўлга чиқар экан, Мозондарон волийси амир Валининг элчиси Анвар Сотқинзода келаётганлиги маълум бўлди. Элчи ўрта бўй, юзлари чувак, ориқ киши эди. Рангпар, заҳил чеҳрасига ярашмаган сўррайган бурни унинг араб кулларидан эканлигини айтиб турарди.

– Мозондарон юрти бундан буён Амир Темур ҳазратларининг олий ҳокимликларига тобе эканлиги ҳақидаги амир Валининг мактубини қабул этгайсиз, ҳазрати олийлари! – деди элчи тиз чўкиб, мактубни узатар экан. – Амир Вали жаноблари бундан буён ўзини сизнинг садоқатли хизматкорингиз деб биладилар ва буни сизга етказмоқни сўрадилар, – дея таъкидлади кўзлари совук тикилувчи элчи.

– Амир Валининг тавба-тазаррулари қабул этилганини ул мухтарам биродаримизга бориб сўйланг, – босиқ оҳангда жавоб қилди Темур. – Аҳдларида турсалар ҳеч қачон биздин ёмонлик ва нодўстона ҳаракат кўрмағайлар. Биз ҳатто душманга ҳам эҳтиром ва раҳм-шафқат назари ила боқишимизни ул дўстимиз яхши биладилар. Ул кишига сўйлангким, волийликларини адолат ва диёнат посангисини сақлаган кўйи давом эттурсунлар. Аллоҳ насиб этган кун кўришурмиз.

Элчи оёғини қўлига олганча Мозондаронга қайтди. Амир Вали элчиси кетиб улгурмасидан лашкарбоши Шайх Али, Али-

бек Жониқурбонийни Темур хузурига олиб келди. Алибек ҳам бир вақтлар Зинда Ҳашм қилгани каби бошига қопни кийиб, қиличини бўйнига илиб келган эди. У ўзини Темурнинг оёғига ташлади. Унинг бу ҳаракати улуғ амирнинг гашини келтирди. Алибекнинг гулдираб, ер билан битта бўлиб гуноҳини сўрагани ҳам қулоғига кирмади. Ундан астойдил кўнгли қолган эди.

– Уч маротаба кечирдингиз. Етар. Энди уни тақдирнинг қўлига топширмақ лозим, – деди Жаку Барлос Темурнинг ўзи эшитадиган товушда. – Бу одамдан ёруғлик чиқмас.

Темур ўйга толганча, Жаку Барлоснинг сўзига жавоб қайтармади. Анчадан сўнг суҳбатдошининг кўзига, «ёшингиз бир ерга етган бўлса-да, чуқур ўйламайсиз-да, тоғойи» дегандек қаради.

– Алибек Жониқурбоний бизга қуда бўладур. У калтабинлик қилиб шу ишларга қўл урган экан, мен ҳам ўйламай-нетмай унинг бошини жаллод кундасига қўйдирсам ундан қандай фарқим қолади? Алибек Жониқурбоний қанчалик гуноҳ ва жиноятга қўл урмасун, мен бундай қилмайман. Қилолмайман. Ҳар қанча ҳақ бўлсам ҳам келиним ва набираларим буни тушунмайдилар. Фарзандинг, хешу ақрабонг давлат тузугини бузиб, сенга қарши қилич кўтарса-да шундай йўл тутмоқ керакки, у қуролини қинига солиб, хатосини англаб етиб, тўғри йўлга тушсин. Сенинг ақлли, доно подшолигинг ана шунда билинади. Алп Эр-Тўнга бўлсак ҳам кучлиман деб барча ишни қилич билан ҳал қилиб бўлмайди, Жакубек! Ўз авлодини йўлга сола олмай, уни маҳв этиб, давлатни бошқарган подшоҳ қандай қилиб улусга тўғри йўл кўрсатмоқликни даъво эта олади? Ўз авлоди бошини кесган подшоҳдан улус нени кутмоғи мумкин. Қолаверса, Алибек Жониқурбоний ўз юртини химоя этмоқда. Уни ҳам тушуниш керак. Муаммони ечмоқнинг сўнгги йўли унинг қавмини икки дарё орасига кўчирмоқдур, – деди Темур гапга нуқта қўйиб, – Бу хусусда яна бошқа бир фикрингизни бўлса, бажонидил эшитамен.

– Сўзларингизга қўшилмасликнинг иложи йўқ, ҳазрати олийлари. Сиз биздан узоқроқни кўргангиз учун ҳам орқангиздан ит каби эргашиб юрибмиз-да. Улуғ мақсадимизга етмоғимиз учун сиз не фармон берсангиз бажарурмиз. Бироқ юртни ёт ва ёв қавмларга тўлдириб юборсак, оқибат не кечади? Илгари бир баҳслашганимиз каби душманларимизни кучоғимизга олаверсак қандай бўлар экан?

– Халқлар ва уруғлар бир-бирларига душманлик кўзи билан қарамайдилар. Бизга ўхшаган тўртта тахтпараст элу элат бошини қотириб, йўлдан уради. Элга эса тинчлик, осойишталик ва тўқлик лозим. Қайси подшоҳ шунга имкон яратса, халқ уни бошга кўтаради. Қайсар қавмларни шу тахлит йўлга солмасак бўлмайди, Жакубек. Зотан Турон ўлкаси туркман қавмининг ота юртидир! Ақрам муншийга еткуринг, Жоникурбонийлар қавмини оқ уйлик қилиш ҳақида фармон ҳозирласун. Ҳузуримга Алп Туркашбек келсунлар! Эрта-индин юртга қайтамыз.

Жаку Барлос тавозе билан таъзим қилиб, чодирдан чиқиб кетди. Темур таҳорат олиб, намоз ўқимоқ учун турди.

Темур пешин намозини ўқиб бўлиб, Қуръон тиловат қилиб ўтирар эди. Эшик оғаси Туркашбек етиб келганлигини маълум қилди.

– Боботуркнинг иши нима бўлди? Хоними тарафдан бирон хабар борми? – сўради Темур унинг саломига алик олиб. –

– Қўлга олганимиз икки кишининг асл муддаосини ва кимлигини аниқладик. Улар бевосита аралашмасалар-да, Жаҳонмулк Салима Султонбегимни ўғирлатиб олиб кетган кишилар орасида бўлганлар. Жаҳонмулк ва укаси Халил Султон ўзларини сездириб, Деҳли султонлари ила ош-қатиқ эканликларини бизга билдиришдан манфаатдор эмаслар. Булар ўғрибошиларининг кўрсатмаси билан пул ишлаш мақсадида келишган. Бироқ уларни қўйиб юбориб бўлмайди.

– Шундай денг. Демак, хонимни бу ерга олиб келишнинг иложи йўқ. Бир амаллаб амир Боботуркни уйлантириб қўйишимиз керак. Шундай эмасми? – Алп Туркашга маслаҳат солди Темур.

– Кўнармикан? Назаримда, бу садоқатли амирингизнинг уйланадиган авзойи йўқ, ҳазрати олийлари.

– Сўққабош ўтиб кетадими? – хайрон бўлди Темур.

– Билмадим. Мен дўстона бир неча бор англатмоққа ҳаракат қилдим. Унамадилар.

– Шоҳ Шужьонинг қизи бор экан. Истаса, шунга олиб берайлик, – деди Темур астойдил.

– Гаплашиб кўрай. Ҳар ҳолда кўнмаса керак. Бу хусусда сизга айтаман, устоз.

– Маъкул. Сизни чақирганимдан мақсад, Мозандорон амири шоҳ Валининг элчиси келиб кетди. Бироқ унинг зиддимизга

қилаётган ишлари ҳақида илгари бир оз қўнишган эдик. Одамларимиз қўлига мана бу мактуб тушибди. Унинг нияти тозага ўхшамайди. У бу хатни Ажам Ироқи ва Кирмон султони Шоҳ Шужъога, Араб Ироқи ва Ӯзарбайжон мутаваллиси Султон Аҳмад Ибн Шайх Увайсга юборган, — деди мактубни Алп Туркашга узатар экан.

Махфий бошлиғи мактубга кўз югуртириб чиқди. Унда шундай дейилган эди: «Мен сизларнинг ҳамсоянғиз бўлиб, ишларим яхши кетса, сизларнинг ишларингиз ҳам тартибга кечади. Агар Темурдан менга бирор кулфат келса, унда бу кулфат сизларнинг ерларингизга ҳам етиб боради. Агар сиз менга ёрдам қилиб, мадад берсангиз, ўз навбатида мен ҳам сизни бу машаққатдан халос қиламан».

— Шоҳ Шужъо бу мактубга жавоб бермаган. Бироқ Султон Аҳмад ёзган ҳақоратомуз мактуб ҳам қўлимизга тушди, ҳазрати олийлари. Унинг кимлигини билиб қўймоқ, эртага қўлимизга тушганда одатдагидек раҳмдиллик қилмаслик учун бир назар ташлаб қўйсангиз ёмон бўлмас.

Темур хатни олиб, мийиғида кулганча ўқиб чиқди. «Бу чиғатоёлик оқсоқнинг қўлидан нима ҳам келарди? Бу чўлоқ одам қандай қилиб Ажам ва Араб Ироқларига кира олади? У билан бу мамлакатлар ўртасида тиканли дарахтнинг пўстини қўл билан сидирийшдек машаққатлар бор. Масофа эса нақадар узоқ. Темур Ироқни Хурсон мисоли хаёл қилмасин. Агар у бизнинг юртимизга келишни ният қилган бўлса, албатта ўзи билан бирга ўлимини топади ва унинг барча орзу-умидлари пучга чиқмоғи муқаррардир. Бизлар шундай қавммизки, бизда ҳам куч-қувват, ҳам шиддат, қурол-яроғу кўшин, мол-дунё ҳамда шону шавкат мавжуддир. Фақат бизгагина баландпарвозлик ярашади. Абу Таййиб Мутаннабийнинг «биз одамлар қиёфасидаги жинлар, йўқ, туя қиёфасидаги қушлармиз» деган байтлари биз ҳақимизда айтилгандир.»

— Султон Аҳмадга тан бермоғимиз керак. Бироз мактанчоғлигини эътиборга олмасак, у ҳақ сўзламоқда. Бундай ўтюррак одам ҳар қандай иззат-хурматга лойиқдур. Аксинча, учрашсак унга эҳтиром кўрсатамиз. Зотан, Оллоҳнинг иродаси ила бу ерлар ҳам келгусида бизнинг салтанатимиз тасарруфига киражак. Оллоҳ бойликни истаганимга, илмни истаганга берман дегандек, фотиҳликни ҳам истаганига беради, — деди Темур тасбеҳ ўғирар экан.

– Шоҳ Вали бу икки султондан ҳам бизга қарши курашмоқ бо-  
бида ижобий жавоб ололмагач, уларга «Худо ҳақки, мен ҳеч қачон  
Темур билан сидқидилдан ва беозор қалб ила мувофиқликка  
кирмайман! Агар мен уни енгсам, бутун шаҳарларда иккинги-  
ни огоҳ тариқасида намоиш этаман ва басират эгаларига сиз  
иккинги сизни ибрат қиламан. Агар у ғолиб келса, унда сизларнинг  
устингизга келадиган балода менинг ҳеч бир айбим бўлмайди.  
Илоҳим, сизларнинг устингизга тамомий қазою умумий бало  
келсин!» деган маънода мактуб ҳам юборган.

– Ҳақиқатан ҳам Шоҳ Вали ҳавас қилса арзигулик мард инсон  
экан. Ростини айтсам унга ҳурматим ошди. Мардлигига мардлик  
билан жавоб бермоғимиз лозим, – деди Темур бош ирғаб.

– Барча ҳаракатлари беҳуда кетгач, сизнинг ҳузурингизга элчи  
юборган, – қўшиб қўйди соҳибхабар.

– Тўғри қарорга келган. Душманингни пахта билан бўғизла  
деган нақлга амал қилиб, айни вазиятда сихни ҳам, кабобни ҳам  
қўйдирмаган. Доно ҳукмдор экан Шоҳ Вали.

– Бироқ у аллақачон биз билан урушмоқ учун қўшинини  
кўпайтириб, қурол-аслаҳа тўплашга киришган, – мулоҳаза бил-  
дирди Туркашбек.

– Бу ишни мамлақати бизнинг тасарруфимизга ўтмасидан  
бурун қилгани маъқул. Шундай қилса қайтиб бош кўтара ол-  
майди, – жавоб қилди Темур салмоқли оҳангда. – Энди сизга  
уруш ва тинчлик дамларида соқчилик қилиш ва мажлис ҳамда  
тўпландиларда ҳозир бўлиш тузугини сўйлайман. Сиз ёзиб бор-  
ринг. Сўнгра бошқа амир ва қозиларимиз билан кўриб чиқиб,  
мукамал матнни ҳозирланг.

Белгиланган таомилга кўра сипоҳийлар, амирлар, мингбоши-  
лар, юзбошилар ва ўнбошилар девонхонага, базм-мажлисларига  
кулоҳсиз, этиксиз, сармузасиз, яъни ярим этик шаклидаги оёқ  
кийимисиз, бўрк ёқалик чакмонсиз, ханжарсиз ҳамда қиличсиз  
ҳозир бўлмас эдилар. Ўн икки минг қилич осган аскар урушу  
тинчлик вақтида бутун яроқ-аслаҳалари билан кўшқда, девон-  
хонанинг ўнг ва сўл тарафидан, орқасидан ва олдидан қуршаб  
турардилар. Шу тартиб асосида ҳар кеча улардан минг киши  
соқчилик қилиш учун тайёрланарди. Ҳар юз қиличли устига  
бир юзбоши қўйилар ва улар махфий шартли сўзларни айтишиб,  
соқчиликни алмаштиришарди.



Уруш пайтида эса ўн икки амирдан ҳар бири, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ўн икки минг куролланган отлик сипоҳий билан бир кеча-кундуз давомида ҳар бири Буюк Амирни кўриқлар эди. Бу ўн икки минг отлик лашкарни тўрт фавжга бўлиб, бир фавжни баронғорга, бошқасини жавонғорга, бирини олий ўрдунинг олдига, яна бирини эса ўрдунинг орқасига қўяр эдилар. Бу фавжлар галма-гал ўрдудан ярим фарсанг узоқликда соқчилик қилишарди. Ушбу тўрт сипоҳий фавж ўзлари учун ҳировул, яъни марказ ёки қанот олдида турувчи ҳарбий бўлинма белгилар эдилар. Ҳировул орасидан эса қоровул, яъни хабарчи қисм тайинланар эди.

Темур атрофида жойлашган лашкар ва ўрдуга биттадан қутвол тайинланарди. Ўрдунинг кўриқлаш, соқчилик қилиш шулар зиммасида эди. Бу бўлинма лашкар ичида савдо-сотик қилиб юрадиган бозор аҳлидан солиқ олиш вазифасини ҳам бажарарди. Ўрдуда бирор кишининг катта-кичик мулки йўқолса ҳам шу лашкар жавобгар эди.

Лашкар таркибида тўрт фавж чопқунчилар гуруҳи мавжуд бўлиб, улар тўрт фарсанг масофада лашкар ёнида юриб, кўриқчилик вазифасини адо этарди. Асосий кўшиннинг учдан бир қисми сарҳадларни кўриқлашга жалб этилиб, қолгани салтанат хизматида муқим эди.

Буюк Амир саройда, сафар-ва-уруш даврида бу тузукларнинг бажарилишини қатъий назорат этар, тартибни бузган киши қаттиқ жазоланарди.

Темур лашкарлари минг уч юз саксон учинчи йил кузининг бошида Самарқандга қайтиб келди. Бунга қадар Мозандароннинг мустақил амирларидан бўлмиш Искандар Ал-Жаллобий Аршиванд ва Иброҳим ал-Қуммайлар ҳам Темур ҳузурига келиб, ўз тобелиklarини билдирдилар.

Буюк Амир салтанат пойтахтига жўнар экан, Шоҳ Шужьонинг кўнглини тинчителиш, бош кўтармаслиги ҳамда бу теваарак атрофда пайдо бўладиган исёнчиларга рағбат кўрсатмаслиги учун ҳузурига элчи юбормоқликни лозим топди.

— Кимни элчи қилиб юборсак экан? Шоҳ Шужьон билан қуанда бўлиш эҳтимолимиз ҳам йўқ эмас, — деди Темур амирзодалар ва амирларга бирма-бир кўз қирини ташлаб чиқар экан.

— Хотирангизда бўлса, қиблагох, Шоҳ Шужьодан бизга шеърый

бир мактуб келган эрди. Хатни келтирган элчи Хожа Абдурахмон ибн Хожа Абдулқодир ҳам катта тарихчи ва ёзардур. Изн берсангиз мен ўзим бориб, у ердаги аҳвол билан танишиб, муносиб бир жавоб айтиб келсам, — деди амирзода Умаршайх таъзим бажо келтирар экан.

— Мен розимен, амирзодам, — деди узоқ ўйламай Темур. — Сиёсий муносабатларга киришиб, тажриба орттирмоқ кўп муҳимдур. Уларга сўйланг, аларнинг ота-бобоси бизларнинг ота-боболаримизга мулозим бўлиб ўтган. Сизга мана бу қутини ҳам бераманки, сиз уни шох Шужъонинг қўлига берасиз ва фақат ўзи очсин.

— Бош устига, қиблагоҳ, — жавоб қилди амирзода Умаршайх.

— Йўлингиз оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлсун, амирзодам! — Фотиҳа қилди Темур.

Амирзода Умаршайх Машҳад орқали Шероз томон юрди. Йўл-йўлакай лашкар ва қоровуллари теваарак-атрофни ўрганиб, қароқчи гуруҳлар ва ҳеч бир ҳукмдорга бўйсунмайдиган ҳарбий тўдалар борлигини аниқлаб, ўрганиб кетдилар.

— Калот атрофидаги қалъалардан бирида бу худудда ҳеч кимни тан олмайдиган, Исмоил Сомоний авлодидан бўлмиш Рустамбек Бобул исмли лашкарбоши бор. Бу авлод беш юз уйлик бўлиб, хутбани Рустамбек отига ўқийди, — деди қўлга тушган навкарлардан бири.

— У билан мулоқот олиб бориб, йўлга солса бўладими? — сўради амирзода.

— Қайдам. У одамзоднинг сўзига қулоқ солмайдурғон, ўжар кимсадур. Рустам йўлдан олиб ташланса аймоғи инсофга эниб, айтганингизга юриши мумкиндур, — жавоб қилди асир аскар. — У эртаю-кеч чоғир ичади. Қавми ҳам ундан безган, — қўшиб қўйди амирзодага шафқат тилаган нигоҳда термулиб.

— Сиз жонингиз қайғусига тушманг. Биз сизга зиён захмат етказмаймиз, иним. Фақат бизга унинг ҳузурига элтадиган йўлни кўрсатсангиз бас. Сўнгра қўйиб юборамиз. Истасангиз бизда йўл кўрсатувчи бўлиб қолишингиз ҳам мумкин, — деди самимий оҳангда амирзода.

Асир йигит мамнуният ила рози бўлди. Улар Калот атрофида Рустамбек Бобулни ахтаришга тушдилар. Бу подшоҳчани топмоқ қийин кечмади. У бир тўда ширакайф навкарлари билан тунги ов қилиб юрганида амирзода Умаршайхга дуч келди. Мулозимлар-

дан бири каттакон чинор остида айш қилиб ўтирган Рустамни хузурига бориб, хурмат билан амирзоданинг сўзларини етказди.

– Сизни бу худудларнинг, яъни Эрону Турон мулкининг соҳиби Амир Темур ҳазратларининг ўғли амирзода Умаршайх мавжуд муаммоларни ҳал этмоқ учун хузурларига музокарага чорлайдилар ва сизга ҳеч бир зиён-заҳмат етказмоқни истамайдилар, – деди қоровулбеги Ражаб Назир қўлини кўксига қўйиб.

– Турон мулкини ўтмишда менинг боболарим тасарруф этган. Яхшиси, ўзинг бориб у саҳро тулкисига айт. Ўзи келиб менга хизматкорлик қилсун! Тушундингми? – ўшқирди сархуш Рустамбек.

Навкарларнинг ҳай-ҳайлаганига қарамай у келганларни оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақорат қила бошлади. Бу фурсатда улар олдига амирзоданинг гуруҳи ҳам етиб келди. Тўдани қуршовга олдилар.

Рустамни ушлаб, оёқ-қўлини боғладилар. У ҳамон келганларни, амирзода ва унинг падари бузрукворини ҳақоратлар эди. Ниҳоят навкарлар унинг оғзига латта тикиб қўйдилар.

– Сиз сархушсиз, Рустамбек. Балким биз хусусимиздаги ҳақоратларингизни қайтариб оларсиз. Бизнинг даргоҳимиз кенг, кечиримли одамлармиз, — сиполик билан сўзларди амирзода Умаршайх. — Аммо менинг қиблагоҳимга нисбатан айтган сўзларингизни кечира олмайман.

Рустам бошини ирғаб, йўқ ишорасини қилди.

– Мухтарам биродарлар! Сизлар ҳам ўз йўлбошчиларингизнинг фикрига қўшилмасизми ёки бошқа фикрдамисиз? – Рустамбекнинг йигитларига юзланиб сўради амирзода.

– Йўқ!

– Қўшилмаймиз!

– У асоссиз сизларни ҳақорат этди!

– Сиз бизга ёмонлик қилганингиз йўқ! – жавоблар эшитилди баланд-паст овозда.

– Бу кимсанинг ҳаётини ўз қисматининг қўлига топшуриг! – деди амирзода уни тутиб турган навкарларга. – Сиз эса, хурматли биродарлар, маъқул кўрган кишингизни ўзингизга етакчи қилиб сайлашингиз мумкин.

Амирзода бу аймоқни салтанатга эл қилиб, шижоат ва суръат билан Шероз томон от сурди. Ёнида кетаётган котибига Шох

Шужьонинг хазрат Амир Темурга ёзган қитъаларини яна бир бор ўқишни сўради. Котиб томоғини қириб қўйиб, шоҳнинг шеърини ўқий бошлади:

*Абул фавориси даврон, манам Шужъои замон,  
Кел наъли маркаби ман тожи қайсар эрди ҳамон.  
Оталар ўтти жаҳондин, келди бизни навбатимиз,  
Бирин-бирин ўтамиз, қўймагай бу зол жаҳон.*

Иккинчи қитъаси эса бу эрди:

*Бўйним кўёй нечун жафои замонага,  
Заҳматни тортибон неча бир ши баҳонага.  
Денгиз, тогини кўрдиму не кўрмадим валеқ,  
Семурғедек парим куйуб неча шиён,  
Куйдим мурод учун оёғ гардун узраким,  
Домига қўб илдинлар албатта чу донага.*

– Шоҳ Шужъо закий одам кўринадур. Ул кишига муносиб бир шеърый жавоб ҳозирлаганман. Кўришсак ўқиб берурман, – деди амирзода Умаршайх отда оҳиста суҳбатлашиб кетар экан.

Амирзода Умаршайхнинг Шоҳ Шужъо ҳузурига келаётганини эшитган халойиқ Темурнинг ўғлини кўрмоқ ниятида кўчаларга чиқиб, суворийлар тўпини кутишар, аёл ва бола-бақра эшигу даричалардан мўралашарди.

– Биз улуғ амир ҳазратларининг шон-шуҳратлари қанотида учиб бормоқдамиз, – деди сармунший Қилич Қоплон кишиларнинг ҳайратомуз боқишларидан таъсирланиб.

– Машхурларнинг авлоди бўлмоқ оғир, – деди хижолат чекиб амирзода Умаршайх. – Мевали оғочнинг шоҳлари ҳар доим ҳам мевали бўлавермайди. Бўйнимиздаги қарз ва фарз оғирдур, Қиличбек.

– Дарахтнинг меваси ўзидан олиста тушмайди. Сизданда эл-улуснинг ўмиди каттадур, амирзодам, – жавоб қилди Қиличбек Қоплон.

Улар Шерозга етиб келган эдилар. Шоҳ Шужъо амирзодани келган заҳотиёқ қабул қилмади. Умаршайх Мирзонинг аччиғи

чиқди. Шоҳ Шужъонинг бу хабарни олиб келган мулозимини ҳибсга олмақликни буюрди. Сўнгра Чингизхон элчилари ода-тига кўра номани бошига қўйиб, саройга кириб борди.

– Шоҳ Шужъо чиқадами ёки ўзим кириб борайинми? – дея сўради эшик олдидаги ясовулбошидан.

Шоҳдан ўзим чиқаман деган хабар келди. Амирзоданинг бу муносабатдан кўнгли ранжиди. Бир соатдан сўнг шоҳ Шужъо чиқиб келиб тахтига ўтирди. Амир Темур ўғли Умаршайхнинг Шерозда осмондан тушгандек пайдо бўлгани шоҳ Шужъонинг ҳушини бошидан учирган эди. Шамол каби учиб юргувчи бу қавмларидан у ақл бовар қилмас даражада чўчирди.

Умаршайх Мирзо мактубни русум бўйича бош вазирга эмас, тўғри шоҳнинг ўзига элтиб берди. Шоҳ билан саломлашмади.

– Хатни овоз чиқариб ўқинг, шоҳ ҳазратлари! Аъёнларингиз ҳам эшитсун! – деди Умаршайх тисарилиб. сафдошлари ёнига бориб тураркан. Шоҳ не қиларини билмай қизариб-бўзарганча мактубни овоз чиқариб ўқий бошлади:

*«Салом биздин ўшул шоҳ Шужъо ва ул Хисрави гардунпаноҳ, ўшул молик мулки фиқоб ва ул шоҳи ноёб ва ул тўти хуш мақол давлат фалакида, ўшул молики мулки жаҳон ва ул анодили бўстон ва ул подшоҳ Абдулфаворис Жалолиддин шоҳ Шужъо-га сўзимиз шулким, қалом ва салом айн Абдулло, яъни яратган қулидин сўзим шулки, шарийат бирла бу мамлакатлар манга мероси ҳалолдур. Сенинг бобонг Муҳаммад Музаффар бизнинг бобомиз Абу Саидхонга навкар эрди. Алар ўлгандин кейин сани отанг даъвои подшоҳлик қилибдур. Ҳоло, бу мулкларни манга бергил. Бу мамлакатларга ман мустаҳқиқдурман.*

*Турон ва Эроннинг Буюк  
Амири ТЕМУР»*

Хатни ўқиган шоҳнинг дами ичига тушиб кетди. Анчага ўзига келолмай семиз гавдаси тахтга ёпишиб, бўйни ва пешонасидан оқаётган терларни артишга ҳам мажоли етмай, паришон ҳолда ўтириб қолди.

– Сизнинг мактубингиздаги шеърини қитъаларга мен жавоб берурмен, – деди амирзода ва яна юриб бориб, ўзи ёзган шеърни узатди.

Ғазал шундай эди:

*Кўрсанг жаҳон жафосини фикр ила қўй бўйин,  
Тонг-ла келурни ўйласанг, фикр айла қўй ўйин.  
Денгиз, тоғни кўрмадинг сен, кўрдугинг ўрин.  
Семурздек куйиб қанот, аъзоларинг, қўйин.  
Бу куйганингиз демагил тонг-ла бўлуб иссиғ,  
Бош қайнагай, оёқ куйиб, тер оқса ҳар мўйин.*

Сўнгги икки байт шундай эди.

*Эрон бирла Туронни демангиз тенг,  
Эронлик бир эрур, Турондин минг.*

Яъни бу шеърнинг маъноси шундай эдики, Эрондан бир киши ишини жойига келтурганча, Турондан минг киши ишини юзага чиқаради.

Шоҳ Шужьо сўзлари ўт каби йигитга не даъфи жавоб қайтаришини билмай лолу хайрон турар эди.

Шундан сўнг Умаршайх Мирзо мулозим қўлидаги қутини олиб, шоҳга узатди. Ўзини йўқотиб қўйган Шужьо кути ичида бирон-бир совға бор деб ўйлади шекилли бош вазирага узатиб, очишни буюрди. Унинг ичидаги нарсаларга кўзи тушганда эса ранги оқариб кетди. Кутичанинг ичида бир сиқим тупроқ билан бир неча дона оқ соқол туки турар эди. Бу ишорада ақл билан иш тутмасанг, оқарган соқолинг тупроққа қўшилиб кетади деган маъно бор эди. Бу воқеа қизиқ қонли Эрон шоҳининг ғашини келтирди. Вужуди титраб, баланд овозда қаттиқ сўзлаб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди:

– Бу юртларни менинг оталарим куч бирла олгандурлар. Кимки бу тупроққа даъвогар бўлса куч ила олажак! Сизга сўзим шудир, мирзо! Бориб отангизга айтинг!

Сўнгра шоҳ имо билан амирзода Умаршайхга бош-оёқ сарупо кийгизишни буюрди. Амирзода шоҳ ва сарой аҳли кўз олдида бу либосларни ясовуллардан бирига узатди. Кўринишхонада турганларнинг барчаси тарашага айланиб қолганди. Тахтида асабий қалтираб ўтирган шоҳ Амир Темурнинг ўғли тўппатўғри саройига кириб келганидаёқ адойи тамом бўлган, ҳозир нима қилаётганини ўзи ҳам билмасди.

Амирзода Умаршайх беш юз нафар сара суворийси қуршовида шаҳд ила Шероздан чиқиб, Машҳадга, қиблагоҳининг хузурига қараб юрди.

Темур ўғлининг хатарли сафардан эсон-омон қайтишини кутарди.

— Бу оғир ва хавfli ишни бекор амирзодага топширдингиз. Бошқа бирор кишини юборсак ҳам бўлар эди, — деди Темурга ёнида отда кетаётган амир Сайфуддин.

— Биз оғирликни ўзимизга олмоғимиз лозим, амир. Шунда одамлар бизга ишонадилар, — деди Темур олис-олисларга тикилар экан. — Бизнинг боламиз қандай азиз бўлса, ўзгаларники ҳам шундай азиздур.

Амирзода Машҳадга ярим кечада етиб келди. Чарчаганидан эғнидаги шоҳона либоси ҳам унга оғирлик қилаётгандек оёғини зўрға кўтариб босар эди. У беклаётган хонимининг хузурига ҳам кирмади.





## ТҮҚҚИЗИНЧИ БОБ

*Улуғ ақл эгалари ўз олдларига мақсад қўядилар,  
қолган одамлар ўз истаклари орқасидан эргашадилар.*

Ирвинг

Кечаси қотиб ухлаган амирзода уйғонганида куёш найза бўйи кўтарилиб, чошгоҳ бўлиб қолганди. Ҳориганини билган ота ўзи қалқмагунча уни уйғотмаслиқларини тайинлаганди. Ўғлининг Шоҳ Шужъо билан қандай гаплашгани аллақачон ўзига етиб келган, амирзоданинг маҳв бўлмоғига бир баҳия қолган эди.

– Ваалайкум ассалом, амирзодам, – деди ота ўғлининг саломига алиқолиб. – Яхши бориб келдингизми? – дея уни бағрига босди.

– Қўллуқ, қиблагоҳ. Амрингизни баҳоли қудрат уддаламоқ жаддида бўлдик. Нуқсонни бўлса афв этгайсиз, – жавоб қилди амирзода таъзим бажо келтириб.

– Вазифани кўнгилдагидек бажарибсиз. Энг муҳими, иш яроғ ишлатмоққа бориб етмагани. Бироқ сиз ҳали ёшсиз. Ёши улуғ одамлар шоҳ бўлсин, фақир-фуқаро бўлсин уларга эҳтиром билан муомалада бўлинг. Одоб-ахлоқ доирасидан чиқманг. Эшик оёқ билан очилмайди, ўғлим. Бунинг устига у шоҳ саройининг қопуси бўлса, қизишиб ва шошиб ҳаётингизни таҳликага қўйгансиз. Кўза кунда эмас, кунда синади. Бундан сўнг салтанат ва сулола мавқеи, шаъну шавкатига муносиб ҳаракат қилинг, – танбех берди ота ўғлига.

– Ўтирозингиз бошим устига, падари бузруквор. Бироқ борган кунимиз шоҳдан қирқ кундан сўнг қабул этиласиз деган жавобни олдик. Шу боис бир оз қизишдик, қиблагоҳ. Бу қавм иззат-хурмат кўрсатсангиз сизни кўркмоқда дея ўйлар экан. Сизлаб муомала қилсангиз чориғи билан тўрға ўтиб кетавераркан. Шунинг учун шоҳ саройига қарийб бостириб кирдик. Бироқ ҳеч кимга зиён-заҳмат етказмадик. Шароит шоҳ ила шул аснода сўзлашмоқни тақозо этди, – ҳисоб берди амирзода.

– Шоҳ Шужъо ўзига келиб қолади. Шунда унинг молу жонига озор етмай. Сизга бошқа бир вазифа борким, амирзодам, бу ху-



сусда алоҳида диққатли бўлмоғингиз лозим. Биз Жониқурбоний аймағини Сайхун ва Жайхун атрофига кўчирамиз. Ўз-ўзидан маълумки улар ила баробар Алибек ҳам кўч-кўронини олиб жўнайди. Андижонга чопар юбориб, унинг учун яхши бир жой ҳозирлатинг. Бундан буён ақрабомизнинг юриш-туришини сиздан сўрайман. Ўлкангизга унинг қавмидан ҳеч ким ерлаштирилмасун. Бу инсон табиатан фикрини ўзгартурмайдурғон, ўжар ва жоҳил бир кишига ўхшайдур. Шуларни ҳисобга олган ҳолда унга муносабатда бўлмоғингизни тавсия этаман.

Масала муҳимлиги учун Темур босиқ оҳангда, оҳиста сўзлар эди. Бундай дақиқаларда Темурнинг қошлари чимирилиб, пешонаси тиришар, ўткир кўзлари бир нуқтага қадаларди.

– Шунингдек, Малик Ғиёсиддинни ҳам йигитларингиз Самарқандга етказсунлар. Пешоналарида не бўлса, шуни кўрадилар. Саваш билан бўлиб, юртдаги ободончилик ва қурилиш ишлари қолиб кетди. Тезроқ етиб бориб, бу ишларга рағбат бермоғингиз лозим. Лашкарга етказинг, эрта эрталаб йўлга тушамиз. Самарқандни соғиндик, – дея ўғлига кетмоққа ижозат берди Темур.

Сабоҳ емагидан сўнг Боботурк Темурга Рай амири Муҳаммад Чавкардан чопар келганлигини сўзлади.

– Чорланг, – деди Темур муҳим бир ҳодиса юз берганини кўнгли сезиб. – У тарафларда тинчлик бўлсин, илоҳим!

– Рай ҳокими Муҳаммад Чавкарнинг хос мулозими Аҳмад Санокдурмен. Оёғингиз остига ташламоқ учун улуғ Темур салтанатининг душмани шоҳ Валининг бошини келтурдим!

Чопар шундай дея хуржундан соқолли, қонга беланган бошни чиқариб Темурнинг оёғига ташлади. Темур шартта юзини буриб, оти томон юриб кетди. Бу воқеадан дили вайрон бўлган эди.

– Муҳаммад Чавкарга бориб айтсин. Иккинчи бор бундай хатони такрорламасун. Шусиз ҳам унинг садоқатига ишонамиз. Шоҳ Вали жасур ва доно подшоҳ эди. Яхши иш бўлмабди, – деди Темур улар йўлга тушгач, анчадан сўнг амир Боботуркга. – Вазиятни қўлда тутиб назорат этмасак, катта-кичик амиру беклар бизга яхши кўринмоқ учун душманларини ўлдириб, бошини бизга жўнагаверадилар. Муҳаммад Чавкар ҳам шоҳ Валининг тахтини кўзлаб, бу номақбул ишга қўл урган. Алибек Жониқурбонийни ташлаб кетсак, эрта кунда унинг бошига ҳам шу кун тушиши

мумкин. Бизга дўстлик ва ҳайрихоҳлик мақомида турган кишиларни ҳам шу кўйга солишлари мумкин. Вассал бўлиб, бизни тан олган, бироқ ўз билгича иш қиладиган ҳокиму амирларни тартибга чақиришимиз, керак бўлса танобини тортиб кўйишимиз лозим. Кўкда Тангри битта бўлгани каби, ерда ҳам подшоҳ битта бўлиши керакка ўхшайдур.

– Фикрингизга кўшилган ҳолда муҳтарам Жақубек сўзлаган гапни мен ҳам такрорламоқчиман, ҳазрат, – деди амир Боботурк отини қичаб Темурга етиб юришга ҳаракат қилар экан. – Сизга маълумки, тарихимизда юртимизга шоҳ ёки гадой шаклида келган барчаки қавмлар бор, ҳокимиятни қўлга олмоқ учун доимо Турк хоқонлиги, Қорахонийлар, Ғазнавийлар ёки Хоразмшоҳлар каби ерли сулолаларга қарши курашиб келганлар. Имкони қадар Турон юртида бундай элатларни кўпайтирмаслигимиз керак. Усиз ҳам жуда кўп гумроҳ диндорлар дин байроғи остида улусимизга қарши курашмоқдалар. Ахир, бизнинг муқаддас ислом динимиз у ёки бу қавмнинг ер юзидан йўқ бўлиб кетишини ёқламайди-ку. Маълумки ҳозирги замонда арабу ажам ўртасида Муҳаммад динини тутиб турганлар салжукли ва усмонли турклардур. Чингизхон авлодларидан ҳам ҳеч қачон юртимизга хайр келмайди. Илдизидан ажралган бу қавм қаерда бўлмасин, бирлигимизга раҳна солаверади. Бундан буён ҳам юртимиз бошига не кўргулик келса шулардан келажак. Мана бу Суюрғатмишхон деганини ҳам ўртадан кўтариб ташламоқнинг вақти соати етди, чамаси, – деди эҳтиётлик билан териб-териб сўзлар экан амир.

– Гапингиз тўғри, амир. Бироқ бизнинг миллий туйғумиз ва руҳимиз ўзга қавмларнинг шу каби ҳисларига оғир ботмаслиги, озор етказмаслиги керак. Дунё яралганидан бери бу тупроқларда кимлар ўтмаган дейсиз. Хон хусусида фикрингизга эса жавоб шулдир. У Оллоҳ қанча умр берган бўлса яшасин. Ундан сўнг бу удум ўз-ўзидан қолиб кетади. Одамлар улардан қутуладилар. Бироқ ҳеч қачон уни биз маҳв этмаймиз. Боиси, у бизга неки ваъда берган бўлса, бажарди. Аҳдини бузгани йўқ. Шундай экан биз ҳам сўзимизда собит бўлмоғимиз шарт! Халқ ҳамма нарсани кўриб-билиб турибди. Биз ёғийни ўз ичимиздан қидиришга уринмаслигимиз лозим, Боботурк. Бу қусур олам подшоҳларининг хатосидур. Улар давлат ишини юритолмай, халқи оғир аҳволга тушган кунийёқ бу жинойтларни тўнкамоқ учун теварак-атрофидан

номзод ахтара бошлайдилар. Уларни ноҳақ жазолаб, эл кўзига бу ишларни қилганлар шулар дея сувдан куруқ чиқмоқчи бўладилар. Бу билан ўз жиноятларини янада чуқурлаштирадилар ва мудҳиш кечмишларини яқинлаштирадилар. Эътибор беринг, бу ёруғ дунёдан не-не улуғ зотлар, доно кишилар ўтмаган. Кишилар Имом Бухорий, ҳазрати Баҳовуддин Нақшбандий ва Ибн Сино хусусида не илиқ сўзларни сўзлайдилар. Бироқ бирон-бир подшоҳ ҳақида оғзини тўлдириб яхши гап гапирган одамни мен кўрмадим. Бойси недур? Менинг фикри ожизимча, ҳеч қачон миллат бошига муносиб одамлар келмаган. Бундай кишиларнинг келмоғига йўл қўйилмаган. Жоҳил ва гумроҳ қавмга худди шундай бошчи лозимдур. Оллоҳ ҳам Куръони Каримда қайсики қавм ўзини тегиштирмаса, мен уни тегиштирмайман дейди. Бироқ бизнинг дин нимаю динсизлик нималигини фарқламайдиган, диндан фақат шахсий манфаатлари йўлида фойдаланадиган мусулмонларимизнинг бошидан ҳеч қачон жанжалу офат кўтарилмайди. Қавм қанчалик художўй ва такводор бўлмасин, у илм ҳамда маърифат сари интилмас экан, итнинг кейинги оёғи каби қолаверади. Дунё қавмлари ичида ўз муносиб ўрнини эгаллай олмайди. Ёввойилик, сахройилик ҳамда тўпорилигимиз ҳар қандай улуғ ишни амалга оширишимизга халақит бераверади, авлодим...

Темурнинг гапи шу ерга етганида дарвешсифат бир кимсани судратиб келаётган амирзода Умаршайхга кўзи тушди. Умаршайх Мирзoning икки навқари кўлга тушган кишини қамчи билан уришарди. Бу воқеадан аччиғи чиқиб, таъби тирриқ бўлган Темур забт билан чап қўлини кўтарди. Навкарлар ва амирзода кўркувдан жойларида қотиб, туриб қолдилар.

Темур уларга яқин келиб, индамай, гап сўзсиз дарвешнамо, қирқ ёшлар чамасидаги кенг пешонали, қирра, бурун, ўткир кўзли, лаблари бўртиб чиққан кишига тикилди. Тикилди-ю, изза бўлган боладек қизариб, тилига сўз келмай қолди.

– Шоирмисиз, авлодим? – деди анчадан сўнг, ўқинчли овозда.

– Шундай, ҳазрати олийлари, – дея жавоб қилди жафо чеккан киши ва бола каби хўнграб йиғлаб юборди.

– Бул кишимга сув беринг. Юзларинг ювиб олсунлар, – деди Темур отдан тушаркан.

– Қўшин юраверсин. Биз етиб оламиз. Бироз сўзлашамиз.

Хос мулозим зудлик билан Темурнинг махсус курсисини

келтириб кўйди. Юз берган воқеадан изтироб чеккан Темур курсига оғир чўқди. Амирзода Умаршайх ҳамон мум тишлагандек жим турар, отасидан изн бўлмагунча сўзламоғи мумкин эмаслигини билиб, қўлини олдига қилганча тик турарди. Айбдор киши эса ўн қадамча нарига бориб, юз-қўлларини ювиб, салласига бетини артиб, қайта ўрарди.

– Хўш, амирзодам, бу биродаримизнинг гуноҳи недур? Нечун гуноҳи аниқланмасдин бурун навкарларингиз уни урадур? Не нохуш ҳолат содир бўлди. Бошдан сўйланг? – деди Темур аччиғи бир оз босилгач, босиқ овозда.

– Биздин гуноҳ ўтган бўлса бир қошиқ қонимиздин кечинг, қиблагоҳ! – Гуноҳқорона овозда сўзларди амирзода Умаршайх тутилиб. – Соё бўйида ўтирган бу кимса бизни ҳақоратли кўшиқ ила қаршилади. Шу боис уни тутиб, хузурингизга келтурдим, падарибузруквор. Ўзимиз ҳеч бир чора-тадбир кўрмадик. Йиғилганлар унинг номдор шоир эканлигини сўйладилар...

– Не маънодаги кўшиқни айтдилар? – Амирзоданинг сўзини бўлди Темур.

– Барча сўзлари эсимда йўқ, қиблагоҳ. Тўрт қаторини кўп такрорлагани учун ёдимда қолди.

– Қани айтинг-чи?

*– Ўру қирда, ҳаллослар,  
Уйинг куйгур барлослар.  
Ҳаллослар-о, ҳаллослар,  
Уйинг куйсин, барлослар!..*

– Шундай денг? Ғалати-ку! Бундай кўшиқ бир кунда ёки бир соатда пайдо бўлмайди, авлодим. Демак, барлос қавми бизнинг ҳокимият тепасига келганимиздан фойдаланиб, элга зуғум ўтказмоқда. Сиз масаланинг бу томонини ўйлаб кўрмабсиз-да! Тўғри сўзи ва ўз вақтида огоҳлантиргани учун бу инсонга ташаккур этмоғимиз жоиз. Мана ҳозир менинг сўзим тасдиғини унинг ўз оғзидан эшитиб кўрасиз.

Темур шундай деб, аччиғи чиққанидан ўрнидан туриб кетди. Ўзини тартибга келтирган дарвеш таъзим билан Темурга яқинлашди.

– Ассалому алайкум, шоири замон! Сиз ила танишмоқдин мамнунмен. Бу болаларнинг сизга берган озорлари учун узр сўраймен! – деди Темур у билан илиқ кўришиб, ёнига чорлар экан.

– Шу кўшиқни айтмасам мени сизнинг ҳузурингизга олиб келмас эдилар, ҳазрати олийлари! Булар борган сари сизни миллатдан ажратиб-қўймоқдалар. Истаган-кимса-истаган-замон ўздарди ила ҳузурингизга кела билмайдур, – деди ҳамон шахдидан тушмаган дарвеш баланд овозда.

– Сўйланг. Бемалол сўйлайверинг. Сўзларингизни кўзини ёғ босган мана бу амиру бекларимиз ҳам эшитсунлар. Жумладан, сиз каби шоирга қўл кўтарган ва қўл кўтарганларга бефарқ қараганлар ҳам! Ё Оллоҳ! Мусулмонлар! Шоирини калтаклаган қавми эл деб бўладими! Тўғри, Қуръони Каримнинг ўн тўққизинчи жузь, шуаро сурасида «Мен сизларга жинлар кимларга тушиши ҳақида хабар берайми? 222 Улар барча гуноҳга ботган товламачиларга тушиб: 223 Эшитиб олганларини уларга ташларлар. Уларнинг кўплари ёлғончилардур. 224 Шоирларга йўлдан озганлар эргашур. 225-226 Уларнинг ҳар водийда дайдишларини (яъни ўзларига ёқиб қолган энг тубан кимса ё нарсаларни ҳам кўкка кўтариб, ёқтирмаганларини тупроққа қоришларини (изоҳ Алоуддин Мансурники) ва ўзлари қилмайдиган-нарсаларни айтишларини-кўрмадингизми», дейилади. Бу дегани шоирни тўғри сўз айтганда ҳам тутиб калтакла, дегани эмас.

Темур шундай деб ўрнидан яна туриб кетди ва ҳаяжони босилгунга қадар наридан-бери юрди.

– Ўзингизни танитинг ва ўша шеърингизни айтиб беринг? – деди Темур қайтиб курсига ўтирар экан.

– Сиз каби улуғ зот олдида қандай бўлар экан, ҳазрати олийлари! – қимтиниб сўйлади шоир.

– Тортинманг. Булар ойнада ўз аксларини бир кўрсинлар. Ҳаддимдан ошган бўлсам мен ҳам кўрайин! – деди Темур самимий оҳангда.

– Мен темурқопуғлик шоир Туроб Туронийдурман. Шеърим мазмуни шундайдур.

Унинг юзи бахшиёна қиёфа касб этди. Овози дўриллаганча кўшиғини бошлади:

Етмиши фарсах йўл юриб,  
Етмиши етти эл кўрдим.  
Тоғлар ошдим, дашт кездим,  
Довон, водий, бел кўрдим.

Элбоши чиққан элат,  
Ўзга элга кун бермас.  
Энди кунда барлослар,  
Ўзга элга ун бермас.

Ҳаллослар-о, ҳаллослар,  
Уйинг куйсин, барлослар.

Турон юртин танг қилсанг,  
Сени-да, гафлат босар.  
От бўлмагай қулунинг,  
Эшиаклар отдан ўзар...

Умид нурун биткизма,  
Дилдан шафқат кетказма,  
Қўлинг кўкка етса ҳам  
Элга зулм ўтказма.

Жаҳон шоҳи бўсанг-да,  
Замон келар, ов юрмас.  
Овинг обдон юрса-да,  
Омад кетар, дов юрмас.

Номардга қолган кунни,  
Итга ташлагин, бўтам.  
Умидли ёзни кутиб,  
Қишни қишлагин, бўтам.

Биз тупроқдан яралдик,  
Тупроқ томон кетурмиз.  
Ерда озмиз, ёлғизмиз,  
Кўпроқ томон кетурмиз.

*Элбоши бўлган элат,  
Элнинг гамин есин-да.  
Хар уругни тенг кўриб,  
Бовуримсан десин-да.*

*Йўқса бир кун юрт тўзар,  
Эшшаклар отдан ўзар...*

– Э, воҳ! – деб юборди амирлар орасида бу бахшини тинглаб ўтирган Ўткун Тегин бахши.

Темур қўл ишораси билан Ўткун Тегинни чақирришларини буюрди. Бахши Темурнинг қаршисига келганида кўзи ёшовлаган, дили вайрон эди.

– Бир пайтлар шу оҳангдаги кўшиқни сиз айтардингиз, дўстим. Энди мана бу биродаримиз айтмоқдалар. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи кимирламайди. Демак, барлос қавми томонидан ўзга уруғларга зулм ўтказилмоқда. Ёмоннинг кучи япалоққа етганини кўрдингизми? Янглишмасам, бу ерлар Жаку Барлос тасарруфидадир. Сўйланг, бахши биродар, барлослардан раиятга не зулм ўтди? – дея бахши Туроб Туронийга юзланди Темур. – Тортинмасдан, очиқ-ойдин, рўйи-рост сўйлайверинг.

– Навқарлар мени тутган Обитурк қишлоғининг катта-кичик эркаги бир нафар ҳам қолмасдан лашкарга олинган. Деҳқончилик учун на ҳўкиз, на эшак ва на от қолган. Аёллар ҳўкиз каби омоч ва мола тортадилар. Бу каби жабр зулми одамлар Маҳмуд Қатағон замонидан бери кўрмаган эканлар. Бу аҳвол менинг фиғонимни фалакка чиқарди, ҳазрати олийлари. Сўзимнинг сизга етишини, бу бедодликка фақат сиз барҳам бера билишингизни юрагим сезарди. Сизнинг қандай зот эканлигингизни барча билади. Бироқ амиру бекларингиз Амир Темурга муносиб мулозим бўла билмоқликлари керак. Акс ҳолда, сизнинг барча фуқаропарвар олий фармонларингиз улусга етмай, ярим йўлда қолиб кетаверади.

Бахши сўзини тугатиб, Темурга таъзим қилиб, икки қадам орқага чекинди. Оғир ўй босган Темур анчагача бир сўз демай ерга-тикилиб қолди. Узоқ сукутдан сўнг-нигоҳи билан-муншийни ёнига чақиртириб куйидаги фармонни айтиб ёздирди.

– Обитурк қишлоғининг аҳволи амир Боботурк етакчилигидаги ҳайъат томонидан ўрганиб чиқилиб, айбдорлар жазога тортилсун! Бахши Туроб Туроний бугундан эътиборан амирзода Умаршайхга хос мулозим этиб тайинлансун!

Темур шундай деб ўрнидан турди, елкасидаги шохона чакмонини ечиб, бахшининг елкасига ташлади.

– Менинг отларимдан бирини ва бир чодир-ла қурол яроғларимдан бул дўстимизга беринг. Неки истасалар муҳайё этинг! – деди Темур ёнида турган амир Боботуркга. – Фейли-миздаги қусурларга барҳам бермас эканмиз, охир бир кун аввало худо, сўнгра халқ ғазабига дучор бўлмоқни унутманг!

– Менга ҳеч нима керак эмас, ҳазрати олийлари! Сўзимни тинглаганингизнинг ўзи улуғ бир неъматдур! – деди бахши хижолат чекиб.

– Сизга ҳеч нима керак эмаслигини жуда яхши билурмен. Бироқ сиз каби тўғрисўз, улус манфаати учун жонидан-да кечадиган инсонлар бизга керак. Мана бул қўл қовуштириб турган беқларимизнинг айримлари этига жир битган кунийёқ, халқни унутадилар. Акс ҳолда, сиз сўйлаган каби воқеалар содир бўлмағон бўлур эрди. Амирзода Умаршайх ҳам сиздан узр сўрайдур. Бул ёш амирзодага сиз каби доно ва юрт кўрган устознинг маслаҳатлари қўл келгай!

Темур шундай деб бахшини бағрига босди.

– Сизга Оллоҳ ёр, пирлар мададкор бўлсун! Истаган фурсатда хузуримга кела билурсиз! Лозим топган сўзингизни сўйлай олурсиз! – деди бахшини қўйиб юбормай.

Тушига ҳам кирмайдиган илтифотни кўрган бахшининг тили калимага келмай, кўзларига ёш қалққан эди. У беихтиёр тиз чўкиб, ёшли кўзлари ва лабларини Темурнинг қўлига теккизди.

– Биз сизнинг кўлингизни ўпишимиз керак, – деди Темур уни суяб турғизар экан. – Амирзода билан маълум муддат бирга бўлинг. Сўнгра менинг хузуримга, олий ўрдага келасиз. Мириқиб суҳбатлашамиз, – дея сўзини мухтасар қилди Темур нигоҳи билан ўғли Умаршайхнинг ёнида қолишлигини таъкидлаб.

Бахши Туроб Туроний амирзоданинг мулозимлари билан ўз тумани томон жўнади. Темур ҳам отига миниб, йўлга тушди. Ёнида амирзода Умаршайх кетар, отасидан яна қандай танбех эшитишни ўйлаб, юраги така-пука бўлиб борар эди. Темур ода-



ти бўйича нафақат ўғил-қизлари ва ҳатто набираларини ҳам сизлаб гапирар, барча одамларга нисбатан у шоҳ ёки навкар бўлсин, бир хилда илтифот кўрсатар, бир олижанобликка ўн олийҳимматлилик билан жавоб қайтарар эди.

— Амирзода, авлодим! — деди анча юрганларидан сўнг Темур вазмин оҳангда ўғлига бир қараб қўйиб. — Сиз менинг орзу-умидим, қалбимнинг кўри, кўзимнинг нурисиз. Сиз йўл қўйган ҳар бир хато менга, мен орқали салтанатимизга келиб тақалади. Оддий одамларнинг хатолари билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди. Уни тез унутадилар ва бир ёки икки кишлоқ аҳли орасида қолиб кетади. Бироқ сиз каби амирзоданинг кичик бир хатосини ҳам ноғора қилиб чаладилар. Душманларимиз ундан усталлик билан салтанатимиз илдизига болта урмоқ йўлида фойдаланадилар. Бу каби гап-сўзларга бундан сўнг имкон яратманг. Ҳақиқатни сизга ҳақорат оҳангида айтсалар ҳам тинглашга ўрганинг. Бу билан сиз фақат ўз куч-қудратингизни кўрсатасиз ва ёғийдан устунлигингизни исботлайсиз. Ҳеч бир ишда асабийлашманг. Совуққон бўлинг. Асабийлашган киши аксар ҳолда ноҳақ бўлиб чиқади. Ҳақ инсон, Ҳаққа яқин инсон ҳеч қачон ўзгаларга беписандлик билан қарамайди. Шоиру ёзар, олиму уламо аҳлининг гуноҳу нуқсонларига кечиримли бўлинг. Булар кўнгил инсонларидир. Бир оғиз ширин сўзингизнинг гадоси улар. Гуноҳ қилганларини жазолаб ҳам зинҳор-базинҳор обрў топмайсиз. Аксинча, сиз бундай кишиларни жоҳил оломон ва зolim амалдорлардан кўримоғингиз керак! Ҳазрат Яссавий ёхуд Камол Хўжаандий каби авлиёлик рутбасига кўтарилган шоирлар улус шарафидир. Ҳис-туйғуси ва меъдасининг қули саналмишлари эса Куръони Каримда қайд этилганлар сирасидандир. Шоир зотига катта мансаб бермоқдан бошқа ҳар қандай хайри-саховатни қилиш мумкин. Улар кўнгил одамлари бўлганликлари боис, яхши-ёмон — ҳаммага яхшилик қилмоқчи бўладилар. Барчага бирдек яхшилик қилиб ва ёқиб бўлмайди. Иту битга ёқмоққа интилмоқ — тубанликдир. Айниқса, оч ва кўрмаган шоирлардан эҳтиёт бўл.

Улар кўп юрмасдан Темур фармонининг бир қисмини бажарган амир Боботурк ахборот бермоқ учун от чоптириб келди. Уни кўрган Темурнинг дили ёришди.

— Сўйланг, амир. Не хушхабар келтирдингиз? — деди Боботуркни ёнига чорлаб.

– Обитурк қишлоғидан амир Сайфуддин лашкарида юз ўн етти нафар киши бор эди. От-улови билан она қишлоқларида қолдирдик. Улуфа ҳам бердик. Кўнглингиз тўқ бўлсин, ҳазрат! – деди амир Боботурк хансираб.

– Фурсати билан амир Сайфуддинни ҳузуримга чақирасиз, – жавоб қилди Темур Боботуркнинг сўзидан қониқиш туярган. – Лекин шоир Туроний бизни бошлабдими-а? – сўзида давом этиб, қулди Темур. – Барлос сўзининг маъносини биласизми?

– Йўқ, – деди амирзода Умаршайх.

Боботурк индамади.

– Бу мўғул тилида қиличини доимо қинидан чиқариб юрвучи киши демақдир. Маъносидан билиниб турибдики, бу қавм азалдан жангари, урушқоқ бўлган. Қўшиқ ҳам бежизга тўқилмаган. Барчамизнинг авлодимиз Нўҳ пайғамбарнинг ўғли Туркхонга бориб тақалади. Барлос уруғи қипчоқлар орасида ҳам бўлган. Қолаверса, қонимиз шу қадар қоришиб кетганки, бу ёлғиз яратганнинг ўзига маълум.

Ўрдуни Самарқандга қирқ чақирим қолганда Ойқор тоғи этагида Тошлоқ наҳри бўйидаги Қорақишлоқ Сароймулкхоним ва Самарқанд доруғаси бошлиқ сарой аҳли, дўст-ёрлар кутиб туришарди. Еллар қўшин ноғораси садосини узоқларга олиб кетар, ёқимли куз ҳавоси дилларга армон аралаш бир таскинлик бахш этарди.

Йиллар ва йўллар Буюк Турон салтанатининг саодатидан башорат этар, Турон султони оқ тулпорида давлатининг пойтахти томон учиб борарди.

Қаршидан ураётган совуқ ҳаводан Темурнинг кўзларидан ёш оқар, хаёлида хайрлашув чоғида шоир Туроб Туроний айтган сўнги сўз чарх урарди.

– Бу ватанда ҳақиқат истаб, энг сўнги дақиқада ҳузурига бош уриб бориб, этагига намоз ўқийдиган инсон қолмади, буюк амир ҳазратлари! Айтинг-чи, шундай инсонларсиз юрт юртми, улус улусми?

Бу оғир гапни мушоҳада этар экан, Темурнинг вужудидан совуқ тер чиқиб кетди.

– Биз юртда ана шундай улуғ одамлар етишиб чиқадиган

иқлим яратмоғимиз, улусни маърифат сари етакламоғимиз керак! — деди ўзига-ўзи ва отини янада илдамроқ чопиши учун жилловини бўш қўйди.

Қаршида ҳар бир мавзеда бирон бир қурилиш ёки боғ барпо этилаётган келинчакмисол гўзал бошкент — Самарқанд жилванар, масжиду мадрасаларнинг заррин қуббаларида куз қуёшининг илиқ нурлари ўйнар, улус мана ўн уч йилдирки, уруш — саваш нелигини билмай ўз кундалик ташвиши ила машғул эди.

Темурнинг қулоқлари остида яна Туронийнинг сатрлари жанранглай бошлади. Вужудини сўз ила тасвирлаб бўлмас бир туйғу қоплади.

*Номардга қолган кунни,  
Итга ташлагин бўтам.  
Умидли ёзни кутиб,  
Қишни қишлагин бўтам.*

*Биз тупроқдан яралдик,  
Тупроқ томон кетурмиз.  
Ерда озмиз, ёлғизмиз,  
Кўпроқ томон кетурмиз.*



## ЎНИНЧИ БОБ

*Барлослар мўғуллар даврида улар таъсирга берилган, бироқ тезда ўзлигига қайтган турк қабиласидир.*

Г. Пугаченкова, академик

Турон қўшини Хуросон юришидан қайтар эди.

Улуғ амир минган оқ тулпор сағрисини бир маромда сил-китганча Самарқанд сари учиб борарди. Соҳибқироннинг ўнг томонида, хиёл орқароқда амир Боботурк ва Алп Туркашлар ундан ортда қолмай, басма-бас от қўйиб келишарди. Юганларини шакирлатиб кўпик сачратиб пишкираётган тулпорлар бир маромда йўл танобини тортишар эди. Темурнинг узангига оёғини тираганча, от устида енгил, гўёки қоялардан оҳиста водий томон қанот ёзиб тушаётган бургут каби учиб бораётганидан завқланган амир Боботурк камчиси билан устозига ишора қилиб, баланд овозда сўз қотди.

– Устознинг от устида ўтиришларига қаранг, Туркашбек! Тахтиравонда бораётгандек қилт этмайдирлар-а!

Темур Оқбулутнинг жиловини тортиб, чопишини секинлатди. Сўнгра эса йўрғалатганча елкасидаги кумушранг хилъатларини ва камарини тўғрилай бошлади. Улуғ амирни таъкиб этиб келаётган икки хос мулозимни ҳам отлари тизгинини тортишди.

– Нимасини айтасиз, амирим. Бу Оллоҳ ёрлакаган одамнинг кўрмаган азоб-уқубати, англаб етмаган сиру синоати қолмаган. Эътибор берган бўлсангиз оғиз очмасингиздан қошқовоғингизга қараб нима демокчилигингизни биладилар. Устоз ҳар бир соҳада синчиларнинг пиридир. Отга оғирликларини солмай ўтиришларини қаранг-а? – жавоб қилди Туркаш олдинда кетаётган Соҳибқирондан кўз узмай.

– Айтишларича, устоз ўн беш ёшдалигида ўттиз ёшли чавандоз каби кўпқари чопарканлар. Улоққа қўшиб анча-мунча чавандознинг қўлини ҳам юлиб оларканлар, – дея Туркаш сўзини давом эттирди Боботурк. – Жуда эрта тўю маъракаларда даврага

тушиб курашарканлар. Бу ҳақда оталаримиз сўзлар эдилар.

Бош махфий ва амир Боботурк суҳбатлари яқун топмасдан қаршисида урдуни беклаётган одамлар тўпи кўринди. Уларга етмоққа эллик қадамча қолганида улуғ Амир отдан тушди. Оёқ-кўлларини ёзиб, хос мулозим олиб келган курсига оғир чўкди. Кутиб олувчилар бирин-кетин келиб, улуғ Амирнинг пешини ўпа бошладилар. Темур имкони қадар уларни пешини ўпишига қўймай бағрига босар, елкасига қоқиб эркаларди.

Сароймулкхоним Зарафшон дарёси ирмоқларидан бирининг бўйига истироҳат учун жой ҳозирлатган, тансиқ таомлар, турли хил хайвон ва қуш гўштлари қовурдоқларининг ҳиди тўрт тарафга таралиб, иштаҳани қитиқлар эди.

– Биласизми, маликам, сафарда юрганимда Самарқанднинг нимасини қўмсайман? – дея Бибихонимга юзланиб сўз қотди Темур.

– Биламан, ҳазратим, – дея жавоб қилди Бибихоним ним табассум билан.

– Қани, айтинг-чи? Тўғри топа олармикансиз? – Қизиқсиниб хонимига тикилди Темур.

– Ўзингиз айтган эдингиз. Қаерда бўлмайин Ватаннинг суви билан узумини соғинаман деб. Биласиз-ку, сизнинг ҳар бир сўзингиз қулоғимга кўрғошин каби қуюлиб қолади, – жавоб қилди бош малика тавозе билан.

– Ташаккур, маликам. Сизнинг билмаган нарсангиз йўқ. Хотирангизга балли! Бўлмаса айтган емақларингизни келтиришсин. Албатта, юртгимизнинг бу икки илоҳий неъматини Самарқанд нонисиз тасаввур этиб бўлмайди, – деди Темур сой бўйидаги толзор соясига тўшалган шоҳи кўрпачалар томон юраркан.

Буюк амир сой лабига ўтириб, юз-қўлини ювди. Вужудига сўз ила тасвирлаб бўлмас бир хузур сингган эди. Артиниб, беихтиёр чўзилди. Чалқанча ётганча кўм-кўк, тиниқ осмонга тикилди. Биллурдек сойнинг шарқираши унинг чарчоғини ёзиб, танасига ором бахш этди.

– Қани, сўйланг-чи, маликам, бошкентимиз ҳаётида не янгиликлар содир бўлди? Қурилишларимизнинг бориши қалай кечмоқда? – деди Темур оёғини узатиб ёнбошлар экан Сароймулкхонимга.

– Худого минг қатла шукур! Барчаси кўнгилдагидек кетмоқда, ҳазрати олийлари! Қурувчи ва мулозимларимиз шижо-

ат ила Кўксаройнинг эхик нақш ишларини битирдилар. Боғи Беҳиштга кирсангиз мисоли жаннат дейсиз, – дея ним таъзимда жавоб қилди Бибихоним.

– Мўғул босқини замонида буздириб ташлаган, Самарқандни ичимлик суви билан таъминлаб турадиган Жўйи Арзиз ариғини илгаригидан-да бир неча баробар катта сиғимда тикламоғимиз керак. Бу ишни бир йил давомида битирмоғимиз шарт. Бул мақсад учун биз хазинадан етарли миқдорда маблағ ажратдик!

– Сизнинг улус учун қилаётган бу савобли ишларингизнинг Оллоҳ ажрини беражак, ҳазратим! – деди бош малика майин овозда, бу хушхабардан хурсанд бўлиб.

Зукко малика Жўйи Арзиз қувурини буюк бобоси Чингизхон амри билан бузилганлигини билар эди. Қисматни қарангки, бу хатолиғнинг тузатилишига иштироқ этмокни яратган унга насиб этмоқда.

Темур иштиёқ билан дастурхонда товланиб турган хусайни узум ва иссиқ нонга қўл узатди.

Улуғ Амирнинг шаҳар қурилишидан кўнгли тўқ эди. Кейинги ўн йил мобайнида эски бошкент – Афросиёбнинг жанубида янги Самарқанд бино бўлди. Бу кенг ҳудуд обод қилиниб, янгидан-янги боғлар ва маҳаллалар барпо этилди. Бутун шаҳар мустаҳкам қалъа девори ва ҳандақ билан ўраб олинди. Бу ишни Темур асосан аскар ва бардалар (ҳарбий асир) зиммасига юклади. Бундай катта ишларга халқни жалб қилишни истамади.

Янги Самарқанд тўртбурчакка яқин бир шаклда бўлиб, қалъа девори илгаридан деҳқончилик қилиниб келинган ва эски маҳаллаларни ҳам ўз ичига олганлиги учун айрим жойлари эгри эди. Девор ичидаги бу майдон ҳисор деб аталар, шаҳар деворининг саккизта, каттакон дарвозаси кўриқланар эди.

– Шаҳар девори ичидаги эгри-бугри кўчаларни тўғрилаб, пастқам ва кўримсиз дўконларни ҳам қайтадан қурмоқ керак, – деди Темур ҳузур қилиб узум еркан.

– Бунинг учун бутун шаҳарни бузиб, қайтадан қуришга тўғри келади, – жавоб қилди Бибихоним.

– Умр етса, буни қиламиз. Улусимизнинг ҳар бир ватандоши баланд, гўзал ва кенг уйларда яшамоклари, мухташам дўконларда чалишмоқлари керак.

– Оллоҳ ниятингизга еткурсин, ҳазратим!

– Омин!

Емақдан сўнгра йўл йўрғунлигидан бўшашган Темурни уйку элитди. Маликадан узр сўраб, яна чўзилди.

– Сиз бу соя-салқинда бир оз дам олинг. Мен сизни Боғи Беҳиштда кутаман, – деди ўрнидан тураркан паст овозда Биби-хоним.

Темур бош ирғаб, хоними таклифига розилик билдирди. Сароймулкхоним ҳазрат қўниши лозим бўлган Боғи Беҳиштни кўздан кечирмоқ учун йўлга тушди.

Боғи Беҳишт минг уч юз етмиш саккизинчи йилда улуғ Амирнинг ўн икки ёшли хотини Туман оқо шарафига шаҳарнинг фарбига қурилган бўлиб, бу замонда бундан кўркам ва гўзал боғ ҳеч бир ерда йўқ эди. Боғда Темурни ёш ва гўзал хотини Туман оқо кўзи тўрт бўлиб кутарди.

Темур табиатан тиниб-тинчимас, бирор дақиқасини ҳам беҳудага ўтказа олмайдиган одам эди. У узлуксиз сарой ишлари ила машғул бўлар, ёзар, ўқир, жанг услубларини такомиллаштириш учун шоҳмат ўйнар эди...

Қуш уйқусини олган Темур тетик уйғонди. Таҳорат олиб, пешин намозини ўқиди-да, хузурига бош вазир бошлиқ хос мулозимларини даъват этди.

– Сизга маълумки, шавкатли ўрдумиз Хуросон фатҳида чексиз-матонат ва жасорат кўрсатди. Бул музаффар лашкар бор экан, иншооллоҳ биз етти иқлимни забт этажакмиз. Шу пайтга қадар биз аскарларимиз хизматини тақдирлаб келган бўлсак-да, улуфа иши тузук асосида тартибга солилмагандир. Биз муҳтарам амиримиз Боботурк билан бу ишни мана шу тахлит қораладикким, ижозатингиз билан ул кишим сизларга ўқиб берадилар. Бирор-бир фикрингиз бўлса сўйлай билурсиз, – деди Темур қўлидаги қоғозни яна бир карра кўздан кечириб, Боботуркка узатаркан. Ёш амир таъзим ила қоғозни олиб, томоғини бир қириб қўйди-да, ўқишга киришди.

– Демак, сипоҳга улуфа, яъни озиқ-овқат, маош бериш тузуги шундай бўлади. Мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ва бошқа сипоҳийларга ушбу тартибда маош берилади. Оддий сипоҳийга ўз хизматини кўнгилдагидек бажариш шарти билан минган отининг баҳосида маош тайинланади. Баҳодирнинг маоши хизматига қараб икки от баҳосидан тўрт от баҳосигача қилиб белгиланади. Ўнбошининг маоши унинг қўл остидаги оддий

сипоҳийдан ўн баробар ортиқ бўлиши қайд этилсун. Юзбошиларнинг маоши ўнбошиларникидан икки баробар, мингбошиларники эрса юзбошиларникидан уч баробар ортиқ бўлсун.

Сипоҳийлар уруш жабҳасида хатоликқа йўл қўйсалар, маошидан ўндан бир ҳисса камайтирилсун.

Ўнбоши юзбошининг тасдиғи билан, юзбоши мингбошининг тасдиғи билан, мингбоши амир ул-умаронинг тасдиғи билан улуфа оладилар. Амир ул-умаронинг маоши қўл остидаги девонбеги ва вазирлар маошидан ўн баробар ортиқ бўлади. Девонбеги ва вазирларнинг маошлари эса амирлар маошидан ўн баробар кўп бўлсун. Ясовул, чоповул ва қалақчиларнинг маошлари ўз хизматларига яраша, мингдан ўн минг тангагача бўлсун.

Аҳли мажлис бўлмиш – саййидлар, олимлар, фозил кишилар, ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар, қиссахонлар, хабарчилар, тарихчиларга ўз ҳолларига қараб ҳаётлари учун етарли миқдорда суюрғол ва маош ажратилади. Пиёда аскарлар, хизматчилар ва фаррошларга юз тангадан минг тангагача маош берилсун.

Амир ул-умаролар ўз маошларини девонбеги ва вазирларнинг тасдиғи билан оладилар. Давлат томонидан бериладиган бутун маошларнинг тўлиқ маълумотларини девонбеги ва вазирлар аввал Амир Темур ҳазрати олийларига маълум қилиб, сўнгра танҳо<sup>1</sup> берсунлар.

Сипоҳийларнинг ҳар бирига маош олиш ёрлиғи топширилсун. Уларга берилган маблағ миқдори шу ёрлиғнинг орқасига ёзиб борилсун.

Амир Боботурк тузук парчасини ўқиб бўлиб, Темурга узатди.

Амир, лашкарбоши ва мулозимлар бош ирғашиб тузукни маъқулладилар.

– Маош маъносида ҳозирча шул фикрга келдик. Пиёдадан тортиб, амир ул-умарога қадар алоҳида хизматлари учун ҳар замон қўшимча моддий сийланажак, – деди Темур ўтирганларга боқаркан.

– Рухсат этсангиз ҳазрат, сипоҳга танҳо ва улуфа бериш тузугининг тақсимлаш шартлари хусусида биродарларимизга бир оз билги берсам, – деди амир Боботурк ҳамон тик туриб сўзларкан.

<sup>1</sup> Танҳо – сарой хизматчилари, лашкарбошилар ва аскарлар учун махсус хазинадан бериладиган маош; баъзида алоҳида хизмат кўрсатган бекларга танҳо сифатида ерсув берилган.



– Марҳамат, сўйланг, – жавоб қилди Темур тузук ёзилган қоғозни яна бир бор кўздан кечиргач, бош мунший Акрамбекка узатар экан.

– Маош улашишни бевосита амалга оширувчи масъулларимиз пиёдалар, ясовуллар ва чоповулларнинг бир йиллик маошларини ҳисоблаб, белгиланган маблағни девонхонага келтириб, шу ерда уларга улашадилар. Шунингдек, сипоҳийлар ва баҳодирларнинг олти ойлик маоши ҳам ҳисобланиб, танҳо хазинасидан берилди. Ўнбоши ҳамда юзбошиларга маош шаҳар омонлиги хазинасидан, яъни шаҳар аҳолисидан олинадиган солиқлардан йиғиладиган хазинадан ва подшоҳлик мулки даромадидан нақд пул ҳисобида ўталади. Мингбошиларга эса вилоятлардаги ерлардан тиюл<sup>1</sup> берилди. Амир ва амир ул-умароларга эса сарҳад ерлардаги вилоятлардан биридан тиюл белгиланади...

– Вилоятлар ва мамлакатлардан тушган даромадларни қай тартибда тақсимлашни ҳам айтиб ўтсангиз, – амир Боботуркнинг сўзини бўлди Темур.

– Маъқул, ҳазрат! – хиёл эгилиб сўзида давом этди Боботурк. – Мамлакат ва вилоятлардан олинадиган жами даромад тақсимланиб, маош бериш ёрликларига энг кўп ва оз миқдорда қайд этилади. Ёрликлар девонхонада кўриб чиқилиб, маъқуллангандан сўнг олувчига тақдим этилади. Агар ёрликда маош мўлжалдагидан зиёда кўрсатилган бўлса, уни олган мансабдор яна бир кишини ўзига шерик қилади. Агар маошни кам деб билса, бошқа ёрлик олиш ҳуқуқига эгадир.

– Шунини тузугимизда алоҳида қайд этиб қўймоғимиз лозимки, амирлар, мингбошилар раиятдан молу жиҳот тўплаганларида хирождан ортиқча соварий<sup>2</sup>, қўналға<sup>3</sup> ва шилон<sup>4</sup> талаб этмасунлар. Бу тузукни бузган кимса ким бўлишидан қатъи назар, қонуний жазоланиши кўрсатилсун, – деди Темур чап қўлини сермаб сўзларкан. – Шунингдек, илгари сизлар билан маслаҳатлашганимиздек, бу ишларни юритмоқ учун ҳар бир мамлакатга иккитадан вазир тайинланади. Биринчи вазир вилоятдан йиғилган молларни ёзиб, раият аҳволини ўрганиб туради.

<sup>1</sup> Тиюл – хирож ва солиқ йиғиб олиш ҳақки билан инъом этилган ер-мулк.

<sup>2</sup> Соварий – подшоҳ ва хонлар ўз вилоятларидан ўтаётганда халқдан олинадиган тортиқлар. Соврин ҳам дейилган.

<sup>3</sup> Қўналға – чопарлар ва элчиларга қўноқ, яъни тунаш учун бериладиган ҳада.

<sup>4</sup> Шилон – подшоҳ ва амирларнинг емаги учун йиғиладиган солиқ.

Токим жогирдор, яъни солиқчи фуқарога жабр-зулм етказиб, уларнинг яшаш ҳолатини оғирлаштирмасун. Вилоятдан тўпланадиган барча пул, мол ва ашёларнинг кирими бош вазирнинг зиммасида бўлади. Иккинчи вазир эса даромаднинг харж этилган қисмини чиқим дафтарига қайд этиб боради. Йиғилган моллардан сипоҳийларнинг маошига улуш ажратади. Бу хусусда мунозарали не фикрлар бор эрди? – яна амир Боботуркга ўгирилди Темур.

Амир Боботурк ҳамон ўтирмаган, сўзига якун ясамоқ ниятида қўл қовуштириб турар эди.

– Қай бир амирга тиюл берилар экан, уни уч йилгача ўз ҳолига қўйиш лозимлиги ҳақида баҳс бўлган эди. Уч йил ўтгандан сўнг ўрганиб чиқилади ва агар мамлакат обод, раият рози бўлса, амир ва тиюл шу ҳолича қолдирилади. Аҳвол кўнгилдагидек бўлмаса, ул вилоят ҳолисага ўтказилиб, жогирдорга уч йилгача улуфа берилмайди.

– Бу адолатлидур. Ҳар бир амиру элбоши дастлаб, элу юрт аҳволи яхшиланишига эришиб, раиятни рози этмоғи шарт. Модомики, унинг ризқу рўзи ана шу халқнинг устидадир. Улус ҳеч қачон ўз йўлбошчисини оч-яланғоч қўймағай. Буни унутиб, молу дунёга муккасидан кетадиган, бола-чақаси, авлод-аждоди билан юрт молу мулкига мўри-малаҳдек тармашган касларга бизнинг даргоҳимизда ер йўқ. Бундайлар тасодифан орамизга кириб қолган бўлсалар уларга ўз вақтида қобилиятига яраша, тирикчилиги ўтгулик бир вазифа бериб, олий ҳокимиятдан четроқда тутмоқ лозим. Бироқ ҳеч қачон ва ҳеч кимнинг бола-чақасини очу-яланғоч қолдириб, ўзини абгор бир аҳволга тушишига йўл қўймаслигимиз керак. Ким бўлмасун, у инсон, бизнинг диндошимиз ва юртдошимиздур. Яна бир нарсани барча мулозимларимизга етқурингим, хирожини раиятдан ур-қалтақу ғавғо йўли билан эмас, балким огоҳлантириш усули ила ундирсинлар. Солиқ тўлаш имкониятига эга бўлмаган кишиларга вақт ва фурсат танисинлар. Умуман солиқ бера олмайдиган фуқароларимизга эса, аксинча, хайрия йўли билан кўмак этсинлар. Қай бир ҳоким ҳукмининг таъсири чўп ва қалтақлаш таъсиридан камроқ бўлса, ундай ҳоким ҳукумат юритмоққа мутлақо яроқсиздир.

Темур сўзини тугатиб, оғир тин олди. Қўл рўмолчаси билан пешонасини артиб, фикрингиз бўлса сўйланг дегандек ўтирганларга боқди.

– Маошлар тақсими ва улуфалар адолатлидур, ҳазрат. Лозим бўлганда бирор-бир қўшимча киритмоқ ва таклиф ила мурожаат этмоқ эшиги айтганингиз каби ҳар замон очиқдур, – деди тўпланганлар номидан амир Сайфуддин салмоқли оҳангда.

– Маъкул! Маъкул!

– Адолатли! – овозлар эшитилди.

Сўнгра машварат Темурнинг ўғиллари ва набираларига улуфа бериш ҳамда уларни давлат ишларига аралашиви масаласини муҳокама этди.

Тўнғич фарзанд, валиаҳд Муҳаммад Жаҳонгир бир вилоят ҳокими бўлиб, ўн икки минг отлиқ аскарга улуфа олганди. Иккинчи ўғил Умаршайх Мирзо эса ўн икки минг отлиқ аскарга улуфа ва бир вилоят олганди. Учинчи ўғил Мироншоҳ Мирзо ҳам бир вилоятни тасарруф этиб, тўққиз минг отлиқ аскарга улуфа оларди. Тўртинчи фарзанди Шоҳруҳмирзо эса етти минг отлиқ аскарга улуфа олиб, бир вилоят ҳокими эди. Набираларга салоҳиятларига қараб, уч мингдан етти минг отлиққача улуфа берилиб, биттадан вилоятни тасарруф этмоқ қайд этилганди.

Амир Темурга қавм-қариндошлиги бор кишиларга қобилиятига қараб биринчи даражали амир мартабасигача бўлган амирлик ва волийлик мансаблари берилар, улар тузук бўйича иш юритиб, мартабасига яраша иш тутишга мажбур эдилар.

Темур фотиҳа қилиб, ўрнидан кўзгалди. У билан баробар барча ўтирганлар ҳам ўринларидан турдилар. Бироқ улуф Амирнинг нимадир демоқчилигини қиёфасидан сезиб турган жамоа тарқалмай турарди. Фикрини жамлаган Темур бошини кўтариб, энг яқин кишиларга мурожаат этди:

– Азиз ва муҳтарам сафдошларим! Даъво орқадолларим! Дўстларим! Сизлардан бир рижойим бор. Барчамиз хом сут эмган инсонмиз. Хайрли ишларимиз баробарида нуқсон ва камчиликларимиз ҳам мавжудки, бу ҳолат умум ишимизга халақит бериб қолмай, гоҳида ёнгинамизда узанги йўлдош бўлиб, салтанат иссиқ-совуғини тортиб юрган дўстларимиз ҳаётига раҳна солишдек фожиали оқибатларга ҳам олиб келмоқда. Мен ҳам сиз каби Оллоҳнинг бир қулиман. Одам зоти табиатан шундай бир жонзотки, у гоҳида яхшилаб сўзланган ёлғонга ишонади. Шу боис менга ҳеч қачон ва ҳеч ким хусусда аниқ бўлмаган, қайта-қайта текширилмаган маълумот ва хабарларни келтирмам.

Ҳар бир воқеага, ҳодисага минг карра диққатли бўлишингизни ўтириб сўрайман. Биз шундай ҳоин ва гумроҳларнинг айби билан бир қатор дўстларимиздан айрилдик. Улар ҳасадчилар ва менинг эътиборсизлигим қурбони бўлдилар. Бу ўринда менинг ҳам гуноҳим бўйнимдадур. Бу фожиани тафтиш қиладиган бўлсак, яна анча-бунча дўсту яқинларимизнинг боши кетади. Шунини ҳисобга олиб, бугундан эътиборан бир фармони олий жорий қиламиз. Бизга ёлғон ахборот ва фисқу фасод олиб келган кимса амирми, фаррошми энг оғир, олий жазога тортилгай! Мен сиз ҳурматли биродарларимга шунини сўзламоқчи эдим. Ифво ва фасод қурбони бўлганимиздан кўра жангу жадалда шаҳид кетганимиз афзалдур!

Барча бирданига сукут сақлаб, жимиб қолди. Дарвоқе, Темур ўз атрофида давом этаётган мавқе талашувни анчадан буён кузатиб юрар, бу ҳолатни билиб билмаганга, сезиб сезмаганга оларди.

Темур ўзи билган, таниган ва хизматида бўлган бек, амир, лашкарбоши ва хонлар ичида ҳақиқий кучли ва мардини деярли кўрмади. Ҳар доимо уни бир нарса ҳайратга солар, буни ўйлайвериб, ўйига етолмас эди. Ҳеч бир бошлиқ теварак-атрофига ақлли, тадбирли, шахс ўлароқ кучли кишиларни тўпламас, барчаси юмшоқ супурги каби етовга ўрганган ит каби шахсиятини англаб бўлмас кимсаларни йиғардилар. Тўғри, раҳбар ҳар замон ҳам кўнгилдагидек ёрдамчиларни топа олиши мушкул. Бироқ аҳмоқ сотса ҳам жуда аҳмоқона, ғоят пастлик билан сотишини негадир ҳеч бир раҳбар ўйлаб кўрмайди.

Одатда мард, тўғри, ақлли, ўқиган, тарбия кўрган одамларда мустақил фикрлаш ва иш юритиш истак-эҳтиёжи кучли бўлади. Бошлиқлар эса уларнинг айнан шу хатти-ҳаракатларини ҳазм эта олмайдилар. Ваҳоланки, бундай кишиларни улуғ ишларга рағбатлантириб, йўналтирмақ лозим. Бу кишилар қалбидаги олийжаноб тўйғуларга қанот бахш этиб, улуснинг улуғ ишларига сафарбар этмоқ жоиз. Билъакс, аксар амирлар бундай ёрқин кишиларни моддий ёки маънавий сиқувга олиб, улар шахсини синдирмоққа киришадилар. Буюк шахсларни эса синдириб бўлмайди. Аксинча, тазйиқу тақиқлар улар шахсиятини янада юксалтириб, истеъдоду салоҳиятининг янги қирраларини намоён этмоққа рағбатлантиради.

Салтанатда бундай иқлимни яратмоқ оғир кечмоқда. Бурнидан нарини кўрмайдиган, қорнидан бўлак тирикчилиги йўқ қавмлар

руҳиятида юксак инсоний эътиқодларни шакллантирмоқ оғир кечаркан. Гоҳида бу оломонларнинг ҳаёти, аҳволи-руҳиясига қараб юрагинг орқага тортиб кетади. Назарингда, бу одамлар ҳеч қачон тузалмайдигандек. Бунинг учун уларни худди аскар каби тарбияламоғинг ёки катта бир маданийлашган қавмнинг орасига кўчирмоғинг керакка ўхшайди. Қонидаги ёввойилик ва саҳройилик устун келса, ўшанда ҳам бу қавмлар ўзларини ўзгартира олмайдилар. Шунинг учун ҳам Оллоҳ Куръони Каримда бежизга ҳар бир қавм ўзини тегиштирмаса, мен уни тегиштирмайман демаган экан...

Қавмларимиз мусибат ва машаққат қавмидир. У бахтли ва сاداتли дақиқаларда нима қилишни, ўзини қандай тутишни билмайди. Ва яна шу ношукрлиги, узоқни кўра олмаслиги туфайли белини синдириб яшайди. Бу аҳволда улусимиз бахтини ҳам, бахтсизлигини ҳам англаб ета олмай яшаб ўтиб кетаверади. Давомли зулм ва босқинлар бу элларни фақат бир парча нон илинжида яшамоққа мажбур этди. Юрт сўраганлар эса ўз тўқлиги ва амалига маҳлиё бўлиб, элдан узилиб яшайвердилар. Улус дунё билан боғлиқлик, олам билан мулоқот ва катта халқларга хос фикрламоқдан олислашди. Бундай иқлимда эса ҳеч қачон улуг шахслар етишиб чиқмайди. Етишган шахслар эса бутунлигини сақлаб қола олмайди. Қондаги қоришиқлик миллатнинг йиллар давомида шаклланиб келган ҳаёт тарзига, ахлоқ-одоб мезонларига таъсир этиб, уни издан чиқариб юборган. Кейинги пайтлардаги бўлгинчилик ва турли тариқатлар ҳам бу юртда дунёвий шахслар етишиб чиқмоғига йўл бермаган. Миллат маънавий зарбалар таъсирида ўзлигини йўқотиш йўлидан кетаверган. Оёққа туришга улгурмасданоқ бошига ураверганлар. Натижада, Турон юрти асл эгаларининг эмас, қочган-писган ўткинчи қавмларнинг маконига айланган.

Улуг Амир ҳамманинг қўнглидаги гапни топиб айтаётганди. Шу боис, ҳеч ким миқ этмас, лекин гапларнинг бир учи ўзларига ҳам тегишли эканлигини тан олгилари келмасди.

Темур Сигноқ йўлига чиқишганда амир Боботурқдан савашда шаҳид кетган икки лашкарбошининг жасадларини юртларига қандай жўнатишганини сўраганини эслади.

— Сиз ҳам биларсиз, ҳазрат. Эски бир одат бўлган. Йўлда жасад айниб, бузилади дея ўйлашиб уни терисини шилиб, ичак чавоғини олиб ташлаб, суякни этдан тозалаб, олис масофага олиб

кетганлар. Менинг хабарим йўқ, марҳумларнинг қариндошлари шундай қилишибди, – деди амир Боботурк бу нохуш гапни Темурга айтганидан хижолат чекиб.

– Ваҳшийлик-ку бу, Боботурк! – деди Темурнинг жаҳли чикиб. – Бу ҳеч бир динга ҳам, ахлоққа ҳам тўғри келмайди-ку? Биринчидан, марҳумни имкони қадар вафот этган жойга кўммок лозим. Қаерда бўлмасин, инсон тупроққа қўшилади. Жуда бўлмаса бир йил, ярим йилдан сўнг кўчириш мумкин. Бул каби қилмишларимизни эшитган ўзга элатлар бизни ёввойи ва ваҳший деб атасалар юз қарра ҳақдурлар, – дея қўлини паҳса қилиб сўйларди Темур. – Барча амиру лашкарбоши, аскару мулозимга етқуринг. Бундай номаъкулчилик бошқа такрорланмасун!

– Хўп бўлади, ҳазрат, – қўлини кўксига қўйиб жавоб қилди амир Боботурк. – Бирок шуни ҳам ҳисобга олишимиз жоизки, ҳазрати олийлари, қўшинимизда юзга яқин миллат, элат, дину мазҳабга дахлдор одамлар бор. Уларнинг диний ва урфий ҳақларини тан олишга, таъминлашга сўз берганмиз. Шундай экан, сўйлаганимиз каби ишларни аста-секин, уларга маъқул урф-одатларни таклиф этган ҳолда англатишимиз ва йўл кўрсатмоғимиз маъқул бўлади, шекилли, – дея мулоҳазали оҳангда ўз фикрини билдирди амир Боботурк.

– Ҳа, мухтарам амир, тўғри айтасиз. Зотан, биз мамлакатимиз сарҳадидаги барча қавмларга ўз билгиларича яшамоқ ҳақларини қафолатлашга сўз берганмиз. Бирок бу дегани ғайриинсоний ва ғайриахлоқий урф-одатларни ҳам сақлаб қолайлик дегани эмас.

– Фикрингизга қўшиламан, улуғ устоз! Масалан, ҳинду ёки мусулмонми билиб бўлмайдиган помирлик бир аскаримиз бир йилдан бери жангда ўлган дўстининг суягини сандиққа солиб, отига ортиб юрибди. Буни нима қиласан десак, агар ўлмасам қишлоғимга олиб бориб кўмаман. Мабодо, оллоҳ жонимни оладурғон бўлса, бизни бирга кўмасизлар дейди. У билан тенг бўлиб, ҳеч ким баҳслашиб ўтирмайди албатта. Кўпчиликдан кўз кўриб, кулоқ эшитмаган гап-сўзлар чиқаверар экан. Шунинг учун бу каби воқеа ва ҳодисаларни эшитганда кўпам жиғибийрон бўлаверманг, ҳазрат. Мусулмончилик аста-секин дегандек, буларнинг барчаси ёввош-ёввош изга тушиб кетар.

Темур хаёл сурганича Боғи Беҳиштга етиб келганини сезмай қолди.

– Лашкарга истироҳат учун изн берилсун! Имкони ва истаги бор аскарлар уй-жойидан, оила аъзоларидан хабар олиб келишлари мумкин. Бир ойгача ҳеч ким чақирилиб, безовта этилмасун. Бир ойдан сўнг аскарларга қўшимча хабар берилмайди. Ўзлари етиб келаверсинлар! – деди боғ дарвозасига етганда Темур амир ул-умарога. – Сарой аҳлига ҳам бир ҳафта таътил!

– Англадим, ҳазрат! – жавоб қилди бош вазир қамчи ушлаган қўли билан таъзим қиларкан. – Ҳозироқ амрингизни сарой аҳли ва лашкарга етказаман!

Темур дарвоза олдида ўзини беклаётган мулозимлардан бирига отини тутқазди-да, соябонли юмшоқ ўтирғичли аравага чиқди.

– Боғни айлантир-чи, ўзим эккан оғочларни бир кўздан кечирайин, – деди ўриндиққа оғир чўкаркан аравакашга.





## ЎН БИРИНЧИ БОБ

*«...Турклар, славянлар, яъжуж ва маъ-  
жужларнинг Хитойгача бўлган ерлари  
Ёфасга тегди... Туркистон вилояти аҳолиси  
бор жойлардан четроқда бўлган ерларга  
Турк номини бердилар...»*

Гардизий,  
«Зайн ал-ахбор» XI аср.

Темур Хуросондан чиқаркан, ўгли Мирзо Умаршайх билан Эрон хусусида бафуржа гаплаша олмади.

– Сиз топширилган вазифаларни бажариб, Андижондан хабар олиб, бирор ойдан сўнгра хузуримга келинг, мухтарам амирзодам, – деди Темур ўглини бағрига оҳиста босаркан. – Маслаҳатлашажак ишлар бор.

Улар анчагача бирга юришгач, ажралишдилар. Умаршайх Мирзо Андижондаги ишларни йўлга қўймоқ учун лашкардан бурун Фарғона томон йўлга тушди.

Буёк амир Хуросон сафаридан сўнг бир ҳафта Боғи Беҳиштдан чиқмай истироҳат қилди. Сўнгра Туркистон тоғи томон сайрга отланди. Ёнига амир Боботурк билан Алп Туркашдан бошқа ҳеч кимни олмади. Темур табиатан овни севмас, қўлига камон олиб, бирон-бир жониворга ўқ узмаган эди. Отса мўлжалга хатосиз урарди. Қўшинда озуқа масаласи оғирлашиб қолгандагина катта-кичик овларга рухсат берар, бироқ ўзи қатнашмас эди.

Амирзода Умаршайх жоникурбоний ва садидийлар қавмини оқ уйлик қилиш борасидаги падари бузруквори берган йўриқларни ўрнига қўйди. Шаҳар ва вилоятда раҳбарликни бош вазирига топшириб, Самарқандга қайтди.

Самарқандга у кечга яқин, куёш қизғиш рангга кириб, лойқаланиб оқаётган Зарафшон юзида ним жилваланиб ботаётганида кириб келди. Чопарини анча бурун амир Боботуркга жўнатиб юборган эди. Чопар ёш амирни саройдан топди. Амир-



зоданинг ташрифи ҳақида хабар берди. Улуғ Амир ҳам саройда эди. Чопарни бир муддат беклатган Боботурк Темур хузурига кириб, йўриғини олиб чиқди.

– Ҳазрати Амиримиз фарзанди аржумандларини кечкурун Боғи Беҳиштда беклар эканлар. Шоир Туроб Туронийни ҳам сўрадилар. Амирзодага етказинг!

– Туроний амирзода билан бирга эдилар, – жавоб қилди чопар.

– Кўп яхши. Бирга олиб келсунлар!

Амирзода Умаршайх шом намозидан сўнг, қиблагоҳи томон жўнади. Боғи Беҳиштда ўзи шарафига зиёфат-базм уюштирилгани мулозимларнинг югур-югуридан сезилиб турар эди. Мирзони боғ қопуси олдида амир Боботурк, Алп Туркашбек, Тоҳир тарихчи, Қодир қиссахон, китобчи Ориф Бухорий ва бошқа сарой аъёнлари кутишарди.

Четроқда эса созини тутганча Ўткун Тегин бахши қимтинибгина турарди. Бахши нозик дидли санъатчига ярашган назокат ила амирзодага таъзим бажо келтириб, салом берди. Кутиб олувчилар билан бирма-бир қучоқлашиб кўришган амирзода табассум билан бахши томон юрди.

– Ҳофизлар ва бахшилар шоҳига оддий бир амирзодадан салом ва хурматлар! – деди эгилиб таъзим қиларкан.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! – деди бахши хижолат чекиб. – Нечук бундай қиласиз, амирзодам! Мен улуғ Амир ҳазратлари ва сизларнинг бир фуқароингизман! Бу каби юксак кўтар-кўтарларга ўрганмаганман! – дея амирзода хурмати учун тиз чўқди.

Амирзода ҳам унинг қаршисига тиз чўқди. Улар меҳр-муҳаббат билан бир бирларини бағриларига босдилар. Амирзоданинг ўзига кўрсатган бу чексиз хурмат ва эҳтиромидан бахшининг кўзи ёшланди. Ёшли кўзларини амирзоданинг мушк ҳиди анқиётган шоҳона камзулининг елкасига босди.

– Мени бу қадар самоларга кўтарманг, амирзодам! Сўнгра туюлмай ўлиб кетмайин! – деди Ўткун бахши йиғига ўхшаш овозда.

– Юринг, сизни ўзингиз каби улуғ бир инсон билан яқиндан таништирайин. Ул кишига сўз бергайман, – дея бахшининг елкасидан қўлини олмай ўзи ила бирга келган кишилар томон етаклади амирзода.

Уларнинг қаршисига амирзоданинг хос мулозимлари тўпидан Туроб Туроний ажралиб чиқди. Устоз бахши билан кучоқ очиб кўришди.

– Сизнинг таърифингизни эшитганимга йигирма сана бўлди. Сиз ила суҳбатдош, биродар бўлмоқ орзусида эдим. Оллоҳга шукр, – деди Туроб Туроний Ўткун Тегин бахшининг қўлини кўйиб юбормай.

– Мен ҳам сизни орқаваротдан яхши танийман, Туроббек дўстим, – жавоб қилди устоз бахши. – Сизни элимизнинг виждони, улусимизнинг иймони деб биламан. Боиси, сиз ҳар кимнинг хузурида фақат рост сўйлар экансиз. Бундай кучли эътиқод ва тўғри сўзлик ҳар қандай шоиру ёзарга насиб этавермайди. Сиз Оллоҳ ёрлақанган банда эканоиз. Сиз ила бизнинг омадимиз шундан иборатким, бошимизда Улуғ Амир Темурдек тенгсиз бир инсон ва шоҳ турибди. Олтинга ҳам ишлов бериб, ундан қийматбаҳо буюм яасаларгина у бебаҳо бир бойликка айланади. Бўлмаса у қум ёки тупроқ орасида ётаверади, биродарим! – деди ҳаяжонли овозда Ўткун Тегин бахши.

– Ҳақсиз, устоз! – таъзим қилди Туроний. – Зар қадрини заргар билур деганлари шулдир! Улуғ Темурбек ва темурийларнинг Турон тахтига келиши биз каби шоирлар, олиму фозилларнинг юзага чиқмоғига иқлим, муҳит яратмоқда. Оллоҳга шукрлар деймиз, – дея сўзини мухтасар этди Туроний.

– Сизларнинг дил суҳбатини бошлаганингизни ҳазрат эшитсалар хафа бўладилар. Ул зоти олий барчангизнинг ташрифингизга мунгазир! – Уларнинг гапини бўлди амир Боботурк.

Меҳмону мезбонлар сергак тортишиб, беихтиёр боғ ўртасидаги кўшк томон йўналдилар.

Буюк амирнинг кайфияти яхши, руҳияти тетик эди. Қисқа муддатга бўлса-да, юртда тинчлик, осойишталик ҳукмрон эди. Мамлакатнинг барча ўлкаларидан илиқ хабарлар келиб турар, исёну бебошликлар тинган, элу элат ўз кундалик ташвиши ила машғул эди.

Базмхонага кираверишдаги хос бўлмада бош вазир амир Сайфуддин билан суҳбатлашиб ўтирган Улуғ Амир, хузурига келаётганларни ойнадан кўрибок чехраси ёришди.

– Меҳмонларни қаршиланг; – деди амир Сайфуддинга келаётганларга ишора қилиб.

Хос мулозим сарой эшигини очди. Бўсағага чиққан амир Сайфуддин икки қўлини кўксига қўйганча меҳмонларни қаршилаб, кўшкка таклиф этди.

– Хуш кўрдик, хуш кўрдик! – дея такрорлар эди Темур меҳмонлар билан бирма-бир кўришаркан.

Барча жой-жойига ўтиргач, Темур беихтиёр, шоир Туроб Туронийга юзланди.

– Аҳволингиз нечук, шоирим? Бизнинг тупроқлар сизга ёқдимми? Шогирдингиз амирзода Умаршайхнинг ўзларини тутишлари нечук? Андижонда сизни яна ясоққа тортишни буюрмадиларми? – деди Темур ним табассум билан бир амирзодага ва бир Туронийга боқар экан.

– Қуллук, ҳазрати олийлари! – дея жавоб қилди таъзим билан ўрнидан турган Туроний. – Кечираётган ҳаётим тушга ўхшайди. Муҳтарам амирзодамдан ҳаётимда шу пайтгача ҳеч кимдан кўрмаган иззат-хурмат ва эътиборни кўрмоқдамен. Албатта бу меҳр-мурувват ва саховат қасрининг буюк меъмори сиздур, ҳазрати олийлари. Сизни ва амирзодамни менга Оллоҳ еткурди. Шукр қилурман!

– Бироқ бул амирзодангиз Шоҳ Шужъонинг ҳузурига бораётгонларида оёқлари остидан чиққан бир Рустам Бобул исмли қароқчига муносиб жавоб қила билмабдилар. Демак, муҳтарам Амирзодамизнинг билимлари ҳали меъёрига етмаган кўринадир. Амирзода бу хусусда сизга сўйладиларму? – Ҳамон ним табассумда сўзларди Темур.

– Сўзладилар, ҳазрат. Биз бул мавзуда фикрлашдик. Амирзодам юртимиз тарихини астойдил ўрганмоққа бел боғлаганлар. Бул хусусда қусур мавжуд эркан, бу бизнингда нуқсонимиздир, – тавозе билан жавоб қилди Туроний.

– Амирзода бир ой ичида сизни қўлга олибди, шоирим. Жуда тез фурсатда шогирдингизни нуқсонини гарданингизга оладиган бўлиб қолибсиз, – ҳамон ярим ҳазил, ярим чин сўзларди улуғ амир.

– Ҳақиқатан, амирзодам нуқсонларини бўйинга олишга арзирлик мард ва валломат бир инсон эканлар. Буни сиз каби шоҳнинг-да, оддий фуқаронинг-да ҳузурида ҳам сўйлағайман, – жавоб қилди шоир.

– Садоқатингизга биз ҳам беш кетдик, шоири замон. Бўлмаса мусоҳабамизни бошлағаймиз. Қани, сўйланг-чи, муҳтарам амирзодам, ул кас не деди ва сиз не дея жавоб бердингиз? – дея амирзода Умаршайхга юзланди Темур.

Амирзода ўрнидан турганча бош эгиб, таъзим қилди. Ёш ва хушбичим юзига ярашган калта қирқилган соқолини тез-тез силаб, дастрўмоли ила пешона терини-артиб кўйди.

– Ул киши, сенлар менинг боболарим Сомонийлар тахтини эгаллагансан! Бўшатиб қўй дея бизга таъна қилди! – дея жавоб берди амирзода Умаршайх.

– Сиз унга не дея жавоб қилдингиз? – сўради Темур.

– У сархуш ва сўз укмас бир инсон эрди. киблагоҳ. Киши сўзини тингламоқни истамас эрди. Шу боис унинг бул ҳақоратомуз сўзларига жавоб бермадик. Уни ўз қисмати ҳукмига топшурдик!

– Агар лозим бўлганда, не дея даъфи жавоб қайтаргон бўлур эрдингиз?

Амирзода Умаршайх бир зум хаёлга чўмиб, фикрини жамлаб, муносиб равишда жумлалар тузмокни ўйларди. Ниҳоят, у яна бир карра киблагоҳига эгилиб таъзим қилди-да, бошини кўтариб сўзлади:

– Биз тасарруф этганимиз замин яратгувчиси ва эгаси Оллоҳдир! Бу дунёга не-не салтанатлар, Искандару Чингизхон каби не-не жаҳонгирлар келиб кетмаган! Агар ул кишимнинг кўз карашлари ила воқеага боксак, бугунги юнонлар ҳам Турон юртига даъвогарлик қилишлари мумкин! Барчага маълумки, киблагоҳ, бул сўзни сўйлаган форсий биродаримизнинг ота-боболари арабларга қилган хизматлари эвазига бу юртларга ҳоким ўлароқ тайин этилдилар. Араблар Сомонхудодиннинг тўрт нафар ўглини Туроннинг тўрт ўлкасига ҳоким этиб қўйдилар. Улар бизнинг боболаримиз, улуғ турк хоконларининг давлатчилигига шу тарика бархам бердилар. Улардан сўнг, қорахитойлар юртни эгаллади. Сўнгра хоразмшоҳлар ва мўғуллар бу юртни сўрадилар, – дея хижолатдан терга тушиб сўзини мухтасар қилди Умаршайх Мирзо.

Темур охиста бош ирғаб, ўглининг фикрини маъқуллаган бўлди. Сўнгра бош дастурхончига имо қилиб, емак-ичмакларни олиб кирмокни буюрди.

Каттакон хонага шоҳона дастурхонлар ёзилди. Хизматчилар тандирда бутунича пиширилган кийик, қўй ва турли хил парранда гўштларини, олма, анор, нок ва бир неча хил узумларни кўтариб кира бошладилар. Соқилар чоғир, май, бўза, кимиз, қимрон ва айрон солинган кўзаларни махсус хонтахтага қўйиб, ўтирганлардан имо-ишора кутардилар. Факат бир киши бир хил ичимлик, бўза ёки айрон куярди. Қуювчиларни ҳам ўзлари куядиган ичимлик отида «чоғир» ёки «бўза» дея чақиришарди.

Аввал кабоб ва қайнатилган қўй, бузоқ ва парранда гўштлири

келтирилди. Сўнгра қовурдоқ, ундан кейин ҳар кимнинг таъбига қараб қўй, мол ёки парранда эти шўрваси келтирилди. Кўпчилик шўрвага сузма солиб ичарди.

Асосий емаклар йиғиштирилгач, дастурхонга турли хил данак, мағизлар, чақилган ёнғоқ, pista ва бодомлар қўйилди. Самарқанд холваси ва Бухоро ширинликлари тортилди. Хўл мевалар янгиланди.

Емак давомида ҳар бир қур ўзича паст овозда суҳбатлашиб, олдиларидаги шоҳона егуликларни тановул қилишар, амирзода Умаршайх билан Тоҳир тарихчи имтиҳон битдимиди ёки давом этармикан деган маънода паст овозда гаплашиб ўтиришарди.

Чой ичиб, суҳбатни давом этишини кутаётган меҳмон у мезбонлар оҳиста чой ёки қимиз хўплашиб, ўзларича амирзода-нинг жавобини мушоҳада қилишарди.

— Офийат бўлсин, биродарлар. Бу емакларни етиштирган ва ҳозирлаган кишиларимизга ташаккур билдирамиз! Қорнимиз тўйиб, қайғумиз кетди. Энди Тоҳирбек билан тарихий жангимизни давом эттирмакдан олдин Самарқанддек буюк шаҳримизнинг, бошкентимизнинг азиз ва муҳтарам меҳмони, шоири замон, одили даврон Туроний дўстимиздан бир шеър эшитсак, — деди Темур Туронийга мурожаат-этиб.

— Бош устига! — дея ўрнидан турди Туроний камзул ёқалари ва белбоғини тўғрилар экан. — Мен Туркистон у Турон султони, башоратчилар етти иқлим хоқони дея таърифлаётган улуғ Амир Темур ҳазратларининг муборак сиймосида халқларимизнинг буюк бирлигини кўрмоқдамен. Шу боис сиз азизларга барчамизнинг мумтоз устозимиз Жалолиддин Румий ҳазратларининг бирлик ҳақидаги бир шеърларини ўқиб бермоқчиман. Улусимизнинг бирлиги йўлидаги бу шарафли йўлчиликда барчамиз ёнингизда эканлигимизни арз этамен! — дея таъзим қилди шоир.

Туроний Жалолиддин Румийнинг номини тилга олганда Темурнинг юзида мамнунлик ва қониқиш ифодаси зоҳир бўлди. У Яссавий ила Румийни беадад севарди. Улуғ амир мадраса талабаси каби шоир Туронийнинг юзига термулиб ўтирар, бу тоифа суҳбату мунозаралар унинг жону дили эди.

Томоғини бир қириб олган Туроний ўртадаги чўғдек қип-қизил шамга термулганча ихлос билан шеър ўқимоққа тутинди.

*...Боришарди турк, араб, форсу юнон,  
Шунда бир кимса-анису меҳрибон –*

*Хайр, деб бир танга савго айлади,  
Йўққи, савго, балки гавго айлади.*

*Форс деди: «Бозор тушайлик шул замон,  
Ақчага ангур<sup>1</sup> олайлук, дўсти жон!»*

*«Кўй бу гапни, – деб уни кесди араб, –  
Эйнаб<sup>2</sup> олсак ақчага, бўлгай ажаб!»*

*Турк деди: «Беҳуда бу гаплар бари,  
Мевалар ичра узумдир сарвари!»*

*Шунда юнон ҳам арога солди сўз:  
«Хай, харид этмоққа стафил<sup>3</sup> дуруст!»*

*Бас, улар битта қарорга келдилар,  
Лек тушунмай, баҳсу гавго қилдилар.*

*Барчада хоҳиш узум эрди фақат,  
Барчаси бирдек, узум, дерди фақат.*

*Лек арога шум жаҳолат тушди, бас,  
Тиш, қовурга лат еди, топди шикаст.*

*Гофилу гафлат сўзидин можаро,  
Бизники – бирлик била сулҳу салоҳ...*

Румий шеърини тугатган шоир ўтирганларга ним таъзим қилди.

– Офарин!

– Тасанно!

– Балли! – олқишлар эшитилди.

---

<sup>1</sup> Ангур – (форс) узум

<sup>2</sup> Эйнаб – (араб) узум

<sup>3</sup> Стафил – (юнон) узум

– Ташаккур, авлодим Туроний! Барчамизнинг хотирамизга Румий-дек буюк бобомизни солганингиз учун минг бора ташаккур сизга! Жалолиддин Румий улуғ аждодимиз ҳазрат Яссавий каби улус шарафини самоларга кўтарган бир сиймодир. Иншооллоҳ, замони етиб, Кўниёга-зиёратларга- борғусимиз! Сўзингизни бўлганим учун узр. Давом этинг!

*Кўп кўрдиг-а, кўп кўрдик  
Ризқу насибни тердик.  
Бутун экмак ейман деб,  
Парча экмакни бердик.*

*Ўтма номард кўпригидан,  
Дерларки сой оқизса ҳам.  
Чекма озор кўплигидан,  
Айбдин тумор тоқишса ҳам.*

*Чортоққа от қўйсанг агар,  
Ортга ўғрилиб боқмагин.  
Ушлаган ерингни узгин,  
Улоқ қилиб чоқишса ҳам.*

*Ўтма номард кўпригидан,  
Жисмингни сой оқизса ҳам.  
Куйма азоб кўплигидан,  
Танинг ўтда ёқишса ҳам...*

Туроний шеърини тугатиб, Темурга таъзим бажо келтирди. Ўтирганлар бир зум ўйга толдилар.

– Офарин! – деди Темур ҳазин оҳангда. – Бу шеър улусимиз учун шиор-ку. Мағрур ва бўйин эгмас халқимиз бир ҳафта оч қолса-да, ҳали замон ош егандек лабини ёғлаб юради. Очидан ўлса ўладики, номардга бош эгмайди. Ўз ожиз тарафини кўрсатмайди. Бу шеърингизни матнини амир Боботуркга беринг, ҳаттоғларимиз кўп нусхада кўчирсинлар.

– Қуллуқ, ҳазрат! Умид ҳам шунчалик, – миннатдорчилик билдирди Туроний. – Бироқ биз шоир зотини кўпам эчкиллатманг, хоқоним! Бу қавм кўрпасининг-газини билмайди. Сал хурмат-

эҳтиром кўrsa ҳаддидан ошади. Ғайритабиий феъл-атвор соҳиби бўлганликлари боис, хаёлий орзу-ўйларини ҳақиқатан амалга ошадиган каби ҳисоблаб, йўлларида адашиб, манзилни тўғри ололмай, одамларнинг бошини қотириб юрадилар. Ҳиссиётга берилиб кетиб, ақл-идрок тарозисининг посангисини сақлай олмаймиз. Шуҳратнинг қулимиз. Ҳукмдорлар рағбат кўрсатса ўзимиздан кетамиз. «Мана шу номаъқулнинг нонини еб қўйинг» десалар, «каттароғи йўкмиди, устоз?» деб қўямиз. Камчилик ва нуқсонларимизни шоирликка йўясиз, ҳазрати олийлари. Ва ҳар замон бир қошиқ қонимиздан кечмоққа ҳозир бўласиз, — дангал гапирарди Туроний.

— Мен сизни яхши шоир ўлароқ билардим. Бироқ фикрлашингиз шоирликнинг устидадир. Ҳақиқий файласуфлик авлиёликнинг бошланишидир. Бу Яссавий ҳазратлари босиб ўтган авлиёлик йўлидир. Шоирлигингиздан бир мамнун бўлсам, бу қадар соғлом фикрламоғингиздан қалбим роҳатланди. Оллоҳ йўлингизни ва қалбингизни очик қилсун, авлодим!

Бу дақиқада Тоҳирбек тарихчи қўл ковуштирганча Темурнинг ишорасини кутиб турарди.

— Марҳамат, Тоҳирбек! Навбат сизга. Ўшал мавзуимизни давом эттирамиз, — дея тарихчига юзланди Улуғ амир.

— Ташаккур, ҳазрат. Бу хусусда билганларимни сўйлайин. Бироқ ушбу тарихий давр ҳақида мендан-да муҳтарам Орифбек Бухорий яхши биладилар. Боиси, бу воқеалар асосан Бухорода бўлиб ўтган, — дея китобчи тарафга қараб бошини эгиб хурматини билдирди.

Барча бирдек Тоҳирбекнинг оғзига қараб қолган эди. Зотан, кўпчилик турклар тарихининг бу даврларини яхши билмас, барча баробар ислом тарихи ва Турон юртининг ислом дини кириб келгандан кейинги даври ҳақида чала-чулпа эшитишган эди. Мадрасаларда ҳам асосан диний фанлар ўқитилар, тарих, жўғрофия, алжабр ва шу каби фанлар чуқур ўргатилмас эди.

Темур салтанат ҳудудидаги катта-кичик мадрасаларнинг ҳолатини ўрганиб чиқишни амир Боботуркга топширгач, амир мадрасалардаги оғир аҳволни қандай бўлса шундайлигича улуғ Амирга етказди. Хоразм муҳорабаларидан сўнг у ердан ўнлаб олим, фозилу фузалолар Самарқандга, Шаҳрисабз ва Бухорога



кўчирилди. Тегишли шароит яратиб берилди. Хоразмшоҳлар давридаги дорулфунунни ташкил этган олимларнинг шоғирдлари ва издошлари излаб топилди. Шундан сўнг араб, ажам ва усмонлидан ўз ихтиёрлари билан турли фанлар бўйича олимлар Турон салтанатининг бошкентига оқиб келаверди. Олимларга яхши маош тайинлаш ва суюрғол бериш билан бевосита Темурнинг ўзи шуғулланар эди.

– Бу ерда, энг аввало, муборак ислом динимизнинг Бухорои шарифда тарқалиши хусусида билганларимни сўзласам, ҳазрати олийлари! – дея Улуғ амирга таъзим бажо келтириб ҳикоясини бошлади Тоҳир тарихчи. – Бу замонларда Бухоро ва унинг атрофлари турк хоқонларига қарар эди. Бухоро тахтининг соҳиби Бухорхудот ўлгач, ўғли ёш бўлгани боис онаси Тағшода подшоҳлик қилади. Ислом лашкари ҳар ёзда келиб Бухорода ғазот қилар ва қишда қайтиб кетар эди. Подшоҳ малика араблардан ким келмасин астойдил савашар, сўнгра халқини асраш мақсадида сулҳ тузар эди.

Бухоро халқи ҳар сафар ислом лашкари келганида мусулмон бўлар, араблар қайтиб кетганида яна диндан қайтар эдилар. Қутайба ибн Муслим уларни уч марта мусулмон қилган, улар эса диндан қайтаверганлар. Тўртинчи бор келганида Қутайба Бухоро шахрини олади. Аҳоли зоҳиран мусулмон бўлса-да, ботинан мусулмон эмас эди. Буни билган Қутайба ҳар бир бухороликнинг уйига биттадан арабни жойлаштириш ҳақида фармон чиқаради. Бул араблар кишиларнинг ислом ва шариат қонун қоидаларини кечаю-кундуз бажаришларини назорат қилар эдилар. Шариат қоидаларини бажармаганлар қаттиқ жазоланар эди. Қутайба ибн Муслим етти юз ўн иккинчи ва ўн учинчи йилларда Бухоро ҳисорининг ичида илк жомеъ масжидини бино қилади. Товачилар кўчаларда «Жума намозида ҳозир бўлган ҳар бир кишига икки дирҳам берилади!» дея чақиришар эди...

Тоҳир тарихчи ҳикояси шу ерга етганида томоғи қуруқшаб, сўл тарафга ўгирилди. Ёнида ўтирган китобчи Ориф Бухорий унга узум шарбати тутди. Ўтирганлар унинг ҳикоясини ғоят эътибор билан тинглар эдилар. Томоғини хўллаб олган тарихчи улуғ Амирга яна бир бор ним таъзим қилиб, ҳикоясининг иккинчи қисмини бошлади.

– Ижозатингиз ила эмди сизга Сомонийларнинг Бухоро тах-

тига келуви тарихини сўйлайин, — дея босиқ, бир оз хиркироқ овозда сўзида давом этди Тохир тарихчи. — Асад ибн Абдуллох ал-Кушайрий халифалик томонидан Хуросон амири этиб тайинлангач, Хуросонга келди. У Марвдалигида хузурига Балхдан Сомонхудот исмли бир амирсифат киши қочиб келиб, кўмак сўрайди. Кушайрий бу кишида ўз режаларини амалга оширмоқ имкониятини кўргач, унга Балхни қайтариб беради ва Сомонхудот амирнинг қўлида мусулмон бўлади. Ўғил кўрганида эса устозига ҳурматан исмини Асад қўяди. Бу Асад марҳум амир Исмоил Сомонийнинг бобосидур. Асаднинг Нух, Аҳмад, Яҳё ва Илёс исмли тўрт нафар ўғли бор эди.

Хорун ар-Рашиддан сўнг халифаликка ўтирган Маъмун Рофе ибн Лайсга қарши курашган дамларида ёнида турган Асаднинг авлодлари хизматини унутмайди. Асад Сомонийнинг болалари кўмагида Самарқандни қўлда тутиб қолган эди. Иш катта савашгача бориб етмайди. Маъмун Асад болаларининг воситачилиги ила Рофе билан қуда бўлади. Ғишт қолипдан осон кўчади. Шу ташвишда Хуросонда юрган Хорун ар-Рашид Тусда вафот этади. Маъмун халифа деб эълон қилинади. Хуросон амири этиб эса Ғассон ибн Уббод тайинланади. Маъмун Ғассонга Асаднинг тўрт нафар ўғлини Хуросон ва Турон юртининг тўрт асосий катта худудларига ҳоким этиб тайинламоқни буюради. Милодий саккиз юз ўн еттинчи йилда Нух ибн Асад Самарқандни, Аҳмад ибн Асад Фарғонани, Яҳё ибн Асад Шошни, Илёс ибн Асад Ҳиротни эгаллайди. Улар қарийб икки юз йил Мовароуннаҳрни бошқарган бўлсалар-да, асосан қарлуқ туркларига қарши курашганлар. Ғассондин сўнгра Хуросон амири бўлган Тохир ибн Ҳусайн ҳам бу вилоятларни Асад Сомонийнинг ўғилларидан олиб, бошқа турк ёки форсий амирларга бермади. Турон мулкида араблар сиёсатини юргизмоқни улардан бошқага раво кўрмади. Нух ибн Асаддан сўнг амирлик унинг ўғли Аҳмад ибн Асадга тегди. Аҳмад ибн Асад ўлим тўшагида ётаркан, ўғли Наср ибн Аҳмад ибн Асадга ўз ваколатини топширади. У отасининг мақомига эришгач, ҳижрий икки юз эллик биринчи йилнинг рамазон ойида унинг номига халифа Восиқ биллохдан икки дарё ораси, яъни Мовароуннаҳр амирлиги унга берилганлиги ҳақида фармони олий келади. Шу тариқа Турон юрти Сомонхудот авлоди қўлига ўтади, — дея тарихий ҳикоясини тугатди Тохирбек.

Барча бирдек хаёлга чўмган, солинда жимлик ҳукм сурарди.

– Ташаккур, муҳтарам Тоҳирбек! – деган Темурнинг залворли овози бу қисқа фурсатли жимликдан сўнг янгради. – Янглишмасам, бу давр хусусида оллоҳ раҳмат айлаган бўлсин Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг китобларида битилган.

– Шундай, ҳазрати олийлари, – жавоб қилди Тоҳир тарихчи. – Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида. Шунингдек, Саъмонийнинг «Китоб ул-насаб», Абулҳасан Нишопурийнинг «Хазоин ул-улум» ва шу каби бошқа муаллифларнинг китобларида ҳам Сомонийлар хусусида етарлича ёзилган.

– Ўзингиз бул асарларни кўчиртиришни ва илм истовчи ёшларимизга ҳамда улусга еткурмоққа бош бўлувингизни сўрайман, муҳтарам тарихчимиз. Аслида Оллоҳ ва раият шарафи йўлидаги энг улуғ жиҳод шудир. Зако ва иймони чашмасининг кўзи илм ила очилмаган қавмнинг ҳаёти ҳеч қачон саодатли бир изга тушмайди, – дея сўзини тугатиб, фикрингизни давом эттиринг дегандек Тоҳир тарихчига қаради Темур.

– Бу сўзни ғоят замонида сўйладингиз, ҳазрат! Муҳтарам Орифбек ила баробар сиздан бир масалада кўмак сўрамоқчи эдик, – деди Тоҳирбек китобчи Ориф Бухорийга сўзламоқ навбатини берар экан. – Изнингиз ила бу ҳақда муҳтарам Орифбек фикр билдирсалар, – дея улуғ Амирга таъзим қилиб, ўтирган жойига чекинди.

Темур бош ирғаб, маъқул ишорасини қилди. Ориф Бухорий ўрнидан туриб, икки қадам олдинга чиқиб, аввал улуғ Амирга, сўнгга ўтирганларга таъзим бажо келтирди. Ниҳоятда кибор ва фозил бу инсонни барча баробар ҳурмат этар, унинг фариштали қиёфаси ва ширинсўзлиги олдида ҳар қандай тошнорак киши ҳам эриб кетарди.

– Дарвоқе, азиз биродаримиз Тоҳирбекка ибратли ҳикоялари учун ташаккур билдириб, ғоят муҳим ишни бошлаганликларини қайд этмоқчиман. Сизга маълумки, ҳазрати олийлари, Оллоҳ раҳмати Хоразмшоҳлар замонида бошкентимиз Самарқандда ўз эҳтиёжларимизга етгулик миқдорда ўша машҳур султоний ва бошқа турли қоғозлар тайёрланар эди. Мўғул босқинидан сўнг биздаги ва Бухородаги қоғозчиларимиз бошлари оққан томонга қараб кетдилар. Мўғуллар олиб келган чин қоғозларида ёзиб юрилди. Биз, Тоҳирбек билан бирга ўша машҳур қоғозчиларнинг

шогирдларидан икки нафарини топиб, бул юмушини йўлга қўймоққа киришган бўлдик. Бироқ бу катта ишни сиз ҳазрати олийларининг бевосита кўмакларисиз оёққа қўймоғимиз мушкул кечаётир. Маълумингизким, бир пайтлар Самарқанд қоғози етти иқлимга машҳур эди.

– Боботурк бугуноқ фармони олий ҳозирлайди, – китобчининг сўзини кесди Темур ҳаъжонланиб. – Менинг бошкентда кам туришим бу каби савобли ишларнинг ортга сурилишига сабаб бўлмаслиги керак. Сўйланг, ишни недан бошламоғимиз керак?

– Даствлаб Бағдод ва Дехлига одам юбориб, Самарқанд ҳамда Бухородан кетиб қолган ўша қоғозчиларнинг авлод-аждодларини топиб, қайтариб олиб келмоғимиз лозим. Улар ота юртларига, сиз, зоти олийларининг номингиздан даъват этилсалар, учиб келадилар. Шунингдек, иш ери учун бино тикламоқ, эллик нафар ёшни бу ишга ўргатмоқ ҳамда хом-ашё учун масрафлар лозим бўлади. Бу ҳисоб-китобларни ижозатингиз ила мухтарам амиримиз Боботуркка улаштирурмиз, – сўзини мухтасар қилди китобчи.

– Орифбек ва Тоҳирбекларнинг икки улуғ шахримизда ўша султоний қоғоз маҳсулоти тайёрлашни йўлга қўймоқлари учун қанча маблағ сўрасалар хазина ҳисобидан берилсун. Уста қоғозчиларни юртга келтириш учун эртагаёқ Боғдод ва Дехлига вакил юборилсун! Бу ишларни ҳал этиб, эртага пешиндан сўнг менга ҳисоб беринг! – деди Темур қўл ҳаракатлари ила фармон матнини айтар экан бош вазир амир Сайфуддинга.

Мулозимлар яна меҳмонларга шарбат ва мевалар тутдилар. Темур йиғилганларга омонлик тилаб, хайрлашди.

Ўғли Умаршайх Мирзо билан боғ айланиш учун чиққанида тўлишига икки-уч кун қолган ой шундоққина тепаларида турар, анвойи чечаклар иси анқиётган боғни ўзининг кумуш рангига бўяган эди.

– Нақадар гўзал ва осуда ёз оқшоми, – деди Темур оҳиста қадам ташлар экан хўрсинишга ўхшаган овозда энтикиб. – Йиллар ўтар, замонлар кечар, авлодларимиз биздан-да буюк ишларни уҳдасидан чиқажаклар. Ўшанда ҳам ой худди шундай улар бошида нур сочиб туражак. Дунё ва коинот олдида инсон умри куш уйқуси кабидур. Хўп мароқли суҳбат бўлди-я? – Ўғлининг фикрини билмоққа тутинди ота.

– Тоҳирбек ғоят қизиқарли тарихий ҳикоялар сўйладилар. Дарвоқе, сомониёларнинг тинкасини хоразмликларнинг сипоҳсолари Алптегин қуриган. Шундан сўнг улар ўзларига кела олмай тарих саҳнасидан тушиб кетганлар, — деди амирзода ҳамон ўша таассуротларнинг таъсирида.

– Ҳаддидан ошган султону салтанатлар Оллоҳнинг иродаси билан совриладилар. Қаттиққўлликда ҳам, раҳм-шафқатда ҳам меъёрни ушламоқ жоиздур. Бунинг учун эса пайғамбаримиз сўйлаганларидек, Чинда бўлса ҳам бориб илм олмоқ керак. Илм-сиз инсон эртами, кечми тўзади. Айниқса, у катта ишлар даъвосида бўлса. Илм, амал, ихлос! Шу уч илдизни маҳкам тутмоқ лозим, — ўғлига насиҳат этарди ота завқу меҳр билан. — Ўқигандурсиз, шундай ҳадис бор «Ҳалок бўлди инсонлар илм олмасдан, ҳалок бўлди олимлар амал қилмасдан, ҳалок бўлди амал қилганлар ихлос қилмасдан. Ихлос борасида ҳам буюк хатар бор...» Шундай, бўтам, илму амал, сиёсату давлат юритмоқнинг таомили оғир. Бугунги подшоҳ халқининг олдида юрмаса эртага дарвеш ҳолига тушади. Теран ақлу заколи, ҳисоб-китобли дарвеш эса шоҳ бўлади. Барча орзу этса-да, аслида, ҳукмдорлик ақли одам орзу қиладиган тирикчилик эмас, хасталик бу, ўғлим. Бу хасталикни, туйғуларини донолик билан жиловлай олган ҳукмдор узоқроқ тахтда ўтиради. Ақли калтароғи эса қисқароқ давр суради. Бирок ҳар қанча одил шоҳ бўлсанг-да, барчани баробар ризо этиши қийин. Боиси, кўпчиликка яхшилик қилсанг-да, улар орасида жуда озчилиги бу яхшилигини эслайди ва қадрлайди.

Ота-бола айланиб яна сарой қопусига қайтиб келишган эди.

– Истироҳат этинг, ўғлим, Оллоҳ насиб этса эрталаб кўришурмиз, — деди Темур ўғлини бағрига босиб хайрлашаркан.

Умаршайх Мирзо қиблагоҳи қўлини ўпиб, пешонасига сурди.

– Яхши дам олинг, қиблагоҳ! — деди киши меҳрини ийдирадиган ҳалимдек овозда отасига термуларкан.

Темур ўғлининг кўзида ўзига нисбатан сўз ила тасвирлаб бўлмас чексиз бир меҳр-муҳаббат, ҳавасу фахр-ифтиҳорга йўғрилган хайратни кўрди. Бир инсонни ҳеч бир ғуборсиз, чексиз-чегарасиз сева олган кишининг кўзлари шундай порлаши мумкин дея хаёл қилди ўғлининг елкасига қоқиб, юзига термуларкан.

– Хайрли оқшом, амирзодам! — деди ўша бўғиқ овозда.

Улуғ Амирнинг бирдан овози бўғилиб, тилига бошқа калима

келмади. Унинг азоб-укубатлар чекароқ қотган вужудида оддий оталик ҳис-туйғуси, меҳри жўш урган эди. У ҳам аслида барча оталар каби болаларини ёнига олиб ер чопиш, экин экиш ва яйловда яйратиб қўй боқишни орзу этган оддий одамлардан бири эди. Бироқ қисмат унинг ёғий ўқидан яраланган елкасига улус қисматига жавобгарлик маъсулиятини юклади. Энди у бу буюк муҳорабадан осонликча чиқиб кета олмайди. Бу ўйиндан чиқмоқ ҳалокат билан баробардир. Дин, улус шул аҳволдаким, ақл, инсофу адолатдан кўра куч-қудратни кўпроқ тан олади. Зотан, азал-азалдан бу дунё қўли узунники бўлиб келган. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Инсоният юзда-юз ақлу идрок ва олижаноблик билан бир-бирини англаб етмоқ даражасига ҳали-бери кўтарилмаса керак...

Дадил одимлар ила боғ дарвозаси томон юриб кетаётган ўғли орқасидан тикилиб қолган улуғ Амир хос мулозимнинг шундоққина ёнгинасига курси олиб келганини ҳам сезмади. Уни ўй босган, хаёли паришон эди. Амирзода камарининг чап тарафига тақилган қиличи учи этигига бир маромда тегиб кетаётганидан чиқаётган сас унинг хаёлларига уйғун ва ҳамоҳанг эди...

...Беихтиёр Темурнинг хотирасига сабзавор сарбадорларининг амири Хожа Али Муайяд Сабзаворий билан бўлган мулоқат келди. Ҳирот ҳокими Малик Ғиёсиддиннинг ҳокимлик давомида тўплаган хазиначисини Ҳирот ўтлоғига олиб чиқишларини буюрган Темур доимо салқин эсиб турадиган чоғроққина тепаликка саропарда тиктириб, амиру мулозимларига Ҳирот фатҳидан сўнг амалга оширилиши лозим бўлган энг зарурий кўрсатмаларни берар, амирлар, лашкарбошилар, девон хизматчилари ва чопарлар чумолидек ғизиллаб, елиб-югуришарди.

Саропарда олдига қўйилган курсида лат еган оёғини узатганча ўтирган Темурнинг сўзлари аниқ, ўткир ва кескин янграр эди. У ҳар қандай масала ва муаммо бўйича тез ҳамда тўғри хулоса чиқаришдек бир фазилатга эга эди. У бирор бир қарорга келиш хусусида ҳеч кимни кутдириб қўймас, воқеа ва ҳодисаларнинг барчанинг кўзига бирдан чалинмайдиган қирраларини кўрар ва ҳис этарди.

Ўша куни Темур энг аввал Аббосийлар халифалигининг Туркистон ва Хуросондаги сиёсатига қарши бош кўтарган ва халқ кўзғолонига раҳбарлик қилган Абу Муслим Марвазий мазорини

зиёрат қилгани борган эди. Марвазий у замонда халифаликнинг Хуросондаги ноиби ва бош кўмондони эди. У етти юз эллик бешинчи йил иккинчи аббосий халифа ал-Мансур буйруғи билан қатл этилган эди. Ислом оламида энг улуғ рутба халифалик, энг улуғ мансаб халифа бўлса-да, халқ меҳр кўйган инсон бўла билмоқ бошқа нарса экан. Халқ бугунги кунда ўша халифанинг қабрига бормаслиги ва уни эсламаслиги мумкин. Бироқ улус манфаати учун бошини кундага кўйган Марвазийнинг мазори катта зиёратгоҳга, кишилар қалбига таскин берувчи муқаддас бир маконга айланган эди.

Темур амир Боботуркга хазинадан бир улуш ажратиб, Марвазий зиёратгоҳи таъмири учун ишлатишини берди ва бу ишни ўзи назорат қилишини сўради.

Худди ўша дамда хос чопар улуғ Амир хузурига Сабзавор ҳокими Хожа али Муайяд палос ўпмоқ учун келаётганини билдирди. Темур бу садоқатли ва самимий инсонни болаларча соф табассум ва хурсандчилик билан кутиб олди.

– Оввора бўлибсиз, азиз биродарим. Ўзимиз зиёратингизга борар эрдук, – деди унга қараб кучоғини очаркан.

Али Муайяд Сабзаворий Темурнинг олдига етмасданок ўзини таппа ерга ташлаб, қуруқшаган лабларини унинг қалин чарим чориғига теккизди.

– Кўйсангизчи бундай ишларни, авлодим! – деди Темурнинг юзидаги табассум ўрнини жиддийлик эгаллар экан.

Темур эгилганича унинг ўнг кўлидан тутди.

– Биз дўстмиз. Демак, тенгмиз! – деди уни оҳиста бағрига босар экан. – Муҳтарам авлодимиз Али Муайяд Сабзаворий елкасига шоҳона тўн ёпилиб, белига хос камар ва шамшир тақилсин! – деди Темур баланд ва тантанали овозда эшик оғасига.

Мулозимлар бир зумда улуғ Амирнинг буйруғини бажо келтирдилар.

– Марҳамат, муҳтарам дўстим, энди ўтиринг, – деди Темур ўнг томонидан жой кўрсатиб кўноққа. – Сўйланг-чи, азиз биродарим, сиз қайси маҳзаб ва эътиқодни тутурсиз? – дея сўради Темур Сабзаворийнинг шиаликка дахлдорлигини эслаб.

– Подшоҳлар ўз раияти динида бўладилар, – жавоб қилди Али Муайяд таъзим билан.

– Маъқул ва ғоят ақлли жавоб, – деди Темур унинг кутилмаган

жавобидан таъсирланиб. – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам демишларки: «Кимки менинг суннатимни тарк этса, менинг шафоатимга етолмайди». Яна бошқа жойда шундай деган эканлар: «Жамоат – раҳматдир». Мен ҳар иккала давлатга восил бўлишни хоҳлайман, суннат ва жамоат аҳлининг маҳзабидаман, – деди Темур Сабзаворийнинг хушбичим ва ораста қирилган соқолли юзига қараб.

– Биз ҳар хусусда, дину диёнат, шариату тариқатда сизнинг изингиздан юрмоқ пиллапоясига оёқ босдик. Энди бу зиналардан оёғимизни олсак хоин ва сотқин мақомига киражакмиз, улуғ Амир ҳазрати олийлари! – дея бурро-бурро жавоб қилди Али Муайяд Сабзаворий ўрнидан туриб.

– Сизни ақл-идрок ва адолат тарозуси мувозанатини меъёрида ушлаб тургувчи одил инсон ва ҳукмдор деб билурмиз. Маълумингизким, меъёрдан ошгани мурдор!..

– Ҳақсиз, ҳазрати олийлари! – гурсиллатиб ўнг қўлини кўкрагига урди Али Муайяд.

Хотиралар оғушидаги амир курсига оғир чўкканча анча ўтирди. Ақлида Ҳирот хотиралари жонланса-да, икки кўзи жигарбанди Умаршайхда эди. Ой ёруғида унинг ҳар бир ҳаракати аниқ-тиник кўзга ташланар, одамлар ғала-ғовури ва отларнинг шарпасидан тинчлиги бузилган қушларнинг безовта сайрашлари ҳаётнинг давомийлигини, тирик мавжудот борким эртанги кун ташвишида яшаб, унга умид ва интиқлик билан боқишини таъкидлаётган эди.

Амирзода бошлик суворийлар оҳишта шаҳар томон кетишар, тулпорлар тақасининг тошлоқ йўлдаги тақир-туқури мозийдан келаётган акс садо каби сокин боғ, Самарқанд осмони узра тараларди.





## ЎН ИККИНЧИ БОБ

*...Мен нечун Самарқандни салтанат бошкенти этдим?.. Шунинг учун бу улуг шаҳарни давлатимнинг пойтахти этдимки, боиси бу ердан туриб бизнинг энг улуг атамиз Али Эр Тўнга – Афросиёб, Турон юртини бошқарган!..*

Темур

Сахар туриб бомдод ибодатини бажо келтирган Темур яна боққа чикди. Намхуш тонг ҳавосида димокқа хушбўй атиргуллар кўқиси уриларди. Саф-саф қилиб экилган беҳи, шафтоли, олма, тут, жийда ва ўрик оғочлари қийғос ҳосилга кирган, ихлос билан шакл берилган дарахтлар эндигина уйқудан уйғонаётгандек эди.

Улуғ Амирнинг барвақт боққа чиқиши мулозимларни оёққа турғизганди. Хос қўриқчилардан бошқа кимса Темурнинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилар, фақат навбатчи хос мулозимгина кўшк эшиги ёнида қўл қовуштириб турар эди. Улуғ Амир эртапишар Самарқанд гилоси экилган майдонгача пиёда борди. Гилослар ғарқ пишган эди. Тонг-сахардан боғда ризқ илинжида катта-кичик кушлар айланишар, инсон зотидан у қадар ҳайиқмайдиган майна ва чуғурчуқлар гилосни бутунича ютарди. Темур шу ердаги кўкаламзорга юмшоқ ўриндик келтиришни буюрди. Сўнгра хос мулозимдан эшик оғасининг қаердалигини сўради.

– Боғ дарвозаси олдида бўлса керак, – жавоб қилди хос мулозим.

– Чақиринг, – деди Темур чуқур нафас оларкан.

Бир коса қимиз ичгулик фурсатда эшик оғаси ҳозир бўлди. Таъзим ила салом берди.

– Ваалайкум ассалом. Менинг хузуримга кирмоқ истовчилар кўпми? – сўради Темур.

– Кўп, ҳазрат. Шайхулислом ҳазратлари ҳам ташриф истагида эдилар, – жавоб қилди эшик оғаси.

– Нонуштадан сўнг Кўксаройга даъват этинг. Амирлар ва лашкарбошилардан кимда кимнинг иши бўлса чорланг, – деди

Темур яхши кайфиятда. — Шайхулисом биринчи келсунлар, менинг ҳам ул киши ила кўрушмоғим лозим эди. Нонуштани шу ерга келтирсинлар.

Темур Кўксаройга етиб келганида кўринишхонада уни Шайхулисом беклар эди. Улар бирга қабул хонасига киришди.

— Мўъмин-мусулмонларимизнинг аҳволи руҳияти, уламоларимизнинг кайфиятлари жойидами? — сўради Темур Шайхулисомдан.

— Оллоҳга шуқр. Сояи давлатингизда тинч-тотув яшамокдалар, — жавоб қилди Шайхулисом. — Сиз ила маслаҳатлашиб оладиган бир нозик иш бор эдиким, азиз Темурбек, шу хусусда баробар бир чора-тадбир белгиласак дегандим.

— Сўйланг!

— Сизга маълумки, мўғул қавмлари орасида ҳамон тимсолларга сиғиниб, мусулмонларимизни чалғитаётган кишилар борким, бу аҳоли орасида турли гап-сўзлар ва ғавғоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, айрим нуфузли мўғул бек ва амирлари бутхона қуриб, мусулмонлар кўз ўнгида тимсолларга топиниб турсалар нима қилмоқни билмай қолар экан киши...

— Тўкал Баҳодир ҳақида сўзлаётган бўлсангиз керак, — деди Темур ўйга толиб.

— Шундай, Темурбек. Сиз ўзингиз орага тушиб, бу инсонни исломга даъват этсангиз йўқ дея олмайди. Ундан ўрناق олиб, бошқа мўғуллар ҳам динга кирармидилар.

— Бу қавмнинг дин ва миллат туйғуси суздир. Дунёни олмок илинжида бўлган Чингизхон аслида улусини ва динини йўқ қилди. Улар бошқа миллатларга қўшилиб кетдилар. Бошқа динларни қабул этдилар. Дашти Қипчоқда яшовчи мўғулларга қўлимиз етмасу, бироқ Турон юртидаги мўғуллар истаса-истамасаларда исломни қабул қиладилар. Тўкал Баҳодирнинг бутхонаси қаерда?

— Туркистон тоғи этакларидаги ўзи туғилган Мўғал қишлоғида.

— Бирга борамиз. Ўзи қаерда экан?

— Айни замонда шу ерда. Самарқандда.

Темур ўнг қўлини кўтарган эди, эшик оғаси етиб келди.

— Тўкал Баҳодир Самарқандда эмиш. Қаерда бўлса, топиб чорланг!

— Кеча Суюрғатмишхоннинг хузурида кўрган эдим, — қўшиб қўйди Шайхулисом.

– Нима, хон ҳазратларини ҳам ўз динига киритмоқчи-ми? – кулиб сўради Темур.

– Биласиз-ку бу қавмни. Ҳақ бўлсада, ноҳақ бўлса-да, бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Жуда тарафқаш қавм келади бу уруғларимиз.

– Шу боис ҳам булар дунёнинг ярмини олдилар-да, ҳазрат. Булар ёвуз ва саҳройи бўлсалар-да бирлаша олдилар. Бизнинг эса эсимизни танибмизки, бошимиз қўшилмайди. Биз бир мазҳабий йўлдамизу, бироқ дуч келган нонталаб юртимизга дўсту душман мақомида келаверганидан турли қавмлар кўпайиб, қонимиз қоришиб кетди, ҳазрат, – деди чуқур нафас олиб Темур.

– Улусни олий мақомга ватаний ёки диний туйғуга таянган ҳолда ва адолат орқали олиб чиқиш мумкин, Темурбек, – деди зукко Шайхулислом. – Бизнинг тақводорларимиз ҳақиқий тақводор эмас. Авом эса оти билан авомдур. Шу боис иқтисоду сиёсатда ишларимиз оғир кечажак.

– Ҳақсиз, Шайхулислом ҳазратлари. Аммо биз Турон юртида миллатни бир мазҳаб бўйича яшамоққа йўналтирмоғимиз керак. Боиси, бу тадбир келгусида жуда кўп ва катта қирғинбаротларнинг олдини олади. Инсонлар ҳар қандай ҳақсизликларга чидашлари мумкин. Бироқ дину диёнат, эътиқодининг топталишига тоқат қила олмайдилар. Турон заминдаги мўғул ва ундан тараган неки қавм бўлмасин, Оллоҳнинг ҳақ дини исломга даъват этамиз. Кўнишмаса, уларнинг бурнини қонатмаймиз. Қайтиб кетмоқларига изн берамиз. Ўз динларида қолиб, қолмоқ бўлиб яшайверсинлар.

Эртаси куни Шайхулислом билан йўлга чиққан Темурнинг кайфияти яхши эди. Ёнларида қошу қовоғи осилганча шом туби қоронғи Тўкал Баҳодир отини ниқтаб борар, гап-сўз не хусусда кетишини сезиб, йўлдошларига не дея даъфи жавоб қайтаришига ақли етмай, боши қотган эди.

– Сўзларимга қулоқ солинг, мухтарам биродарим, Тўкалбек, – деди Темур уни ёнма-ён юришга чорлар экан. – Сизга маълумки, бизнинг салтанатда раиятнинг барча табақаларига диний, эътиқод ва ҳаёт кечирмоқ хусусида лозим бўлган имкониятлар мавжуд. Биз шоҳу гадонинг ҳақ-хуқуқини бирдек танимоқ мажбуриятини бўйнимизга олганмиз. Шундай эркан, сизнинг бутпараст ҳешу ақраболарингиз ва қишлоқдошларингизга ҳам тегмаслигимиз лозим эрди. Бироқ улар ахлоққа зид гап-сўзларни кўпайтириб, мусул-

монларнинг ғашини келтирмоқда. Бу эрта-индин бир жанжалнинг бошланиши деган гап. Бу ғавго бошланар экан, албатга, озчиликдан иборат бўлган сизнинг қабиладошларингизга зиён-заҳмат етажак. Бизнинг амиримиз Боботурк бориб тимсолга сизгинувчи одамлар билан суҳбатлашиб қайтди. Уларнинг нймалар деганини истасангиз ўз қулоғингиз билан эшитинг. Яна шуни ҳам айтмоқни истардимки, сизга бугундан эътиборан амирлик унвони берилади. Сиз бизнинг бу худудлардаги энг ишончли одамимиз ва ноибимиз бўласиз, – дея амир Боботуркни кўз қири билан имлаб чақирди.

– Куллук, ҳазрат. Ўла-ўлгунча хизматингизда бўлгусиман! – деди бу кутилмаган илтифотдан шошиб қолган Тўкал Баҳодир.

– Бу ҳали бошланиши. Сизни янада улуг мартабалар кутмоқда. Энг муҳими, сиз бу иззат-ҳурмат ва тақдирга лойиқ кишисиз, – деди Темур самимий оҳангда.

– Лаббай, ҳазрати олийлари, – дея отини қичаб етиб келди амир Боботурк.

– Муҳтарам амир, сиз биродаримиз Тўкал Баҳодирбек қурдирган ибодатхонада бўлиб, у ердаги кишилар билан суҳбатлашдингиз. Бу хусусда ўз фикрингизни Тўкалбекка сўйлай билурмисиз?

– Бажонудил, ҳазрат, – жавоб қилди амир Боботурк оти жиловини тортиб. – Бу ибодатхонада жуда кўп тимсоллар бўлиб, булар орасида одам ҳайкалчиси ҳам бор эди. Биз бараҳмандан бу ҳайкалчининг қандай каромати бор дея сўрадик. Боиси, ҳайкалча ҳақидаги гап-сўзлар мусулмонлар орасида тарқалиб, турли хил баҳсу мунозараларга сабаб бўлаётганини эшитган эдик. «Бу ҳайкалнинг хислати шундан иборатким, у бир кечада бир минг олти юз аёл билан жинсий алоқада бўла олади», – дея жавоб берди. Бу сўзни эшитиб турган мусулмонлар «Бу шайтоний гап!», «Ғақат шайтон шундай қилиши мумкин!», – дея эътироз билдирдилар. Биз ҳам не демоқни билмай қолдик. Ҳақиқатан ҳам муҳтарам Тўкалбек, бу инсон ақлига сиғадиган гап эмас. Неки ақл ва ахлоқ-одоб доирасидан ташқарида экан, Оллоҳга ҳам, бандасига ҳам маъқул келмайди. Шу боис бу биродаримизни тўғри йўлга солмоқ лозим деб ўйлайман, – дея сўзим тугади дегандек Темур томон ўгирилди Боботурк.

– Эшитдингиз-а, Тўкалбек? – деди Темур суҳбатдошига. – Ҳақиқатан ҳам мўъмин-мусулмонларимиз бу каби ғайритабиий, ахлоқсиз ғояларни ҳазм эта олмайдилар. Сиздан бир рижойимиз

борки, шул бутхонанинг ўрнида битта мачит курсангиз. Пешин ҳам бўлиб қолди. Лозим кўрсангиз таҳорат қилиб, биз билан бирга пешин намозини ўқишингиз мумкин.

Тўкал Баҳодир бош ирғаб, «Хўп» ишорасини қилди. Дами ичига тушиб кетган, йўқ дегудек бўлса бу қаҳри ҳам, меҳри ҳам қаттиқ Амир Темур дегани «Жаллод» деса тамом.

Улар отдан тушиб, таҳорат қилдилар. Шайхулисломнинг ортида туриб, пешин намозини ўқиётган қирқ чоғли мусулмонлар орасида бугун исломга кирган Тўкал Баҳодир ҳам бор эди.

– Оллоҳнинг ҳақ дини сизга муборак бўлсин! – деди Шайхулислом Тўкал Баҳодирни бағрига босиб. – Тўкалбек бул улуг ва савоб ишни ниҳоясига етказсалар бизнинг боришимизга ҳам ҳожат қолмайди, Темурбек, – деди Шайхулислом сафар самарали тугаганидан мамнунлигини яширмай.

– Тўкалбек не десалар шу бўлғай! – деди Темур ҳам Шайхулисломнинг гапини маъқуллаган оҳангда.

– Розимен, тақсир. Муаммони ўзим ҳал эта билурмен. Ул авбош кишилар ила сизларнинг баҳслашиб тортишмоқликларингизга лузум йўқ. Бурнидан нарини кўрмайдиган бу одамлар кўнгилларингизга озор етказувчи сўзлар айтишлари мумкин, – деди машаққатли иш масъулиятидан чўчиётган Тўкал Баҳодир титроқ овозда, қора терга тушиб.

– Сиз ҳақ ишга қадам босдингиз. Оллоҳ сиздан рози бўлсин! – деди Темур Тўкал Баҳодирга сўзингда турмасанг не ҳолат юз беришини биласан-а дегандек ўткир нигоҳини қадаркан. – Биз сиз билан бирга исломга кирган жамоангиз вакилларини бошкентимизда кутамиз ва юртимиз хизматига ярашларингизга ишонч билдирамиз! – дея сўзини тугатди.

Сўнгра биродаримизга оқ йўл тилаб, фотиҳа беринг деган маънода Шайхулисломга қаради.

– Илоҳи омин! – дея қўлини фотиҳа учун очди Шайхулислом. – Оллоҳнинг ҳақ дини бу заминда барқарор бўлсин! Унинг сафи ҳар замон кенгайсин! Яратган барчамизнинг, жумладан, Тўкал Баҳодирбек жамоасининг аъзолари қалбига дини ислом нурини бахш этиб, тавфиқ ато этсин! Йўлингиз оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлсин! Омин оллоҳу акбар!

Барча баробар юзига фотиҳа тортди. Тўкал Баҳодир уч нафар ҳамроҳи билан Мўғал қишлоғи томон жўнади. Темур бошлиқ отлиқлар Самарқандга қайтдилар.

– Агар бу қавм тўплам ҳолида уюшиб, мусулмонлардан узоқроқ бир ўлкада яшаганларида, тегмасдик, – деди Темур улар отлари жиловини Самарқанд томон бурғач.

Шайхулислом улуғ Амирга жўяли бир дафъи жавоб қайтара олмади. Сабаби, Темурдан бундай гапни кутмаган эди.

– Сиз оллоҳнинг ҳақ динини қарор топдирмоқ борасида ҳеч ким қила олмайдиган ишни қилдингиз ва қилажаксиз, – деди анчадан сўнг Шайхулислом тутилиб-тутилиб. – Сиз кофирларни динга киритдингиз.

– Гапингиз тўғри, ҳазрат! Бироқ бу одамларни кофир деб ҳукм чиқара олмаймиз-ку! Яхшими-ёмонми буларнинг ҳам ўз дини бор, эътиқоди бор. У тарафини сўрасангиз Бухоро сўзининг келиб чиқиши ҳам «ви хара» сўзига бориб тақалади. «Ви хара» демак буддада ибодатхона демакдир. Маълумки, ота маконимизда яшаган қавмлар исломдан илгари бутпарастлик ва оташпарастлик динида бўлганлар. Бизнинг аجدодларимиз эса ягона Тангрига сиғинганлар. Ягона Тангри бу Оллоҳ демакдир, – мунозарани давом эттирди Темур. – Бизнинг динимиз, мўъмин-мусулмонларимизга куфр этиб, уларга жабр-зулм ўтказмаганларни кофир дея олмаймиз.

– Биз дину исломнинг ҳимоясида муқим турган бир уламомиз, мухтарам Темурбек. Сиз эса Улуғ Турон элининг улуғ Амирисиз. Минг бир қавму қабила улусу элатга гап сўзига яраша жавоб бермоқ масъулияти ва мажбуриятдасиз. Бўлмаса етти иқлимга худуди кетган бундай чексиз юртни бошқариб бўлмайди, – Темурнинг фикрини маъқуллаган бўлди Шайхулислом.

– Ислом мурсоёу мадора, ҳар ишни яхшилик ва адолат билан битирмоқ, яъни Оллоҳга таслим бўлмоқ динидур. Бироқ уни турли мазҳабу тариқатларга бўлиб, бирлигини йўқотдилар, кучкудратини парчаладилар. Буни кишилар ўз манфаатлари йўлида қилдилар. Бу йўлда биз илкимиздан келган ишни қилажакмиз, ҳазрат, – деди Темур Самарқанднинг кунчиқар томонидаги Ғўбдин тоғларига узоқ тикилар экан.

Темур Шайхулислом билан хайрлашиб, яна Боғи Беҳиштга қараб юрди. Унинг ҳаётида уруш-савашсиз, сокин кунлар кам бўларди. Шу боис истироҳат учун имкон туғилди дегунча фурсатдан истифода этар эди.

– Мен бир оз дам олайн. Сизлар шу ерда бўлингиз. Ҳал эти-

шимиз лозим бўлган зарурий ишлар бор, – деди Темур амир Боботурк билан Алп Туркашга. – Бу орада Суюрғатмишхоннинг хузурларига бориб, асир сифатида келтирилган шоҳ ва ҳокимлар хусусидаги фармонни тайёрлатиб, имзолатиб кела билурсиз, – кўшиб кўйди боғ ўртасидаги кўшк томон юраркан.

Махфий бошлиғи ва амир топшириқни бажармоқ учун Кўксарой томон жўнадилар. Оқшом емагидан сўнг Темур уларни кўшкка чорлади.

– Хон ҳазратлари фармонга имзо чекдилар, – деди амир Боботурк ҳисобот бериб.

– Ўқинг қани! – буюрди Темур.

– Алибек ва Малик Ғиёсиддиннинг ўғли Ғўрийбек ҳамда унинг акаси Муҳаммадлар Андижонга, Умаршайх Мирзо хузурига юборилсун ва у ерда тутулсин! Жониқурбонийлар эса Тошкандда сақлансун. Малик Ғиёсиддин билан яна бир ўғли Пир Муҳаммад Самарқандда асралсун. Агарда бу шахслар яна исён байроғини кўтариб, юрт бирлигига раҳна солгудек бўлсалар, тақдирлари қисмат қиличиға тобшурулсин!

Темур устки лабини тишлаб, бошини сарак-сарак қилди.

– Малик Ғиёсиддин ва унинг ўғиллари зулмидан азоб чекканлар кимлар эрди? – дея сўради Темур бир оз ўйга толгандан сўнг махфий бошлиғига қараб.

– Малик Ғиёсиддин ўз-иниси – Малик Фахриддиннинг молу-мулк, еру сувни тортиб олиб, ўғлини зиндонга солган. Улар сиз ҳазратдан рўшнолик кутмоқда, – дея жавоб қилди Алп Туркаш.

– Фармон ҳозирланг! Малик Фахриддин авлодларига Ғўрунг ҳокимлиги берилсун ва ҳибсдаги фарзанди озод этилсун! Бул хусусда менинг номимдан амирзода Мироншоҳ мирзоға мактуб ҳозирланг! Бу кишиларга иззат-ҳурмат ва раҳму шафқат кўрсатсунлар!

Шундан сўнг улуғ амир тасбеҳини ўгирганча бир оз муддат тин олгач, бош махфийга юзланди.

– Қулоғим сизда, мухтарам Туркашбек. Мамлакат сарҳадларидан не хабарлар олурсиз? Боғи Беҳиштдаги истироҳатимиз давом этажакми ёки яна сафар узангисига оёқ кўяжакмизми? – сўради юришлардан чарчадик-ку деган оҳангда.

Улуғ Амирга муносиб жавоб беришга ўрганган Алп Туркаш бошини қуйи эгганча бир оз ўйланиб, жавоб беришга тутинди.

– Ўзингиз олдимизга етти иқлимни сулҳ-ла фатҳ этмоқдек буюк вазифа қўйгансиз. Одамлар феъл-атвори шундайки, куч-қудратингни ҳис этиб турсаларгина сен билан ҳисоблашадилар. Кўзлардан пана бўлдингизми, арзимаган кепакига сотадилар. Амир Тумон Сеистон халқи орасида бизга қарши фитна юритмоқда экан. Уларни қайта бош кўтармайдиган бир тарзда синдирмоқ лозим. Акс ҳолда арабу ажам томонга юришимиз кечикаверади, ҳазрат, – деди шахдли овозда Алп Туркаш.

– Биз Сеистонни юзда-юз забт этгач, Қандаҳорни олиб, илиқ денгизга чиқмоғимиз керак! – деди Темур қудратли овозда ўрнидан туриб солин узра наридан бери юраркан. – Бул муттаҳам амир Тумоннинг Оллоҳ насиб этган умрни яшаб, бола-чақасини ҳузурини кўриб ўлғиси келмабди-да!? Ярамас! Биз салтанатнинг оёққа туриш замонида одамларни ўзимиздан бездирмаслик мақсадида ҳар кимсага меъеридан ортиқ меҳр-мурувват кўрсатиб, ашаддий душманларимизга ҳам бағрикенглик қилдик. Энди қилични маҳкамроқ тутишга тўғри келади. Илгари биз икки дарё орасидаги кичик бир давлат эдик. Душманимиз ҳам шунга яраша эрди. Энди катта салтанатга айландик. Оллоҳ йўл берса ҳудудларимиз янада кенгайди. Демак, шунга яраша рақибларимиз ҳам катта ва кучли бўлади. Шу муддатга қадар биз ён-веримиздаги ўзимиз қатори рақибларни енгиб, изнимизга бўйсундурдик. Катта, бизни бир ҳамлада ютишга тайёр турган рақибларимиз қиличларини пинҳона қайрамоқдалар. Ва алар ҳеч қачон қиличларини савашсиз қинларига қайтариб солмайдилар. Бизнинг улус ва юртимизга алар кўп зулм ўтказдилар. Оллоҳнинг изни ила бунинг жавобини олажақлар, – деди қайтиб тахтга ўтирар экан Темур. – Бу фитнанинг бошида Сеистон ҳукмдори Малик Кутбиддин турибди.

Унинг илоҳий даражадаги залворли овозида инсон этини жи-мирлатиб, вужудини ларзага келтирадиган бир сиру синоат, сеҳр бор эди. Буюк амирнинг икки садоқатли кишилари англадиларки, яқин кунларда ўрду яна юришга чиқади.

– Черик Термизда тўпланажак! Ҳар қачонгидан кўп лашкар йиғилсун! Биз бу сафарда биргина Сеистон муаммоси ила машғул бўлмаймиз! – дея сўнгги буйруқни берди Улуғ Амир. – Оллоҳ биз билан!..





## ЎН УЧИНЧИ БОБ

*...Бу юртнинг, одамлари сизнинг эски рақибларингиздур. Нодиришоҳнинг ўлим хабари тарқалмасидан бурун бу бўрифегъл турк мамлакатидан чиқиб кетинг!..*

Бухоро амири Раҳимбийнинг қизилбош амирларига айтган сўзи

Минг уч юз саксон учинчи йилнинг ёзи Темур учун тинч ва осуда бошланди. У Боғи Беҳиштда дам олиб, салтанат ишла-ри ила машғул эса-да, оиласи нотинч эди. Унинг сеvimли тани махрами, иффату назокатда тенгсиз хотини Дилшод оғо оғир хасталикка чалинганди. Темур унинг нурсизланиб сўнаётган нигоҳларида ўзига нисбатан чексиз бир меҳр туйғусини кўриб, кўз ёшини тия олмади. Ёнаётган кафтини Дилшод оғонинг куруқшаган лабларига, юзига босди. Бу гўзал хотини билан у отда ёнма-ён юриб, сўнгги бор Сайхун ошиб, Ҳиротга борган дамларни эслади. Дилшод оғо тилдан қолган, умидсиз ва сўник нигоҳи кўз очиб кўрган улуғ инсонга маҳзун термулиб турар, юракни ҳаприқтирадиган даражадаги чиройли чехраси сўлиб, захил тортган эди. Темур ўнг гулидан бир гули очилмаган бу малаксифат жувоннинг абгор аҳволига узоқ қараб тура олмади. Унинг ўнг қўлини қаттиқ қисиб, кафтининг орт томонидан ўпди-да, бўғзидан кўтарилиб келаётган йиғини ютганча хонадан чикди.

Ҳовлида узоқ юрди. Бундай дақиқаларда унинг олдига бормоққа ҳеч ким журъат этмас, токи улуғ Амир ўзига келиб, ҳовуридан тушмаганча кимса кўзига кўринмас, ёнига ёндашмас эди.

У хаёл сурганча бориб, улкан садақайрағоч остидаги сўрига оғир чўкди. Ўнг қўлини кўтарганда сарой ойнасида уни кузатиб турган мулозимлардан бири югуриб келди.

– Амир Боботуркни ҳузуримга чорланг! – буюрди Темур қалдиروق овозда.

Амир Боботурк эса Дилшод оғо каби оғир аҳволда ётган Темур-

нинг сингисини Кутлуғ Туркон оғонинг бошида ҳақ деб ўтирган эди.

– Амирга одам юбордим. Эгачингиз Кутлуғ Туркон оғонинг ёнларида эмишлар, ҳазрат, – деди яна қайтиб келган хос мулозим.

Темур индамади. Кеча у эгачисининг зиёратига ҳам кирган эди. Табиб бўйнини ичига тортиб, елкасини қисганида бир зум Темурнинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Ҳаёт шу экан-да, дея ўйлади бўшашиб, кўзларидан селдек ёш қуйилаётган опасига термуларкан. Дунёнинг ярмини ушлаб турибсану бир яқин кишининг жонига оро киролмайсан! Эҳ дунёи қўтир!

Табиб билан сарой боғида суҳбатлашаркан, беихтиёр отаси раҳматлининг сўнги кунлари ва жон бериш дақиқалари хотирасида жонланди. Ўшанда ёнида енги билан оғзини беркитганча, ўзини йиғидан зўрға тийиб турган, кейинчалик Самарқанду Шахрисабзда ўндан ошиқ масжиду мадраса ва етимхоналар қурдирган, ўзидан беш ёш катта опаси боқий дунёга кетмоқда. Кеча отаси кетган эди. Бугун эгачиси. Эртага... Бу Оллоҳнинг иродаси. Қани унга эътироз билдириб кўр-чи?

Темур сўрида амир Боботурк етиб келгунга қадар ўтирди. У карахт эди. Қаршисида қотиб турган ёш амирни кўз ишораси билан ёнига ўтирмоққа даъват этди.

– Кутлуғ Туркон оғонинг аҳволи нечук? – сўради паст ва хаста овозда.

– Ўзингиз кўрганингиз каби. Ўзгариш йўқ, – жавоб берди амир Боботурк умидсиз оҳангда.

– Дилшод оғо саҳарга етмайди. Айтинг катта маликамитизга. Лозим бўлган ҳозирликларни кўрсунлар. Бул беғубор инсон юксак мақомда тупроққа берилмоққа лойиқдур. Аслида кетаётганлар бир ҳисобда бахтлидурлар, Боботурк. Бу аҳмоқона дунёнинг бетайин ташвишларидан абадул-абад қутиладилар. Улар дарди аламини тирик қолганлар чекадилар!

– Умидсизликка берилмоқ сиз каби буюк инсонга ярашмағай, азиз устоз! Лаҳад ёқасида ҳам умиду илинж яшайди дейдилар, – деди Боботурк не дея жавоб бермоқни узоқ ўйлаб ўтирмай.

– Иложимиз қанча. Дилшод оғодан уч-тўрт кун сўнгра опам бояқишнинг ҳам куни битадиган кўринадур. Бахт ҳам, бахтсизлик ҳам қўша-қўша келади деганлари шу экан. Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! – дея ўрнидан туриб кетди улуғ Амир.

Эртаси куни пешин намозидан сўнг Дилшод оғони тупроққа бердилар. Бу воқеадан тўрт кундан сўнг Қутлук Туркон оғо ҳам ёруғ дунёни тарк этди. Унинг жасадини Шоҳизинда қўйиндисига дафн этдилар.

Қайғуга ботган Темурнинг ёнида Мир Саид Барака, Хожа Абдумалик ва Шайхзода Сағаржийлар турар, навбат билан Қуръони Карим сураларини тиловат қилишарди.

– Бул инсонларга бўлган хурмат ва эҳтиромингизни элга кўргузинг! Саодат топасиз! – деди Мир Саид Барака хайрлашар экан Темурни бағрига босиб. – Сиз Оллоҳ ато этган қудрат соҳибсиз! Яратган бизни сиз каби инсон қўлида жон бермоққа насиб этсун!

Мир Саид Барака шундай деганда овози бўғилиб, вужуди титраб кетди. Улар гап-сўзсиз бир-бирларини бағриларига босганча узоқ туриб қолдилар.

Машаққатли юриш олдидан саройга ҳам бормаи Боғи Беҳиштда сафар тадоригини кўраётган Темурга Термизда кўшин тўплаб бўлингани, юриш учун барча ҳозирликлар кўрилгани ҳақида хабар келганида у хаёл сурганча, ёзда барқ уриб яшнаб турган оғоч япроқларининг сарғиш ва қизғиш тусга кириб, тўкилаётганини кузатиб ўтирарди.

Сеистон ҳақида гап кетаркан ёки у тарафдан бирор нохуш хабар келаркан, Темурнинг асаби бузиларди. У ўнлаб жароҳатлар азобини чекди. Барчасини кўрмагандек бўлиб кетди. Бироқ Сеистон жароҳати вужудига оғир муҳр босди.

Темур Сеистон сафарини тушунар экан, хаёлининг бир четида дўлдай қавмини салтанатга эш қилмоқ фикри айланарди. Уларни хайрихоҳ этмоқнинг энг яхши йўли давлатни пойлашмоқ, улар истаган мансабу мартабани қўш қўллаб бермоқ эди. Салтанат ичида давлатни тан олмаган бирорга қавм ёхуд улусни қолдириб бўлмайди.

Бу хусусда кичик машварат ўтказилгач, Темур ёнига Боботуркни олиб, дўлдай улуси томон отланди. Тўққиз хўкиз ва тўқсонга қўй сўйдириб, уруғ аҳлини кўнглини олди. Улус оқсоқоли, тўқсонга бориб қолган Муҳаммад Дўлдай бундан эллик йил бурун, аллақачон ўлиб кетган чингизий бир хон ўзини амир этиб тайинлагани учун ҳамон унинг отидан иш кўрар, қулоғи оғир, бироқ содда ва тўғри бир киши эди. Оқсоқолнинг кўнглини оғритмасдан ризо этиб, ўрнига ёшроқ бир кишини улус амири этиб сайламоқ керак эди.

Эл оқсоқоллари давра олиб ўтирар, ёш-яланг эса айлана шаклида тик туришарди. Тўйиб саҳройи ок шўрва ичиб, устидан қовурдоқ еган улус аҳли бостириб-бостириб айрон ва кимиз сипқоришар. дарёдан сув бағишлаган барлос турклари амирини алқашарди.

Курсида ўтирган Темур ниҳоят мақсадга кўчди:

– Рухсатингиз берсангиз улус аҳли ила бир оз кўнушсак? – дея оқсоқол Муҳаммад Дўлдайга қаради Темур.

Кулоғи оғир чол Темурнинг гапини аниқ эшитмаган бўлса-да, бош ирғаб жилмайганча, маъқул ишорасини қилди. Қариянинг ёнида ўтирган ёш йигит Темурнинг сўзларини бақирган кўйи унинг кулоғига такрорларди.

– Сизнинг дўлдай улусингиз салтанатимиз ҳудудидаги кўп шаън-шарафли кавмлардан биридур! Сиз бизнинг давлатимиз, тупроғимиз ва бойлигимизга шерикдурсиз! Ўрдумиз сафидаги дўлдай минглигининг тартибу интизоми, ёғийга қарши савашдаги жасорати бизга маълумдир Бизнинг Алп Эр Тўнга каби улуғ бобомиз Ўғузхон Чинни фатҳ этиб, унинг бошкенти Бежинга етиб борган экан. Шунда ул кавм ҳукмдорларидан нолиб, Ўғузхоннинг ўзларига ҳокон бўлмоғини сўрабдилар. Ўғузхон эса «Сизнинг динингиз, туриш-турмушингиз бошқа, меники бошқа! Биз бир-биримизни англай олмаймиз! Шу боис ўз орангиздан бир кишини ҳокон этиб сайланг! Мен фақат бир нарсани, сайлаганингиз кишини адолат ила юртни йўнатмоқлигини назорат этмоқликни бўйнимга олишим мумкин. У хато қилса кечирим мумкин. Бироқ жиноят қилса уни сизнинг қарорингиз билан жазолашга тўғри келади» дебди.

Темур халойиқ қандай тинглаётгани ва муносабатини билмоқ учун сўздан тўхтаб, бир оз тин олди. Раият нафас олмасдан унинг гапини эшитар эди.

– Ўшал урф-одатимиздан келиб чиқиб, бугун сиз мана бу улуғ оқсоқолимиз Муҳаммад Дўлдойбек ўрниларига ўз орангиздан ёш, инсофли, оқу қорани таниган, улус мулкига хиёнат этмайдиган бир кишини ўзингизга йўлбошчи этиб сайласангиз! Мен сиз не десангиз шуни қилмоққа сўз берурман! Буюринг! Ўз фикру таклифларингизни сўйлай билурсиз! – дея сўзини мухтасар қилди Темур.

Кимсадан садо чикмас эди. Улуғларнинг оғзига боқиб ўрганган кавм талкон ютгандек сукутда эди.

Кутилмаганда Муҳаммад Дўлдай ўрнидан кўзғолди. Барча бирдек ҳаяжон билан унинг оғзига қараб қолган эди.

– Қуллук, Темурбек! – деди у ҳеч бир илтифотсиз. – Сен кўп калланг жойида одам экансан! Эсимизни танибмизки, бирорта хону султон сенга ўхшаб улусимизга келиб, ҳолимизни сўрамаган. Фақат солиқ сўраб келган солиқчини, савашга аскар сўраган товачини кўрганмиз. Бўпти, мен розиман. Бироқ бу одамларни кўздан қочирма. Ҳеч қайсисига ишониб бўлмайди. Думи бурилса отасиниям сотади. Шунинг учун улар жиловини кўлингда тут!

Ҳаяжондан соқоли жалпиллаб сўзлаётган оқсоқолнинг салласи бўшаб, чуваланиб кетди. Шошиб қолган чол довдираганча салласини йиғиштириб, қайта ўради. Тўпланганлар завқ ва ҳайрат билан кулиб, беозор чолнинг хатти-ҳаракатини кузатиб, сўзини тинглашарди.

– Муддаога кўчинг, оқсоқол!

– Гапнинг индаллосини сўйланг-да! – ҳазилу чин аралаш гап отишди ўтирганлар.

– Ҳа-ай, қаерда қолган эдим? – ёнидаги чолларга қаради оқсоқол.

Яна кулги кўтарилди.

– Ҳали бошламадинг! – деди Дўлдайнинг ўнг биқинида ўтирган жиккаккина тенгдоши.

– Хай, шундай дегин. Бошловдим шекилли. Хўш гапнинг ўрамини айтсак, мулла Темурбек, биз қариганга ўхшаймиз, чамаси.

– Сен қари тулки қарийсанми? Бор йўғи ўн кам юздасан! – яна гап отди ўша чол.

– Гапни бўлма деяпман, эчкисоқол! Нечага кирганимни ўзим яхши биламан. Гапимни эсимдан чиқариб юбординг-ей. Ҳа, хуллас, эллик йилдирки насибамиз мана шу улуснинг устида. Бу ерда ёши мендан улуғи йўқ. Ўн дўст эдик, ўлиб ўлиб, ўзим қолдим деганларидек, булар мен билганнинг ўндан бирини ҳам билмайдилар... Гапнинг очиги, неччига кирганимни ўзим ҳам билмайман. Ёшимни аниқ биладиган эгачим ўтган йили ўтди раҳматли. Мен туғилган йили Каттасойдан қўй-эчкини қумдек супуриб сел оққан экан, – деди чол Темур томон эгилиб.

Яна гур этиб кулги кўтарилди. Улусдошлари Дўлдай чолнинг содда ва довдир гапларидан хузур қилишар, аслида бу сўзлар уларга ёқар эди.

– Оббо-о! Энаси байталлар-ей! Гапиргани ҳам қўйишмайди-я! Нима дейтган эдим? – яна сўзидан адашиб кетди чол. – Худосини айтиб, бердисини айтгунча сабр қилмайди булар.

Яна кулгу кўтарилди. Темур ҳам барча баробар хузур қилиб кулар эди.

– Ҳа, эсимга тушди, – қилт этмай сўзида давом этди оқсоқол. – Бўладиган гапни айтсам, улусимизда менинг ўрнимни босадиган, эс-хуши бутун, тагли-тугли иккита одам бор. Қолганлари ҳали нонни «нанна» деб юришибди. Иккиси ҳам бой-бадавлат, кўзи ҳам кўнгли ҳам тўқ. Оч одамни элга бош қилиб бўладими! Буларга ишонсангиз доғда қолмайсиз, Темурбек! Отангиз Муҳаммад Тарағайбекни ҳам яхши танирдим. Инсоннинг султонни эди худо раҳматлик!

Даврада яна кулги кўтарилди. Дўлдай бобо ҳам одамларга қўшилиб бир оз кулди-да, гўёки ҳеч нима бўлмагандек, гапини қолган еридан давом эттирди:

– Шундай қилиб мен сизга айтсам Темурбек, бизда улус амирлигига арзийдиган иккита бола бор...

Тўпланганлар ҳамон кулишарди.

– Э-э, элликка кирган одам бола бўладими? – гап отди яна ўша жиннак чол.

– Э-э, элликка кирган бўлса ҳам менинг олдимда болада! Сўзимни бўлма, мутгаҳам! Хуллас, иккисининг ҳам палаги тоза, қони бузилмаган, уруғи айнамаган. Мана бу мени сўзимни бўлаётган Ёркул Яламанинг эса насли бузилган. Энаси дан туғилгандан бери бошига салла ўраб юради. Сабаби, туғма кал ва кўса! Кимки кал ва кўсами, демак, насл насаби қариган! Амаки-тамаки, аммаваччаю-холаваччасига уйлана-вериб бу ўтирганларнинг кўпининг насли айниган. Менинг устимдан кулмоқдан бошқага ярамайди бу баччағарлар! Майли, кулишаверсин. Гуноҳим тўкилади. Шунақа булар. Бор бўлсанг кўролмайди, йўқ бўлсанг беролмайди. Халқнинг тақдирини оч одамга топшириб бўлмайди. Оч баччағардан қоч баччағар дейдилар. Ялангоёқдан подшо чиқдими, қолганларни ҳам, ўзидай ялангоёқ қилмагунча уйқуси келмайди. Хулласи калом, Темурбек, мен эзма чолни сўзига кулоқ солганингиз учун куллуқ! Дўлдай улуси амирлигига Тобон баҳодир билан Сон баҳодирни

қўйса бўлади. Иккиси ҳам пичоққа соп бўладурғон бутун болалар! Ишончим комилки, улар ҳеч қачон сенинг зиёнинга иш тутмайди!

Улуғ Амир ўрнидан туриб, Муҳаммад Дўлдайга, кучоғини очди. Сўнгра тиз чўкиб, унинг тиззасига пешонасини қўйди. Бу иззатдан ўзини йўқотиб қўйган чолнинг кўзидан шовуллаб ёш қуйилди. Улар бир муддат бир-бирларини бағриларига босиб турдилар.

– Устозимиз Муҳаммад Дўлдайбекга бошдан-оёқ шоҳона сарупо кийгизилиб, тулпор от ва тўксонта қўй ҳадя этилсун!– деди Темур ўнг қўлида чолнинг елкасидан кучиб тураркан.

Муҳаммад Дўлдай бола каби этана бўлиб, улуғ Амирга миннатдорчилик билдирар эди.

– Энди оқсоқолимиз сўйлаганларидек мана бу қаршингизда ўтирган иккита соқолли боланинг ишини ҳал қиламиз, – деди Темур ўнг тарафида тик турган Сон ва Тобон баҳодир томон ўгирилиб. – Қани буюринг, биродарлар, қайси бирини улусингизга бек этиб сайлайсиз?

– Иккиси ҳам муносиб!

– Сон баҳодир маъқул!

– Тобон баҳодир ҳам арзийди!

Халойиқнинг таклифларига қулоқ солиб турган Темур бу хусусдаги қарорини эълон этди.

– Сиз муҳтарам эл аҳлининг ризолигингиз билан Сон баҳодирни улусга бек этиб сайласак-да, Тобон баҳодирга амирлик мансабини бериб, вазирим ўлароқ ёнимга олиб кетсам не дейсиз?

– Баракалло!

– Жуда маъқул!

– Яшанг, Темурбек!

– Бизнинг элдан ҳам катта одамлар чиқсин-да, ахир!

– Бўлмаса оқсоқолимиз барчамизга оқ фотиҳа берсинлар! – деди Темур Муҳаммад Дўлдайга мурожаат этиб.

– Илоҳи омин! – дея қалтираган қўлларини фотиҳага очди оқсоқол. – Оллоҳ мулки Турон султони Темурбекнинг давлатини барқарор қилсун! Оллоҳ улусимизни эсон-омон, бағри бутун, тўрт кўз тугал асрасин!

Барча бирдек юзига фотиҳа торгди.



## ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

*Булок Темур дунёни ўнжа ақли,  
сўнгра силоҳи ила олди.*

Атагурк

...Темур Боғи Беҳиштда болалик дўстларини кутар экан, беихтиёр ҳаяжонланди. Боиси, уларни анчадан бери кўрмаганлиги бўлса, яна бири Идику Темур билан ораларида бўлиб ўтган ноҳуш воқеа эди. Бу ерда Идику Темур ҳақ эди. Темур бунга кечроқ англади. Унга нисбатан ноҳақ жазо тайин этганига имони комил бўлгач, амрини дарров бекор қилди. Бироқ гап-сўз тарқаб кетган эди. Одатда яхши гапдан кўра ёмон хабар тез урчийди.

Улуғ Амирнинг амрига биноан қай бир амир бирор-бир мамлакатни фатҳ этса ёки ғаним лашкарини мағлуб этса, у уч нарса билан мумтоз қилинарди. Биринчидан, фахрли хитоб, туғ ва ноғора бериб, уни баҳодир деб атар эдилар. Иккинчи тадбир бўйича уни давлат ва салтанатга шерик қилиб, кенгаш мажлисига киритардилар. Учунчидан эса унга ўзи забт этган чегара вилояти топширилиб, ўша ерлик амиру беклар унга бўйсундириларди. Агар амирлардан қайси бири тўра, яъни хон ўғлини енгса ёки амирзодага шикаст етказса ва ё бирор ўлка хонини мағлуб этса у ҳам юқоридаги йўсинда тақдирланарди.

Дашти Қипчоққа қарши юборилган Идику Темур Ўрусхоннинг белини синдирди. Шу зарбадан сўнг у қайта ўнгламади. Идику Темурнинг Жўчи улусидан ғалаба билан қайтиши Самарқандда катта воқеа эди. Қўшин кўмондони Ўрда хонини енгилгани ҳеч ким ақлига сиғдира олмас эди.

Идику Темурни Самарқандга етмасдан бир неча чақирим нарида кутиб олган Темур мақомига муносиб равишда унга иззат-ҳурмат ва садоқат кўрсатди. Ўз қўли билан унга хитоб, туғ, алам, яъни байроқ ва ноғора топширди. Идику Темур Турон салтанати шериги деб эълон этилди ва улуғ Амирга маслаҳатчи ҳамда вазир этиб тайинланди.

Чингизхоний қавм хонларидан бери имтиёзларга эга бўлиб келган Идику Темурга кўрсатилган бу эҳтиром ясовурий



қавмидаги ва ўзларининг келиб чиқиши араб эканлигидан фойдаланиб, туркий ва форсий улусларга паст назар билан қаровчи айрим амалдорларга оғир ботди шекилли улар устма-уст келиб Улуғ амирга Идику Темур хусусида оғзиларга келган ёлғон-яшиқларни сўйлай бошладилар. Бир ёлғонни ўн киши тақрорласа одам ишонар экан.

Темур одатига кўра нотўғри гапираётган кишининг ҳам гапни бўлмас, охиригача тинглар эди. Қабулига келган одам ёлғон гапира бошлаганидаёқ Темурнинг юз қиёфаси ўзгарар, буни сезган суҳбатдош ёлғонни тўхтатар ёки гапни қисқа қилар эди.

Салтанатнинг дастлабки йилларида унга катта-кичик ёлғонлар жуда кўп етиб келар эди. У бунинг барчасига эътибор бериб, орқасини суриштирадиган бўлса жуда кўпчиликни ўзидан бездирарди. Ўзини алдамоқчи ва панд бермоқчи бўлган одамларга янада каттароқ ишонч билдирар ҳамда вазифалар юкларди. Аросатда қолган кишилар унинг мардлиги ва бағрикенглигига тан бериб, садоқат ила ҳеч нарса кўрмагандек ишга киришиб кетардилар. Гина қудурат ҳам унутилди.

– Темурбекнинг ёнида юрсанг ё отинг чиқади ёким ўтинг, – дер эди тулкичи улусининг сардори, Темур устоз дея ҳурмат қиладиган Ўлжайту Апарди. – У одам бўлмайдиган кишини ёнида олиб юрмайди. Унга ёндашсанг амир ёким хамир бўласан!

Амир Боботурк етакчилигида улуғ Амир қароргоҳи томон йўналган болалик дўстлари амир Сайфуддин, Идику Темур, Аббосбек, амир Муайяд ва амир Худойдод Ўлжайту Апардининг шу сўзларини эслаб келишарди. Булар орасида Жаку Барлос йўк эди. У нотинч Сеистонни йўнатар эди.

Темур дўстларини боғ ҳовлисида кутиб ўтирарди. Каттакон сўрига тўшак солиб дастурхон ёзган хизматкорлар пилдирашиб турли хил емақларни ташишарди. Улуғ Амир болаликдаги дўст, бугунги сафдошлари билан кучоқ очиб кўришди.

– Идикубекни алоҳида бағримга босаман! Ҳасадчиларнинг сўзларига кириб қуюшқондан чиқиб, унга аччиқ сўзлар сўзладим, жазо бердим! Шунинг учун сизни бугун узр ошига чақирдим, – деди Темур дўстининг елкасидан қўлини олмай туриб.

Дарвоқе, Идику Темурга Ўрусхондан ўлжа тушган молу мулкни ўзига олди ва талон-тарож қилди деган айб қўйилган эди. Темур унга захрини сочганида Идику Темур довдираб қолмади. Темур-

нинг кўзига тик қараб: «Тухмат! Агар шу тухматга ишонсангиз ёки ишонмоқни истасангиз оғиз очиб эътироз билдирмайман!» деди таъзим бажо этиб. Идику Темур шундай деб, орқасига қайтиб чиқиб кетди.

У ўзига берилган барча мукофоту мансабларни ташлаб, тўрт нафар йигит билан Кешга жўнади. Она юртида отасидан қолган, укалари боқиб тирикчилик қиладиган сурувга қарашиб юрди.

– Одамлардан безибман. Бироз жонзодлар билан гаплашайин, – дер эди у кўнгил сўрагани борган кишиларга.

– Сиз Темурбекка аччиқ қилманг. Болалик дўстингиз. Қанчалик тергамасин, у сизни яхши кўради. Узр сўраб хузурига боринг, – дея маслаҳат берди амир Сайфуддин атайлаб орқасидан истаб келиб.

– Менинг Темурбекни нақадар севишим ва ҳурмат қилишимни билурсиз, дўстим. Агар гуноҳим ёки айбим бўлганида эди ўша заҳоти узр тилаган бўлар эдим. Менинг ҳеч қандай айбим йўк. Модомики, шундай экан, айбим бўлмай туриб кечирим сўрасам, қилмаган гуноҳимни бўйнимга олган бўламан. Бу эса янада катта гуноҳ ва хоинликдур. Вақти замони келар, Темурбекнинг ўзи буни англаб етар. Ана шунда биз янада бир-биримизга ишончли ва садоқатли бўламиз! – дея жавоб қилди Идику Темур.

Унинг сўзларида мантиқ бор эди. Амир Сайфуддин оғиз очиб бирор даъфи-жавоб қила олмади. Идику ҳақ эди. Бўлган гапни бориб оқизмай-томизмай Темурга айтганида у ўрнидан туриб кетди.

– Бўлмаса менинг хузуримга турли иғво ва бўҳтонларни ташиб келадиган иту битни киритманглар! – деди амир Сайфуддинга овозини баландлатиб.

– Ҳақсиз, Темурбек! – деди амир Сайфуддин дўстининг сўзини қувватлаб. – Бироқ сиз кеча ёким бугун таниган амалдор ёки амирларингизга шубҳа билан қарашингиз мумкин ва буни англаса бўлади. Бироқ болалиқдан бирга ўниб-ўсган мен ёки Идикуга ўхшаган сиз ила баробар барча оғир-енгил кунларни тотган кишиларга ишонмасангиз, унда билмадим. Биз очимиздан ўлишимиз, Турон юртидан бош олиб чиқиб кетишимиз мумкину, лекин сизга хиёнат қилмаймиз. Биз бу йўлнинг бошида сиз ила бирга эдик. Унинг сўнгига қадар баробар бормоқчимиз! Сизга кўз тиккан душман икки дунёда бизни ҳам соғ қўймайди. Буни мен айтмасам ҳам ўзингиз жуда яхши биласиз. Одатда аксарий хукмдорлар

Ўзини тахтга ўтказганлардан бирма-бир кутуладилар. Буни ўзингиз айтиб юрар эдингиз. Сизнинг бошқалардан фарқингиз ҳам шунда. Дўстни бошингизга кўтариб, душманни ҳам ерга киритиб юбормай ўзингизга эш қиладиган одамсиз. Ўз-ўзингизга қарши борманг дейман! Сўзларим оғир ботса-да мени тушунинг. Бу гапларни ўз манфаатим учун айтаётганим йўқ! – дея сўзини тугатди амир Сайфуддин қора терга тушиб.

Ўнг кўли билан иягини тугтанча ўйга толган Темур анчагача фикрни тўплаб, бир нима демади.

– Ҳақсан, Сайфуддин, – деди анчадан сўнг босиқ овозда. – Шу ерда бир оз ҳаддимдан ошдим. Тан оламан!

У болалик дўстларини бирма-бир сўзлашганда сенсирар, жамоа орасида эса сизларди.

– Идикубек ҳузуримга кириб, шуни яхшилаб англатса бўлар эди-ку?

– Дўстим! Қаҳрингиз кўзиган дамда яқинингизга инсон зоти йўлай олмайди! – очик сўйлади амир Сайфуддин. – Гоҳида умуман қулоғингизга гап кирмайди. Дўст хато ва камчиликка йўл кўйганда унга оддий мулозим каби аччиқ устида муносабатда бўлинмайди. Шу хатоси дўстона тарзда бетига айтилади. Бирор ерда хато кетган бўлсам узр тилайман, – деди овозини пастлатиб амир Сайфуддин.

– Йўқ, дўстим Сайфуддин. Мен қаҳри қаттиқ одамга бундай дўстона гапларни сен айтмасанг ким айтади. Барча оғзингга тикилиб тургандан кейин тўқсон тўққиз гапни ҳақ сўйласанг юзинчисида ноҳақ бўлишинг мумкин. Ҳукмдорнинг кичик бир хатоси ҳам кишилар учун жуда қимматга тушиши мумкин. Барчасини тушунаман. Демак, Идику Темурнинг гуноҳи йўқ.

– Мен шундай фикрдаман!

– Қандай қилсак бу хафачиликни унинг кўнглидан чиқарамиз?

– Ҳузурингизга чорлаб, бир бағрингизга боссангиз етади. У юраги тоза, мард инсон. Кўнглида кири йўқ. Сўнгра унинг мавқесини тиклаб қўймоқ лозим. У ҳар қандай хурматга лойиқдир. Сизга барчамиздан садоқатли. Буни Оллоҳнинг олдида ҳам, бандасининг олдида ҳам сўйлагайман, – деди амир Сайфуддин.

– Бўлмаса барча болалик дўстларимизни мехмонга чақиринг. Бир суҳбатлашиб, хумордан чиқайлик, – деди шу суҳбатдан сўнг Темур ҳорғин овозда амир Сайфуддинга.

Мулозимлар каттакон самбиттол остидаги сўрига жой ҳозирлаган эдилар. Сўридан жой олган меҳмонун мезбонлар ҳолаҳвол сўрашиб, ерлашдилар.

– Хуш келдингиз, сафо келдингиз, азиз дўстларим! – дея ўтирганларга мурожаат этди Темур. – Сизларнинг олдингизда гуноҳим кўп. Вақт топиб доимо аҳволингиздан хабар ололмаيمان. Қусурга боқманг. Бекорга машойихлар мансабга кўтарилган дўст йўқотилган дўстдир, демаган эканлар, – дея бирин-бирин дўстлари билан қайта-қайта сўрашарди Улуғ амир.

– Унда ичимизда соғимиз йўқ экан-да, Темурбек. Сизнинг шарофатингиз билан мансабга минмаганимиз қолмаган, – дея суҳбатини жонлантирди амир Сайфуддин.

– Бироқ ичингизда энг катта гуноҳкор менман. Сиз – азиз дўстларим, доимо кўнглимга қарайсиз. Ҳақ-ноҳақ сизларни тергайман, оғир ишларга буюраман. Шу боис доимо олдиларингизда хижолатдаман.

– Ишқилиб бугун Ўрусхон ёки Малик Ғиёсиддин билан савашиб юриб, эртага айрим дўстларга ўхшаб, Кешга сурувга лашкарбоши бўлиб кетмасак бўлгани! – Аскияни бошлади Кеш беги Аббосбек.

Улар роҳат қилиб кулишди.

– Жойидан олдинг, Аббос. Болалигингда ҳам тилинг заҳар эди, – деди Темур кулгидан тўхтаб. – Гапнинг очиги салтанатнинг бу ғавғо-ю жанжалидан кўра ўша дўстимизга ўхшаб лашкарбошилик қилмоқни орзу этиб қолдим, биродар.

– Дўстингизга чўлиқ лозим экан. Илтимос қиламиз. Сўзимизни ерда қолдирмас, – бўш келмай аскияни оларди Аббосбек.

– Бироқ амир Сайфуддин мenden олдин бориб, ишни битириб, чўлиқликни эгаллаб қўйибди, – жавоб қилди Темур.

– Амир Сайфуддин аралашган иш битмай қолмайди. Эшитдикки, хонимлардан кўшин тузийшга ҳам муҳтарам амир улумаромиз бош-қош эмишлар!

– Бу ишга амирнинг қанчалик алоқаси борлигини билмадим, бироқ сизнинг илтимосингизни менга етказдилар.

– Қанақа илтимосимни? – ҳайрон бўлиб сўради Аббосбек.

– Хонимлар кўшинининг лашкарбошилигини сўраганингизни!

Даврада яна кулги кўтарилди.

– Ундан кўра бориб Идикубекнинг ёнида қўй боқаман. Бу

лавозим учун ўзларидан муносиб номзод йўқ, Темурбек, — дея жавоб қилди Аббосбек. — Ўзингиз мингбоши бўлингу, юзбошиликни дўстларга тақсимланг, тамом. Сих ҳам қўймайди, кабоб ҳам! — бўш келмас эди Аббосбек.

— Розиман! — деди Темур. — Бугундан эътиборан сиз кампирлар юзлигига юзбоши этиб тайинландингиз! Боботурк, фармонни ҳозирлатиб, хонга қўл қўйдириб чиқинг.

Йиғилганлар роса кулишди.

— Шундай Улуғ Хоқондан шул мансаб тегадиган бўлса нима ҳам деймиз. Тақдирга тан берамиз! — елкасини қисиб куларди Аббосбек.

Улар ҳазил-мутойиба билан емак едилар. Шарбат ичиб, мевачева тановул этиб ўтирганларида Темур чуқур нафас олганча Идику Темурга қаради.

— Барчангизга маълумки, азиз дўстларим, — дея босиқ оҳангда сўз бошлади Темур. — Ҳасадчи ва хоинларнинг куткуси билан давлатимизнинг Идикубекдек бир улуғ амиру лашкарбошиси атрофида фисқу фасод гаплар айланди. Агарда Идикубек бор-йўқлиги номаълум, ўткинчи бир киши бўлганларида эди, унинг шахсияти билан кимсанинг иши бўлмаган бўлур эди. Биз барчамиз баробар Оллоҳнинг не-не синовларидан ўтмадик, — не таҳқиру маломатларни бошдан кечирмадик. Пайғамбаримиз ҳазратларининг бошларига ёғилган маломат тошларию, калтакланганларини эсланг. Бунинг барчаси Яратган Тангрининг синовидур. Унга бардош бермоғимиз, сокинлик ва совуққонлик ила қабул этмоғимиз лозим бўлади. Менинг, барчамизнинг болалик дўстимиз, ҳақиқий маънодаги мард ва жасур инсон Идикубек бир-икки ноҳақ тухмату бўхтон ёким фисқу фасод билан синадиган ёхуд изсиз йўқолиб кетадиган шахс эмасдур. Буни менданда яхши билурсиз. Дўстимиз ноҳақ тухматга учраганида ҳимоя эта олмаганим учун ундан узр тилайман! Ҳаёт таомили шундай. Мард бир кун, номард эса ҳар куни ўлади...

— Астағфируллоҳ, Темурбек! Сизда ҳеч қандай гуноҳ йўқ! — деди ўрnidан туриб қўлини кўксига қўяркан Идику Темур. — Астағфируллоҳ, ундай деманг!

— Йўқ, Идикубек, — деди ўша самимий овозда. — Мен кўрпамнинг неча қаричлигини биладурғон ва ўшанга қараб оёқ узатадурғон одамман. Мендан пайғамбар ҳам, авлиё ҳам ясамоққа лузум йўқ.

деган умидда эди. Бу хабарни Улуғ амир ҳам кутарди. Бу ҳақда икки маротаба ундан сўради. Бироқ элчилардан дарак йўқ эди.

Салом ва таъзим ила отларини қистаб, улуғ амирнинг ёнида Тоҳир тарихчи, китобчи Ориф Бухорий ва бахши Ўткун Тегин ҳозир бўдилар.

– Аҳволларингиз нечук, дўстларим? – ҳол сўраган бўлди Темур. – Фотиҳ Темур билан сарсонун саргардон юравериб чарчамадингизму?

– Юрган дарё, ўтирган бўйра дейдилар, ҳазрат, – жавоб қилди Ориф Бухорий тавозе билан. – Сизнинг ёнингизда юриб дунё кўриб, мусофир бўлиб, янада мусулмон бўлмоқдамиз. Норози бўлсак айб бўлур, ҳазрати олийлари.

Темур йўлдошларини зимдан кузатиб бош чайқади-да муддаога ўтди.

– Муҳтарам биродарларим, мени доимо бир нарса ўйлантиради. Назарий томондан олганда Чингизхон Хоразмшоҳларни енгиши мумкин эмас эди. Амалий нуқтаи назардан ҳам. Биз унинг Самарқандни олишини бир муҳокама этайликчи? Тарихчилар Чингизхон Самарқандни самарқандликлар қўли билан олган дейдилар. Сиз буни қандай изоҳлайсиз, муҳтарам Тоҳирбек? – дея тарихчига юзланди Темур.

Бундай қўнуларда сўз кетса ҳаяжонини боса олмайдиган Тоҳир тарихчи ҳафсала билан ҳикоясини бошлади...



## ЎН БЕШИНЧИ БОБ

*Турон мамлакатини бирлаштирган  
куним ва пойтахт Самарқандда сал-  
танат тахтига ўтирганимдан сўнг,  
дўсту душман билан муомалада бир  
текис йўл тутдим.*

Темур

Улар йўл-йўлакай Тоҳир тарихчининг Чингизхоннинг Бухоро ва Самарқандни забт этиши ҳикоясини тинглаб кетардилар. Улуғ Амирнинг ҳикояни диққат ила эшитаётганидан ҳеч ким журъат этиб, емак ва истироҳат вақти келганлигини эслата олмади.

Амир Боботурк эса жалаңглаганча олий кўмондоннинг тўхташи учун қулайроқ жой изларди.

– Буюринг, муҳтарам амирим! – деди кўзи Боботуркга тушган Темур. – От устида элакланган ошқозонлар ҳам ноғора чалмоқдалар. Енгил бир емак ёб олсак бўлармиди?

Кўш ҳам кичикроқ бир сой бўйига етиб қолган эди.

Хизматчилар бир зумда сойнинг салқин жойига саропарда тикдилар. Темурнинг манзили сой бошида бўлиб, қолганлар шу тахлит этакда ўз чодирларини тикар эдилар. Йўл-йўлакай, енгил-елпи овқатланиш учун ошчилар кўй этини думба ёғига қовуриб, каттароқ идишга солиб олишар, лозим бўлган замонда бир неча дақиқада иситиб, устига пиёз ва кўкат тўғраб суфрага тортиладиган бу емак тўймоҳ деб аталади.

Темурнинг дастурхонида Тоҳирбек билан Боботурк бор эди. У ҳеч қачон бир ўзи емак емас, вақтнинг кадрига етгани учун тушлик ёхуд оқшом емаги замонида анча-бунча давлат ва фуқароларнинг ишлари ҳам битиб кетар, табиатан бугунги ишни эртага қолдирмас, кечами-кундузми, от устидами ечилиши лозим бўлган ишларни ҳал қилиб, кўрсатма бериб кетаверарди.

– Ҳикоянгиздан жуда таъсирландим, Тоҳирбек, – деди анор сувини ичар экан Темур хаёлга чўмиб. — Мўғуллар ҳақиқатан ҳам юрт бошига бало бўлиб тушганлар: Оқибатда эса тилу дини-

ни йўқотиб, турклашиб ёхуд форслашиб кетмоқдалар. Бизнинг барлос турклари улар таъсирида мўғуллашганини айтмайсизми? Ҳар бир фожианинг акс тарафи ҳам бўлади. Агар улар Турон юртига бостириб келмаганларида эди, барлослар каби жуда кўп турк қавмлари мўғуллашиб ёким чинлашиб кетар эдилар. Чин ва ё мўғул бўлгандан кўра хунларга ўхшаб ислован бўлмоқ маъқулдир. Бизнинг сахро, чўл ва даштларимиз табиатан инсонни саҳройилаштиради. Денғизбўйи хуш табиатли мамлакатларда яшовчи қавмлар эса биздан кўра кўзи очикрокдир, — сўзида давом этди Темур. — Қани энди исён бостиришу саваш билан машғул бўлмай, кунинг ўтсаю, илм ёки ёзарлик ила шуғуллансанг.

— Сиз Оллоҳнинг иродаси ила тарих ғилдирагининг қай шаклда айланмоғида муҳим аҳамият касб этувчи инсон сифатида яратилгансиз, Темурбек, — жавоб қилди Тоҳир тарихчи чилимини йиғиштирар экан. — Энди сиз учун орқага қайтмоққа йўл йўқ, ҳазрати олийлари.

— Биламан, Тоҳирбек, биламан. Орзуга айб йўқ дейдилар. Ичимдаги дардимни кимга ҳам айта оламан. Сўзим ҳақми, ноҳақми, сизларга айтиб ёриламан-да. Гоҳида эса одамларни ўрганиш ва билиш учун уларга ўзим кўшиқмайдиған фикрларни ҳам айтаман. Шу аснода баҳс ва янги ғоялар дунёга келади ҳамда ўша одамларни синаб кўраман.

Улуғ амир катта тўқнашувлар олдидан камгап бўлиб қолар эди. Айни дамда ҳам у худди шундай ҳолатда, хаёли паришон каби эди. Аслида унинг ўйлари тарқоқ эмас, фақат бир нарсани, бўлажак муҳорабани, иложи борича муаммони тинч йўл билан, қон тўкмасдан ҳал этмоқ йўлларини ўйлар эди. Бироқ бу нарса ҳар доим ҳам унга боғлиқ бўлавермасди. Қаршиларида Чиндан Идил дарёсигача бўлган барча ҳарбий кучларни синдирган, савашавериб пишиб кетган енгилмас қўшин турганлигини ўзини ёғий санаганлардан бири англаса бири англамас эди. Боиси, бу ўрта аср замонида ёнма-ён қишлоқда яшаётган кишилар ҳам бир-бирлари ҳаёти ҳақидаги хабар ва янгиликларни билиб-билмай яшар эдилар. Замон ўз инсонларига, инсонлар ўз замонларига муносиб эдилар.

Турон ўрдуси Балхга етиб қолганди. Улуғ амирнинг қўшинга икки кун ҳордиқ учун руҳсат этилсин деган амри тарқалди. Темур Балхни яхши кўрар эди. У бу ерда салтанат тожини кийган. Буюк Турон амири дея эълон қилинган ва оқ кигизга ўтқазилган



эди. Билқиси суғро ва бонуйи кубро Сароймулкхоним ўзи ардоқлаб юрган буюк бобоси Чингизхоннинг олтин тахтини олиб чиқиб, уни ўтқазган эди. Мана шунга ҳам ўн беш йил бўлибди. Бу орада қанча сувлар оқиб ўтди. Не-не одамлар ўтиб кетдилар, янги авлод туғилиб, ўсиб-унмоқда. Эллик йилда эл янги, қирқ йилда қозон янги дейдилар. Темур ҳам бундай олиб қараса ҳаётининг учдан иккисини яшаб-қўйибди. Қолган умр ҳам осойишта кечадиганга ўхшамайди. У жаҳонгирлик чортоғига қараб от қўйди. Энди улоқни ташламаса бўлмайди. Тоҳирбек айтганидек ортга қайтмоққа йўл йўқ.

Улуғ амирнинг етиб келганидан хабар топган амир Жаку Барлос оёғини қўлига олиб Балх сари учди. Ҳазратга хуш келдингиз демоқчи эди. Бироқ Темур уни жиддий қабул қилди.

– Нечун изн сўрамасдан келдингиз, тоға? – деди у Жаку Барлос билан кўришар экан. – Сиз бу ердан кўра ул тарафда салтанат учун лозимсиз. Қайтиб жўнанг, – деди гапни қисқа қилиб.

Очиққўнгил ва тўғрисўз Жаку Барлос бир оз шошқалоқлик қилганини англади.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, мухтарам Темурбек! – деди икки қўлини кўксига қўйиб йиғига ўхшаш овозда. – Сизни кўришга, дийдорингизга етишдан бошқа нарса кўзимга кўринмабди, жиян. Мен қари бўрини кечиринг. Ҳақиқатан ҳам орқа тарафни бўшатмай туришим керак экан. Энди бунга чуқур англамоқдаман.

Жаку Барлос яна бир-неча оғиз-сўз сўйласа-бола каби ҳўнграб йиғлаб юбориши мумкин эди. У ўзини зўрға йиғидан тийиб турар, юзлари, лаблари, бутун вужуди титрар эди.

– Боринг! – деди Темур унга босиқ, таскин берувчи овозда.

Жаку Барлос ортига тисарилиб, лўкиллаганча чиқиб кетди. Темурнинг кўз ўнгидан унинг эти қочган елкалари, салқиган юзи, аввалгидек ёниб боқмаётган кўзлари ва алпанг-талпанг қадам босаётган гавдаси кетмади. Ва беихтиёр ички бир овоз унга «сен бундан буён ҳаётингдаги энг садоқатли инсон – Жаку Барлосни бошқа кўрмайсан!» дегандек бўлди. Темур сесканиб кетди. Нега уни тергадим? Хафа қилдим? Бир оз суҳбатлашиб, ҳол-аҳволини сўраб, сўнгра йўлчи этсам осмон узилиб ерга тушмас эди-ку, дея ўйлади асабийлашиб. Нега менга тоға авлоди бўлган бу садоқатли одам қалбига озор етказдим? Ахир у мен учун ҳаётини тиккан одам-ку! Одамларга ақл бўлмоққа интиламани, гоҳида ўзим ахлоқ-одоб, инсонийлик худудидан чиқиб кетаман.

Темур ўйга толганча саропарданинг тўридан остонасигача бориб келар, пойгакда эшик оғасининг пайдо бўлишини кутарди. Қайтиб яна эшик томон юраётганда мулозим икки қўлини қорнига қўйиб Улуғ амирнинг кўрсатмасини беклар эди. Юз қиёфасидан ниманидир айтмоқчи эди.

– Сўйланг. Не хабар? – деди Темур унинг қаршисида тўхтаб.

– Фароҳ ҳокими Шоҳ Жалолиддин салом ва садоқат билдирмак илинжида остонада турибди, – деди эшик оғаси.

– Кирсун!

Шоҳ Жалолиддин совға-саломлар билан Улуғ амир хузурига кириб келди. Пешини ўпди.

– Энг яхши совға, бу – сўзда турмоқ ва дуруст инсон бўлмоқдир, – деди Шоҳ Жалолиддинни ўтирмоққа таклиф этиб. – Биз сизни ҳар замон ўзимизга дўст ва қардош деб билганмиз. Қиёмат кўшнингиз сеистонликлар каби ҳинд об-ҳавосидек тез-тез ўзгариб турмаслигингизни қадрлаймиз, – дея Шоҳ Жалолиддин хизматини тақдир этди Темур. – Биз Мозандарон сари отланмоқчи эрдук. Яна Амир Валининг танобини тортиб қўймоқ керакка ўхшайдур. Бироқ некудорийлар ва сеистонликлар исёни режамизни ўзгартирди. Сиз тарафларга от сурмоқ мажбуриятида қолдик. Эрта тонгда Оқ Темур баҳодир Сеистон тараф юради. Сиз ҳам ул дўстимизга черигингиз билан қўшилинг. Қаршимиздаги асосий тўсиқ, Жиза қалъаси забт этилмоғи лозим. Хоинлик бот-бот такрорлангани боис шафқат қилинмасун. Жазо, бизга қарши қилич кўтармоқ ниятидагиларга сабоқ бўлмоғи керак.

Сухбат ярмига етганда Оқ Темур ҳам кириб келган, улар Улуғ амирнинг амрини баробар тинглар эдилар.

Жиза қалъаси атрофидаги ялангликларда буюк ўрду ясол тузди. Қўшинни кўздан кечирган Темурнинг ёнида Алп Туркаш билан амир Боботурк бор эди. Отининг жиловини таққа тортиб тўхтатган Темур ёрдамчиларига ташвишли қаради.

– Бир хатоликка йўл қўйибмиз, иниларим, – деди у безовта овозда бир сухбатдошларига, бир саф тортаётган черикка қараб.

Амир билан махфий бошлиғи талқон егандек сукут сақлаб гап нимадалигини англамай устозларининг оғзига қараб туришарди.

– Ахир, катта юртни, Самарқандни қўшинсиз қолдириб келибмиз-ку! Агар ер юзида бизга қарши душман уруғи қолмаса ҳам Дашти Қипчоқдан бирорта чингизий амирзода,

жуда бўлмаса ўзимиз тахтга ўтқазиб қўйган Тўхтамиш ўғлон от қўйиши мумкин. Сизлар ҳам бу ҳақда айтмабсизлар, – деди Темур афсус чекиб.

– Тўғри, – деди Алп Туркаш бошини ирғаб. – Буни қаранг-а!

Бу фикрга Боботурк ҳам қўшилди.

– Амир Сулаймоншоҳ билан Аббос баҳодирни чакиринг. Иккисини қайтариб юборамиз, – деди Улуғ амир қамчини қалин кўнжли этигига ураркан. – Туркнинг ақли тушдан кейин киради деганлари шу-да, – қўшиб қўйди Самарқандга кетиши лозим бўлган чериклар саф тортган тарафга боқар экан.

Зум ўтмай амир Сулаймоншоҳ билан Аббос баҳодир ҳозир бўлдилар. Улуғ амирдан тегишли фармонни олдилар.

– Самарқандга қайтаётганингизни кимса билмасин! Сўраганларга Сеистон томон юраяпмиз дейсиз! – дея сўнги йўриқни берди бош кўмондон.

Турон ўрдуси Сеистонга етиб қолган эди. Темурнинг Сеистон мулкида пайдо бўлганидан пайтавасига қурт тушган Шох Кутбиддиннинг хос вакиллари Шохшоҳон ва Тожиддин Сеистонийлар оқ байроқ кўтарган ҳолда Темур қўшини томон келавердилар. Темур элчиларни хузурига олиб келишларини буюрди. Улар Темурнинг пешини ўпиб, совға-саломлар ила Сеистоннинг бир йиллик хирожини тақдим этдилар.

Элчилар сўзи тугар-тугамас қалъа дарвозаси очилиб, Сеистон лашкари мўри малаҳдек Темур қўшини томон ташланди. Бундай қалтис дақиқаларда савашишнинг ҳадисини олган Темур агрофини қуршаб турган лашкарбошиларга кескин кўрсатмалар берарди.

– Элчи биродарларимиз узокроқда, ҳибсда сақлансинлар! Ҳадяларимизни ғалабадан сўнгра топширажакмиз! Икки минг нафар энг яхши қуролланган хос навкарлар хабар бўлмагунча пистирмада тураверсин! Муҳаммад Султоншоҳ! Сиз кичик бир черик билан ёғийга юзма-юз бўласиз-да гўёки ўзингизни чўчиган кўрсатиб, ёвнинг қўлтиғига сув пуркайсиз! Улар ўлартириларига қарамай ташланадилар! Эргаштириб, пистирмага олиб келасиз! Ёғий пиёда экан! Суворийларимиз отларига эҳтиёт бўлгани ҳолда хужумга ўтсунлар! Пиёда аскар эгасига шикаст етказа олмаса-да, отини яралайди! Шундан эҳтиёт бўлсинлар!

Жанг бошланиб кетганди. Ўнг минг нафар аскарни жанг майдонида қолдирган сеистонликлар қайтиб қалъага қочиб кирдилар.

Амирзода Али ва Оқ Темурнинг суворийлари қалъа дарвозасини бузиб кириб, ёғийни имкон қадар қийратиб чиқди. Сеистонликларнинг икки кўзи ўзи ҳам савашга киришиб кетган Темурда эди. Темурга бирон кори ҳол бўлса бутун бошли кўшиннинг руҳи тушиб, вазият ўзгарар эди. Темур лашкарбошидан тортиб, оддий навқаргача шундай бир қувват ва ғалабага ишонч руҳини ато этардики, бунга барча бирдек кўникиб қолган эди.

Улуғ амирнинг саваш ичида қиличини яланғочлаб от чоптириб юрганидан чўчиган амирлар пиёда юриб бориб унинг отини етаклаб чиқдилар. От ярадор бўлган эди. Улуғ амирга отилган найза отига теккан эди.

Амиру лашкарбошилари бир амаллаб кўндирган Малик Қутбиддин Зуранж Ҳисордан чиқиб, бошини эгганча Темур ҳузурига келди. Узр тилади. Темур унга қимматбаҳо совғалар бериб, кўнглини кўтарди. Бироқ шу дақиқада яна қалъадан ўттиз минглик кўшин отилиб чиқди. Сўнгги ва ҳал қилувчи жанг бошланган эди. Темур ўрдуси Ҳисорнинг барча тарафдан бирданига ҳужумга ўтиб, уни эгаллади ва бузиб ташлади. Малик Қутбиддин кўшинининг асосий қисми жангда ҳалок бўлди. Турон ўрдусига ҳам катта талофат етганди.

Чодир курилган тепалиқдан атрофни кузатиб турган Темур ҳузурига келтирилган Малик Қутбиддиннинг қўлидаги занжирни ечишни ва унга сув беришларини буюрди. Унинг ёнида Сеистоннинг номдор кишилари, саййидлар, уламолар ва қозилар бўлиб, барчаси ерга қараган, Улуғ амирдан меҳр-шафқат кутардилар. Малик Қутбиддинга бир муддат тикилиб қолган Темур барчага эшитарли оҳангда амр қилди:

– Малик Қутбиддин раияти билан Самарқандга кўчирилсун! Бу юртнинг қозилари, саййидлари ва уламою акобирлари Фарох ҳисорига Шоҳ Жалолоддин ҳузурига юборилсун!

Кўшин йўлида давом этарди. Темур хомуш эди. Бу сафари давомида тинимсиз савашмоққа тўғри келаётир. Лашкар бирор ҳафта ҳам жангсиз тургани йўқ. Бир исёнчини тинчитсанг, иккинчиси бош кўтаради.

– Биз Искандар Зулқарнайн, Махмуд Ғазнавий ва Чингизхонлар фатҳ этган ва маълум бир муддат яшаган, муҳим аҳамиятга молик шаҳар Бустга келмоқдамиз, ҳазрат, – деди отини ниқтаб Темурга етиб олган Тохир тарихчи.

Тоҳирбекка кўзи тушган Улуғ амирнинг дили ёришгандек бўлди.

– Келинг, тарихчим. Қаерларда қолиб кетдингиз? Сўрамасам ташриф буюрмайсиз чоғи, – гина қилган бўлди Темур. – Сиз мендан узоклашманг. Кўзимга яқин юринг. Буст ҳақида яна нималарни сўзлаб берасиз?

– Буст бу худуднинг, умуман, бу тарафдаги ўлкаларнинг жўғрофий ва иқтисодий нуқтаи назардан асосий шаҳарларидан бири саналадур. Шаҳар Аргандоб дарёсининг Хилманд наҳрига келиб қўшиладиган ерида жойлашган. Турон ва Румдан Ҳиндистонга борадиган уч савдо йўлининг иккитаси Бустдан ўтади. Бу йўллар Мўлтон ва Панжобга боради. Шу боис Бустни эгаллаш салтанат учун ғоят муҳим аҳамиятга эгадир, улуғ хоқоним, – дея сўзини мухтасар қилди Тоҳир тарихчи.

– Ташаккур, Тоҳирбек! Иншооллоҳ, Бустни олажақмиз. Бирок унғача яна уч муҳим қалъа – Зова, Тоқ ҳамда Кўка қалъаларини забт этмоғимиз лозим эркан. Бусиз Бустни олиб бўлмайдур, – деди Темур хаёлига қандайдир муҳим бир фикр келди чоғи беихтиёр амир Боботурк томон ўгриларкан. – Самарқанддан Туман Некудорийнинг таъзирини бермоқ учун чиққан эрдук. Бироқ уни баргараф этиш ёки ўзимизга эл қилиш борасида ҳеч кимдан садо чикмайдур, – ёш амирга юзланиб деди. – Ул азамат ўзига тегишли худудларда ғарбу шарқ карвонлари нари турсин, мушукни ҳам ўтказмаётган эмиш.

– Маълумингизким, устоз, амир Сайфуддин жаноблари Туманбек билан эскидан ошна, борди-келдиси ҳам бор эди. Зораки, бориб уни яхши гап билан яна ўзимизга эл қилсалар, – фикр билдирди амир Боботурк.

– Маъкул фикр. Чорланг!

Зум ўтмай Улуғ амир жиловида амир Сайфуддин ҳозир бўлди. Амир ила баробар Арғун Барлос, Севинчак Баҳодир ва амир Муҳаммад Шер Баҳромлар ҳам ташриф буюрган эдилар. Улар Темурнинг нима мақсадда чақираётганини билиб, бу кўнуда тўрталасининг ҳам гапи бир ердан чиққанлиги боис Улуғ амирнинг олдидан ўтмоқ ниятида эдилар.

– Бизлар ҳам шу хусусда ҳузурингизга келмоқчи бўлиб турган эрдук, – деди амир Сайфуддин Темурнинг не мақсадда

сўратганини билиб. — Рухсат беринг, уни силаб-сийпаб, яхши гап билан ўзимизга эш қилайлик. Ҳар ҳолда у ҳам элининг қони тўкилишини истамаса керак.

— Кўнмаса ўзларингиз ўша ерда қолиб, менга чопар юборинг. Амирзода Мироншоҳни кўшини билан юбораман. Бу муаммони биргаликда ҳал қиласиз! — деди Темур уларга кўрсатма бериб. — Имкон қадар уни кўндиришга уриниб кўринг.

Бироқ амир Туман Некудорий йигирма йиллик қадрони амир Сайфуддиннинг сўзига кулоқ солмади. Амир Темурдек инсонга муҳолиф бўлиш ақлга тўғри келмайдиган иш эканлигини унга тушунтириб бўлмади.

Сўзи қайтганда Темурнинг бир ғазаби ўн бўларди. Амир Сайфуддиндан ижобий жавоб келмагач, у амирзода Мироншоҳни йўқлатди. Сўнгра Алп Туркашни чақиртирди. Гап не хусусда кетаётганини фаҳмлаган соҳибхабар изн сўраб, ахборот берди.

— Ҳозиргина хабар олдик, ҳазрат! Амир Туман Киж орқали Макронга йўлга чиқибди. Кўшини Гармсир даштида эмиш. Сараланган кўшини ҳамроҳлигида худудидоғи барча қавм ва қабилалар бошлиқлари билан ўзига садоқат сақлаш ҳамда бизга қарши курашмоқ ҳақида музокаралар олиб бормоқда. Иккиланган ёки айтганига кўнмаганларни йўқ қилиш билан кўрқитмоқда экан, — дея сўнгги маълумотни берди от чоптириб келгани учун тез-тез нафас олиб, хансираб сўзлар экан.

— Собиқ биродаримиз ўзгаларга ўлим тилагунча ўзига ва элига умр тиласа маъкул бўлур эди, — деди Темур ўйга толиб.

Оғир савашлар олдидан уни ўй босарди. Бир неча сония кўзини юмиб туриб, сўнгги қарорга келарди.

— Амирзода Мироншоҳни бир синаб кўрайлик-чи. Ул кишим ҳам уч кам йигирмага кириб қолдилар. Қани бир кучларини кўрсатсинлар-чи, — деди Темур Боботуркга амирзодани чорланг деган маънода имо қиларкан.

Амирзода отдан тушиб, қиблагоҳи қаршисига келиб тиз чўкканида Темур юзидан ёшлик ғурури, ҳаёт ва яшаш завқи барқ уриб турган ўғлига ҳавас ва меҳр билан тикилиб турарди.

— Ўзингизни кўрсатмоқ замони келди, амирзодам, — деди Темур аллаловчи овозда. — Ҳозироқ кўшинингиз билан Сеистон томон юриб, сувни лойқалатаётган амир Туманни қувиб етиб, ҳузуримга олиб келасиз. Мен уни хурмат қилар эдим. Ундан

яхшилик ҳам кўрганман. Ярадор бўлганимда уйида ётиб даволанганман. Бироқ у барча илиқ муносабатларимиз устига ўйламай-нетмай чизик тортди. Энди ўзидан кўрсин! Оллоҳ сизга йўл берсин, амирзодам! – дея ўглини йўлчи этди улуғ Амир.

Бу каби саргузаштларга ўч ёш амирзода бот-бот таъзим бажо келтириб, оти томон юрди. Темур Алп Туркашга «кўз қулоқ бўлиб, ўзингиз ёнида юринг» дегандай бош ирғади. Улар от кўйиб, Гармсир дашти томон йўлга тушдилар.

Амир Туманни топмоқ қийин кечмади. Мироншоҳ Мирзо катта қўшинини черикларга бўлиб, бир-бирлари билан алоқа қилган ҳолда ёғийни изламоқни буюрди.

Мақрон сари кетаётган амир Туманнинг хабарчиси юз чоғли отлик атрофга аланглаб, кимнидир ахтараётганини айтиб келди. Амир воқеалар оқими қай томон кетаётганини фахмламай қолмади. Унинг шу дақиқада ёнида бўлган суворийлари бир ярим мингча бўлиб, қўшимча кучи ҳам бор. Бу босқинчиларга сабоқ бермоқнинг фурсати етибди деб ўйлади. Қайтиб орқамдан қувмайдиган қиламан. Шу мақсадда дарҳол ясол тузиб, орқа тарафдан келаётган юз чоғли черикни чошиб ташлашни буюрди. Ўзи исфаҳоний қиличини ўйнатганча, олдинда учиб борар эди.

У асл вазиятни саваш бошланиб, тўрт тарафдан каттакон қўшиннинг чериклари хужумга ўтганда англади. Бироқ фурсат кечган, ҳайит ўтган эди.

Ур-тўполонда навкарлари амир Туманни кўздан қочирдилар. Амирзода Мироншоҳнинг баҳодирларидан бири танимай унинг бўйнига қилич солди. Узилган бош амирники эканлигини билмас эди. Темурнинг савашда ёғий шоҳлари, амирлари ва лашкарбошилари тириклайин тугилиши, ўлдирилмаслиги ҳақида фармонига барча бирдек амал қиларди. Саваш сўнгига қадар унинг ҳалок бўлганини ҳеч ким билмади.

Бир ярим минг чоғлик аскар асир тушди. Амирзода амир Туманнинг қочишидан чўчиб, уни излашга фармон берди. Мироншоҳ Мирзонинг сўзини эшитиб турган Туманнинг асир тушган юзбошиларидан бири унинг ўлганлигини айтди.

– Яхши бўлмабди. Ким бу ишга қўл урди экан? – деди хафа бўлиб амирзода Мироншоҳ.

Бироқ амирни ким ўлдирганлигини дастлаб аниқлаша олинмади. Кейинчалик уни Кучук баҳодир ўлдиргани, ўзи ҳам шу жанг-

да шаҳид кетганлиги маълум бўлди. Амирзода амир Туманнинг боши кесилганини эшитиб юзбошига ўликлар ичидан уни топишни буюрди. Кўп ўтмай унинг қон қотиб қолган калласини олиб келдилар. Амирзода нима қиламиз дегандек Алп Туркашга қаради.

– Улуғ Амир мағлуб томон кўмондонининг бошини олиб келишларини ёқтирмайдилар. – деди Алп Туркаш узилган бошни амир Туманники эканлигини тасдиқлаб.

– Унинг ўлганига қиблагоҳ ишонмасалар-чи? – деди Туркашнинг фикрига қўшилмаган оҳангда амирзода.

– Сиз не десангиз шул бўлғай, – амирзоданинг раъйига қарши бормади Алп Туркаш.

Мироншоҳ улуғ Амир оёғи остига ташлаш учун бошни халтага солиб олишларини буюрди.

Кўшин эртаси куни кечқурун Олий Ўрду қароргоҳига етиб келди.

– Ҳарҳолда бош солинган халтани шу ерда қолдилинг. Ҳазрат сўрасалар олиб борасиз. – деди Туркаш амирзодага шивирлаб.

Темур шоҳона саропарда олдиға қўйилган тахтда ўтирар, ёнидаги амиру лашкарбошилар билан ниманидир муҳокама қиларди. Амирзода билан соҳибхабарға кўзи тушғач, қараб қолди. Улар етиб келиб, тобуғ келтирдилар.

– Жаҳон амирзодасининг катта ғалаба ила муборакбод этсангиз бўлур, ҳазрати олийлари! – деди Алп Туркаш.

– Қутлаймиз, қутлаймиз! – деди Темур амирзодаға тикилиб. – Бу амирзода учун қаҳрамонлик эмас, вазирадур. Қиёфаларингга қараганда амирни ўлдурган кўринасизлар, – сўзида давом этди синчков Темур уларға зимдан боқиб.

– Шундай, ҳазрати олийлари. Юз суворийли черигимиз устиға ўзи от қўйди. Кучук баҳодир уни танимасдан чопиб ташлабди. Сўнгра ўзи ҳам шаҳид бўлибди, – амирзода учун жавоб берди Алп Туркаш.

– Мени ишонтириш учун бошини ҳам олиб келгандирсиз? – қиёфаси ўзгарди улуғ Амирнинг.

– Шундай!

– Муҳтарам амирзодамиз одам ўлдирмоққа шошмасалар бўлар эди. – деди анчадан сўнг ўғлиға қараб.

Амирзода Мироншоҳ терға тушиб, нима дейишини билмай ерга қараб турарди.



— Ҳали бул каби ишларга улгурасиз, ўғлим. Савашда-да, тинч замонда-да инсон ҳар бир ишга диққатли бўлмоғи лозим. Мен уни хузуримга тириклайин олиб келишингизни истаган эрдим, — гапида давом этди Темур. — Пешонасига шул қисмат ёзилган экан бечоранинг. Балки бу ҳол унинг ҳаётининг қонуният асосидаги якунидир. Ботир қони юракка, хоин қони челаққа томадур. Айтингиз, унинг авлод-аждодига, бола-чақасига тегмасинлар! Унинг иззатини жойига қўйиб кўмсунлар. У барибир яхши одам эрди. Бизни қабул эта олмаган бўлса бу унинг фикри ва феълидан. Не бўлса барчаси яратган Оллоҳдин! Сизга руҳсат, амирзодам, — деди Темур Туркашни қолмоққа даъват этиб.

— Сиз ул тарафга кетганингизда хабар олдук. Мархум амирнинг вилояти ва элидан бўлмиш тўқай элати ўз юзликлари билан Хизорпаз ҳисорини эгалладилар. Мамуқбу ва Қизилқалъа ҳам уларнинг илгида эмиш. Зудлик билан махфийларингизни ва катта бир қоровул қисмини ҳозирок юборишга тўғри келади. Оллоҳ ўлдирмаса, эртагаёқ йўлга чиқамиз. Ҳозирча бу режани сиздан бўлак кимса билмайди...

Қўшин Хилманд дарёсининг сўлим соҳилида турар, жангчилар ювиниб-тараниб, отларини чўмилтиришар, кир-чирларини тамизлашарди. Катта дошқозонларда шўрва қайнар, тандирчилар ерўчоқ ва тўнкарилган қозонлар устида узлуксиз нон пиширишарди. Қаерда жангга ҳозирлик кўриш, истироҳат қилиш ёки қай бир мақсадда тўхтаганидан қатъи назар лашкар турган жой атрофи бир-бирига занжирбанд қилинган аравалар билан маҳкам ўраларди. Шох-шаббалар ва ёғочлар билан тўсилиб, гир айланасига четан девор қўйиб чиқиларди. Бу вақтинчалик истехком кундузги соқчи бўлинма — азақ ва тунги соқчи қисм — талоя воситасида кўриқланар эди.

Ёғий кўриниши билан лашкар ҳандақ истехкомдан чиқиб сафга туриб, ясол тузар ва душманни қаршилар эди. Юриш ва саваш даврида тартибсизлик ва орага ёғий суқулиб киролмаслигининг олдини олиш учун ҳар бир ўнлик, юзлик, минглик, бўлинма ёки қисмнинг махсус пароли бўлар, буни ўрон деб атар эдилар.

Бустдан сўнг Тахти Сулаймон эли, сўнгра тоғларга яширишиб ҳожилар ва қарвонларни таловчи тоғли авғонийлар ҳамда шу атрофдаги ҳеч бир ҳокимиятни тан олмагувчи бошқа қабила ва қавмлар бўйсундирилди. Қандаҳорни Жаку Барлоснинг ўғли Жаҳоншоҳ фатҳ этди ва унинг ўжар доруғасини дорға оеди.

Қандаҳор томон йўл оларкан, Темур хос чопари Эртўғрул Туронни совға-саломлар ва зар хошияли мактуб билан Ҳиротга, Жаку Барлос хузурига юборди. Мактубда куйидаги сўзлар битилган эди:

*«Азиз ва улуг аждодим, Жакубек! Сизни мароқли суҳбатингиздан баҳраманд бўлмай туриб, қайтариб юборганимдан бери кўнглимда бир хижиллик бор! Мен қаттиққўл инсонни кечиринг! Агар сизнинг менга қилган яхшиликларингизни билмасам ва кўрмасам кўзимга зиён. Кеш ва Омонқўтон тоғларидаги оғир, парча қотган эмакни бўлиб еган машаққатли кунларимиз ҳамон кечагидек кўз ўнгимда. Шунда мен ҳаётимдаги энг оғир ва даҳшатли зарбани едим. Она ватанимда, киндик қоним тўкилган муқаддас Кеш тупроғида, амиру бек, лашкар-ру хизматчи бир кечада мени сотдилар ва қочдилар. Атрофимда сиз азиз инсондан бўлак кўмса қолмади. Ҳатто отларимизни ҳам олиб кетишган эди. Шундай дақиқада ёнимда биргина сиз бор эдингиз, мухтарам тоғам! Тоға ўлтурган томнинг устига чиқма ёким бир тоға етти отанинг ўрнига ўтади дея бежизга айтмайдилар. Биз Буст ва Қандаҳор сари кетмоқдамиз ва фарзанди анжумандингиз Жаҳоншоҳбек узангимизда муқим туриб, ўзининг ҳақиқий аслзодалигини, турк бегига хос хислатларини кўрсатмоқдадир. Фақат сиздек улуг, шон-шарафли, шавкатли инсоннинг ўзелигина шундай етук, мард ва жасур бўлиши мумкин! Мактубни қўлга олгоч, қўшинингиз ила биз томон етиб келинг! Қандаҳор ва унинг теварак-атрофидаги ҳудудларни фатҳ этиб, сизнинг илгингизга топширажасман! Боиси, сиз бу сарҳадлардаги қавмлар билан қай тилда кўнушмоқни барчадан яхши билурсиз! Бугун биринчи даражали амирлик унвонига соҳиб бўлган амир ул-умаро Жаку Барлоснинг ўзели амир Жаҳоншоҳ Барлос ёнингизда бўлажасак. Сиздек бутун ҳаёт-мамотини Улуг Турон юртининг озодлиги ва бирлигига бағишлаган буюк инсоннинг оғирини энгил қилажасак!*

*Сиздан яна бир бор узрлар тилаб, бағримга босиб:*

*Темур Муҳаммад  
Тарагай ўзели»*

Мактубни қўлга олиши билан амир ул-умаро Жаку Барлоснинг кўзидан селдек ёш куйила бошлади. Кўз ёшларини арта-арта енгини хўл қилган кекса амир бир варақ қоғозни қарийб ярим соат ўқиди. Хатни ўқиб тугатгач, хўнграб йиғлаб юборди. Хос чопар Эртўғрул Турон уни кучоқлаб бағрига босди.

– Улуғ хазрат сизни барчадин ортиқ севадилар! – деди у амир ул-умарога таскин берган бўлиб. – Ҳазрати олийлари имконингиз бўлса бирга йўлга чиқишимизни тайинладилар.

– Қанот боғлаб учамиз, авлодим! – деди Жаку Барлос хириллоқ овозда. Темурбек ила бирга бўлмоққа узок йиллар давомида ўрганиб қолган эканман. Хиротда етимга ўхшаб қолдим. Инсон ўзга юртда шоҳ бўлса ҳам ватан муҳаббати ғарибга айлантириб қўяр экан, – армон билан сўзларди амир Жаку Барлос.

Сўнгра хос мулозим ва ёрдамчиларига сафар тадоригини кўришга амир берди.

Темур амир ул-умаро Жаку Барлоснинг келаётганидан хабар топиб, кутиб олмақ учун истиқболига чиқди. Бундан хижолат чеккан Жаку Барлос отдан тушганча пиёда ҳаллослаб улуғ Амир томон келарди. Жаку Барлоснинг самимият ва садоқат акс этган ҳаракатларини кузатиб завқланиб турган Темур ҳам отдан тушди.

Кўришганларида иккисининг ҳам кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Улар бирга пешин намозини ўқишиб, йўлда давом этдилар. Уларни Қандаҳор фатҳининг бош қаҳрамони, амир Жаҳоншоҳ Жаку Барлос қарши олди. Сафга тизилган ўн мингларча лашкар улуғ Амир ва меҳмонлар ташрифига салом ва шараф сўзлари айтдилар.

Қандаҳорнинг энг катта саройида фатҳ шарафига зиёфат берилди.

Буюк Турон амира бу тўплантида ўзининг сўнги фармонини эълон қилди:

– Бизнинг шарафимиз ва шаън-шавкатимиз учун курашган барча лашкару лашкарбошиларга, амиру мулозимларга хурмат ва эҳтиромларимиз! Бу улуғ жиҳодда шаҳид кетганларни Оллоҳ раҳмат этган бўлсин! Турон салтанатида Амир Темур сўзим! Амир ул-умаро Жаку Барлос Қандаҳор шаҳри ва унга боғлиқ вилоятлар ҳокими этиб тайинлансун! Марҳум амир Туман зўрлик ила эгаллаб олган Никудорийлар эли ўзининг асл эгаси Сайфол Никудорийга қайтариб берилсун! Музаффар Турон ўрдуси икки кун истироҳат этиб, сафар ҳозирлигини кўрсун! Қандаҳорда бу худудларни ҳимоя қилишга қодир бўлган миқдорда лашкар қолдирилсун!

Улуғ Амирнинг ўнг ва сўл тарафида ўтирган амиру лашкарбошилари бош ирғаб, фармонни маъқулладилар. Бу воқеалар шаввол ойида, етти юз саксон беш тарихда, турк тақвими бўйича тўнғиз йилида кечаётган эди.

Тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди...



## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

*Беткай кетар, бел қолар, беклар  
кетар, эл қолар.*

Халқ сўзи

Қандаҳордан Самарқандга қадар уч хафталик йўл эди. Жадал юрган кўшин ўн беш кун деганда пойтахтга кириб келди.

Улуғ Амир Самарқандга етиб келганидан етти кун сўнгра амир ул-умаро Жаку Барлоснинг вафоти хабарини олди. Бу воқеадан астойдил қайғурган Темур амир Боботурк бошлиқ бир неча кишини ўз номидан кўнгил сўраш учун Жаку Барлоснинг ўғли Жаҳоншоҳ Жаку хузурига юборди. Боботуркнинг кўлида Жаҳоншоҳ Жакуни отаси ўрнига Қандаҳор ҳокими этиб тайинлангани ҳақидаги фармон бор эди.

Турк улуси таквими бўйича сичқон йили бошланган, саройга яқин кишилар ўзаро пичирлашиб, улуғ Амирнинг яқин ойлардаги режалари, қай томон отланиш эҳтимоли ҳақида баҳслашишарди.

— Энди Мозандарон ҳокими Амир Валининг хуни тўлганга ўхшайди, — деди қурол-яроғ сотувчи дўконнинг соҳиби қуролсоздан қилич, қалқон, найза ва дубулғаларни бирма-бир кўриб олар экан.

Лашкар кийимида бозор кезиб юрган Темур шундоққина қаршидаги эгар-жабдук дўқонида уларнинг суҳбатини диққат билан эшитиб турарди. Негадир Темурга дўқончининг овози танишдек туюлди. Дўқон пештоқи шифтига осиб ташланган қурол-яроғлардан унинг юзи кўринмас эди. Ниҳоят у дўқончини таниди. У Темурнинг лашкарбошларидан бири, машҳур Менгли Буға эди. Нега тужжорлик қилиб юрибди бу азамат, хаёлидан ўтказди. Индамай йўлида давом этди.

Самарқанд бозори каби ранго-ранг бозор етти иклимда йўқ эди. Темур ҳаётининг баланд-паст кунларида кириб юрган бу бозорни севар, вақти-вақти билан бир айланиб, хумордан чиқар эди. Бозор кечаю кундуз давом этар, одамнинг жонидан бўлак ҳар нарсаси бор эди.

Темур бозорда бемалол тирикчилигини қилиб юрган насронийлар, ўтга чўқинувчи қавм вакиллари кўриб кўнгли хотиржам бўлди. Демак, мусулмонларимиз буларга душманлик кўзи билан қарамайдилар. Ҳар бир инсон Оллоҳнинг бандаси деб қарайдилар. Қандай яхши. Сулҳ ва бирлик бор жойда баракат ва тинчлик бўлади.

Сўнги ҳисоб-китобга кўра шаҳар аҳолиси юз эллик мингдан ошиб кетган. Бу ерда дунёда неки миллат бўлса бор. Уларнинг барчаси ўзларини Улуғ Темур давлатининг ватандоши деб биладилар ва бу билан фахрланадилар. Дарвоқе, салтанатдан ташқари ерлар ҳам Темур мамлақати юртдоши бўлганлиги боис уларнинг молу жонига кимса қасд қилмас, «Темур сўзи, эшитган одамни хушёр тортдирар эди.

Темур амир Боботурк билан шаҳар айланиб қайтарқан, нега Менгли Буғанинг дўкондорлик қилаётганини сўради.

– Унинг ота-боболари қурол-яроғ тужжорлари бўлишган дейишади. Ҳатто Сарой Боту ва Ҳожитархонда ҳам шундай дўконлари бўлган экан. Ота касбни ташлагиси келмаган бўлса керак, – жавоб қилди амир.

Улуғ амир шоҳона либосларини кийиб тахтли хона томон юрганда кўринишхонада Менгли Буға турарди. Темур бир зум ҳайронлигини яшира олмай, унга қараб қолди.

– Ваалайкум ассалом, мухтарам қипчоқ амири, – дея унинг саломига алик олди. – Марҳамат қилинг. Бир оз суҳбатлашамиз. Сизни кутилмаганда роҳатсиз этдим.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Хизматлари бош устига, – қипчоқ лаҳжасида жавоб қилди Менгли Буға.

Сўзида турадиган, бошига қилич келса ҳам рост сўйлайдиган бу қипчоқ бегини Темур ҳурмат қиларди. У илгари Туғлуқ Темурхоннинг лашкарбошиси бўлиб, Темурга қарши савашган эди. Темур унга одам юбориб, ўзи томон ўтишини сўраганди.

– Мен Темурбекни инсон, лашкарбоши ўлароқ қадрлайман. Бироқ ул кишимга маълумки, Туғлуқ Темурхоннинг лашкарбошисиман. Ҳозир ўз хонимдан юз ўгириб, Темурбек тарафига ўтиб кетсам, мен ҳақимда Темурбек ҳам яхши фикрга бормасалар керак. Модомики, ҳар икки тарафнинг чекига ҳам савашмоқ тушган экан, савашайлик. Қолганига худо пошшодур, – дея жавоб қилган эди Менгли Буға Темурнинг элчисига.

Савашда Темур лашкари ғолиб келди. Менгли Буға енгилди. Енгилса-да мардларча енгилди. Шундан сўнг у Темур хузурига бош эгиб келди.

– Сизга тан бердик, Темурбек! Сиз биздан ақлли ва кучли эканлигингизни исботладингиз. Эс-хуши жойида ҳар қандай лашкарбоши сиздек одамга хизмат этмоқни орзу қилади. Қолган черигим билан ўрдунгизга олсангиз. Садоқат била хизмат этмоққа сўз берурман, – деди Менгли Буға Темур қаршисида тиз чўкиб.

Менгли Бугани суяб ўрнидан тургазган Темур унинг устига ўзининг шоҳона хилъатини ташлади. Ҳадялар тақдим этди. Лашкарбоши яшаётган ўлка ҳокимлигини берди. Менгли Буға бунчалик иззат-икром кутмаган эди. Ҳаяжондан кўзига ёш олди. Шу-шу у Темурнинг энг ишончли одами, дўсти бўлиб қолди.

Темур уни қаршилар экан, шу воқеалар хаёлидан кечди. Улар анчагача суҳбатлашиб ўтирдилар.

– Туппа-тузук дўкондор экансизу, бекорга бизга эргашиб савашиб юрган экансиз-да, амирлашкар – деди ниҳоят Темур кулиб.

– Ота касб, ҳазрат. Мен учун дам олишнинг бошқа усули йўқ. Сизга ўхшаб, овни ёқтирмайман. Лўли шоҳ бўлганда ҳам саройи ичида тиламчилик ўйини ўйнагандек, мен ҳам ҳар куни бир марта дўконга келиб кетмасам хаёлим жойига тушиб, хуморим ёзилмайди, – жавоб қилди Менгли Буға самимий оҳангда.

– Бўлмаса ҳозирлик кўринг. Биргалашиб бориб Амир Валини тавбасига таянгириб келайлик, – деди Темур унга маъноли қараб қўяркан.

Менгли Буға шошиб қолди. Махфийлар бугун гапирган сўзимни етказишибди дея ўйлади хижолат чекиб.

– Ташвиш чекманг, Менглибек. Фақат дўст сифатида бир илтимосим бор. Саваш ва юришларимиз ҳақидаги гаплар сизнинг оғзингиздан чиқмасун. Агар сиз кичик бир дўкончи ёки қосиб бўлганингизда бошқа гап эди, – дея уни тезроқ хижолатдан қутқарди Темур.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, ҳазрат. Бу каби эҳтиётсизлик бошқа такрорланмайди, – деди қора терга тушиб қипчоқий амир.

Хижолатдан унинг қорамтир юзи кўкариб, қисик кўзлари юмилиб қолгандек эди.

– Ҳечқиси йўқ. Сизни келажак учун асрашимиз керак. Боиси, Менгли Бугадек лашкарбоши ҳар куни туғилавермайди, – деди

Темур уни кўнглини кўтариш учун. — Ҳасадчилар бу каби гапларни менга бошқача оҳангда етказишлари мумкин. Шундан эҳтиёт бўлмоғингизни рижо этамен. Сиз нафақат садоқатли, энг муҳими, лаёқатли инсонсиз. Аксарият хукмдорлар лаёқатли ёрдамчилардан чўчиб, фақат садоқатли кишиларни истайдилар. Лаёқатсиз инсон меҳру садоқатда ҳам лаёқатсиз эканлигини чуқур ўйлаб ўтирмайдилар. Суҳбатнинг қолганини сафарда давом этдирамиз!

Бу кутилмаган чорлов ва мулоқотдан ўзини йўқотиб қўйган Менгли Буға улуғ Амирнинг қабулидан қандай чиққанини билмади. Дўкониғача пиёда кетди. Оғзи қонга тўлса ҳам душмани олдида тупурмайдиган Менгли Буға ҳаётида бу қадар изза бўлмаган эди.

Темур унинг саҳийлиги, барчага бир кўзда қараши, салтанат учун моли-жонини аямаслиги учун яхши кўрарди. Одатда саҳройилар орасидан динини маҳкам тутган, хайри-саховат эшигини очиқ тутадиган кишилар кам чиқарди. Қипчоқ даштининг давлатмандларидан саналмиш Менгли Буға дарёдан сув бағишлаган одам эди. Сафарда кўшинга озиқ-овқат етмай қолганида у кўйнида асраб юрган жамики олтин тангаларини бағишлади. Ўша пайтда бунчалик нақд олтин Темурда ҳам йўқ эди. Унинг саҳийлигидан хайратга тушган Темур олтинининг бир қисмини қайтариб олишини сўраганида Менгли Буға берган жавоб янада хайратомуз эди.

— Олтинни илон қўриқлайди, Темурбек. Одам зотининг бойлиги кўпайгани сари у аввал қўриқчи илонга айланади. Сўнгра илонсифат одамга! — деган эди у киприк қоқмай. — Орқалаб қаерга ҳам олиб кетамиз? Авлодинг ким бўлмасин ўзи меҳнат қилиб топмас экан, сендан қолган мулкни қадрламайди. Уларга балиқ емоқдан кўра балиқ тутмоқни ўргатмоқ керак. Борлиқ бир бало бўлса, йўқлик минг бало. Жўқлик жўмардни жиғар дейди бизнинг қипчоқларда.

Темурнинг кўз ўнгида Менгли Буға билан илк танишган кунлар жонланди. У бу пайтларда вазиятни ўрганиб, куч ва имкониятларини чамалаб мўғул хони Илёсхожага қарши курашни бошлаш арафасида турарди. Менгли Буға эса Темурнинг хузурига келиб, унинг хизматига кирмоқ тараддудида юрарди. Қипчоқ бегининг қобилиятидан хабар топган Туғлуқ Темурхоннинг амирлари уни илиб кетган эди.

...У Кешнинг кунчиқиш томонидаги боғ ўртасига қурилган кўшқда китоб ўқиб ўтирарди. Қишлоқ тарафдан қаландар ва дар-

вешларнинг «Уламолар фатво бердилар!» «Турон юртининг халоскори Темур Туркоғайдир!» «Улус бошини Темур кўшажак!» «Айрилганни айиқ ер, бўлинганини бўри ер!» дея жар солишарди. Темур уларнинг бу хил чақириқларига кўнигиб қолган, кейинчалик эса энсаси қотадиган бўлди. Бу чақириқлар унинг рақиблари қонини қайнатар, Темурга қарши тиш қайраётган кучларни бирлаштирар эди. Шу куни унинг ҳузурига келаётган Менгли Буға қирқ нафар қаландар ва дарвешнинг бир ойлик емак ҳақини бериб, бутун Туркистон ўлкасига шу оҳангда жар солиб, айланиб чиқишни топширибди. Бу ҳақда Темурга бир йилдан сўнг амир Боботурк ҳикоя қилиб берган эди.

Бу ишлар Темурдан бошқа ҳеч бир ҳукмдордан кўрмаган иззат-ҳурмат ва илтифотни, ислом динига рағбатни кўрган аҳли уламанинг иши эди. Шунда Темур диннинг асл кучини кўрган эди ва Оллоҳнинг ана шу ҳақ динисиз ўзининг буюк мақсадига ета олмаслигини англаганди.

Темурнинг дини ислом йўлидаги жиҳоди барча ўлкаларда тан олиниб, илгариги ва кейинги авлод ислом олимларининг барчаси бир оғиздан иттифоқ бўлиб, Аллоҳи таоло ҳазрати рисолатпаноҳ пайғамбаримиз, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, унинг динини тарқатиш учун ҳар юз йилда бир кишини динни янгиловчи сифатида ихтиёр этади. Саккизинчи юз йилликнинг бошида Амир Соҳибқирон ҳақиқий динни ривожлантирди ва ҳар томонга ёйди. Ҳақли равишда бу асрда диннинг тарқатувчиси Амир Темур Соҳибқирондур дея тасдиқлаб, фатво бердилар.

– Мен Оллоҳнинг оддий бир қулиман! Бул каби улуғ хизматларга ҳали етишганим йўқ. Мени бул қадар мадҳ этиб, тўғри йўлдан адаштирманглар! Ҳамду сано Яратганга ярашади. Оллоҳ қаҳрини келтирмайлик! – дер эди Темур бу мавзуда гап кетганда.

Дин пешволари ва олимлари билан суҳбатда ҳам у бу фикрни таъкидлар эди. У Қуръони Каримни ёдлаб бўлган пайтларидаёқ исломга хизмат қилган улуғ инсонлар ҳаётини ўрганган эди.

Ҳижрат, яъни Муҳаммад пайғамбар ва унинг тарафдорларининг Маккадан Мадинага кўчишидан сўнг динни янгиловчи киши Умавия сулоласига мансуб халифа Умар Ибн Абдулазиз бўлдилар. Ул киши исломдан илк бор ажралиб чиққан хорижийлар, яъни исёнчилар минбардан туриб, ҳазрат Алига таъна қилишиб, ислом динини заифлаштирганда бу низони бартараф



эта олганди. Бу даврда ислом аҳли иттифоқи бузилиб, бир тоифа одамлар тўғри йўлдан борган халифаларни лаънатлаб, уларга таъна ва дашном ёғдирдилар. Бошқа бирлари эса мўминлар амири Али бошлиқ имом Ҳусайн ва ҳазрати Аббосни лаънатлар эдилар. Бу икки гуруҳ ҳам ўзаро адоватда бўлиб, ўта мутаассиб эдилар. Умар ибн Абдулазиз бу низоларни бартараф этиб, дини исломнинг тўғри йўлдан кетмоғини таъминлаганди.

Иккинчи юз йилликнинг дин янгиловчиси халифа Маъмун ибн Хорун ар-Рашид эди. У динда пайдо бўлган етмиш икки турли ботил мазҳабларни йўқотиб, ҳақ мазҳаби аҳли суннат ва жамоатни ривожлантирди. Шиаларнинг саккизинчи имоми Али ибн Мусо Жаъфарни Хуросондан олиб келиб, ўзига валиаҳд эълон этиб, унинг маслаҳати билан мамлакатни бошқарди.

Учинчи юз йилликда ислом дини янгиловчиси халифа Муқтадир биллоҳ Аббосий бўлди. Исмоилийлар мазҳабининг карматлар тармоғи Абу Тоҳир бошчилигида Маккани босиб, арафа кuni ҳажга борганларнинг ўттиз мингини шаҳид этдилар. Муқаддас қора тош ал-ҳажар ал-асвадни Каъба ичидан олиб кетдилар. Ислом мамлакатларини талон-тароҳ қилдилар. Шу боис дин заифлашди. Муқтадир биллоҳ бу қавм устига қўшин тортиб, уларни бартараф этди. Дин яна ўз изига тушиб ривожланди.

Ҳар юз йиллик сўнгида ёким бошида динда муслмонлар ақлига келмаган муаммо ва ташвишлар пайдо бўлар, ўзини қарийб пайғамбар ҳисоблайдиган айрим халифалар кўз кўриб кулоқ эшитмаган номаъкулчиликларга қўл урар эдилар. Аббосий халифалардан Мутъи шундай қилди. Халифанинг кишилари миллатга зулм ўтказди, фиску фасод халифаликни ҳалоқат ёқасига келтирди. Шунда Оллоҳ қалбига исломий янгиланишни солган шахс бувайхийлар қавмидан бўлмиш Иззуддувла Дайлабий бўлди. У Мутъини тахтдан тушириб, унинг ўғли Тоиб биллоҳни валиаҳд тайин этди. Дайлабий бевосита динни ёймоқ, тозалаш, бидъатни йўқотиш ва ношаръий ишларни бартараф этмоқ, жабру зулмага барҳам бермоқ борасида инқилобий ишлар қилди.

Исломиятнинг бешинчи юз йиллиги илму шеъриятда улуғ шахсларни яратди. Хуросонлик машҳур ҳадис олими ва мутасаввуф шоир Аҳмади Жом ва ғазнавийлар даврининг улуғ шоири Ҳаким Санойлар миллат қалбида ва иймонида ўзгаришлар бўлишига эришдилар. Буларнинг муриди бўлган салжуқий турклар ҳукмдори

Султон Санжар динсизлар ва жоҳилларга қарши мужодала бошлади. Миллат шариатнинг гўзал мақомида яшаш даврига етишди.

Турон ва Эроннинг, Дашти Кипчоқ ҳамда Хуросоннинг бепоён кенгликларига келиб ўз миллат ва динини йўқотган, исломни қабул эта бошлаган мўғуллардан ҳам улуг дин химоячилари етишиб чикди. Олтинчи юз йилликнинг бошида бундай шахс дея Ғозонзон ибн Аргунхон ибн Халоқухонни тан олдилар. У Эрон ва Озарбайжоннинг хони бўлиб, қўл остидаги турли қавм ва қабилалардан ташкил топган юз минг кишилик қўшини билан Лор саҳросида шайх Иброҳим Ҳамавий йўлбошчилигида Аллоҳга иймон келтириб, мусулмон бўлди ва мамлакатда шариатга ривож берди. Еттинчи юз йилликнинг бошида эса оғаси Ғозохондан сўнг тахтга ўтирган Султон Муҳаммад Худобанда бу йўлда илм ва ақл билан иш юритиб, аҳли мўъмин эътиборини қозонди.

Амир Темур. Мир Саййид Шариф ва Абу Бакр Тайбодий ва бошқа ислом дини улуғларининг маслаҳат ҳамда кўмаги билан дину шариат ишлари тузугини яратди. Бу хусусда буюк салтанатда ҳеч бир муаммо пайдо бўлмас, шу тузук асосида давлат маъмурий бошқаруви тизимидаги шайх ул-ислом, муфти ва мутаваллилар дин ишларини бошқариб боравердилар. Улуснинг дину эътиқодини йўналтиришни қонуний тарзда ҳал қилган Темур, шундан сўнг давлатни бошқариш тузугини яратди. Салтанат қонун-қоидаларини ислом дини талаб ва эҳтиёжларига мослади.

Темур севимли оти Окбулутда Кўксаройдан чиқиб, Боғи Беҳишт томон юрар экан, беихтиёр, тўрт қаватли саройнинг гумбазига тикилиб қолди. Гумбаз устидаги мингларча оқ кизғиш ва кулранг ёввойи каптарлар самони тўлдириб учиб-қўнишар, бу манзара киши руҳиятига илоҳий бир туйғуларни соларди. Оллоҳ ёрлақанган жойларга бу қадар кўп каптар ва мусича, ёзда эса қалдирғоч келиши мумкин ҳаёлидан кечди унинг.

Бу сарой ва давлат девони учун олий арк қурилиб битказилганига ҳам мана ўн йил бўлиб қолибди. Олий арkning ичида Кўксарой ва Бўстонсарой жойлашган бўлиб, темурийлар давлатининг юраги худди мана шу ерда эди. Гумбаз ва деворлари зангори кошинлар, нақшли гулли парчинлар билан қоплангани учун у ўз-ўзидан шундай аталиб кетди. Темурнинг кўрсатмаси билан Кўксаройнинг энг катта солинига тўшалган оқ кигизда хонларни тахтга ўтқизишнинг энг олий белгиси ҳисобланган оқ кигизга ўтқизиш маросими

ўтказилар, сўнг тахт Кўктош устига қўйиларди. Бу қиммат баҳо нефрит тошини Темур Олтой тоғлари этакларидан, қадимий турк замини Урхун дарёси бўйидан олиб келган эди.

Ана шундан бошлаб Кўксаройдаги кўктошга ўтирмаган инсон Турон-юрти-хукмдори деб тан олинмаган. Кейинчалик бу тошга муносиб шахслар қатори тахт даъвосидаги тасодифий шахслар ҳам ўтирдиларки, шу боис, халқ орасида «сенинг ўрнинг бошқа, менинг ўрним бошқа, орқангни ишқама кўктошга» деган нақл пайдо бўлди.

Боғи Беҳишт томон оти жиловини бурган Темур унинг барпо бўлиши ҳақида ўйлаб келарди. Шунда у эни минг қадамдан ортиқ сарой учун Табриздан машаққат ила оқ мрамор олиб келтирган эди. Боғнинг ҳайвонот боғчасига етти иқлимнинг турли хил жонзот ва қушлари яшарди. Бу қуш ва ҳайвонларни Темур келган кунидан бери парваришлатар, уларнинг барчаси бош эгани танишар, Жўчи хукмдорлари жўнатиб турадиган овчи қушлар, қирғий ва шунқорлар қаровчилар даричасини очиши билан учиб чиқиб улуг Амир атрофида парвона бўлишар, энг тотли егуликларни унинг қўлидан ер эдилар.

Боғи Беҳиштга кирғач, у тўғри ҳайвонот боғчаси томон йўналди. Улуг Амирни кўриши билан ўқранганча югуриб келадиган жайрон боғ ичида бўш юрар эди. У ҳар доим боғ томон отлиқлар келаверса дарвоза томон чопар, Темурдан бошқа одамларни кўргач, маъюсгина изига қайтар эди. Тахтсифат сўрига оғир чўккан Темур жайроннинг бошини силаб, узоқ ўтириб қолди.

Унинг хаёлига беихтиёр ўлимини ўйламаган мусулмон эмас, деган сўз келаверар ва ўз-ўзидан ҳаётининг оғир дақиқаларини қайта мушоҳада эта бошларди. У илгари барчага бирдек яхшилик қилаверсам улар менга дўст бўлиб, хайрихоҳларим кўпаяди ва шу яхшилигим учун улар менга ҳар қандай шароитда садоқат сақлайдилар деб ўйлар ва бу фикрга ишониб яшар эди. Унинг бошидан шундай оғир дамлар кечдики, бу ўзи ва Ёлғиз Оллоҳга маълум. Лекин шундай машаққатли дақиқаларда унга ички илоҳий бир сас, сен синовдасан, тоблан, пиш, шундай пишгинки, ҳаётининг энг сўнги дамларигача ҳеч ким олдида бўйин эгмайдиган, ҳеч кимга енгилмайдиган, ғолиблик шоҳсупасидан тушмайдиган бўлгин! Ва бу туйғудан унинг вужудида сўз билан ифодалаб бўлмас бир қудратли ҳислар жунбушга келар, келажакнинг саодатли кунлари шундоққина кўз ўнгида гавдаланарди.

Зиндонда ётганида, Кешда кимсасиз қолганида, Ҳусайннинг касофати билан Чинозда муваффақиятсизликка учраганида, Сеистонда оғир жароҳатланганида ёхуд энди ўзлигини таниб, ўн тўрт ёшида донғи кетган курашчи бўлиб танилганида одамларнинг ўзига бўлган ғаразли ва тубан муносабатлари унинг гўзал ҳаёт ва адолат ҳақидаги тасаввурларини чил-парчин қилиб юборди. Кўзига барча инсонлар бир-бирини ғажийдиган ваҳший ҳайвонга ўхшаб кўринди. Улардан безиб тоққа, Тошқўрғонга чиқиб кетди. Одамлар қанчалик хоин ва сотқин бўлмасинлар, улардан қанчалик безмагин уларсиз яшаш мумкин эмаслигини ўша ерда англаб етди. Англаган сари одам зотидан ҳафсаласи пир бўлиб борар эди.

Кейинги пайтда ўз феъл-атворида меъёридан ортиқ қаттиққўллик ва талабчанлик пайдо бўлганини ҳис қила бошлади. Худди шундай вазиятда иши юришаётганини, бир оғиз сўзи билан катта-кичик ишлар тез ва кўнгилдагидек битаётганини кўрди. Одамларни ўзингга яқин олиб, улар билан самимий муносабатда бўлсанг, хом сут эмган инсон боласи буни тўғри тушунмас экан. Бундай одамлар мавқеинг бўшашиши билан сени унутар, сотар ва ҳатто душманлик йўлига ўтар эканлар. Темур бундай тоифа кишиларни аввал кечириб юрар эди. Кейинчалик ён-веридагиларга нисбатан қаттиққўлроқ бўла бошлади. Лоқайд инсонлардан кўнгли совиган, ишсиз, дўстсиз, бошпанасиз ва оиласиз юрган пайтида бутун бошли лашкар олдида ўзини очик-ойдин таҳқирлаб, ўлдирмоқчи бўлган амир Ёхмоқнинг лашкарбошиси Кулар Камолни чошиб ташлади. Шундан сўнг бирдан одамларнинг унга бўлган муносабати ўзгариб, айтгани айтган, дегани деган бўлиб қолганда, у инсонларни меҳр-муҳаббатдан кўра куч ва кўрқув остида бошқариш осон кечишини англаб, ҳайратдан ёқа ушлаганди. Демак, сен қавм билан у истаган тилда гаплашишинг керак экан деган хулосага келди. Бу ҳолатни бир эмас, бир неча бор синаб кўрди: Ҳар доим меъёрни сақлади. Бировга очикдан-очик зулм ўтказмади. Сулҳга ундади, гуноҳини кечирди. Айбини кўриб кўрмасликка, эшитиб, эшитмасликка олди. Яқин одамлари воситасида сўз билан таъсир этди-да, охир-оқибатда сипоҳу раиятни умид ва кўрқув, ҳайрат ва ҳайқиш орасида сақлаш лозим экан деган хулосага келди. Дўстга ҳам, душманга ҳам мураса ва мадора эшигини очик сақлади. Улар ноҳақ сўз ва талаблар билан келганида тушуна-

диганларига ноҳақлигини шундай оҳангда англатдики, шундан сўнг улар бундай гап-сўз ва муаммолар билан олий ҳокимият одамлари ҳузурига келмайдиган бўлдилар. Тушуниб етмайдиганлар эса шундай бир ҳаётий иқлимда яшардиларки, аста-секин ўз-ноҳақликларини англаб-етардилар.

Шу жараёнда у яна бир нарсани моҳиятига етдики, ҳокимиятни фақат яхши сўз, сулҳ ҳамда мурсою мадора билан эгаллаб ва қўлда тутиб бўлмас экан. Куч, устунлик ва ҳар қандай шароитда, ҳар қандай йўл билан бўлса-да, ҳақлигини исботлаш. Истайсанми, йўқми одамлар ғолибдан султон, мағлубдан муттаҳам ясар эканлар. Шу боис ҳокимиятга даъво қила бошладингми бошқаларга нисбатан ҳақроқ ва адолатлироқ йўлдан бориб, рақибларни баргараф этмоқ воситаси ила мақсадга эришиш керак бўлар экан. Тахтга интилиш йўлидаги кураш ва ҳаракатлардан бирор-бир қонуният ахтариш, ундан фалсафа сўқмоқ ҳам аҳмоқона бир тирикчилик эканлигини у жуда эрта англади. Жуда кўп нарсаларни ижобий ёки салбийлигидан қатъи назар одамлар онгига ўрнашиб қолган ақидалар, рухий ва ахлокий эътиқодлар ҳал этаркан. Бу анъаналарни бузмоқ учун эса сен улар иймонида инқилоб ясамоғинг, қалбини ларзага келтириб, уларни ҳайратлангирмоғинг керак бўларкан. Ғайритабиий хатти-ҳаракатларингдан ҳайратга тушган кишилар ўзларича беихтиёр сени илоҳийлаштирамоққа киришар эканлар...

...Темур эрқаланаётган жайроннинг боши, бўйни ва қулоқларини силар экан, эртага чақирилган қурултой ҳақида ўйлар эди. Бу қурултойда Мозандаронга қилинадиган икки йиллик юриш муҳокама этилади. Одатда Темур сафарлар олдидан қурултой ўтказишни у қадар хуш кўрмаса-да, ҳеч бир катта ишга маслаҳатсиз қўл урмас эди. Боиси, қурултойдаги режа ва гап-сўзлар кўшиндан олдин рақиб томонга етиб борарди. Бир қурултойда бўлган гапни форсий ҳукмдорларга етказгани учун мингбоши Саид Тўқмоқ билан Рустам Ғулом дорга осилганидан сўнг қурултойга қатнашадиганлар ўйлаб гапирадиган, совуқ сувни ҳам пуфлаб ичадиган бўлгандилар. Кейинчалик суриштирилса, ўзини пайғамбар авлоди кўрсатиб юрган ахлоқсиз ва насл-насаби мавҳум бўлган бул кимсалар Бағдоддан келган бир айғоқчи бўлиб чиқдилар. Уни ўнбоши, юзбоши ва мингбошиликка тавсия этган улус амири Турсунбой Қорахитой эшакка тесқари ўтқазилиб, Самарқанд-кўчаларида сазойи қилинди.



## ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

*Менинг умматларим фақат ўзининг  
фикрига ишониб, бошқаларни эшитма-  
са, уларни таҳлил этиб, татбиқ этма-  
са, бу ҳол динимизнинг бузилишига олиб  
келади.*

Муҳаммад пайғамбар

Кўксарой ҳовлисини тўлдирган амиру беклар, қариндош-уруғ, лашкар бошлиқлари Темурнинг Боғи Беҳиштдан келишини кутиб, ўзаро гурунглашиб туришар, хон эса Бухорои шарифда эди.

Кўшин кўмондонларининг дами баланд, рухлари тетик, бўлажак юриш ҳақида суҳбатлашиб, ўзаро бичиб-тўқишарди. Саваш улар учун бойлик ва шон-шухрат эди. Сарой аъёнлари эса одатдагидек камгап, ўйчан ва босиқ эдилар. Лашкарнинг акси ўлароқ улар муаммоларни тинч йўл билан битириш пайида бўлардилар. Қўлга қилич олингандан кейин оқибатини ҳеч ким билмайди. Лашкар қанчалик саваш иштиёқида ёнмасин, юриш тақдири саройда ҳал бўлади. Эрта кунда ўйлаб-ўйламай гапирган ҳар бир сўзга жавоб беришга тўғри келади. Амир Валига қарши саваш Дашти Қипчоқнинг текис яйловлари ёким жанубий Туркистоннинг адирларида эмас, Мозандарон чангалзору ўрмонларида кечади. Бу тўқайзорлардан ўтмоқнинг ўзи бир саваш.

Улуғ Амирнинг келаётганидан хабар топган амир, лашкарбоши ва мулозимлар икки четга тизилиб, таъзим бажо келтирганча бошларини эгиб, беклардилар. Отда сарой дарвозасигача келган Темур кириш эшигига етгунга қадар бош ирғаб, тўпланганларга салом бериб, саломларига алик оларди.

Мавжуд тартиб ва таомилга кўра улуғ Амирнинг ўғиллари, набиралари ва қавм-қариндошлари ўз даража ва мартабаларига муносиб равишда худди ой қўрғонлагандек салтанат тахтини ўраб ўтирар эдилар. Саййидлар, қозилар, уламо, фузало, шайхлар, улуғлар ва олий табақага мансуб шарафли кишилар тахтнинг ўнг томонида ўтирардилар. Амир ул-умаро, бекларбеги, амир-

лар, нўёнлар, улус, туманлар ва қўшинларнинг сардорлари ва амирлари, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ўз мансабларига яраша чап томондан жой олар эдилар.

Девонбеги ва вазирлар эса тахт қаршисида ўтирардилар. Салтанатга қарашли мамлакатлар, эл-улусларнинг калонтарлари ва кадхудолари эса вазирлар орқа тарафида турар эдилар.

Баҳодир унвони соҳиблари ва энг машхур қиличбоз ўғлонларга салтанат тахтининг орқасида, ўнг томондан жой ажратиларди. Қоровулбегилар эса тахтнинг орқа тарафидан сўл томонда жой олардилар. Ҳировул амири Темурнинг қаршисида ўтирарди. Ички, хусусий ясовул, яъни кичик лавозимдаги сарой хизматчиси эса чодир ёки хона эшиги олдида, тахт поясининг тўғрисида тик турарди. Додхоҳлар, яъни арз-дод билан келгувчиларнинг қабул қилиб, подшоҳга етказувчи мансабдорлар ҳам ўнг ва чап томонда тик турардилар.

Ҳарбий юриш пайтида аҳолидан сафарбар қилинадиган лашкар, яъни сойири сипоҳлар, хизматчи ва ҳашам дея аталувчи энг яқин мулозимлар ўз вазифаларига яраша саф тортиб, белгиланган жойларида тик турар эдилар.

Тўпланди ёким қурултойни тартибли ўтказиш, қатнашчиларни жой-жойига ўтказиш тўрт нафар амирга топширилган бўлиб, улар бу хусусда масъул эдилар.

Таомилга кўра мажлиснинг боши ёки сўнгида меҳмонларга доимо минг товоқ ош ва минг дона нон тарқатилар эди. Бу минг товоқ ош базмга олиб келиниб, беш юз товоғи улуслар амирларига, саркардаларга ва оқсоқолларнинг отлари аталиб, олдиларига тортилар эди.

Охиста юриб бориб тахтга ўтирган Темур мажлисни тартибга келтирувчи амирлар бошида турган Боботуркга даъватлиларни чорлашни буюрди. Дастлаб катта тўпланди солинига тоза шойи ва беқасам тўнлар кийиб, жиғалар таққан улуғ Амирнинг яқинлари кирдилар. Сўнгра амир ул-умаро Худойдод Барлос етакчилигидаги амирлар, лашкар бошлиқлари ва сарой аъёнлари кириб келишди.

Темур мавқеига қараб жойини олаётганларни кузата туриб, сўйлаяжак сўзи хусусида ўйларди. Барча ўз ерини олгач, уларга юзланди.

– Хуш келдингиз, азиз биродарларим! Муҳтарам амирларимиз, саркардаларимиз, улус оғаларимиз ва мингбошиларимиз! – дея

ўтирганларга мурожаат этди Темур. — Сиз мухтарам биродарларимизга маълумки, биз Мозандарон ҳоқими Амир Валига нисбатан ҳар доим дўстлик ва тенглик мақомида бўлиб келганмиз, бундан буён ҳам аҳдимизни бузмаймиз. Сизнинг изнингиз ила мен амир Боботурқдан Амир Валининг менинг номимга ёзган мактубидан парча ўқиб бермоқни сўраймен. Буюринг, мухтарам амир!

— Сизга маълумки, мухтарамлар, — дея сўз бошлади амир Боботурк тик турган жойида жамоага юзланиб. — Биз аслида олдинги сафаримизда Мозандарон томон йўл олган эрдик. Руғад йўлидан ўтиб, Кабуд Жома, сўнгра Шосмонга етиб борганимизда улуғ Амир ҳазратлари номи олийларига Амир Валининг одамлари совға-саломлар ила мактуб олиб келдилар. Мактубнинг мазмуни куйидагича турар: «Бир бор қарам қилиб, мени хузурингизга боришдан узрли тутсангиз ва қайтиб кетсангиз, бу банда орқангиздан оёқ ўпишга етиб борсам ва қолган умримни хизмат ва мулозаматда ўтказсам». Шундан сўнг Амир Соҳибқирон марҳамат қилиб, унинг рижосини қабул этдилар ва бурилиб, Самангон ва Чори-макон йўли билан Радконга юрмоқ фармонини бердилар. Ҳеч биримизнинг ақлимизга Амир Вали жанобларининг сўзларидан қайтишлари келмаган эрди. Таассуфки, воқеалар интихоси шуни кўрсатмоқда, ҳазрати олийлари! — деб сўзини мухтасар қилган Боботурк Улуғ Амирга таъзим бажо келтирди.

Темур маълумотингиз қабул дегандек бош ирғади.

— Хабарингиз борким, Амир Вали шунчаки сўзидан қайтмоқ билан чекланмаётир. Исён кўтариш баробарида бошқа ўлкаларнинг ҳукмдорларини ҳам бизга қарши қайрамоқда. Шунингдек, Ажам Ироқининг эл-улуси ҳам Музаффарийлар зулмидан бешиб, бизга бот-бот мурожаат этмоқдалар. Подшоҳларни ва халқни тўғри йўлга солиши лозим бўлган уламолар ҳам динимизни турли тарафга тортиб, шариат қонун-қоидаларидан чекинмоқдалар. Бу мамлакатларда жабр-зулм ва фиску фасод кучайиб кетаркан, асл подшоҳлар адолат ўрнатиб, бу фитна ва зулмга барҳам бермоқ учун ана шу юртларга юриш қилмоқлари лозимдур. Тангри таоло шу ниятнинг шарофати билан мамлакатни золимнинг қўлидан тортиб олиб, одил подшоҳга топширади. Сизга маълумки, биз ҳам ўз замонида ота юртимиз Турон ерини золимлар тоифаси қўлидан тортиб олгандик. Оллоҳ йўл берса, етти иқлимни золим ва жоҳил ҳукмдорлардан халос этажакмиз! Қай бир мамлакатнинг раияти



Ўз ҳукмдоридан озор чеккан, юрт аҳлининг ул волийдан ихлоси қайтган бўлса, мамлакатларни забт этувчи ҳақиқий подшоҳнинг бу ҳудудларга қадам қўйиши байрамга айланади. Шу ўринда сизга улусимиз тарихидаги буюк хато ва фожиалардан бирини айтиб ўтмоқчиманки, бу бахтсизлик юртни вайрон, улусни сарсон қилиб, асрлар мобайнида барпо бўлган ҳаётимиз асосини барбод қилди. Элда ёмон кетиб яхши келмас, деган нақл бор. Хоразмшоҳлар раиятга азоб берган, пичоқ этдан ўтиб суякка қадалган эди. Шу боис ҳатто ислом уламолари, мусулмон руҳонийлари ҳам ўз подшоҳларини қўллаб-қувватламадилар. Дину диёнати бўлак ёғий тарафга ўтиб кетдилар. Халқ эса аслида қордан қутулиб, бўронга тутилган эди. Ҳар нарсанинг икки тарафи бўлганидек, Турон устига ёпирилиб келган бу қавмлар авлодларимизни қиличдан ўтказароқ, зулм этароқ, Оллоҳнинг инояти билан унинг ҳақ динини қабул этдилар. Улусимизга қўшилиб кетдилар.

Соҳибқирон шу ерда сўздан тўхтаб, бир оз тин олди. Ҳаяжондан ёшовлаган кўзларини кўлрўмолчаси ила артди-да сўзида давом этди:

– Эндиликда қай бир мамлакатда тугук заифлашган бўлса, Оллоҳ улуғ қилган нарсаларни хор тутсалар ва худонинг хос бандаларини ранжитсалар, чинакам жаҳонгир султон, ҳазрати Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи васаллам, дини ва шариатига ривож-бериш-учун ўша мамлакатга кирмоғи керак. Худонинг расули унга мададу иноят кўрсатган. Сўзим сўнгида сизга маслаҳат солурман, садоқатли лашкарларим, ақл-заковатли амирларим! Сиз не десангиз шунга қараб иш тутажакмиз! – деб сўзини тутатган улуғ Амир сўл томонида ўтирган амир ул-умаро Худойдод Барлосга ўгирилар экан.

Темур саройининг русумига кўра ўтирганлар мартабаларига қараб сўз олардилар. Қалин қошли, серсавлат, қорамағиздан келган амир ул-умаро Худойдод ақлли, зийрак, дўсту душманни фарқлай биладиган тажрибали раҳбар эди. Темур маслаҳатига қулоқ тутадиган амирларнинг энг биринчиси Худойдод Барлос эди.

Минг уч юз етмишинчи йилда Балх сари, Амир Ҳусайн билан сўнгги ҳаёт-мамот жангига кетаётганида амир Худойдод Темурдан бир қадам ҳам нари кетмади. Аниқроғи, Темур уни ёнидан жилдирмади. Боиси, у тўғри ва фойдали маслаҳат бера биладиган одам эди. Улар Балхга яқинлашаркан, Худойдод қариндоши Темурга сўнгги, ҳал қилувчи маслаҳатни берди.

– Темурбек, сиз Амир Хусайнни шу пайтгача лаълу жавоҳирдек авайлаб сақлаб келдингиз. У эса имкони топгани замон бунинг аксини қилди. Мана энди ораларингизда қаттакон харсанг тош турибди. Уни ана шу тошга шундай урмоқ керакки, ному нишонни қолмасун! Ундан турку тожик улусига, арабу ажам қавмига, барлосга хайр келмас!

Темур Худойдодга узоқ ва маъноли тикилди-да, индамади. Бироқ унинг бу гапи бир умр қулоғига қуюлиб, хотирасида мухрланиб қолди. Ва ҳаётининг энг муҳим, ҳал қилувчи дамларида бу сўзга амал қилди. Қон ва жон душманга раҳм-шафқат қилмоқ – ўз бўйинига ўлчаб лаҳад қазииш ила баробар эканлигини Темур кечроқ бўлсада, англади.

У жаҳонгирлик даъвоси билан майдонга чиқар экан, тўрт муҳим эътиқодни дилига тугган эди. Қайси мамлакатни ўз тасарруфига киритмоқчи бўлса, тўғри тадбир ва кенгаш билан иш тутди. Хатога йўл қўймаслик учун ҳар бир ишни пухта ўйлаб, сергаклик ва эҳтиётлилиқ билан амалга оширди. Шу боис ҳар доим не тадбир қўллаган бўлса тўғри чиқди. Ҳар ер эл-улусининг табиати ва феъл-атворини яхши ўрганиб, уларни рози этадиган сиёсат юргизиб, шунга муносиб ҳоким тайинлади. Учинчидан, унинг атрофига тўпланган уч юз ўн уч асил зотли, шижоатли ва ақл-заковатли эр йигитлар бир жону, бир тандек эдилар. Барчаларининг ниятлари, истаклари сўзлари ва ишлари бир мақсадга йўналтирилган эди. Ҳеч қачон булар орасидан гап қочмас, буюк мақсад учун барчаси ҳар қандай оғир ишга тайёр эдилар. Тўртинчиси, у табиатан бугунги ишни эртага қолдирмайдиган одам эди. Давлат ишини юритмоқда юмшоқлик қилиш лозим пайтда мулоийм бўлди. Қаттиққўллик қўл келганда, қатъий чоралар кўрди. Улус ва юрт тақдири билан боғлиқ муҳим ишларни бир дақиқа бўлса-да, кечиктирмади. Чоратадбир, муросою мадора билан битадиган иш учун ҳеч қачон қиличинини қинидан чиқармади.

– Улуғ Амир Темур ҳазрати олийларига ҳурмат ва эҳтиромларимиз! – дея таъзим бажо келтирган Худойдод қаддини ростлаб, сўзини бошлади. – Мен сиз азизларга бир нарсани сўйламоқни ўз бурчим деб биламан. Сизга маълумки, юртимизни азал-азалдан босқинчилар топтаб келганлар. Чингизхондан бошқа барча ёғийларимиз, Зулқарнайн дейсизми, Доро дейсизми ёким Турк хоқонларига қарши курашган шоҳлар борким, барчаси

Эрон тарафдан келган. Араблар ҳам турк улусига қарши курашда улардан фойдаландилар. Турон юртидаги барча хоқону бекларни азл этиб, улар ўрнига ўзлари олиб келган эронийларни қўйдилар. Боиси, бу икки қавм бирлашмаса бизнинг ота-боболаримизни енга олмас эдилар. Емоқнинг қусмоғи бор! Замони келди. Биз ҳам бу қавмлар бундан буён яна еримизни оёқ ости қилмасликлари учун сабоқ бермоғимиз лозим деб ўйлайман. Энг яхши ҳимоя чораси хужумдир деган нақлга амал қилмоқ лозим. Умуман олганда, бу ҳис-ҳаяжонли эрон қавми, форс тилли улуслар меъёрни билмайдиган, сиёсатда ўрта йўлни топа олмайдурун қавмлардир. Буларнинг диндори нақадар ашаддий ва ҳеч ким билан ҳисоблашмайдиган бўлса, динсизи ҳам худди шундай жоҳилдур. Шу боис тезроқ бу сарҳадларни салтанатимиз худудига киритиб, тартиб-интизом ўрнатмоғимиз керак! – дея сўзини тугатиб, улуғ Амирга таъзим қилди амир ул-умаро Худойдод.

Темур ҳурмат билан бош ирғаб, унга жавоб қайтарди. Шундан сўнг қисқа бир муддат жимлик чўкди. Ўтирганлар нотўғри тушунмасинлар деган мақсадда Темур ҳеч кимга сен гапир маънода қарамади.

Ниҳоят томоғини қириб қўйиб, амир Сайфуддин ўрнидан қўзғалди. Темурга хиёл эгилиб таъзим қилди-да, сўзламоққа изн сўради.

– Мухтарам амир ул-умаромиз Худойдодбек ғоят мақсадли ва аниқ сўйладилар. Бундан мантиқли сўзламоқ мушкулдир. Зотан, Рум ерига ерлашган қавмларимиз у тарафларга яхши ҳаёт излаб бормадилар. Ота юртларига сиғмаганликларидан, босқинчи ва хоинларнинг зулмидан ҳижратни ихтиёр этдилар. Бул фикрларга қўшилган ҳолда Ироқи Ажам масаласини ҳам ҳал қилмоққа даъват этамен. У ерда халққа зулм ўтказаётган Музаффарийлар сиёсатидан норози бўлган элатлар вакиллари ҳозир ҳам Самарқандда турибдилар, саройимиздаги етук кишилар, лашкарбошилар билан учрашиб, вазиятни англатмоқдалар. Шунинг учун бу борада ҳам бир қарорга келсак ёмон бўлмас деб ўйлайман. Эътиборингиз учун ташаққур билдираман, – дея сўзини тугатди амир Сайфуддин.

Темур нигоҳи ила унга ҳурмат билдириб, бош ирғади. Солинда Мозандарон сафарини-маъқулловчи-өвөзлар-эшитилди. Шайхулислом ҳам бу юришга фатво беражагини билдирди.

Минг уч юз саксон тўртинчи, турк тақвими бўйича сичқон йи-

лида Мозандарон сари черик тортилди. Темур дарё кечувларида қўшинни кўздан кечирав, санаб чиқар ва черик қўмондонларига камчиликларини айтар эди. Дарвоқе, қўшиннинг дарёдан-тез ва тадбирли ўтиши унинг савашга қанчалик ҳозирлигини ҳам кўрсатар эди. Бу сафарда илк бор ўрду таркибида юзбоши Ойсулув Эрхон бошчилигидаги аёллар қисми ҳам бор эди. Темур жасур, анча-бунча эркакни қиличбозликда суробини тўғрилаб қўядиган бу аёлга алоҳида эътибор кўрсатарди. Темур Ойсулувнинг авлод-аждодини суриштириб, узоқ ўргангандан сўнг юзбошиликка тайинлади. Ойсулувнинг она авлоди қадимий турк хоқонлари аждодига тақалар эди. Эски даврда турк хоқонлари хонимлар ва қурултойнинг қарорига биноан дея фармон чиқаришар, аёллар хўжалик ва ҳарбий ишларда эркаклар билан бирдек хизмат қилишар, оту кетмонни баробар чопишарди.

Темур одатдагидек тепаликда туриб қўшин ҳаракатини кўздан кечираркан, Эрхон қисмининг дарёдан ўтишини диққат билан кузатди. Улар эркаклардан-да чаққон ва фаол эдилар. От устида қуш каби учардилар.

Салтанатнинг жанубий ҳудудларидаги қисмлар ҳам Балхга етиб келиши боис, шаҳар атрофида бир муддат машқ қилиб, кутишга тўғри келди. Шоҳ Шужъонинг амирзода Пир Муҳаммадга унаштирилган қизи Ферузабонуни олиб келмоқ учун кетган тўйчилар ҳам Балхга етиб келишлари ва тўй маросими ҳам шу ерда ўтказилиши лозим эди.

Келинни олиб келмоқ учун Форс томон кетган Узун Ўлжайту ва Ҳожи Хожа дабдабаю асъаса билан Ферузабонуни Балхга олиб келдилар. Маҳди ул-ё Сароймулкхоним ва Туман оғо бош бўлиб шаҳарга киришдаги яланг бўзаламда келинни қаршиладилар. Унинг юзини кўриб, бошидан сочқилар сочгач, саройга олиб келдилар.

Бу Темурнинг илк ўғил набираси Пир Муҳаммадни уйлантирмоқ тўйи эди. Тўнғич ўғли валиаҳд амирзода Жаҳонгир Мирзонинг фарзанди эди. Темур кимсага оғиз очмасдан уни ўз ўрнига хоқонликка тайёрлар эди. Отаси кўрмаган рўшноликни боласи кўрар деган умидда эди.

Тўйчилар Форс тарафдан етиб келган куни Алп Туркаш пешин намозидан сўнг кутилмаганда улуғ Амир хузурига келди. Темур унинг ташвишли қиёфасидан бирор нохуш воқеа содир бўлганлигини пайқади. Тинчликми? – дегандек соҳибхабарнинг кўзига ҳадик-ла боқди.

– Рухсатингиз билан Ҳожи Хожани зиндонга солиб турсак. Тафсилотларни шундан сўнг айтармиз. Жиноятлари инкор этиб бўлмас даражада, – деди бош махфий бу ёқимсиз хабарни олиб келганидан хижолат чекиб.

– Нима қилибди у? Зиноми, ришватми? – сўради Темур не воқеа содир бўлганини сезиб.

– Ҳам ришват, ҳам зино; – жавоб қилди Алп Туркаш.

– Ришватни кимдан олмиш? – сўради Темур.

– Шоҳ Шужъонинг яқинларидан. Улуғ хоқонга айтиб, катта-кичик мансабларга қўйдираман дея олибди.

– Шоҳнинг олдида шарманда қилибди-ку, – деди Темур хижолатдан пешонаси терлаб. – Зино ким билан?

– У тарафда сийға деган гап бор экан. Биздаги жория деганга ўхшаш. Ҳар куни имом никоҳи билан биттадан сийғага уйланибди. Йўлда келаётганда келин томоннинг хотин-халажларига ҳам ортиқча гап-сўзлар қилибди.

– Гувоҳ нечта?

– Еттита.

– Олий қозига учрашиб, у билан гувоҳларни юзлаштиринг! Сизнингча, қози унга не жазо беради? – сўради Темурнинг боши қоғиб.

– Дор, ҳазрати олийлари, – жавоб қилди паст овоз билан Алп Туркаш.

– Фақат тўйдан кейин. Ўликни қўйиб тутга югурмайлик, – деди улуғ Амир махфий бошлиғига кетмоққа рухсат этаркан. – Бу боши юмалоқ, бути айри махлуқларни одам қиламан деб ўлиб кетсак керак! Эҳ, ҳайфи инсонлик! Ҳайвон! Орага ёлғон-яшиқ ва фиску фасод аралашмасун! – деди сўзи сўнгида Темур огоҳлантириб.

Бош махфий таъзим бажо келтириб, улуғ Амир ҳузуридан чиқди. Ҳожи Хожани Балх зиндонига ташладилар. Зиндонга олиб борар эканлар, у йўл-йўлакай йиғлаб кетди. Оғиз очиб бирор сўз демади. У осилишини билган эди. Темур давлати қонунларида ришват ва зино учун ўлим жазоси берилар эди.

Бир аҳмоқлик иккинчи аҳмоқликни яратар экан. Шоҳ саройида уларни худди Темур каби қаршилаб, иззат-иқром кўрсатдилар. Оғзи ва бурниларидан чоғир қуйдилар. Кўрмаганнинг кўргани курсин деганларидек, Ҳожи Хожа шундан сўнг ўзидан кетди.

Ахлоқ тарозуси посангисини тўғри тутга билмади. Мана охири-оқибати. Нафсини тиймаганнинг аҳволи шул эркан. Сўнгра у зиндонбонга оғзига сиққанича олтин бериб, ўзини қочиршишни сўради. Бироқ зиндончи бу ишга журъат этолмади.

Тўй тантаналари ниҳоясига етиб, оппон-соппон бўлгач, кўшинга юрмоқ фармони келди. Улуғ Амир Мурғоб сувиға етганда Ҳиротдан истиқболига амирзода Мироншоҳ никоҳидан ўғил кўрган Хонзода бегим икки ойлик Халил Султонни бобосининг дуойи фотиҳасини олмоқ учун олиб келди. Сароймулкхоним янги авлод ва унинг онаси шарафига тўй берди.

Набиранинг бешик тўйини ўтказган Темур Сароймулкхоним бошчилигидаги барча хонимларни Самарқандга қайтмоққа руҳсат берди. Унинг ёнида фақат Туман оқо қолди.

Кўшин Сарахс ва Обивард орқали қадимий Нисо шаҳри томон юрди. Темур кун чиқиши гўзал яйловлар ва кун ботиши баланд тоғлар билан ўралган бу шаҳарни ёшлигидан эшитган, кўрмоқ орзусида юрарди. Шаҳарга кираркан: «Турон юртининг бу ажойиб шаҳрининг бир дона ғиштига ҳам қўл теккизилмасун» деган фармони олий тарқатилди. Баландликда, тоғ ён бағрида жойлашган шаҳарда яшамоқ одамга илоҳий бир руҳ бахш этарди. Киши кўнгли кўтарилиб, орзу ва армоннинг инсон ақли қамровидан ташқаридаги кенгликларини дил қўмсар, сархуш каби юрар эди.

Саҳармардонда уйғонган Темур пастликда жуда катта бир гулхан ёнаётгандек ёруғлик кўзга ташланганда ҳайратдан ўрнидан туриб кетди. Шундоққина шаҳар остонасидан куёш бош кўтарарди... Мана сенга Оллоҳнинг, табиатнинг мўъжизаси дея ҳайрат ила куёшнинг кўтарилишини кузата бошлади. Юз, минг, ўн минг, юз минг йиллар бурун ҳам одамлар мана шу ердан туриб куёшнинг ғаройиб тарзда кўтарилишини кузатганлар. Мен ҳам кузатмоқдаман. Мендан сўнг ҳам кузатадилар...

Бу илоҳий даражада гўзал манзара, ранглар рақси уни эсини таниб, теварак-атрофга илк бор ҳайрат ва қизиқиш ила боққан болалигига олиб кетди. Унинг Кешдаги уйлари ҳам куёшга, тоққа қараган эди. Яйловда ўтов ёки чодир курсалар ҳам отаси эшигини куёшнинг чиқишига қаратиб қуради. Куёш доимо тоғлар тепасидан худди мана шундай чиқар, ердан узоқлашгани сари қизғиш ранг олтин рангга айланар, энг баланд чўққига етгунга қадар тоғ ён бағирларини қизғиш рангга бўяб кўтариларди.

Соғувчилар айна шу дамда соғимга киришардилар. Ҳар кун, кечаси қай маҳалда ухлашидан қатъи назар тоғу тошда ўйнайвериш қўл ва оёқлари чақа бўлган Темур сигирлар соғиб бўлингунга қадар уйғонмоғи керак эди. У бетини ювиб, кўзини уқалаганча, таёғини олиб, сигирларини подага ҳайдаб бориб қўшар-эди. Туш-каби ўтиб-кетди у-қунлар.

Темур Нисо саройига қўнган, сарой қаршисидаги ялангликда каттакон саропарда тикилган эди. У этакдаги ўтовларидан чиқиб, куёшнинг бу қадар ғаройиб чиқишини кузатаётган уч лашкарбошиси Шайх Али Баҳодир, Севинчак Баҳодир ва Мубашширларни таниди. Улар ҳам уфқ сари тикилиб турган Улуғ хоқонга қараб таъзим-ла салом бердилар. Темур имлаб уларни ёнига чақирди. Кўм-кўк ўтлоққа ёнбошлаб суҳбатлашиб ўтирдилар.

– Мана шу нурга қараб юраверамиз. Денгизга етганимизда тўхтагимиз, – деди Темур анча баландлаб қолган қирмизи баркашдек куёшдан кўз узмай.

– Куёш йўлимизни ёритмоқда! Оллоҳ насиб этса бизни буюк фатҳлар кутмоқда, ҳазрат! – дея жавоб қилди Мубашширбек.

– Илоҳим! – деди Темур. – Оллоҳ йўлимизни очиқ қилсун! Кўнглим сезмоқда. Қани, сўйланг-чи, Мубашширбек, биродарим, ишни недан бошлағаймиз? Маслаҳатингиз не турур?

– Хабарингиз-бўлганидек, аъло ҳазрат, Валибекнинг кутволи Дурун қалъасининг дарвозаларини беркитиб, бизни кутаётган эрмиш. Ижозатингиз ила аларни муштоқ қилмайлик. Бизни кутавериб кўзлари тўрт бўлмасин, – дея жавоб қилди амир Мубашшир кулиб.

– Сизни кутиб олиб иштони ҳўл бўлгандан кўра, кутавериб, кўзлари тўрт бўлгани маъқул эмасми? – Ҳазилга ҳазил ила жавоб қилди Темур.

– Менимча, улуғ ҳазрат, бўладиган ишнинг бўлгани, ўладиган беморнинг ўлгани маъқул. Биз ҳам ишни ўз вақтида битириб, қиличимизни тозалаб, қинига солиб қўяйлик. Агар ҳазрати олийлари оқ фотиҳа берсалар, биз учовимиз черигимиз билан ёғий қоровули томон бир от қўяйлик. Ҳар ҳолда келганимизни билдириб қўяйлик демоқчиман. Қани кўрайлик-чи бу қизилбош биродарларимизнинг қўлларидан не иш келади! Шунга қараб тўнни бичсангиз, тикмоқни эса бизга қўйиб беринг!

Темур сизлар не дейсизлар, ҳадеб биз гапираверамизми деган-дек Шайх Али Баҳодир билан Севинчак Баҳодирга қаради.

– Изи берсангиз биз бир савашиб келайлик. Анча бўлди қилич сермамаганимизга, – деди Севинчак Баҳодир ўрнидан туриб. – Машқларни амалда синамасак бўлмайди.

– Мен ҳам шундай фикрдамен, ҳазрати олийлари, – уни қувватлади Шайх Али. – Савашмоқ эсимиздан чиқиб кетмасин тагин.

– Бўлмаса сизга оқ йўл! Олингу олдирманг! Оллоҳ қўлласин! Омин! – дея уларни йўлчи этди Темур бирма-бир елкаларига қўлини қўйиб, кўзларига тик боқар экан. – Ғалаба биз тарафда-дур! Бўш келманг! Оллоҳ биз билан!

Темур сараланган уч саркарда бўлинмасининг қўшинидан ажралиб чиқиб, Говкуш мавзеси томон йўналганини кузатиб турди. Шаҳар тепаликда бўлгани учун пастдаги лашкар шундоққина кафтдагидек кўриниб турарди. Чанг тўзонсиз, тоза тонг ҳавосида кўз узоқ-узоқларни илғарди...







## ҲАҚИҚАТЧИ БОБ

*Яна ул шоҳоншоҳи олийтабор,  
Черик тортиб бўлди отқа сувор.  
Турондин Эрон сари бўлди равон,  
Шаҳоншоҳи дин, шоҳи соҳибқирон.*

Яздий

Улуғ Амирнинг оқ фотиҳасидан руҳланган саркардалар сараланган лашкар ила шахд билан ёғий қоровули устига бостириб бордилар. Амир Валининг қоровули ҳам саваш ҳозирлигини кўрар эди. Амир Вали лашкарининг қандай савашмоғини кўргиси келган Темур энг яқин мулозимлари билан улар ордидан йўлга тушди. Ёнида амир Сайфуддин, амир Боботурк ва Алп Туркаш бор эди.

Амир Валининг ёй отувчилари жуда мерган эдилар. Улар отган ўқ тўппа-тўғри келиб Мубашширбекнинг оғзига тегди ва икки тишини синдирди. Бу нохуш воқеадан ғазоби қайнаган Мубашшир душман устига ёлғиз ўзи от кўйди. Унга қарши Амир Валининг баҳодирларидан бири юзланди. Қони қайнаган Мубашшир бир ҳамладаёқ унинг бошини сапчадек узиб ташлади. Бу воқеа ёғий қоровулини чўчитиб, капалагини учириб юборди. Амир Вали лашкарининг илк жангдаёқ руҳи тушди.

Мубашширбекнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини завқ билан кузатиб турган Темур унинг жасурлигидан ҳайратланди.

– Қойил, боракалло! Жасорат, қаҳрамонлик ўйлаб қилинмайди. Ана шундай чақмоқ каби бир зумда содир бўлади, – деди Мубашширнинг ҳузурига келишини кутаркан. – Мана шу Говкуш мавзеси сизга абадий суюрғол килиб берилади! – деди Темур у келгач, елкасига қоқиб. – Бу дунё ақли ва қиличинини ўз жойида ва тўғри ишлата билганники, мухтарам Мубашширбек! Силоҳ кимнинг қўлида, иқтидор шунинг элида деган нақл бор, – қўшиб қўйди оти томон юраркан. – Энди хужум бўшаштирилмайди. Ҳар кунни йўл босиб, ўзларингиз айтгандек, йўлимизга кўз тикиб ўтирган амир Валини топмоғимиз керак.

Эртаси куни қўшинга туманбоши, мингбоши ва юзбошиларнинг асосий жангга қадар ўз қисми билан бирга бўлиши ҳақида олий фармон етказилди ва барча ҳарбий бошлиқлардан бу хусусда ёзма равишда тилхат олинди. Боиси, тиканак чангалзорлардан иборат бу ерларни яхши билган ёғийдан ҳар қандай зарбани кутиш мумкин эди.

Қўшин душман қоровули билан саваша бориб илгариларди. Дарон мавзеси эгалланиб, унинг қутволи ясоққа тортилди. Сўнгра қўшин Жилован мавзесига етиб, Журжон сувидан ўтди. Шоҳонга етганда лашкар тўхтаб, чодир саропардасини тика бошлади. Бир оз дам олингач, ҳар куни ярим фарсахдан йўл юриб, амир Вали турган қалъага етиб бориш вазифаси қўйилди. Аскарлар чангалзорларни кесиб, ўзларига йўл очар, бунинг устига ёғийнинг пистирмада ётган бўлинмаси билан жанг қилар эдилар. Темур шу пайтга қадар ва сўнгра ҳам бундай оғир юришни бошдан кечирмади.

Сафарнинг йигирманчи куни ёғийнинг қоровули қочиб бориб, амир Валига бундан буён саваша олмаяжакларини билдирди ва черик бир ҳолу аҳволда қўмондони олдида турарди. Бундан таъсирланган ўжар амир ўзи бош бўлиб, лашкарини жангга етаклади.

Темур бир қисм лашкарни амир Валига қарши ташлаб, ўттизта сараланган бўлинмани пистирмага қўйди. Амир Вали қўшини Темур жангчилари сиқувига бардош беролмай қоча бошлади. Турон ўрдусининг ҳужуми давом этарди. Темурнинг буйруғига биноан фақат ёғий лашкарбошилари ва амир Вали тирик тутилиши лозим эди. Шундагина бу маъносиз саваш барҳам топарди. Валининг асир тушган аскарлари лашкарнинг Темур каби қўмондоннинг қўшинига қарши қурашмоққа нияти йўқлигини, улар ўзларича аллақачон мағлубиятни, керак бўлса, ўлимни ҳам бўйинларига олиб қўйганларини сўйлардилар. Асир тушган эронийлар қўш ичида эркин юришар, қўшиннинг чорвасига қараб, хандақлар қазирдилар.

Темур саркардалари қуршовида жангнинг боришини кузатарди.

– Қиблагох, изн беринг, ўз лашкарим билан амир Валига қарши борсам? – деди улуғ Амирнинг ёнида маст тулпорини жilовини аранг тортиб турган амирзода Мироншоҳ.

Темур ялт этиб ўғлига қаради. Фарзандидан шу гапни кутиб тургандек, юзига табассум ёйилди.

– Яшанг, ота ўғли. Илгарироқ буни сиздан кутган эрдим. Ёнингизга истаган баҳодир у мингбошиларимизни олиб, савашга кира билурсиз! – жавоб қилди Темур ғолибона овозда.

– Фотиҳаберинг, қиблагох! – Жаранлаган овозда отаси қаршисида тиз чўкиб, қўлини дуо учун очди амирзода отдан тушаркан.

– Илоҳи омин! Сизга худо ёр, пирлар мадақдор бўлсин! Оллоҳга омонат этдим сизни, амирзодам! Омин! – деди Темур қалдираган сеҳрли оҳангда.

Амирзода йигирма қадамча масофага отини етаклаб борди-да, сўнгра миниб олди. Баҳодирлар ҳаё-ҳувлаб амирзода ортидан от қўйдилар. Лашкар олдидаги минг нафар ёйчилар ёғий устига ўқ ёмғирини ёғдирдилар. Пиёдалар қиличбозликка киришган эдилар. Амир Вали бундан бир неча кун аввал душманга қарши чоҳ ва хандақлар қаздирган эди. Саваш давомида шундай ҳолат юз бердики, бу чоҳларга амир Вали лашкарининг ўзидан бир қисми тушиб, ҳалок бўлди.

Кунботиш томондаги тепаликка чиқиб, лашкарбошиларга йўл-йўриқ кўрсатиб турган амир Валининг бу омадсизликдан капалаги учиб кетди.

– Толесиз кудуққа тушиб кетса, бошидан ёмғир ёкқан экан, – деди у хирилдоқ овозда. – Бу ёввойиларга бас кела олармиканмиз-а? – дея маслаҳат солди мулозимларига.

– Жангда ғолиб кела олмаслигимиз аниқ, амир жаноби олийлари. Ҳалиям кеч эмас! – деди кўрқа-писа қоп-қора қиёфали, қиррабурун, бойўғликўз, сўлғин юзли, озғинлигидан шу номни олган лашкарбоши Антар Туршак.

– Сендан бундан ақллироқ гап чиқмаслигини билардим, – деди амир Вали унга қаҳрли овозда.

– Ҳа энди, – деди дудуқланиб Антар Туршак сўник кўзларини аланг-жалаңг атрофга тикар экан. – Иложимиз йўққа ўхшайди. Нима ҳам қиламиз?

– Бу кайфият ва руҳ билан енгилишимиз турган гап. Сўнги чора шу кеча тун босқиси уюштирмак. Агар шунда ҳам бир иш чиқмаса, бу ёғи яратгандан, – деди амир Вали реза-реза терлаётган бўйин ва пешонасини артар экан. – Ё Оллоҳ, шарманда қилма!

Амир Вали тун яримдан оққанда тун босқини бўлажагини лашкарга билдирди. Темур лашкари эса шароит тақозосига кўра ёғийнинг шабихун қўллашини кутаётганди.

Мозандарон амирининг тунги аламзада хужуми қўшинига ўқилган мағлубият ҳукми бўлиб чиқди. Темурий лашкар Журжонни эгаллади.

Бу воқеалар минг уч юз саксон тўртинчи йилнинг ўн иккинчи ойида кечар эди. Қўшин оралаб от қўйиб юрган амир Вали туркларнинг момақалди роқ каби «ур-хо-ур, сур-хо-сур» деган наъраларини борган сари аниқроқ эшитар, замон ва вақт ғилдираги ўзининг заволи томон илгарилаётганини сезгани сари асабийлашиб, қўл остидагиларга жаҳл билан ўшқирар, сўкиниб, устма-уст буйруқлар берарди.

Бир замон қараса, атрофида тўрт нафар хос навқаридан бошқа кимса қолмабди. Зудлик билан ҳарами ва хизматкорларини олиб, Журжондан чиқиб кета бошлади. Бола-бақрасини тоғли бир қишлоқда қолдириб, ўзи мадад истаб, Рай томон қочди. Ортидан кувиб борган Худойдод, Шайх Али ва Аббос Баҳодирлар изини йўқотдилар. Бир неча кундан сўнг унинг Шохруд дарёсидан ўтиб, Рустамдор вилоятида пайдо бўлганлиги хабари келди. У киши оёғи етмас тиканли тоғ ўрмонларига кириб, жон сақлаб қолди.

Амир Худойдод Барлос хос чопар юбориб, улуғ Амирдан Валини таъқиб этиш-этмасликни сўради. Темур уларга амир Валини тинч қўйишларини буюрди.

– Тутсак ҳам молу жонидан кечар эдик, – деди ёнида ўтирган амир Сайфуддин билан Эсон Буғага.

Хос чопар жўнаб кетгач, улуғ Амир лашкар бошлиқлари ва беқларни кенгаш-қурултойга чақириб, сўнгги кўрсатмаларни берди.

– Бундан буёнги режамиз будир, мухтарам биродарлар, – дея сўзини бошлади Темур ўйга толган қиёфада. – Сизлар маъқул кўрсангиз бу кишни Астробод ва Рай атрофида ўтказсак. Боиси, юришимиз ниҳоясига етмади. Мен қўшиннинг бир қисми билан Райнинг илиқроқ бир жилғасига ерлашсам. Асосий қўшнинг увол-савоби амир Учқоранинг зиммасида бўлажак. Ўғруқда ким қоладиган бўлса, унинг сўзига кирмоғини сўрайман. Амир Учқоранинг сўзи менинг сўзимдур.

Йиғилганлар Темурнинг фикрига қўшилдилар.

Бу вақтда Озарбайжон ва Ироқи ажам жалойирлар сулоласи қўлида бўлиб, Жалолиддин Шайх Аҳмад Увайс салтанат тахтида ўтирар эди. Темурнинг Рай жилғасига келганлигини эшитган

султоннинг уйкусида ҳаловат қолмади. Боболари Аргунхон ва Кайхоғуҳон замонасида қурилиб, Ҳалоқулар давлатининг пойтахти бўлиб келган Султония шаҳрини ўғли Оқ Буғага қолдириб, Табриз орқали Бағдод томон йўлга тушди. Улуғ амир Аббос Баҳодирга кичик бир кўшин билан Султонияга бориб Оқ Буға билан гаплашмоқни тайинлади. Бундан хабар топган Оқ Буға хотин-халажини отга миндириб, отасининг изидан йўлга тушди.

Катта лашкар Султонияга баҳор ўрталарида кириб, ундан Рустамдор томон юрди. Вилоят ҳокими ҳам бош шаҳарини ўз ҳолига ташлаб қочди. Ҳеч ким кўшинга қарши қурол кўтариб чиқмади. Буни ҳисобга олган улуғ Амир вилоятда ҳеч бир кимсанинг бурнини қонатмаслик ва ҳатто игнасига-да тегмаслик ҳақида кўрсатма берди.

Султонияда уюштирилган қурултойда Буюк Турон Амири Темурнинг қуйидаги олий фармони эълон қилинди:

– Эрону Турон мулкида Темур Кўрагон сўзим! Бизнинг ҳақиқатпарвар қавмимиз ўзлигига содиқ қолиб, шоҳу гадоӣ бўлсин кимсанинг ҳақ-ҳуқуқи ҳамда ризқига хиёнат қилмагандир. Ана шундан келиб чиқиб, бугундан эътиборан тасхир қабзамизга кирган Рай, Рустамдор, Озарбайжон ва Мозандароннинг барча ўлкаларига шу маҳаллий халқнинг ўзидан ҳокимлар тайинлаймиз! Бойси, бу ерлик ҳоким биз томондан тайинланган бошлиққа нисбатан ушбу халқ ва мамлакатнинг муаммоларини яхши биладурлар ва раиятнинг кўнглини олурлар деган умиддамен. Мозандарон мулкида сўзимиз шулким, Султония вилоятига шул юртнинг мўътабар зотларидан Султон Зайнобиддин ҳоким этиб тайинланажак! Омул ҳокимлиги эрса олий насаб авлодларимиздан Саййид Камолиддинга берилажак! Сори мулкани муҳтарам саййидимиз Разиуддинга инъом этурмиз! Ўйлаймиз ва умид қилурмизки, бу палаги тоза пайғамбар авлодидан бўлган биродарларимиз бизга нисбатан оёқларини садоқат ва адолат узангисидан олмағайлар! Биз томондан ҳеч қачон уларга ва улар раҳнамолик қилаётган улусга жабр ва хиёнат бўлмағай! Ҳар бир ишимизни Оллоҳ кўриб турибди. Кимки хоин ва ноҳақ бўлса унинг қаҳрига учрағай! Сўзим сўнгида яна бир амримиз шулким, Астробод вилоти элхоний амир саналмиш Оллоҳ раҳматига қовушган Тоғай Темурхоннинг фарзанди аржуманди Луқмонбекка тақдим этилиб, топталган тарихий ҳақиқат юзага чиқажак! Сизга белгиликим,

бу хуудлар юз ўттиз йилдирким бу авлод қўлида бўлиб келган. Сарбадорлар Тоғай Темурхонни маҳв этганларида қочоқ амири-миз Валининг ота-бобоси бу элхоний амирлар хизматида бўлган. Амир қатлидан сўнг вилоятни парчалаб бўлиб олганлар бугун Мо-задарон чангалзорларида йўлбарслардан савашмоқни ўрганмоқ учун кетдилар. Биз бу инсонларга-да ёмонлик истамаймиз! Ҳар замон ҳузуримизга бош эгиб келсалар афв эшигимиз очикдур. Ақлу идрокларига яраша мансаб тўнини кийдиражакмиз! Би-ламанки, орангизда амир Валининг одамлари ҳам бор! Улар ме-нинг сўзимни Валибекка еткурсинлар! Шунингдек, Султония ва Табриз мулкларини идора этмоқ бу юртларнинг собиқ ҳукмдори амир Сару Одилга топширилажак! Менинг шавкатли лашкарбо-шим Муҳаммад Султоншоҳ ўз кўшини билан бу юртларнинг тин-члик ва омонлигини муҳофаза этажак! Ноибим ўлароқ у бирлан маслаҳатлашиб, адолат ила иш юритишингизни сўрайман!

Қурултой улуғ Амирни тик оёқда олқишлади. Раият Темур-нинг бу қадар ҳақиқатчи, очиқ ва бағрикенглигидан ҳайратга тушган, халқнинг тақдирини ўз кўлига топширганидан барча бирдек мамнун эди.

– Бу иш услуби билан Темурбек сўғишу савашсиз етти иқлимни эгаллайди, – деди Султония шайхулисломи амир Боботуркга.

– Ҳазратнинг ниятлари мамлакатларни забт этиш эмас, мусул-монлар яшайдиган ўлкаларда бирлик, тинчлик, осойишталик ва улуслар равнақини таъминлаш, – дея жавоб қилди Боботурк.

Одатига кўра Темур юраги тўлиб, ҳаққириб кетган дамларда юксак бир тоғликка чиқиб, олис-олисларга тикилар, пичирлаб ичида уни безовта этган фикрларни ўзича мушоҳада этар эди.

– Боботурк, кетдик! Қани қаршидаги тепаликка ким биринчи бўлиб чиқар экан! – деди Темур оти жиловини тоғ томон буриб.

Улуғ Амирнинг сўзини эшитиб турган амирзода Мироншоҳ билан Тоҳир тарихчи ҳам улар кетидан от кўйдилар. Тўрт отлик бирдек кўзланган тепалик томон от сурдилар. Тулпорлар қора терга тушганди. Чавандозлар тепада наридан бери юриб, отла-рини совута бошладилар. Этакда кўм-кўк водийлар, яшилликлар орасида қиличдек ярқираб оқаётган сойлар ва ирмоқлар кўзга ташланарди. Тоғ этакларида ёйилиб юрган сурувлар қорайиб кўзга ташланар, жаннат каби бир жой эди Султония атрофлари.

– Нақадар гўзал овалар! – деди Темур от устида узоқ-узоқларга

тикилар экан. — Ота юртимиз Туроннинг ўзгинаси экан бу Эрон дегани. Биз ила тарихан энг яқин бўлиб келган юрт ва қавм Эрондур. Табиийки, ота-боболаримиз доимо мавқе таллашиб келганлар. Бирда ёвлашган бўлсалар, бирда дўстлашганлар. Шу аснода тарихнинг биз мана шу тепаликка чиққан дақиқасига етиб келдилар. Оллоҳ насиб этгунга қадар мулки Эрон-бизнинг тасарруфимизда бўлғусидир, — деди Темур ҳамон олисларга тикилар экан.

— Тожик улуси аталмиш қавмларимиз бизнинг юртларга шул тарафлардан борганларми ёхуд форс тилида сўзлашувчи ерли халқми? — сўради амирзода Мироншоҳ отасидан жарангдор овозда.

— Шавкатли амирзодам, сиз бундай жиддий ва масъулиятли сўровларни мухтарам тарихчимиз Тоҳирбекдан сўрамоғингиз жоиз. Бул хусусда мутахассис бўлмаганим ва хато қилмаслик учун саволингизни эхтиром билан билимдон тарихчимиз диққатларига ҳавола этаман. Лозим ўлса ўз фикримни билдираман, — дея жавоб қилди улуғ Амир фарзандига маъноли тикилганча, ним табассумда.

Тоҳир тарихчи бош эгиб, амирзода сўровига жавоб бермоққа ҳозирлигини билдирди. Темур «бошланг» дегандек бош ирғади.

— Араблар Эрону Хуросонни бўйсундиргач, қўл остиларида исломни қабул қилган лашкар, асиру қул сифатида чексиз миқдорда форс тилли раият тўпланади. Халифалик бу қавмларни янги эгаллаган ҳудудлардаги халқларга сиёсий, иқтисодий, диний ва ҳарбий тазйиқ ўтказиш воситаси сифатида қўлладилар. Ерли элатлар уларни арабларнинг тазйиқлари остида иш юритганлигидан тазйиқчилар деб атай бошлайдилар. Улар ҳақиқатан ҳам халифалик амиру ноиб, кўмондону лашкарбошилариининг иш бошқарувчилари, яъни фатҳ этилган ўлкалардаги ишончли вакиллари эдилар. Шу тариқа тазйиқ сўзи тозик, ундан тожикка айланади. Сомонхудодининг Хуросондан олиб келинган тўрт ўғли эса бизнинг ҳудудда сомонийлар давлатини қурадилар. Бу давлат уч юз йил, чамаси, Бағдод халифалигига боғлиқ ўлароқ яшайди. Бул хусусда билганларим шулдир, Ҳоқони ақрам ҳазратлари, — дея сўзини мухтасар қилиб, улуғ Амирга таъзим бажо келтирди тарихчи.

— Низомулмулк ҳазратлари «Сиёсатнома»ларида тозий дея ёзадилар ва бу гўзал тил жуда кўп улусларнинг адабиёт, санъат ва мусиқа тилига, сарой аҳлининг тилига айланади, — тарихчининг фикрига қўшимча қилди улуғ Амир.

– Шундай, Хокони акрам ҳазратлари. Бул хусусда мен билган икки фикр бор. Бириси, юқорида қайд этганим, араблар исломни ёймоқ учун Турон юртига келган илк қабилаларни тазйиқлар деб атаганлар. Ерли аҳолидан дастлаб исломни қабул қилганларни тазйиқ бўлди деганлар. Шу боис биз ҳали-ҳануз намоз ниятини форс тилида қиламиз. Иккинчи фикр шулким, эски замонларда савдогарлар асосан форс тилида қўнишганлар ва шаҳарларда яшаганлар. Буларни араблар тожир деб атаганлар ва бора-бора тожир сўзи тожикка айланган деган фикр ҳам йўқ эмас. Одатда қавм ва қабилалар ўз-ўзларига ном бермайдилар. Уларни ён-атрофдаги халқлар қандай атасалар, шу номда тарихда қолганлар. Бу атамалардан катта бир қонуният ва фалсафа ахтармоққа ҳожат йўқдир,— дея сўзини якунлади Тохир тарихчи.

– Ҳазрати устоз, рухсат этсангиз, чиққанимиз ушбу тепаликни исми-шарафингиз ила атасак. Фатху зафарларимиздан хотира ўлароқ қолса, – деди амир Боботурк хаяжонли оҳангда.

– Биз қай бир манзил ёхуд ҳудудни не ном ила атамайлик, фойдасиз. Халқ уни ўзи истаган номда атайверади, – жавоб қилди улуғ Амир Боботуркнинг самимий ниятини англаган оҳангда кулимсираб.

Турон урдуси Султония ва унинг синирларини тарк этгач, халқ бу тепаликка Тўрт турк аскарлари от қўйиб чиққани учун Тўрттурктепа деб атай бошлади. Буни эшитган улуғ Амир тўрт калла яхши, кўп калла ундан ҳам яхши, деди амир Боботуркга яна мийиғида кулиб.

Шундан сўнг темурий беклар, аскарлар не замонки бу ҳудудлардан ўтсалар Тўрттурктепага от қўйиб чиқмоқни одат қилдилар. Бу одат бора-бора бутун Султонияга ёйилди. Чавандозлар баҳслашиб тепаликка от қўярдилар.

...Тепаликнинг уч тарафида ҳориган чўпон каби қорли тоғлар узаниб ётар, қоялардан оқиб тушган ирмоқлар жанубдаги ям-яшил водийларни сувлаб, илиқ денгизлар томон ошиқарди. Бу гўзал манзарадан таъсирланган улуғ Амир чап оёғини узангига тираганча эгардан тушди. Майсазорга бўйинини чўзаётган Оқбулутнинг сувлиғини чиқарди. Отининг бошини бўш қўйганча, беихтиёр бўзаламга ёнбошлади. Оёқ учи тарафда ўғли, шогирди ва Тохир тарихчи қўл қовуштирганча тик туришарди.

Энг яқин кишиларига меҳр билан тикилган улуғ Амир дили-



га туғиб кўйган гапларини айтмоққа ҳозирланарди. Табиат кўйнидаги бундай хуш дамларда киши кўнгли ийиб, энг олижаноб инсоний туйғулари жўш урарди. Воқеа ва ҳодисалар барча қирралари билан хотирада қолади. Киши қалбида эзгу ҳислар жунбушга келади.

Ўнғирларига туман чўккан, қояларини булутлар силаган тоғнинг кунботишидаги биринчи сой бўйидаги кекса дўлана атрофида уймалашаётган хотин-халаж унга боғичлар, гумош қийиқларини боғлашар, эркалар кўй сўйишиб, емак ҳозирлигини кўришар, болалар чопиб ўйнашарди. Бир неча дарвеш ва қаландар эса жазаваси тутиб, зикру сано айтишарди:

*Бир борлик, бир йўқлик орқангни очар,  
Рақибинг бир сиринг ўн қилиб сочар.  
Бошга иш тушса дўст, яқининг қочар,  
Афс этган душманинг кафанинг бичар.*

Шундоққина этакдаги жарлик устида қанотларини кериб айланаётган ғажир ўлжа ахтарар, жарга ин кўйган бир тўп кўкқарга эса-болаларини-ҳимоя қилиб уни таъқиб этар, тўрт тарафдан бирин-кетин унга яқинлашиб, кўзини чўқимоқчи бўлгандек ташланишарди. Кўкқарғалар жасоратидан руҳланган олашақшақ ва майналар кўкқарғалар каби юксак кўтарила олмасалар-да ғажирнинг ён-веридан ҳамла қилган каби қағиллашиб учиб ўтишарди.

Майда-чуйда қушларнинг шовқин-суронидан безган ғажир адир этагидаги себарга томон шўнғиди.

– Ҳаводаги қушдан кўра товдагиси маъқул дегандек ғажир жаноблари бедапоядаги беданаларни маъқул кўрдилар, – деди улуғ Амир қушни кўздан ғойиб бўлгунча кузатар экан. – Жону жонзод борки, жон талашада. Кун кечирмоқ учун ўзини ўту чўққа уради. Қурту кумурсқа ҳам ҳаёт ва насл қолдирмоқ мужодаласида тиним билмайди. Бироқ улар одамларга ўхшаб тожу тахт, мулку давлат талашмайдилар. Йиғиб-терган насибаларига қаноат қиладилар. Ҳай-ҳай, биз одам боласи-я! Қалбимизга ўзгалар нари турсин, гоҳида ўзимиз ҳам сиғмаймиз. Қуш уйқуси каби қисқа умримизда бир-биримизнинг оёғимизни чақиб, чоҳ қазиб яшаймиз. Аслида бу чоҳни ўз бўйимизга ўлчаб

қазиганимизни англаб етганимизда ташналигимизни қондирган булоқлар қуриган, ишонган боғлар кесилган, суйанган тоғлар нураган, юксак чўққилар дарз кетган бўлади.

Оқбулутнинг ўглашига қараб қолган улуғ Амир хаёлига бир фикр келгандек ёнбошлаган кўйи амир Боботуркга қараб, сўзида давом этди:

– Хотиримда экан, сўйлайин. Султония ва атрофларида ҳам Самарқанду Бухородаги каби ана у зикру сано айтаётган қардошларимиз учун така, дарвешхона ва қаландархоналар қурилиши учун Ақрам сармуншийга айтиб фармон ҳозирлатинг. Уларни емак-ичмак ва кийим-кечак ила таъминламоқ ҳам ҳисобга олинсин.

Амир Боботурк таъзим бажо келтириб, хиёл бош эгди.

Шу маҳал тоғ тарафдан какликларнинг басма-бас сайраши эшитилди.

– Какликларни безовта қилишганда шундай тез ва басма-бас сайрашади, – деди улуғ Амир ғажир иниб кетган адир этагига тикилиб.

Панжаларида жон талвасасида поча қоқаётган товушқонни қоядаги уяси томон олиб кетаётган ўша ғажир тепаларидан учиб ўтарди.

– Ғажирнинг ови юрди, – деди амирзода Мироншоҳ бола каби завқ билан осмонга тикилар экан.

– Овчининг ови, одамнинг дови юргани яхши-да, амирзодам, – гап кўшди амир Боботурк. – Ҳазрат сўйлаганлари каби ғажир жаноблари беданани кўзлаб борган эди, панжасига товушқон илинди.

– Ов ва овчиликнинг тузугига кўра овга чиққан овланар, ёв излаган ёвланар, бўталарим, – деди улар суҳбатига кўшилиб улуғ Амир.

Улуғ Амирнинг авзойидан муҳим бир гапни айтмоқ ниятида эканлигини англаган ёш бек ва бекзода ҳамон қўл қовуштирганча, унинг оғзига қараб туришарди.

– Сиз – азиз авлодларимга давлатни қўлда тута олмасликнинг бир ҳикоясини сўйламоқчиман. Модомики, сизлар улуғ салтанатимизнинг ворислари экансиз, буни билмоқликларингиз шартдир. Ҳозирги Кастилия қироллиги мавжуд бўлган худудда ҳижрий етти юз ўн биричи йилда Андалузия ислом давлати

қурилган. Уч юз йил яшаган бу салтанат шу муддат мобайнида тўрт юз тарикатга бўлинган. Айш-ишрат билан машгул султону амирлар бу айрилишнинг охир бир кун мусулмонлар бошига фалокат тоши бўлиб ёғилишини англаб етмаганлар. Бу иш энг аввало Рим руҳонийсининг режасига уйгун эди. У барча насроний ҳукмдорларга таълимот беради. «Мусулмонларнинг динимизга, сиёсатимизга ва фалсафамизга аралашувига йўл қўйманг!» Бу чақириқ биринчи галда Андалузия амирлигининг қўшниси Кастилиё қироллигига тегишли эди. Руҳонийнинг амрини қиролича Изабелла қойилмақом қилиб ўринлатади. Андалузия ислом амирлигининг сўнгги ҳукмдори амир Абдулла Давлат саройи калитини Изабеллага қўш қўллаб топширишга мажбур бўлади. Сўнгра тушкун ва биткин ҳолатидан ҳеч қаерга сиғмай, бошини қайга уришини билмай тоғларга чиқиб кетади ва бор овозда ўкириб йиғлай бошлайди. Ўғлининг бул хароб аҳволидан таъсирланган малика онаси минг бир дарду ғам билан собиқ султон ўғлига ушбу насиҳатни қилади:

– Модомики, эркак каби давлатни сақлай олмадингми, энди хотин каби бўзлаб йиғлама!

Ҳикояни сўзлаш жараёнида хаяжонланган улуғ Амир қўйнидан шоҳи қўлрўмолчасини чиқариб, пешона ва бўйин терини артди. Бир оз тин олган бўлди.

– Киши давлатни илқида тута билса ҳукмдордир. Акс ҳолда у кулпошшодир. Бироқ онасидан ҳукмдор бўлиб туғилганлар буни англаб етмайдилар. Ҳукмдор уқувсизлигидан улус ва давлатни барбод этмоқ ҳовончада сув туймоқдек бир гапдир. Яратган ҳар неники кишининг феъл-атворига, эътиқоду имонига муқобил беради. Тожу тахт, мансабу рутба бош кийими кабидур. Амал-хамал, дейдилар, – деди аввал Мироншоҳ мирзонинг, сўнгра Бобогуркнинг кўзларига маъноли боқиб. – Киши кундузи сўқоққа чиққанида кулоҳи ва жуббасини кияди. Уйга қайтгач, ечиб қўяди. Мавқе ҳам ана шундай. Унга меҳр қўйиб, астойдил боғланиб қолмаслик керак. Кишига амалу давлат берадиган имконият ва қўли узунлик юклайдиган масъулият катта ишларни, улуғ аҳду ниятларни рўёбга чиқариш йўлида бир воситадир. Инсон моддий унсурлардан манфаат, саодат ва муқаддаслик изламаслиги лозим. Киши кўкайида дунёнинг ўткинчи майда ташвишларидан фориғ, нурли ва машаққатли манзилларни кўзлаган қудратли, илоҳий бир аҳд бўлмоғи даркор, авлодларим. Киши ҳаёти давомида бахтидан,

тахтидан, бор-будидан мосуво бўлиши, кечиши мумкин. Бироқ ҳақиқий улуғ шахсиятлар ҳеч қачон аҳду паймонида, эзгу тилагидан, буюк ҳадафларидан воз кечмайдилар. Улуғ ишларни амалга оширган, катта ҳақиқатларни юзага чиқарган, шу йўлда жон фидо этганлар ҳақиқий шон-шарафли инсонлардир. Буюк ҳақиқатлар, юксак мақсадлар пешида экансиз, ҳеч қачон қўлингиз ва виждонингизни ноҳақ қонга бўяманг. Улус замонида сиздан ҳисоб сўрай олмаган бўлса вақти-соати етиб, авлодларингизни сўрғилайди. Ақл-идрокингизни соғлом ва тўғри қўлланг. Ҳар қандай катта-кичик гуноҳу жиноятнинг ажри, жазоси муқаррардир. Қилич-ла иш битириб ўрганганлар қиличдан қочиб қутула олмайдилар. Тош отганга тош, кесак отганга кесак отилади. Бу ёруғ оламда ҳар бир ишни бажармоқ, ташвишу муаммони ечмоқнинг ўз йўл-йўриғи бордир. Ўзингиз амал қилмаган эътиқоду тартибларни улусдан талаб эта олмайсиз. Сиз қонун ва адолат сўқоғидан чиққанингиз кун одамлар майдонларга чиқадиладар. Сиз бир адолатсиз, ғайри машру ишга қўл урсангиз, кишилар бу ҳақсизлик ва қонунсизликни четлаб ўтмоқ учун ақлингизга келмаган қонунбузарликларнинг минг бир усулларини ўйлаб топадилар. Ва уларни ҳеч қачон жиноят устида тута олмайсиз. Сиздан ибрат олиб, қонунсиз ишни қонунийдек пухта-пишиқ амалга ошириб, оқни қорага бўяб яшамокқа ўрганадилар.

Улуғ Амир водийни тасмадек кесиб, қуёш нурида товланётган тиниқ сойларга боққанча фикрини яқунламоқ учун тин олди. Сўнгра, бошини кўтариб, яқин кўринса-да, аслида жуда олис қорли тоғларга тикилиб қараб қолди. Умид ва ҳасрат уйғун залворли овозда сўнгги сўзини айтди:

– Раиятнинг ҳақ-хуқуқини танимасдан туриб, унинг турум-турмушини яхшилаб бўлмас. Инсоннинг ўз ожизона феъл-атворини енга олмай ҳис-туйғуларининг асирига айланиб қилган янглиш ишлари ҳаётига, ахлокига, сўнггида улусига зиён-заҳмат етказди. Ўжарлик ва ожизлик илмдан узоқ, ҳақтанмас кишиларнинг қуролидир. Улар охир-оқибатда ана шу феълий нуқсонларининг қурбони бўлиб, юксакликдан тос тепалари билан тушадилар. Ҳар замон ва ҳар дақиқада бир-бирингизни асраб-авайланг. Билинги, ҳақиқий комил, жон дўстлар бир-бирларини бошларига кўтарадилар. Ўзганинг омадсизлигидан, оёғи тойишидан қониқиш туймоқ хом сут эмган одам боласига йўрғада теккан.

Боиси, кишилар табиатан ким бўлмасин ўзидан ўзгани суймайдилар. Ҳатто қон-қардош, хешу ақраболар ҳам. Оёғингиз бир тоймасин. Бир душманингиз ўн бўлади. Бир қоқилсанг ўнгача, туролмайсан юзгача деганларидек, оми райят маълум ва машхур шахсиятларга қўрқув яширинган ҳурмат, бўйсунуш ва хайрихоҳлик ниқобидаги нафрат билан қарайдилар. Дунёни англаб етган, бағри-кенг кишилар бунини кўриб-кўрмасликка оладилар. Жаҳолат, зулму истибдодга қарши ҳатто ақли донолик билан курашмоқ мушкулдир. Бундай тўқнашувларда кўпинча доно бошлар дор ёки кундага етган. Шафқатсизлик меҳр-оқибатдан устун келган. Ёши улуғ бир аждодимиз ўлароқ ақлимга келган фикрларимни сизга айтмоқни лозим кўрдим. Эшитиб мулоҳаза ва мубоҳаса этиб кўрарсиз...

Улуғ Амир сўзини тугатмоқ баробарида ўрнидан кўзгалди. Шогирди ва фарзанди чаққон етиб келиб, икки тирсагидан тутди.

– Боракалло! Боракалло! – деди улуғ Амир Оқбулутни етаклаб келган Тоҳир тарихчининг кўлидан жиловини олиб. – Энди тулпорларимиз бошини ота юрт томон бураамиз. Самарқандни, Туркистон тизмалари этақларини соғиндим.

Улуғ амир шу юксакликдан туриб, Оқбулутнинг жиловини Турон пойтахти Самарқанд сари бурди. Музаффар лашкар фатху зафар, шону шараф ила бошкент томон-келарди.

Темур ўғли, шогирди ва тарихчиси билан қаршиларида тасмадек ёйилиб товланаётган дарё томон от кўйиб борар экан, кулоқлари остида Туроний ўқиган шеър жарангларди:

*Ватан битта, юрт излама, ўтроқ бўл,  
Хору хасмас, юксалган туг, байроқ бўл.  
Ит бўл, қуш бўл, лек яғийдан кўпроқ бўл,  
Улус учун хокисор бўл, тупроқ бўл.*



## ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

*Зинодин тугилган инсон ўзига  
яхшилиқ қилган одамга ёмонлик  
қилмасдан бу дунёдан кетмас.*

Муҳаммад пайгамбар

...Минг уч юз саксон иккинчи йилда Москвани забт этиб, қўлга илинган нарсани олиб Сарой Беркага қайтган Тўхтамиш ўғлоннинг авзойи ўзгарган, атрофидаги мулозимларининг уни улуғ қоон Чингизхонга қиёслашларини эшитганда оғзининг икки чети ёйилиб, ўзини улуғ бобосининг олтин тахтида кўргандек бўларди. У аллақачон кимса билан ҳисоблашмас, анча-бунча одамни қабул ҳам қилмас, ҳар қандай катта-кичик ишни оғзининг ели билан битирадиган даражага етганди.

У ич-ичидан Темурнинг хизматларини тан олса-да, уни – Чингизхон авлодини Чиғатойдан қолган тахтда номигагина ушлаб турганини ҳазм эта олмас эди. Тўхтамиш Темурга анча бурун тиш қайраган эрса-да Жўчи авлодининг улуғ беклари Алибек Қўнғирот, Ўрунг Темур ва Оқбуға Баҳринларнинг панд-насихатлари, Ўрдудаги Темурга нисбатан хайрихоҳлик иқлими билан ҳисоблашганлиги туфайли Туронга қарши қатъий хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиб турар эди.

– Зинҳор-базинҳор Темурбек ҳазратлари ила муҳолифатга боришни хаёлингизга ҳам келтирманг. Унинг ҳиммати ва муруватининг соясида бу давлат сизга насиб этди. Сиздан кучли Идику ёки бошқа бир Жўчизодани хон қилиб кўтармоқ унинг учун ўшал замонда ҳеч гап эрмас эрди. Ул ҳазратнинг назаридан қолманг! Бошингизга неки ёмонлик келса ул зоти олийнинг ранжитган кунингиз келажак! – деди Оқбуға Баҳрин сўнги суҳбатда Тўхтамишга оталарча насиҳат қилиб.

– Биз сенинг ота қадрдонларингмиз. Сенга неки ёмонлик тиласак ўзимизга ва бола-чақамизга урсин! Ақлли бўл. Соғу маст Амир Темур ҳақида номақбул сўзлар сўйламоқдан ўзингни тий. Билъакс, тушингга ҳам кирмаган бир ғовғою-фалокатни бо-

шингга сотиб оласан, бўтам! — деди дангалчи Ўрунг Темур уни очик-ойдин тергаб. — Сени Жўчи тахтига Темур ўтказганини, сен ўтирган оқ кигизнинг бир четини. Темур кўтариб турганини-бу-юртда шақал ҳам билади. Орадан бир гап ўтгудек бўлса, улус Темурни эмас, сени қоралайди. Билгинки, Тангри ҳам ҳақ бўлган кўпчилик-тарафдадур!

Отасига ҳам устозлик қилган бу икки номдор амирга Тўхтамиш оғиз очиб бир нима дея олмади. Улар ҳақ эдилар. Тўхтамиш ўғлон уларнинг сўзларига «маъқул» маъносида бош ирғаётган бўлса-да, ичида бир оёғинг ерда, бир оёғинг гўрда бўлган сен чолларга куним қолмагандур деган хаёлда энсаси қотиб ўтирар эди.

Бу суҳбатдан кўп ўтмай Ўрунг Темур билан Окбуға Баҳрин бирин-кетин оламдан ўтди. Тўхтамишни жиловлаб турганлардан биргина Алибек Қўнғирот қолди. Тўхтамиш Алибекка ҳурмат кўрсатгани ҳолда унинг вазифаси, улуғ бекликни ўз отасини ўлдирган Қарончибекка берди. Худди шу дақиқадан бошлаб Жўчи мамлакатининг Турон давлати вассали сифатидаги сиёсати ўзгара бошлади.

— Ким бўлибди бу ўроқда йўқ, машшоқда йўқ, хирмонда хозир оқсоқ Темур дегани! — деди тили айланиб улуғ бек Қарончи Тўхтамишнинг олдида эгилиб, пешини ўпаман дея ағанаб тушаркан.

Тўхтамиш ҳам сархуш эди.

— Темурнинг бобоси Қорачар Нўён дегани Чигатойхоннинг хизматчиси бўлган, — дея сўзида давом этди хон қаршисида чордана куриб ўтирар экан улуғ бек мастликдан кўзлари қисилиб.

— Хизматчиси эмас, лашкарбошиси бўлган, — уни тўғрилади Тўхтамишхон.

— Бўпти-да, лашкарбошими, бошқами, хуллас, унинг хизматида бўлган, — бўш келмас эди Қарончи. — Мен кўрсатма бердим. Хоразмда сизнинг отингизда танга зарб эта бошладилар. У оқсоқ ўз ерини билиб ўтириши керак. Бўлмаса жойини кўрсагиб кўямиз.

— Чакки қилибсиз, Қарончибек. Унинг одатини биламан. Ҳеч қачон хиёнатни кечирмайди. У билан савашмоқ... Билмадим. Аҳволимиз не кечаркан? — бирдан кайфи тарқаб, ранги оқариб кетди Тўхтамишнинг. — Чакки қилибсиз.

— Бу ёғини менга қўйиб бераверинг, хон-ҳазратлари. Бошим билан жавоб бераман. Биз унинг эмас, у бизнинг вассалимиз

бўлиши керак. Мен Жўчи улусининг ўн икки нафар хонзода ўғлонларидан сизнинг Темурга қарши от қўйишингизни сўраб ёзган илтимосномасини олдим. Улар бунга розилар. Амр сиздан, хон ҳазрати олийлари! Худо ол кулим деса Жўчихону Чигатойхон, Угадайхону Ҳалокухонлардан қолган буюк салтанат сизнинг илгингизда кечажак! Буюк худудлар берилмайди, эгалланади. Улуғ бобонгиз Чингизхон каби фотиҳлик фақат сизга ярашади. Фурсатни бой берсак кеч бўлади.

– Фақат етти ўлчаб бир кес, Қарончи! – деди ҳарам томон йўл олган Тўхтамиш. – Кўзингга қара!

Жўчи улуси таомилида хон ўзидан ёши улуғ беку лашкарбошиларни ҳам сенсираб гапираверарди.

– Гўзал ўлка, ям-яшил яйловлар юрти Озарбайжонни, Табризни олмоғимиз керак. Бизнинг бор-йўқлигимиз фарқсиздек, у юртларда Темур улоқ чошиб юрибди. Унинг бир кўзига кўрсатиб қўяйлик!

Тўхтамиш бош вазирнинг сўнгги гапини эшитса-да эшитмасликка олди. Унинг сўзлари хоннинг қонини қайнатган, хаёлида ҳозирги кунда Темурнинг Кўксаройида турган улуғ бобоси Чингизхоннинг олтин тахтида ўзи ўтиргандек эди. У Самарқандда юрганида саройни томоша қилган бўлиб, ҳеч кимга билдирмай бу тахтга ўтириб кўрган, вужудида сўз ила ифодалаб бўлмас бир ғайритабиий ҳис-туйғулар жунбушга келган эди. Бироқ Темур бу олтин тахтга бор-йўғи бир марта Балхда, Буюк Турон амири эълон этилиб, оқ кигизга кўтарилганда ўтирган. У ўзини Чингизхондан кам чоғламайди. Бу кунлар олис эмас шекилли, ўйлади у энг ёш, кеча келтирилган черкас қизининг ётоғи томон бораркан.

Олтин Ўрда хонлари ўз қардошлари Ҳалокудан қолган ерларга азал-азалдан кўз тикиб келардилар. Хонлардан илк бор Жонибекхон Озарбайжон ва Табризни қўлга киритиб, бу ўлка фатҳини бошлаган эди. Унинг вафоти билан бу мулклар қўлдан кетди. Мўғул лашкарларидан жабр кўрган Табриз халқи бу воқеадан бир оз бурун жўчиликларга қарши кураш бошлаган амир Увайс Жалойирга Табриз ва унга туташ худудларни эгаллаш имконини яратиб берди. Кейинчалик Султон Аҳмад Жалойир номини олган бу амир бошчилигида Эронда Жалойирийлар давлати ташкил топди. Бу давлат худудига Озарбайжон, Эроннинг бир қисми, Бағдод ва унинг атрофидаги араблар юрти Ироқ кирар эди.

Қарончининг кутқусига учган Тўхтамишхон Темур билан



ораларида бўлиб ўтган ота-бола каби илиқ муносабатларнинг устига бир кечада чизик тортиб, ўн минглик лашкар билан Табриз томон юрди. Унинг ёнида Қарончи билан бирга ҳали ислом динига-кириб-кирмаган Бек Пулод, Исабек ва Яғлибойлар бор эди. Улар ҳар дақиқада Тўхтамиш ўғлонни кўкларга кўтариб мақташар, устозига қарши гиж-гижлар эдилар. Лашкар Дарбанд орқали Табризга етиб келди. Табриздан Султон Аҳмад ва унинг ўғли Оқбуға чиқиб кетган, айна замонда Темур давлатига қарам бўлган Табризга ҳоким тайинланмаган эди. Шаҳарни қамал қилган Тўхтамиш бундан тўрт йил бурун Масков шаҳрини олганда қўллаган тадбирини такрорламоқ ниятида эди.

Шаҳар аҳолиси қўлга илинган нарсани олиб, ҳимояга отланди. Бир ҳафтадан ошиқ муддат давомида ўрдалиқлар шаҳар дарвозасидан бош суқиб кира олмадилар. Тўхтамишнинг элчилари шаҳар тужжорларининг ҳузурига келиб, икки юзу эллик туман олтин йиғиб берсалар эвазига сулҳ шартномасини имзолаб, қайтиб кетишга рози бўлажакларини билдирди. Бу ваъдага ишонган табризликлар шунча миқдорда олтинни бир амаллаб тўпладилар. Катта миқдордаги бу хирожни олган Тўхтамиш шу заҳотиёқ кўшинни шаҳарни тунаб чиқишга буюрди.

Табриз халқи Чингизхон босқинидан буён бундай бўло-қазога дуч келмаган эдилар. Шаҳарликларнинг учдан бири бошпанасиз қолди, аҳолининг бир қисми қийинчиликлардан ҳалок бўлди. Ёшларни Олтин Ўрдага қул қилиб олиб кетдилар.

Тўхтамиш ҳеч нарсадан тап тортмай, Темурга қарши сиёсий савашга ҳам киришди. Бу йўлда унинг мурожаатига фақат Миср султонидан садо келгандек бўлди. Мисрга ташриф буюрган Жўчи элчилари муносиб қаршиландилар. Олтин Ўрдалиқлар Миср султони Барқуққа Дашти Қипчоқнинг машҳур овчи қушлари, лочинларни, антиқа безатилган тойлар билан бирга қуллар ҳам ҳада этдилар. Бундан хурсанд бўлган султон элчиларни истаганлари қадар егулик кийим-кечак билан таъминлаб, харажатлари учун кунига юз дарҳамдан пул беришни буюрди.

Султон Барқуқ Тўхтамиш ила Темурга қарши иттифоққа бирлашиш ҳақида мунозаралар юрита бошлади. Бироқ Миср султони доврўғи олис ўлкаларга тарқалиб, дўсту душманни бирдек хайрат ва даҳшатга солаётган Темурга қарши очик-иттифоқ тузишга чўчиди. Элчилар қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб, юрти-

га қайтарди. Ўрда хонлари ва халқига ҳар замон эҳтиром билан муносабатда бўлиб келганлигини билдирди. Қоҳирада Ўзбакхон давридаги мулоқотлар замонида келиб қолган кишилар яшайдиган Ўзбаккия маҳалласи борлигини таъкидлаб; қимматли совға-саломлар билан жўнатдилар.

Миср ва Олтин Ўрда иттифоқи Эронда Ҳалоқулар давлати пайдо бўлиб, кучайиб кетган замонларда бошланиб, минг уч юз ўттизинчи йилларда чўққисига чиққан эди. Ҳалоқулардан келажак хавф-хатар боис бу бирлик мисрликлар учун муҳим эди. Минг уч юз ўттиз бешинчи йилда Ҳалоқулар давлати ағдарилгандан сўнг бу иттифокнинг ҳеч қандай сиёсий маъноси қолмади ва одатдаги савдо-сотик даражасига тушди.

...Ҳос амир ва лашкар бошлиқларини зудлик билан Кўксаройга тўплаган Темурнинг авзойи бузуқ, қиёфаси ташвишли эди. Бу кишни ота юртда ўтказган улуғ Амир болалик дамлари кечган далаю даштларни айланди. Темур Тўхтамиш хусусида мархум Жаку Барлос, амир Боботурк ва бошқа амирлар ҳам ҳақлигини, нигоҳи ерни тешадиган бу жўчиваччадан хоинликни бекласада, ич-ичдан бунга ишонгиси келмас эди. Алп Туркаш ўғлоннинг ўз яқинлари даврасида, сархуш дамларида Турон султони ҳақида ёқимсиз гаплар сўйлаганини айтганда ҳам бу орани бузмоқчи бўлган душманларнинг ҳийласига йўйганди. Фикрининг тасдиғи сифатида шу гапдан бир ҳафта ўтиб, Тўхтамишдан садоқат ва итоат изҳори сифатида тўққиз туя, тўққиз от ва тўққиз хачирга ортилган қимматбаҳо совға-саломлар, Урусиянинг ажойиб мўйналари, лочинлар ва олтину кумуш идиш ҳамда асл қиличлар етиб келди. Тўхтамиш ўғлон ўз хатида орадаги шартномага содиқ қолажанини, қандайдир бир аҳмоқ бекнинг гапи билан Хоразмда унинг номидан танга зарб қилинганига эътибор бермасликни сўраган эди.

Темур энг яқин амирлар иштирокида Олтин Ўрда хонининг хатти-ҳаракатини муҳокама қилганди ўшанда.

— У душманини пахта билан бўғизламаяптими? — деди синчков Темур шогирдининг бу тилёғламалигидан ғзаби кўзиб.

— Шундай, ҳазрат, — дея жавоб қилди амир Боботурк ёши улуғ амирларнинг ҳеч биридан садо чиқмагач.

Боиси, Тўхтамиш ҳақида шу пайтгача фикр билдирганларида Темур бефарқ бўлганлиги ва уларни қайтариб ташлагани учун

беклар оғиз очиб бир нима демоққа чўчиб туришарди. Айрим амирларнинг нигоҳларида ўзингиз пиширган ош-ку, ҳазрати олийлари, деган писанда ҳам йўқ эмас эди. Бош бўлганингдан кейин душманнинг ғазобию дўстнинг таънасини-да кўтарасан дея ўйлади ўтирганларни нигоҳи ила кузатар экан. Темурнинг кузатишича, салтанатнинг қай бир ерида исён ёким босқин бўлса сарой мулозимлари саросимага тушадилар. Темур хавф-хатарга юзма-юз, тап тортмай борадиган Алп Туркаш ёхуд Мубашшир каби кишиларни кам кўрди. Дарвоқе, бу дунёдаги энг даҳшатли кўрқув – ўлим таҳликасидир. Одамларни ҳам тушуниш керак. Уларга ақл ва қобилиятдан ортиқ талаб қўйиб бўлмайди. Акс холда атрофингда ҳеч ким қолмайди.

– Бизга Тўхтамишнинг сўнги ҳаракатлари хусусида билги берасизми? – дея Алп Туркашга юзланди Темур.

– Улар Табриздан чиқиб, Озарбайжон ва Ҳазар денгизи жануби-ғарбидаги Халхол шаҳри ва вилоятини босганлар. Амир Вали қайтиб келиб, Маҳмуд Халхолий билан биргаликда мудофаани уюштириб, шаҳарни бир ҳафта давомида ушлаб турганлар. Бироқ енгилганлар. Тўхтамиш юришга яроқли ёшроқ кишиларни қул қилиб ҳайдаттириб, икки кун мобайнида лашкарига шаҳарни талаттирган. Олган маълумотларимизга қараганда, унинг икки дарё оралиғига юриш қилмоқ нияти йўқ эмас, – деди дона-дона қилиб Алп Туркаш.

– Тўхтамиш томондан бирор фалокат келишини барчамиз ҳис этар эдик. Бироқ бу воқеа қачон юз беришини кимса айтолмас эди. Ўзини билмасликка олиб, Хоразмда номидан танга зарб этганлигиёқ аслида биз учун илк чорловдир. Ҳазрат босиқлик қилиб, унинг узрини қабул этдилар, – дея ўрnidан туриб сўз бошлади амир Сайфуддин. – Ажали етган ит жоменинг деворини булғайди деганларидек, ул ўғлон бул ҳаракатлари ила ўзига чоҳ қазимоқда. Ақли жойида бўлса у бу ишларга қўл урмас эди. Менинг фикримча, Табриз тарафга юриш қилиб, у ерда ҳокимиятни ҳеч бир ёғий ёким исёнчи ололмайдиган даражада мустаҳкамламоқ лозим. Ҳисобимизча, у худудларда ўн бешдан ортиқ хонлик бор. Буларни ҳам тартибга келтириб, бошини қўшмоғимиз лозим бўлади. Тўхтамиш қилган ишни бу ўн беш хукмдор ҳам истаган дақиқасида қайтариши мумкин, – дея сўзини тугатди амир Сайфуддин.

– Ҳақсиз, – деди Темур амирнинг сўзларини диққат би-

лан тинглар экан. – Бир-бирлари билан ит-мушук бўлган бул подшоҳчалар ким босиб келса-да, ҳеч қачон бири иккинчисини химоя қилмайди. Бугун қўшнисини босиб олган ёғий эрта кўнда ўзини ҳам тинч қўймаслигини ўйламайди. Амир Сайфуддин жанобларининг фикрларини қувватлаган ҳолда лашкарга зудлик билан тўпланиш амрини етказсак! Товачиларимиз ишга киришса бўладими? – ўтирганларга юзланди улуғ Амир.

– Маъкул!

– Тўғри!

– Темирни қизигида босмоқ керак! – маъкулловчи сўзлар эшитилди.

– Сулаймоншоҳ ила Аббосбекни юрт осойишталигини сақламоқ учун Самарқандда қолдирамиз. Не дейсизлар? – дея сўради Темур кенгаш сўнгида.

Йиғилганлар бу таклифга ҳам қўшилдилар.

– Биз Эрон сари юрганимизда у шумбаччамиз Турон томон от қўйиши ҳам мумкин. Мен йиғилганларни чўчитмаслик учун бу ҳақда оғиз очмадим, – деди Алп Туркаш Темурга солинда иккиси қолганда.

– У бунга журъат этармикан? – сўради Темур бу қутилмаган гапдан жиддий тортиб.

– Афсуски, мумкин, ҳазрати олийлари, – жавоб қилди махфий бошлиғи хўрсиникқа ўхшаш овозда.

– Шундай денг. Демак, уни бир ёқлик қилмасдан туриб, бошқа ишларни амалга ошира олмаймиз чоғи. Ҳамон Тўхтамишнинг бизга юзда-юз рақиб ёким душман деб билгим келмайди. Шундай дея ўйламоққа кўнглим чопмайди. Боиси, уни ўғлим каби кўрардим. Ундан умидим катта эди. Бизга тажовуз этмоғи нари турсин, керак бўлса ҳатто кўмак ҳам ола билурмиз дея ўйлаган эдим. Буни қаранг-а? Начора, нима ҳам қилардик. Шуни айтадилар-да мен қиламан ўттиз, тангри қилади тўққиз, тангри қилганда ўттиз, қисмат қилади тўққиз деб. Бу қавмдан ҳеч қачон ва ҳеч кимга хайр келмаслигига энди ишонмоқдаман. Тарбияласанг, кечирсанг ва суюсанг булар ҳам одам бўлиб кетади дея ўйлаган эдим. Янглишган, қаттиқ янглишган эканман, Туркашбек! Отам раҳматли доимо бобомиз Қорачар Нўённинг ўғлига айтган бир насиҳатларини такрорлар эдилар. Ҳеч қачон Чингиз қавмига ишонма, улар ҳеч қачон ўзларидан ақлли одамларни ҳазм

кила олмайдилар. Бизнинг урукқа эса охири бир кун ўзларини махв этадиган куч сифатида қарайдилар. Биз бу жоҳиллар билан тил топишиб, уларни тўғри йўлга бошлаб юрган бўлсак фақат идрокимиз ва тинимсиз меҳнатимиз туфайлидир. Улар улуснинг қаҳрига учрамаслик учунгина бизни ёнларида олиб юрмоққа мажбурлар. Шу боис эҳтиёт бўлинглар. Кўза кунда эмас, кунда синади. Ҳеч қачон ҳақиқат бор бўй баста билан юзда-юз тантана қилмайди ва бунга қўймайдилар... Бу қавмни фақат ижро этиладиган юмушларга қўйиб, қаттиқ назорат қилмасанг бошингга чиқиб олади. Барча бек ва лашкар бошлиқларига еткуринг, сафар тадоригини кўрсунлар. Энди ул тарафдаги ишимизни ниҳоясига етказмай қайтмаймиз. Сафаримиз балким узоққа чўзилар. Бироқ буни кимса билмасун. Жўчи улусидаги одамларингиз яхши ишласун. Ёғийнинг ҳеч бир гап-сўзи ва хатти-ҳаракати эътибордан четда қолмасун!

Туркаш улуғ Амирга таъзим бажо келтириб, эшик томон йўналди.

Хонада ёлғиз қолган Темур ёнбошлаганча оғир хаёлга чўмди. Дарвоқе, Эрон элхонийлардан сўнг майда бекликларга бўлиниб кетди. Бу амирликлар бир-биридан кучсиз, давлат тутумининг тайини йўқ эди. Улар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар, рақобат, узлуксиз саваш ва жангларда раиятнинг тинкаси қуриган эди. Бундай вазиятда парчаланган бу худудларни Тўхтамиш ёки бирор бир кучли хоннинг босиб олиши табиий эди. Агар Тўхтамиш Эронни олса бас, сўнгра беихтиёр Туронга кўз тикади. Олтин Ўрда билан Эроннинг ҳарбий ва иқтисодий кучи бирлашса, бу катта қудратга айланади. Бундай бирликка бас келмоқ ҳам осон кечмайди. Демак, фурсатни бой бермай Эронни бутунлай забт этмоқ керак. Бошқа чора йўқ. Шунда ул ношукур ўғлоннинг Ши-бир ўрмонларида айиқ овламоқдан бошқа иши қолмас...

Темурнинг фикри тўхтамага келиб, кўз олдидаги вазият ойдинлашган, қарори қатъийлашган эди. Одатича, у дилига туккан ишни битирмагунча тинмас, Самарқандда ҳам ортиқ тура олмас эди. Улуғ Амир мулозимга хос чопар Эртўғрул Туронни чақирришни буюрди. Остонада қадди-қомати келишган, мўйлари сабза урган, кийган навкар кулоҳи ўзига ярашган хушбичим йигит кўринганда амирнинг дили ёришди. Уни имлаб ёнига чақирди-да, бағрига босди.

– Сени кўрганда Оллоҳ раҳматли отанг Турон Баҳодирни

кўргандек бўламан, жигарим! – деди Темур хос чопарни ёнига ўтқазар экан. – Аҳволинг қалай? Қийналмаяпсанми? – сўради меҳрибончилик билан.

– Куллуқ, ҳазрати олийлари! Сиз каби қиблагоҳим ўрнидаги инсон ишончини туйиб яшамоқ менга чексиз бир завқ берадиким, буни сўз ила англата олмаймен! – дея жавоб қилди Эртўғрул хаяжонини зўрға босиб.

– Балли, авлодим! Отанга балли! Юртнинг машаққатли юмушларига, улуснинг оғир дардларига сендек азаматлар ярайдилар. Оллоҳ барчангизни соғ-омон, тўрт кўз тугал сақласин! – дуо қилди амир. – Сенга бир хизмат бор, ўғлим. Мана бу мактубни олиб Хуросон амири амирзода Мироншоҳбек хузурларига учасен. Ўн-йигирма чоғли энг сара йигитлар ёнингда кетсин. Амирзода Хуросон қўшинининг ярмини олиб, Эрон томон юрсинлар. Биз қаерда кўришишимизни яна хабар қилиб айтаман. Агар амирзоданинг менга етказадурғон зарур гаплари бўлмаса сен ул акангнинг ёнларида бўл ва бирга олдимга борасиз. Агар амирзода сени зудлик билан биз томон жўнатсалар шуни ҳисобга олгинки, узоғи билан ҳафта ичида биз Самарқанддан чиқамиз. Мени яхши англадингми, авлодим? – хос чопарнинг кўзига қаради Темур.

– Англадим, ҳазрати олийлари! – бурро-бурро жавоб қилди хос чопар.

– Мана бу ўн дона олтин тангани мендан отам Турон Баҳодир берди деб қабул қиласан. Кўнглинг нени тиласа, ол, – деди Темур хонтахта устида турган халтачадан олтин тангаларни олиб, Эртўғрулга узатар экан.

Хос чопар шошиб қолди. Улуғ Амир тутиб турган пулни оларини ҳам, олмасини ҳам билмай бир муддат саросимага тушди. Сўнгра, беихтиёр кўлини чўзди. Кўзи ёшланиб, томоғи бўғилиб, назарида шундоққина кўз ўнгида отаси тургандек эди.

Ҳоқон қаршисида тиз чўкиб, тиззасига пешонасини қўйди. Амир уни турғазиб, пешонасидан ўпди-да, оқ йўл тилади.

Улуғ Амир ўғлидан йўл-йўлакай Хуросон юртида қилинаётган хайрли ишлар хусусида ҳисоб олмоқчи, лозим кўрсатмалар бериб, вазифалар юкламоқчи эди. Амирзода Мироншоҳ падари бузруквори ўғруқига Хуросон чегарасига кириши ила етиб келди. Отасининг пешини ўпди.

– Қўшинингизнинг юзда эллигини бу ерда қолдириб, қолгани

билан Хуросонга қайтасиз, амирзода, — деди Темур қаршидаги оғир ташвишларнинг зилу замбил юки елкасидан босиб турганлиги сезиладиган оҳанг ва қиёфада. — Бизнинг бу сафаримиз оғир кечадурғонга ўхшайдур. Балким бир неча йил қолмоққа тўғри келар. Сиз бул тарафда Хуросон ва унга туташ барча сарҳадларнинг омонлиги ва хавфсизлигини таъминламоғингиз, жоиз бўлса Туркистондаги аҳволдан ҳам хабардор бўлиб турмоғингизга тўғри келади. Махфийлар маълумотига қараганда тузимиз кўр қилгур Тўхтамишнинг Турон юртига от солмоқ хавфи йўқ эрмас. Мен бу хабарга тамоман ишонмасам-да, ул зотлардан ҳар қандай ёмонликни кутиш мумкин. Шунинг учун азиз биродарингиз Умаршайх Мирзо билан зудлик ила боғланинг. Агарда ул нонкўр бул ишга қўл ургудек бўлса, қаршисига амирзода Умаршайх чиқиши мумкин. Ҳар ҳолда амирзода ҳали ёш, тажрибаси етарли эрмас. Ймкон қадар черик тўплаттириб, Андижон ва Хўжандга юборинг. Лозим бўлса ўзим ҳам етиб боражакман деган хабарни ҳам бот-бот такрорлаб туринг. Амирзодага далда бўлади.

Темур саропарда эшиги оғзида тик туриб суҳбатлашаркан, хос мулозим буюрилган емаклар ҳозирлигини билдирди. Кун пешиндан оққанлигига қарамай, улуғ Амир нонушта қилмаган, у кунда бир маротаба емак емоққа ўргангани боис, бу одатини меҳмонлар устма-уст келганда бузишга тўғри келарди.

— Мен куртава буюрган эдим. Юринг баробар ичамиз, амирзодам, — деди Темур саропарда ичига кирар экан. — Раҳматлик энангиз куртава билан кулчатоғни жуда боплар эдилар. Ошчиларимиз қанчалик тотли тайёрламасинлар, бироқ ул лаззатни ҳеч ҳам туя олмадим.

Саропардага яқин чодирда улуғ Амирнинг хос ошчилари емак ҳозирладилар. Қулоғига тол товоқда курут эзаётган товуш чалинган, Темур беихтиёр, ошчилар чодир томон бурилди. Ўғли отаси ортидан эргашиб борарди. Темурни кўрган ошчилар шошиб қолдилар.

— Безовта бўлманг. Биз амирзода билан бир оз курут эзишингизни томоша қиламиз, — деди Темур дон солинган қоп устига ўтираркан. Амирзода қўл қовуштирганча тик турарди. — Ишингизда давом этинг. Болалигимда курут эзишни томоша қилишни яхши кўрардим. Амирзода ҳам кўрсунлар. Асқатиб қолар, — деди Темур тол товоқда курут эзаётган Обид ошчидан ишини давом эттирмоғини сўраб.

Камида эллик ёшли толдан ясалган товоққа бутун курутларни солиб, қайнаб, дами қайтган сувдан қуйган Обид ошчи кўлини яхшилаб ювди-да, курутни эзишга киришди. У товоқ айланаси бўйлаб кафти билан курутларни товоқ деворларига ишқалаб айлантирарди. Тиниқ сувда оппоқ бўлиб кўришиб турган курутлар сувни оқиш рангга кирита бошлаган эди. Иккинчи тол товоқда эса ҳозир куртава турарди.

– Тайёр бўлганини маромида иситиб, дастурхонга тортаверамиз, – деди ҳансираб Обид ошчи.

– Амирзодага куртава тайёрлаш жараёнини яхшилаб бир тушунтириб қўйинг. Ота-боболаримиз минг йиллардирки бу шоҳона ҳамда фақирона емакни еб келишларини яхши англадинг, – сўзида давом этди улуғ Амир.

– Мана шу эзишда курутлар майдаланиб, сузма шаклига келади. Сўнгра илиқ сувдан қуйиб, қуюқлигини таъбга яраша ҳолга келтирамиз-да, қозонга қуямиз. Иситиш давомида қўзғаб турамиз ва меъёрига мос равишда пиёз соламиз. Қайнаши шарт эмас. Оғиз қуяр даражада исиса етади. Сўнгра косаларга қуйиб, таъбга яраша қуйдирилган ёки қуйдирилмаган сариеғ соламиз, – амирзодага астойдил англатарди Обид ошчи. – Дунёда бундан кучли ва танага қувват берадиган парҳез таом йўқ. Яримта нон билан бир косасини ичиб олсангиз кун бўйи от чопсангиз ҳам очқамайсиз, амирзодам. Бу емак ота-боболаримиз Алп Эр Тўнгаю Ўғузхон, Бўмин хоқону Қултегин хоқонлар йилнинг ўн икки ойида еб келган қутлуғ таомдур. Улуғ Амир ҳазратлари юртни бирлаштираман деб жон олиб, жон берган замонларида отларининг хуржунларида нон бўлмаса бўлмас эдики, курут топиларди. Биз ҳам аслида куртава тайёрлашни ҳазрати олийларидан ўрганганмиз, – мароқ билан сўзларди ошчи.

– Элликка кирсанг ҳам хомсан-да, Обид. Болалик дўстим эканлигингни кимса билмасин демаганмидим. Салтанат сирларини ошкор қилиб қўйдинг-ку! Хафа бўлмагину емак ҳозирламоқдан бўлак нарсага етмаган бошинг кетади энди, – ҳазиллашди Темур.

– Бошимиз лозим бўлса, бош устига ҳазратим. Сиз каби улуғ подшоҳнинг қўлида ўлмоқ шараф-ку! – бўш келмас эди Обид ошчи.

– Бир кунда мен ўн одам билан кўришиб суҳбатлашсам, бу юз киши билан гаплашади. Бир китобни бошидан охиригача ўқимаган бўлса-да, унга гап топиб бериш қийин, – ўғлига қараб



сўзларди Темур. — Ошчиларингизни ҳар замон ўзингиз тангланг, амирзодам. Подишоҳларнинг жони шуларнинг кўлида бўлади, — сўзида давом этди Темур мийиғида кулганча хузур қилиб ошчи дўсти билан ҳазиллашаркан. — Ошчи билан овчи зотининг лойи бир тупроқдан олинган бўлади. Озгина мактаб кўйсанг бас, уларнинг барчаси Миср султонидан тортиб дунёни суяб турган барча ҳукмдорларга ош дамлаган ва бу ҳудудларда энг кўп Турон йўлбарсини отган бўлиб чиқадилар. Ишларинг яхши мулла, Обидбек. Қани елинг тотлилигига яна бир бор ишонч ҳосил қилайлик-чи? Емакларингни бизнинг чодирга олиб кир, — деди Темур ўрнидан туриб, ошчилар чайласидан чиқар экан. — Сиз менга ҳисоб беринг-чи, амирзодам. Хуросон фатҳидан сўнг мен йигирма нафар амиру лашкар бошлиқларига Мурғоб дарёсидан йигирмата катта ариқ чиқаришни топширган эдим. Оқ Буғо ва Умар Тобонлар қаздирган ва улар номи билан аталадиган ариқларнинг битганлигидан хабарим бор. Хўш, амирзодам, сиз Хуросон мулкининг шоҳи сифатида менга сўйланг-чи, бу ишлар қай аҳволда кетмоқда? Раиятнинг аҳволу руҳияти қалай?

Ўз чодирга кириб, кўрпачага оғир чўккан Темур ўғлидан жавоб бекларди.

Амирзода Мироншоҳ бу хусусда отаси ҳисоб сўраяжани биларди. Шу боис келмасидан бурун бош вазирдан ариқлар қазилиши бўйича билги олган эди.

— Саккиз ариқ ишга тушган, қиблагоҳ, — жавоб берди Мироншоҳ кўйин чўнтагидан дафтарини олиб боқаркан. — Булар сиз сўйлаган икки ариқдан ташқари Давлатшоҳ бахши, Кебекчи юртчи, Дилкушо, Ганчравон, Ганчхона, Шайх Али Саид ва Шайх Али Баҳодир каналларидур. Қолган каналлар Гулбоғон, Душоҳ Жондор, Ҳасан Жондор, Алоуддин Иноқ, Саҳдак, Пурдор, Алималик ва Сунж ариқларини эҳтиёжи бўлмаганлиги учун охиригача қазимай турибдилар. Деҳқонларга қанча сув керак бўлса шунча миқдордаги сув чиқиши ҳисобга олиниб, каналлар қазилди. Лозим бўлса давом эттирамыз, — дея сўзини тугатиб, дафтарини қайтариб кўйнига солиб кўйди амирзода.

— Ҳисоботингиз қабул, амирзодам. Қилинган ишлар учун ташаккур. Каналларнинг узунлиги камида ўн беш фарсах бўлишини сўраган эдим. Деҳқонлар бу ариқлар атрофига экин экадиларми, йўқми, белгиланган масофага қадар қазилиши шарт. Сиз канал-

ни казиб кўяверинг. Одамлар қандай деҳқончилик қилишларини ўзлари биладилар. Агарда деҳқончилик қилинмаса бу ариқлардан яйловларни суғориш мумкин бўлади. Юқорида номлари зикр этилган биродарларимиз бошлаган ишларини охирига етказсунлар. Улар Хуросондан олис юртларда бўлсалар бу ишга ўзингиз бошчилик қилишингизни сўрайман. Келгуси баҳорга қадар барча ариқлар узайтирилиб, қолганлари казиб битказилсун! Катта ариқлардан қишлоқлар ва мавзеларга кўшимча ариқлар олишда ҳам улусга кўмак этинг. Дунёда бундан савобли ва хайрли иш йўқлигини яхши билурсиз!

– Тушундим, қиблагоҳ. Кўнглингиз хотиржам бўлсин. Бу савобли ишларни айтганингиздан-да, ортиқ қилиб бажаражакмиз. Зеро, бу олийжаноб юмушни удаламоқ баробарида инсон сўз ила ифодалаб бўлмас бир ҳузур туяр экан, – самимий сўйларди амирзода отасининг сўзларини тинглаётгани учун олдиға кўйилган овқатға қўл узатмасдан.

– Емагингизни ея билурсиз, болам, – деди Темур ўғлини овқатға таклиф этиб. – Сизнинг бу туйғуларингиз ҳақиқий эр йигитнинг қалбида жўш уражак хислардир. Унутмангким, асл, бутун ва мард киши қуйидаги ҳақиқий инсоний хислатларға эға бўлмоғи шарт. Акс ҳолда ў эркак ва ота ёким ҳукмдор сифатида бутун бир шахс бўла олмайду. Булар қуйидагиларду, амирзодам. Асл мард ўғлон энг аввал халқ ишини ўйлаши ва бу ишға чин юракдан киришиши керак. Одамларға нисбатан ҳеч қачон инсофу диёнат меъёрини бузмаслиги, ўз нафсига эрк бермаслиги лозим. Сўнгра асл илмли олимлар қошида камтар бўлиб, донишмандларға хизмат қилиши керак. Доно кишиларға мулойимлик ва кичикларға шафқатли бўлиш ҳам улуғлик белгисидир. Бежизға донолар олдида тилингни, авлиёлар олдида дилингни тий демайдилар. Сўнги шарт эса душманларға муносабат масаласидур. Агар душманингиз оқил, ўқиган, ақлу заковати жойида одам бўлса у ҳеч қачон сизға умрининг сўнгигиға ёғийлик қилмайди. Сиз ҳам унинг ўзингиз ҳақингиздаги фикрини ўзгартирмоқ учун саёй-ҳаракатда бўлишингиз, унга яхшилик тилаб, яхшилик қилишингиз керак. Агарда душманингиз туғма бефаҳм, жоҳил, унинг учун ҳеч бир муқаддас ғоя ва эътиқод бўлмаса унга бас келмоққа мажбурсиз. Акс ҳолда у сизға нисбатан шафқатсизлик қилади.

Темур шундай деди-да, беихтиёр кулди. Қуртава ичаётган амирзода ҳам мийиғида кулиб, бунинг боисини сўрагандек отасига тикилиб қолди.

– Бошимдан ўтган бир ҳолатни сизга айтмоқчи эдим. Шунинг эсладим, – деди Темур сочиққа қўлини артар экан ҳамон кулиб. – Ҳаётий тажрибамда шунга амин бўлдимки, пешонаси ва оғзи катта одамдан яхшилик келмайди. Шунингдек, калласида гўшти йўқ, қоққалла ҳамда кўз косаси ташқарига битган кимсалардан ҳам хайр чиқиши гумон. Буни ҳам ҳисобга олиб қўйинг, демоқчиман.

– Ҳақиқатан қизиқ бир тажриба экан, – хайрон бўлди амирзода. – Қари билганни пари билмас дейдилар, қиблагоҳ. Қани энди ҳар куни ёнингизда юриб, бул каби бетакрор насиҳат ва ибратли ҳикояларингиздан баҳраманд бўлсам эрди, – деди энтикиб амирзода.

Орага қисқа муддатли сукунат чўқди. Темур ўғлининг кенг ва қалин қошига, бежирим, оқиш ва тоза юзига, бўртган лабларига бир назар ташлаб қўйди-да хотиридан кўтарилган бир гап эсига тушгандай, жиддий тортиди.

– Сиздан яна бир рижойим борким, ёши улуғ амирзода сифатида сиз буни укаларингиз ва биродарларингизга уқдирмоғингиз ҳамда назорат этмоғингиз шартдур. Авлодингиз, инингиз амирзода Пир Муҳаммад билан сўзлашиб, англанинг. Ҳеч қачон ички ичиб, хонимлари ила қўшилмасун, – овози ўзгариб деди Темур.

Амирзода Мироншоҳ ўтирган ерида михланиб қолгандек бўлди. Бу сўз акасининг ўғли Пир Муҳаммаддан кўра кўпроқ ўзига тегишлидек эди. Шу боис анчагача лаб-лунжини тўғрилаб, даъфи жавоб қайтара олмади. Мум тишлагандек тилига калима келмай, дами ичига тушиб кетди.

– Бул номақбул иш ўз насл-насабини йўқ қилишга бел боғлаган кимсаларнинг ишидур. Энди ўз ишингиз ила машғул бўла билурсиз, амирзодам. Биз билан бу ерда яна икки кун, чамаси, бирга бўлинг. Яна суҳбатлашайлик. Дийдорингизга тўяйлик. Сўнгра сиз Хуросон томон, биз эса Эрон томон йўл олурмиз. Оллоҳ доимо йўлимизни берсун!

Темур шундай деб ўғлини саропардадан кузатиб чиқди. Ташқарида инсонни армонларнинг чексиз уммонига улоқтирувчи

баҳор ҳавоси уфурар, тўрғайларнинг ёқимли чулдир-чулдири бу дунёда фақат яхшилик ва гўзаллик абадийлигидан башорат қилаётгандек эди.

Лашкарларнинг бақириқ-чақириғи, отлар кишнаши ва навкарларнинг қурол-яроғини чархлаётганда эшитилаётган товушлар кўй-қўзиларнинг маъраши ва кушлар сайроғини босиб кетарди.

Темур юраги тўлганча кун ботиш тарафдаги оппоқ қор қоплаган тоғлар оша Самарқанд, Туркистон томонларга тикилди. Оқдарё ва Қорадарё сувлари ҳам тўлиб-тошиб оқаётган бўлса керак деган ўй хаёлидан кечди. Бу тарафларга қараганда Турон ерининг баҳори кечроқ келади. Ойқор, Туркистон тоғлари этакларида эса бу ҳудудлардан бир ой сўнгра бойчечак чиқади.

Баҳор ҳавосидан кўкраги тўлган Темур ўрнидан туриб, ўнг қўлини кўтарди. Жиловдор тезда унинг сеvimли тулпори Оқбулутни олиб келди. Хоқон қўшинни кўздан кечирмоққа отланган эди.





## ЙИГИРМАНЧИ БОБ

*Ажсам шоҳларидан эшитсанг хабар,  
Улар зулмидан кўрди халқ зарар.  
Улар шоҳлигидан на асар қолди,  
Замон кечди, на зулму, на зар қолди.*

Шомий

Музаффар Турон ўрдуси Мозандароннинг кўз илғамас бўз қирларида ёйилиб, салобат билан борар, теварак-атрофдаги катта-кичик қуролли гуруҳлар бирин-кетин етиб келиб, Темурга тобелик изҳор қилишиб, тобуғ келтирар эдилар.

Туркларнинг барс йилига муқобил келган етти юз саксон сак-кизинчи ҳижрий йилда улуғ Амир қўшини Ферузқўҳ қалъасига етгач, тўхтади. Омул ҳокими Саййид Камолиддин ўғли Саййид Ғиёсиддин билан Турон султонининг пешини ўпмоқ учун ҳозир бўлдилар. Ҳоким ўғлини Темур учун мулозимликка тақдим этди. Улуғ Амир уларни шоҳона совғалар билан сийлади.

– Сиздан бир сўровим шулким, мухтарам Саййид Камолиддинбек, – дея Омул амирига мурожаат этди Темур мулоим на-зар билан боқаркан қаршисида ўтирган меҳмонларга. – Менга Жўчи тарафдан келган босқинчиларнинг ҳаракати ва уларга қарши бу ҳудуд бекликлари нечун бирлашмаганликлари ҳақида ўз фикрингизни сўзласангиз?

– Бош устига, ҳазрати олийлари, – дея ўрнидан турди Саййид Камолиддин.

– Ўтиринг, ўтиринг. Бемалол ўтириб сўзлайверинг, – деди қўли билан ўтирмоққа имо қилиб Темур.

– Бу аҳволнинг юз беришига барчамиз айбдоримиз, Улуғ ҳокон ҳазратлари! Вилоят ва шаҳарларнинг ҳоким ҳамда волийлари бирор кишининг бу ишга бош бўлишини кутдилар. Бу ерлар даъво-сида юрган Султон Аҳмад Жалойир эса Тўхтамишнинг Табризни талашига томошабин бўлди. Мени қўллаб-қувватламагани учун бу одамларга худо Тўхтамиш деган балосини юборди дермиш, султон ҳазратлари. Ўз даврида биз уни бошимизга кўтариб, Жўчи

улусига қарши қурашида ёнида туриб берганмиз. Барча подшолар каби у ҳам ҳокимиятни эгаллаб, думига жир битгач, ўзини тахтга ўтқазганларни бирин-кетин йўқ қила бошлади. Бировлар усмонли салтанати сари қочган бўлса, қанча биродарларимизга сиз зоти олийлари пуштипаноҳлик этдингиз. Улус ўнлаб хону подшоҳлар кўриб, Султон Аҳмадчалик баттолини учратмаган. Эндиликда у сизу бизга қарши савашмоқ тараддуида.

– Тушунарли, – деди салмоқли оҳангда Темур ўйга толаркан. – Султон Аҳмад бизга нисбатан ёвлик мақомида турмаса, унинг бир тук сочи ҳам тўкилмағай. Менинг сўзларимни унга етказинг. Биз ила ёвлашмоққа астойдил қарор берган бўлса, унда ўзингиздан қолар гап йўқ. Ўз гуноҳи ўзида, қора илон бўйнида. Сиздан яна бир сўровим бор, – дея сўзида давом этди Темур. – Нечук бир неча йиллардан бери Ҳижозга бораётган ва қайтаётган карвонлар ҳамда ҳожиларни таловчи Кичик Лур волийси Малик Изиддиннинг мушугини ҳеч ким пишт демайди?

Жавоб бериш учун ўйга толган Саййид Камолиддин оғир бир тин олдида гапнинг ростини сўйлади:

– Унга ҳеч кимнинг кучи етмайди, ҳазрати олийлари, – деди хўрсиниб ғамгин овозда.

– Шундай денг!

– Шундай, ҳазрат! Сиз каби бир жаҳонгир унинг жиловини тортиб қўймаса, бу юмуш бошқанинг кўлидан келмайди.

– Эл ўғрисиз, чағат бўрисиз бўлмас, дейдилар. Бироқ бу ўғрилар-да, бўрилар-да кўпайиб сурувга, подага айланса, бундан катта офат бўлмағай. Ул кимсаларнинг қилмишлари, мусофирлар, айниқса Байтуллоҳга бораётган ҳожиларга нисбатан қилган номаъкулчиликлари ҳақида эшитганимга ҳам анча бўлди. Раият Тангри таолонинг бизга топширган омонатидир. У қиёматда биздан сўрайди-ку! Қандай бедодликки, мамлакат ўртасида шундай бузуқ бир жамоа яшаса-ю биз уларни йўқотиш ва илди-зидан кўпориб ташлашга қодир бўла туриб, бу бобда бепарволик қилсак! Шундай экан, вақти келганда уларнинг бузуқлигини даф этиш, вилоят ва мамлакатни ул бадкирдорлардан тозалаш бизнинг ҳимматимиз зиммасига вожиб ва лозимдур! – деди Темур саропарда ичида наридан бери бориб келаркан.

– Ғоят улуг, раият орзу этган иш бўлур эди, жаноби олийлари, – деди Темурнинг сўзини маъқуллаб Саййид Камолиддин.

Темур саропарда ўртасида тўхтамаган кўйи фармони олийни айтиб туриб, ёздирди:

– Ҳар ўнликдан иккитадан сара аскар олинсун! Улар Хожа Али Муайяд бошчилигида тўхтамай йўл юриб, Бўрижар ва Хуррамобод шаҳарларини эгалласунлар! Раиятга тегмай, Малик Изиддин ва унинг талончи-қўшинини тор-мор этсун! Қўлга тушганлари ясоққа тортилсун!

Ихчам қўшин қисқа фурсатда Лур бузғунчиларини барта-раф этди. Бироқ савашда ярадор бўлган Хожа Али Муайяд бир неча кундан сўнг вафот этди. Ўрдунинг хасталикка чалинган яна уч лашкарбошиси Оқ Темур, Умар Баҳодир ва Муҳаммад Ҳимматлар ҳам қазо шаробини ичдилар. Темур жондек яқин бу йўлдошларидан айрилганига чуқур қайғуга ботди. Бироқ шаҳид кетган бу мард ва жасур инсонлар лаҳадининг ёқасида-да, умид ҳамда илинж яшар эди. Дўсту душман кўзи учун қасдма-қасд яшамок, курашмоқ ва ғалаба қилмоқ керак эди. Барчанинг каттаю кичик, ёшу қари, ақллию аҳмоқ, иту қушнинг кўзи Темурда эди. Унинг даъволарини қуруқ гап дея ўйловчилар, Улуғ Турон бирлиги ҳақида сўзлаганда сендан Алп Эр Тўнга чиқармиди дегувчилар оз эмас эди. Уларга иши ва сўзи ила муносиб жавоб бермоғи лозим.

Оллоҳга шукрки, салтанати ичида ва ёнида юрганлар орасида хоинлар ҳамда иккиланганлар озайди. Улус Темурнинг ҳақлигига, унинг кўзлаган манзилига етиб боришига ишонади. Энди у салтанатни юксалтириш, куч-қудратини ошириш учун бор имкониятни ишга солади. Бу йўлда тоғни талқон қилгудек ўрдуси бор. Йигирма йилдан бери савашиб пишган бу қўшинни енгадиган куч ҳеч бир давлатда йўқ. Юз минг сонли лашқари уч юз мингли ўрдуни енга билади. Буни англаган ҳукмдор борки, шунга қараб иш тутати. Англамаганлар учун қилич қиндан чиқади.

Бу темир интизомли юксак жанговар руҳли лашқарни барпо этгунга қадар унинг она сути оғзига келди. Саваш дамларида бу қадар кўпсонли черикни усталик, эҳтиёткорлик билан бошқариш, саваш тақдирӣ ҳал бўлаётган майдонларга бўлинмаларни ўз вақтида режали йўллаш, турли тўсиқ ва ғовларни тадбир ила босиб ўтиш ҳар қандай ақлли ва тажрибали лашқарбошининг тинқасини қуритади. Темур бу ишлар билан эсини танигандан бери шуғулланавериш шу қадар кўзи пишиб кетдики, у ҳеч бир жанг-

га омади келишига ишониб ёки таваккал қилиб кирмас, ҳар бир юришга жуда пухта тайёрланар, ишнинг миридан-сиригача режалаштирарди. Аввало у рақибни руҳан ва маънан мағлуб этар, шу тахлит саваш майдонидаги иш осон кўчарди.

У Чингизхон ва Искандар Зулқарнайн қўшинларининг тузилиш тартиби ва лашкарнинг жойлаштириш шаклини узок ўрганди ҳамда катта-кичик жангларда синаб кўрди. У биринчи галда Чингизхон каби лашкарни умумий мажбурият тартибида ҳарбий хизматга жалб этмади. Феълан, табиатан аскарликни истамаган одамга тилло берсанг ҳам кўнгилдагидек савашмайди. Шу боис, бу ишда у рағбатлантириш асосида ихтиёрийлик анъанасини кўллади. Мўғул қўшинлари от-улови тайёр, кўчманчи чорвадор қавм ва қабилалардан иборат эди. Турон ўрдуси эса олий бош кўмондоннинг пухта режаси асосида аҳолининг барча табақаларидан тенг миқдорда тўпланар эди. Чингизхон лашкарида маҳаллий аҳолидан мажбурий равишда ҳашарчи пиёдалар бўлинмалари ташкил этилганини ҳисобга олмаганда ҳақиқий пиёда аскар йўқ эди. Темур қўшинида савашнинг ҳал қилувчи дақиқаларида қўл келадиган муқим пиёда қисмлар мавжуд эди. Пиёдаларнинг савашга тайёргарлигини доимо ўзи кўздан кечирар ва баҳо берар эди.

Ўт сочар қуролни ҳам бевосита ўзлари ихтиро этган темурийлар армияси уни шарқда биринчи бўлиб қўлладилар. Шунингдек, ўрдуда илк бор тоғли ҳудудларда жанг қилувчи махсус пиёда қисмлар ташкил этилди. Бу қўшинда қўллар, яъни корпуслар ўтмиш саркардалар қўшини тузилишидан фарқли ўлароқ беш эмас, етгита эди. Бош кўмондон қароргоҳи ва унинг теварак-атрофида кучли ҳамда энг сараланган қисмлар бўлиб, бу бўлинмалар энг муҳим паллада жанг тақдирини ҳал эта олар эди. Қўшинни етти қисмга ажратиш Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Чингизийлар ўрдусида ҳам йўқ эди.

Сўнги ўттиз йилда Темур ўрдуси енгилмади. Эсидан чиқмайдиган муваффақиятсизлик Амир Ҳусайн хиёнати туфайли минг уч юз олтмиш бешинчи йилда Чинозда рўй берган эди. Бу воқеа унга бир умр сабоқ бўлди. Ва шунда у саваш, жанг санъатида икки нарса муҳим эканлигини англади. Биринчиси, ким бўлишидан қатъи назар жангга бир киши кўмондонлик қилиши керак экан. Улус ҳам бежизга шериклик ошни ит ичмас де-



мас экан. Хаёт-мамот масаласи ҳал этилаётганда масъулиятни бўйнига олган одам қарор бериши керак экан. Иккинчиси, савашга қўмондонлик қилиб турган лашкарбошининг бевосита қўл остида кучли бир қисм бўлиши лозим эканки, у истаган замон жангнинг боришига таъсир кўрсата олсин. Акс ҳолда унинг оддий бир мингбошидан фарқи қолмайди. Бош қўмондонман, саваш давомида у ёким бу тадбирни қўллайман, барча баробар айтганимни қилади-ку дея ўйламоқ иш бермас экан.

Темур лой жанги сабоқларини жуда кўп эслар ва ўзича таҳлил қилар эди. Мағлубият кучсизлик ва тадбирсизликдан келиб чиқса уни англаш ва ҳазм этмоқ мумкинدير. Бироқ рақибдан кучли бўлсангу, бунинг устига ғалаба қозона туриб, ютуқни бой бериб ўтирсанг алам қилар экан. Узоқ ўйлашдан сўнг Темур шундай хулосага келди. Темурнинг жавонғари амир Ҳамид ва унинг биродари Шангум Нўён қўмондонлигидаги баронғорини синдиргач, Амир Ҳусайн бу ғалабанинг шуҳрати Темур шарафига ёзилажагини сизди ва тўнини тескари кийди.

Бу савашда Амир Ҳусайн баронғорга бошлиқ эди. Баронғорнинг кунбулида Тиланчи арлот, илғор қисм ҳировулда Ўлжайту Аперди, Шер Баҳром Жалойир, Пўлатбуға, Фарҳод Аперди, Малик Баҳодир каби етакчи лашкарбошилар жой-олган эдилар. Жавонғар Темурнинг зиммасида бўлиб, унинг кунбулида Сарибуға Қипчоқ улуси билан турар эди. Ҳировулда Темурхожа ўғлон, марказ, яъни қўлда амир Жаку, амир Сайфуддин, амир Мурод барлос, Аббос баҳодир каби саркардалар турардилар. Қўшиннинг бу тартибда жойлашувидан Темур ва Амир Ҳусайн черигининг ясоли баронғор, жавонғар ва қўлдан иборатлиги, шу билан бирга баронғор жавонғарининг ҳар бири кўшимча аскар қисми – кунбул ва хиравулга эгаллиги кўриниб турибди. Бу ясолнинг Темур назарича заиф томони шундан иборат эдики, баронғор ва жавонғарларга қараганда қўл анча кучсиз бўлган, яъни марказнинг илғор қисми – хиравули ва кўмакчи захира қисми тайинланмаган.

Ваҳоланки, Темур ва Амир Ҳусайн қўшинлари сон жиҳатдан мўғул хони Илёсхожа лашкаридан кўп эди. Ёмғирдан ўзини ҳимоя қилишдек оддий бир эҳтиёт чорасини кўрмаган Мовароуннаҳр ўрдуси кигизлар панасида кийим-кечаги ва яроғ-аслаҳасини қуруқ асраган чакқон лашкар олдида сувга бўктирилган эмак ҳолатига тушиб қолди. Мўғуллар ўзлари нари турсин отларини

ҳам ёмғирдан асраб, дам олдириб турган эдилар. Ҳужумни Темур ва Амир Ҳусайн қўшини бошлаган бўлса-да, ёмғирдан шилтаси чиққан от ҳам, унинг устидаги суворий ҳам зўрға ҳаракатланарди.

Темурнинг жавонғари рақибнинг баронғорига шикаст етказгач, ёғийнинг Ҳожибек ва Широул қўмондонлигидаги кунбули иттифоқчилар баронғори канбулини енга бошлади. Тиланчи арлотни қувлаб, ўнг қўлда турган Амир Ҳусайннинг олдигача етиб келди. Қўрқиб кетган амир жангчилари қоча бошладилар ва ҳар ким боши оққан томонга кетаверди. Вазиятни билиб турган Темур лашкарнинг ўнг қанотидаги бу таҳликадан безовта бўлиб, ўзининг ўн етти фавжи билан амир Шамсиддин етакчилигидаги қисмга ҳужум бошлади ва уни тўзитиб юборди.

Ёғий орасида саросима бошланган, яна бир-икки зарба билан мўғулларнинг қолган-қутганини келган йўлларига солиб, тириктириб қувиш мумкин эди. Астойдил савашаётган Темур фавжларига кўмак лозим эди. Темурни пинҳона ўзининг асосий душмани деб биладиган такаббур амир унинг сўзларига кулок солмади. Ҳусайннинг аскарлари биринчи кун деярли савашмадилар. Иккинчи кун эса Жете қўшини енгилиб, қўлга илинган нарсасини олиб Хўжанд томон қоча бошлади. Турон ўрдуси чекинаётган мўғул қўшинларини таъқиб этиб борар эди. Кутилмаганда иттифоқчилар қўшини гуруҳидан ажралиб қолган амир Шамсиддиннинг бир бўлинмасига дуч келдилар. Саваш бошланди. Бу фурсатдан фойдаланган мўғул лашкари ўз сафларини қайтадан ростлаб, ҳужумга ўтди. Аҳволи мушкуллашган иттифоқчилар отлари жиловини орқага буришга мажбур бўлдилар. Орқада эса лой ва балчикли майдон черикни оти билан бирга ютаман деб турар эди. Ўн минг нафар от ва жангчи йўқотилган эди бу жангда. Темур шундан сўнг жанговор тартибни такомиллаштириб, қўшин маркази – қўлни, илғор қисм – ҳировул ҳамда мададчи қисм – чағдавул билан мустаҳкамлайдиган бўлди ва бу қисмлар фақат олий бош қўмондонга бўйсунар эди.

...Темур уғруқи Табризга етмаган, Ферузкўҳ қалъаси атрофидаги ялангликларда ўз машқини тобйга келтирар эди. Қоровул Султон Аҳмад Жалойирнинг лашкари билан Табриз томон келаётганини маълум қилди. Жалойир қавмининг феъл-атворини яхши биладиган Темур бу хабарни эшитгач, мийиғида кулиб қўйди.

– Агар Мамлук султони Барқук ҳузурига қочиб кетмаса, иззат-

хурмат билан султонни бирга олиб кетиб, Хўжанд жалойирларига сардор қилиб қўяр эдик, — деди Темур ҳузурида ўтирган Шайх Али баҳодирга. — Улар доимо оқсоқолликни талашиб келадилар. Бутун бошли тирик султонни уларга ўтоға қилиб қўяр эдик.

— Султон Аҳмаднинг ота-боболарига Турон мулкидан нон текканида эди, бу ерга келиб салтанат қурмаган бўлурמידилар, — гапга қўшилди Шайх Али баҳодир.

— Жалойирлар бундан қирқ йил бурун Ироқ, Курдистон ва Озарбайжоннинг бир қисми устидан ҳукмронлик ўрнатганлар. Бу сулоланинг асосчиси Тождиддин Ҳасан Бузург бўлиб, йигирма йил султонлик қилган. Ботухоннинг ўғли Халокухон тузган элхонийлар давлатидан сўнг ҳокимият буларга ўтган. Бу ҳудудларнинг энг кучли ва машҳур ҳукмдорлари айни замонда жалойирлардир. Бу турк қавми биз билан савашмаса бўлар эди. Усиз ҳам форсийлар ва туркманларнинг сикувида бир амаллаб салтанат юргизмоқдалар, — деди таассуф билан хоқон.

У саропардадан чиқиб тоза ҳавода бир оз хаёл суриб ўтирди-да, оғзига қараб турган бек ва лашкар бошлиқларига сўнгги амрини берди.

— Қоровуллар ҳозироқ йўлга тушиб, султоннинг ҳаракатини кузатсинлар! Ўғруқни шу ерда қолдириб, биз ҳам Табриз томон йўлга чиқамиз! — деди Темур сўзни қисқа қилиб ва сафар ҳозирлигини кўриш учун чодир томон юрди.

Султон Аҳмад Жалойир Темур қўшинидан илгари дабдаба билан Табризга кирди. Турон султонининг бугун-эрта жанубий Озарбайжон бошкенти Табризга етиб келишидан ақли шошиб қолган султон шаҳарда бир ҳафта ҳам тура олмади. Яна Бағдод ҳижратини ихтиёр қилиб, оти жиловини Нахчивон сари бурди.

Темурнинг у билан савашмоқ нияти йўқ эди. Қаршисида турган араб султонлари ва форс шоҳлари олдида Султон Аҳмад «ўзиники» эди. Ҳожи Сайфуддин, амир Шайх Али Баҳодир ва Илёсхўжани ҳузурига чақиртирган улуғ Амир уларга тегишли йўриқларни берди.

— Кўриб турибсизки, Султон Аҳмад биродаримиз биз ила савашмоқ ниятида эмаслигини билдириб, йўлимизни тўсмаслик учун чекинмоқдалар. Эгилган бошни эса қилич кесмас дейдилар!

Темур шундай деб узоқ ўйга толди. У фақат ўзи биладиган изтироб ичида ёнарди. Аслида унинг ҳечам жаҳонгирлик даъвоси

йўқ эди. Бироқ у Турон юртини бирлаштириб, улуғ бир давлат тузгач, ўз-ўзидан ёғийлар кўпайди. Бири Темурдан чўчиб душманга айланса, бошқа бири асрлар мобайнида талон-тарож қилинавериб қавмлари қоришиқ бўлиб кетган бу бой юртни кўлга киритмоқ қасдида ёғийлашди. Яна бирлари эса қандайдир Темур деган одамнинг ҳокими мутлақ бўлганлигини ҳазм эта олмади. Темур барчасини совуққонлик билан кузатди. Дунёнинг барча ўлкалари каби Турон юртининг ҳам эгаси битта бўлишини, дунёнинг барча миллатлари каби турк улуси ҳам қачонлардир бирлашиб, бир бутун миллатга айланишини тумшугидан нарини кўрмас бу одамлар охири бир кун англаб етарлар дея ўйлар ва умид қилар эди.

Бироқ бу одамлар жоҳиллик билан гумроҳлик қудуғининг шу қадар тубида турар эдиларки, уларни рўшноликка, ёруғлик ва ойдинликка олиб чиқиб тўғри ва инсон каби яшашнинг энг оддий манзилига етадиган йўлни кўрсатиб қўйсангиз ҳам уларнинг бошлари айланиб яна ўша қудуқ атрофида ўралашар ва тос тепалари билан тушиб кетардилар. Демак, Ҳақ ҳақдур! Модомики, инсонлар ўзларини тегиштирмас эканлар, Оллоҳда уларни тегиштирмайди. Модомики улар тўғри йўлга тушмоқни истамас эканлар, Яратган ҳам уларнинг феъл-атворига яраша ҳаёт ва қисмат ато этади. Шайх Саъдий сўйлаганларидек, сен чирокни кўролмасанг, чирок билан нени кўрасан? Инсоният кўзининг очилмоғига, ҳақиқий маънода ақлнинг тантана қилмоғи учун юзларча йиллар керакка ўхшайдур. Яна қолгани Оллоҳга аён!

– Ҳар ҳолда Султон Аҳмад Жалойирдек подшоҳнинг биз билан сичқон-мушук ўйнагани каби иш юритмоғи ул биродаримизнинг шаъни шавкатиغا тўғри келмас! Уни таъқиб этиб, мақсадини билмоқ лозим! – сўзида давом этди қатъий оҳангда амирларига боқаркан. – Ўзи хужумга ўтмаса унга тегманг! Ҳар бир аскарга уқтиринг, Султон Аҳмад устиларига бостириб келса ҳам унга қарши қурол кўтармасунлар! Кимки Султон Аҳмадни ўлдурса, авлод-аждоди билан маҳв этилажак! Буни барчага ийи англадинг! Бу саваш турклигимизга-да тўғри келмас! Сизга маълумки, улуғ қоон Чингизхон билан Шарқий Турон еридан икки дарё оралиғига тўрт турк уруғи бирга келган. Булар барлос, қавчин, арлот ҳамда жалойир қавмларидур. Хоразмшоҳларнинг белини синдирган мўғуллар ёким Чингизхон эмас, аслида мана шу тўрт турк қавмидур! Валлоҳ, бу турк улусининг ўзидан ўт чиқиб, бир

фалокатга дучор бўлмаса, уни бошқа бир куч воситаси ила енгиш мушкул. Қисматни қарангки, хоҳиш иродамизга қарши ўлароқ турк қавмлари бир-биримизга ёвлашиб турибмиз. Албатта, мен бу ерда ўзимизни юзда-юз ҳақмиз демайман. Уларнинг фикри бўйича биз бу юртларда содир бўлаётган бошбошдоқлик ва зулмларга бефарқ қараб, мусулмонларнинг азоб чекмоқларига тоқат қилиб юраверишимиз лозим эди. Шу боисдан булар бизни босқинчи деб билладилар. Бироқ биз юртимизга муқаддас дини исломни олиб келган кишиларни миллати ва қавмларидан қатъи назар босқинчи деб билмаймиз-ку. Қайтамга халқимизни Оллоҳнинг ҳақ динига киритиб, бошини қўшганликлари учун улардан миннатдормиз. Биз бу юртларга ислом ва ҳақиқат байроғи остида, ҳақ исломни қарор топдириш, улусни адолат ва диёнат ясолари асосида одил бошқаришга амал қилмоқ байроғи остида келмоқдамиз. Динимизни парчалаган, турли оқимларга бўлиб, зиён етказган кимсалар ким бўлмасун қаттиқ жазоланажак. Бундай кимсалар асосан мана шу ҳудудлардан чиққан. Биз уларнинг танобини тортишга мажбурмиз! Сизларга оқ йўл! Ишингиз бароридан келсун! – дея лашкарбошиларини йўлчи этди Темур.

Султон Аҳмаднинг орқасидан тушган қўшин уни қувиб етди. Қутилмаганда жанг бошланиб кетди. Султон Аҳмад ортидан қувиб келган черикни ўзини маҳв этиш учун юборилган деб тушуниб, астойдил ташланди. Бироқ Турон лашкарининг савашмиқ нияти йўқлигини кўрди. Темур черигининг янада кучайишидан чўчиган Султон Аҳмад қолган-қутган лашкарини эргаштириб, яна Бағдод сари от қўйди. Султоннинг Бағдод томон юзланганидан хабар топган Темурнинг хузурида уни Бағдодгача қувиб боришга ва бу шаҳарни забт этишга рухсат сўраб амир Жалол Сайидхожа, Усмон Баҳодир, Шайх Арслон ва Айбож ўғлонлар ўтирардилар.

– Бағдоддек машҳур ва улуғ шаҳарни жуда олгингиз келмоқдами? – деди Темур ғалабаларидан руҳланган, тоғни урса талқон қилгудек бўлиб, ғайрат-шижоатга тўлиб турган аскар бошлиқлари ва амирларга қулимсираб қарар экан. – Эрта-индин балким Мисрга боришни сўраб келарсиз? – деди уларга савол назари билан қараб.

– Зотан, уч денгиз ошиб, мағрибгача борсак керак деб ўзингиз айтгансиз, ҳазрати олийлари, – деди амир Жалол таъзим қилиб. – Биз содиқ қулингиз сифатида сизнинг сўзларингизни ёдда тутиб, амалга оширмасак, недан от миниб, бош кўтариб юрибмиз! – Улуғ Амирнинг нозик жойидан олди амир.

Темур бир пайтлар айтган сўзини оқизмай-томизмай сўзлаган амирнинг хотирасига тан бериб, ёзилиб кулди.

— Оғзимиздан чиққан гапни ёқамизга тармаштирасиз-а, мухтарам амир! — деди ҳамон ўша табассумда. — Барча ишда шошиш мумкиндир ва буни кечирса бўлади. Бироқ савашда эмас. Сиз бир оз шошмай туринг. Руму Шом, мағрибу машриқ, Яману Ажам Темурнинг оддий бир лашкарбошиси Султон Аҳмад Жалойирдек подишоҳнинг яхшилаб пўстагини қоққанингизни эшитсун. Шу хабарнинг ўзи юзда эллик ғалаба демақдир. Музаффар ўрдумизнинг шон-шухрати қанчалик ёйилса рақибларимиз биз билан савашмоқ фойдасиз эканлигини шунчалик чуқур англаб етадилар ва бизга эл бўладилар. Шунда ҳеч бир қалъа ёқим шаҳар устига бостириб боришга ҳожат қолмайди. Бироқ сизларга сўз бераманки, Бағдод ҳукмдорларининг ақли жойига келмаса, келтириб қўйишни сизларга топшираман! Мана кунлар ҳам исий бошлади. Бу сижоқ дамларни Табриз атрофидаги соя-салқин жойларда ўтказайлик. Сўнгра Қурум ва Сурмари ҳисорларини эгаллаб, Қарс қалъасига етиб боришимиз керак. Бугунги куннинг муҳим тадбири шулдир. Қолганига Оллоҳ подшоҳдир!

Амир ва лашкарбошилар сукут ила улўғ Амирни тингладиларда, унинг сўзларини маъқуллаганча чиқиб кетдилар. Улар Темурнинг ҳақлигини ҳис этиб, оғиз очиб бир нима демадилар. Лашкар ўлжа иштиёқида эди. Темур буни ҳис этар ва тизгинлаб турарди. Темур бу савашталаб лашкарбошиларга Бағдод томон юрмоққа ҳали вақт етилмаганини, аввал ўздан чиққан бало — Тўхтамишнинг йўлини тўсиш лозимлигини айтмади.

Воқеа ва ҳодисалар интиҳосини олдиндан сезадиган Темур бу ўлкалар забти учун сидқидил киришмаган эрса-да, Тўхтамишнинг бу худудларда пайдо бўлишидан хавотирда эди. Унинг бу ишга кўл уришига астойдил ишонгиси келмаса-да, хотиржам ҳам эмасди. Бироқ у билан савашмоққа тўғри келиб қолса, бу теварак-атрофдаги бекликлар унга тобе бўлиши шарт эди. Бўлмаса Турон ўрдуси икки эмас, ўн икки ўт орасида қолар эди.

Қўшин Табризда эди. Сари Одилнинг ўлдирилишини эшитган улўғ Амирнинг авзойи бузилди. Бу хабардан қаҳри кўзиган Темур Табризнинг энг машҳур косиб ва ҳунармандларининг бир қисмини Самарқандга жўнатиб, қолганларига Тўхтамиш вайрон қилган Жанубий Озарбайжон бошкентини қисқа фурсатда тиклашни буюрди. Белгиланган кунда шаҳар таъмири битказилмаса

меъморлар ва маъмурлар сардорининг боши танасидан жудо этилажагини айтди. Табризнинг увол-савоби эса Жаҳонгирнинг ўғли Муҳаммад Султонга топширилди.

Қарс қалъасининг кутволи Ферузбахт Темур қўшинига қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Ниҳоят бўйсуниб узангисига оёқ қўйиб, улуғ Амир хузурига бош эгиб келди. Темур саропарда тўридаги тахтада ўтирарди. Уни очиқ чехрада қаршилади.

– Хуш келдингиз, иним Ферузбахт! Кузатдим, жуда яхши савашдингиз! Отангизнинг мард ўғли, юрт ишончига муносиб кутвол экансиз! – деди Темур уни ўтирмоққа таклиф этиб. – Ҳар неки бўлса Оллоҳдан. Қисмату насиб эрканким, биз бул тарафларда тузу насибамизни териб еб юрибмиз. Бўлмаса кимнинг ити адашибди бу қадар узоқ ўлкаларда. Барчамиз Яратган ягона Тангри таолонинг измига бўйсунамиз! Унинг хоҳиш-иродасисиз бир тош иккинчи жойга кўчмағай! Шу боис қисмат чопонини кийиб, элу юртимизнинг омонлиги ва фаровонлиги йўлида биз ила бирлашинг! Мартабангиз бундан-да улуғ бўлажак! Мен биламанким, бизнинг авлодларимиз бу ерларда бир неча юз йиллардан бери яшаб улуғ беқлик ва хонликлар тикладилар. Салжуклилар бино этган олиймақом обидалардан ҳайратга тушдик. Биз сизни Улуғ Турон давлати ҳимоясида кўрмоқ истаймиз. Сен авлодим, ўз ҳокимлигининг керак бўлса, кўшни худудларни ҳам қўшиб олиб, давом этдир. Мен бор эканман, сенга кимса оғиз очолмас. Сен менинг сўзларимни Рум элининг ўзга ҳокиму бекларига етказ! Улар ҳам шундай қилсалар, тўғри йўл тутган бўладилар!

Темурнинг вазоҳатидан дами ичига тушиб кетган Ферузбахт гап-сўзсиз боши ила улуғ Амир сўзларини маъқуллаб, тасдиқлар эди. У Темурнинг афт-ангорига, гап-сўзларига эътибор берар экан, ҳақиқатан ҳам афсона бўлиб кетган бу одамнинг вужудида илохий бир қудрат жўш уриб турганини, сўзлашган кишисини сеҳрлашини ҳис этди.

– Мен бундан буён сиз ҳазратнинг хизматингизда содиқмен! – деди бир оз ўзига келган Ферузбахт.

– Менда сиз дўстимиз ва биродаримизга ишонч билдираман! Қарс волийси Ферузбахтнинг елкасига Бухоройи шарифнинг зарбоф чопони ёпилиб, шоҳона ҳадялар тортиқ этилсун! Шунингдек, бул авлодимизга тўққизта асл тулпор ва курул-аслаҳанинг олтиндан ишлов берилган тўққиз хили ҳадя этилсун!

Бу кутилмаган илтифотдан Ферузбахтнинг кўзига ёш келди.

— Биз эртага Оқбуға мавзеси орқали Тифлисга қараб юрамиз, — деди Темур ўрнидан туриб Ферузбахт билан хайрлашар экан. — Эшитишимча, бу шаҳар замонанинг фитна ва фасоди, мусулмон подшоҳларнинг ғайратсизлиги ҳамда боши бирикмаслиги туфайли динимизга ашаддий мухолиф бўлган гуржиларнинг мамлакати таркибига кириб қолган эмиш. Мен айна замонда воқеъ бўлган ҳодисаю харобликлар, фиску фужурлар боис вужудга келган ажойиб ҳолатлар ва ғаройиб ишларни кўрмоқдамен! Қонун-қоидалар издан чиққан! Подшоҳлик расм-русуми йўқолган! Албатта, қудратли подшоҳлар бўлмаганидан кейин мамлакат ташвиш ва паришонликда яшайди! Аммо менинг таажжубим ўтмиш подшоҳлар ва собиқ маликларнинг тутган сиёсат ва ҳокимияти устидадир! Уларнинг шунчалик улўғворлиги, комронлиги ва жаҳондорлигига қарамай, мамлакатларнинг қоқ ўртасида Муҳаммад динига, бу динни йўлга қўювчига Оллоҳнинг раҳмати ва селовати бўлсин, мухолиф гуржий жамоалари қандай қилиб шу дамгача сақланиб, мамлакат ва салтанатни бошқарганлар? Ўйлайсизки, собиқ султонларнинг подшоҳлик ғайрати ва ҳукмдорлик шижоати буларни изга солмоққа етмасмиди? Бутпарастлар ботил динлари қоидаларига риоя қилиб, ўз динига мухолиф бўлганларни хўрлаш ва эътиборсизлантиришга ружу қўймишлар! Улар ислом динига мухолифлик ва мусулмонларга душманлик мақомида турмасалар биз уларга тегмас эдик. Ваҳоланки, уларнинг худолари бутлардир ва уларга ёрдам беришдан ожиздур! Ислом динига мансуб бўлган ва Тангри таоло ваъдасига кўра мадад ва кўмак беришига эътиқод қилувчи бул жамоа қайси юз билан бул кофирларни комронлик ва мамлакатдорлик мақомига қўйиб қўйганлару, ўзлари улар тўлайдиган озгина чиқиндига қаноат этиб келганлар?! Қандай бўлганда ҳам ҳозир ҳокимият ва жаҳондорлик навбати раббоний фазл файзи туфайли бизга етган вақтда уларни таг-томири билан йўқотиш, ислом шаҳар ва ноҳияларини улардан пок дутиш ва бу ишни улўғ Тангри даргоҳига етишимиз учун зўр восита деб билиш ҳимматимиз зиммасига лозим ва вожибдур!

Темурнинг бу сўзларини нафақат Ферузбахт, бутун амирлар ва аркони давлат эшитиб турар, бу сўзлар уларнинг юракларига етиб борганлиги ёнаётган юзларидан ва чақнаётган кўзларидан сезилиб турарди.





## ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

*У хатосиз фикрловчи, ажойиб  
фаросатли... Зимдан қараши ва кўз  
широтларини сезадиган идрокли  
киши эди...*

Ибн Арабшоҳ

Улуғ Амир мусулмонларга раҳм-шафқат қилмайдиган, исломни менсимайдиган диний ёхуд динсиз гуруҳларга шафқатсиз эди. Муҳаммад динида бўлмаса-да унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатадиган ўзга дин вакилларига тазйиқ ўтказилмас эди. Бу ишлар билан салтанатдаги урф-одатларни тартибга келтирувчи махсус мансабдор, аҳдос қозиси шуғулланар, ҳеч бир қавм ёки қабиланинг диний ёки турмуш урф-одатларига амал қилишлари чекланмас, балки муҳофаза этиларди.

Неча юз йиллардирки, гуржийлар бу ҳудудларнинг мусулмонларини тан олмай, уларга зулм ўтказиб, вақти-вақти билан босқинлар уюштиришарди. Темур ҳузурига келган кўпчилик арзчилар бу хусусда нолиб сўзлаганларидан сўнггина улуғ Амирнинг авзойи бўзилди. Бўлмаса гуржиларни яхши сўз билан эл қилмоқ ниятида эди. Маслаҳатчилар бу қавмнинг осонликча гапга кирмаслигини сўйладилар.

– Биз бу гуржиларга тегмаслигимиз ҳам мумкин эрди. Бироқ буларни шундай қолдирсак, айтганимизга юрмайдилар ва орқамиздан ханжар урадилар, – деди Темур кетаётиб амир Боботуркга. – Биз аслида ўз кучимизни аввало буларга, сўнгра ўзимизникиларга кўрсатишимиз керак. Бу қавм у қадар кўп сонли эмасга ўхшайди. Уларни қириб ташламаймиз албатта. Бошлиқларини жазолаймиз.

Боботурк ҳазрат билан баҳслашмоқни истаса-да, фурсати эмаслигини сизди. Бу дамда қўшин гуржилар юртини аста-секин эгаллаётган, йўлларида учраган катта-кичик қалъаларни кунпаякун қилиб кетаётган эди. Гуржилар дастлаб қаттиқ қаршилиқ кўрсағдилар. Бироқ кўп ўтмай улар подшоҳи Бўқрот афсонавий шоҳ ва сарқарда Темурга қарши курашмоқ миллатини батамом

махв этмоқ эканлигини англаб, ҳузурига бош эгиб келди. Унинг ёнида таржимони бўлиб, мусулмон усмоний гуржилардан эди.

– Менинг халқим сенинг элинг каби кўп эмас. Уни ер юзидан йўқ бўлиб кетишига йўл қўйма, эй улуғ турк хоқони! – деди Малик Буқрот йиғига ўхшаш овозда.

– Бу менга эмас, кўпроқ сенинг ўзингга ва улусинг феъл-атворига боғлиқ, – деди Темур уни зимдан кузатар экан. – Айни замонда сен ила кўнишмоққа фурсатим йўқ. Сўнгра иккимиз бафуржа суҳбатлашамиз, – дея гапни калта қилди хоқон Малик Буқротга шоҳона иззат-икром кўрсатиб. – Сени ўзимизла бирга олиб кетамиз. Шу баҳонада бир айланиб келасан.

Малик Буқрот ҳайкалдек қотиб турар эди. Қайтиб оғиз очишга унда журъат ҳам, ҳафсала ҳам қолмаган эди. Икки амир уни эргаштириб олиб чиқиб кетди ва хос кўноқлар учун ҳозирланган чодирга жойлаштирдилар. Темур эса гуржилар ерини забт этиш билан боғлиқ сўнги фармойишларни берди:

– Амир Жаҳоншоҳ Баҳодир бошлиқ черик гуржилар лашкарини синдиришни сўнгига етказсун! Амирзода Муҳаммад Дарвеш Шаки юртига, Арғуншоҳ ва Рамазон Ҳожи қўшинлари Тонкут вилоятига борсинлар! Бир тўп черигимиз эса Элбурс тоғи атрофларини тозаласинлар! Биз Кур дарёсидан ўтиб, Қийтоғ вилояти ва Қалъайи сурхни забт этмоқ жаддида бўламиз!

Темур асосий кўшини билан баҳаво тоғли бир ўлкага етиб келди. Бу ер улуғ Амирга ўзи яхши кўрадиган Қарши яқинидаги Қорабоғ манзилини эслатди. Темур кутилмаганда кўшинга бир неча кун шу манзилда истироҳат этишга ижозат берди.

– Бу ер не номда аталар экан? – дея Тоҳир тарихчидан сўради Темур табиатнинг ақл бовар қилмас даражадаги бу гўзаллигидан лол бўлиб.

– Эски румлар бу ерни Албания деганлар. Арманийлар Ағванк дея атаганлар. Бу худудлар ислом мамлакатлари таркибига кирганидан сўнг Аррон деб юритилган, ҳазрати олийлари, – дея жавоб қилди Тоҳир тарихчи.

– Сиз билан Қарши атрофидаги Қорабоғда бўлгандик. Гапнинг очиғи, бу ер ҳам ўшандай, балки ундан-да гўзал экан. Бугундан эътиборан бу жаннатмакон манзилни Қорабоғ деб атаймиз. Сарой кундалигига буни ёзиб қўйинг! Хабарчи ва элчиларимиз бу янгиликни тарқатсунлар!

– Бош устига, улуғ Амирим! – таъзим ила тисланди Тоҳир тарихчи.

– Оллоҳ насиб этса қишни шу манзилда, Қорабоғда ўтказамиз. Бу ернинг об-ҳавоси менга жуда маъқул келди.

Тарихчи кетмоққа чоғланган эди, улуғ Амир ўнг қўлини кўтариб яна ёнига чақирди.

– Ана у ғайридин подшоҳимизнинг аҳволи нечук кечди? Унга яхши қарамоқдаларми? Сиз бир олдига бориб кўнглини сўранг. Мендан салом сўйланг. Насихат қилинг! Кўз қарашидан сездим. Уни ва қавмини яхши сўз ва рағбат билан динга киритсак бўлади. Ул биродаримизни руҳан шунга ҳозирланг. Хабар берганимда ҳузуримга олиб келасиз. Мен меҳмонларимизни зериктирмасликни исломни қабул қилган гуржимиз Бўлтак Бухорийга топширган эдим. У ҳам шу ҳаракатда.

Олис йўл юриб қаттиқ хориган улуғ Амир икки кун чодирдан чиқмай ухлади. Учинчи куни беклар ва давлати аркон билан кенгаш ўтказиб, қилинажак ишларни режалаштирди. Хос чопар ва элчилар теварак-атроф ҳукмдорларининг итоат ва мулозимлик мақомини бўйинларига олиб, улуғ Амир ҳузурига келаётганини етказа бошладилар. Пешин намозини ўқиган Темур хос мулозимга Тоҳир тарихчи ўзи билан Малик Букротни олиб келишини айтди. Улар келгунга қадар Қуръони Карим мутолааси билан машғул бўлди.

Малик Букрот ҳузурига кириб келганида Темур Қуръони каримни қўлида тутганича, саропарда ўртасида тик турарди.

– Ассалому алайкум! – деди Букрот улуғ Амирга яқин келиб.

– Ваалайкум ассалом! – чеҳраси ёришиб жавоб қилди Темур. – Саломгаки тилингиз келишибди, иншооллоҳ, бу томони хайрли бўлажак, – сўзида давом этди улуғ Амир.

– Мулозимларингиз бизга яхши муносабатда бўлдилар, улуғ хоқон. Ташаккур билдираман, – ўзини босиб олган ва тақдирга тан берган гуржи шоҳи оҳиста ва босиқ оҳангда сўзларди.

– Сизбиздан ҳаётингизда кўрмаганилтифотвамеҳр-муруватни кўрурсиз. Боиси, сиз шунга муносиб, ақли-заковатингизда ягона Оллоҳни таниш эътиқоди барқ ураётган инсон кўринасиз! Агар сиз «Энг тўғри дин мана шудир» деган оят ишорасига биноан энг мақбул мусулмон динини тутсангиз, «Эй уммати Муҳаммад, одамлар учун чиқарилган умматларнинг энг яхшиси бўлдингиз.

Зеро сиз яхши амалларга буюрасиз» деган оят башорати ижобича умматлар яхшиси ҳисобланмиш Муҳаммад пайғамбаримиз уммати қаторига киришга розилик билдирсангиз «мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир» деган оят мазмунига кўра ходиму махдумлик йўлидан биродарлик йўлига кирасиз ва жизя тўлаш хорлигидан ислом иззат-икромия ҳурматига ва тақводорликка ўтасиз. Бу билан сиз аввало ўзингизни, сўнгра авлод-аждодингизни ва ўжарлигидан қирилиб ҳамда тарқалиб кетаётган халқингизни халос этасиз, муҳтарам биродарим Букротбек!

Малик Букрот хоқоннинг сўзларини тинглар экан, бутун танасидан тер оқар, қуйилиб келаётган пешона ва юз терларини артиб, хансираб нафас оларди.

– Розимен, хоқон ҳазратлари! – деди Букрот қалдираган овозда.

– Бўлмаса менинг сўзимни такрорла! – деди Темур унинг кўзларига тикилиб. – Ла илаҳа иллаллох, Муҳаммаду расулуллох!

– Ла илаҳа иллаллох, Муҳаммаду расулуллох! – такрорлади Малик Букрот.

– Ҳақ динга кирганингиз муборак бўлсун, азиз биродарим! – уни қутлади Темур. – Сизнинг қалбингиздаги залолат қулфи очилди ва сиз иймоннинг муқаддас кўчасини кўрмоқдасиз!

Улуғ Амир Букротни кучиб, бағрига босди. Сўнгра хос мулозимларига қуйидаги амрни берди:

– Малик Букротга шу пайтгача ҳеч кимга кўрсатилмаган иззат-икром кўрсатилсун! Унинг шарафига энг катта зиёфат берилсун! Бу азиз биродаримизга тўққиз уюр йилқи, тўққиз сурув қўй ва тўққиз пода туя армуғон этилсун! Малик Букрот ўз мамлакатига яна тўққиз музофотни қўшиб, тасарруф этажаги хусусида фармони олий ҳозирлансун! Қалби иймон нуридан ёришган бул биродаримиз нени истаса хазина ҳисобидан муҳайё этилиши қайд қилинсун! Малик Букрот бугундан эътиборан Улуғ Турон салтанатининг Элбрус тоғи чеврасидаги сарҳадларнинг ҳоқими мутлоқидур! Унга қарши қўл кўтарган кимса бизга қарши қилич кўтарган саналади.

Йиғилганларнинг барчаси бу илтифот ва сахийликдан ҳайратда эдилар. Бу воқеанинг овозаси етти иқлимга тарқалади. Малик Букрот ҳам бу ғайриодатий ҳолатдан ҳайрон эди. У тарихда ўқиган пайғамбар ва авлиёлар ҳаётида ҳам бу каби ҳолатни уч-

ратмаган, боши айланиб, не қиларини билмай қолганди. Бундан рухланган маликнинг қариндош-уруғлари, ёру дўстлари, ҳешу ақраболари, тобе ва раияти ҳамда мамлакатнинг аксарий кишилари исломга кира бошладилар.

Малик Букротни ўнг тарафига ўтказган Темур хос мулозимнинг қувончли бир хабарни айтишига ижозат берди. Хос мулозимнинг ёнида салжук турклари-либосига монанд кийимдаги юқори мартабали бир амир ҳам Темурга таъзим этиб турарди.

– Буюк Турон Амири, Туркистон султони, етти иқлим хоқони, раиятнинг асл ғамхўри, Оллоҳнинг ҳақ дини исломнинг содиқ ҳимоячиси Амир Темур Муҳаммад Тарағай Баҳодир ўғиллари хузурига Ширвон юртининг малиги, машхур подишоҳ Шайх Иброҳим садоқат ва самимий дўстлик изҳор этгали ташриф буюрмоқдалар! Ул кишининг бош вазирлари Ўғузбек Ўзтурк ҳазрат олийларининг полосларини ўпиш шарафига муяссар бўлдилар! – дея ёнидаги амирни улуғ Хоқонга тақдим этди хос мулозим.

Темур бош ирғаб бош вазир Ўғузбек Ўзтуркнинг саломига алиқ олди-да, сўл тарафига ўтиришга имо қилди. Орадан бирор фурсат кечмади. Саропарда қопусида икки кўлини кўксига қўйганча таъзим бажо келтириб, Малик Шайх Иброҳим пайдо бўлди.

– Бандалиқ камаримизни белга маҳкам боғлаб, ота юртимиздан Оллоҳнинг иродаси ила ташриф буюрган сиз улуғ Хоқонимиз ва Буюк Турон-давлатининг-султониға садоқат ва итоатимизни билдиражакмиз! Сиз улуғ ҳазратнинг дийдорингизга мушарраф бўлмоқликни ўзимиз учун олий неъмат деб биламиз ва умримиз охириға қадар сизга қул ва мулозим мақомида қолажакмиз! Садоқатимиз ва кўноқпарварлигимиз рамзи ўлароқ ушбу тортиқларимизни оз бўлса-да, кўп ўрнида кўрурсиз!

Ширвон малигининг ҳадяларидан кўз қамашар, совғасаломнинг баландлиги саропарда шифтиға етганди. Қимматбаҳо тур-тур шойилар, Урусиянинг хилма-хил мўйналари, Ҳиндистоннинг қимматбаҳо тошлари, Миср усталари яратган камар ва қинлар, Дашти Қипчоқнинг учқур овчи лочинлари ҳамда фарангларнинг чинни, олтин ва кумушдан ишланган идиш-товокларининг сон-саногии йўқ эди.

Темур ўрнидан туриб келди-да, Малик Шайх Иброҳим билан кўришиб, уни-да ўнг тарафига ўтқазди. Малик Букротнинг

исломни қабул қилганлигини эшитган Шайх Иброҳим уни муроборакбод этди. Улуғ Амир Малик Шайх Иброҳим ва давлати арконга мурожаат этди:

– Энг аввало, хуш келдингиз, азиз қардошим Малик Шайх Иброҳимбек! Сизни ўз қароргоҳимда кўрмоқ менга, менинг одамларимга ҳақиқий оға-инилик ва қондошлик ҳис-туйғусини ато этади! Зероки биз бир авлод, бир қавм ва бир атанинг болаларимиз! Оллоҳ буюрган эрканким, биз, сиз каби улусимизнинг ақли-заковатли, олийқадр, донгдор ва улуғ хонадонидан бўлиш баробарида гўзал ахлоқи билан дунё подшолари ҳам ҳавас қиларли мумтоз ва мутасно инсон ила танишмоқдамиз! Сиз каби шаън-шавкатли, шуурли ва қудратли подшоҳимиз бор эканким, миллатимиз ва динимизнинг музаффар ялови дунёнинг ҳар ерида кўтарилажак! Адолат ва мардлик бор экан, улусимиз байроғи соланажак!

Улуғ Амирнинг олижаноб муносабатидан ҳайратга тушган Малик Шайх Иброҳимнинг кўзлари ёшовлади. Ўрнидан туриб келиб, тиз чўкиб Темурнинг этаги ва қўлини ўпмоқчи бўлган эди, Улуғ амир уни бағрига босди.

– Бизга қул эмас, дўст керак, Шайх Иброҳимбек! – деди уни яна ўтирмоққа даъват этиб.

Эшик оғаси Жилон, Шамохия ва Шобирон вилоятлари ҳокимларининг элчилари совға-салом ва ҳадялар билан келганлигини маълум қилди. Темур бош ирғаб, барча элчиларни бирга киришини буюрди.

Улуғ Амир узоқ асрлардан бери ҳеч бир салтанатга бўйин эгмаган Гилон маликлари ва бошқа вилоятлар ҳокимларини энг яқин инсондек кўриб қабул этди. Уларга суюрғол ва ҳадялар бериб, ўз мулкларида шодумонлик билан давлат юритаверишларини таъкидлади. Бу ҳудудларнинг барчаси Турон давлатининг сарҳади сифатида бож ва хирож тўламоқни зиммаларига олиб, Темур салтанати ҳимоясига ўтдилар.

Бу қувончли ва сермазмун учрашувдан руҳи кўтарилган Темурнинг кўнглига бир хижиллик соя ташлар эди. Жўчи улусидаги махфийлар Тўхтамишнинг охир-оқибатда бир касофатни бошлаши ҳақида кетма-кет хабар бера бошлагандилар. Буни Темур, Боботурк ва Алп Туркашдан бошқа ҳеч ким билмас, бутун

давлати аркон, қўмондону лашкарлар ҳар куни юзлаб қўйларни сўйиб, қимизу айронни сипқориб, савашсиз, истироҳат кунларнинг гаштини суарди.

Тўхтамиш чериги Озарбайжон томон юриш бошлаган эди. Икки содиқ шоғирди ила маслаҳатни бир ерга қўйган Темур сўнгги амрни бериш арафасида турарди.

– Одамимизнинг ахборотига кўра Тўхтамиш лашкари Ҳазар денгизига қуйиладиган Самур дарёсидан ўтиб, Дарбанд атрофида юрган эмиш. Уни бу ерда кутгандан кўра вазиятни ўрганмоқ учун уч-тўрт туман лашкар юборсак яхши бўлур эди, – деди Алп Туркаш маслаҳатомуз оҳангда.

– Туркашбек тўғри сўйлайдилар, – уни қувватлади амир Боботурк.

– Кимларни юборсак экан? – дея ёрдамчиларига мурожаат этди Темур.

– Менимча, Ийғуку Темур, Усмон Аббосбек ва Шайх Али баҳодирлар туманларини юборсак яхши бўлади. Улар бул атрофларни, айниқса, Ҳазар бўйларини яхши биладилар, – деди махфий бошлиғи.

– Бул уч баҳодиримизни ҳузуримизга чорланг! – деди Темур қатъий оҳангда. – Уларга зарур йўл-йўриқ бермоғимиз лозим. Учқундан ёнғин чиқиб-кетмаслиги керак. Қандай йўл билан бўлмасин, биз Тўхтамиш ўғлонни бу йўлдан қайтармоғимиз, унинг нотўғри хатти-ҳаракатларинида кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олмоғимиз лозим. Барча ёғийлар қолиб, икки ислом лашкари савашиб ўтирса, бундан катта шармандалик ва калтабинлик бўлиши мумкинми?

Асаби бузилган Темур каттакон қишки кигиз ўтов ичида қўлини орқасига қилганча, наридан бери юарди.

– Тўхтамиш ўғлон деганимиз билан мен узоқ ва давомли суҳбатлашганман. Унда ҳеч бир динга, шунингдек, исломгада катта бир эътиқод кўрмадим. Бундай шахсдан ҳар нарсани кутиш мумкин, – фикрини баён этди амир Боботурк. – Мен бу хусусда ҳазрати олийларига илгари ҳам сўйлаганман, ҳозир ҳам шу фикрдаман.

– Ҳақсиз, авлодим. Сиз вазиятни чуқур ва теран англайдурган, саҳройи ва ёввойи амирларимиздан фарқли ўлароқ давлат юритмоқ санъатининг ҳар ким англаб етолмайдиган қабарик қирраларини

тушунадиган кишисиз. Агар ўша замонда хузуримизга Тўхтамиш бош эгиб келмаса-да, бошқа бир Тўхтамишни ихтиро этмоғимиз лозим бўлар эрди. Ўша давр шароити, замоннинг зайли шуни тақозо этарди. Олтин Ўрда хонлари ҳеч қачон чиғатой хонларини тан олмаганлар. Бизни эса ҳеч бир замон ҳукмдор ўрнида кўргилари келмайди. Шунинг учун биз уларга бир яхшилаб сабоқ берамизки, шундан сўнг бу давлат нафақат парчаланеди, балким йўқ бўлиб кетади. Жўчи Салжук ёки Усмонли давлатларидек ҳақиқий бир салтанат бўлганида эди, унинг билан ишимиз бўлмас эди. Қайтамга, қўллаб-қувватлар эдик. Сиёсати босқинчиликка асосланган, тили турклашиб, дини исломга кирса-да, бу салтанатни биз бўлмасак ўруслар ёки кучланажак бошқа бир давлат йиқитади.

Ўтов қопусида Шайх Али Баҳодир, Ийғу Темур ва Усмон Аббос кўринди. Ўнг кўлини кўтариб, уларни ичкарига чорлади. Темур тик турган ҳолда лашкарбошиларга кўрсатма берар эди. Бу дегани иш шошилинич, ўтовдан чиқибок жўнайсиз дегани эди.

— Вазифа шундан иборатким, Кур дарёсининг нариги соҳилида қандайдир лашкар бўлинмалари юрган эмиш. Балки улар ипак йўли қарвонларининг кўриқчи қисмлари ҳам бўлиши мумкин. Тўхтамишхон ила орамизни бузиш ҳаракатида бўлган кимсалар бу черикларни унинг қўшини дея гап чиқармоқдалар. Биз иғвою чақувларга учмаймиз. Барчангизга ойдек равшанким, подшоҳ Тўхтамиш билан орамизда аҳду паймониимиз бор ва ҳеч қачон биз сўзимизга қарши ҳаракат этмаймиз. Тўхтамишхон ҳам бир сўзли, аҳдига вафо қиладурғон инсон ва хондур...

Темур сўзининг шу ерида тўхтаб, унга кулоқ солиб турган беш нафар энг яқин кишисининг қиёфаларидаги маънони укмоқчи бўлиб, бирма-бир юз-кўзларига тикилди. Амир Боботурк билан махфий бошлиғи вазиятни англаб, Темурнинг сиёсатини тушуниб туришар, уч лашкарбоши эса дарё соҳилидаги қўшин Тўхтамишдан бошқа яна кимники бўлишини англаб-англамай ҳайрон эдилар.

— Агар, ҳар ҳолда қўшин Тўхтамишхонга тегишли бўлса-чи? Унда нима қилмоғимиз лозим? — дея сўради Усмон Аббос мақсадга кўчиб.

Темур Усмон Аббоснинг қаршисига келиб тўхтади-да, кўзларига тик қаради.



— Сизнингча, нима қилишимиз керак? — дея саволига савол билан жавоб қайтарди Темур.

— Яхшилаб бир савалаб, кўзини мошдек очиб қўймоқ керак! — дангал фикрини сўйлади Усмон Аббос. — Икки дунёда ҳам ундан яхшилик кутиб бўлмайди. Етим кўзи асрасанг оғзи бурнинг ёққа тўлар, етим бола асрасанг оғзи бурнинг қонга тўлар деган гап айнан шу хонзодага тўғри келади, ҳазрат! — фикрида қатъий эди Аббос Усмон.

— Фикрингизни хурмат қиламан, Аббосбек. Уни сўйламаккада ҳақлисиз. Бироқ Тўхтамишхон Олтин Ўрдада бизнинг васалимиз сифатида ўтирганларини яхши билурсиз. Шу боис, ул дўстимиз ва биродаримизга нисбатан сўзда ҳам, ишда ҳам ғоят диққатли бўлишингизни тавсия этаман. Модомики, дўстимиз бизга нисбатан холис бўлмаса, у бу ниятни амалга оширмоқ учун сабаб ва баҳона қидиради. Биз эса шу номақбул иш учун у беклаган ҳолатни яратмаслигимиз керак. Муддаога ўтсак, лашкар сўйлаганимиз шахсга тегишли бўлса, улар билан савашга кирманг. Жангдан қўл тортиб, ортингизга қайтингиз! Вазифани англадингизми? — дея уч лашкарбошига қаради Темур.

Улар бош ирғаб «маъкул» деган маънони билдирдилар ва таъзим бажо этганча, тисланиб чиқиб кетдилар.

— Энди амирзода Мироншоҳ Мирзони чорланг! — деди Темур эшик оғасига.

— Хуш келдингиз, амирзодам! — дея ўғлини самимий қаршилади Темур унинг саломига алик олиб.

— Буюринг, қиблагоҳ! Сўзларингиз ва амрингиз бошим ва кўзим устига! — дея тиз чўкиб отасининг кўлини ўпди амирзода.

— Фақат сиз бажаришингиз мумкин бўлган бир вазифани зиммангизга юклаймизки, амирзодам, бул ҳақда бош вазирингиз ҳам туймаслиги лозим. Хабарингиз борким, Жўчи улуси тарафдан ёқимсиз эпкинлар эсмоқда. Уларнинг кўлидан бир иш келмаса-да, бу воқеалар сувни лойқалатиб, балиқ овловчи нохайрихоҳларимиз учун қўл келади. Биз сизнинг ташрифингиздан бурун Кур дарёсининг нариги соҳилига уч туман лашкар юбордик. Қарши тарафдаги черик Тўхтамишга тегишли бўлса савашмай орқага қайтишни тайинладик. Бироқ бу ҳаракатий ёғий саналмиш томон қандай қабул қилади, бизга номаълум. Лашкаримизнинг ортга қайтишидан фойдаланиб, улар хужум

бошлашлари ҳам мумкин. Шу боис сиз, ўз черигингиз билан шу ондаёқ улар ортидан отланинг! Агар улар хужумга ўтадургон бўлсалар муносиб жавоб бермоқ керак бўлади, авлодим! Бироқ имкони борича, ишни тинчлик ва сулҳ билан ҳал этмоққа ҳаракат қилинг. Қилични энг сўнгида, яхши сўздан иш чиқмаса қўлланг! Дуч келиб қолса, ҳар қандай шароитда Тўхтамишхоннинг ўзига бирор бир зиёну заҳмат етказилмасин! Уқдингизми?

Амирзода Мироншоҳ тиз чўкиб падари бузрукворининг пешини ўпди-да, тисланиб чиқиб кетди. Темур бош махфийга сиз ҳам бирга боринг деган ишорани қилди.

Ўтовда Темур билан Боботурк тик туришар, орага сукунат чўкканди. Хос мулозим Самарқанддан, Сароймулкхоним тарафидан хос чопар келганлигини билдирди.

– Кирсин! – деди Темурнинг юзи ёришиб. – Биз Кўкча денгизи орқали Ироқ томон юрамиз. Катта хонимга еткуринг, амирзода Шохрухбек билан йўлни ўшал тарафга солсунлар, – деди Темур уларнинг келаётганини эшитиб хурсанд бўларкан. – Кур дарёси томон кетганлар билан боғланиб туринг. Янгилик бўлиши билан менга етказинг, – буюрди амир Боботуркга.



## ИЙГИРМА ИККИНЧИ БОБ

*...У синчков, ҳар бир ишоратдан  
огоҳ киши бўлиб, юз берадиган барча  
ишни олдиндан кўриб-билиб турар эди.*

Ибн Арабшоҳ

Уч темурий лашкарбошининг ўттиз минглик қўшини Қорабоғ дараларини ларзага келтириб, қиш бўйи намга тўйинган ердан эндигина бош кўтариб чиқаётган майсазорларни балчиққа айлантириб, Кур дарёси томон шитоб билан кетиб борарди.

– Ҳазрат уларга қарши қилич кўгарманглар дедилар. Биз томон от қўйсалар нима қиламиз? – деди икки йўлдошига бир-бир қараб Шайх Али Баҳодир ҳамон Темурнинг амрини англай олмай. – Олдиларига тушиб қочамизми?

– Ҳазрат улар томон от қўйинглар демаганларидек, улар хужумга ўтса томошабин бўлиб турунглари ҳам деганлари йўқ. Бизда ҳам лашкарбоши ва навкарнинг қалласи бўлиши керак. Ҳар ҳолда ўттиз минг қўшинни Улуғ амир ўз ақли идроки билан бирор иш қилади деб юбормоқдалар, – дея Шайх Алининг оғзидан гапини олди Аббос Усмон.

– Ҳақсиз, Аббосбек. Бироқ ўттиз минг қўшин юборилди дея ишни саваш билан битирмоқ жаддида ҳам бўлмаслигимиз керак. Ҳазрат бекорга эҳтиёткорлик қилаётганлари йўқ. Агар Жўчи улуси билан савашда отимиз сал орқага тисарилсин, кўрасиз Эрону Хуросонда не томошалар бошланишини. Биз иложи борича, Тўхтамиш билан ҳечам жанг қилмаслигимиз керак. Модомики, у охир бир кун бу ишга қўл урар экан, имкон қадар савашни орқага суришимиз лозим. Эрону Ажам юртидаги муаммоларимизни битириб бўлгач, у билан ҳисоб-китоб қилиш керак, – деди Ийғу Темур мулоҳазали оҳангда.

– Умуман, Темур деган зотларнинг барчаси ҳақиқий доно одамлар эканлигига энди ҳечам шубҳам қолмади, – деди Шайх Али унинг теран фикрлашига тан бериб. – Аллақачон амир улумаролик даражасига етибсиз, Ийғубек.

– Мен амир ул-умаролик ёки бошқа бир мансаб ҳақида ўйламайман ҳам, – деди хижолатдан қизариб раддия билдирди Ийғу Темур. – Мен ўз вазифамни бажаришимни биламан. Ўз иши билан машғул бўлган одам бу нарсалар ҳақида бош қотириб ўтирмайди.

– Бўлди, дўстим. Кимлигингни биламиз. Ҳазиллашиб ҳам бўлмас экан-а сизга. Аравакаш тавба қилди, – деди узр тилаб Шайх Али Баҳодир.

Олдинда кетаётган қоровул қисмидан бўлмиш бир суворийнинг от чоптириб келаётганига кўзи тушган лашкарбошиларнинг суҳбати бўлинди.

– Ёғий қораси кўринди, шекилли, – деди Аббосбек отлиқ томон диққат билан боқар экан.

– Шундайга ўхшайдур, – уни қувватлади Ийғу Темур.

Отлиқ улар қаршисида тўхтаб, қарши тараф аскар кўринганини, улар қоровули билан гаплашишганда Тўхтамишхон лашкари эканлигини айтганини сўзлади.

– Битгамиз бориб келамиз. Рухсат этсаларингиз, мен борсам, – деди Ийғу Темур Олтин Ўрда амиру лашкарбошлари орасида машхур бўлгани ва танишлари кўплигини ҳисобга олиб.

Шайх Али билан Аббос Усмон рози бўлдилар. Қасдига олганидек қаршидаги черикнинг қўмондонлари Ийғу Темурга нотаниш эди. Ийғу Темур буни атайлаб қилишганини, саваш юз бергудек бўлса, бегона қавм лашкари ўлар-тириларига қарамай савашинини ҳисобга олганларини пайқамай қолмади.

– Не мақсадда бу тарафларда юрибсиз? – дея сўради Ийғу Темур олдига қелган ва ўзини таништирмаган мингбошидан. – Мен Ийғу Темурман. Мени Жўчи улусида барча бирдек танийди. Эшитган чиқарсиз.

– Эшитганмиз, – дея ғулдиради мингбоши.

– Энди исмингизни сўйларсиз? – деди дўстона ва самимий оҳангда Ийғу Темур.

– Мингбоши Қодир Қоқбошмен! – жавоб қилди менсимаган оҳангда. – Ўзларингиз бу ёқда нима қилиб юрибсиз? – овозини баландлатди мингбоши.

– Сизга маълумки, бу ҳудудлар Турон султони улуг Темур давлатига тегишлидур. Шу боис, биз сизнинг қорангизни кўриб, мақсадингизни сўраб билгани келдик, – босиқлик билан сўзлади Ийғу Темур.

– Бу ҳақда ҳужжатингиз борму? – сўради у кўзини лўқ қилиб.

– Биз Шарқий Туркистондан Шомга қадар бўлган ҳудудларда от ила кезамиз. Қўлда ҳужжат бирлан эрмас, биродарим Қоқбошбек. Ҳар ҳолда сиз ҳам бу ерда ҳужжат олиб юрмаган бўлсангиз-керак? – Ҳамон мулоимлик билан муомала қиларди Ийғу Темур.

– Сизга маълумки, Жонибекхон замонидан буён Табриз шаҳридан шимолдаги ерлар ва яйловлар Жўчи улуси тасарруфида бўлгон. Шундай экан, сизлар бу томонларга ўйлаб қадам босмоқларингиз жоиз эди! – деди мингбоши кутилмаганда.

– Иккимизнинг ҳоқонимиз ҳам қаерда юрмоқни сизу биздан сўраб ўтирмасалар керак. Агар истасангиз мен сизни Улуғ хоқон Темурбек ҳузурларига олиб бораман. Ул киши билан суҳбатлашиб, ўз фикрларингизни айтишингиз мумкин, – жавоб қилди Ийғу Темур.

Темурнинг исмини эшитган мингбошининг ранги-кути оқариб, кўзи пирпираб, қошлари уча бошлади. Тилига калима келмай, бир муддат каловланиб турди-да, сўз қотди:

– Мен бу ерга Темур билан учрашаман деб келганим йўқ. Сен билан ҳам кўришмоқчи эмас эдим. Сенга ва черигингга тезроқ келган тарафингга қайтиб кетмоқни тавсия этаман! – деди Қодир Қоқбош оти жilовини орқага бурар экан.

Ийғу Темур ҳам хайр-маъзурни йиғиштириб, зудлик билан ортага қайтди. Зийрак Ийғу Темур қисқа муддатли суҳбатда бу черикнинг ниятини, Турон ўрдуси истаса-истамаса-да уларнинг авзойи бузуқлигини фаҳмлади. Бу фикрни тезроқ шерикларига етказмоқ учун оти бошини қўйди. Кўшга етиб бориб, бўлган воқеани сўзлаб улгурмаган ҳам эди. Қодир Қоқбош черигига келиб қўшилган минг чоғли камончи Темур қўшини томон ўқ ёғдира бошлади.

– Саваш бошланадиганга ўхшайди. Ясол тузмоғимиз лозим, – деди Аббос Усмон ёрдамчиларига тегишли тавсияларни берар экан. – Энди савашга кирамиз! Қани ортимдан! Ур-қо-ур! Сур-хо-сур!

Жанг кўравериб дийдаси қотиб кетган, ёғийни чумолини эзгандек эзиб, мажақлаб ўрганиб қолган, ҳар қўли белкуракни эслатадиган суворийлар қалқонларини отлари ва ўзларининг бошларига тутганча тўрт тарафдан камончилар устига от қўйдилар.

– Айланиб ўтиб, орқасидан саванг! – кичқирди уларга бор овозда Ийгу Темур. – Албатта асирга одам тутиш керак!

Шу тариқа кутилмаган жанг бошланиб кетди. Ийгу Темурнинг қоровулбеги амирзода Мироншоҳ қўшини кўмак учун етиб келаётгани хабарини етказди. Темур лашкарининг важоҳатини кўргандаёқ ёғийнинг дами ичига тушиб кетди.

Душманнинг дастлаб ҳужум бошлаган чериги янчиб ташланди. Бироқ Тўхтамиш қўшини ҳам қатта ва кучли бўлиб, пишик чора-тадбирсиз режа бузилиши мумкин эди.

Уч амир қароргоҳига етиб келган Мироншоҳ вазият билан танишгач, ёғийни қуршовга олиш таклифини киритди.

– Яхши гап. Агар таслим бўлса қон тўкилмайди, – жавоб қилди Шайх Али Баҳодир. – Ҳазрат ҳам имкон қадар қон тўкмасликни амр этганлар.

– Қон тўкилмай иложи йўққа ўхшайди, мухтарам Шайхбек, – деди тоғ этагида тўпланаётган рақиб қўшинлари ҳаракатини кузатар экан амирзода.

Дастлаб қуршовга олинаётганини пайқамаган Жўчи қўшини қаттиқ савашди. Енгилаётган ва ўраб олинаётгани ойдинлашгач, жонини қутқаришга киришган бўлинмалар Ҳазар денгизи бўйидаги Дарбанд шаҳри томон қоча бошлади. Юздан ортиқ ўрда лашкари асир тушди. Булар ичида Қодир Қоқбошнинг борлигини кўрган Ийгу Темурнинг чехраси ёришиб кетди.

– Салом бердик, Қоқбошбек! Жўжани илк баҳорда санаса ҳам бўлар эканми? – унга гап отди Ийгу Темур. – Жуда дамингиз баланд, тумшуғингиз осмонда эди. Ҳе йўк, бе йўк бизни ўққа тутиб қолдингиз!

Қодир Қоқбош индамай турар, қон сачраган отининг жиловини ўйнаганча ердан кўз узмасди. Унинг жуссасига кўра кичик, етилмаган таррак қовун каби юмалоқ боши кўксига қадар эгилган, қонга беланган афт-ангори, оёғига илиниб турган чориғи ва белида қиличсиз шалвираб турган кини унинг асир ва бечора ҳол турумини таъкидлар эди.

– Ким у? – сўради амирзода Мироншоҳ кизиқиб.

– Тўхтамишнинг мингбошларидан Қодир Қоққалла, э-э, узр, амирзодам, Қоқбош, – дея жавоб қилди Ийгу Темур.

– Демак, асирлар орасида мингбоши ҳам бор денг!

– Бўлмасам-чи! Биз савашдан олдин бу биродаримиз билан

кўнишган эдик. Димоғидан курт тушиб турган эди. Энди эса қовоғидан қор ёғмоқда, — ҳамон уни гап билан ўйиб оларди Ийғу Темур. — Мен билан зўрға гаплашди. Ортга қайтиб бориб урушни бошлаган азамат ҳам шу биродаримиз.

— Бир минглик лашкар билан бу асирларни падари бузрукворимиз ҳузурларига юборгаймиз! Буларнинг тақдирларини ул зоти олийлари ҳал-этажаклар! Биз эса ёғийни таъқиб этиб, кўшиннинг туриши учун яхши бир макон топмоғимиз лозим, — деди амирзода Мироншоҳ Ийғу Темурга қараб. — Бул эски қадрдонингизни улуғ Хоқон ҳузурларига ўзингиз олиб боргайсиз!

— Бош устига, амирзодам! Бу биткўз биродаримни улуғ Амирнинг муборак полосларида шайтонлаб, ўтакаси ёрилишини бир ўз кўзим билан кўрай. Шунда мени оёқ учида кўрсатиб муомала қилгани эсимдан чиқади. Эшакка мугуз битса, эгасини сузади, туяга қанот битса, томингни бузади деганларига энди ишондим, улуғим. Мабодо уни асфаласофлинга жўнатиш лозим бўлиб қолса ҳам одам қидириб юришмасин! — жавоб қилди Ийғу Темур ярим ҳазил, ярим чин.

Амирзода Мироншоҳ болафеъл бу самимий амирнинг хатти-ҳаракатини кузатиб, гап-сўзларидан завқ қиларди.

— Тағин йўлда ғижиллашиб, ўлдириб қўйманг. Ҳазратдан балога қолиб кетасиз-а! — уни огоҳлантирди амирзода. — Бу чинмочин биродарларимизнинг тиригидан ўлиги қимматга тушмасин тағин.

— Буларнинг баҳоси қанчалигини биламан, амирзодам! Ташвиш чекманг ва бошингизни ҳам қотирманг! Сиз янада буюкроқ, улуғроқ ва савоблироқ ишлар ҳақида ўйлайверинг! Бу сахро беданаларини бизга топшинг! Сайрайдурғон бедапоясини топиб берамиз!

— Сизга гапда бас келиб бўлмади деб эшитганимча бор экан, Ийғу аво! Бундан буён фурсат топиб кўришиб турайлик. Бу дунёда саваш ва фотиҳликдан бошқа ташвишлар ҳам борлиги ҳақида суҳбатлашайлик, — деди Ийғу Темурни кузатиб келар экан амирзода Мироншоҳ. — Қиблагохимизга сўйланг. Хавотир олмасунлар! Биз ёғийни таъқиб этиб, шу мавзеда турамиз ва янги фармони олийни беклаймиз.

— Сизни Оллоҳ паноҳида асрасин! — дуо қилди Ийғу Темур. Сўнгра асирларни қуролсизлантириб, олдига солганча Қорабоғ томон йўлга тушди.

Ийгку Темурнинг юз чоғли Жўчи улусли асирини олиб келаётгани шов-шув бўлиб кетди. Бутун қўшин томошага чиққан эди. Ғалабадан руҳланган Ийгку Темур асирларни бир сойликда қолдириб, тўппа-тўғри улуғ Амирнинг оқ ўтови томон юрди. Асирлар ҳақидаги хабар аллақачон Олий Ўрдуга етиб келган эди.

Ғала-ғовурни эшитган Темур тўнини елкасига ташлаб, ўтов саҳнига чиқди. Бекчиларга нима гап-сўз дегандек боқди.

– Ийгку Темурбек Олтин Ўрда асирларини ҳайдаб келибдилар. Айни замонда уларни сойда қолдириб, ҳузурингизга ошиқмоқдалар, – жавоб қилди тиш-тирноғигача қуролланиб, совут таққан сарой қўриқчилари кўмондони.

Худди шу дамда пастликда тўриқ от минган Ийгку Темур кўринди. Яқин масофага келиб отдан тушди-да, тизгинни жиловдорига тутқазиб, улуғ Амир томон пиёда кела бошлади. Унинг шаштидан иши бешлиги кўриниб турар, икки елкаси ағдарилгудай силкиниб, гурсиллатиб қадам ташларди. Улуғ Амир қаршисига келиб тиз чўкди-да, пешини ўпди.

– Хўш келдингиз авлодим, Ийгку Темурбек! Хуш келдингиз! Хабарим бор. Алп Туркашбек жасоратли давранишларингиз хусусида ахборот бериб улгурдилар, – деди Темур адашининг елкасига қўлини қўйиб, кўзига тик боқар экан.

– Сиз учун, юртимиз Турон учун жонимизни-да бермоққа ҳозирмиз, улуғ ҳазрат! Сизга қасд қилганлар паст бўлғай! – деди тиз чўккан ерида икки қўлини кўтариб.

– Сиз ва сиз каби дўстларимнинг ҳақиқий садоқатини туймоқ ҳар замон менга чексиз ғурур ва ифтихор туйғусини бахш этади, муҳтарам Ийгкубек! Сўйланг! Не хабарлар келтирдингиз? – дея амирни ўтов қаршисидаги саҳнга бошлади.

– Жўчиликларнинг авзойи бузуқ, ҳазрат, биз билан астойдил урушмоқчига ўхшайдилар. Мирзода Мироншоҳ бошчилигида уларни қарийб инига киритиб қўйган бўлсак-да, бул нокаслар ҳудудимизнинг бошқа бир томонидан яна босиб киришлари ҳеч гап эмас. Тилчиларимиз олган гапдан ва асирларнинг сўзидан шу фикрга келдим, олий ҳазрат, – астойдил сўзларди Ийгку Темур.

– Наҳотки, бу бола охир-оқибатни ўйламаса? Ахир бизни енгиш мумкин эмас-ку! Унга ҳеч бир ёмонлик тиламасак! Не-чук бу қадар калта ўйлар экан? – хайрон бўлиб лашкарбошисига тикилди Темур.



– Бу ерда такаббурликдан бошқа ҳеч гап йўқ, ҳазрат. Тўхтамишхон худудга ҳам, бойликка ҳам, ўлжага ҳам муҳтож эмас. Тўлиб-тошиб кетганидан бу номаъкулчиликка қўл урмоқда,  
– жавоб қилди Ийғу Темур.

– Асирларингизнинг кайфияти қалай?

– Ўртача. Улар сизнинг асиру мағлубларга муносабатингизни эшитганлар шекилли, хотиржам кўринадилар. Менга қолса, ўша ернинг ўзида буларнинг суробини тўғрилаб қўйган бўлар эдим!

– Истаймизми, йўқми, бу қавм билан куда-андалашиб, хешу акраболашиб кетганмиз. Имкон қадар бундай фитнадан узоқ юришимиз керак, – деди Темур ўйга толиб. – Асирларингизни ювинтириб, албисаси нобопларга кийим-кечак бериб, кечкурун барчасини ҳузуримга олиб келинг.

– Барчасиними? – қайта сўради Ийғу Темур.

– Ҳа, барчасини.

– Хўп бўлади, ҳазрат. Менга рухсатми?

– Рухсат!

Шундан сўнг Темур баковулни чақириб, юз эллик кишилик кечки емак ҳозирлашни, дастурхонни эса тўплантилар ўтказиладиган катта саропардада-тузашни буюрди. Улуғ Амирнинг Тўхтамишхон асирларига кўрсатаётган муносабатидан кўпчилик ҳайрон эди.

Зиёфат замони етгач, Темур давлат аркони қуршовида саропарда тўридаги ўз жойига келиб ўтирди. Сарой аъёнлари ҳам улуғ Ҳоконнинг ўнг ва сўл тарафидан жой олдилар. Бу вақтга қадар каттаю кичик барча ушбу зиёфатнинг сабабини билиб бўлган, йиғинда улуғ Амирнинг асирлар хусусида қандай қарорга келиши ҳақида баҳслашардилар. Жўчилик меҳмонлар бирма-бир таъзим қилиб, саропардага кириб ўтиргач, Темур уларга мурожаат қилди.

– Ассалому алайкум, азиз кўноқларимиз! Дастурхонимизга хуш келдингиз. Ҳар доим бўлганидек, ўтовимизнинг тўри сизники. Биз хеш-акрабо бир қавммиз. Бош ёриғи дўппи остида дейдилар. Бир-биримизнинг яхшилигимизни ошириб, ёмонлигимизни яшириб келганмиз. Ҳозир эса аввал таом, сўнгра калом деганларидек, топганимизни баҳам кўрайлик. Сўнгра суҳбатимизни давом эттираемиз! – дея Темурнинг ўзи биринчи бўлиб дастурхонга қўл узатди.

Ошчилар тандирда бутунлай пиширилган қўй гўштини катта-

кон товоқларда олиб кира бошладилар. Қимрон, қимиз ва айрон келтирилди. Ичкилик берилмади. Сўнгра қайнатма оқ шўрва ва қовурдоқ олиб келинди. Хўл ва қуруқ мева-чева дастурхонда тўкис эди.

Ниҳоят йиғилганлар еб-иччە ўлгач, имом дуо қилди. Шундан сўнг Темур йиғилганларга мурожаат этди.

– Хабарингиз борким, азиз биродарлар, Дарбанд тарафда мухтарам инимиз Тўхтамиш ўғлон ила илиқ муносабатларимизни кўра олмайдурғон фитначиларнинг кутқуси билан андек нохуш ҳолат юз берубдур. Бу воқеадан ғоят таассуфдамиз. Тўхтамишхон билан ўртамизда ота-болалик ҳаққи бор. Нечун энди бир неча жохилнинг фисқу фасоди билан орамизга совуқлик тушиб, қон тўкилиши керак? Орамизда аҳд-паймонли англашма бор. Буни бузган одам вафосиз бир кимсага айланиб қолажак. Бундан кейин ҳам ўша шарт ва лафзу ваъдага садоқат сақлаб, уйқуда ётган фитнани уйғотмайлик. Расули ақрам, соллаллоху алайҳи васаллам демишларки: «Фитна ухлаб ётган одамга ўхшайди, токи уни уйғотмасалар у турмайди. Уни уйғотган кимсага Оллохнинг лаънати бўлсин». Кимда-қим бунга хилоф равишда иш тутса ёки бизнинг хотирамизга бунга хилоф фикрни уқдирса, икки томон ҳам унинг адабини бериб, танобини тортиб қўймоғи керакким, токи ўзгаларга ибрат бўлсин! Билмай ейилган ош ё қорин оғритар, ёки бош...

Темур шу ерда тўхтаб, хизматчи узатган шарбагдан хўплади-да яна кўноқларга юзланди.

– Мухтарам мусофирларимизнинг барчаларига тўққиз дондан олтин ақча берилсун. Бош-оёқ саруполар тақдим этилиб, истаган худудларида яшамоқ имкони соғлансун! Юртларига қайтмоқ истасалар, монелик кўрсатилмасун! Мендан ўғлим каби кўрдигим Тўхтамишхонга салом сўйланг! Ул кишимга бўлган ҳурматим чексиздур!

Жўчи улусилик кўноқлар ҳайратдан ҳайкал каби қотиб ўтирардилар. Бу муносабатдан ҳаяжонланиб кетган Қодир Қоқбош алпанг-талпанг юриб келиб, улуғ Амирнинг оёғига ўзини ташлади.

– Бизни кечиринг, улуғ Амир ҳазратлари! Шайтон йўлдан уриб, сиз каби дарёдан сув бағишлаган кишига қарши қилич кўтардик! Бу бадқирдорлигимиз учун Оллох бизни ҳар қанча

жазоласа ҳам озлик қилади! Ваҳоланки, сиз бизни бирма-бир дорга осишингиз керак эди. Сиз ҳақингизда эшитган гапларимиз тўғри экан! – дея йиғи аралаш сўзларди.

– Шуни англаб етганингиз учун ташаккур, иним Қодирбек! Тавба-тазаррунинг кечи йўқ! Энг муҳими, барчамизнинг гуноҳимизни яратганнинг ўзи кечирсин! – деди Темур унинг елкасига-қоқиб.

Ийғу Темур хурматли кўноққа айланган асирлари билан ҳазиллашиб саропардадан чиқар ва ёрдамчиларига меҳмонларни қайси ўтовларга жойлаштириш ҳақида кўрсатмалар берар эди.

– Бунчалик иззат-хурмат кўрар эканмиз, илгарироқ келмай-мизми? – дея гап отди Қодир Қоқбош Ийғу Темурга.

– Эзгу ишнинг кечи йўқ, Қодирбек биродарим. Яна бир бор шу келган шаклингизда ташриф буюринг, ана унда кўрасиз томошани. Балки икки газ сурп ҳам тегмас! – жавоб қайтарди Ийғу Темур.

Барча бирдан кулди.

– Ҳақиқатан ҳам, Ийғубек, бу Темурбек деганининг гап-сўзлари ва иш тутиши одам боласиникига ўхшамаскан. Бу ҳақда эшитар эдигу, ишониб ишонмасдик. Бизнинг катталар эслари борида этакларини ёпмасалар, аҳволларига эрта-индин бутун Дашти қипчоқнинг юмронлари йиғлайди шекилли. Ҳай аттанг-а! Ҳай аттанг! Саройда хонга сўзи ўтадиган-обрўли-одамлар қолмадида. Бўлмаса иш бунчаликка бориб етмас эди, – афсус чекиб гапириниб борар эди Қодир Қоқбош. – Одамга ўхшаган хонни элликка кириб энди кўрдим. Шундай подшоҳлик қилса ҳам бўларкан-а? Оёққа туриб олдим, авлиёси ҳам одамгарчиликни унутади. Тавбанг кетай худойим-а!.. Буларга ўзинг тўзим бермасанг, биз каби бандаларингнинг аҳволи не кечади? Бир аҳмоқ ҳукмдорнинг ҳавойи истаги деб бошимизни қўлтиқлаб нариги дунёга кетаверамиз. Инсон зотининг қадри қолмади, биродар!..

– Хонинг шу билан бу қалтис ўйинини йиғиштирадими ёки давом эттираверадими? – сўради Ийғу Темур ундан гап олиш учун.

– Ҳай, худо биледи-ёв? – Ийғу Темур шундай деганича ёнверига аланглаб, овозини пастлатди. – Гап орамизда қолсини хонимиз ерга урсангиз кўкка сапчийдиган одам. Эрталаб бир қарорга келса, пешинда унинг тескарисини буюради. Кечқурунга бориб эса ҳар икки амрини инкор этган учинчиси келади.

Ўзининг қатъий мақсади йўқлиги учун атрофини ўраб олган тўрт-беш кал-кул нима деса шунга қараб фикрини ўзгартиради. Бизга ўхшаган салтанат учун қон тўкиб, жон бериб юрганлар чиғириқдан ташқарида.

– Подшоҳ зотидан узоқроқ юрганингизга суюнмайсизми, биродар? – унга эътироз билдирди Ийғу Темур. –

Подшоҳларга яқин юриб, ҳеч ким барака топмаган. Улар узоқдан меҳри билан илтиб, яқиндан ёндириб юборадилар. Бир ҳукмдор кетиб, иккинчиси келганда унга ёқсанг, ёқдинг. Акс ҳолда бошинг ёки ишинг кетиб турибди-да. Аслида оч қорним, тинч қулоғим деб, фақир кишининг панада юргани маъқул.

– Ў-ў, ишонасизми, биродар, четроқда тинчгина юрсанг ҳам ўз ҳолинга қўйишмайди. Бу ҳеч кимга қўшилмаяпти, бирон-бир фитнани ўйлаб юрган бўлса керак дея чақадилар. Бошинга тушингга кирмаган ғавғоларнинг ёғилиши ҳеч гап эмас. Бу одам зоти бир-бирини емаса уйқуси келмас экан. Мана шу орқамиздан келаётганлар Темурбекнинг тузини еб, олтин чақаларини чўнтақларига урдилар. Хумдек бошлари ёнига қолганини айтмаса ҳам бўлади. Бироқ улар яна хон ялоғини ялашлари билан ўзларига умр ато этган одамни унутиб, унинг гўрига ғишт қалаб тураверадилар. Бу дунёда одам боласига ишонч йўқ экан...

Қодир Қоқбош шундай деб гапимни ҳеч ким эшитмадимикан дея яна ён-верига аланглади, орқага ўгирилиб қараб қўйди. Аскарлари анча орқада эди.

– Хуллас, шунақа гаплар, Ийғубек биродарим. Бу замонда дилингни ёриб бировга дардингни ҳам айтолмайсан. Думинг бурилиши билан сотади. Тошга дард айтсанг ҳам, дард эшитасан. Форслар айтганидек, тўнғизни тоға деб, эшакни амаки демоққа мажбурмиз.

– Ҳақ сўйлардурсиз, Қодирбек, – суҳбатдошининг сўзини маъқуллади Ийғу Темур. – Машойихлар:

*Одам ўлмай қолмайди,  
Тангрим олмай қўймайди.  
Танаси бешикка теккан,  
Тобутга тегмай қолмайди.*

деганларидек, сизнинг бошлиқларингизнинг иш тутуми минг

йил яшайдиганидек. Тўхтамиш ўғлонга Дашти Қипчоғу, Ўрусия, Булғору Шибир озлик қилаётганмиди? Қандай бўлмасин уни бу йўлдан қайтариш керак. Мен уни яхши танийман. Самарқандда ҳамроҳлик қилиб, олиб юрганман. Бир айтиб кўрайин. Балки ўйлаб кўрар, Оллоҳдан кўрқиб, бандасидан уялар. У ҳар қандай шароитда ҳам Темурбекка қарши-қўл-кўтармаслиғи лозим-эди.

– Уни топа олармикансиз? – афсусланиб суҳбатдошига тикилди Қодир Қоқбош. – Биз саройга етиб боргунга қадар у Туркистон тарафга от қўймаган бўлсин денг ҳали.

– Йўғ-е! – ҳайрон бўлди Ийғу Темур.

– Менинг калта ақлимча, шундай. Сабаби, хон ўрдусида, савашмаса уйқуси келмайдиган насли-насабининг тайини йўқ кимсалар кўпайиб кетди. Улар улуғ Хоқон билан Тўхтамиш ўғлонни тўқнаштирмасдан қўймадилар.

Шу гапдан сўнг ҳар икки суҳбатдош кутилмаганда жим бўлиб, ўйга толиб қолдилар. Иккиси ҳам бу замоннинг энг даҳшатли савашини хаёлан тасаввур этиб, дамлари ичига тушиб кетган эди.

– Бу жўчи қавмидан Турон юртига омонлик йўқ эканда, – деди анчадан сўнг Ийғу Темур оғир нафас олиб.

– Жўчи, мўғул дейсизлар. Бизнинг мўғуллигимиз қолдими? Ўнта сўзимизнинг тўққизтаси туркча бўлса. Мўғул деб буюк қоон Чингизхоннинг ҳам гўрига ғишт қалайсизлар. Ахир, унинг онаси турк бўлса – қўлини пахса қилиб сўзларди Қодир. – Бунни кўпчилик билмайди. Ишонмасангиз Темурбекдан сўраб кўринг. Ул кишим тарихни ҳаммадан яхши биладилар.

– Ўзингники ўзагингни узади деганлари шу экан-да унда...

– Бирлашсак, аҳил бўлсак бизни енгадиган куч йўқ. Бирок ҳеч қачон бошимиз кўшилмайди. На яратганнинг, на подшоҳимизнинг айтганини қиламиз. Ажралганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер дейдилар. Ишқилиб охири бахайр бўлсин! – деди Ийғу Темур отини ниқтаб қўйиб.

Улар Дарбанддан ўтиб, Дашти Қипчоқнинг чексиз яйловларини босиб, Олтин Ўрда пойтахти Сарой Боту томон қичаб борардилар.

Ийғу Темур Тўхтамишхон билан учрашганда сўзляяжак гапларини ичида ўйлаб, пишитиб, машқ қилиб борар эди.

Асирликдан ҳурматли кўноқларга айланган Олтин ўрдалиқ мусофирлар юртларига қайтмоқ истагини билдиришганда улуғ Хоқон уларни кузатиб қўймоқни яна Ийғу Темурга топширган эди...



## ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

*...У ўз афкори билан сал бўлмаса,  
учар юлдузни тўғри йўлга етаклар, ўз  
фурсат мулоҳазалари билан ҳеч қандай  
хатосиз сайёра ўқини ўз орқасидан эр-  
гаштирар эди.*

Ибн Арабшоҳ

Турон Ўрдуси ғарбий Озарбайжон орқали Ироққа, ундан Арзирум томон юрмоқни мўлжаллаб йўлга чиққан эди. Салтанат ҳудудига чегарадош қатор қалъа ва шаҳарлар бор эдики, уларни эгалламай туриб, хотиржам кетиб бўлмасди. Темур шундай қалъа қўрғонлардан бири – Аланжиқни олиш учун куёви бўлмиш Мирзо Муҳаммад билан Уч Қаро баҳодирни юборди. Амир Шайх Али баҳодир, Хожа Сайфуддин ва яқинда Олтин Ўрдадан қайтган Ийғу Темурлар Боязид қўрғонини забт этдилар. Ийғу Темур зудлик билан орқасига қайтиб, Жўчи улусида Мовароуннаҳр томон лашкар жўнатиш режаси борлигини таассуф ила сўйлади. Лашкарбошиси бор гапни етказаётган бўлса-да, Темур ҳамон Тўхтамишнинг бунга журъат этмоғини ақлига сиғдира олмас эди. Уни Табриз ёким Дарбанд томон юришини англаш мумкинди. Бироқ Самарқанд ёким Бухоро сари от кўйиши...

Узоқ ўйлаган Темур Эронзамин юришини қисқа фурсатда битириб, юртга қайтмоққа қарор қилди.

Арзирум қалъасини забт этган лашкар Арғун кўриғига етиб, қўш ташлади. Темур ўғруқни Олатоғда қолишига амр бериб, лашкарга Ойдин қалъасини фатҳ этишни буюрди. Сўнгра йўл-йўлакай Арзирум билан Ван кўли оралиғидаги Авник қалъаси эгалланди. Энди Арзинжон йўли очиқ, қўшин тўппа-тўғри шаҳарга кириб борса бўлар эди. Темур хос элчилар Эртўғрул Турон билан Яйлов Тоғлини Арзирум ҳокими Тахуртан ҳузурига йўллади.

Хос элчиликнинг ҳадисини олган Эртўғрул Турон тўққиз нафар йигити билан Арзинжонга кириб борар экан, бутун халқ уларни томоша қилгани кўчага чиққан эди. Элчилар ўзларига

нисбатан қилинаётган икки хил муносабатни кўриб, хайрон бўлдилар. Шаҳардаги мусулмон ва турк қавмлари уларни олқишлар, ғайридин аҳоли эса хўмрайишиб, совуқ қарашарди. Туркистонлик чўпонни эслатадиган бир қария элчиларга яқин келиб сўз қотди:

– Ата юртдан хўш келдинг, авлодим! Асл турк хоқони Темурбекга айт! Бизнинг шаҳар ва қишлоқларимизни бузмасин! Биз унга ёмонлик тиламаймиз!

– Хоқон Темур ҳам сизларга яхшилик тилайдилар! Биз сулҳ ва тинчлик истаб келмоқдамиз! – жавоб қилди элчибоши.

– Исминг надир, ўғлон?

– Эртўғрул Турон!

– Оҳ! Нақадар гўзал исм! Сенга шу номни берган отангга балли! Кел, бир бурда нонимиздан еб, кўноқ бўл! – отлиқларга эргашганича илтифот кўрсатди чол.

– Сизнинг отингиз нима, бобо? Ҳозир Тахуртан ҳузурига кетмоқдамиз. Қайтишда уйингизга кирамиз!

– Мени Ўтукан Бобо дейдилар! Чўпонман! Қайтгунларингача шу ерда кутиб ўтираман! – кўлини кўксига кўйганича қадамни секинлатди оқсоқол ва қувончи ичига сиғмай, таъкидлади: – Албатта келинглар.

– Ҳақиқатан ҳам қайтишда шу одамни топайлик. Қара, Эртўғрул, унинг қувонганини кўрдингми? Бунинг сабаби нимада? – сўради Яйлов Тоғли.

– Ота юртидан келганимизда! – жавоб қилди Эртўғрул.

– Тўғри. Бироқ янада тўғрироғи, қонда. Қони бир бўлгани учун бизга пойи-патак бўлапти бечора.

– Тўғри айтасан. Ҳақиқатан ҳам қон тортганда.

Элчилар хоқим қароргоҳига етиб қолган эдилар. Тахуртан Темурэлчилари келаётганидан аллақачон хабар топган, қароргоҳига сиғмай, сарой ҳовлисида асабий бир ҳолатда айланиб юрар эди. Хаёли қочганча элчилар билан бирма-бир кўришиб, илик сўрашган бўлди. Кўноқхонага таклиф этиб, тўкин-сочин дастурхон ёзди. Ҳаяжонланганидан тез-тез сув ичкаркан, икки кўзи тўрда ўтирган элчибошининг оғзида эди.

– Айни дамда Жаббахжур суви бўйида кўр-тўкиб турган Улуғ Турон султони Амир Темур ҳазрати олийлари сизга ўз салом ва ҳурматларини йўллайдилар! Оллоҳ сизга ҳал қилувчи дамлар-

да тез ва тўғри хулоса чиқара билиш салоҳиятини берганлигига ишонч ҳосил қилиб, сизни бирга давлат юритиш ва яхши муносабатда бўлмоққа даъват этадилар. Муҳолиф бўлмоқнинг ёмон оқибатларидан огоҳ этиб, раият осойиши йўлида ҳамкорликка чорлайдилар! – деди буюк элчи Эртўғрул Турон бурро-бурро қилиб.

Тахуртаннинг тилига бирданига калима келмай, қора қошлари чимирилиб, тор пешонаси тиришди. Отжағ ияги янада осилиб кетди. Юз ва бўйин терини артиб, чуқур нафас олди-да, сўзламоққа тутинди. Бироқ ҳадеганда тили айланмас эди. Арзинжоннинг мустақил амири бўлган Тахуртан Усмонли турк султони Йилдирим Боязиднинг эрта-индин босиб келиб, ҳокимиятни бутунлай тортиб олишини тахмин қилиб, юрагини ҳовучлаб юрганди. Бироқ бу Темур дегани тезоб Йилдирим Боязиддан маъқулроқ кўринди. Кўшини билан босиб келиб, шаҳарни ер билан битта қилиши мумкин эди. Бироқ унинг иззатини жойига қўйиб, элчи юборибди. Бундан ортиқ илиқ муомала кутиш инсофдан эмас. Темурнинг шартларини қабул қилиш керак. Шу билан Йилдирим Боязиднинг зуғумидан ҳам осонгина кутулади. Йилдирим Боязид энди унинг кўнглига қараб ўтирмайди. Ҳисобкитобини Турон Хоқони билан қилгани маъқул. Балким иккиси талашиб, биз кутулиб қолармиз... Бундай олиб қараганда, унинг мушкулини худо енгиллатмоқда. Йилдирим Боязид деган балонинг қаршисига ундан-да кучли бир балони қўйган Яратганнинг қудратига тан бермай иложинг йўқ!

Элчиларнинг жавоб кутиб қолганидан хижолат чеккан Тахуртан тутила-тутила сўз бошлади. Унинг ўнг ва сўл тарафидаги икки вазири қовоғини уйганча, миқ этмай ўтиришарди.

– Ташрифингиздан мамнунмиз, мухтарам биродарларимиз ва элчи жаноблари. Биз ҳам Темурбек каби улуғ Хоқоннинг таъриф тавсифларини, фатҳу зафарларини кўп эшитганмиз! Айниқса, ул қишимнинг бебош ва қароқчи тўдаларни жазолаш ҳамда тартибга келтириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлаймиз. Улуғ Хоқонга айтингким, биз ул ҳазратга ҳар замон итоатда бўлурмиз. Лозим топилган хирожларни вақтида тўлаб туражакмиз. Темурбек ҳазратлариға биздан кўнгиллари тўқ бўлмоқларини етказишингизни сўраймен! Чақирганлари замон хузурда ҳозир бўлурман! – дея сўзини тугатди Арзинжон амири Тахуртан.



– Биз сиздин ўзимизни қониқтирадургон жавоб олганимизни билдирамен. Сўзларингизни оқизмай-томизмай улуғ Хоқон ҳазратларига етказгувсими. Ўйлайманки, ҳазрати олийлари сиздан мамнун бўлиб, мартабангизни янада юксалтиради, ўзининг ҳурмат ва эътиборига мушарраф этади, – деди буюк элчи Эртўғрул Турон самимий оҳангда.

– Улуғ Хоқон ҳазратларининг амру фармонлари бош устига, – жавоб қилди Тахуртан элчининг сўзидан бир оз таскин топиб. – Улуғ Хоқонга бир сўровимизни етказишингизни сўрайман. Бизга арзга келувчиларнинг сўзларига қараганда Қора Муҳаммад Туркманнинг одамлари ҳижоз ва бошқа карвонларни таламоқда эканлар. Улуғ хоқон ҳазратларининг обрў-эътиборлари юксак. Сўзлари ҳар ерда кечарли. Шу боис ул биродарларимизни инсофу адолатга чақириб қўйсалар деган рижойимиз бор? – арз этди Тахуртан.

Дарвоқе, Эрондаги Ҳалоқулар салтанати парчалангандан сўнг Ван ва Урмия қўпларидан шимол тарафда туркмачларнинг Ивай уруғидан келиб чиққан Қорақуйлу қабиласи Қора Муҳаммад Турмуш бошчилигида минг уч юз саксонинчи йилда мустақил беклик бўлиб олган эдилар. Қора Муҳаммад баҳодир, ўғиллари Қора Юсуф ва Мисрбекни-савашларга сафарбар этиб, шарқий Онадўли ва Озарбайжонни босиб, ўз тасарруф доирасига кирита бошлаганди. Қора Муҳаммад Турмуш ҳам Усмонли султонлари каби ўз даъвоси билан от сураб эди.

– Бул арзингизни улуғ Амирга етказурмиз. Иншооллох, Темур давлати ҳукми юрган ўлкаларда зулму ноҳақликларнинг илдизи кўприб ташланажак! – деди Эртўғрул Турон учрашувдан мамнун оҳангда.

Амир Тахуртаннинг имоси билан мулозимлар ҳадяларни келтирди. Амир тавозе ва ҳурмат билан уни элчиларга тақдим этди.

– Улуғ Хоқонимизга етқуринг! Арзинжон шаҳримизга ва унинг атрофидаги оромбахш гўшаларига истироҳат этмоқ учун келсунлар. Хизматларига камарбаста бўламиз! – деди элчиларни йўлчи этаркан амир Тахуртан бир оз ўзига келиб.

Элчилар амир саройидан чиқар экан, қопу оғзида уларни кутиб, оч-наҳор Ўтукан бобо ўтирарди.

– Эй, меҳрибон бобом-ей! Ҳалиям бизни кутиб ўтирибсизми? Қани захира отлардан бирига миниб олинг-чи! Туз ҳам тотмагандирсиз? – деди Элтўғрул чол билан ёнма-ён ортга қайтаркан.

– Сизларсиз томоғимдан емак ўтармиди. Ҳозир ўтовимга бориб оёқларинг остига тўққизта кўчқор сўйиб, бирини едириб, қолганини отларингга ортиб бераман-да, сўнгра кўнглим тинчийди.

Чол шундай деб йиғлаб юборди.

– Ата юртимнинг ҳидини, гардини олиб келган бўйларингдан айланай, ўғлим! Отам раҳматли, Туркистонни, ҳазрат Ясавий турбасини кўраманми дея оҳ уриб, армон билан ўтиб кетдилар. Билмадим, бу қисмат менга насиб этармикан?

– Этади, Ўтукан бобо! Насиб этса ўзим шу қайтишимда сизни юртимизга олиб кетаман! Ҳеч қайғурманг! – деди Эртўғрул чолнинг елкасига кўлини кўяр экан. – Сизнинг бу очик кўнгиллигингиз ва самимиятингиз амирингиз Тахуртаннинг ризолигидан кам эмас. Демак, халқ бизга хайрихоҳ.

– Улусга тинчлик керак, бўтам! Бир қон тўкилган ердан қирқ йил барака кўтарилади. Турон Ҳокони Темур ҳақида одамлар билади. Фақат тахтидан чўчиган тўртта беку султон уни ёқтирмаслиги мумкин. Ўзи ҳаёт шунақа, ожиз кучлини, аҳмоқ ақллини ёмон кўради. Бу дунё аввал кучли, сўнгра одил бўла билганники, авлодим. Мана менинг уйимга ҳам етиб қолдик. Бир сурув қўйим бор! Худога шукур, ҳеч кимга муҳтож эмасман. Ўнта ўғлим бор. Ҳозир ҳаммасини кўрасизлар, – дея отдан тушган Ўтукан бобо, бақириб-чақирганча ўғил ва келинларини ишга буюра кетди. – Улусга ошу иш керак, бўтам!..

Унинг лойсувоқ уйи ва бир неча қора уй ҳамда чодирлари тоғнинг шамолпана бир ўнгирига жойлашган бўлиб, теварак-атроф қир-адир ва яйловдан иборат эди. Этақда шовуллаганча бир тегирмон сув оқар, сой бўйида юз чоғли от уюри ёйилиб юрарди.

Уйда бўлган беш ўғли келиб кўноқларга салом бериб, сўрашиб кетди. Сўнгра улар юрта атрофида ёйилиб юрган қўйдан тўққизтасини ажратиб келдилар.

– Биттасини сўясиз, бобо. Саккизтасига эн солиб қолдириб кетаман. Ҳар ўткан-қайтганда сўйиб, еб турамиз. Кўзисининг ҳам ҳисобини оламан, – дея ҳазиллашди Эртўғрул. – Жаннатда яшар экансиз, бобо!

– Йўқ, кетмайди. Ният қилдимми, сўяман! – туриб олди чол.

– Бу хатти-ҳаракатингиз Темурбек ҳазратларига етса, бизни сиздан ришват олганликда, сизни эса ришват берганликда айблаб, жазога тортадилар, – ҳазилу чин пўписага ўтди элчи.

– Йўғ-е! – хайрон бўлди содда чол бу гапдан чўчиб, кўзларини катта-катта очиб боқаркан.

– Шундай. Бизнинг Хоқон ҳеч бир катта-кичик воқеа ва ҳодисани эътибордан четда қолдирмайдилар. Бунча қўйни сўйишингизга йўл қўйишимиз мумкин эмас. Тўғри сўйламоқдамен. Битгасини сўйиб, қуйруқ ёғига битта чўпон кабоб қилайлик-да, йўлга чиқайлик. Узоқ қололмаймиз.

Элчилар отларига дам бериб, уй соҳибининг кўрасига боғладилар. Ўтукан бобо отлар охурига ҳашак ва арпа солди. Суворийлар ювинишиб, намозларини ўқиб бўлгунча, қўй сўйилиб, беҳи шохларига тизилган эт парчалари қуйруқ ёғи чарсиллаб қайнаётган қозонга ташланган, дастурхонга борини тўкиб солган бобо кўноқларни бекларди. Темур элчилари чўпон кабобни ҳузур қилиб еб, қўй айрони, қатиқ ичишди. Оқсоқолнинг келинлари пиширган юпқасифат антиқа экмакни қарсиллатиб ейишди.

Улар емак еркан, Ўтукан бобо қандай қилиб ота-боболарининг бу ҳудудларга келиб қолганидан сўз очди.

– Авлодларимизнинг бу тарафга юришлари эски турк хоқонлигимиз завол топгандан сўнг бошланган экан. Қорахонлилар даврида ҳам давлат бизнинг боболаримиз элида бўлган. Оталаримиз сўнгги бор Қорахонлилар бошкенти Ўзгандан бу тарафларга отланганлар. Икки юз йил мобайнида юра-юра мана шу ерга келиб қолдик. Асл ватанимиз Туркистон. Туркистон деганда оталаримиз оғзидан оташ чакнардилар! Қисматни қарангки, мана ўшал муқаддас юртдан келган сиз авлодларим билан учрашиб ўтирибман.

– Бугундан эътиборан сиз Турон давлатининг улуғ Хоқон Амир Темур Муҳаммад Турк оғай мамлакатининг ватандошисиз. Энди бу ҳудудлар бизга боғлиқдур! – деди ифтихорга тўлиқ овозда Эртўғрул Турон. – Амирингиз Темурбекка итоат билдирдилар.

– Алҳамдулиллоҳ! – деди оқсоқол хайрат акс этган кўзлари катта-катта бўлиб. – Оталаримиз буни орзу этардилар. Мана қаранг, бизга насиб этди бу кунлар. Оллоҳ Темурбек хоқоннинг давлатини кўрисин! – дуо қиларди Ўтуркан бобо.

– Энди бизга руҳсат беринг! Етиб бормоғимиз лозим. Улуғ Амир жаноблари бизни Авник қалъаси атрофидаги яйловда беқламоқдалар. Қани бир дастурхонга фотиҳа қилинг-чи?

– Йўқ, кўноқдан!

– Биз ҳам сизнинг ёшингизга етиб юрайлик. Ўзларидан. Бағишладик!

– Илоҳи омин, – дея дуо фотиҳа учун қўл очди мезбон. – Улуғ Хоқон Темурбек жанобларига Оллоҳ қувват берсин! Давлати боқий бўлсин! Барчамиз эсон-омон тўрт кўз тугал, бағри бутун бўлиб юрайлик! О-омин, Оллоҳи акбар!

Элчиларни кузатаркан, чолнинг кўзи ёшланди.

– Менга сўз бер, асл турк боласи бўлсанг, – деди йиғига ўхшаган овозда. – Темурбекни менинг кўшимга олиб келасан. Уни бир кўрсам, ўлсам армоним йўқ!

– Сўз бераман, бобо! Ул ҳазрат сиз каби самимий ва беғубор инсонларни бошларига кўтардилар, – жавоб қилди элчибоши.

– Туркистонга олиб бораман дея берган ваъданг бундан айри. Унутма, – қўшиб қўйди кулимсираб.

– Сўзим сўздур!

– Энди оқ йўл сенга! Отингнинг бошини қўй! Кўзининг қолган қисмини хуржунингга солиб қўйдим. Темурбекка ҳам насиба берингла!

– Хўп бўлади! Хайр!

– Хайр, ўғлим!

Эртўғрул ҳеч қачон туймаган бир меҳрли инсоний туйғуни ҳис этган эди бу ерда. Назарида, бу воқеалар бир неча минг йиллар бурун бўлаётгандек ёки рўй бергандек эди. Тавба, бу қандай руҳий яқинлик ҳолатиким англамоқ мушкул. Ёким инсон замонлар кечгач, қайта туғилармикан? Бобонинг қиёфасини қачондир, қаердадир кўргандек. Сўзларини эшитгандек. Бу кигиз ўтов, бу лойсувоқ уй, қўра ва қўтонлар, атрофда ёйилиб юрган қўйлар ва қўйчивон итгача барча-барчаси унга яқин ва қадрдон. Овқатнинг лаззати ҳам, ўзи еб юрган емакнинг худди ўзи. Ё Оллоҳ! Бу чолнинг самимийлигини айтмайсанми! Демак, турк миллати бор жойда соддалик, самимият ва садоқат бор!

Хос элчи Эртўғрул Туроннинг мағрур қиёфасини кўрган Темурнинг кўнгли ёришди. Демак, ишлар тузук. Арзирум савашсиз тасарруфга киради.

– Бу амир Тахуртаннинг миллати ва дини не экан? – дея сўради Темур элчининг ахборотини тинглаб бўлгач.

– Дини насроний, миллати румлик. Айтишларича, Йилдирим Боязиднинг келиб қолишидан кўрқиб, юрагини ҳовучлаб ўтирган экан. Бизни унга худо етказган кўринади, – жавоб қилди хос элчи.

– Ҳа, Йилдирим Боязид барча бекликларни бирлаштириб, улуғ бир салтанат яратмоқда. Турк ва мусулмон бўлгани учун биз уни қўллаб-қувватлашимиз керак. Румликлар усмонли туркларига осонликча жон бермайдилар. Боязиднинг кучи ва қўли етмаган жойларга бизники етади. Унга истаган рум беклигини олиб беришимиз мумкин. Бунинг учун у билан яхши алоқалар ўрнатмоғимиз лозим. Тўхтамиш Миср султони Барқуқ билан англашиб, бизга қарши курашга hozирланмоқда эмиш. Шундай шароитда биз усмонлига тегишли бўлган ўлкаларга оёқ босмаймиз.

Сўнгра у Ўтукан бобо ҳақида сўзлаб берди. У киши ҳазратни кутаётганини айтди.

– Албатта борамиз. У тарафга юрганимизда эсга солинг, – деди хурсанд бўлиб Темур. – Амир Боботуркга ҳам бу ҳақда айтинг. Сиз бўлмасангиз ул кишим эслатадилар.

Темур Малик Изиддин Курд қочиб кирган Ван қўрғонини қамал қилишга буйруқ берди. Малик Изиддин қалъадан чиқиб, таслим бўлди-ю, қўрғон ичидаги одамлари унинг сўзига кирмади. Қалъани куч билан олишга киришилган бир пайтда Арзинжондан Тахуртанинг элчиси шоҳона ҳадялар ва тухфалар билан етиб келди. Элчи ҳокимнинг итоат билдириб, бўйсунганлигини таъкидлаб, Темурнинг этагини ўпди.

– Биз амир Тахуртани хайрихоҳ дўст деб биламиз, – дея элчига мурожаат этди Темур. – Сўз берганимиздек Арзинжон вилояти ул кишининг ҳукмида қолажак. Бизнинг совга-саломларимизни етказиб, ҳукумат нишонимизни топшурунг.

Сўнгра улуғ Амирнинг ишораси билан амир Тахуртанга Темурга тегишли юртларнинг ҳокимлари кийиб юрадиган хилъат берилди. Элчига ҳам саруполар кийгизилди.

Қора Муҳаммад черигини тоғнинг юксак қояларига қадар қувиб борган лашкар катта ўлжа билан қайтди. Мироншоҳ чериги жуда кўп қиз ва хотинларни ҳам асир қилиб олиб келганлиги хабари етганда Темурнинг аччиғи чиқди.

– Чақиринг амирзодани ҳузуримга! – баланд овозда эшик оғасига буюрди.

Ранги-кути ўчган амирзода қимтинибгина келиб, отасининг пешини ўпди.

– Сиз қай замондан бери хотун жаллоби бўлиб қолдингиз, амирзодам, – қаҳрини босиб сўради Темур ўғлидан. – Қўю

сигир, оту туясини ўлжа қилиб олибсиз. Буни тушунса бўлар! Сўзимизга қулоқ солиб, элчимизга ризолик билдирганда игна-сига ҳам тегмас эдик. Бироқ сиз биз турк қавмида ҳеч қачон кечирилмас бир гуноҳга қўл урибсиз! Нечун одамларнинг, эркак кишиларнинг онаси, қизи, синглиси ва тани маҳрами шаънига тажовуз қилишга йўл қўйиб бердингиз? Билиб қўйингки, улар бу гуноҳингизни ҳеч қачон афв этмайдилар! Қасос олмоқ пайида бўладилар ва улар ҳақдирлар!

– Кечиринг, падари бузруквор! – деди овози товланиб амирзода Мироншоҳ. – Бул каби хатолик бошқа такрорланмайди!

– Киши авротини ҳақорат этгандан кўра унинг бошини олган маъкул! Нечун буни англамаганингга ақл бовар қилмайди! Эркак кишининг ахлоқи ва заковати аёл қавмига ҳурмати ҳамда муносабати ила белгилидур. Мен сен бу нарсаларни биласан деб ўйлабман. Хотин-халажларни ҳозироқ қайтариб, маконларига юбор! Сенга рухсат! – асабийлашган улуғ Амир амирзодани сенсирашга ўтди.

Амирзода хаёли қочганча тисарилиб, чодирдан чиқиб кетди. Темур таҳорат олмоқ ва пешин намозини ўқимоқ учун чодир ёнидаги кўчма масжид томон юрди. Уч юз чоғли киши сиғадиган кўчма масжид улуғ Амир кўши билан бирга юрар эди. Шайхлар уламо-фузалолар, дин арбоблари билан бирга ибодат қилганида унинг қалби хузур топарди. Ўғиллари, набиралари, қариндош-уруғлари ва яқин муозимларини ёнига олиб ҳар бир жанг олдидан ибодат қилиш, зафар фотиҳасини ўқиш эътиқодга айланиб қолган эди. Қанчалик чарчаган бўлмасин, саҳарда туриб, бомдод намозини ўқир, кўпинча тунлари туриб, узок муддат ибодат қилар, аскарлар унинг бу мустаҳкам эътиқодидан руҳланар, куч-қувват оларди.

Сўнгроқ улуғ Амир Алоуддин ал-Бухорийни хос шайх ўлароқ доимо ёнида бўлмоғини сўради. Абдулжаббор ан-Нўъмоний эса унинг ибодатларида имомлик қилар, суҳбатдош ва таржимон сифатида бирга юрар эди.

Табиатан доимо оғир ва машаққатли ишларни уддалаб ўрганган Темур юмушлар камайиб, лашкар бекорчиликдан турли тарафга ўрмалай бошлаганини сезса, дарҳол уларни канал қазиш, ер ҳайдаш ёки каттакон қурилишларга кўмак бериш каби ишларга буюрарди.

Унинг уч йилга мўлжалланган сафар режасининг учдан бири

уддаланган, энг сўнггиси, ҳал қилувчи фатҳ олдинда эди. Хаёлини бир нарса, – болоқдан чиққан бит, Тўхтамишнинг ўрмалаб, муқаддас Самарқандга от қўйиши безовта этар эди. Кейинги пайтда у билан тўқнашувнинг муқаррарлигига ишонч ҳосил қила бошлади. Ҳисоб-китоб энди шунга кўра бўлади. Бироқ бу режани Боботурк билан Туркашдан бошқа ҳеч ким билмайди. Сиёсат нуқтаи назаридан жамоа олдида Темур ҳамон Тўхтамишни ҳурмат ила тилга олар, улуғлаб гапирар эди. У бу сўзларнинг жуда қисқа муддатда Жўчи хонига етиб боришини яхши биларди.

Сўнги икки манзил режа бўйича Исфаҳон ва Шероз бўлиши керак эди. Ўрду Ван қалъасини забт этгач, Урмия кўлининг ғарбидаги Салмос шаҳрини босиб ўтди. Темур Курдистон вилоятини Малик Изиддин Шерозийга топшириб, унинг кўнглини кўтармоқ учун ҳадялар тақдим этди. Худди шу дақиқада Урмия туркларининг ҳокими Дизак бошкенти Мароғадан чиқиб келиб, улуг Ҳоконнинг мулозаматига мушарраф бўлди ва пойтахтига тақлиф этди. Мулозимлик изҳор этди ва Темурнинг лутфу карамидан баҳраманд бўлди. Урмия вилоятини қайтариб берган Темур унга соҳибжамол бир канизак ҳам ҳадя этди. Бу иззат-ҳурматдан мамнун бўлган ҳоким тиз чўкиб, Темур турган ерни ўпди.

Турон ўрдуси Мароғадан Нилонга ўтиб, бир оз яна ўзини тартибга келтирган бўлди. Шу ерда Темур Акрам муншийни чақиртириб, Шероз волийси, марҳум шоҳ Шужьонинг ўлими олдидан Темурга ёзган мактубини топиб келтиришни сўради. Бош мунший мактубни ёнида олиб юрган экан.

– Қани ўқинг-чи? – деди Темур Акрам муншийга.

Бош битикчи томоғини қириб қўйиб хатни ўқимокқа тутинди.

– «Олий ҳазрат, ғардунбастат, мамлакатпаноҳ, маъдалат шиъор, макрамаат, осор, навин, бузурги комкор, иътизоди салотини гардун, иқтидори аъдали акобири замин у замон, ал-манзур би анзори иноят, ал-маликуддаён, кутбул Ҳаққ вад-Дунё вад-Дин, амир Теймур Гурагон, халлада Аллоҳ мулкху ва султонху Ҳаққу жалла ва аъло. Ул ягона замонга дину дунё мақосидидин би-аъло мадориж ва муродот ва ақсо маротиби мароматға еткургай, биминнатил қадим ва тулуҳум амин.

...Ҳазрат Соҳибқироннинг умрига бақо бўлсун. Эмди ул ҳазрат била сидқу муҳаббат бор жиҳатидин вожиб кўриб, фарзанди дилбандни — Зайналобиддинни сенга топшурдим. Ва ўзга ўғлонлар

ёш турурлар ва ағоинимни сипориш қилмоқ ҳожати йўқ турур, чи ҳақиқат била ул ҳазратнинг лутф ва карамини сийлабмен. Ул ҳазратнинг лутфидин нечук лойиқ турур, қилғучи турур ва аҳволларидин хабардор бўлғайлар ва мазмун инна хуснулахду минал-иймани бажой келтуриб, буларни барчани ўзига махсус қилиб, шавқат ва марҳамат кўланкаларини булар устида солиб андоқ қилсунларким, улуғ-кичик бирлик ва ҳамжиҳатлик қарор топсун!..»

– Инимиз Зайналобиддинга қуйидаги маттни ёзиб жўнатинг, – деди Темур муншийга мактубни айтиб ёздирар экан. «Мархум отанг Шоҳ Шужъо бизга нисбатан дўстлик мақомида турган эди. Сен ҳам бизнинг ҳузуримизга келишинг керак. Токи, биз у вилоятни қайтадан сенга муқаррар қилиб, шундай қайтариб берайликки, бу сенинг сарафрозлигинга сабаб бўлғай».

Бироқ ҳадеганда Зайналобиддиндан жавоб келавермади. У амакиси, Ажам Ироқининг ҳоқими Шоҳ Мансур ҳузурига кўшин билан жўнади. Шоҳ Мансур Зайнулобиддиннинг худди шундай, охири бир кун итнинг кейинги оёғи бўлиб ҳузурига бош эгиб келишини кутиб ўтирарди. Темурнинг оталарча илтифотини оёқ ости қилмоқ унга қимматга тушди. Шоҳ Мансур унинг лашкарини кўшинига кўшиб олди-да, ўзини зиндонбанд этди. Бу хабар кўп ўтмай Хоқонга ҳам етди.

– Эшакка олтин тағорада ем берганларида эшак ҳам, тағора ҳам йиғлаган экан! – деди Темур қаҳри келганидан овози бир оз бўғиқроқ чиқаркан, қаршисида тик турган амирзода Мироншоҳ, амир Боботурк ва соҳибхабарга бир-бир нигоҳ ташлар экан. – Эшак, мен эшак бўлсаму, нечун олтин тағорада ем берадилар деб, тағора эса мен олтин бўлсаму, нечун менда эшакка ем берадилар деб йиғлаган экан. Биз у бетавфиққа Шероз ҳокимлигини хатлаб берайлик десағу, кўрнамаклик қилса? Майли, унга ҳеч бир эътирозимиз йўқ. Энди ҳокимликни тушида ҳам кўрмайди. Бироқ йигитларимизга айтиб қўйинглар, унга ва умуман Шоҳ Шужъонинг авлод-аждодига тегмасинлар. Агар Зайналобиддин Шоҳ Мансурнинг қўлидан омон чиқса унга ва яқинларига яшашига етарли даражада мояна ва маош тайинлаб, ўз холига қўйсинлар. Мен унинг отасига сўз берганман. Арвоҳи чирқилламасин. Энди эса Форс орқали Исфаҳонга юрамиз. Исфаҳоннинг саййидлари, улуғ уламолари бизни тезроқ бу шаҳарда ҳам адолатли, шариат қонун-қоидалари асосида бир ҳокимият ўрнатишимизни сўраб



бот-бот рижо этмоқдалар. Ваъдаларига кўра улар бизни шаҳар яқинида кутиб оладилар. Уларнинг бу сўзига ишонсак бўладими, мухтарам Туркашбек?

– Маълумотларимизга қараганда хабар ишончли, – жавоб қилди Али Туркаш.

Улар чодирдан чиқдилар. Жилвдорлар-тулпорларни-тутиб туришар, кузнинг ёқимли куёши киши танига ором бериб, хаёлини олис-олисларга олиб қочадиган ҳаводан маст ғолиб лашкар форс яйловларида кетиб борар эди.

Темурдан бир-икки қадам орқада кетаётган амирзода Мироншоҳ, Боботурк ва Туркашдан садо чиқмас, аҳён-аҳёнда бир-бирларига маъноли қараб кўйишарди.

Бу воқеалар туркларнинг товушқон йилида, мелодий минг уч юз саксон еттинчи йилнинг куз ойларида кечар эди.

Темур беихтиёр отини секинлатди. Бу ёнимга етиб келинглари деган маънони англатарди.

– Ўғруқни Техрон яқинидаги Сарикамиш манзилида қолдирамиз. Ёнида Кум кўли бор. Истироҳатбоп жойлар. Биз келгунга қадар кўш шу ерда туражак. Ўғруқнинг муҳофизоти учун амирзодани қолдирамиз. Амир Ҳожи Сайфуддин ва Шайх Али Баҳодирбеклар лашкарлари ила қоладилар. Биз эса Форс сари юрмоқда давом этамиз.

Темур ўғруқ билан Сарикамишда бир кеча тунади. Хонимлари билан суҳбатлашиб, тегишли кўрсатмалар берди. Саҳар туриб бомдод намозини ўқиди-да, бир пиёла анор сувини ичиб, оти томон юрди.

– Нонуштани йўлда қиламиз, – деди дастурхончига. – Менга Тоҳирбекни чақиринг!

Кўп ўтмай Тоҳир тарихчи ҳозир бўлди.

– Менга англагинг-чи, Тоҳирбек, бутун Форс вилоятини Шоҳ Шужьонинг авлод-аждодлари эгаллаб олган дейишади. Ҳатто қишлоқ оқсоқоллари ҳам ҳешу ақраболари эмиш. Бу гаплар ростми? – сўради Темур тарихчидан.

– Ҳақ гап, – жавоб қилди Тоҳир тарихчи бир оз ўйланиб тургач.

– Исфаҳонда ким доруға?

– Зайналобиддиннинг тоғаси Саййид Музаффар Коший. Яздда Шоҳ Шужьонинг акасининг ўғли Яхё ҳокимдур. У Шоҳга куёв ҳамдур. Кермон ҳокими Абу Исҳоқ эса Шоҳ Шужьога ука

бўлади. Барча катта шаҳарлар шуларнинг ихтиёридадур, ҳазрат.

– Булар ҳам Зайналобиддин изидан борадиларми ёки итоат узангисидан оёқларини олмайдиларми? Бу хусусда не фикрдасиз?

– Менимча булар Шоҳ Шужъонинг ўғли қилган ношукурлик саҳроси томон қадам отмасалар керак деб ўйлайман, – жавоб қилди доимо дилидагини очик сўйлайдиган Тоҳир тарихчи.

– Мен ҳам шу фикрдаман, – унинг сўзини маъқуллади Темур. – Бироқ бу форслар табиатан фикри ва қарорини тез ўзгартирувчи қавм саналади. Буни ўзлари гоҳ духтарак, гоҳ писарак дейдилар. Биз Исфаҳондан қайтгунга қадар қарорлари ўзгариб қолмаса дейман.

– Мен ҳам шул ўйдамен. Буларни юзда-юз итоатда сақламоқ учун энг саркаши Шоҳ Мансурни йўлга солмоқ керак. Уни яратгандан кўркмаган, яралгандан ҳайиқмас кимса дейдилар.

– Тўғри айтасиз. Эшитган бўлсангиз у мен билан яккама-якка савашмоқ истагида юрган эмиш. Ризолик билдирдим.

– Аввал сизнинг лашкарбошиларингиз ёким амирларингиздан бири ила савашсун. Сўнгра бир гап бўлар, – деди бу гапдан ҳайрон бўлиб тарихчи.

– Бироқ сўнгра мактуб ёзиб, сўзидан қайтганини айтиб, кечирим сўради. Шунчаки душман кўзи учун сиёсат қилмоқда. Бизга нисбатан юраги тоза эмас. Эртами-кечми биз билан савашади. Сулоласини безовта қилмаслик мақсадида имкон қадар бу тўқнашувни орқага сурмоғимиз керак.

– Маъкул гап, – қувватлади Тоҳирбек.

Исфаҳон яқинига етган Темур Ийдуку Темурни шаҳар яқинидаги Табарак қалъасини забт этмоқ учун жўнатди. Исфаҳоннинг оқсоқоллари англашилганидек Хожа Рукниддин Саид бошчилигида шаҳар халқининг мулку жонига омонлик тилаб, улуғ Амир хузурига ташриф буюрдилар.

Темур бу ҳурматли кишиларнинг обрў-эътиборини жойига қўйиб, кўнгилларини кўтарди ва тухфалар берди. Истаган худудларидан суюрғоллар олишларини қайд этди. Уламолар шаҳар аҳли «тақа баҳоси» дея аталгувчи моли омонни тўлашга, улуғ Амирга итоатда муқим туришга қарор берганини таъкидладилар. Фармонга биноан Нур Мулк Барлос, Муҳаммад Султоншоҳ ва Баён Темур бу молни тўплаш, шунингдек, маҳаллаларда ҳокимиятни қабул қилмоқ учун шаҳарга жўнадилар. Бироқ ярим

кечага яқин етиб келган хабардан барча ҳайратдан қотиб қолди. Бундай катта хоинлик Темур ўттиз тўрт ёшида, бундан ўн саккиз йил бурун Балхда бўлиб ўтган қурултойда Буюк Турон Амири деб эълон қилинган кундан бешлаб содир бўлмаган эди. Ўша қурултойда пиру комил Мир Саййид Барака унга олтин белбоғ, ярқираган қилич ҳамда дур кўзли сирға тақдим этган эди. Темурга қадим турк урф-одатига кўра буюк ва қудратли ҳукмдорлик рамзи белгиси ўлароқ қўйнинг курагини берган эди. Сўнгра ноғоралар гумбур-гумбири остида саййидлар ва оқсоқоллар уни «Аллоҳу акбар!» хитоби билан уч марта бошлари узра оқ кигизда ўтказиб кўтарган эдилар. Тантаналардан сўнг халифалар одатига кўра саййидлар, лашкарбошилар, улус ўтоғолари Темурни Соҳибқиронлик мартабасига сайлаган эдилар.

«Халифалар тажрибасига риоят этган ҳолда биз саййидлар, жангчилар, улус, Темурни Соҳибқиронлик мартабасига сайладик. Ҳар соҳада унга тобе эканлигимиз ҳақида онт ичдик. Қасамёдларимиздан қайтадиган бўлсак, Оллоҳ марҳаматидан бенасиб қолайлик. Шайтон васвасасига дучор бўлайлик!..» дея қасам ичган эдилар ўшанда унга садоқат билдирган кишилар.

Темур ҳам юртни бирлаштириб, тинчлик ўрнатиш, уни ёвларга оёқ ости қилдирмаслик, золимлар зулмини тийиб, мазлумлар ҳақ-ҳуқуқларини таъмин этмоққа қасам ичган эди. Унинг «менким, Оллоҳнинг қулбандаси шуни маълум қиламанким...» дея бошлангувчи ёрлиқлари Турон юртини дарвеш чопонидаги ямоқ каби бўлақлаб олган беғу улус бошлиқларига учқур суворийларда етиб борар ва уларнинг Темур тақлифларига рози бўлмоқдан бошқа иложлари қолмас эди.

Темур суворийлари давлат мадҳиясига айланиб қолган, Ўткун Тегин бахши халқ сўзини бир оз ишлаб оҳангга солган «Оллоҳёр» термасини айтиб кирган юрт одамлари кўтаринки рух ила бу кўшиққа жўр бўлар эдилар:

*Тангри бизни қўллагай,  
Оллоҳёр! Оллоҳёр!  
Ҳақ йўллarga йўллагай,  
Оллоҳёр! Оллоҳёр!*

...Темурнинг лашкару раиятига нисбатан ҳеч ким исфаҳонликлар қилган ишни қилмаган эди. Улуғ Амирга бу нарса шундай қаттиқ таъсир этдики, қаҳру ғазабдан у анчагача ўзига келолмади. Кўзлари қонга тўлган, ҳайқирғи момоқалдиروق каби даҳшатли эди.

– Қанча одамимизни шаҳид этдилар? – дея сўради Темур олдига бир амаллаб қочиб келган Нур Мулк Барлосдан паст овозда.

– Уч минг ила беш минг орасида, ҳазрат. Биз ҳеч кишига қилич кўтарганимиз ёким бошқа бир қурол ўқталганимиз йўқ. Кечаси режа асосида бу қотилликни амалга оширдилар, – дея воқеа тафсилотини сўйлар эди лашкарбоши. – Бу ишларнинг бошида турган бош фитначи Али Кўчапо деган кишидур. Кимсанинг сўзига кулоқ солмайдур. Баён Темур ва Муҳаммад Хитойи Баҳодир ҳам шаҳид бўлдилар.

– Демак, бул шаҳар бузғунчиларининг хуни тўлибдур. Ажал ва балони сотиб олмоқни истаган бўлсалар бизда не айб? Шаҳарни кўшиннинг босқинига кўйиб беринг. Лашкар бошлиқларига сўйлангки, Кўча Маволи Тарки ҳамда Хожа Имомиддин Боиз каби улуғларнинг маҳалла ва жамоаларига тегмасунлар. Ҳар не бўлса Оллоҳнинг иродасидадур!

Исфаҳоннинг муаммоси ҳал этилгач, Темур Сарик Буғанинг ўғли Амир Ҳожибек билан Туманшоҳни Исфаҳонни тиклаш ва бу ерда ҳаётни изга солиш учун қолдириб, Шерозга қараб юрди.

Форс вилоятини батамом салтанат тасарруфига киритган Темур сағриси оқ мрамардек ялтираган Окбулутнинг жиловини ота юрт томон бурган эди. Ўткун Тегин бахшининг бир шеърдан таъсирланиб ўзи тўқиган, бироқ ҳеч кимга айтмаган шеърни пичирлаб борарди:

*Оллоҳдан узоқ кимса,  
Айт нечун бемиллатсан.  
Элу улус нелигин,  
Ангамас бир қулфатсан.  
Кунинг учун қул ташлаб,  
Нурсиз яшаб ўтарсан.  
Илоҳий туйғулардан,  
Сен мосуво кетарсан.*

*Бу дунёга келдингу,  
Келмадинг бефойдадир.  
Сенинг бахтинг бир қорнинг,  
Тўйган макон, жойдадур.*

*Ватансиз<sup>1</sup> бир кимсадан,  
Ватанли дева афзал.  
Шарафсиз бир улусдан  
Номли қир, тева афзал.*

---

<sup>1</sup>Ватансиз сўзи бу ерда ватан туйғусидан бенасиб маъносида ишлатилмоқда.



## ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ БОБ

*Мамлакат куфр билан туриши  
мумкин, лекин зулм бор ерда турол-  
майди.*

Темур

Алп Туркашнинг хабарнависларидан Отламиш фақир тахаллусли киши Жўчи карвони билан Сарой Ботудан Ҳиндистон сари йўлга чиққаётган куни кечаси Тўхтамишхоннинг хузурида бўлиб, узок суҳбатлашиб қолган амир Тангрикул тужжорнинг оғзини пойлар эди.

Эртага йўлга чиқамиз деган куни Отламиш эски мусалласчи биродарининг уйига бориб, икки кўза бир неча йиллик мусаллас олди. Бозорга кириб дудланган балиқ ва жайрон гўштидан харид қилди. Хуржунини писта, бодом, олма ва шафтоли туршаги, майизу ёнғоққа тўлдирди. Жорияси Гуласалга бир тандир патир ёптирди. Қалтис иши боис у қирқ бешга кирган бўлса-да, уйланмаган, жория ёким канизак асрар эди. Мабодо вақти бемаҳал бошим кетадиган бўлса бола-чақам ва хотинларим кўчада, дуч келган одамнинг қўлида қолиб, хору зор бўлмасин дея ўйларди.

Темур унга истаган замони тўғридан-тўғри ўзига мурожаат эта билиш ҳуқуқини берганди. Отламиш ҳам улуғ Амирга итдек садоқатли бўлиб, хиёнатни хаёлига ҳам келтирмайдиган, ишига астойдил берилган, ер остида илон қимирласа пайқайдиган, афти-башарасига қараб ҳар қандай кишига баҳо бера оладиган ноёб истеъдод соҳиби бир киши эди.

Отламишнинг Тўхтамишхон бошкентидаги расмий вазифаси Темур давлати савдогарларининг Дашти Қипчоқ худудидаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш эди. Араб ва форс тилларини пухта биладиган Темур элчисини Тўхтамишхон хурмат қилар, ўтириш ва суҳбатларда иззат-икром кўрсатарди. Аслида Олтин Ўрда Турон давлатининг вассали ҳисобланса-да, Темур ёким унинг Отламиш каби маъмури Ўрда ҳукмдорларига буни писанда қилишмас, берган хирожларини олиш билан кифояланардилар.

Улфат, икки гапириб тўрт куладиган, билмайдиган мавзу-си йўқ, бир қоп ёнғоқ каби бу инсонни ҳеч ким махфий деб ўйламас, унинг дарвешона ҳаёти ва турмуш тарзи ҳеч кимда шубҳа туғдирмас-эди.

– Мен ҳам сиз билан Ҳиндистонга бориш орзусидаман, муҳтарам Тангрикулбек, – деди Отламиш фақир тужжорнинг меҳмонхонасида чордана қуриб ўтираркан, ерга тўшалган гулдор туркман гиламига тикилганча.

– Савдогар бўлмасангиз, сармоянгиз бўлмаса, Ҳиндистонга бориб нима қиласиз, Отламишбек? – деди синчков Тангрикул суҳбатдошининг кўзига маъноли бир қараб, мийиғида кулиб қўяркан. Сўнгра патнисдаги мева сувидан қуйиб, пиёлада қўноққа узатди.

– Сармоям бор, – деди Отламиш ғоят хотиржам овозда оҳиста шарбатдан ҳўплар экан. – Гапнинг очиғи, сиқилиб кетдим. Кайфиятим бўлса сизлар билан бирга Мўлтонгача бораман. Оёғим тортмаса она юртим Хўжандда қоламан. Темурбек сўнги суҳбатларида келинг, Шохруҳия шахрининг доруғалигини бераман деган эдилар. Мен мансабга қизиқмасам-да шундай бир ишнинг бошини туғиб уйланиб, бошпана қуриб, одамга ўхшаб яшамоқчиман, Тангрикулбек, – дея унинг сўзига шундай жавоб қилдики, суҳбатдошининг дами ичига тушиб кетди.

Тангрикулнинг кўз олдида тулпор отда Суйхун бўйида салобат билан одамларга амр бераётган Шохруҳия доруғаси амир Отламиш гавдаланди. Дарёнинг бўйи, тижорат учун қўп қулай шаҳар. У ерда нодир маъданлар ҳам мўл, хаёлидан ўтди. Бахт аслида мана шунга ўхшаган боши пахмоқу, думи тўқмоқнинг тепасига қўнади...

– Темурбек ҳазратлари сизга катта илтифот кўрсатибдилар. Йўқ деманг. Подшоҳларнинг раёйини бир қайтардингизми, қайтиб бундай таклифни кутмай қўяверинг. Шу боис темирни қизиғида босинг. Биз ҳам ҳол-аҳвол сўрагани бориб турамиз. Шохруҳия Сайхун бўйидаги жаннат каби бир шаҳардур, – дея Отламишга тўғри маслаҳат берган бўлиб, оғзини тўлдириб сўзларди Тангрикул.

Улар бир-бирининг оғзини пойлашар, иккисининг ҳам тужжорликдан бўлак «асосий» иши борлигини зимдан сезар эдилар. Тангрикул асли турк уруғидан бўлганлиги учун Темурга нисбатан ичида бир хайрихоҳлик бўлиб, Тўхтамиш билан юз бераётган

муносабатларда Темурни ҳақ деб билар, бироқ бу хусусда оғиз очиб бир нима дея олмас эди. Бундан ташқари унинг бутун тирикчилиги, тижорати икки дарё атрофида кечар, Дашти Қипчоқнинг сахройи ҳавоси ва совуқ қишидан безган дамларда карвонини етаклаб, Бухоро ва Термиз томонларга қараб жўнаб қоларди.

– Мусалласнинг подшосидан олдим: Отамлашиб кетамиз, – деди Отламиш фақир суҳбат мавзусини бурар экан. – Беш кунлик дунёда бир яйрайлик!

– Бормисиз, иним. Шундай гаплардан сўйласангизчи! Насиб этса маишатни бугундан бошлаймизда, эртага сафарда давом эттирамиз. Жорияларнинг сарасини ҳам унутиб қўйманг. Уларсиз ҳаёт ҳаётми?

Амир Тангрикул шундай дея ҳаллослаганча қўноқуйидан чиқиб кетди. Бир оз фурсатдан сўнг эса эски кўзани кўтариб қайтиб келди.

– Бир пиёласи гиппа олади. Иккитаси ағдаради. Шомдан келтирилган. Миср султонининг хон ҳазратларига юборган шаробидан, – дея ичимликни мақтади уй эгаси. – Бугун бизникида ётиб қоласиз. Эрталаб бомдоддан сўнг бирга йўлга чиқамиз.

– Ҳалта-хуржунни ҳам ҳозирлашим керак. Бормасам бўлмайди, – эътироз билдирди Отламиш.

Тангрикул ёғочдан ишланган косаларга тўқ қизил, ёқимли ҳидли шароб тўлдирди. Хизматчи худди шу дақиқада ёғоч сижга тизилган кўзи ва бедана кабоби келтирди. Озарбайжон тарафлардан олиб келинган сархил узум, олма, нок ва анорнинг ёнида тандирдан янги узилган қип-қизил иссиқ кулчалар совумасин дея дастурхонга ўраб қўйилган эди. Эшикдан киришда, ўнг тарафдаги хонтахта устидаги кадиларда қимиз ва айрон турарди.

Улар илк шароб косасини сахрода сувсиз қолиб кетган араб каби охиригача сипқордилар. Устидан узум билан иссиқ кулчадан тановул қилдилар.

– Емақларингиз ҳақиқатан ҳам шоҳона, – деди кучли мусаллас бирдан бошига урган Отламиш фақир уй соҳибининг кўнглини кўтариш учун мақтаб. – Сизнинг улуғ ва қудратли инсон эканлигингизни бутун аҳли Турон ва Дашти Қипчоқ биладур.

Мақтов мойдек ёққан Тангрикул ҳид таратувчи антиқа ёғоч косаларни яна тўлдирди.

– Бу мўъжаз косангизни ҳидлабоқ одам маст бўлар экан, – деди



Отламиш уни қўлига олиб айлантириб кўраркан. — Дунё кезган одамнинг иши шуда. Ҳеч кимда йўқ нарсалар уникида бўлади.

— Бу ёғочдан тасбеҳ ясайдилар одатда. Юнонистон тарафда ўсади деб эшитганман, — ҳамма нарсадан хабардорлигини билдириб сўзларди мезбон. — Бу каби косаларда Усмонли султонлари май ичадилар. Насиб этган экан, мана сизу биз ҳам ичмоқдамиз, биродарим Отламишбек. Сиз Темурбек не десалар йўқ деманг. Унингдек буюк ва мард одам минг йилда бир дунёга келади, — иккинчи косани бўшатиб қангома берар эди амир Тангрикул. — Ҳаёт экансан, бу дунёнинг лаззатини тотиб, давр сурмоқ керак, оғайни. Эртага чорчўпга миниб, қаро ер қаърига сингиб кетамиз. Ўлганимиздан кейин каллапочамизни керакли жойларига тикиб қўйишин. Жаннатнинг бутун ҳуру малакларини уламоларимизга бағишладик, — қизиша бошлаган эди Тангрикул. — Менинг битта нуқсоним бор, биродарим. Балки бу касаллиқдур. Хотин-халажга ўчроқман. Ўнлаб миллат хонимлари билан бўлдим. Ҳар ҳафтада битта янгисини кўрмасам, уйкум келмайди. Гапнинг пўст калласини айтсам, шу пайтгача кўрганларимнинг ичида зўрлари эрон, юнон ва армани жориялари бўлди. Ҳинду ва уйғур нозанинлари ҳам бу-борада ҳадисини олган. Сени элаб ташлайди...

Оғзи очилиб қолган Отламиш унинг ҳикоясини мароқ билан тингларди. Тангрикулнинг никоҳли тўртта хотини бўлса ҳам, сал кўзга яқин аёл зотини кўрса ўзини томдан ташлар, орқасига тушган аёлни йўлдан урмагунча бошқа иш билан шуғулланмас эди. Гоҳида эса олис юртлардан беш-ўнта гўзал жорияларни сотиб олиб келиб, аввал ўзи бирга бўлар, сўнгра Ўрданинг барча улуғ амирларига тортиқ қиларди. Шу боис қаерга борса иши тез битар, саройга эркин кириб чиқар ва тили узун эди. Хонликнинг тижорий ишларини юритгани учун унга хос буюк элчи ва амир унвонлари берилган бўлиб, қаерга бормасин хон номидан ҳар қандай бек ёхуд султоннинг қопусини тепиб кирар эди.

— Мен сени бир Маскопга олиб бораман. Ана у ерда кўрасан танаси момикдек юмшоғу қордек оппоқ хонимчаларни. Мисоли пар ёстиқ дейсан. Ана бадану мана бел. Мама деб ширингина чулдирашини айтмайсанми?

Тангрикул устма-уст шароб қуяр, ўзи ҳам кумраган туядек майни сипқорарди. Отламиш мезбон билан баробар кўтараётган

бўлса-да, охиригача олмас, ярмига етказмай қўйиб қўяр эди. Хизматкорлар қўзи гўштидан қовурдоқ, сўнгра кесканош олиб келдилар.

– Тижоратдан сўйланг, Тангрикулбек? Ҳозир Ҳиндистон тарафда нима пул? – гапни бурди Отламиш.

Унинг суюқ ҳикоясидан кўнгли айний бошлаган эди. Унинг бу хил суҳбатларга тоқати йўқ эди.

– Ҳозирда энг даромадли иш от савдосидур, – суҳбатни қолган жойидан ҳеч нарса кўрмагандек давом этдирди Тангрикул. – Бугунга келиб Дашти Қипчоқ отларининг доврўғи дунёнинг тўрт тарафига кетган. Бу отларнинг ҳар бирини биз бозордан эллик дирҳамдан оламиз. Бир от учун етти кумуш динордан бож тўланади. Отнинг баҳоси эса Мўлтон бозорида юз кумуш динор. Йўлини қилиб мингта от олиб борган одам пулнинг остида қолиб кетади. Йил бошида биз беш-ўн киши биргалашиб уч мингтача от олиб бордик. Худога шукр, даромад ёмон бўлмади. Хотинхалажларимиз у томонларнинг дуру жавоҳирларига ўч. Бирни иккига уриб бола-чақа боқамиз-да, иним Отламиш. Чўнтагинда пулинг, остингда отинг бўлмаса бир чақалик инсонсан бу дунёда. Бориб кимгадир қароллик қилиб, бир парча экмак ва бир коса гўжа ош учун кечаю кундуз итдек ишлашга мажбурсан, – оғзини тўлдириб сўзлар эди Тангрикул тужжор.

– Савдогарлик зўр касб-да. Орқанг ер искамайди. Жаҳон кезиб мусофирлик ташвишини чекканинг сари шунчалик кўзи очиқ инсон ва мусулмон бўласан! Чин юракдан бир сизга йўлдош бўлайин. Биз ҳам дунё кўрайлик, Тангрикулбек. Сиз улўғ инсон-сиз! – маст амирга пахта қўйди Отламиш уни эритиш ва кеча кечаси Тўхтамиш билан бўлиб ўтган суҳбат мавзусидан оғиз очишини кутиб. – Ҳатто ман-ман деган хонлар ҳам сиздан маслаҳат сўрайдилар. Боиси, доносиз, узокни кўра биласиз.

Тангрикул ҳушёр бўлганида Отламишнинг бу сўзларидаги маънони фаҳмлаб етган бўларди. Сархушлиги боис ҳушёрлигини йўқотган, қўлтиғи орасидаги болишга бесўнақай ёнбошлаганча, чап кўзини қисиб, лабини чўчайтириб, суҳбатдошига гап бермас эди. Кўзини қисмаса қаршисидаги одам саккиз-ўнта бўлиб кўринаётган эди. Ора-сирада унга пишанг бериб турган Отламишга ҳам шу керак эди. Амирнинг косасидаги май охирлай бошлагач, у тавозе билан қуйиб қўяр, ўзини унинг доно сўзларини диққат билан тинглаётган қиёфага соларди.

– Бироқ тезроқ Ўрда худудидан чиқиб кетиш керак, – деди ниҳоят Тангрикул кутилган гап хусусида оғиз очаркан, ғулдираб. – Хоннинг авзойи чатоқ. Ўзига отасиям қилмаган яхшиликларини раво кўрган кишига қарши қилич кўтармоқчи. Эшитиб, тела сочим тик турди. Оғиз очиб, эътироз билдира олмадим. Энди у хеч кимнинг сўзига қулоқ солмайдурғон бўлиб қолган. Бир нима десанг, балога қоласан. Модомики, хон тубанлик сари кетаркан, унинг ён-веридагилар ҳам соғ қолмайди. Ботухон қиличининг дами билан тикланган бу буюк давлат Темур қиличининг тиғи ила битгувси кўринадир. Эсимни танибманки, хонлар атрофида бутун одам зотини кўрмадим. Боиси, онасидан хон бўлиб туғилган бу мутгаҳамларнинг орасида пичоққа илинадиган одамнинг ўзи йўқ аслида. Шундай бўлгач, улар атрофига ўзидан-да баттарларни тортадилар. Ё худоё тавба! Садағанг кетайин-а? Нечун бул гуноҳсиз авомларни бундай одамларга топшириб қўясан? Ахир буларнинг кимлигини ҳаммадан кўра ўзинг яхши биласан-ку?!

Тангрикул шу ерда гапдан тўхтаб, косадаги майни охиригача сипқорди. Ёғда қотиб қолган қовурдоқдан бир бўлак қовурғали гўштни олиб, кўзини юмганча чайнаб-чайнамай ютиб юборди. Сўнгра кумуш пиёладаги мева сувидан хўплади.

– Хон хазратлари яхши одам-ку-я, бироқ атрофидаги падаркуш Қарончибекга ўхшаганларнинг иши бўлса керак бу, – дея гап қўшиб қўйди Отламиш.

– Тўхтамиш аллақачон одам зотининг сўзига қулоқ солмай қўйган. Одам нари турсин, пайғамбар ва ҳатто худонинг ҳам айтганини қилмайдиганлар хилидан бўлиб чиқди у. Эрта кунда ўзи йўл қўйган хато ва қилган жиноятларини тўнкаб, бўйнига илиб жазоламоқ учун Қарончига ўхшаганларни ушлаб турибди. Подшоҳлар ақлли, бутун одамларни ўз атрофида шунинг учун сақламайдиларки, биринчидан халқ ҳар қандай яхши ишни шу одамнинг номи билан боғлайди. Бунинг устига ақлли одамни лозим бўлиб қолганида кетказиш қийинроқ кечади. Ўртамиёна ёким ундан пастроқ даражадаги етовга ўрганган итни эса истаган пайтда юмшоқ жойига тегишинг ёки ҳайдаб юборишинг мумкин. У шунда ҳам боши кетмаганига шуқр қилиб, орқангни ўпиб хайрлашади. Бизнинг хон атрофига саккизта хотинбоз билан ўн иккита майхўрни тўплаб олиб, салтанат сурмоқдалар. Хотинбоз билан майхўрлар шу икки тирикчилигини давом эттирмоғи учун

ҳар қандай тубанлик ва пасткашликка тайёр турадилар. Бундай кишиларда астойдил бирон-бир касб билан шуғулланиб, ҳаёт кечириш кўникмаси йўқолган бўлади. Улар учун кун кўрмоқнинг бирдан-бир йўли қул бўлиб, қуллик қилиб, бир мансабнинг бошини тутиб яшамокдир.

Тангрикул тужжор қанчалик сархуш бўлмасин, фикридан чалғимас, қошларини чимирганча ўнг қўлини пахса қилиб, суҳбатдошига сўз қотарди. Дардини айтадиган ақли-хуши бутун одам топганидан хурсанд эди.

– Кўчманчи саҳройи халқнинг табиати ҳам ҳаёт тарзи каби ўзгарувчан ва беқарор бўларкан. Мансаби улуғ ва бой одамга қизини, ҳатто қўшиб хотинини ҳам бериб юбораркан, ишонинг. Муқим манзилсиз кўчиб юрган, фақат қорни қайғусида яшовчи қавмларда олий ахлоқий эътиқодларни ўйлаш учун фурсат ҳам, савод ҳам, заковат ҳам етишмаскан шекилли.

Ўрда амирларига эргашиб, Сарой Ботуга келиб қолган Тангрикул бу гапларни бежизга айтмаётган эди. У сўйлаётган бу ҳолатларни ўз кўзи билан кўрган, бошидан кечирган эди. Бир амаллаб, хон ва унинг яқинлари дилини ранжитмай, руҳсат сўраб, она юрти Туркистонга қайтмоқни ният қилган ва бир сиқим тупроғим ота маконда қолсин деган сўнг қарорга келиб бўлган эди.

Унинг асл ватани Туркистон тизма тоғлари этагидаги Қорақишлоқ манзили эди. Қишлоқнинг кун чиқиш тарафидан Тошлоқ дарёси оқиб ўтарди. Самонийлар даврида дарёни Сангзор дея атай бошладилар. Туркий қавмлар эски номда айтадилар. Форсий тилли қавмлар эса Сангзор атамасини қўллайди. Бу воҳадан қайси бир жаҳонгир ёки машхур подшоҳ ва лашкарбоши ўтмаган бўлсин, Қорақишлоқ манзилига тўхтаган, ярдору майиб-мажруҳ жангчилар шу ерда қолиб кетиб, водийга тарқалган. Шу боис бу ерларнинг қишлоқларида турли эл ва уруғларнинг вакиллари яшайдилар. Бу қавмлар орасида доимо ўзаро рақобат, гоҳида эса очиғу пинҳона душманлик муносабатлари мавжуд. Одамлар ҳали-бери жоҳилиятдан халос бўла олмасалар керак. Инсониятнинг фикрламоқ қуввати ҳали ожиз. Бу хил ҳаётдан безган Тангрикул савдо ила машғул бўлиб дунё кезди, юрт кўрди. Ватанига одамлар кўрмаган ва эшитмаган ашёларини олиб келди. Уларни ҳайратга тушганларини кўрганида

завқланди. Бироқ олис юртларда энди ортиқ туролмайди. Туғилган ерини, болалигидан хотирасига ўрнашиб қолган манзараларини соғинади. Тошлоқ бўйидаги яйловларда оёқяланг юрмаса хумори ёзилмайди.

Гапдан тўхтаган Тангрикул-елкасини-меҳмонхона-деворига тираганча, мусаллас хўплаб, Отламишнинг маъноли кўзларига тикилди.

– Хон ҳазратлари ёнларидаги сиз айтган амирлари билан бирга айши-ишрат қиладиларми ёким бир ўзларими? – сўради Отламиш суҳбатни давом эттирмоқ ниятида.

– Хон улар билан бирга чоғир ичмоқни ўзига эп кўрармиди? Қуда-андалари билан аҳён-аҳёнда еб-ичиб, суҳбатлашади. Маслаҳат сўраган бўлади. Аксарият вақтини ҳарамдаги хонимлари билан ўтказади. Бизнинг улуснинг фожиаси ҳам шундада. Ватанни хотунга алмаштириб яшайди. Аёл зотининг аврати пастга қараган. Ортидан кувганни ҳам охир-оқибатда юзини ерга қаратади. Бизнинг салтанатларимиз доимо ана шундан тўзган ва бундан сўнгра ҳам шундан тўзажак. Худога шукрким, Жўчи хонига хизмат қилсак-да ҳали айримлар каби жўчилашмадик. Ваҳоланки, хонни ҳам ҳар замон ўз динимиз ва улусимиз сари даъват этдик. Бу қавмларнинг Чинга-ўтгани чинлашди, Турон юртига ўтгани турклашди, Эрондагиси ҳазора номини олиб форсийлашди.

Суҳбатнинг бундай тус олишини кутмаган Отламиш амирнинг сўзларидан ҳайратда эди. Гапнинг очиғи, у Тангрикулдан бу каби фикрларни кутмаган, Тўхтамишга итдек садоқатли бир одам дея ўйларди. Демак, ўруслардаги «водка рождает правду», яъни ички ҳақиқатни ошкор этади деган нақл рост экан-да, дея ўйлай бошлади. Темурбекка Тангрикул каби одамлар керак дея фикр қилди ўзича.

Отламишнинг лақаби Фақир бўлганлиги учун ҳеч ким унинг отаси исми ила атамас эди. Унинг отаси эски турк бекларидан бўлиб, Тангрикулга яқин манзил Ўсмак қасабасидан эди. Сўнгра тақдир тақозоси ила Хўжандга кўчишганди.

...Ҳинд сори юзланган карвон Ҳазар денгизи ёқалаб, Хоразм томон борарди. Инсон зоти чўлу биёбон, дашту саҳрода яшаса ёки саёҳат этса оч қолиши мумкин. Бироқ тоғ, дарё ёки денгиз яқин бўлса бир амаллаб кун кечира олади. Бунини яхши билган, тоғ этагида туғилган Тангрикул доимо сафарда мўлжални тўғри

олар, камдан-кам адашарди. Тоғ ёким соҳил бўйлаб юрсанг чарчамайсан, хордиқ чиқармоқ ҳам кулай. Ҳаёт шундай. Одам боласи умрининг ҳар бир дақиқасидан унумли истифода этмоғи, ҳаётдан завқ туйиб яшамоғи лозим деган ақида миясига қаттиқ ўрнашиб қолган эди.

— Яна икки чақиримдан сўнгра Мачитли, кейин Бўрибосар манзили келади. Шу ерда тунаймиз, — деди бўғиқ овозда Тангрикул хўкиз терисидан тикилган тоштовон чоригининг орқаси билан отини ниқтаб қўяркан. — Мен қачон йўлга чиқмайин, аввало, қаерда ва қандай истироҳат этилмоқнинг ҳисобини қилиб қўяман. Шунда сафар мароқли кечади. Манзилга қандай етиб борганингни сезмайсан. Қуйруқ ёғига кўзи этидан чўпчитма қилиб еймиз. Карвонсарой соҳиби Қурбон Кенагас билан тутинган ака-укамиз. Хизматнинг ҳам каштасини келтиради.

Отламиш Юртбек сафар давомида Тангрикулни кашф этди. Уни салтанатга хизмат эттирмоқ керак. Ақлли амир ақлли шох хизматида бўлмоғи лозим. Акс ҳолда бундай одамлар ўз истеводод ва қобилиятларини фойдали ишга сарф этолмай, бир умр виждон азобида қийналиб яшайдилар. Иродаси сустроклари эса нашаванд бўлиб кетади.

Қарвон шомга яқин қатта-қатта кесилган тошлардан тикланган Бўрибосар карвонсаройига етиб келди. Атрофида жойлашган паҳса деворли пасткам уйлар карвонсаройга туташиб кетганди. Барча хонадонлар мусофирлар билан тўла, одамлар қўлларида турли хил егулик ва ичгуликларни ташиганча бино ичкарасининг сўл тарафидаги ошхона томон қатнашар, барча бирдек кечки емак ҳозирлашга киришган эди.

Жўчининг таниқли амири келганидан хабар топган карвонсарой хўжайини Қурбон Кенагас физиллаб етиб келди. У Тангрикулбекнинг эски муштарийси бўлиб, Мисру Ҳиндистоннинг турли молларини буюрар, лозим бўлганида олди-берди қилиб туришарди. Бой бойга томар, сув сойга оқар, мошовага жаз ҳам йўқ дегандек, бу икки зангин одам ўртасида қаттагина сармоя ўйнар эди.

Қодир Кенагас икки ҳурматли меҳмон билан қучоқлашиб кўришди. Тангрикулбекка тавозе билан хос хонаси бўшлигини таъкидлаб, мулозамат кўрсатди.

Калласи гавдасига номутаносиб равишда катта кўринадиган, занжи каби қоп-қора юзли, қулоқидан чиқиб турган сочлари тикрайган, узун жағи киши диққатини тортадиган Қурбон Кенаснинг юзи каттароқ ликопчани эслатарди. Ёғ ичида ёлчимади деган гап унга жуда мос келар, кунни майшат билан кечса-да, қаровсиз чўбир-отдек тирриқ эди. Ҳар ҳолда наша-паша чекса керак хаёлидан кечди Отламишнинг.

– Бу киши Мовароуннахрнинг катта тужжорларидан Отламишбек бўладилар, – шеригини мезбонга танишгирди Тангрикул. – Яхшилаб танишиб олинг. Керакли одамлардан. Бул дўстимизга ҳам бир хос хужра ҳозирлатинг. Жорияларимиз ҳам бор, – кўшиб кўйди кўзини қисиб.

– Бош устига, хуш келибдилар, азиз меҳмон! – дея Отламишга илтифот қилди мезбон. – Кўнгиллари нени тусаса буюрсинлар, муҳтарам амир жаноблари, – деди амирга юзланиб.

– Битта ўртача семизликдаги тўқлини сўйдириб, ўнг сон ва ўнг қўлини қуйруқ ёғида чўпчитма қилдиринг. Тўши ва қовурғасидан қайнатма шўрва. Сўл оёқ ва қўлини чўпчитманинг ёғига қовуриб, бостириб қўйинг, эрталаб корини қиламиз, – аниқ-тиниқ кўрсатмалар берарди амир. – Хуржунимиздаги патирларнинг ҳали суви қочгани йўқ. Ора-сира ташриф буюриб турсалар бошимиз осмонга етади. Нақ Бағдоднинг ўзидан келтирилган ар-роқ бор. Тагиб кўрасиз! – кўшиб кўйди ўз хужраси томон юрар экан.

Эркакларнинг орқасидан бошига паранжи ташлаган икки жувон – Тангрикулнинг жорияси Ойбадан ва Отламишнинг жорияси Гуласал сассиз келишарди. Меҳмонлар ёнма-ён хужрага ерлашдилар. Ювиниб, таҳорат олгач, карвонсарой масжидида шом намозини ўқимоққа келишиб, хоналарига кириб кетдилар.

Оқшом усти аёллар Отламишнинг хужрасида, эркаклар эса амир Тангрикулнинг хонасида емакка ўтирдилар. Тангрикул Отламишга оғзи маҳкам беркитилган мис кўзани кўрсатиб, ар-роқдан қуйинг деган ишорани қилди. Улар мис пиёлаларда майдалаб, бодомдан газак қилиб ича бошладилар. Икки пиёладан олишганида карвонсарой соҳибининг олдига тушган занжи хизматкор янги сўйилган тўқлининг юрак, буйрак ва жигари қовурилган товокни кўтариб кирди.

– Бормисиз, бе-ек! – яйраб кетди амир Тангрикул. – Шоҳона емакларингизни соғинганмиз. Келинг-е, бир отамлашайлик!

Карвонсарой ташвишларини ёрдамчиларингизга топшириб, биз билан бирпас ўтиринг! Сизнинг орқангиз ҳам бир ер искасин, – мезбонни астойдил суфрага даъват этди амир.

Таклиф ёғдек ёқиб тушган мезбон ўзини қалин кўрпачага таппа ташлади. Кўзини юмганча пешонасини тириштириб, лиммолим пиёлани сипқорди.

– Бу азамат дўстимизни Қурбонбек Кенагас дейдилар, – дея уни Отламишга таништириб, тавсиф эта кетди амир Тангрикул. – Ўзимизнинг эски кенагас уруғларимиздан. Мана шу Бўрибосар карвонсаройи атрофидаги яйловлар ва сурув-сурув кўйлар, уюруюр йилқилари билан биродаримизга тегишли. Доимо бизни жунни олинмаган улоқ ёким ширвоз кўзи гўшти ила меҳмон қиладилар. Бугун бир оз хасисликлари келиб тўқли сўйдилар шекилли, – ҳазиллашди амир Тангрикул.

– Э-э, муҳтарам, амирим! Ўзларининг сўзлари бизга ясо бирлан юсундур! Тўқли дедилар, тўқли сўйдирдим. Бўталоқ десангиз бўталоқ сўйдираман, амирим! – оғзини тўлдириб емак ер ва сўзларди мезбон. – Биз сиздан ўла-ўлгунча қутула олмаймиз. Сизнинг бизга ҳадя этган икки оёқли барраларингиз учун пойи қадамингизга сурув сўйсак-да озлик қилади, – очилиб ҳангома берарди карвонсарой соҳиби.

– Ў-ў, биродар. Бу каби давлат сирларини очманг. Сўнгра мана бу оғайнингиз ҳам менга ёпишиб оладилар, – ҳазилни давом эттирди амир Тангрикул.

– Сизнинг дўстингиз, бизнинг дўстимиз. Бул азиз биродаримизга керак бўлса жонимизни ҳам берамиз! Биз ўзимизни аввало Темурбек ҳазратларининг раияти деб биламиз. Ул зоти олийларига эътиқоду садоқатимиз чексиздур. Темурбек Турон ўлкаси бошига келгач, юртда омонлик ҳукм сура бошлади. Юртбузарлик ва йўлтўсарликларга чек қўйилди. Ул кишимнинг яна бир улуғ хизматлари шундаким, Жўчи бошига Тўхтамиш ўғлон каби бир улуғ ва доно зотни хон қилиб кўтардиларким, мана, ўн йилдирки, бу юрт ҳам урушу савашлардан холи. Қуни кеча улуғ Амирнинг тўрт нафар бекларини мусофир қилиб, йўлчи этдик...

Қодир Кенагаснинг сўнгги сўзи Отламишни сергак торттирди. Беклар қай тарафдан қайси томонга қараб кетган эканлар дея ўйлай бошлади хаёли кочиб.

Амир Тангрикул кўзларини ярим қисганча, мезбонни тинглаб, ҳўплаб ички ичарди.



– Улуғ Амирнинг беклари кимлар эди? Бир кун илгари келсак суҳбатлашар эканмиз-да, – деди Отламиш мезбоннинг гапхалтасини кавлаб.

– Янглишмасам Усмон Қўнғирот билан Абдулло Манғит. Ҳ-м, яна Темурхожа Мўғул билан Али Дарвеш Тўғойлар эди. Улуғ амир ҳазратларининг кўрсатмалари ила Озарбайжон орқали Хоразм, ундан сўнг Самарқандга боришлари лозим эркан, – жавоб қилди Қодир Кенағас. – Азиз меҳмонларнинг кўнглини олиб жўнатдик.

– Оллоҳ сиздан рози бўлсин! Улуғ Амир ҳазратлариға садоқат ила хизмат қилғон инсон кам бўлмағай.

– Қичаброқ юрсангиз ул мухтарам бекларга етиб олурсиз. Завжай мухтарамалари ҳам ёнларида эрди. Шу боис секинроқ юрсалар керак.

– Кўришсак ёмон бўлмасди, – деди ўйга толиб Отламиш.

– Сиз ҳам одам боласига ўхшаб ҳеч бўлмаганда кечаси дам олсангиз-чи, Отламишбек? Бу дунёнинг ташвиши бир сизнинг елкангиздан қолмагандур? – суҳбатга аралашди Тангрикул.

– Ҳангома ўтиришнинг каштаси-да, мухтарам амирим. Бошқани ҳам кўнишайлик, – жавоб қилди Отламиш.

Отламиш фақир Тангрикулнинг писандасини сезмай қолмади. Ҳар иккиси ҳам зиёрату тижорат дея йўлга чиққанларини яхши англашар, Тангрикул кўли узун йўлдоши баҳонасида Темур саройига йўл очилишидан умидвор эди.

– Усмон Қўнғиротбек кўп илмли, тарихни яхши билган бир зот эрканлар. Аломат гурунглар бердилар. Шундай ёқасида яшаганимиз Кулзум денгизининг тарихини ҳам билмас эканмиз. Сўзлаб бердилар, – ҳамон мароқ билан ҳикоя қиларди мезбон.

– Биз ҳам эшитайлик, қани? – пиёласини дастурхонга қўйиб, у томон юзланди амир Тангрикул. – Ақча санашдан бошқага ярамайдиган бу қафаларимиз очилиб, ақлимизни бир пешлайлик.

Амир Тангрикулнинг билса ҳазил, билмаса чин қабилидаги писандасини тўғри тушунган Қодир Кенағас қошларини керганча денгиз тарихи ҳақида ҳикоя қила кетди:

– Эски турклар Кулзум дея атаган эканлар. Биз Астрахон денгизи ҳам деб атаймиз. Ҳарқон қавмларига нисбат берилиб, замонида Ҳарқон денгизи, ҳолис турклари унинг бўйида яшагани.

учун Холис денгизи, Қазвин шаҳрига нисбат берилиб Қазбин деб ҳам аташган экан. Эндиликда Қазбин сўзини турли шева-ларда турлича талаффуз этадилар...

– Ўтгандан ўнга, қайтгандан қирқта гап эшитиб, ўзингиз ҳам олим бўлиб қолибсиз, Қодирбек, – унинг сўзини бўлди Тангрикул. – Буюринг, чўпчитмани келтиришсин! Бу ар-роқ дегани гўшт билан қирқ йил бадар кетган қардошдек йиғлашиб кўришади.

Тангрикул Отламиш ила ёлғиз қолиб суҳбатлашмоқчи эди. Айтадиган гаплари бор эди. Тўхтамишнинг шаъми ўчмасдан туриб, Темурнинг этагини тутгани маъқул. Темур энди Тўхтамишни кечирмайди. Шунга қараб тирикчилигингни қилавер, Тангрикул тужжор, деди ўзига ўзи ичида. Бой-бадавлат одамнинг орқасида кучли бир хон ёки амирлашкар турмаса унга кун бермайдилар. Боиси, ҳар сиёсатнинг бир иқтисоди, ҳар иқтисоднинг эса бир сиёсати бўлади.

Улар қайнатма шўрвани ичиб, ётмоқ учун ҳозирлик кўришаётганда, анчагина ичганига қарамай, ҳамон ҳушёр нигоҳла суҳбатдошига боқаётган Тангрикул паст ва жиддий оҳангда дардини ёрди:

– Бу хонада иккимиз бормиз, дўстим Отламишбек. Сизнинг Сарой Ботуда тужжорларга раҳнамоликдан бошқа иш ила машғуллингизни биламан. Буни хон ҳам билади. Бироқ оғиз очиб, бир нима дея олмайди. Сиз буюк Амрдан бўлак бир ҳукмдорнинг одами бўлганингизда эди бошқача гаплашарди. Бу сўзларни бошимни ўртага қўйиб, сўйламоқдаман. Тепада худо бор! Барчасини кўриб-билиб турибди. Хон яқин кунларда Хоразму Сиғноқ нари турсин, Самарқанду Бухорони босмоқчи. Бу сўзларни унинг оғзидан эшитиб, тахта бўлиб қолдим. У айтганидан қайтмайдиган одам. Янглишмасам амир ҳазратлари Хуросон тарафда эмишлар. Зудлик билан хабар еткурмоқ керак, дўстим. Замон ўтса кеч бўлиши мумкин. Шу сўзни эшитганимдан буён ичимни ит тирнайди. Икки буюк подшоҳнинг тўқнашуви ҳеч қачон яхшилиқка олиб келмаган. Бир тарафнинг халқи доимо тарих саҳнасидан тушиб, тум-тарақай бўлиб, бошқа элатларга кўшилиб, ўзлигини йўқотган. Ҳатто улус ўлароқ барҳам топган. Оддий бир мўмин-мусулмон сифатида виждонимга қарши боролмай, сизга бу сўзларни сўйламоқдамен. Мен ўзимни хонга хиёнат қилган киши деб билмайман. Боиси, у ўз қавмидан бўлак инсон-

ларга ишонмайди ва одам ўрнида ҳам кўрмайди. Бизга ўхшаган улуслар вакиллари билан ўлганининг кунидан салом-алик қилади. Хукмдор қоронғу кечани шам ёқиб ёритмоқ ўрнига қора тунда улусга мушт ўқталдими, билингки, у паймонаси тўлган золимдур.

Амир Тангрикул гапдан тўхтаб, шарбат хўплади. Терлаган пешонасини рўмолчаси билан артиб, сўзини тинглаётган Отламишнинг кўзларига тик боқди. Унинг юзида ризолик ва хотиржамлик аломатини кўргач, гапи беҳуда кетмаётганлигидан қониқиш туйди. Остларидаги қип-қизил эроний гиламнинг оқиш гулларига тикилганча сўнгги, анчадан бери ўйлаб юрган гапини айтди:

– Имконини топиб улуғ Амир ила сўзлашсангиз. Лозим кўрсалар молу жоним билан хизматларида бўлсам. Бир кун бўлса-да, мард, асл бир инсонга хизмат қилиб ўлсанг арзийди, биродар! Худога шукур, менинг ҳеч кимдан кам ерим йўқ. Бир ўқиган, дунё кўрган одам қадар ақлим бошимда. Фақат умр беҳуда ўтмоқда. Одамларга, улусга кўпроқ нафим тегса дейман. Бироқ қўл қисқа. Хон ва унинг атрофидагилар бизларни давлат ишига йўлатмайдилар. Бор амалу мансаб эса унинг қариндош-уруғларидан ортмайди. Қаери қийшиқ бўлса-да, улар гапириши керак. Сизга юрак ютиб, ичимни ёрганам учун узр тилайман, Отламишбек, – дея сўзини тугатди амир Тангрикул.

– Гапнинг индаллосини сўйласак, биз бир-биримизни англадик, амир жаноблари, – деди Отламиш оёғини узатиб ёнбошлар экан. – Бу очиқ ва тўғри сўзларингиздан сўнг менинг сизга юзда-юз ишонмасликдан бўлак чорам йўқ. Бундай вазиятда мен зудлик ила ҳазрат ҳузурларига жўнамоғим керак бўлади. Бироқ улуғ Амир жаноблари сизни истаб қолишлари мумкин. Воқеа бу тахлит ривожланса, Мўлтон сафарини қолдиришга тўғри келади, – деди ўйга толган амир Тангрикулнинг кўзига тикилиб.

– Одамларимни жўнатиб, ўзим она қишлоғимда қолишим мумкин, – деди Тангрикул ҳамсухбатининг фикридан мамнунлик туйиб. – Шу баҳонада юртим дийдорига тўяр эдим, – кўшиб кўйди.

– Бўлмаса сиз истироҳат этинг, Тангрикулбек. Мен карвонсаройни бир айланиб чиқайин. Битта-яримта одамларимизни учратсам керак. Улуғ Амир ҳазратларининг қаердаликларини ва қай томон юражакларини аниқлаш лозим.

Отламиш шундай дея ўрнидан туриб хужра эшиги томон

йўналди. Бир муҳим гап эсига тушгандек, остонада таққа тўхтаб қолдида, ечиниб ётмоқ учун ҳозирлик кўраётган амир томон ўгирилди.

– Муҳтарам Тангрикулбек, биз ҳақ иш учун курашда бир-биримизни топдик. Иккимиз қўнишган гапни учинчи киши билиши мумкин эмаслиги, бунинг орқасида бошимиз турганлигини, сиз – азиз дўстимга, сўйламоққа хожат йўқ деб ўйлайман! – деди босиқ оҳангда дона-дона қилиб.

Амир Тангрикул гап-сўзсиз кўзини юмиб, бошини ирғаган ҳолда маъкул ишорасини қилди.

Отламиш эшикни оҳиста ёпиб чиқиб кетди. У хужрадан ўн қадамча узоқлашганида яна амирнинг эшиги ғийқиллаб очилди ва жорияси Ойбадан кириб кетди. Отламиш эса Гуласални унутган, амир билан ораларида бўлиб ўтган гапни улуғ Амирга тезроқ етказиш ҳақида ўйлар эди.

Отламиш фақир карвонсарой ҳовлисининг ўртасига ҳам етгани йўқ эди. Хужралардан бирининг эшиги ғийқиллаб очилиб, ёш ва чаққон бир йигит ёнига етиб келди...



## ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

*...Эсимда, эллик-олтмишинчи йилларда, — Ленинграддаги Эрмитаж залларидан бирида Амир Темурнинг бронзадан шиланган бюсти сақланар эди. Бюст тагида «Бугундан бошлаб Ўрусия халқи Олтин Ўрда хони Тўхтамшихонга менинг амрим билан бож ва солиқ тўлашдан озод этилади» деб ёзилган эди.*

Академик Е.И. Губин

Ироқ фатҳини ниҳоясига етказган кўшиннинг руҳи тетик, барча бирдек ота юртга қайтиш тараддудида эди. Ясовул улуғ Амир ҳузурига кириб, Абаркўҳ ҳокимидан элчи келганлигини билдирди.

— Биз йўлга чиқамиз, тезроқ чорланг, — деди Темур қаршисида ўтирган Боботурк ва Алп Туркашбекка бир-бир қараб кўяркан. — Нечун ўзи келмай элчисини юборибди бул биродаримиз? — дея кўшиб кўйди овозининг оҳангидан жаҳли чиққанлиги сезилиб.

— Биздаги маълумотларга қараганда Абаркўҳ ҳокими Паҳлавон Муҳаззаб Хуросонийдан хавотир олмасак ҳам бўлади. У анчадан бери эл орасида бизга, биз олиб бораётган сиёсатга ижобий муносабатини билдириб юрибди. Менимча, у шаҳарни ташлаб чиқмоқ имконини топа олмаган, — дея улуғ Амирни хотиржам этди Алп Туркаш.

Бу орада саропарда эшигида элчи ҳозир бўлди.

— Етти иқлим ҳоқони, Соҳибқирони аъзам Темурбеку муаззамга салом ва ҳурматлар ила Абаркўҳ ҳокими Паҳлавон Муҳаззаб Хуросоний ўз садоқат ила қуллигини изҳор этади! — дея элчи ўрмалаб келиб, Темурнинг пешини ўпди.

— Паҳлавонбекка бизнинг-да ҳурмат ва эҳтиромларимизни еткур, муҳтарам элчибей. Қулоғим сенда. Сўйла сўйлаяжгингни? — жавоб қилди Темур.

– Ҳоким жаноблари вазият мушкуллиги туфайли пойтахтни ташлаб кета олмасликлари учун узр тиладилар. Шаҳар ичи ва атрофидаги айрим бузгунчилар вазиятни чигаллаштиришлари мумкинлигини қайд этган ҳолда, ҳазрати олийлари тарафидан шаҳарга бир доруға тайинланишини сўрадилар. Боиси, Абарқўҳда ҳокимиятни қолдириб кетадиган бирон ишонарли кимсани кўрмайдурмен дедилар. Шул боис, ҳузурингизга мен бандаи ожизни юбордилар!

– Ҳокиминг яхши ўйлабди. Бориб сўйлагин, мен ундан мамнун бўлдим. Ақлли тадбир таклиф этмиш у. Сен бугуноқ Абарқўҳ доруғаси этиб тайинланадиган Тўкал Бовурчи билан бирга қайтасан! Ҳоким жаноблари зудлик ила етиб келсинлар! Биз бу ерда узоқ қолмаймиз. Англадингми?

– Англадим, ҳазрати олийлари! Хизматлари бош ўстига!– жавоб қилди боши ерга етгудек таъзим қилиб элчи.

– Туркашбек, элчи биродаримизга совға-саломлар бериб, едириб-ичиришсинлар. Оллоҳ йўлингизни берсин! Сизга оқ йўл, авлодим, – деди Темур элчига ўнг кўлини кўтариб.

Улар чиқиши билан чодирга Тўкал Бовурчи кирди.

Лашкар Абарқўҳ яқинидаги Бандиамир қалъаси атрофида турар, қоровул чериклар эса Жайхун йўлига тушган эди. Улуғ Амир ҳам бу ерда бир неча кун дам олди. Хуросон ва форс юртини бошқарув хусусида машварат ўтказди.

Абарқўҳ ҳокими совға-саломлар билан етиб келди.

– Билгимга кўра кўп тадбирли ва пишиқ ишбошига ўхшайсиз, азиз биродарим, – деди Темур ҳокимини ёнига ўтказиб, унинг шарафига зиёфат бераркан. Сўнгра бош муншийга қараб ёзинг ишорасини қилди. – Менким, Турон ва Эрон султони Амир Темур, Абарқўҳ мамлакатини тасарруф этмоқни Паҳлавон Муҳаззаб Хуросонийга берурман, токи бул кишим юртни адолату диёнат ила бошқарсунлар! Турли дин ва улусларнинг кишиларига бир кўз ва сўз ила ёндашсинлар! Золимларни тизгинлаб, мазлумлар ҳақини кўрисинлар!

Паҳлавон Муҳаззаб ўрнидан туриб, улуғ Амирнинг пешини ўпди.

– Биз сизнинг муборак Темур исмингиз само пештоқида янграган замондаёқ ўз эҳтирому садоқатимизни билдирганмиз ва

ўла-ўлгунча шу эътиқодда қолурмиз! – деди ҳаяжонли оҳангда Муҳаззаб Хуросоний. – Бизни ўзингизнинг бу юртлардаги садоқатли итингиз деб билгайсиз!

– Йўқ, авлодим! Менга қул эмас, дўст керак! Сиз бизнинг яхши-ёмон кунларда ёнимизда турадурғон вафоли қардошимиз, дўстимизсиз! Бизнинг ушбу тўйғумизни элингизга еткуринг! Мамлакатингиз худудида тўрт нафар номи чиққан йўлтўсар ва каллакесар бор экан. Қўл остингиздаги лашкар етмаса доруға Тўкал Бовурчи билан маслаҳатлашиб, бизнинг урдудан бирикки черик олинг-да, у нобакорларнинг жойини солинг! Улар бу худудларда эмин-эркин от чоптириб юрар экан, сиз юртда номига ҳоким бўлиб қолаверасиз. Асосий ҳукмдорлик эса махфияларнинг қўлида бўлади. Агар бу вазифани удалай олмасангиз, айтинг! Чорасини ўзимиз кўрамиз! – деди Темур жиддий оҳангда.

– Сизнинг моддий ва маънавий дастагингиз туфайли бу муаммоларни ҳал этажакмиз, ҳазрати олийлари! Бизга бир ой фурсат беринг! Қаерда бўлсангиз, ўзим шахсан бориб, ҳисоб бераман! – дея жавоб қилди Хуросоний улуғ Амирнинг танбеҳидан терга тушиб.

Темур хос котибга ишора қилиб, ҳокимнинг сўзи ва ваъдасини ёзиб, қайд этиб қўймоқни ишорат этди. Котиблар бу каби барча маълумотларни ёзиб-боришар ва ижро муддати келганда улуғ Амирнинг ёдига солар эдилар.

– Сиздан яна бир рижойимиз бор, муҳтарам Паҳлавонбек! – дея сўзини мухтасар қилди Темур чодирдан чиқар экан теварак-атрофга разм солиб. – Бу худудларда хоҳ аёл бўлсун, хоҳ эркак бўлсун, инсон ила тижорат этмоқ – қул олмоққа чек қўйилмоғи шарт. Менимча, ҳар бир мусулмон учун, нафақат мусулмон, инсон зурриёди учун одам олиб, одам сотмоқдан буюк гуноҳ бўлмаса керак. Эшитишимча, усмонли султонларнинг эътиборсизлиги туфайли мусулмонларни одам ўрнида кўрмасдан, ҳаддидан ошган ғайридин арман ва гуржи қабилалари бул каби одамжаллоблик бобида барчадин ўтиб тушармишлар. Бу каби тоифаларни юртингизга йўлатманг, агарда сўзингизга қулоқ солмасалар, муносиб шаклда жазосини беринг!

– Фармони олийлари бекаму кўст бажарилғай, улуғ хоқон ҳазратлари! – дея ўнг қўлини гурсиллатиб кўкрагига урди Хуросоний.

– Сизга рухсат! Оллоҳ ёрингиз бўлсин! Сиз тарафдан фақат яхши хабарлар кутамиз ва яқин кунларда кўришамиз!

Шундай деб, Темур унинг ўнг елкасига ўнг кўлини қўйди.

– Оллоҳ биз билан! – деди-да қўл ишорати билан Абаркўҳ ҳокимини йўлчи этди.

Худди шу дақиқада узоқдан жон-жаҳди ила чопиб келаётган отликнинг қораси кўринди. Барча бирдек кун ботиш томонга қаради. Ўн чақирим, чамаси, теварак-атрофга ёйилган қўшин ичидан от чоптириб келаётган бу одам улуғ Амирга жуда яқин кишилардан бири бўлиши мумкин эди. Бўлмаса, у улуғ Амир қароргоҳига отда бу қадар яқин келолмас эди. Зарур гапи борга ўхшайди. Темур бош махфийга қаршиланг-чи, дегандек қаради.

Хос мулозим чодир қаршисидаги кўм-кўк ялангликка улуғ Амирнинг курсисини олиб чиқди.

– Отламишга ўхшайди – деди ёнида қўл ковуштириб турган амир Боботуркга. – Ўрданинг ақли бошида эмас, кўзидаги ҳукмдори тинч ўтирмайдиган кўринадур.

Отдан тушиб, чанг қоплаган юзини ювган Отламиш улуғ Амир истиқболига қараб юрди. Темур эски дўсти ва садоқатли одами ҳурмати учун ўрнидан турди. Отламиш тиз чўкиб, улуғ Амир пешини кўзига сурди. Темур уни илиқ қаршилаганча, мулозим келтирган ўтирғичга таклиф этди. Боботурк суҳбатга халақит бермаслик учун улардан узоқлашди.

– Хуллас, ўғлонимиз тинчийдиганга ўхшамайдими? – дея гап бошлади Темур.

– Шундай, хазрати олийлари. У жуда яқин кунларда Турон юртига от қўймоқчи экан. Тўппа-тўғри Бухоро ва Самарқанд устига юрмоқ ниятда эмиш.

– Ундан буни кутса бўлади, – деди Темур кун чиқиш тарафдаги қорли тоғларга маънос термулар экан. – Ёким биздан бирон-бир хатолиғ ўтиб, уни хафа қилдикми, Отламиш? Юз-хотиримни қилмай очигини айтавер. Агар мен унинг кўнглини оғритган бўлсам, катта бошимни кичик қилиб узр тилайман. Мен уни фарзандим каби кўрар эдим...

Темурнинг бу самимий, оталарча меҳрибон овозида шу пайтгача қилган меҳнати зое кетган одамнинг ўкинчи, афсус-надомат оҳанги бор эди.



– Жуда яқин одамларнинг, дўстларнинг душманга айланиши хунук оқибатларга олиб келади, авлодим! Бу хабар ким орқали ва қай шаклда сенга етди? – дея сўради одатдагидек Темур ҳар бир ҳолатни икир-чикиригача суриштирар экан паст ва босиқ овозда.

– Биринчидан, саройдаги-сақкизта-оқпадарнинг ўзларини тутишидан амин бўлдим, улуғ Амир ҳазрати олийлари. Улар гўёки ўзларини Дашти Қипчоқ ва Турон юрти ҳукмдори каби ҳис эта бошладилар. Ўрданинг турли тарафларидан кўшин Сигноқ томон оқиб келаётир. Қорақишлоқлик амир Тангрикулни эсласангиз керак. У шахсан хоннинг оғзидан бу гапни эшитиб чиқди. Бўлган воқеани менга айтиб, оқизмай-томизмай сизга етказишимни сўради. Лозим бўлса ўзини чақиртиришингиз ҳам мумкин.

– Амир Тангрикулни эсладим. Кўп ақлли ва дунё кўрган одам, – Тангрикулни хотирлади Темур. – Менга айт-чи, Отламишбек, нечун, ўғлимиз бизга бу қадар эрта тиш кайради? Ҳечам ақлим етмайди?

– Менимча, ҳазрат, каттадан кичик, шоҳу гадо кўча-кўйда Тўхтамиш ўғлонни сиз одам қилганингизни айтишади. Бу гап бир эмас, бир неча бор унинг қулоғига етиб борган. У шу гапни ҳазм қила олмаган бўлса керак.

– Одамларнинг оғзига элак-тутиб бўладими? – Менга ўзим ҳақимда кўз кўриб, кулоқ эшитмаган гап-сўзларини етказишади. Подшоҳ бир гапни эшитиб, эшитмасликка ёким бирор воқеани кўриб-кўрмасликка солмаса, у юртни бошқара олмайди. Ҳар бир воқеа ва ҳодисага муносабат билдираверса, кунора жикқа мушт бўладиган кўшниларга ўхшаб қолади. Обрўси кетади. Биз ҳар замон Тўхтамишбек билан ота-бола каби сўйлашиб, бир-биримизни англаб келганмиз. Мен унга муносабатда доимо бағрикенглик қилганман. Озарбайжон тарафда бизга қилган фитнасини тушунмовчиликка йўйиб, бу хатони англаб етар деган ўйда эдик. Демак, у инимиз ила боғлиқ, барча орзу-умидларимиз пучга чиқибди.

– Имкон бўлганда Тўхтамишхон билан муносабатни ҳар қандай ҳолатда бузмаслик энг тўғри йўл эди. Боиси, у кичик душман эмас. Бунинг устига Турон юртида унинг қавмига мансуб қабилалар ҳар бир дарада бор. Бу қавмлар ҳам Тўхтамишнинг қўли устун-келган-қуни-сиз қилган-барча-яхшиликларни унутиб,

унинг кўлига сув қуймоқ учун навбатда турадилар. Мўғуллар турк элларига қарши кураш борасида ҳар қандай қулай фурсатдан фойдаланиб, арабий ва форсий кучлар билан бирлашадилар, — дея сўзини мухтасар этди Отламиш фақир сўзларини Темур мароқ билан тинглаётганидан руҳланиб.

— Сўзларинг ҳақ, Отламиш, — деди Темур анчадан сўнг хаёлга чўмиб. — Режамда Дашти Қипчоқ саваши йўқ эди. Уларни яхши билган киши бу хусусда не маслаҳатлар бера оласиз?

— Эшитишимча, амирзода Умаршайх Андижонда эмишлар. Ул кишим ҳам бу нохуш воқеалардан хабар топганлари замоноқ бирон бир тадбир қўлласалар керак. Имкон бўлса бул тарафдан бир миқдор кўшин юбормоқ лозим. Шунингдек, барча шаҳар ва худудларнинг доруға ва кутволларига фармон юбориб, ҳимояда муқим турмоқликни тайинламоқ лозим деб ўйлайман. Сизнинг амру фармонингизни олиб, ўзим зудлик билан ортга қайтишим мумкин.

— Ўзагингни ўзингники узади деган гап ҳақ экан-да, Отламиш. Бу хусусда бирон-бир амри фармон бермоққа ҳам тилим бормаиди.

— Начора, олийҳазрат! Воқеаларнинг бу тахлит ривожланиши кимнинг тушига кирибди деб ўйлабсиз, — жавоб қилди Отламиш. — Ўзим-ўзим деган охири ўзаксиз кетади.

— Сизга ишонмасликдан бошқа чорам йўқ. Бироқ худо ҳақи, Тўхтамишнинг юртимизга бостириб келишига ҳеч-ҳеч ишонгим келмайди, Отламиш! — деди Темур ўрнидан туриб кетаркан.

— Бироқ ул вассалингиздан бундан-да каттароқ хоинликларни ҳам беклаш мумкин. Сарой Ботуда яшаб, уларни озми, кўпми танидим. Пирига дўстлик қилмайдиган қавм экан. Ҳаром-ҳалолни ҳам у қадар фарқламайдилар.

Темурни ўй босган эди. Бу кутилмаган хабардан боши қотган, ҳаётида ҳеч қачон ва ҳеч бир қарорни беришда бу қадар оғриниб, қийналмаган эди.

— Ҳар ҳолда, сиз, эрталаб йўлга тушасиз. Бориб дамингизни олинг. Мен кечкурун кичикроқ хос бир машварат ўтказиб, сиз ила баробар кетажак кишиларни танлайман. Менга яна не айтар сўзингиз бор?

— Кўнусида баҳс этганимиз амир Тангрикул хизматга олишингизни сўраяпти. Қарз гап. Шуни сизга етказмоқ истайман.

Иккинчи рижойим, ёшим бир ерга борди. Атрофингизда бўлиб, бир ишнинг бошини тутиб, бола-чақа қилиб яшасам дейман. Ўрнимда ишлаш учун яхши шогирдларим бор. Бу хусусида кўнглингиз тўқ бўлсин, ҳазрати олийлари.

– Сизнинг ҳақингизда ўйлаб кўйганман. Ҳозирча Алп Туркашбекка ёрдамчи ўларок ишлаб турасиз. Бир неча ойдан сўнг сўйлаганим каби Шохруҳия шахрининг доруғаси этиб тайинлаймиз. Амир биродарингиз хусусида яна жиддий ўйлаб кўрамиз. Одатда хонимларга ружу кўйган кишидан юрт ва улусим деган раҳбар ва садоқатли дўст чиқмайди. Лекин фойдаси тегади. Ўйлаб кўринг, ундан қай бир мақомда фойдалансак бўлади? Менга сўйларсиз, – деди Темур Отламишга кетмоқ учун рухсат берар экан.

Отламиш фақир таъзим этганича улуғ Амирдан узоқлашди. Амир Боботурк билан бош махфий улуғ Амирнинг нигоҳидан узоқлашмай суҳбатнинг ниҳоясига етишини кутишарди. Улар Отламишнинг бу қадар жадал этиб келиши боисини билишар, Олтин Ўрда тарафнинг нотинчлигини ҳис этишарди. Отламиш бундан бир неча кун бурун ҳам Сарой Ботудаги исён етилаётгани ҳақида хабар юборган эди. Вазият кескинлашганки, ўзи етиб келган.

Ҳорғин ва асабий Темур, ўнг кўли билан курси тутқичини чертганича ҳамон қорли тоғларга тикилиб-турарди.

Боботурк билан Туркашга ўгирилиб ёнига келмоқ имосини қилди. Мулозим яна битта курси олиб чиқди.

– Ўша гап, – деди Темур хафахон овозда. – У тинч юрадиганга ўхшамайди. Мен унга ҳеч қачон юзда-юз ишонмаган эрдим. Бу каби ишга қўл уришини ҳам билардим. Бироқ Турон юртининг юраги Самарқанду Бухорога от қўйишини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Начора, Оллоҳнинг иродаси. Уни йўлдан олиб ташлашга тўғри келади. Бошқа иложимиз йўқдур.

Темур шундай деб, юз-кўзларидан ўзига меҳр ва садоқат уфуриб англаб турган икки шогирдига боқди.

– Отламиш бу ерга етиб келгунга қадар ҳафта-ўн кун ўтган, албатта. У бу муддат ичида юртимизга бостириб кирган бўлиши ҳам мумкин, – деди Боботурк тик турганча.

Темур уларни ўтирмоққа даъват этди. Мулозим патнисда ихламур<sup>1</sup> дамламаси келтирди.

<sup>1</sup> Ихламур – липа дарахти гулидан қайноқ сувга солиниб дамланган ичимлик.

– Мумкин, мумкин, – деди Темур бошини ирғаб. – Ул энасини эмчагини қирққан авлоддан ҳар нарсани кутса бўлади. Бироқ бу хусусда қатта машварат уюштирмаймиз. Режамизни кимса билмаслиги керак. Сизлар бу кўнуда не фикрдасиз?

– Ҳазрат маъқул кўрсалар, биз Отламиш билан бирга қайтиб, йўлга тушайлик. Бирор нохуш ҳолат, аввало, юз бермасин. Модомики, юз берган бўлса, амирзода Умаршайх чора-тадбирини кўргандирлар. Тезроқ етиб бориб, ул кишининг ёнида турсак. Чакқон отлиқ суворийлардан ўн минг чоғли олинса, улар от алмаштириб зудлик ила юрт сари йўлга чиқсалар, – деди Алп Туркаш ҳаяжонли оҳангда.

– Тўғри. Мен ҳам шу фикрдаман. Сиз нима дейсиз, Боботурк? – дея амирга боқди.

– Бу иккимизнинг фикримиз. Бир неча кундирки, шу ҳақда бош қотирамиз. Бироқ воқеанинг бу тариқа тез суръатла ривожланишини кутмаган эдик, – жавоб қилди Боботурк.

Орага яна жимлик чўқди. Темур бўш пиёлани қўлида айлантирганча яқунловчи қарорни сўйлади:

– Амир Хожибек билан Туманшоҳни Исфаҳонда қолдириб, эртага Шероз томон юрамиз. Имкон қадар юртга тезроқ етиб боришимиз керак. Сизлар эса бир туман суворий ила саҳарда йўлга тушинг. Амирзодага сўйланг, бизга хоинлик қиладиган амиру лашкарбошиларга раҳм-шафқат кўрсатмасун. Сотқинлик жанг вақтида содир бўлса, масалани саваш қоидаси ила ҳал этсун. Сокин замонда бўлса бизнинг етиб бормоғимизга қадар бекласун! Менга бошқа сўзларингиз бўлмаса, бомдоддан сўнг Отламиш ҳузуримга ташриф буюрсун, – буюрди Хоқон икки энг яқин кишисига кетмоқ учун руҳсат этаркан.

Улуғ Амирнинг Эрому Ироқ фатҳидан сўнг кайфияти хуш эди. Кутган эса-да, бу хабардан дили хира бўлди. Фикрларини тиниқлатмоқ ва асабини жойига келтирмоқ учун таҳорат олиб, чодирга кирди-да, узоқ намоз ўқиди. Одатда ёлғиз ибодат қилганда овоз чиқармас эди. Бу гал беихтиёр ўртача овозда сура-ларни такрорларди. Оллоҳдан ватани ва улусини балою қазодан асрашни астойдил сўради. Кўзларидан ёш куйилди.

Тун ярмидан оққанда ҳам улуғ Амир чодир саҳнидаги сўрида самога термулганча, мижжа қоқмай чолорқа ётар эди. Чодирини гир айланиб ўраган соқчилар ҳар ер ҳар ерда тўпланишиб,

паст овозда сўзлашишар, ахён-ахёнда совут ва дубулғаларнинг бир-бирига урилгандаги овози қулоққа чалинади. Орқароқдаги кўриқчиларнинг гулханлари ҳам элас-элас кўзга ташланар, қоровуллар сергак эди.

Темур қанчалик бош қотирмасин, фарзанди каби инсоннинг юртига бостириб келишини ақлига сиғдира олмас эди. Модомики, унинг жаҳонгирлик қисматида Жўчи ила савашмоқ ҳам бор экан, демак, бу Ботухондек инсон барпо этган давлатнинг инқирозга юз тутганидир. Тонгга яқин кўзи илинган улуғ Амир одатдагидек бомдод намозига яқин уйғонди. Таҳорат олиб, яна одатдагидан кўпроқ ибодат қилди.

Чодир ташқарисидан одам шовури эшитилди. Ҳовли саҳнида Отламиш кутиб турар эди.

– Ассалому алайкум! Оллоҳга шукрим, яна сизни кўрмоқ шарафига ноил бўлдим, ҳазрати олийлари? – дея таъзим бажо келтирди Отламиш.

– Ваалайкум ассалом! Астағфируллоҳ! Ўзингизни чарчоғингиз ёзилдими? – унинг кўнглини сўради Темур.

– Куллуқ, ҳазрат! Ҳар замон сиз олий зот ҳузурида бўлмоқдин шараф туядурман.

– Тун бўйи мижжа қоқмадим, Отламиш. Бу воқеани ҳазм этмоққа руҳан тайёр-эмас-эканман, – деди Темур-мулозим олиб чиққан курсига оғир чўкаркан.

Улуғ Амирнинг ҳорғин кўзлари қизариб, ичига чўккан, пешонасидаги ажинлар кўпайгандек эди. Ярадор кўли сезилар-сезилмас титрарди.

– Сизга яна бир вазифа, авлодим, – деди Темур паст ва босиқ овозда. – Саройдаги, яъни бизга тегишли хонимлар, умуман ҳарамнинг хатти-ҳаракати ва гап-сўзларидан воқиф бўлиб турсангиз. Ҳеч бир катта-кичик ҳолат кўздан қочмаслиги керак. Бул каби нозик вазифани ҳар кимга топшириб бўлмаслигини яхши биласиз. Тушундингизми? – Отламишнинг кўзига тик боқди Темур.

– Тушундим. Билдирган чексиз ишончингизни мени масъуду бахтиёр этдингиз, улуғ Ҳоконим!

– Маблагингиз етарлими?

– Ҳозир ҳазиначига учрашаман, – жавоб килди Отламиш.

– Тортинмай, истаганингизча олинг. Ҳазиначига менинг номимдан айтинг, – деди Темур ўрнидан кўзгалар экан. – Иншооллоҳ,

яқин кунларда кўришурмиз ва бафуржа суҳбатлашурмиз. — Амирзода Умаршайхга еткуринг! Енгилмоқ мумкин эрмас! Ясоқдур! Ясоқ! Яна муҳтарам амирзодамизга сўйлангим, ҳақиқий буюк инсонлар ҳар замон ўз мардликлари ва жасорату садоқатлари билан ўз қудратларини исботлаб, улусда ўзларига нисбатан рағбат, хайрихоҳлик ва меҳр-муҳаббат уйғотиб яшайдилар. Бошқа айтар сўзим йўқ, авлодим! — дея шахт билан ўрнидан турди Темур.

Отламиш эгилиб, улуғ Амирнинг пешини ўпди.

— Оллоҳга омонат! — деди ғамгин ва паст овозда. — Ҳар ҳолда Тўхтамишхонни йўлдан урган кучлар юрт ташқарисида ҳам бордир. Чину Эрон томонларда. Сиз бу хусусда ҳам бир илгиланинг. Ана у қорақишлоқлик ошнангиз бу ҳақда анча-мунча гапларни билади. Агар бу хусусда менга айтар сўзи бўлса, ҳузуримга келсин, — деди Темур Отламишни йўлчи этаркан.

Отламиш бош ирғаб, маъқул деган ишорани қилди. Темур Турон сари от қўйган суворийлар тўдасини улар кўзга кўринмай кетгунига қадар кузатиб турди. Бот-бот ёмғир севалаб турган тоғ этаклари ва яйловлар куз оғушида мудрар, ҳаводан намиққан тупроқ ва сув сингиган хас-хашакларнинг, ўт-ўланларнинг ачқимтил ҳиди анқир эди.

Темур болалиқдан кузнинг ғамгин, дардчил ва кишини ўйга толдирувчи ҳавосини яхши кўрар эди. Қисмат эрканким, бошига жаҳонгирлик савдоси тушди-ю, мана бир неча йилдирки, она Кеш ва бобо Самарқанднинг ипақдай майин кузини қаршилай олмаяпти.

Улуғ Амирнинг авзойидан сафар тезлашганини туйган лашкар астойдил куч-кўронини йиғиштирмоққа киришган, барчанинг нигоҳида ота юрт соғинчи, унга қайтмоқ илинжи балқиб турарди.

Тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди...



## ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

*Бу қавмнинг ақли бошида эмас,  
меъдасидадир.*

Темур

Турон ўрдуси Эроннинг бепоён яйлову қир-адирларини ортда қолдириб, Шероз шаҳри томон келар эди. Буюк алломалар юрти бўлмиш бу муборак шаҳарга Хоқон эҳтиром-ла боқар, амиру лашкар, барчаси бирдек шаҳар аҳлига хурмат кўрсатар, хушму-омалада бўлар эди.

Темурнинг ўнг томонида, орқарокда келаётган амир Сайфуддин улуғ Амирнинг ёнига чорлашини сезиб қадамини илдамлатди.

– Шероздаги режаларингиз хусусида сўйлай билурсиз, муҳтарам амир жаноблари, – деди Темур у отини ниқтаб ёнига етиб келгач.

– Сизга маълумким, улуғ Амир ҳазратлари, Шероздан катта бир гуруҳ олимлар, фозиллар, муҳандису наққош усталарни салтанат пойтахтига кўчирмоғимиз керак. Бу хусусда барча ҳозирликлар кўрилган. Фармонингизга мунтазирмиз, – деди амир Сайфуддин майин овозда.

– Бу кишилар ичида маълуму машҳурлари борму? – сўради Темур.

– Бир киши бор, ҳазрати олийлари.

– Ким у?

– Муҳаққиқлар устози, афзал ул-мутиххирин Мир Саййид Шариф Журжоний.

– Шерозга етганимизда ул зоти олийни ҳузуримга даъват этинг, – деди Темур хаёлга толиб.

– Бош устига, – жавоб қилди амир Сайфуддин улуғ Амирнинг ўйга толганидан сўзида давом этмай янги ишорасини кутаркан.

– Энг ёш амиримиз Боботурк бизнинг турли эллардан Самарқандга касб хунарли қавмларни кўчириб келтиришимизга қаршилар. Вақти-соати етиб, бу каби ёт улуслар кўпаяди ва

ерли аҳолини сиқиб чиқаради, шунингдек, турли низолар юзага келади дейдилар, — деди Темур бу хусусда амир Сайфуддиннинг фикрини билмоқ истаб. — Бу ҳақда не дейсиз?

Бир муддат ўйланиб қолган амир Сайфуддин тутилиб-тутилиб ўз фикрини баён этди.

— Улуспарвар инсон бўлмиш амиримизнинг фикрларини юзда-юз қувватламаган ҳолда, ул кишимни ноҳақ ҳам дея олмайман, ҳазрати олийлари, — дея жавоб қилди амир Сайфуддин. — Биз мўмин-мусулмонлар бир-биримизга хайрихоҳлик ва дўстлик кўзи ила боқмоғимиз лозим. Қавм айирмоқ динимизга-да, ахлоқимизга-да ётдур. Барчамиз Оллоҳнинг бандаларидирмиз. Бу хусусда менинг фикрим шулдур, улуғ Амирим.

— Иккинги ҳам ҳақсиз, — деди Темур мийғида кулиб, амир Сайфуддинга боқаркан. — Бироқ ҳақиқий усталарни ўзимизда етиштириб, бошкент Самарқандни курмоқ учун Амир Темур камида юз йил яшамоғи керак. Бугундан эртамиз не кечади, ёлғиз Яратганнинг ўзига аён. Вақт эса бекламайди. Авлодлар кўзи ва ақлининг тархини очадиган улуғ ишларни амалга оширмоққа улгурмоғимиз лозим. Тиклаган биноларимиз инсон зотига ато этилган ақл-заковатнинг рамзи ўлароқ авлодларга хизмат қилсин! Келгуси насллар учун бизнинг фатҳларимиздан кўра хайрли ишларимиз ибратлидир. Фатҳларимиз эса бундан буён Турон юртини дуч келган босқинчи оёқ ости қилмаслиги учун ҳимоя чорасидур. Ўйлайманки, азиз авлодим, амир Сайфуддинбек, авлодлар бизни англаб етажаклар! Хатоларимиз бўлса кечиргайлар!

Темур шундай деб бирдан жимиб қолди. Амир Сайфуддин эса не дейишини билмай, улуғ Амирнинг қош-қовоғига қараб турарди.

— Буюк ишларга қўл урган зотлар буюк хатолар қилмайдурлар, — деди анчадан сўнг амир Сайфуддин орадаги нохуш жимликни бузиб.

— Бироқ бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда шундай хатолар олдида турибмиз, Сайфуддинбек, — деди Темур ғамгин оҳангда. — Буюк шахсларнинг хатолари қуёш тутилишига ўхшайди. Уни ҳар кас кўради!

Амир Сайфуддин Темурнинг шаъмасини англааркан, дами ичига тушиб кетди. Темур қон-қардош бўлган Турон ўрдуси билан



Дашти Қипчоқ ўрдусининг тўқнашувини назарда тутаётган эди. Дарвоқе, Тўхтамиш ва унинг Оқу Кўк Ўрдаси кичик бир куч эмас эди. Бу тўқнашув ҳар икки томонни ҳам заифлаштириб, унинг Чину Ўрусия, Эрону Мисрдаги рақиблари тегирмонига нафақат сув кўяр, балки, бирини мағлуб этиб, тарих сахнасидан бутунлай тушиб кетишига замин яратиши мумкин эди. Улуғ Амирнинг фикру зикри шундан безовта эди.

– Бундан оғир дамларда ҳам бизга ёр бўлган Оллоҳ йўл кўрсатмоғига имоним комил ва сиз улуғ Амир ҳазратлари бул каби хатолиғлар йўлини тўсмоқ чора-тадбирини топмоғингизга заррача шак-шубҳам йўқ! – деди амир Сайфуддин астойдил Темурнинг кўнглини кўтармоқ ниятида.

– Сўзингизга фаришталар омин десун, дўстим! Қани энди, шундай бўлганида эди. Кўп воқеа ва ходисалар бизга боғлиқ эмасдир. Шул боис кўлимиз калта ва Оллоҳдан нажот сўрамоқдан бошқа иложимиз йўқ. Ақлимни танибманки, Яратганнинг шафқатига инониб яшадим! Ва ишончим комилки, у ҳеч қачон биздан меҳрмурувватини дариг тутмағай.

– Омин! – деди кўлини дуо учун очиб, юзига сийпаркан амир Сайфуддин. – Айтганингиз келсун! Қасд қилганлар паст бўлсин! Ҳарзамон-яратганнинг ўзи юзингизни ёруғ этсин! – дея дуо этди овози титраб.

– Омин! – дея такрорлади Темур.

– Хотиранингизда бўлса, ҳазрати олийлари, – дея сўзида давом этди амир Сайфуддин Темурга яқинроқ келаркан. – Бундан уч йил бурун Миср зиёратидан қайтган Идику Ўзбек иккимизга Тўхтамишхоннинг Миср султони Барқуқ билан гоҳ очик, гоҳ яширин Турон давлатига қарши тил бириктираётганини сўзлаган эди. Бу муносабатларни Едигейбек ҳам менга оқизмай-томизмай айтиб берганди. Шул боис Оллоҳга суяниб, сўнгги йўлни танламоқдан бошқа иложимиз йўқ, улуғ Амир ҳазратлари!

– Бу муносабатларни анчадан бери кузатаман, Сайфуддинбек. Бу иттифоқ аслида икки салтанат – усмонлилар ва бизга қарши қаратилгандур. Биз ҳам, усмонли ҳам турк давлатларимиз. Миср султонларининг келиб чиқиши турк асирларидан бўлса-да, араблашиб улгурганлар. Улар ҳар қандай масалага фақат мансуб бўлган қавмлари манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашадилар. Масалага моҳиятан боқсак, бу бизнинг улусга қарши араб

ва мўғул бирлиги, иттифоқидир. Ҳар ҳолда бундан Рум қайсари Йилдирим Боязид ҳам хабардор. Шундай бўлса-да, биз, уни ўзимизга қарши қаратилган иттифоқ ҳақида огоҳлантирмоғимиз керак. Унга менинг номимдан бир хос элчи юборсак. Модомики, ҳали Тўхтамиш билан очикдан-очик жанг майдонида тўқнашмаганимиз учун барча гап-сўз оғзаки бўлади. Ҳозирда ўзини осмоннинг устунни санаётган Рум қайсари тезоб ва ўжарроқ шахс кўринади. Шул боис огоҳлантиришни ғоят эҳтиёткорлик ила писанда этмоқ лозим. Йўқса бизни сотиб қўйиши ҳам мумкин. Хулоса қилсак, сиз бу ҳақда чуқур ўйланг-да, сўнгра фикр билдиринг. Шунга қараб иш юритамиз, – дея амирга кўрсатма берди хоқон отининг жиловини бўш қўйиб бораркан.

– Дарвоқе, уларнинг алоқалари анча бурун бошланган. Ҳатто Беркахон ва Султон Бейбарс замонларида қиз олиб қиз беришган, – илова қилди амир Сайфуддин.

– Менинг ҳисоб-китобимга кўра Тўхтамишнинг адабини берсак, Миср султонлари мулла минган эшақдек бўлиб қолсалар ажаб эрмас. Султон Барқуқ Тўхтамиш ёким Рум қайсари қадар қудратли эрмас. Бироқ рақибнинг ёшу қариси, катта-кичиги бўлмайди. Душманнингки хас, хас бўлса ҳам бас дейдилар. Бизга қарши бундай иттифоқ борлиги ҳақида шу пайтгача бирор расмий билги элимизга тушмади.

– Балким биздан кўра ўзларига яқинроқ бўлган ва доимо таҳдид солиб турган Усмонли давлатидан чўчиган Миср султонлари Ўрданинг бул каби таклифига розилик бермагандирлар. Йўқ ердан ўзига душман ахтариб топиш ақлли подшоларнинг иши эрмас зеро. Миср султониининг шул оддий ҳақиқатга ақли етса керак деб ўйлайман.

– Бироқ биз араблар юртига, жумладан, Исфаҳонга кирдик. Бу турум уларни бефарқ қолдирмайди. Араблар жуда миллатчи қавм бўладилар. Тинч замонда бир-бирларининг гўштини есалар-да, ҳаёт-мамот дақиқаларида бирлашадилар. Тарихдан маълумким, Чингизхон ҳам Хоразмшоҳлар устига юрганида халифадан фатво олмаган, – дея мулоҳаза билдирди амир Сайфуддин. – Йлло бир-бирларини жуда яхши англаганлар.

– Ҳар ҳолда улар бизни юзда-юз душман деб билмаганларидек, дўст ўрнида ҳам кўрмайдилар. Тўнни шунга қараб бичмоғимиз лозим бўлади, амирим, – деди Темур суҳбатдошига маъноли бир

қараб кўяр экан. – Биз бу икки куч билан қарама-қарши келмоқ ниятида эмасмиз. Буни ҳечам истамаймиз. Бироқ улар бизнинг ғашимизга тегиб, жанжал чиқармоққа уриниб кўрадилар. Бизни шундай аҳволга солишлари мумкинки, уларга қарши савашмоқдан бошқа чорамиз қолмайди. Миср султони бунга журъат этмас-да, Тўхтамиш ҳеч балодан қайтмайдиганлар туридан.

– Охир-оқибатда Тўхтамиш билан юзма-юз келишга мажбур бўламизми, ҳазратим? – дея паст овозда сўради амир Сайфуддин.

Темур суҳбатдоши овозидаги кўркув ва саросима оҳангини пайкамай қолмади. Дарвоқе, Тўхтамиш катта куч эди. Демак, амиру лашкарбошларда бу тўқнашувдан чўчиш ҳисси бор...

– Бу ҳолат юз бергудек бўлса, бунга Тўхтамиш ўғлон айбдор эмас. Бу фитна уни жарга ағдармоқчи бўлганларнинг ишидур. Улар Тўхтамишни йўлдан олиб ташлашнинг бошқа йўлини топа олмаганлар. У буни англаб етмас экан, ўзи қазиган чоҳга тос тепаси ила тушгай. Аксарий амиру лашкарбошилари унинг бу ҳаркати қўлламайдилар. Бироқ сўйламоқдан чўчийдилар.

Одатда Темурнинг қўл остидаги барча амиру беклар, мулозиму лашкарлар унинг сўзларига юзда-юз ишонишар, ҳеч бир шубҳага боришмас эди. Бу муҳим гапни эшитган амир Сайфуддиннинг товуш оҳанги ўзгара борди.

– Бошида Тўхтамишнинг Олтин Ўрда таҳтига ўтқазгандан кўра Ўрусхон билан яхши алоқалар ўрнатганимиз маъқул экан-да унда? – фикр билдирди амир Сайфуддин улар кўшин истироҳат учун тўхтамоғи мўлжалланган Тахтиқорачор манзилига яқинлашаркан.

– Бир қараганда, фикрингиз тўғрига ўхшайди, амир жаноблари, – дея унга жавоб қилди Темур қамчисини ўйнатиб бораркан. – Бироқ масалага жиддий ёндашсак, замонида энг тўғри йўл Тўхтамиш ўғлонни қўймоқ эди. Ўрусхон у пайтда биздан анча кучли бир хон эди. Уни тан олиш ва қўллаб-қувватлаш биз учун хавфли эди. Ўрусхон ва унинг болалари бугунги Тўхтамиш бизга кўрсатаётган ўйинни ўн йил бурун кўрсатар эдилар. Биз Тўхтамиш орқали уларни синдириб, Турон устига ёғилажак бало-қазони ўн-ўн беш йил орқага сурдик. Энди эса Ўрусхонга нисбатан ишлатган усулимизни Тўхтамишнинг ўзига қарши қўллаймиз! – деди Темур амир Сайфуддиннинг ўзгараётган қиёфасини кузатар экан. – Шу билан яна ўн-ўн беш йил давомида эл-юртимиз тинч яшайди!..

– Унинг ўрнига кимни хон қилиб кўтарасиз, ҳазрат? – дея кўзларини катта-катта очиб сўради амир Сайфуддин.

Темур бир муддат қаршидаги қорли тоғларга тикилиб турди-да, паст овозда деди:

– Энди у ерда ҳам номига хон кўтарилади-да, давлат ва ҳукумат Едигейбекнинг қўлида бўлади. Биздаги иш усул ва тартиби у ерга ҳам кўчади.

– Ақлларига тасанно, ҳазрат! Биз ҳам амирман деб бош кўтариб юрибмиз-да! Оллоҳ пешонангизни шунинг учун ярқиратган-да, устоз! – ҳайратини яширмади амир Сайфуддин.

– Ташаккур, амир жаноблари. Мен аллақачон ўзим ҳақимда ўйламай қўйганман! Биз етажак манзил аниқ ва белгилидур! – деди амирнинг мақтови хуш келмай.

– Гапнинг очиғини айтсам, бу Тўхтамиш деганингиз аввал бошдан ҳеч кимга ёқмаган. Жумладан, менга ҳам. Сарик, бунинг устига кўса башара, лаби юпқа ва чўччайган, кўзи қисик одам тутуриқсиз, куни учун кул ташловчи кимса бўлади дер эдилар раҳматли отам.

– Бу улус хонлари ҳеч қачон ва ҳеч бир халққа яхшилик олиб келмаганлар. Уларнинг салтанати эртами-кечми, дунёнинг қаерида бўлмасин, заволга юз тутуди!

– Улуғ Амирнинг бу башоратомуз сўздан сўнг суҳбат ниҳоясига етган эди. Отлар кишнаши ва яроғ-аслаҳаларнинг тарақ-туруғи остида ўрду Тахтиқорачор манзилига қўш ташлаганди.

Юксак қояларга туташ тепалик устига қурилган осмонранг ипак саропарда ботаётган куз қуёшида жилваналар, этакда оқаётган биллурдек сойнинг шарқираши бу фарахбахш, оромли дақиқаларни тўлдираётгандек эди.

– Гўзал ва ҳаволи маскан экан, – деди Темур жиддий суҳбатдан чарчаган оҳангда атрофни кузатар экан.

– Дарвоқе, бу ерлар чорва ва экин-тикин учун-да қулай, жаннатмакон бир худудлардир, – жавоб қилди амир Сайфуддин.

– Туронда бошлаган қурилиш ишларимизни Эронда ҳам давом эттирмоғимиз лозим. Саваш оқибатида бузилган биронта иншоот таъмирсиз қолмаслиги керак. Шероз доруғасига еткуринг, миллат нени истаса, муҳайё этсун! Маблағ етишмаса хазинадан берамиз!

Улуғ Амирнинг ҳаворанг чодирдан куйироқда мачит, ҳаммом ва таҳоратхона вазифасини ўтайдиган махсус чодирлар аллақачон қурилиб, хизматчилар бел боғлаб кутиб туришарди. Жиловдор ва отбоқарлар улуғ Амирнинг отдан тушишини кутишар, ошчилар у севадиган ёмақларни тайёрлашга-киришган эдилар. Йиллар давомида кечаю кундуз сафарда юриб ўрганган мулозимлар учун бу ишлар одатий бир юмушга айланган, ҳар ким ўз вазифасини тартиб-интизом асосида бажариб кетаверарди.

Ювиниб, таҳорат олган Темур қазо бўлган намозларини ўқигач, эшик оғасига оқшом ёмаги учун кулчатой ҳозирлашларини айтиб, бир оз истироҳат учун узанди. Одатига кўра шомда ухламас-да, йўл чарчоғидан чўзилиши билан кўзи илинди. Доймо сергак ётадиган, тик этган товушдан уйғонадиган Темур бу гал нохуш тушдан уйғониб кетди. Тушида Суюрғатмишхонни бир қора ит тишлаганча жарлик томон судрар эди.

– Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ! – деди Темур ёстикдан бошини кўтариб ўтирар экан. – Ла илаҳа иллаллоҳ! – Бояқиш Суюрғатмишнинг ҳам куни битганга ўхшайди-ку, – ўзига ўзи гапирди.

Дарвоқе, Суюрғатмишхон соппа-соғ эди. Инсон зоти ажал уни қай замон ва қаерда ёқасидан тутажагини билмайди, хаёлидан ўтказди. Бу тупроқ учун ўлган хонми, гадойми фарқи йўқ. Барчасининг сассиз-садосиз қора бағрига тортаверади.

Чодир эшигидан ҳовлига ўрнатилган кўшк атрофида оқшом суфраси ҳозирланаётгани, мулозимларининг ҳаракатлари машғалалар ёруғида кўзга ташланар, сойнинг аллаловчи шарқираши эшитилар, этакдан-най саси келарди.

Амир Сайфуддин амр беклаб, қўлини қовуштирганча, хоқоннинг қош-қовоғига қараб турарди.

– Шу маҳалда най чалган ким бўлди, Сайфуддинбек? – деди бўғиқ овозда Темур хизматкор сув куйиб турган дастжуйда юз-қўлини ювиб, артаркан.

– Шерозда бир машҳур найчи бор экан. Шунини чақиртирган эрдук. Кўнгиллари тусаса, эшитиб кўрарлар деган ўйда эдим, – дея жавоб қилди амир Сайфуддин.

– Ҳақиқатан ҳам созлар ичида киши қалбига энг яқини найдур. Унинг овозини эшитсам кўнглим алланечук бўлиб кета-

ди, – деди маънос тортиб Темур. – Эсимни таниган пайтларда ҳам қулоғимга кирган илк мусиқий овоз най бўлган. Отам раҳматлининг Иброҳим қора деган чўпони бўларди. Гоҳида унга най чалдириб, кўзларидан ёш сизганча тинглар, чуқур-чуқур ух тортар эдилар. Бир кун қиблагоҳдан бунинг боисини сўрадим. Катта бўлганинда англаб етасан, дея кўзимга узоқ термулиб қолган эдилар. Сўнгги сўзлари ҳечам қулоғимдан чиқмайди, Сайфуддинбек. «Отамни соғиниб кетдим, ўғлим. Инсон отаси ҳаётлигида эсини таниганидан бери бирга яшаганлиги учун ҳеч нимани ўйламай, ота-онаси орқатоғи бўлиб доим турадигандек туюлар экан. Бироқ у ҳаётдан кўз юмгандан сўнг бу суянч тоғ қулаб тушганини, унинг қадрига ета билмаганлигини, лекин энди бу тоққа етиб ҳам бўлмаслигини англаб экан киши. Падари бузрукворимнинг кўнглини ололмаганимдан армондамен», деган эдилар. Энди билсам ул киши бу сўзларни қизим сенга айтаман, келиним сен эшит дегандек, менга айтган эканлар. Мен гўр инсон эса қилич сермаб, юртни сўраш, тахтга чиқиш даъвосида от чоптирганча, отам билан дилдан бир суҳбатлашмоқ учун ҳам фурсат топа олмай, юраверган эканман. Бундай олиб қарасам, отам ҳаётининг кейинги йигирма йилида менинг дийдоримга тўймай, соғинчда яшаган эканлар, оллоҳ раҳматли. Энди эса ўша соғинч менинг вужудимни қамраб олди. Отам узлуксиз тушимга кирадилар. Мен отамни кучоклайман. Бироқ қиблагоҳ мени бағирларига босмайдилар. Тушимга доимо яхши, хайрли кирадилар, – дея сўзлаб бориб, кўшк ўртасига қўйилган тахтга оғир чўқди.

– Тушларингизни Юсуф пайғамбар яхшиликка йўйсин! Умрингиз узоқ бўлсин, улуғ Амир ҳазратлари, – дея Темурнинг кўнглини олди амир Сайфуддин унинг ишораси билан қаршисидаги курсига ўтирар экан. – Изн берсангиз руҳларига бир дуои фотиҳа ўқиб, худойи қилайлик, – қўшиб қўйди.

– Иншооллоҳ, Самарқандга борайлик, сўнгра, – жавоб қилди Темур кўз илғамас водийга ёйилган лашкарининг жойлашувини кузатар экан. – Дарвоқе, бу қўшин билан етти иқлимни олажакмиз, Сайфуддинбек, – деди овози ўзгарган бир шаклда. – Лашкарнинг емак-ичмагидан яхши ҳабардор бўлинг. Биз амиру

беклар хотин-халажимизни орқалаб, йўл-йўлакай маишатимизни қилиб юрамиз. Бу бечоралар эса оддий ҳаёт неъматларидан бенасиб, ярим ёввойи ҳолда яшайдилар.

– Кўнглингиз тўқ бўлсин, ҳазрат. Бул хусусда лозим бўлган барча ишлар ясо ва юсун асосида белгилаган тартибу интизом доирасида бажарилмоқда, – жавоб қилди амир Сайфуддин.

– Маъкул. Бўлмаса найчингизни таклиф этинг-чи. Аввал бир суҳбатлашайлик. Сўнгра ҳунаридан баҳраманд бўламиз. Унга қадар амиру лашкарбошларимиз ҳам тўпланадилар.

– Амрингизга биноан салтанат пойтахтига таклиф этилган олиму уламоларнинг бир гуруҳини Шох Шужбонинг улуғ амири Алоуддин Иноқ бошчилигида оқшом зиёфатга таклиф этдик. Буларга буюк муҳаққиқ Амир Саййид Шариф Журжоний етакчидур. Ул кишининг ёнларида машҳур заргарлардан Ал-Ҳож Али, Ал Ҳож Муҳаммад ҳамда атоқли тош йўнувчи уста Ҳофизбек ила номи чикқан наққош Олтунлар ҳам бор, ҳазрати олийлари, – дея ташриф буюражак қўноқлар ҳақида билги берди амир Сайфуддин. – Шунингдек, бир гуруҳ созанда ва хонандалар ҳам борки, сизнинг бул гўзал ва мароқли зиёфатингизга завқу шавқ бахш этажаклар!

– Энг муҳташам ва савобли иш аслида шулдир. Саваш эрмас, муҳтарам бек, – жавоб қилди Хоқоннинг бу сўзларидан таъби ёришиб. – Барчаларига саруполар ҳозирланг. Мусофирларимиз кўнглига озор етадиган ҳеч бир хатти-ҳаракат содир этилмасун. Бойси, улар ўз юртлари Эронни ташлаб, Турон сари юзландилар. Оллоҳ истеъдод ато этган ҳар бир кишига алоҳида ҳурмат ва эътибор билан ёндашмоқ одати саройда, девонда, раият ҳамда аскар орасида расмга кирмоғи лозим. Истеъдодга хиёнат – улусга хиёнатдир, салоҳиятни топтамоқ – улусни топтамоқдир! Акс ҳолда еб-ичмак ва киймакни ҳаёт мазмуни деб билган қавмларни йўлга солмоқ мушкул кечади. Уларга чодир ёким ўтов харид қилдирманг. Захирадаги чодирларимиздан ҳадя этинг ҳамда ишбоши ва хизматчилар беринг.

Атроф қафтдек кўзга ташланиб турадиган тепалиқда ўтирган хоқон амири ила мароқли суҳбатлашса-да, кўнгли алағда эди. Юрт сарҳадларида нелар кечаётганини ўйлаб, егани ичига тушмасди.

Зум ўтмай, амир Сайфуддин етакчилигидаги олиму уламолар ҳамда санъатчилар гуруҳи етиб келди. Темур уларни кучоқ очиб бирма-бир бағрига босиб қарши олди. Шариф Журжонийга ёнидан жой кўрсатди.

– Суфрамизга хуш келдингиз азиз биродарлар, – дея меҳмонларга мурожаат этди навбат билан сўрашаркан. – Оллоҳнинг иродаси ила тақдирларимиз туташди. Яратган бизга сўз ила баробар туз еб, сув ичмакни насиб этди. Ўйлайманким, бул ишда бир хайриятлиғ бор. Ким бўлмайлик, барчамиз Оллоҳнинг гуноҳкор бир бандасимиз. Тангри таоло биримизнинг елкамизга оғирроқ юк қўйган бўлса, бошқа биримизники енгилроқ. Мен бугун кўп табаррук зот, муҳаққиқлар шоҳи, афзал ўл-мутаххирин Амир Саййид Шариф Журжоний ва муҳтарам салафларини кўриб турганимдан беҳад мамнунман! Биз Эрону Турон азал-азалдан эту тирноқ куда-анда ва хешу акрабо қавммиз. Ироқу Ажам ерларини кезар эканман, сон-саноқсиз турк уруғларини кўриб, шундай хўлосага келдимки, демак, абадул-абад бизнинг тақдиримиз туташдир. Ҳар бир иш худонинг хоҳиш иродаси ила юз беражак. Биз қайси тилда сўзлашмайлик, қай бир тупроқда яшамайлик, тепада Оллоҳ турганлигини ва унинг бирлигини, у барчасини кўришини, орқамизда эса адолат ва осуда ҳаёт кутаётган улус борлигини унутмайлик. Буларни унутганимиз замон Оллоҳ бизни ҳам унутажак! Яна бир бор сиз – азизларга хуш келдингиз, сафо келдингиз дейман! Сизни қулай имкониятлар ила фирдавсмонанд Самарқанд кутаётганлигини, сиз у ерда ҳаётингиздаги энг буюк ва тарихий ишларга қўл уражагингизни билдирмоқчиман! Барчамизга Оллоҳ ёр ва мадаккор бўлсин! – дея Темур самимият ила ўнг тарафида бош ирғаганча сўзларини маъқуллаб ўтирган Шариф Журжоний томон ўгирилди.

Буюк амирнинг нигоҳида суҳбатдошини сўзламоққа даъват ифодаси бор эди. Бир оз тин олган Шариф Журжоний паст овозда:

– Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммаду расулуллоҳ, – деди ва сўнгра Темурга юзланиб, товушини баландлатди. – Бизга кўрсатаётган илтифот ва мулозаматларингиз учун ўзим ва дўстларим номидан ташаккурларимизни қабул этгайсиз, буюк Хоқон ҳазрати олийлари! Биз сизнинг олиму уламо, шоиру носир, меъмору наққош,



қўйингки, аҳли санъат ва аҳли илмнинг бошини силаб, шу пайтгача ҳеч ким кўрсатмаган мурувватларни кўрғазишингизни эшитган эрдик. Не қисматки, бугун яратган Эгамиз, сиз каби, ислом оламининг улуғ мужоҳиди ва жаҳонгир-шоҳи-ила-ёнма-ён мужодала этмоқни бизга насиб айлади. Биз бу таклифни сидқидилдан қабул этдик. Мусофирлик барча инсонни, шу жумладан, мусулмон бандаларининг камолга етмоқлари, Ҳақни танимоқлари йўлидаги буюк бир ҳижрат ва сабоқдур. Зотан, биз Турон юртига, жаннатмисол Самарқандга мусофир эмасмиз. Бизнинг ота-боболаримиз азал-азалдан бориш-келиш қилганлар. Ёғийлик туйғусидан кўра дўстлик ва меҳр-муҳаббат туйғулари устун келган. Халқларимиз ва хоқонларимиз ҳам қуда-анда бўлиб яшаганлар. Менинг буюк боболаримдан бири Хоразмшоҳлар даврида, Урганч шаҳрида, Маъмун дорилфунунида сабоқ олганлар. Сўнгра Шерозга келиб дарс берганлар. Биз барчамиз илмга ихлос қўймоқни ул кишидан ўрганганмиз. Шул боис биз дўст, қардош ва диндош бир элга бормоқдамиз, азиз ва муҳтарам иним Темурбек. Бул дўстларимиз ўзларининг Турон дорулсалтанатида осойишта яшамоқ кафолати ўлароқ, сиз, улуғ инсонни-танийдилар-ва-катта-кичик ташвишларимиз ила безовта этсак, қусурга боқманг. Сўзимни мухтасар этар эканман, яна бир бор ушбу меҳмондорчилик учун ташаккур билдираман!

Шариф Журжоний ўрнидан туриб, улуғ Амирга таъзим бажо келтирди. Темур ҳам ўрнидан туриб, олимни яна бир бор араб одатига кўра бағрига босди. Улар қайтиб жойларига ўтиргач, яна даврадагиларга мурожаат этди.

– Буюринг, азиз ватандошлар! Кимнинг сўзи бўлса, бошимиз устига. Сўзласун. Биз ҳар замон ва ҳар бир кимсанинг фикрини эшитмоқни истаймиз ҳамда бунга имкон берамиз. Сен ноҳақ сўзламоқдасан дея кимсанинг оғзига урмаймиз. Сўзламоқ инсонга Оллоҳ ато этган энг улуғ илоҳий неъматдур. Агар биз уни бу имкониятдан маҳрум этсак, уни тинглашни истамасак, яратганга қарши борган бўламиз! Бугундан эътиборан сизнинг ош-сувингиз, уй-жойингиз ҳамда чалиша-жак ишингиз учун маъсул амир Сайфуддиндир. Бизда ясо ва юсун жуда оғирдур. Тартибни бузган Амир Темурнинг фарзанди ёхуд амир ул-умаро бўлса-да, қаттиқ жазолангуси-

дир. Яна бир бор сизга мурожаат этиб, орангизда Самарқандга кетмоқни истамаганлар бўлса, уларни ўз фикрларини очиқ-ойдин сўйламоққа даъват этамен.

Ўтирганлар пичирлашиб, ўзаро маслаҳатлаша кетдилар. Улар Темурдан бундай очиқ, мардона муносабатни кутмаган эдилар. Самарқанд сафарини истамай турган айрим кишиларнинг ҳам бу муносабатдан сўнг ичига ўт тушган эди.

Ниҳоят, кутилмаганда, Хоқоннинг қаршисида ўтирган кичик салла ўраган, кулранг ятакли, қирқ ёшлар чамасидаги қиррабурун ва озғин киши ўрнидан туриб, таъзим бажо келтирди. Сўзлаганда унинг кўзлари чакнаб, катта қозик тишлари ярқираб кўзга ташланар эди.

– Етти иқлим Хоқони улуғ Амир Темур ҳазратларининг тахтини Оллоҳ барқарор этсун! Мен Абдурахмон Олтонглидурмен! Ота-боболарим Шерозга Олтой тоғларидан келганлар. Хешу ақраболарим айни дамда Турон дарёси бўйларида яшашади (Итиль дарёси илгари шу номда аталган). Бу юртларга мени севги-муҳаббат етаклаб келди. Бироқ севган хонимим бевафо чиқди. Унинг куйида эндиликда фақат най чаламан, улуғ Амир ҳазратлари. Гапнинг бўладиганини айтсам хотун деб ватандан ажралганман. Оллоҳ яна мени тўғри йўлга солди. Ватанимни қайтариб бермоқда. Одамда ҳамма нарсасидан бурун бир иссиқ уя, ватан бўлиши керак экан...

Абдурахмон Олтонгли шундай дея бола каби йиғлаб юборди. Кўнгли тўлиб кетган экан. Унинг самимиятидан таъсирланган улуғ Амир майин табассум ила найчининг ҳаракатини кузатиб турар эди.

– Нақадар самимий инсон эканлигингиз ила бизни шоширдингиз, муҳтарам авлодим! Ва нақадар бахтлисизки, ватан калимасини тилга олганингиз замон кўзингизга ёш келди. Демак, сиз, самимий ва меҳр-муҳаббатли, садоқатли инсонсиз. Бироқ дўстим, шуни унутмангки, ҳеч қачон ота юрт ва она халқсиз инсон бағри бутун бўлмайди. Сиз мусофирликда ҳатто ўз юртингиз ва улусингизнинг нуқсонларини-да соғинасиз. Юртингиздаги янтоқзор кўзингизга чаманзор бўлиб кўринади. Ўзлигингизга қайтганингиз муборақ бўлсин, Абдурахмонбек! Йигитнинг

боши икки бўлмай бири икки бўлмас деганларидек, сиз амир Сайфуддиннинг елкаларига яна бир хайрли вазифа юклагингиз. Муҳтарам амиримиз сиздек санъатчимизнинг бошини иккита қилиш мажбуриятида қолдилар! – дея гапини ҳазилга бурди Темур ҳамон ўша майин табассумда.

Ўртада енгил кулги кўтарилди.

– Муҳтарам найчи жанобларининг барча хизматларига ҳозирмиз, – Темурнинг сўзига жавоб қилган бўлди унинг чап ёнида турган амир Сайфуддин ўрнидан туриб, таъзим ила хиёл бошини эгаркан, кулиб.

Хижолатдан терга тушган найчи қизарганча кўз ёшлари ва пешона терларини артар, кўрсатилган муносабатдан ўзини йўқотиб қўйган эди. У қайта-қайта улуғ Амирга таъзим қилиб, ўрнига ўтирди.

– Найчимиз нафақат ўз сўзлари ила, ҳатто кўз ёшлари ила бизга бўлган самимиятларини изҳор этдилар. Бир оз ўзларига келсунлар, сўнгра хунарларини кўрсатадилар, – ҳамон найчига қизиқсиниб тикилганча сўзларди Темур. – Қани энди суфрага марҳамат қилингиз. Ош ўлсун, офият ўлсун.

Темур шундай деб бўзачи тутиб турган патнисдан бир пиёла қимиз олди. Меҳмону мезбонлар хуш кайфият ила емакка қўл урдилар.



## ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

*Давлат битса ёмонга, ўзин санар  
хоқонга.*

Халқ сўзи

Сўнги пайтда ғашига теккан арзимас нарсаларга ҳам асабийлашадиган Тўхтамишхон одатдагидек тахтда ўтирганча юрт сўрарди.

– Биз Миср султонлари бирлан азалдан жуда яхши муносабатдамиз! Олий ҳазратлари бизни йўқлағон бўлсалар, ул кишимни Оллоҳ йўқласун! Муқобил равишда бизнинг элчимиз ҳам сиз ила баробар кетиб, ҳадяларимизни султон ҳазратларига жетқазғай! Жумладан, менинг хос мактубимни ҳам! – дея ўрнидан туриб хона узра сокин юра бошлади хон ҳузурида тиз чўкиб турган Миср султони элчисига. – Бизнинг кўшни мамлакатларга бўлғон муносабатимиз султон ҳазратлариға маълумдир ҳамда ҳеч замон ўз сўзимиздан қайтмағаймиз. Эътиборингиз учун айни шу дамда бизнинг чериклар Сайхун сувини кечиб ўтиб, Хўжанд шаҳрини эгаллади. Демокчиманки, томдан тушган тараша каби ўзини Чингизхон ясо ва юсунига хилоф равишда Турон султони ўрнида кўраётган дўстларимизнинг таноби тортилажак!

Тўхтамишхон шундай деб элчига қараб, ғолибона табассум қилмоқчи бўлди. Бироқ табассуми самимий чиқмади. Элчининг назарида унинг жилмайиши йиғига ўхшарди.

– Ўрдунгиз Турон кўшинига қарши савашга кирдимиз? – деди хайратини яшира олмай элчи Аҳмад ал-Шарқ.

Элчининг бу хайрати Тўхтамишнинг энсасини қотирди.

– Ўзини қарийб пайғамбар сифатида тақдим этаётган бу биродаримизга бас кела оладиган куч фақат бизмиз. Буни жуда яхши англашингизни ва султон ҳазратларига жетказишингизни сўрайман. Дарвоқе, у ҳақиқатан ҳам катта, кучли ва тажрибали кўшинга эга. Бироқ биз ундан-да қудратлимиз. У Чиғатой авлодидан Суюрғатмишхонни номига – хон кўтариб қўйиб, биз-

нинг ота-боболаримиз мулки бўлган худудларни истаганича бошқармоқда. Бунга танасида соҳибқирону аъзам Чингизхону маузмамнинг қони гупурган ҳақиқий чингизий ўғлон икки дунёда рози бўлмағай. Мен ана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб ҳаракат этмоқдамен!

— Сизни Темур оқ кигизга ўтқазиб, хон кўтарган деб эшитганмиз, ҳазрати олийлари! Ҳар ҳолда дўстингиз бўлганимиз учун хавф-хатардан узоқроқ туришингизни истаймиз! — дея жавоб қилди элчи таъзим қилганича хоннинг ёнига келар экан, бу кутилмаган хабардан ҳайратга тушганини яширолмай.

— Мен буни инкор этмайман. Ҳақиқатан ҳам ул кишим менга кўп яхшиликлар қилганлар. Бунинг турли ва муҳим сабаблари борким, бир сўз ила англата олмайман. У мени Чингизхон авлодидан бўлганим учун хон кўтаргани йўқ. Унга Туркистон тинчлигини бузмайдиган, Чиғатой улуси даввосидан воз кечадиган Олтин Ўрда хони керак эди. Мен бўлмасам, у ҳар қандай йўл билан Идику Ўзбакни ёки бошқа бирини ўрнимга ўтқазар эди. Яъни сўзига кирмайдиган Ўрусхонни бир ёқлик қиладиган мен каби бир ўғлон керак эди. Мана ўн беш йилдирки, орамиздан қил ўтмас бир шаклда муросою мадора қилиб келаяпмиз. Бироқ неча замондан бери бизнинг тасарруфимизда бўлиб келган Хоразм ва унинг атрофидаги ерларни ҳам эгаллаб олди. Қайтармок нияти йўқ. У ерда улусга кўрсатган зулмини айтмайсизми? — ишончли оҳангда сўзлар эди Тўхтамиш. — Сиз бу хусусда очик сўйлайверинг, элчибек. Хафа бўлади деб ўйламанг. Биз дашт одамларининг қалби саҳромиз каби кенг ва очикдир.

Олтин Ўрда хонининг бу мулозаматидан жонланган элчи дадил туриб суҳбатга қўшилди.

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, ҳазрати олийлари. Биз сизнинг дуоғўйингизмиз. Бу юртларнинг аҳволи ва шароити биздан кўра сизга аёнроқдур. Шундай бўлса-да, сиз Темур хусусида етти ўлчаб бир кесмоғингиз керак. Сизнинг ул зот билан ота-бола каби эканлигингизни рабъи маскун билади. Иккинги ҳам номдор инсонларсиз. Менинг фикрим икки бургут талашиб сон-саноксиз қарғаларга ем тушмасин дейман. Сўзим оғир келмасин, ҳазрати олийлари. Ушбу фикримни азбаройи сиз зоти олийга хурматим боис сўйламоқдамен!

Элчи сўзини тугатиб, яна таъзим бажо келтирди. Тўхтамишхон кўлини орқасига қилганча озарий гилам тўшалган хонада шоҳона этигини гурсиллатганича юрарди. У юраркан, кетма-кет эснар ва уйқуси келаётган кўзини уқалар эди.

– Исми шарифингизни тақрорланг, мухтарам элчи жаноблари, – деди анчадан сўнг писандали оҳангда.

– Аҳмад ал-Шарқ, хон ҳазратлари, – жавоб қилди элчи.

– Мухтарам Аҳмадбекдўстимиз, – суҳбатдошига бир нигоҳ ташлаб кўйиб, йўлида давом этганча сўзларди аччиғи чиққанлигини билдирмасликка ҳаракат қилиб. – Доно маслаҳатларингиз учун миннатдорчилигимни қабул этгайсиз. Ҳозир, сиздан кейин, отасини Темур қатл этдирган бир амирзода билан суҳбатлашаман. Истасангиз бу суҳбатни сиз ҳам тингланг. Ҳар куни унинг зулмидан азоб чеккан бир хонзода ёким амирзода кўз ёши қилиб, оstonамга бош уриб келади. Айтингчи, бу аҳволда нима қилмоғим лозим? Авомни-ку кўяверинг. Унинг доди ҳеч қачон ва ҳеч қаерга, ҳеч кимга етмаган. Чиғатой улуси Темурнинг қарийб чорак асрлик зулмидан эзилиб-битди. Эл ўзини бу шахсдан халос этишни кутмоқда. Бу менинг сўзларим эмас. Акс ҳолда айтганингиздек, менга нима етмайди. Бу тарафда Москову Ризондан тортиб, барча ўлкалардан божлар ўз вақтида келиб, хазина тўлиб турган бўлса.

– Маъзур тутадилар, хон ҳазратлари. Ҳақиқатан ҳам айтганларидек, мен бу тарафлардаги асл иқтисоду сиёсатдан беҳабарман. Сизга Оллоҳдан боқий салтанат ва узоқ умр тилаб, кетмоққа изн сўрайман, – деди Аҳмад ал-Шарқ гапни калта қилиб.

– Ўзингиз биласиз, – жавоб қилди хон димоғида.

Сўнгра эшик томонга қараб қарсак чалди. Пойгоҳда эшик оғаси кўринди.

– Миср султони элчиси мухтарам Аҳмад ал-Шарқ шарафига бугун кечаси зиёфат тартиб этилсин! Эртага эса ов уюштирилиб, ул кишимга саройимизнинг энг мўътабар қўноғига хос иззат-икром кўрсатилсун!

Тўхтамишхоннинг овози хонада акс садо берди. Элчи таъзим бажо келтирганча тисланди.

– Султон Маҳмуд Кайхусрав ўғли кирсун!

Тўхтамишхон тахт томон ўгирилганда эшик очилиб хузурига

кирган Султон Маҳмуд ўзини хон оёғига таппа ташлади. Этагини кўзига суртди. Арзчи бошини кўтарганда хоннинг кўзи эроний кийёфали, калта ва қалин соқолли афтодаҳол бир йигитга тушди.

Худди шу дақиқада Тўхтамишхоннинг бошига ёй ўқи каби бир фикр урилди. Ўрусхон отасини ўлдирганда ўзи ҳам Темурнинг хузурига худди шу алпозда бормаган эдими? Инсон тақдирининг такрорланишини қаранг-а? Ёким Султон Маҳмудни Темур атайлаб хузурига жўнатиб, синаб кўрмоқдами? У сўз билан ҳар қандай одамни ўзига эл қила олади. Ё бу тангрининг синовимикан?

Хоннинг лаби гезарганча, садосиз, ўзига тикилиб қолганидан хайрон бўлган Султон Маҳмуд не қиларини билмай икки қўлини кўксига қўйиб, тиззалаганча анграйиб турарди.

Ўй босган Тўхтамишхон жойида туриб қолган эди. Сўнгра шахзодага ўтир деган маънода тахт ёнидаги курси томон ишора этди. Султон Маҳмуд довдириб курсилардан бирига ўтирди. Хон ўзини босиб олмоқ учун яна икки бор хонанинг у бурчагидан бу бурчагигача бориб келди. Ниҳоят, амирзоданинг қаршисида тўхтаб, чуқур нафас олди. Султон Маҳмуд ҳайкалдек қотган эди.

– Ҳуш келдингиз, иним, – деди бўғиқ ва паст овозда. – Ўтиринг, ўтиринг, – гапида давом этди унинг ёнидаги курсилардан бирига оғир чўкаркан. – Сўйланг, бовурим, ул тарафларда не гап сўзлар? Бизнинг хонин амирларимиздан кимлар Темурнинг ялогини яламоқда? Не мақсаду манзилларни кўзламоқдалар? Ўзингизнинг режангиз қандай? Бизга қандай маслаҳатларингиз бор?

Тўхтамишхон шундай деб қарсак чалди. Остонада эшик оғаси кўрингач, икки коса шароб келтиришни буюрди. Ҳаял ўтмай келтирилган шаробдан тик турганча бир косасини бўшатаркан, тўрдаги ҳайбатли тахтига ўтиб, оғир чўкди. Султон Маҳмуд эса шаробдан бир неча қултум ютиб, идишни қайтариб, патнисга қўйди. Хоннинг ўзига қараб турганидан хижолат чекиб шошапиша сўзлай бошлади:

– Сарой Ботудан анча-бунча одам қочиб борган, хон ҳазратлари. Кунча Ўғлон билан Темур Қутлуғ Ўғлонларни Темур саройида ўз кўзи билан кўрганлар ила суҳбатлашдим. Улар сиз ҳақингизда Темурга оғзига келганларини тўқиб-бичиб сўзламоқда эканлар. Улар яқин кунларда Турон ўрдусига ғажарчилик қилиб, бу тарафларга келиб қолишлари ҳеч-гап эмас, – тутилиб сўзларди Султон Маҳмуд.

Хон бошини ирғаб, давом этмоқ ишорасини билдирди. У асабий ҳолатда сийрак ва калта қирқилган соқолини силар, дамбадам панжаларини мушт қилиб ёзарди.

Хон унинг кўзларига тикилиб қарамас, нигоҳини олиб қочганча, ҳамон хона бўйлаб безовта одимлар, ақлини банд этган муҳим муаммо ечимини ахтараётгандек, фикру хаёли мутлақо бошқа нарсада эди.

– Агар Темур сизга ҳақиқий дўст бўлса душманларингизни шоҳона қабул қилиб, иззат-ҳурмат кўрсатмас эди. Айни кунда, улар саройда алоҳида мавқега эгалар. Аксинча, Темур уларни тутиб, сизга жўнатмоғи лозим эрди...

– Тўхта, тўхта, Кайхисравнинг ўғли! Ҳозир мен сени оёқ-кўлингни боғлатиб, оқсоқ Темурга жўнатсам, унинг дўсти саналаманми сенинг фикрингча? – унинг гапини бўлди Тўхтамиш.  
– Нималар деб валдираяпсан ўзи?

Султон Маҳмуд бир зум тилига калима келмай, жимиб қолди. Сўнгра ўзини қўлга олиб, сўзида давом этди:

– Сиз ундай қилмайсиз, хон ҳазратлари, – деди ғулдираб.

– Нечун? Нимага? – ўсмоқчилаб сўради Тўхтамиш.

– Амирларингиз бир неча йилдирки Темур паноҳида. Модомики, Темур бу ишни қилмаганидан сўнг не учун сиз қилишингиз керак?

– Ҳа-а-а, гап бу ёқда дегин? Ҳисоб-китобни аллақачон қилган экансан-да! Бироқ билиб қўй, мен сени тирик товоғ ўлароқ унға юборсам, у ҳам муқобил равишда кимнидур менга юбориши мумкин. Буни ҳам яхши тушунсанг керак-а?

– Тўғри. Бироқ мен сиз каби буюк хондан раҳм-шафқат ва мадад сўраб келганман ва шафқатингизни дариг тутмайсиз деган умиддамен! – кўзи ёшланди Султон Маҳмуднинг.

– Безовта бўлма, иним! Мен сени синамоқ учун сўйладим! Аҳволингни тушунамен! Энг даҳшатлиси, мен ҳам сенинг каби худди шундай чорасиз ҳолга тушганман. Сенинг аҳволингни кўриб, ўша хотираларим жонланиб, ўша даҳшатли кунларнинг азоби вужудимни қайта ёқди! Шундан асабийлашдим! Кўнглингга оғир ботмасин! Сен учун кўлимдан нима келса қиламан. Безовта бўлма!

Тўхтамишхон шундай деганида Султон Маҳмуд беихтиёр кўз



ёшларини тия олмади. Бу ҳолатдан таъсирланган хон яна хона бўйлаб ўйга чўмганча юра бошлади. Бир муддат ўтгандан сўнг у амирзоданинг елкасига қўлини қўйиб, нигоҳи билан ташқарига чиқмоқ ишорасини қилди.

— Отада айланиб суҳбатлашайлик, юрагим сиқилиб кетди, — деди остонага яқинлашганда бўғиқ овозда.

Қабулига кирмоқни беклаб турганлар билан бош ирғаб саломлашган хон ҳеч ким билан сўзлашмай, оти турган сайисхона томон юрди.

— Меҳмонга ҳам бир яхши от беринг! — деди у жиловдорига ва сақраб учқур оти Ойбетга минди. Улар Сарой Ботудан от чоптириб чиқиб, бир зумда унинг кун ботишидаги сомонранг яйловга етдилар. Чек-чегарасиз ялангликда нигоҳлар кўз олувчи саробга қадалар, киши вужудини соғинч билан армон ўртасидаги ғалати бир кайфият қопларди.

Хон ва шаҳзода бир муддат отлар жиловини бўш қўйиб, сассиз-садосиз айландилар. Хос навкарлар хон ва меҳмон ҳаракатини кузатиб, четроқда туришарди.

— Ҳақиқатан ҳам Темурбек билан орамиз ота-боладек эди. Ерни сув, одамни одам бузади деганлари тўғри экан. Орамизга тушган итлар бизнинг—муносабатларимизни шу қадар чалкаштириб юбордиларки, энди Қуръони Каримни ўртага қўйиб ўн бора қасам ичсам ҳам у менга ишонмайдур. Аҳвол шу ҳолатга келди, иним Султонбек, — деди анчадан кейин ҳовури босилган Тўхтамишхон.

— Мен бир нарсани очик сўйламоқни истаймен, хон ҳазратлари, — жавоб қилди Султон Маҳмуд ҳам ўзига келиб. — Менинг остонангизга бош уриб келганимни Темурдан шикоят қилиб, унга қарши қўшин тортинг дея ундади деб тушунманг. Бу фикрдан йироқмен. Бу ишга тарғиб этмоқнинг эрта кундаги жавоби, ҳисоб-китоби борлигини яхши биламен. Кичик бир эҳтиётсизлик бутун бир салтанатнинг инқирозига олиб келишини англайман. Йжозат берсангиз, саройингизда садоқатли бир кишингиз каби хизмат қилмоқ ниятидамен. Отамизнинг кутилмаган қатли ҳаётимни издан чиқариб юборди. Савашу сиёсатдан юрак олдириб қўйганман, — мулоҳазали оҳангда сўзлар эди Султон Маҳмуд Кайхусрав.

– Ота қасоси ҳақида қандай фикрдасиз? Бу хусусда ўйлаб кўрмадингизми? – отини ниқтаб кўйиб сўз қотди хон.

– Мен қонга қон билан жавоб бермоқ ақидасига қаршиман. Бу ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Интиқомни Оллоҳнинг ҳукмига кўйиб бериш керак. Дунёни эгаллаган Искандар Зулқарнайн не кўрдик, Темур недан умид қилсун. Мен унинг юртни бирлаштириш, улус бошини кўшмоқ ғоясини қабул этган ва хизмат қилган эрдим. Отам қатлидан сўнг кўлимни ювиб кўлтигимга урдим...

– Ахир отангиз Темурнинг жуда яқин одами эдилар-ку? Орага не ихтилоф тушди? – амирзоданинг гапини бўлди хон.

– Қиблагоҳ раҳматли Хоразм волийлари Сўфийларнинг сўзига учиб, шу кўйга тушдилар. Улар айғоқчилари орқали отамнинг кўйинини пуч ёнғоққа тўлдирганликларини кейин билдик. Отам уларнинг сўзларини тинглаган. Бироқ Темурга қарши бирон-бир аскари қилич кўтариб, ўқ отмаган. Барчаси қуруқ гап. Урганч волийлари ўзларининг жонини қутқармоқ учун отамни сотдилар, ҳалок этдилар. Зотан, сўфийлар Темурнинг қудалари. У ҳар қандай шароитда ўз қариндошларини афв этар эди. Бу ўлканинг одамларига ишониб бўлмас экан. Балоба қолиб ўққа учган, ҳар замон етти ёт бегона ёки бева бечора бўлиб чиқаверади. Ўзлик ўзи топишар, ётга бало ёпишар деганларидек, Темур бу хусусда шошганлигини сўнгра англаган эмиш. Бироқ туфурган туфукни қайтариб олиб бўлмайди...

– Қатл жараёни қандай кечган? – яна суҳбатдошининг сўзини бўлди Тўхтамиш.

– Улар Хоразм сафаридан сўнгги зиёфатда ёнма-ён ўтиришган. Эшик оғаси отамни чақириб чиқиб, жаллоднинг кўлига топширган, – жавоб қилди паст ва ғамгин овозда Султон Маҳмуд.

– Маҳкама ҳукми ўқилганми?

– Ҳа, ўқилган.

– Гувоҳлар-чи?

– Гувоҳлар ҳам бўлган дейишади.

– Шаҳид отангизни Оллоҳ раҳмат этган бўлсин, иним. Сизга сабр-тоқат тилайман. Иншооллоҳ, Яратган яқин кунларда мушқулингизни осон қилади ва ота юртингиз Хутталонга ёруғ юз билан борасиз ва қиблагоҳингиз тахтига ўтирасиз!

Тўхтамишхон шундай деб отининг жиловини тортди-да, ўнг кўлини кўтарди. Хос навкар ва ходимлар гуруҳи отларини йўрттириб, етиб келишди. Сергаклик ва ҳадик нигоҳида алан-глаётган бу одамлар хондан бошқа кимса ва нарсани кўрмас эдилар. Ақлли, кенг мушоҳадали, шунинг баробарида бир оз жаҳли тез Тўхтамишхон-ернинг-оетида-илон-қимирласа-сезади-ганлар хилидан эди. У ҳозир амирзодага хайрихоҳлик ила сўз қотгани билан ичида унинг аҳволидан кулмоқда, ҳатто мамнунлик туймоқда эди.

Амир Хусайндек шавкатли бир чингиззода хон бўйнига киприги қилг этмай қилич солган отанг Кайхисрав шундай жазога муносиб эди. Сен итдан тарқаган ҳам бу дарбадарликни ҳақ этгансан, амирзодага тикилган кўйи хаёлан сўзланди Тўхтамишхон. Сўнгра ёнида қилпанглаб, ҳар бир ҳаракатини кузатганча ялтоқланиб турган Илиғмиш ўғлига юзланди.

— Илиғмишбек, сен меҳмон ила илгилан! Кўнглини ол, керакли маслаҳатларни берингла! Бу йигит жуда бизбоп! Неки истаса муҳайё этингиз! — дея буюрди Тўхтамиш Султон Маҳмудни Илиғмиш ўғлонга топширар экан. — Сўнгра яна кўришиб, суҳбатлашамиз иним! —

дея амирзода билан хайрлашди. — Ҳа, айтгандек, меҳмонни оқшомги зиёфатга олиб-кел, — кўшиб-кўйди оти жиловини бўшатаркан.

Илиғмиш ўғлон ила баробар келган Алибек, Сотқинбек ва Бек Ёруқлар хоннинг орқасидан от чоптириб кетдилар. Ялангликда Илиғмиш ўғлон иккиси қолган Султон Маҳмуд ўрда ҳаётида қандайдир янгилик бўлишини, каттароқ саваш орзусида ер тепиниб турган хон суворийлари бекорчиликдан зерикканларини фаҳмлади. Жўчи лашкари кечмишда икки дарё атрофи ва оралиғига ҳосил пишган ёки чорва етилган дамларда тез-тез босқинлар уюштиришга ўрганиб қолган эди. Бу ўлжаларни кўмсаётган амиру беклар, мингбошию юзбошилар ўша замонларини орзу қилардилар. Ўз хавфсизлигини ўйлаган Хоразм беклари эса бу лашкар тўдаларини Самарқанду Бухоро томон гиж-гижлаб йўналтирар, ем-ҳашақдан ёрдамлашишар, мақсад, ўзларига тегишмаса бўлди эди.

Қорни эгарнинг қошини босиб турган мезбон Илиғмиш ўғлон

илк учрашувдаёқ меҳмон хонзодага маъқул келмади. Унинг саройдаги узлуксиз кайф-сафо ва маишатнинг нусқи уриб, ёғ босиб тарвайган юзида кибр-ҳаво, манманлик ва ўзига ортиқча бино зоҳир эди.

Темур ҳокимиятга келгач, икки дарё оралиғига юришлар барҳам топди. Ўрда тўдалари Сарбондан нарига ўтолмай қолди. Русия ерларига босқин уюштирмоқнинг эса ўзи бўлмайди. Масковдан келган божу хирожга қаноат қилган маъқул эди.

Савашларда аксарият енгиб ўрганган Ўрда қўшини кучқудратда эндиликда Темур ўрдусидан кейин иккинчи ўринга тушиб қолган эди. Жўчиликлар бунини ич-ичдан сезишсада, зоҳиран тан олишмас, Сарой Ботуда ҳам Сарой Берка ва ҳатто Кўк Ўрдада ҳам Туркистон ва туркистонликларга нисбатан паст назарда, менсимай қараш кайфияти ҳалиям мавжуд эди. Ўз навбатида туркистонликлар ҳам уларга сахройи, маданиятсиз ва ваҳший қавм сифатида қарардилар. Дунёнинг барча халқларига хос бўлган мавқе ва ҳокимият талашуви бу улуслар ўртасида бот-бот низо ва қатлиомларнинг келиб чиқишига сабаб бўлар, бундай урушлардан сўнг мамлакат узоқ вақт ўзига келолмас эди.

Отасининг қатлидан сўнг сарсонун саргардонликдан безиб, осуда ҳаётни қўмсаётган ва салтанат ғавғоларидан юрак олдириб қўйган Султон Маҳмуд эндиликда янада қатта бир ташвишнинг бошида турганлигини, ўжар ва сўзидан қайтмас, шиддатли Тўхтамишхоннинг Темур билан юзма-юз бўлмоққа ҳозирлик кўраётганини аниқ-тиниқ англагач, дами ичига тушиб кетди. Аввалига Тўхтамишнинг ғалабасига ишончи бўлмаса-да, унинг сон-саноксиз, маҳорати тобига етган қўшинини кўргач, ичида ота душмани Темурга бўлган нафрат ва ғазаб тўғғени аланганди. Темур синдирилса ҳам Тўхтамиш вассал сифатида унга Турон тахтини топшириб қўймайди. Ўзининг яқинларидан бирини ўтказди. Унга ота юрти Хутталонни қайтариб берса ҳам қатта гап. У от билан туя сўрамайди. Оёқ олишидан сўзидан қайтадиганга ўхшамайди.

У шу хаёллар оғушида отларнинг жоловини бўш қўйганча, Илиғмиш Ўғлон иккаласи саройга қайтишарди. Хоннинг беклари ҳам хўжайинларига ўхшаб жанговар, фақат ўз гапларини ўтказиб ўрганган, ўзгалар фикри билан ҳисоблашмайдиган

одамлар эди. Улар табиатида Чингизхон аскарларига хос зийраклик баробарида сахройиларнинг беғамлиги ҳам мавжуд эдики, ўзлари ва қавмлари манфаати учун ҳар қандай ишдан тап тортмас эдилар. Бу ерда мансаб ва бойлик йўлида амаки жиянни, жиян бўлани бўғизлаши кимсани ҳайратлангирмайдиған-одатий бир ҳол эди.

— Сиз ҳеч бир замон хон ҳазратларига гап қайтарманг, — Султон Маҳмудга насиҳат қила бошлади хириллаган овозда папағини бостириб кийиб олган қисик кўзли, сергўшт юзли беўхшов қорин кўйган Илиғмиш Ўғлон. — Хон ҳазратлари ҳамма нарсани ҳаммадан яхши биладилар. Бир ишни бошламасдан олдин қай шаклда тугагини башорат ҳам қиладилар. Ўрдада Ботухондан кейин бундай доно ва ақлли хон бўлмаган. Бир от кўйиб, Русияни ҳали бери ўнганмайдиган қилиб келди. Маскунга ўт кўйдириб юборди. Бу атрофда ундан ҳайикмайдиган ҳукмдор йўк. Шунга қараб оёқ босаверинг, иним, — астойдил маслаҳат берар эди оғзи кўпириб Илиғмиш Ўғлон.

— Зотан, мен ўз тақдиримни хон ҳазратларининг қўлига топширганман. Ул кишим чўпонлик қил десалар, кўй боқаман, — деди Султон Маҳмуд бу хонзода ила баҳслашмоқ фойдасиз эканига ақли етиб. — Хон ҳазратларининг салтанати ҳақиқатан ҳам кудратли экан. Бунга ишонч ҳосил қилдим, — кўшиб кўйди у бекни гапиртириш учун.

— Э-э, нимасини айтасиз. Оқ Ўрда билан Кўк Ўрда неча йиллардирки ит-мушук эди. Хон ҳазратлари уни бирлаштирдилар. Орадаги низолар кўтарилди. Давлат шундай кучайиб кетдики, эндиликда буюк бобомиз Чигатойхон тасарруфида бўлган ерларни ҳам бемалол кўшиб олишимиз мумкин. У ҳудудларда ўзи хоң, кўланкаси майдон бўлиб юрганларнинг аҳволини эрта-индин кўрасиз, биродар! Оққан ариқ оқмай қолмас! Соҳибқирони аъзам, Чигизхону муаззамдан бизга мерос қолган тахтни ҳеч қачон ва ҳеч кимга бериб кўймаймиз! Бу буюк савашда ёнимизда турганлар ҳам кам бўлмайди! — дағдағали оҳангга ўтди хонзода.

— Менинг хон ҳазратларига айтажак яна бир-икки оғиз сўзим бор эди. Ул кишим сўзларини тугатиб, кетиб қолдилар. Ҳазратни йўлдан қолдириб, гапимни айта олмадим. Имкони бўлса яна кўриштирсангиз? — деди қимтинибгина меҳмон шаҳзода.

– Оқшомги зиёфатда сўраб кўраман. Хон ҳазратларининг муносабатлари сизга жуда яхши. Кўнглингиз тўқ бўлсун. Ишингиз бароридан келади, – жавоб қилди бек.

– Хон ҳазратлариға етказаман десангиз бу гапни сизга ҳам айтишим мумкин, – деди бир оз юрганларидан сўнг Султон Маҳмуд.

– Улуғ хон ҳазратлари менга ишонадилар. Лозим топсангиз айтинг. Жуда муҳим бўлса ҳозироқ етказаман, – деди қизиқсиниб Илиғмиш Ўғлон.

– Тўхтамишхонга доимо паст назар билан қараб келадиган Темурнинг ўз яқинлари ҳам унга қарши. Бу тарафдан бир имошора бўлса, улар ҳам кўтариладилар! – деди паст ва титраган овозда.

– Бу жуда муҳим гап, – сергакланди Илиғмиш. – Кимлар улар?

– Темурнинг қизи Султонбахтбегимнинг эри Муҳаммад Миррак Шер Баҳром ўғли ва унинг иниси Абулфатҳ, – жавоб қилди Султон Маҳмуд. – Улар билан ўзим гаплашганман.

– Недан улар Темурга душман бўладилар? Ахир салтанатдаги энг мавқели кишилар-ку?

– Хотинининг манманлигидан у шу йўлга кирган. Темур ода тига кўра ўз яқинлари ва қариндош-уруғлари гуноҳ ёки жиноят қилса жазоламоққа шошилмайди. Арқонни узун ташлайди. Уларни тавбасига таянтириб, охир-оқибатда йўлга солади. Ундан ташқари Миракнинг отаси мархум Шер Баҳром ҳам Темурга дўст бўлмаган. Биласиз-ку, ота душман дўст бўлмас дейдилар. Болаликдан унинг темурийларга адовати чексиз. Шу боис, мени бир неча бор бирга курашмоққа даъват этди. Ички ва ташқи кучлар бирлашса ёмон бўлмас эди демоқчиман.

– Бу жуда муҳим гап. Хон ҳазратлари кутган янгилик. Кечкуруноқ ҳазратга етказаман. Лозим кўрсалар ўзларига яна бир такрорлайсиз, – бу хабардан жонланиб кетган эди Илиғмиш.

Улар саройга қайтишгач, Илиғмиш Муҳаммад Султонни хос меҳмонлар қоладиган карвонсаройдаги яхши безатилган хужрага ерлаштириб, ўзи ғизиллаганча хон ўрдаси томон жўнади.

– Бирорта жория лозим бўлса йигитларга айтарсиз, иним, – деди. Илиғмиш хужра эшигини ёпаркан паст овозда ёқимсиз тиржайиб. – Дунёдаги барча миллатларнинг гўзаллари бор бу ерда.

Хужрасига кириб, шифтга боққунча ўйга толган Султон Маҳмуд Тўхтамиш ҳузурига келиб, хато қилганлигини, бу қаҳри қаттиқ даштликлар уни Темур билан бўлажак жангда қилич каби-қўлланажакаларини, буларга у-бошқа мақсад учун керак ҳам эмаслигини англади. Англадию, яна дами ичига тушиб кетди.

У хон қабулхонасида ўтирганида яна бир нарсани фаҳмлади. Ҳозирда Тўхтамиш каби Темурнинг вассали саналган Жете, яъни Мўғулистон хони Анқо Тўра билан ҳам булар ўртасида умумий душманга қарши курашмоқ йўлида музокаралар кетмоқда. Демак, Тўхтамишнинг Темурга қарши кураши шунчаки гап эмас. Девонда Анқо Тўранинг Сарой Ботуда яшовчи икки нафар мавқели қариндоши ўтирганди.

Илиғмишнинг айтишича, улар Тўхтамишнинг ишончли кишилари сифатида Мўғулистонга элчи бўлиб бориш тараддудида эдилар. Демак, Жўчи улуси ва Туркистон орасидаги ўн-ўн беш йиллик тинч ва осойишта муносабат бузилади. Бу савашда Темур синса сиёсатда катта ўзгариш содир бўлади. Тўхтамиш енгилса...


Ёшлигидан боши тошга урилавериб пишиб кетган Султон Маҳмуд-Илиғмиш-ила суҳбатдан сўнг яна бир нарсани англади. Хон атрофидагиларнинг ҳеч бири ич-ичидан давлатни ва хонни ўйламас эдилар. Барча бирдек хон ғазабини келтирмай, қўлтиғига сув пуркаб ишини битириш, эгаллаб турган мансабида янада узоқроқ ўтириш ва бойлик орттириш пайида эди. Улар арзимаган майда-чуйда нарсада ҳам унга ёқишга уринишар, қилган ишларидан хон рози ёхуд мамнун бўлганида отаси бозордан ширинлик олиб келган боладек суюнишар ва бир-бирига айтиб мақтанишар эди. Ўйлаб топган аҳмоқона ишларидан ҳам ўзларича маъно топиб, бу ишлар хонни қўллаб-қувватлаш учун қилинаётган муҳим тадбир каби унга тақдим этмоққа уринишарди. Бу хавfli ва катта ўйинга қандай кириб қолганлигини чуқур англай бошлаган Султон Маҳмуд энди ундан чиқиб кета олмаслигини ҳам фаҳмлаб турарди. Ишқилиб отасидан беш баттар кунга тушмаса эди бу саргардон боши.

— Ё Яратган эгам! Ўзинг мадад бер! — деди бекзода шифтга тикилганча-өвозини чиқариб.

Хоразм ҳокимлари Сўфийларнинг куткусига учиб, бу хиёнат

учун ўз бошидан ажралган Хутталон ҳокимининг ота тахти учун от қўйган ўғли Султон Маҳмуд бугунги суҳбатлардан англаган ҳақиқат шу бўлдики, у бу омонсиз тўқнашувда укувсиз навкар қўлидаги қилич каби синиши мумкин. Шамшир ўлароқ синмаса агар, соҳибсиз бир силоҳга айланади. Истаган одам уни олиб, қўлланиб кетаверади. Ҳар икки ҳолат ҳам унга қоронғи ва ша- рафсиз келажақдан башорат этар, ишқилиб бу аҳмоқона тахт талашув гавғоларида авлод-аждодим билан қирғинга учрамасам эди деган ўйда ҳужра шифтига боққанча Илиғмиш ўғлоннинг келиб, Тўхтамишхон зиёфатига олиб кетишини кутиб ётарди.

Шоҳ бўлсанг-да, гадой бўлсанг-да, оч бўлсанг-да, тўқ бўл- санг-да, тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтарди...







## ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

*Сенда гуноҳ йўқ, балки гуноҳ сенга  
бу ишни топишган киши устидадир,  
аммо унинг ҳам айби йўқ, чунки унинг  
илмининг бориб етган нуқтаси ва ақл-  
фаҳмининг чегараси ана шудир.*

Темурнинг Миср Султони элчиси  
Байсаққа айтган сўзи

Шероз кенгликларидан тўппа-тўғри Самарқанд томон йўлга тушган амир Боботурк ва Алп Туркаш бошчилигидаги бир туман суворий Отламиш фақир йўл бошловчилигида Жайхунга етгач, қисқа фурсатли истироҳат учун тўхтади. Черик етакчиларининг режасига кўра ёғий лашкари икки йўналиш – Саброн ёки Хўжанд орқали бостириб келиши мумкин эди.

Икки амир ва Отламиш ёғийнинг қай тарафдан келишини тахмин қилиб, маслаҳатлашишарди.

– Агар дашт кўшини икки дарё ўртасига ораламай Саброн агрофида турган бўлса, ўша тарафга қараб от сурганимиз маъқул, – деди Отламиш отдан тушиб, жиловини ёшгина навкарга тутқазар экан. – Ёғий юртни оёқ ости қилмасидан турган жойида жазосини бермоқ керак.

– Қаники шундай бўлса. Менимча, Тўхтамишхон одатига кўра кўшинини кўп кўрсатмоқ учун бир неча йўналишда юборса керак, – унга жавоб қилди амир Боботурк. – Ҳар ҳолда амирзода Умаршайхга учрашмоғимиз, кўмак бериб, ҳазрат сўзларини етказмоғимиз керак деб ўйлайман.

Оқшом тушиб, дарё ва унинг икки томонидаги чангалзор ва қамишзорлар янада қорайиб, тун оғушига сингий бошлади. Қуш ва ҳашаротларнинг овози тиниб, шом ёғдусида лойқаланиб оқаётган дарё саҳни хира йилтираганича, киши қалбида армонли маъюслик уйғотарди.

Улар ювиниб, таҳорат олиб, қазо бўлган намозларини ўқиб

бўлгунларига қадар ошчилар қуртава ва қўй гўштида қовурдоқ ҳозирладилар. Сўнгра олма дамламасини бостириб ичиб, маслаҳатни давом эттирдилар.

– Менимча, сиз қирқ нафар суворийни олиб, Саброн сари ел каби учсангиз. Темур Хожа ҳар қандай шароитда қалъани қўлдан бермаслиги лозим. Бу бизни черикнинг руҳий устунлиги учун муҳимдир, – деди сопол пиёлада дамлама ҳўпларкан амир Боботурк Отламишга қараб. – Ёғий учун ҳам аҳамиятсиз эрмас.

– Улар барибир Саброн атрофида бир-икки черикни қолдириб, юрт ичкарисига қараб юрадилар. Агар асосий кўшин йўлида давом этса, Саброн урдуси қалъа ташқарисига чиқиб, қолдирилган Жўчи лашкарининг суробини тўғрилаши мумкин. Қўшин унчалик катта бўлмаса ўзимиз ҳазратсиз ҳам уни бир ёқлик қилмоқ чора-тадбирини кўраимиз. Катта бўлса, устозни кутмоққа тўғри келади. Мана шу ҳолатдан келиб чиқиб иш кўрмоқ лозим. Темурдек буюк Хоқон ва лашкарбошини енгадиган одам ҳали онасидан туғилгани йўқ. Қазима тушарсан, ёқма пишарсан дейдилар. Тўхтамишнинг бундан кейинги ҳаёти ҳаёт бўлмайди, – дея оғир тин олди амир Боботурк. У ҳаяжонланганидан ўрнидан туриб кетган эди.

Қўриқчилардан бошқа лашкар доғ қотиб ухлар, дашт ҳашоратларининг бетиним чириллаши ва отларнинг бевақт кишнашидан суҳбатдошлар бир-бирларининг сўзларини аранг эшитишарди.

– Тажрибали хуфялардан уч киши – Қолмахон Кўнғирот, Алку Арғин ва Дуйсенбек Дўрмонлар сиз билан бирга кетишади. Вазиятни ўрганиб, сўнгги маълумот билан уларни бирин-кетин Андижонга, бизнинг ҳузуримизга жўнатаверасиз. Хуфяларнинг душман қўлига тушишлари эҳтимоли борлигини ҳисобга олиб, шундай усул қўллаймиз. Уларга вазиятни бориб айтасан дейсиз ва лозим топган гапингизни тайинлайсиз. Бироқ энг муҳим масала уларнинг қай бири бизнинг олдимизга жўнатилганидир. Буни махфийларимиз ҳам билмайдилар. Агар Саброн душманга туриб берадиган бўлса биз томон Қолмахон Кўнғиротни жўнатасиз. Саброн қўшини ёв устига тун босқиси уюштириб, унинг тинкасини қуритадиган бўлса Алку Арғин йўлга тушсин. Вазият оғирлашиб, Сабронни ташлаб чиқмоққа мажбур қолинса,

Дуйсенбек Дўрмонни Андижонга юборасиз. Биз Сайхун бўйида, Хўжанд атрофида бўлсак керак. Мени тушундингизми, азиз Отламишбек? – суҳбатдошининг маъноли ва ҳорғин кўзларига тикилди амир.

– Англадим, амирим, – дея жавоб қилди Отламиш бўғиқ ва ишончли овозда. – Иншооллох, Яратган оғиримизни енгил қилиб, бу ташвишли кунларни биздан узоқлаштиражак!

– Омин! – деди юзига қўлини сийпаб амир Боботурк. – Сиз нима дейсиз, дўстим? – дея сўзини тинглаб турган Алп Туркашга қаради.

– Зотан, биз бу хусусда амир жаноблари билан йўл-йўлакай маслаҳатлашиб келмоқдамиз, – жавоб қилди Туркаш суҳбатга араллашиб. – Сиз қирқ чоғли суворий билан жуда эҳтиёт бўлиб кетишингиз керак. Боиси, ёғий ҳар ерда бизнинг аскарларимизни излайди...

– Тўхтанг, Туркашбек. Ахир, Отламиш дўстимизни у тарафга юбориб бўлмайди. Худо кўрсатмасин, бирор ишқал юз берса бу кишимни Саройнинг итигача танийди-ку? Иш бузилади ва дўстимизнинг хунига зомин бўламиз! – деди амир Боботурк Туркашнинг сўзини бўлиб.

– Тўғри айтасиз, амир. Отламишбекни у тарафларга жўнатмоқ хатарли. Унда кимни суворийларга бош қилиб юборамиз?

– Назарбек Дўлдай ёким Нурлан Қозоқни бош қилайлик. Иккиси ҳам тоза ва садоқатли йигитлар, – деди ўйга толиб Боботурк.

– Майли Нурланбек бош бўла қолсин. У тарафдаги қавмларни ҳам яхши билади. Ўзи ҳам Саброн яқинидаги яйловдан, – рози бўлди Туркаш.

– Бўлмаса бир оз мизғийлик, сўнгра йўлга тушамиз, – деди ҳорғин оҳангда Боботурк. – Учовимизнинг ҳам кўзимиз юмилиб кетяпти.

Улар чакмонларига ўранганча ўз чодирларига кириб кетдилар. Куз ҳавоси совуқ эди. Осуда осмонда паға-паға булутлар шимол томон сузар, бу эртага ҳавонинг илиқ бўлишидан дарак эди.

Кўшин саҳармардондан оёққа турган, аскарлар челак ва қумғонларни тарақлатиб ювинишар, таҳорат олишар, намоз ўқишар, тик турганча емак ейишар, отларининг эгаржабдуқларини тўғрилашарди.

Алп Туркаш Нурлан Қозоқбекни Саброн йўлига тушириб юборди. Тегишли кўрсатмалар берди. Асосий қўшин эса шитоб билан Самарқанд сари юрди.

Икки дарё орасида воқеалар ривожланиб кетган, Олтин Ўрданинг Илиғмиш Ўғлон, Бек Ёруқ, Алибек ва Сотқинбеклар етакчилигидаги қўшини Сигноқдан ўтиб, Сабронни қамал қилган эди. Темурнинг эски лашкарбошларидан Оқ Буғанинг ўғли, Саброн ҳокими Темур Хожа шаҳар мудофаасига тайёр эди. У эртами, кечми Жўчи лашкарларининг бостириб келишини биларди, Темур ўзига бир неча бор Тўхтамиш ўғлондан бундай иш чиқмаслигини таъкидлаганда ҳам хоқон бу чаладинлар феъл-атворини билиб-билмасликка олса керак дея ўйларди. Сабронда қўшин сони кўп бўлмаса-да, деворлари мустаҳкам бу қалъани шунчаки ҳужум билан эгаллаш қийин эди.

– Бу ерда Темур Хожа билан сичқон-мушук ўйнашиб ўтирмаймиз. Минг чоғли суворийни қолдириб, салтанатнинг юрагига юрмоғимиз керак! – деди шаҳар манзараси элас-элас кўзга ташланадиган сунъий тепаликка чиқиб, қўшин ҳаракатини кузатаётган Илиғмиш Ўғлон ёнида турган Сотқинбек билан ғажарчи Султон Маҳмудга.

– Зотан, кичик бир қалъани олмоқ билан андармон бўлиб ўтиришимиз янглиш. Бундан хабар топган ёғий ўрдуси кўз очиб юмгунча, бурнимиз тагига етиб келиши мумкин. Бу аҳволда худо кўрсатмасин саваш душман ерида эмас, бизнинг ҳудудларга кўчади. Буни хон ҳазратлари ҳеч қачон кечирмайдилар! – суҳбатдошлари кўзига тик қараб сўзларди Сотқинбек.

– Жуда тўғри, – унинг фикрини маъқуллади йўлга чиққандан бери сукут сақлаб хомуш қелаётган Султон Маҳмуд. – Шароит тақозосига кўра чекинмоқ мажбуриятида қолинса, орқада майдон ҳам бўлиши керак-ку!..

Маслаҳат пишгач, қўшин шитоб билан Сайхун дарёси томон Хўжанд шаҳрини мўлжал қилиб йўлга тушди. Султон Маҳмуднинг сўнгги писандаси ҳар икки жўчи ўғлонининг энсасини қотирган эса-да, оғиз очиб бир нима демадилар. Боиси, Хутталон тахтининг даъвогари ҳақ эди. Тўхтамишхон қўшинидаги жалойирлар Хўжанддаги хешу ақраболари ўзларини қўй сўйиб, тўю тантана билан кутиб оладилар дея хон лашкарбошиларига сўз берган ва умид қилган эдилар.

Бирок бу гал жалойирлар Темурга хиёнат қилмадилар.

Андижон ва унинг атрофидаги кўшинларни зудлик билан тўплаб, кўздан кечирган амирзода Умаршайх фурсатни бой бермай йўлга тушди.

Самарқанд—доруғаси—Сулаймонбек—Аббосбекни—ёнига—олиб, амирзода томон кўшинни йўлга солди. Самарқанд хавфсизлиги Тоғай Буға Барлос ва Шайх Темурга юклатилган эди. Самарқанд кўшини етиб келиши биланоқ амирзода Умаршайх бошчилигидаги бирлашган Турон ўрдуси Сайхунни кечиб ўтиб, Ўтрор шаҳри томон юрди. Кўшин шаҳардан бир неча чақирим узокликдаги Чакалак мавзесига етганида қоровул ёғий кўшини яқин масофада турганини маълум қилди. Бу хабардан сўнг амирзода хузурига хос чопар Эртўғрул Турон етиб келди. У кечаюкундуз тиним билмай от чопганидан озиб, қорайиб, кўзлари киртайиб кетган эди.

— Амир Боботурк бошчилигидаги ўн минг сонли кўшин шитоб билан келмоқда. Ҳазрат яна йигирма минглик ўрдуни жўнатибдилар. Ёғийни асл темурий аскар каби қаршилаб, ҳеч бирига раҳм-шафқат кўрсатмаслик олий фармони бўлди! — деди Эртўғрул амирзоданинг тиззасига бошини теккизар экан.

— Бу хабардан боши кўкка етган Умаршайх хос-чопарни бағрига босди.

— Ёғий Турон юртига оёқ босганига пушаймон ейди, жигарим! Биз керак бўлса, уларни қайтиб ватанимизга ўрмаламайдиган қиламиз. Оллоҳдин тек ўтинчимиз ота юртимиз посбони, қиблагоҳимиз бошларини омон сақласин! Юртнинг бошқа ташвишларини бизга кўйиб бераверсинлар!

Бу хушxabар амирзоданинг безовта ураётган юрагини ўт олдирган, душман устига шер каби ташланмоқ учун руҳан ҳозирлаган эди.

Тарафлар ясол тузиб, ўнг ва сўл қўлларини ростлаб, савашмоқ ниятида ёнарди. Кун ёйилиши билан саваш бошланди. Икки кўшин ҳам орқа олдига қарамай, бир-бирининг устига от кўяр, оту одам, қурол-аслаҳа қип-қизил қонга белаган, ярадорларнинг оҳ-воҳи борлиқни тутган эди. Кенг сайхонлик қон кўлига айланган эди.

Қаҳр билан жангга кирган амирзода савашга берилганидан

Ўзининг асосий кучларидан ажралиб, ёғийнинг орқа тарафига ўтиб кетганини сезмади. Амирзода ҳаракатини кузатиб турган лашкарбоши ва баҳодирлар талвасага тушдилар.

Катта талофат кўрган бўлса-да, ёғий лашкари синдирилган, бироқ амирзода кўшини яна тўпланиб, ҳужумга ўта олмас эди. Умаршайх черигининг бир қисми билан куч йиғиш учун Андижон томон юрди. У ерда қулоғига чалинган хабар яна нохуш эди. Темурнинг тузига хиёнат қилган Мўғулустон ҳокими Анқо Тўра Жўчи хонига берган ваъдасига биноан чериги билан Марказий Туркистонга кирган, Сайрам ва Тошкент атрофларини талай бошлаган эди. Умаршайх Ўзганд лашкарини олиб, орқага қайтди.

Амирзода бу кунларда ҳаётидаги энг таҳлиқали ва оғир кунларни бошдан кечирди. Отасининг ҳокимият тепасига келганига йигирма йилдан ошган бўлса ҳеч бир душман бу қадар очик юрт ичига бостириб кирмаган эди. Бу Тўхтамишнинг Темурийлар салтанати ҳудудига қилган учинчи ҳужуми эди. Бундан уч йил бурун у Табриз ва унинг атрофидаги шаҳар-қишлоқларни босган эди. Бир йил сўнгра икки лашкар Дарбанд атрофида дуч келиб, жанг қилдилар. Энди эса очикдан-очик хоқоннинг ота юртига, бошкентига бостириб келмоқда. У икки юз минглик кўшин тўплаш имконига эга. Бироқ Тўхтамишхон икки дарё оралиғидаги халқ эндигина тинч-тотув яшамоқ завқини туйиб, ўз юртида анчадан бери уруш кўрмаганлиги учун Темурдан рози эканлигини чуқур англаб етмаган бўлса керак. Акс ҳолда, у бу ишга қўл урмаган бўлур эди.

Чакалак жангидан сўнг қирқ чоғли аскари билан Андижон томон от кўйган амирзода Умаршайх бу хатарли саваш асносида яна бир нарсани англади. Ҳокимиятни ақл ва қилич билан астойдил ҳимоя қилмас экансан, бугун шоҳ бўлсанг, эртага жангдан тирик чиқсанг-да, гадойга айланиб қолишинг ҳеч гап эмас экан. Ақл билан куч-қудратни ёнма-ён кўймасанг, ҳар қандай рақибдан маънан, руҳан, жисмонан ва моддиятан устун турмасанг, ҳокимият даъвосидан воз кечмоғинг, ота-бобонг қилиб келган чўпонлик ёким деҳқончилик каби касб ила машғул бўлганинг афзал экан.

Боботурк бошчилигидаги кўшин ҳамон етиб келмаган, юрtdаги вазият беқарор эди. Амирзоданинг хаёли қандай қидиб

бўлмасин Анқо Тўра тўдаларининг таъзирини бериш билан банд эди. Қўшин Хўжандга етиб келганида душманнинг дараги топилди. Ёғий ўрдуси Сағимиш йўли орқали Андижонга хужум қилмоқчи эканлиги маълум бўлди.

– Бизнинг махфий ва қоровулларимиз яхши ишламаётир чоғи. Агар биз бу хабарни олдинроқ олганимизда эрди, шунча йўл босиб Хўжандга келиб юрмаган бўлур эрдик, – деди амирзода ёнида турган Эртўғрул Туронга.

– Ёв бизнинг ҳаракатимизни кузатиб турган. Агарда биз Андижонда уни кутиб турсак, балким Хўжандга хужум қилар эди, – дея жавоб берди зеҳни ўткир Эртўғрул.

– Ҳақ гап! – унинг фикрига қўшилди Умаршайх. – Ёғий туллак. Иложи борича бизга дуч келмасликка ҳаракат қилади. Сайхун ёқалаб йўлга тушамиз. Улар ҳам дарё атрофидан узоқлашмайди.

Қўшин дарё бўйлаб изига қайтди. Амирзода адашмаган эди. Ярим йўлга етганида қоровул душман дарёнинг нариги қирғоғида эканлигини билдирди. Олинган билгига кўра Жете чериги жуда кўп сонли эди.

– Не маслаҳат берасиз? – деди амирзода Эртўғрулга қараб. – Душман сон жиҳатдан кўп бўлса, не усул ила савашмоқ лозим деб ўйлайсиз?

– Улар билан астойдил бир жанг қилиб кўрамиз. Енгсак, келган тарафига қараб қувамиз. Акс ҳолда жанг ила уни андармон этиб, Андижон қалъасига етиб олишга ҳаракат қиламиз. Шаҳарга кирсак бас, марра бизники, – деди ҳақлигига ишончи комил оҳангда хос чопар.

– Ақлингизга балли, Эртўғрулбек. Мен ҳам шу фикрда эдим. Лашкарни ҳам асрашимиз керак. Усиз ҳам Чакалак савашида анча талофат кўрдик, – деди хос чопарнинг фикрини қувватлаган амирзода.

Шу дамда Самарқанддан чопар келди. Уни кўрган амирзоданинг юзига табассум югурди.

– Мени Сулаймоншоҳбек юбордилар! Ўзлари Аббосбек ва қўшин беклари Темуртош, Барот Хожа ҳамда Севинч Темур ила баробар дашт чериги билан саваша-саваша Самарқандга келдилар! Айни дамда шаҳар мудофааси ила машғулдирлар! Шаҳар атрофидаги халқ талофат кўрмасин дея уларни қалъа ичкарис-

га киритдилар. Темуртошбек ўз чериги билан Термиз мудофаси учун жўнадилар! — дея ҳаяжонини зўрға босиб сўйлар эди. Самарқанд доруғасининг хос чопари Тиловберган Тулкичи.

— Чопарбекка сув беринг! Бир оз ўзларига келсун! — деди амирзода орқа тарафида турган мулозимга.

Мулозим мис кўзани тарақлатиб, косага сув қуярди. Барчалари сафар олдида турганлари учун от устида эдилар. Фақат элчи отдан тушиб, таъзим бажо келтирганча сўзларди. Сув ичиб, юзларини белбоғи билан артган чопар сўзини давом эттирмоққа амирзоданинг рухсатини кутарди. Ниҳоят, Умаршайх бошини ирғади.

— Дашт ваҳшийлари тўп-тўп бўлиб Самарқанд ва Бухоро вилояти қишлоқ ва қасабаларини таламоқдалар, ақлларига келган бебошликни қилмоқдалар! Улар от кўйган ҳудудларда тош устида тош, дуч келган кимсанинг ўмузида (елкасида) бош қолдирмаётирлар. Хоразмликлар илиқ қаршилаган катта бир черик Хоразм йўлидан Бухоро сари келиб, шаҳарни босмишлар! Шаҳар мутассаддилари Аталмиш Қавчин билан Дурбой Қавчинлар қалъа мудофасида муқим ва мардонавор турмоқдалар! Бухорони олмоқ мушкул кечишини англаган Жўчи чериги фурсатни бой бермай, Зарафшон водийсини таламоққа қиришган! Хабарларига қараганда кофирлар Занжирсаройни ёққанлар! Улар Қарши ва Ғузордан ўтиб, Кўхитанг ва Амударёга чиқмишлар. Сулаймоншоҳбек кофир ва муртад Анқо Тўра ва унинг кўппакларини даъф этмоғингиз учун Оллоҳдан сизга мадад тилайди! — дея эгилиб таъзим қилароқ сўзини тугатди Тиловберган Тулкичи.

— Бор гап шуми? Буюк Хоқон юборган кўшин қачон келади? — сўради амирзода хос чопарнинг эски кийим-кечагига қараркан ва ундан жавоб кутмай сўзида давом этди: — Чопарбека менинг ҳисобимдан тўн, қилич, этик ва от ҳадя этилсун! — Сиз эса, чопарбек, бир кун биз билан бўласиз-да, эрта ёким индин Самарқандга қайтасиз! — дея яна чопар билан мулоқатга ўтди амирзода.

Анқо Тўра Темур илгари кўп ишлатадиган, ҳар ер-ҳар ерга олов ёқиб кўшинни кўп кўрсатадиган рақибни чўчитмоқ усулини қўллади. Буни пайқаган Андижон ўрдуси савашга қаттиқ ҳозирлик кўриб, кутилмаганда душман сафларини ёриб кириб,



тўппа-тўғри Андижон қалъаси томон юрди. Амирзода ёв устига ташланганча қилич сермар, мўлжали камдан-кам хато кетарди. Ёғий хийла ишлатиб, амирзодани қўлга олмоқ ниятида эди. Бу хатарни пайқаган Тўкал баҳодир сара суворийлари билан душман сафини ёриб кириб, амирзода томон талпинди. Ниҳоят, баҳодир минг бир машаққат билан амирзодага яқинлашди ва отининг жиловидан тортиб, жанг майдонидан олиб чиқди.

Турон қўшини тўфон каби ёғийни қийратганча, уни парчалаб, Андижон томон юрди ва қалъага кириб дарвозаларни беркитди.

Амирзода Умаршайх лашкари Андижон қалъасига киргач, яшириниб ётмади. Қалъа дарвозаларидан кутилмаганда навбат-навбат отилиб чиққан суворийлар ёғий сафларини пароканда этиб, саросимага солар, улар ташлаб қочган ғаниматларни олиб, яна қалъага қайтар эди.

Ёш теурийзода илк бор ўзи мустақил равишда лашкарни бошқариб, оз сонли черик билан катта қўшинни ҳолдан тойдирган эди.

Ўғилларига қаттиққўл Темур Андижон мудрофааси жангларини таҳлил этгач, илк бор ўғлининг фаолиятидан қониқиш ҳосил қилди.

Тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди...

Дарвеш ва қаландарлар шаҳар кўчаларида Шоҳи Қаландарнинг ушбу тўртлигини айтиб юришарди:

*Замон тўзди, болоқдаги бит бошда,  
Ялоқдаги кўппаклар қоя тошда.  
Насли хоин, етти ёт кўзу қошда,  
Яғий Ўзганд, Самарқанд, Ўшу Шошда...*



## ЙИГИРМА ТҶҚҚИЗИНЧИ БОБ

*Молу мулк истасанг, Ҳиндистонга бор,  
Иймон десанг эсўна Маккага, зинҳор  
Агар иккисин ҳам қилмасанг хаёл,  
Оввора бўлмагин, Самарқандда қол.*

Жомий

Турон салтанатининг бош қароргоҳи Кўксарой этагидаги ялангликка шаҳар жарчилари отлиғу пиёда оқиб кела бошлади. Бир пайтлар шу шаҳар кўчаларида ўйга толганча не қиларини билмай, вақтни ўлдириш учун дуч келган косибу хунарманд билан гурунглашиб, Олтин Ўрда тахтига ўтиргандан сўнг саройга, ёнига олишга сўз бериб юрган Тўхтамиш ўғлоннинг қўшинлари аввал Бухорони, сўнгра бошкент Самарқандни алғов-далғов ва горат қилганича, чиқиб кетди.

Кейинги йигирма йилда сўғишу-саваш кўрмаган шаҳар халқи бу бедодликдан ҳайратга тушди. Киму кимдан, аҳли Самарқанд бу ёвузликни Тўхтамишхондан кутмаган эди. Ёғий улуғ амирнинг юртдан узокдалигидан фойдаланиб бу ишга қўл урган эди. Ерли аҳоли жон-жаҳди билан ёвга қаршилиқ кўрсатиб, унинг режасини пучга чиқарди.

Кўксаройга туташган аксарий кўчалар силлиқ йўнилган тош билан қопланган, қайроқ тошларга урилган отларнинг наҳалли туёқларидан чиққан сас суворий қўшини келаётгандек ғаройиб садо берарди.

Сарой мирохури жуфт-жуфт қилиб, қирқ чоғли отни етаклаб чикди. Бу отлар пиёда жарчиларга мўлжалланган эди. Курол-аслаҳа ва кийим-кечак тарқатувчи кўрчи шундоққина сарой девори ёнида чопонлари эскирган жарчиларга янги тўн, чорик ва улуғ Хоқоннинг Самарқандга ташрифи муносабати билан маошларга қўшимча тарзда тўрт кепакидан улуфа тарқатарди.

Жўчиликлар остин-устун қилиб кетган шаҳар ҳали ўзига келмаган, томи босиб қолган ёхуд ёниб кетган дўконлар девор-

лари қорайган кўйи нураб, сўппайиб турарди. Кун чиқиш тарафдан эсаётган шамол бўғот ва бостирмаларга тахланган хасхашакларни юлқилаб, шаҳар жинкўчалари бўйлаб тўзитар эди. Уй-жойидан айрилиб, бошпанасиз қолган шаҳарликлар ҳам давлатпаноҳдан мадад истаб, Кўксарой томон оқиб келарди.

Бошига дубулға кийиб, саваш анжомларини таққан қорамтир қизғиш қорабайирли отлиқ – Самарқанд доруғаси амир Сулаймоншоҳ хўкизнинг хом терисидан тикилган ағдарма чоригини олтин қопламали узангига тираганча тўпланиб турган жарчилар томон юрди. Илгагини ўнг билагига ўтказиб олган, қамчисини чоригининг кўнжига уриб келаётган Сулаймоншоҳнинг доруғалик хос чопони ўнгири шамолда солланарди.

Оғзи кўпириб сувлигини чайнаётган оти бошини сарак-сарак қилиб, олдинги оёқларини навбатма-навбат қайроқ тошларга урганча оломондан анча берида тўхтади.

Суворий жарчилар отдан тушиб, пиёдалари эса бирма-бир улов олиб, жиловларини тутганча доруғанинг амрини беклар эди. Сулаймоншоҳ от устида йиғилганларга хитоб этди:

– Барчангизга етиб маълум бўлсинким, улуғ Амир, Туркистон султони, Соҳибқирон Амир Темур ҳазрати олийлари юз минглик Турон урдуси билан тўфон каби Самарқанд томон учиб келмоқда! Бул хушхабарни бутун раиятга, шаҳару қишлоқ, улусу булукларга еткуринг! Жар солинг! Улуғ ҳазратнинг юрт сари юз бурганлигини туйган Жўчи тулкилари дала-даштидаги сичқону юмронқозиклар инини киралаламоқ учун бир-бири ила савашмоққа киришганини улусга, раиятга сўйланг! Оллоҳ биз билан! Ҳақу ҳақиқат биз томондадир! Қасд қилганлар паст бўлғай! Наслар оёқ ост бўлғай!

– Ҳақ дўст! Ё Оллоҳ!

– Ҳақ дўст! Ё Оллоҳ! – басма-бас хайқирди жарчилар.

Жарчиларни йўлга солиб юборган доруға бир ҳафта бурун мўғуллар билан бўлган жангда яраланган лашкарбоши Аббосбекни кўнглини сўраш учун кўримаси ҳамроҳлигида унинг Оқмачитдаги ёзлик боғ-ҳовлисига қараб юрди.

Шаҳар доруғаси ташрифидан лашкарбошининг чехраси ёришди. Улар кучоқлашиб саломлашдилар. Лашкарбоши айвон-

даги сўрида узаниб ётган эди. Меҳмон билан кўришгач, сўрига оёғини осилтириб ўтирди. Ошчи йигит патнисда шарбат ва қанд-курс келтирди.

– Бу ёввойилар билан савашиб ўтирмоққа ҳам ҳожат қолмаса керак. Улар Темур номини эшитишлари билан дашт тулкисидек бирорта юлғун ёки саксовулнинг орасига ўзини уриб кетса керак, – деди доруға хизматчи кўлидан пиёлани оларкан. – Ҳайрият, улуғ Амир олдида юзимиз шувит бўлмади. Ёғий бирорта шахримизни забт этолмади, – пешонаси терлаганча иссиқ шарбатдан ҳўплаб сўзларди Сулаймоншоҳ.

– Энди Ҳокон ҳазратлари Тўхтамишни кечирмайдилар. Истаймизми, йўқми катта, қонли савашга ҳозир ўлмоғимиз шартга ўхшайдур, – жавоб қилди ғўлабирдан келган сарғиш юзли Аббосбек баҳодир дардчил овозда.

– Шунча эски душманларимиз турганда икки қондош улус бири бири билан савашиб ўтирса? Кўп буюк хатолиғ бу. Қолаверса, қарийб олти-етти йилдирки, Тўхтамиш ўғлон биз билан уруш ҳолатида. Бу ҳужум учинчиси. Дарбанд ва Шероз ҳамлаларини ҳазрат англашилмовчиликка йўйган эдилар. Самарқанд билан Бухорога қилинган юриш – Темур давлати юрагига ханжар урмоқ демақдир. Наҳотки, буни эс-ҳуши жойида бўлган Тўхтамишхон англаб етмаса? Инсон зоти қисқа фурсатда шу қадар тез ўзгарадими? Ё Оллоҳ! Бундай нонкўрликлардан ўзинг асра! – Куйиб-пишиб сўзларди доруға. – Бу жўчизодаларга неки хайру саховат, одамгарчилик қилма яхшилик қайтмас экан.

– Бежизга кўппак терисидан пўст ўлмас, жўчи улусидан дўст ўлмас демайдилар-да, – гап қистирди доруғанинг оғзига қараб ўтирган лашкарбоши.

– Тўғри айтасиз, Баҳодирбек, жўчининг авлиёси ҳам жўчидур, – сўзида давом этди Сулаймоншоҳ бостириб шарбат ичаркан. – Таёқнинг икки учи бўлганидек, Ўрда билан Турон орасидаги нозик масаланинг икки томони бор, – атрофга олазарак қараб қўйиб, овозини пастлатди доруға. – Хон улуғ Амир ҳазратларини шундай оғир аҳволга солиб қўйдик, бу вазиятдан чиқмоқнинг бирдан-бир йўли Жўчи улуси устига бостириб бормоқ бўлиб қолди. Ҳоконимиз сафардалигидан фойдаланиб, Ўрда лашкарининг Туркистон сарҳадларини оёқ ости қилгани бугун каттадан

кичик барчага аён. Бу воқеага муносабат билдирмаслик Туркистон улуси, Турон давлати ва буюк хоқон шаъну шарафини сақламоқ бобида кечирилмас ҳолдир.

Ҳаяжонланган амир гапдан тўхтаб, бир оз тин олган бўлди. Қаршисидаги хонтахтада турган кумуш кўзачадан пиёласига шарбат қуйиб, ликончадаги парвардадан бир дона олиб оғзига солди. Дастрўмоли билан пешана ва бўйин терини артди.

– Унга қарши ишлатиладиган куч аслида бошқа мақсадлар сари йўналтирилмоғи лозим эди, – деди Аббосбек ҳамсухбатининг фикрини қувватлаб. – Начора ҳар ким экканини ўради. Оллоҳ кўрсатмасин бу савашнинг оқибатини!

Давангир Аббос баҳодирнинг дами ичига тушиб кетди. Дарвоқе, саваш бир тарафнинг фалокатга юз тутиши билан тугарди.

– Бу ҳаёт-мамот савашда ғолиб келмоқдан бошқа йўлимиз йўқ! Аксар тақдирда юртнинг ўттиз йиллик тоат-ибодати бир пул бўлади. Эл бошига мўғуллар юртимизга босиб келган илк замонлардаги оғир кунлар тушиши мумкин.

Ўйга толган сухбатдошлар бир муддат жим қолишди. Зотан, шароит тақозоси шундай эдики, оддий аскардан амир улумарога қадар ўзини руҳан, иймонан ва жисмонан бўлгусви буюк муҳорабага ҳозирлаётган эди.

– Лашкарининг сарҳадларимиздаги маъносиз хужумларидан қаҳрланган Тўхтамишхон ҳам тек турмаса керак, – деди Аббосбек билан хайрлашаркан Сулаймоншоҳ ўйга толганча навкар кўлидан оти жиловини олиб.

– Бу савашда биз ҳақмиз! Оллоҳ ҳақ тарафда! – деди овози титраб Аббосбек. – Ҳазрат қачон етиб келар эканлар, шундан сўзланг, доруғам? Кўйинг ўша одамёввойиларни! – деди ҳамон кўноқ билан сухбатлашгиси келиб лашкарбоши.

– Узоғи билан ҳафта-ўн кун ичида етиб келсалар ажаб эрмас. Мен тезроқ бориб сарой атрофи ва шаҳар ташқарисидаги боғларни тартибга келтирай. Ул муртадларнинг оёқлари ўша хилватгоҳларга ҳам етди. Буни қарангки, бир пайтлар улуг Хоқон Тўхтамишхонга топшириб қўйган, у ўзининг оғир кунларини кечирган боғни ҳам қўшини оёқ ости қилди. Бунинг ажри бордир албатта. Энди менга рухсат, дўстим. Борайин. Усиз ҳам

лақиллаб анча бошингизни қотирдим. Оллоҳ насиб этса, эртага тушликни бирга қиламиз. Ҳазратнинг ошчиси Баҳром баковулнинг шогирдига тандиркабоб буюрганман. Олиб келаман. Ҳадемай бу яраларни кўрмагандек бўлиб кетасиз!

– Оллоҳ рози бўлсин, биродарим! Ташрифингиздан бошим кўкка етди. Сизнинг қутлуғ қадамингиз мен учун энг буюк илож! – меҳрли оҳангда ташаккур билдириб дўстини кузатди бек.

Сулаймоншоҳ Аббос Баҳодир қопусида ўзини кутиб турган мулозимларига Ойқор тоғи этагидаги, Самарқанддан саккиз фарсах кунчиқишдаги Барлоскўй кенглигида улуғ амирни кутиб олмоқ шодиёнасига ҳозирлик кўришни тайинлаб, оти жиловини Кўксарой томон бурди.

Андижонсой бўйига чодир тиккан амирзода Умаршайх икки кундан сўнг хос чопар Эртўғрул Туронни учқур отга ўтқазиб, Хуросон сари йўлга солди. Юз берган воқеаларни оқизмай-томизмай қиблагоҳига етказишни тайинлади.

Темур Шероздан чиқиб улгурмасидан Туркистонда бўлиб ўтган талотўплардан хабар топиб, тинчлиги бузилган, кўнгли алағда эди. Барча кўмондонларга лашкарнинг от устида ухлаб, от устида еб-ичиш, тинимсиз йўл юриши ҳақида амр берилган эди.

Андижон ўлкасидан ёғийни қувиб чиқарган амирзода ҳам отасини кутиб олмоқ учун йўлга тушган, Сулаймоншоҳ билан Барлоскўй яланглигида учрашиб, улуғ Амирни беклар эдилар.

Барча яқинлари ва сафдошларини бирма-бир бағрига босиб кўришган Темур сиртдан сокин кўринса-да, ич-ичдан изтироб чекаётганлиги, ёғий билан Ўтрор яқинида бўлиб ўтган жангда айрим лашкарбошилар йўл қўйган хатоликлардан дили оғриганлиги сезилиб турарди. Аслини олганда, бу савашда амирзода Умаршайх чериги енгилган эди. Лашкарбошилар ўзаро англашиб, режали ҳаракат қилмай, бир-биридан хабарсиз тарқалиб кетгандилар.

Одатда ҳар қандай хабарни босиқ, муносабатини сездирмай тинглайдиган Темур ушбу воқеани эшитганда, беихтиёр ўрнидан туриб кетди.

– Ахир чорак асрдир, Турон юртининг бирорта аскари саваш майдонидан чекинган эмас-ку? Наҳотки, шундай ҳолат юз бер-

ган бўлса? Ҳайф сизга, еган нону тузингизга? – деди оқ оралаб қолган калта соқолли ияги титраган кўйи қайтиб жойига ўлтирар экан. – Ҳайф!

Бошкентдаги иш кунини бўлиб ўтган ҳарб тафсилотлари тафтишидан бошлаган улуғ Амир бир ҳафта деганда масаланинг моҳиятига етди. Айбдор ва гувоҳларни шайхулислом, бош қози, қозилар, ёрғучилар ва амирлар иштирокида сўроқ қилди.

Улуғ Хоқон қаршисида икки хос курсида олий маслаҳатчилар Маҳмуд Шаҳоб билан Носириддин Арамир ёнма-ён ўтиришарди. Улар қози тақдим этган ҳужжатларни ҳижжалаб, ўқишарди. Олий маслаҳатчиларнинг зарбоф тўни ва зарпечи салласи, тўғасига олтин қоплаган хос камарлари бу икки шахснинг салтанатдаги алоҳида мавқеини таъкидларди.

– Биз илк бор саваш майдонини ташлаб чиққан черик лашкарбошисини сўроқ қиламиз. Менга кўра хатоликқа йўл қўйган лашкарбоши жазоланмоғи лозим. Лашкарга танбех бермоқ билан чекланамиз. Бу хусусда сизлар нима дейсизлар? – дея ўтирганларга мурожаат этди Темур ва беихтиёр нигоҳи аҳдос қозлари ишини яхши билгувчи олий маслаҳатчи Маҳмуд Шаҳобда тўхтади.

– Сўзингиз маъқулдир, Хоқон ҳазратлари, – дея ўрнидан туриб сўз олди Маҳмуд Шаҳоб. – Менинг фикру ожизимга кўра жазо енгил бўлмоғи лозим. Бойси, бу черикларнинг аскарлари асосий қўшин узоқда бўлишга қарамай шаҳар нари турсин, ҳатто бирорта қалъани ҳам ёғийга бермадилар. Чакалак мавзесида душман лашкари бизниқидан бир неча баробар кўп бўлган. Бундай шароитда савашмоқ осон эрмас, албатта. Чекинган лашкарбошию аскарлар қочиб-пусиб юрмаганлар. Дарҳол Самарқанд ва Бухоро мудофааси учун етиб келганлар ёким қаерда бўлмасин, душмандан улусни ҳимоя қилган, – ишончли оҳангда фикрини баён этди олий маслаҳатчи.

Маҳмуд Шаҳобга беихтиёр узоқ тикилиб қолган Темур йиғилганларга юзланди. Амир Сулаймоншоҳ ўрнидан туриб, сўз олди.

– Муҳтарам олий маслаҳатчимизнинг фикрларига қўшилган ҳолда, шунга айтмоқ керакки, ёғий билан бўлган тўқнашувлардан сўнг айрим мингбоши ва юзбошиларимиз черикларини эргаштириб ўз қишлоқларидан хабар олмоққа кетганлар. Акеинча,

улар ўша заҳотиёқ Ўзганд кўшини ила Анқо Тўра билан савашаётган амирзода Умаршайх ёхуд Бухоро ва Самарқанд ҳимоясига етиб келишлари лозим эрди. Мисол учун маълум ва машхур баҳодиримиз, салтанатимизнинг таянч тоғларидан саналмиш Барот хожа Кўкалдошни олайлик. Ҳазрат келмасларидан икки кун бурун ул кишимдан хабар топдик. Балким Саброн тарафларда душманни қувиб юрган бўлсалар, буни айтсинлар! Мен хато сўзлаган бўлсам муҳтарам баҳодиримиздан узр тилайман, – дея улуғ Хоқонга таъзим қилиб жойига ўтирди амир Сулаймоншоҳ.

Темур оғир нигоҳини эшик оғасига қадади.

– Барот хожа Кўкалдош шу ердалар! – дея жавоб қилди эшик оғаси.

– Чорланг!

Машваратчилар ҳузурида Барот хожа Кўкалдош ҳозир бўлди.

– Сўйланг-чи, муҳтарам баҳодиримиз Баротбек? Нечун сиз биринчи бўлиб жанг майдонини ташлаб чиқдингиз? Ёким бу маълумот янглишми? Омма олдида очиқ ва ростини сўйланг? Хеч ким сизни жазолаб, хумордан чиқмоқ орзу-ниятида эрмас. Бизнинг узр ва афв эшигимиз ҳар замон очиқ, – деди Темур босиқ оҳангда баҳодирни бошдан-оёқ кузатар экан.

Темурнинг салобати босдимми, ўзини йўқотиб қўйган Барот хожа лаб-лунжини йиғиштириб, дафъатан жавоб қайтара олмади. Кўзлари пирпираб, тили айланмай қолди.

– Гуноҳим бўйнимдадир, улуғ Хоқон ҳазратлари, – деди анчадан сўнг у йиғига ўхшаш қалдираган овозда. – Ҳар қандай жазога лойиқдурман! Ҳақиқатан ҳам менинг черигим илк бор саваш майдонидан чиқди.

– Гувоҳлар борми? – сўради Темур бу иш ила машғул бўлган ёрғучидан.

– Бор, ҳазрати олийлари, – жавоб қилди сўрокни олиб бораётган ёрғучи. – Ўнбоши Эргаш Элқанот билан юзбоши Адирбек Байсал. Иккиси ҳам Барот хожа мансуб бўлмиш кераит уруғидан. Улар жанг майдонидан баробар қочишган.

– Чорланг!

Хонага ранги-қути ўчган икки аскар кирди. Темурнинг юзида ғазаб эмас, мулойимликни кўриб, бир оз ўзларига келгандек бўлдилар.



– Не учун бу ерга чақирилганингизни биласизми? – иккисига қараб сўради Темур.

– Биламиз, – жавоб қилди ўнг томонда тургани ўзининг исми-ни Адирбек Байсал-дея-танитарқан.

У уялганидан юзбошилигини тилга олмаган эди.

– Нечун саваш майдонини бошқа чериклар ила масла-хатлашмай, ташлаб чиқдингиз?

– Улар ила боғланмоқнинг имкони бўлмади. Черигимизнинг учдан иккиси шаҳид бўлган эди. Қочганларнинг ҳам ярми яра-дор эди, – дадил жавоб қилди Адирбек Байсал.

Темур индамай бошини ирғади.

– Қайси уруғдансан, авлодим юзбоши Адирбек? – сўради Те-мур бошдан-оёқ тикилиб.

– Кераит умоғиданман, ҳазрати олийлари – жавоб қилди юз-боши.

– Бу уруғнинг қандай қавм эканлигини ва кечмишини била-санми? Бунинг устига исмингга қараганда кераит бекларидан экансан. Бизнинг бек ва бекзодаларимиз ҳеч қачон яғийнинг олдига тушиб қочмаган. Билмасанг билиб қўй, авлодим. Бу гап сизга ҳам тааллуқлидир, мухтарам Баротбек, – Кўкалдошга қараб қўйиб сўзида давом этди Темур. –

Чингизхондек жаҳонгир қоон, мана шу қудратли кераит умоғини енгандан сўнггина Шарқий мўғулистон хоқони деб эълон қилинган ва ҳар доим улар билан ҳисоблашган! Шонли ўтмишингизни ва ким бўлганингизни унутмангиз! Акс ҳолда насли-насаби номаълум бир оломонга айланиб қоласиз. Менга қара, Адирбек Байсал! Сен яна бир нарсани айт. Саваш май-донидан ўзинг қочдингми ёки лашкарбошинг Барот хожанинг сўзидан сўнграми?

– Мен ўз гуноҳимни бўйнимга оламан ва жазога ҳозирман. Биз барча айбни мингбошимизнинг бўйнига қўйсак, Оллоҳ олдида ҳам, сиз аъло ҳазратнинг олдида ҳам юзимиз қаро бўлади. Биз-нинг айбимиз ул кишимнинг гуноҳидан кам эрмас, – дея жавоб қилди юзбоши қатъий ва мардона оҳангда кўзи ёшовлаб.

– Ҳа-а, энди жавобинг кераитларнинг сўзига ўхшай бош-лади. Демак, мард одам экансан. Мен ҳам Хоразмда Таваккал Кўнғирот дегани билан савашганимда қўл остимда тўрт ки-

шим қолган. Қочиб бориб, асирга тушганман. Кўрмаган азоб-укубатим қолмаган. Сени тушунаман. Бошлигингни сотмадинг. Унинг айбини-да бўйнингга олдинг. Барот хожани жуда яхши кўрардим. Ҳамон яхши кўраман. Бироқ бу сафар у ҳақиқий лашкарбошига хос иш қилмаган. Киши эл ўнгида эркак, орқа томонда хуркак бўлмаслиги керак. Шу боис, унинг соқоли қирқилиб, юзига упа-элик суртилиб, шаҳар кўчасида сазойи қилинсин! Керайит минглигида оддий навкар ўлароқ хизмат қилсун! Ўзини кўрсатса, замони билан насиб этса, амир ул-умаро бўлар. Киши қисмати унинг ақл-заковати ва меҳнатига ярашадур! Сизлар бу қарорга не фикр билдирасиз? – ўтирганларга юзланди Темур.

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

– Демак, сукунатни ризолик аломати деб тушунамиз ҳамда бош қозимизнинг бул хусусда эътироз ёхуд таклифлари бўлмаса маҳкама ҳукмини қабул эта билурлар! Сенга эса айтар сўзим шулдир, юзбоши Адирбек Байсал! Бугундан эътиборан кераит черигига мингбоши этиб тайинланасан! Сенга икки ой муддат бераман! Кераит черигини ўн мингга етказасан! Ана шунда сен ўзингни, Барот хожани ва бутун кераит кўшининг гуноҳини ювган саналасан! Бугуноқ муншийдан фармони олийни ола билурсан! Сенга Оллоҳ ёр, пирлар мададкор бўлсин! Яратганнинг мўъмин бандаси ўнбоши Эргаш Элқанот! Сенинг эрса гуноҳингдан ўтдим! Ранг кўр, ҳол сўр, аввал уруғига, сўнгра турқиға боқ дейдилар! Кўришиб турибди, диёнатли ва ҳалол одамга ўхшайсан! Адирбекнинг ёнида туриб, унга ёрдам бер! Биз ким бўлмайлик, сиз каби инсонларни асрамасак, узоққа бора олмаймиз!..

– Фармон хоқонимизнингдир! Қуллуқ, ҳазрати олийлари! – беихтиёр тиз чўкиб, бошини қуйи эгди юзбоши. – Бу арзимас бошимиз сиз улуғ зот учун фидо бўлсин!

– Қуллуқ! Қуллуқ – дер эди тили зўрға айланиб Эргаш Элқанот ҳам тиз чўқаркан.

Ҳар иккисининг ҳам хаёли қочган, таъзим бажо келтириб, тисланардилар.

Бу қарордан барча бирдек хайратда ва мамнун эди. Энг муҳими қон тўқилмади. Машварат аҳли учаласи ҳам дор остига борса керак деб ўйлаганди.

– Мана инсон боласининг марди! – деди саройдан чиққач Эргаш Элқанот ҳайрат ва ҳавас билан икки дақиқада мингбошига айланган Адирбек Байсални қучоқлаб, елкасига қоқаркан.

– Худо ҳақи, ўлимни бўйнимга олиб кўювдим! – деди ҳамон ўзига келмаган Адирбек нафаси бўғзига тикилиб. – Бола-чақа билан видолашиб ҳам эдим, – деди-да, йиғлаб юборди.

Эргаш ҳам дўстининг елкасига бошини қўйганча, силкиниб йиғларди.

– Яратганнинг инояти деб шуни айтсалар керак-да! – деди анчадан сўнг Эргаш Элқанот ранги ўнгиб кетган бўз белбоғи билан юз-кўзларини артаркан. – Кўрар кунимиз бор экан, жўра!

– Тушимми, ўнгимми, ҳамон ишонмайман! – жавоб қилди Адирбек йўлак бўйидаги садақайрағочга суяниб, нафасини ростлар экан. – Қандай бўлмасин улуғ Хоқон ҳазратларининг ишончларини оқламоғимиз керак.

...Кўксаройдаги маҳкама давом этарди. Барча бирдек улуғ Амирнинг шаштидан тушганидан хурсанд эди. Кўп ҳолларда Темур ҳукмлар ижросини назорат этмоқни амири харосга буюрар, Боботурк ёхуд Сулаймоншоҳ каби амирлар эса имкон қадар жазони юмшатмоққа уринишарди. Айрим амир ва лашкарбошилар эса бунинг аксини қилишар, шу тахлит салтанат душманлари сафини орттирардилар.

– Маҳкамамиз тугади ҳисоб. Ёрғучи ва қозиларга кетмоққа рухсат. Амиру лашкарбошилар, сарой аъёнлари қолсунлар!

– Савашда жасорат кўрсатганларни тақдирламасак ҳам адолатдан бўлмас. Мендаги маълумотларга кўра бундай улуғ шарафга энг муносиб инсон лашкарбоши Кўса Малиқдур, – деди хоқон солиндаги учдан бир киши чиқиб кетгач. – Бул садоқатли баҳодиримиз ўн уч нафар аскар билан ёғий устига тун босқини уюштириб, унинг уч юз чоғли черигини яксон этган ва Хўжанд асирларини кутқарган. Ул кишим Хўжанд вилоятида истаган мавзесидан суюрғол олсинлар ва тархон қилдук! Шунингдек, амирзода Умаршайх Мирзо хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб, иноят қилдук. Қилич чопишда ўзини кўрсатган баҳодирларни, биринчи марта бўлса – ўнбоши, иккинчи мартаба ботирлик қилса – юзбоши, учинчи мартабада эса мингбоши этиб тайинлаймиз! Ўнбоши қўли остидагилардан бири ботирлик кўрсатса,

биринчи галда уни ўнбоши қилсинлар. Ўзини ҳимоя қила туриб қилич чопишда кўзга ташланган аскар бундан мустаснодир. Чунки ҳўкиз ҳам сузишганда шохини ниқтайди. Шундай экан, сипоҳийнинг насл-насабига ҳам боқмоқ керак. Сипоҳийлардан астойдил қилич чопганларнинг маошлари оширилсун! Савашдан қочган сипоҳийларни эса мёнга юзма-юз қилманг. Аскар ночорликдан мажбур қолиб чекинган бўлса бугунгига ўхшаб, узрини қабул этмоқ керак. Агар ваҳима босиб, кўркувдан шундай қилган бўлса, уйига қайтариш лозим. Сипоҳий савашаркан, яраланган бўлса, уни тақдирлаб, инъом берсинлар. Бордию у яралангандан сўнг қочган бўлса, унга таҳсин ўқиб, яраланганини ҳисобга олмоқ керак. Чунки у ғанимга ҳужум қила олмай, ёв ҳамласи вақтида яралангандир. Жароҳати эса қочмаганлигига далилдир. Шу боис унинг сипоҳийлик ҳақи сақланиши жоиз. Сипоҳийларимиз хизматда юриб, кексалик ёшига етарканлар, улар улуфадан маҳрум этилмасин ва мартабаси сақлансин. Ҳеч бир сипоҳийнинг хизмати эътибордан четда қолмаслиги керак. Боиси, улар давлат хизмати́ни бажариб, боқий ҳаётларини фоний дунё нақди учун аямаганликларининг ўзи ҳам инъом ва моддий таъминотда бўлишларига асосдир.

Буюк хоқон одатда ўз қайдиларини чарм муқовали дафтари́га ёзиб борар, чарчаган дақиқаларида эса мирзога айтиб ёзди́рар эди. Улуғ Амир қаерда бўлмасин ёнида шу дафтар ва унинг устида ёқутдан ишланган тасбеҳи турарди. Хотираси кучли бўлганлигидан у сўзлаган пайтда қоғоз қаламга мурожаат этмас, сўзлари қуйма ва пухта ўйланган бўларди.

— Ҳа, айтгандек, ёғий сипоҳига муносабат ҳам муҳимдир. Рақиб сипоҳийларидан қай бири ўз давлатининг тузини оқлаб, бизга қарши савашган, кейин эса ихтиёрий равишда ёки танг аҳволга тушиб, паноҳ истаб келса, унга ишонч билдириб, ҳурматламоғимиз жоиз. Чунки у ўз соҳибига садоқат кўрсатиб, еган тузини оқлаган. Қарши томоннинг асир тушган аскарларини ҳар қандай шароитда ўлдирмангиз! Уни ўз ихтиёрига қўймоқ лозимдур. Истаса, навкарликка олмоқ керак. Хоҳламаса озод этилсун! Амир ёхуд мингбошимиз қилич зарби ила рақибнинг бир фавж лашкарини синдирса, у биринчи амир этиб тайинланади. Баҳодирлик кўрсатган биринчи амир эса иккинчи бўлади

ва рутбани оширмоқ шу тахлит давом этади, — бир оз тин олиб таъкидлади. — Машваратимиз ҳам оёқлади. Ичгуликларни бек ва саркардаларимизга улашинг, — деди дастурхончига.

Анчадан бери давом этаётган муҳокамаю мунозарадан толиқиб ўтирган мажлис аҳли хузур-ла шарбат, қимиз ва айрон ичмоққа киришди.

Бурчакдаги махсус кўрада ҳинд ўлкасидан келтирилган хушбўй ҳидли оғоч тутаб, мушк ва анбар каби қоришиқ кўкилар таралар эди. Шафтоли шарбатидан ҳўплаб ўтирган улуғ Амир мулоҳаза оҳангида фикрини давом эттирди.

— Давлатимизга меҳнати синган инсон борки, биздан норози бўлмаслиги керак. Айниқса, хизматдан қолган кекса сипоҳиларга эътибор-ла қарамоқ лозимдур. Улар юртимиз учун қону жонини тиккан инсонлардур. Бул кишилар салтанатимиз устунларидур. Уларнинг тажрибаларидан фойдаланмоғимиз, аскар ёки давлат ишидан ажралаётганларида фарзандларини ўринларига олмоғимиз керак. Отаси бизга садоқатли бўлганларнинг фарзандлари ҳам хиёнат қилмағай!

Улуғ Амир сўздан тўхтаб, шарбат ичаётганида Боботурк яқин келиб ниманидир эслатди.

— Яна бир нарса хотиримиздан фаромуш бўлаёзибди. Биз мухтарам Аббосбекнинг хизматларини алоҳида тақдирламоғимиз лозим. Бу лашкарбошимизга Самарқанд мудофааси бобидаги фидойилиги учун фахрли хитоб, туғ ва ноғора берилиб, баҳодир деб аталсин! Аббосбек салтанат шериги сифатида бундан буён мажлисимизда ҳозир бўлсинлар. Ул кишига, чегара вилоятларидан бирини берамиз ва ўшал худуднинг амирлари ул кишимнинг измида бўлажак!

— Аббосбек бул кўрсатилғон шарафга муносиб инсондир! — деди Самарқанд доруғаси Сулаймоншоҳ дўстининг тақдирланишидан хурсанд, бўлиб. — Оллоҳ рози бўлсин сиздан, ҳазрати олийлари!

— Астағфируллоҳ! Эртага пешин намозидан сўнг Аббосбекнинг зиёратларига бориб, кўнглини сўраймиз.

— Амр, хоқонимизнингдир! Бош устига, улуғ Амирим! — таъзим-ла эгилди Сулаймоншоҳ. — Кўп савоб иш бўлур эди.

— Сизлар-ла маслаҳатлашажак ишларимиз борки, бу хусусда ҳассос ва қаттиққўл бўлмасак, давлат асосига путур етажак, —

деди Темур ҳайъатга юзланиб. — Азиз биродарларим! Барчангиз мансабу мавқеингиздан қатъи назар давлатимга шерикдурсиз! Машаққатли меҳнатингиз, қон кечиб қилган савашларингизсиз бу салтанат юксалиб, бугунги мақомига етмаган бўлур эрди. Менинг мамлакат пойтахтида бору йўғим замонида амал қилинажак айрим йўруқларни айтиб ўтмоқчиманки, буни барчангиз бирдек қулоғингизга қуйиб олинг! Бу тузукларга итоат этмаслик давлатга қарши қилинган исён дея баҳоланади! — дея яна ўтирганларга юзланди улуғ Амир.

— Сўйланг, Хоқони акрам, қулоғимиз сизда, — деди бошини ирғаб унинг сўзини маъқуллар экан Шайхулислом. — Зотан, ясо-йўсунсиз ва шариат қонун-қоидаларисиз давлат давлат, мамлакат мамлакат бўлмас.

— Ҳақсиз, Шайхулислом ҳазратлари! Бу дунёда ҳокимият, мамлакат ва элу улус бор экан, хатою хиёнат, нуқсону жиноят бўлмоғи муҳаққакдир. Шундай эркан, бундан буён менинг ўғилларимдан бирортаси салтанат даввосини қилиб бош кўтарса, уни уриб-сўкиб жазолаб, ўлдирмоқ ёки мучасидан бирон жойини кесмоққа кимса журъат этмасун! Лекин анинг хатти-ҳаракатини кўз остида тутсинлар ва инсофга чақирсинларким, токи у ўз даввосидан қайтсин ҳамда тангри таолонинг мулкида фасод чикмасун! Агарда набиралар ёки қавм-қариндошлар душманлик йўлига кирса, уларни маошларидан маҳрум қилиб, дарвеш кўйига солсинлар. Амирларимиз фаолиятлари давомида нифоққа борсалар, улардан амирлик мартабаси ва ерлари тортиб олинсин! Давлатга зиён еткизгулик иш қилган бўлсалар, улар ўзга амирларга тобеъ этилсунлар! Сипоҳийлик ишларида нуқсонларга йўл қўйган бўлсалар мансабларидан бўшатилиб, ёзиш-чизиш билан шуғулланувчилар орасидан иш берилсун! Шундан сўнг ҳам хатоликқа йўл қўйсалар, қайтиб хизматга олинмасин!

Темур сўздан тўхтаб, дастурхончига қаради. У патнисда сабзи ва шафтоли шарбати келтирди. Улуғ Амир шарбатдан бир неча қултум ичиб, томоғини қириб қўйиб, сўзида давом этди:

— Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиманки, буни ўнг ва сўл қулоғингиз ила яхши эшитиб олинг. Киши амирми, бекми, лашкарбошими эрта кунда мансабидан кетиб, од-

дий фуқаро бўлганида ҳеч қачон таъқиб этманг. Бола-чақасини боқиб, тирикчилик ўтказмоғига халақит берманг! Уларга жабр-зулм ўтказманг! Мисол учун, мана шу Барот хожанинг бошига тушган шармандалик унга етиб ортади. Амир Темур жазо берди дея кўчада дуч келган одам уни турткиламоғи, изза қилмоғи шарт эмас. Айбдорни жазолаб, яхши ишлаганни рағбатлантирмоқ ҳар қандай ҳукмдорнинг вазифасидир. Зиндонда ётган айбдор ҳам менинг ватандошим, диндошим ва миллатдошимдир. Мен ҳеч қачон ундан тонмайман ва бунга ҳаққим йўқ! Халқда худо бир кишини уради, подшоҳ атрофидагилари билан бирга қўшиб уради деган гап бор. Одил ва ҳаққа амал қилган подшоҳ бундай қилмайди. Бу унинг ожизлиги ва золимлигининг белгисидур! Ўйлайманки, менинг фикримга қўшиласиз!

– Кўп маъқул!

– Топиб айтилган гап!

– Қўшиламиз! – овозлар эшитилди солиндан.

– Энди эса саройимизнинг энг муҳим ва эътиборли кишилари бўлмиш вазирларимиз хусусида. Вазир биродарларимиз хизматлари давомида салтанатни йиқитиш қасдида давлатга хиёнат қилган бўлсалар ҳам, уларни маҳв этмоққа шошилманг! Балки энг аввал хабар етказувчиларнинг кимлиги, даъволарининг рост-ёлғонлигини малак тоши<sup>1</sup>га уриб, текшириб кўрсинлар.

Чунки кўп ҳолларда ҳасадчилар ва ғийбатчилар, ё кўролмаб, ёки тамагирлик билан ёлғонни бичиб-тўқиб, уни рост каби тақдим этадилар, палид ниятларига этадилар. Давлат ичида талай олчоқ, ёмон одамлар бордирки, давлат душманларини кўқларга кўтариб, жонфидо, ватансевар инсонларни эса турли макр-хийлалар билан хароб қиладилар. Ҳаётимда бу каби ҳолатларни жуда кўп кўрдим. Амир Ҳусайн энг яқин одамларим амир Жаку билан Ики Темурни менинг қўлим ила ўлдирмоқчи бўлганида унинг хиёнатли режасини сезиб қолдим ва улар хусусида айтилган гапларни эшитмаганга олдим. Бу каби воқеалар ҳамон бўлиб турибди. Рижа этамен, ҳузуримга бир-бирингизни ёмонлаб кирманг. Орангиздан оламушук ўтган бўлса бунинг

<sup>1</sup> *Малак тоши* — олтинни суртиб-тоза ёки сохталигини аниқлаб берадиган қора тусли бир тош. Темур бу ўринда уни кўчма маънода ишлатмоқда.

чорасини менинг амрим ва қиличимдан изламанг. Бу қилични ўткир ақл, теран туйғу ва соғлом фикр ила ишлатмоқ масъулия-ти усиз ҳам мен учун ғоят оғир ва машаққатлидир...

Темур шундай деганида ўтирганлар орасига шов-шув оралаб, бир-бирларига зимдан ва ғалати қараб қолдилар. Бир неча нафар мулозим кулоғигача қизарди. Туппа-тузук амиру саркардалар-нинг дами ичига тушиб кетди.

Улуғ Хоқон қўлидаги шарбатни охиригача ичиб, косани пат-нисга қўйди. Хонага ёзилган чўғдек гиламдан кўзини узмасдан бир оз ўйга толди. Бу сўздан сўнг йиғилганлар ўзга хаёлга бор-масин дея ҳеч ким томон боқмади. Калта қирқилган соқолини ўнг кўли билан силаб қўйиб, фикрида давом этди:

– Яна бир айтар сўзим шулким, мамлакатимиз бойлиги қўлларида бўлган хазиначиларимиз, молия ишига масъулларимиз ҳақидадур. Улар ўзларига билдирилган ишончни оқламай қўл остиларидаги бойликни ўзлаштирган бўлсалар яхшилаб текширилсин. Агар ўзлаштириб олган маблағи, ўзига тегишли улуфа миқдорига тенг бўлса, мазкур маблағ унга совға-инъом ўрнида берилсин. Агар бу маблағ маошидан икки баробар ортиқ бўлса, ортиғи оладиган маблағидан ушлаб қолинсин. Агар маошидан уч баробар кўп маблағ олган бўлса, ҳаммаси хазина ҳисобига ўтказилсин. Яна шуни ҳисобга олмоғимиз жоизки, салтанат амалдорлари ортиқча обрўталаб бўлмасинлар. Фуқаронинг вазиру амирларни ортиқча кўтар-кўтар қилиб сийлашларига йўл қўйилмасин. Шу ўрнида сизга бир ибратли ҳикояни сўзлаб бермоқчиман. Орангизда кимгадир сўзлаган бўлсам, узр тилайман. Чиғатойхоннинг бир вазири бўлган экан. Ҳасадчилар уни хазинадан бир неча минг динар олтин ўғирлади дея хонга шикоят ёзишибди. Хатни хонга кўрсатганларида, у вазирни хузурига чорлаб, унга итоб<sup>1</sup> қилиб, дебди: «Сен назари паст одам экансан. Мендек подшоҳнинг вазири бўлатуриб, хазинамдан шунчалик оз нарса олибсан!» Доно вазир хоннинг бу қадар эҳсонидан мамнун бўлибди ва бор давлатини келтириб, хонга тақдим этибди.

Бу билан хон олдида ўз мартабаси ва обрў-эътиборини сақлаб қолибди. Мабодо бул каби ишларга қўл уриладиган бўлса мансаб ва обрў-эътиборга яраша тузукроқ бўлсин! – дея жилмайди Темур.

<sup>1</sup> *Итоб* – қаҳр-ғазаб билан сўрок қилмоқ.



Ўлтирганлар ҳам бир-бирларига қараб кулишди. Ниҳоят, Темур сўзини яқунлаб деди:

– Сипоҳийлар хусусида ҳукм булдир. Агар у ҳаддидан ошиб, кўл остидаги кишига зулм ўтказса, уни тутиб, мазлум кўлига тоб-шуринг. Токи додини ўшалар берсунлар. Агар қадҳудо<sup>1</sup> ва қалонтар<sup>2</sup>лар кичикроқ даражадаги одамга зулм қилган бўлсалар, қилган зулмига яраша, кўтара олишига қараб жарима солсинлар. Агар доруғалар ва ҳокимлар халққа жарб-зулм қилиб, уларни эзган бўлсалар, гуноҳларига яраша жазо тайин этсинлар. Айби исботланган кишига жарима солинса, дарра билан урилмасин. Дарра билан урилса, жарима солинмасин.

Сўнг юсунимиз ўғрилар борасида. Улар қаерда ва ким томонидан тутиб олинмасин, Ёсо бўйича жазолансин. Кимки бировнинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, уни ўшал золимдан қайтартириб, мазлумга топширсинлар. Агар кимда-ким тиш синдирса, кўзни кўр қилса, қулоқ ва бурун кесса, шароб ичиб, зино ишлар билан шуғулланса, девондаги шариат қозиси ёки аҳдос қозисига элтиб топширсинлар. Шариатга оид ишларни ҳал этишда ислом қозиси ҳукм чиқарсин. Урф-одат ишларини эса аҳдос қозиси тафтиш қилиб, сўнгра менинг арзимга етказсин. Боиси, бизнинг мамлакатимиз худудлари чексиз ва турли ўлкаларда турли дин ва урф-одатдаги эл-улуслар яшайдилар. Бундай ҳолатлар юз берганда биз ўз андозамизда ўлчаб, ўз шароит ва тариқат талабларимиз асосида бичиб-тикмаслигимиз керак. Ҳар бир қавм ва диндаги кишиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини бермоғимиз ва ҳимоя этмоғимиз шарт! Акс ҳолда биз буюк ва қудратли салтанат ярата олмаймиз! Барпо этсак-да, сақлай билмаймиз!

Узоқ муддат мамлакат бошкентида бўлмаган Хоқон ҳеч бир машварат ва мажлисда бу қадар узоқ сўзламаган эди. Тўхтамишхон қўшнининг қутилмаган тажовузи ва бебошликларидан сўнг юртда тузук бўшашган деган фикрга келган, шунинг учун ҳам у ясо ва юсунинг асосий тамалларини яна бир бор таъкидлаб, давлати арконнинг кўзларини катгароқ очмоққа даъват этаётган эди.

<sup>1</sup> *Қадҳудо* – кишлок, жамоа оқсоқол.

<sup>2</sup> *Қалонтар* – шаҳар амалдорларидан бири.

Бехос чўчиб уйғонган боладек ёғий зарбасидан безовта бўлган она Самарқанд яна эски сокин кунларига қайтди. Бозорлар гав-жумлашиб, гузарлардаги ҳаёт изига туша бошлади.

Тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди...

Шоҳи Қаландар Самарқанд сўқоқларида хуржунсифат халтасини бўйнига ташлаб, хорғин ва бенаво кезганча, термаларини айтар, ўтган-қайтган унга беш-ўн чақа харжлик берарди.

Қаландарлар шоҳининг оғзига қараб, янги айтувини пойлаб юрадиган ҳамкасблари эса шеърни эшита солиб, ёдлашар ва бор овозда айтишарди:

*Бошига ургин, тошин ядо,  
Чиқмас бир ун, ёхуд садо.  
Сен шаҳоншоҳ, менман гадо,  
Сўнгда иккимиз ҳам адо.*

*Иккимизни ҳам туққан бир онадир,  
Бул ҳаёт жомин ичиб ким қонадир.  
Қисматидин қай бир банда тонадир,  
Не ажабки, қабримиз ён-ёнадир.*

*Ёмонларнинг қилар иши ёрти бўлар,  
Ёмонзотнинг бир қилиги ортиқ бўлар...*



## ЎТТИЗИНЧИ БОБ

*Чингизхон ҳарбий санъатни Олтой тоғи  
этаклари, Туркистон ва Мўғул саҳроларида  
кўчиб юрган турклардан ўрганган.*

Иванин

*Ит териси пўст ўлмас,  
Ота душман дўст ўлмас.  
Халқ сўзи*

Улуғ Амирнинг бошини қотирган яна бир муаммо, Хоразм волийси Сулаймон Сўфийнинг Тўхтамишни қўллаб-қувватлагани, ораларидаги қариндошликни ҳам ҳисобга олмай, хиёнат йўлига ўтгани эди. Саройда, масжиду мадрасаларда ва бозорларда халойиқ Сўфийларнинг куни битганлиги, Самарқанд ва Бухоро бозорлари хоразмлик мардикорларга тўлажаги ҳақида сўзлашар, бу хусусда талашиб-тортишар эди.

Темур машваратнинг эртаси куни бомдод намозидан кейин Кўксарой ҳовлисига чиқиб, бир оз айланди. Пешин намозидан сўнг эса Сулаймоншоҳ йўлдошлигида Аббосбек баҳодирнинг кўнглини олишгач, шаҳарнинг асосий кўчаларидан ўтиб, марказий бозорга келдилар. Дўкончилар билан суҳбатлашдилар. Сўнгра хос маслаҳат чақирилган Кўксаройга қараб юрдилар.

– Машваратга кимлар даъват этилган? – сўради улуғ Амир Боботурқдан садақайрағоч соясига кўйилган курсига оғир чўкаркан.

– Амирзода Умаршайх, амир Сайфуддин, Саброн ҳокими Темур Хожа, Отламиш фақир Вусматий, Тангриқули Қорақишлоқий, Алп Туркашбек ва камина фақир, ҳазрати олийлари; – жавоб қилди амир.

– Мусофирларимиз борми?

– Бор, ҳазрат. Шарофиддин Дизаки бошчилигидаги бир гуруҳ қашқарлик фикр кишилари ва тужжорлар бугун кечаси Самарқандга етиб келиб, қабулингизни беқламоқдалар.

– Кўп яхши, – деди Темур мусофирлар ташрифидан мамнун бўлиб. – Шарофиддин Дизаки Қашқарда бўлганимизда хузуримга келган эди. Биласизми, у ким?

– Йўқ, устоз, – жавоб қилди амир.

– Шарофиддин Дизаки муслмон бўлганлиги ва турк тилини билганлиги учун Чингизхон томонидан Муҳаммад Хоразмшоҳга элчи ўлароқ юборилган Фахриддин ад-Дизаки ал-Бухорийнинг авлодидур.

– Буни қаранг-а, устоз, – ҳайратини яширмади амир. – Аждодларимиз дунёнинг тўрт тарафига сочилиб кетган-а?

– Шундай, авлодим. Инсон тирикчилик учун бошини не-не тошларга урмайди, дейсиз. Тарихдан биласизким, Фахриддин ад-Дизаки ал-Бухорийни Хоразмшоҳнинг Ўтрордаги ҳокими Инолжиқ Қипчоқ ўлдиртирган. Унга қўшиб чин ва мўғул элчи ҳамда тужжорларини ҳам маҳв этган. Ана шу қонли воқеа Чингизхоннинг Турон юртига бостириб киришига баҳона бўлган. Одатда катта фожиа ва бахтсизликлар шундай кичик кўринган тўқнашуву ҳодисалардан бошланади. Бир аҳмоқ қудуққа ташлаган тошни минглаб ақлли ололмайди. Шарофиддин Дизакини бошкентимизга таклиф этган эдим. Боғи Беҳиштга одам юборинг. Кечки емакни мусофирлар билан бирга боғда еймиз. Дизаки билимдон, дунё кўрган, очиқ фикрли киши экан. Чин билан муносабатларимизда қўл келади. Ҳар қандай ҳукмдор билан тенгма-тенг гаплаша оладиган бир шахсиятдир, – мусофир ҳақида завқ билан ҳикоя қилди улуғ Амир тахт қўйилган катта солин томон юраркан.

– Амрингиз бош устига!

Машварат иштирокчилари тахт қаршисида ярим доира шаклида ўтирдилар. Одатда Темур катта машварат олдидан энг яқин амир ва махфийлари билан илк маслаҳатни қилар, шу маслаҳат йўриғи асосида катта машваратни ўтказар эди.

– Барчангиз даргоҳимизга хуш келдингиз. Тангриқулибекни илк бор саройимизда кўрмоқдаман. Бизга дўст ва хайрихоҳ мақомда эканлигингиздан мамнунман, – янги меҳмонга лутф қилди улуғ Амир. – Бугунги маслаҳатимиз салтанатимиз тарихида муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эгадур. Биз жуда оғир ва хато қилмоқ ясоқ бўлган қарор ҳамда амал олдида турибмиз. Сўз

не ҳақда кетаётганлиги барчангизга маълумдир. Биздан фарзандимиз кўрмаган яхшиликларни кўрган биродаримиз орамиздаги ота-болалик ва меҳр-муҳаббат эътиқоди устига хиёнатнинг қора чизигини тортди. Биз, хусусан, мен-ундан ҳафа бўлмайман. Демак, ул ожиз банданинг ақлу идрокининг даражаси, зақосининг чегараси мана шу номақбул ишни амалга оширмоқ ила ўлчанар экан. Начора, ҳар ким экканини ўради. Арпа эккан арпа, буғдой эккан буғдой. У бизни шундай ҳолатга солдики, уруш эълон қилмоқдан бошқа чорани тополмаётимиз. Қарийб, йигирма йилдан буён душман оти туёғи тегмаган экинзорларимиз пайҳон қилинди, элимизнинг тинчлиги бузилди. Табиийки, ҳеч бир яхши ва ёмон иш ажрсиз бўлмаганидек, бу жинойт ҳам жазосиз қолмаяжак! Айни дамда, мен сизлардан бу босқиннинг қандай ташкил этилганини ва бунда фаол бўлган шахсларнинг фаолиятларини билмоқчиман. Шунингдек, яғий кўшинининг менга номаълум томонлари хусусларида янги фикрингиз бўлса сўзламоғингизни рижо этаман.

Темур сўздан тўхтаб, Саброн ҳоқими Темур Хожа ва Отламиш фақирга қаради. Темур Хожа Отламишга сиз бошланг дегандек боқди. Фикрини жамлашга ҳаракат қилган Отламиш фақир ўрнидан оғир кўзгалди.

— Содир бўлган воқеаларнинг илдизини сизга сўзлаб берган эрдим, ҳазрати олийлари, — дея гап бошлади Отламиш. — Воқеаларнинг кейинги ривожини шундан иборатким, арзингизга етганидек, Жўчи ўрдусининг ғажирчиси Кайхусрав Хутталонийнинг ўғли Султон Маҳмуд бўлган. Унинг саройда сиз ҳазрати олийларига яқин бўлган айрим шахслар билан тил бириктиргани ва салтанатингизга қарши бош кўтармоққа ундагани Сарой Беркани руҳлантирган...

— Тўхтанг, тўхтанг! Нима дедингиз? Менга яқин бўлган қайси шахс? — Отламишнинг сўзини бўлди Темур атрофга ялт этиб кўз югуртираркан.

— Уни сўнгра ўзингизга айтсам, — каловланди Отламиш.

Хоқон не деярини билмай, бир зум ўйланиб қолди.

— Менинг сизлардан яширажак ҳеч бир сирим йўқдир. Шу боис бунини очик айтинг. Барча эшитсун. Шунга қараб чора-тадбир белгилаймиз, — деди овози ўзгариб.

Отламиш тилига калима келмай, яна бир оз сукут сақлади-да, Хоқонни узоқ куттириш нокулайлигидан қора терга тушганча, сўз бошлади.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, ҳазрати олийлари. Сизга бу сўзларни етказган тилим кесилсин! Буни айтмасам ўз вазифамни тўла-тўкис бажармаган, нонимни ҳалоллаб емаган бўламан, – тутилиб-тутилиб сўзларди Отламиш. <sup>△</sup> Султон Маҳмуд, Тўхтамишхон ва унинг улуғ амирлариға Муҳаммад Мирко Шер Баҳром ўғлининг сизга қарши эканлиғини, имкон туғилиши билан чериги ила уларга қўшилишга тайёрлигини айтган...

Солинга қабристон сукунати чўкди.

Бу хабардан сўнг бир зум жим қолган Темур беихтиёр, ўрнидан туриб, хона бўйлаб юра бошлади. Муҳаммад Мирко Хоқоннинг қатта қизи – Султонбахтбегимнинг эри эди. У ўғли Умаршайхни ўн минг қўшин билан таъминлаб, куёви Муҳаммад Миркога ўн беш минг аскар бериб қўйганди. Мана оқибат. Тўғри, унинг отаси Шер Баҳром Амир Хусайн тарафида туриб, Темурга қарши қурашган эски душмани эди. У билан ҳатто Темурнинг ўзи икки марта жангда бевосита тўқнашган. Кучи етса охириги тўқнашувда Темурни чошиб ташларди. Бироқ сермаб келаётган қиличи Темурнинг бир зарбасидаёқ қўлидан учиб кетган, отининг эгарини ушлаганича рақиб қаршисида мулзам бўлиб қолганди. Темур эса унга бир зум «суф сенга» деган маънода қараб турганича отини буриб кетган эди. Кайхусрав ҳам хоинлиги учун бошидан ажралди. Демак, ота душман дўст бўлмас экан, ўйлади Темур қайтиб келиб тахтга ўтирар экан.

– Бу гапни тасдиқловчилар борми? – сўради Темур ўша босиқ ва ғамгин оҳангда.

– Мен эшитдим, ҳазрати олийлари, – дея ўрнидан турди амир Тангриқули.

– Султон Маҳмуд бу ҳақда илк бор хоннинг улуғ амири Илиғмишга айтган ва хос учрашувда хонга ҳам таъкидлаган.

Темур Алп Туркашга қаради. Туркаш ўрнидан туриб, таъзим бажо келтирди.

– Бу сўзларда жон борми? – сўради Темур.

– Афсус, шундай, – жавоб қилди Туркаш.

– Унда сиз ҳозироқ чиқиб чора-тадбирини кўринг. У нобакор-

нинг ўзига ҳам, яқинларига нисбатан ҳам ҳозирча бирон тадбир қўлланганг. Одамларингиз яхшилаб кузатишсин, назоратга олишсин. У ўз фасодли режасини амалга ошириш жараёнига қадар кутишсин. Акс ҳолда сувдан қуруқ чиқади, – қатъий кўрсатма берди Темур.

Туркаш таъзим қилиб, чиқиб кетди.

Темурнинг асаби бузилиб, гапидан адашиб кетганидан хаёлини жамлаш учун хона тўридаги тоқчада турган «Қуръони карим»га тикилганча, фикрини жиловламоққа тутунди.

– Обрў ошдан, ғавго қариндошдан дегани шу экан-да, амир Тангриберди, – меҳмонга қараб сўзларди Хоқон. – Бечора халқ берганинга қаноат қилиб, дуои жонингни тилаб, сабр-ла шукур этади. Ҳукмдорга хешу ақрабо бўлган бу муттаҳамларга қаранг-а?! Ўзини подишоҳдан кам ҳисобламайдилар. Қанча берсанг, шунча оз кўринади уларга. Қудаларимиз ва уларнинг ўтоғоси Сулаймон Сўфийнинг ортидан кетибдилар-да булар ҳам! Ҳарб замонида бу қулдан тарқаганлар ўзларини қандай тутган эдилар? Салтанатимиз учун аслида бу сабоқ бўлиши керак! Буларнинг барчаси ҳақида билгилар олмоқ истайман! – деди Темур ўтирганларга бир-бир назар ташлаб.

Машваратга йиғилганлар ғалати ҳолатда эдилар. Хоразм юртбошлари Темурийларга қуда-анда бўлишларига қарамай, неча йилдан бери Жўчи хонлари билан гоҳ очик, гоҳда пинҳона тил бириктириб келардилар. Ўзаро қариндошлик алоқаси ҳам юзаки, душман кўзи қабилида эди. Сўфийларнинг носамимий муносабатини кўрган Темурнинг ҳам елка томири тиришди. Тўхтамиш лашқари орасида хоразм чериги борлигини эшитиб, ичи музлаб кетди.

Отламиш амир Боботуркга қаради. Бу энди сиз сўзланг, ҳадеб мен қораловчи бўлавермайин дегани эди. Боботурк ўрнидан кўзгалди.

– Илгари сўзлаганимиз каби Жўчи ва Хоразм орасидаги махфий мулоқот бир зум ҳам тинган эмас. Кечмишдан маълумки, Ўрда хонлари Хоразмни Туркистонни таламоқ учун машқ майдони ўлароқ кўрган бўлсалар, Хоразм эса уларни гўё Самарқанд ва Бухоронинг ҳужумидан ҳимоя қилувчи қалқон-деб билган. Бу ўзаро манфаатдорликка асосланган муносабатлар бугунга келиб, бизга қарши фитнага айланди. Бундан ташқари, ўзингизга маъ-

лумки, олийҳазрат, сўфийлар сулоласи эллик-олтмиш йилдан бери Ўрда хонлари билан қариндош-уруғчилик муносабатларини қуюқлаштириб, чатишиб кетганлар. Булар ҳали-бери бизга дўст бўлиб, ёнимизга кирмасалар керак деб ўйлайман, – деди амир Боботурк ишончли оҳангда.

Темур бу хусусда сиз не дейсиз дегандек Саброн ҳокими Темур Хожага қаради.

– Оллоҳ сизни бошимиздан эксик этмасин, улуғ Амир ҳазратлари! – дея сўзини бошлади Темур Хожа боядан бери хаёлида айланаётган фикрларини айтишга астойдил қарор қилиб. – Очиги, Сабронга «эрта-индин султони акбар Амир Темур ҳазратлари етиб келади» дея душманни кўрқитиб, асраб ўтирибмиз. Сизнинг исмиңгиз бизга қилич ҳамда қалқон бўлди. Миллатимиз бахтига дунё тургунча туринг! Сўфийлар хусусида сўйласам, ҳазрат, улар ҳеч қачон ва ҳеч кимга эл бўлмаганлар. Бу қавм ким кучли ва қудратли бўлса, шунинг олдида думини қисиб, ликиллаб тураверади. Керак бўлса, юзини девор қилиб, қизини ҳам жория сифатида кўшиб кўяди. Кўрган ва ушлаган нърсасидан бошқани ўйламайдиган тор фикрли бир улусдир. Менга қолса, уларнинг танобини қаттиқроқ тортиш керак, ҳатто уй-жойларини текислаб, ўрнига арпа эктириб юборсаям кам. Боси, ўн беш йилдан бери, биз ҳеч ким билан уларчалик савашмадик. Аслида ўпкасини қўлтиқлаган Ўрда хонларини ҳам бизга қарши қайраб, йўлдан урган шулар. Шул боис аларни жазоламасак, юртимизнинг шимоли-ғарбий ҳудудларида тинчликни сақлолмаймиз. Агар хато сўйлаган бўлсам ёким сўзим маъкул келмаса, узр тилайман! Сўзимнинг исботи шулки, айна шул дамда Илиғмиш ўғлон Хоразмдадир ва Сулаймон сўфи билан келажак режаларини пишитмоқдалар эмиш.

Темур Хожа сўзини тугатиб, таъзим қилди. Темур унга ўнг кўли билан ўлтирмоққа ишора этди.

– Сен ҳақни сўзладинг, Темур Хожа! Гапларинг аччиқ ва оғир ботадиган бўлса-да, ҳақиқатдур. Мен мавриди келганда шуни таъкидламоқчиманки, мўғул улусининг шавкатли шаҳзодаси сифатида, сен, салтанатимизга ҳалол ва садоқат ила хизмат қилмоқдасан. Саброн ҳимояси борасида қилган ишларинг авлодлар оғзида дoston бўлажак! Ана шу хизматларинг эвазига бугундан эътиборан сен Турон салтанатининг амирисан! Аслида



мен юзимизни улус олида ерга қаратган ўшал Тўхтамиш ўрнига сен ёки Идику Манғит каби бирини хон кўтартирганимда, бугунги маломатдан узоқроқ бўлармидик. Нима ҳам қилардик. Не бўлса қисматдин, Оллоҳдин. Ташвиш берган Эгаси, уни барта- раф этмоқ чорасини ҳам кўрсатар. Бизнинг вазифамиз бу йўлни ақл кўзи ила кўриб, қатъий қарор-ла адолат манзили томон бормоқдир. Яратган ҳеч қачон бизни ўз марҳаматидан дариг тут- масин!

Темур Хожа ўрнидан туриб, таъзим бажо этганча миннатдор- чилик билдирди.

– Ҳаёт эканман, авлод-аждодим билан хизматингизда бў- лурман, буюк Амир ҳазрати олийлари. Турон тупроғининг ши- молий синирларидан ёғий фақат Темур Хожанинг жасадини бо- сиб ўтиб кириши мумкин! – йиғига ўхшаган овозда ҳаяжонланиб сўзлади Темур Хожа ўғлон.

– Сўзларингнинг самимийлигига ишонаман ва бундан буён Турон мулкида яшайдиган мўғул қавмининг увол-савобини сендан сўрайман. Кайхусравнинг ўғли, чиғатоий ўғлон Султон Маҳмудга ўхшаб, биз Чингизхон авлодиданмиз дея бош кўтариб, эл тинчлигини бузадиганлар чиқиб қолса, билгинки, энди уларга омонлик йўқ. Бу чалахоин авлодларингни назорат қил ва йўлга сол! Энди елкангда амирлик масъулияти ҳам бор, англадингми, Темур Хожа ўғлон? – овозини баландлатиб сўради Темур.

– Англадим, ҳазрати олийлари! – қатъият билан жавоб қайтарди амир Темур Хожа. – Амру фармон Султон соҳибқироннингдир!

– Яна шуни унутмагинки, эндиликда нафақат мўғул қавми, мўғуллар ила Туркистонга кириб келган бошқа қавмлар ҳам ерли элатлар билан қўшилиб кетдилар. Яратганнинг ҳақ дини- ни қабул этиб, мусулмон бўлдилар. Оллоҳни таниб, исломга кириш ўша Ботухоннинг олтинчи авлоди Ўзбекхон ва Чиғатоий авлодидаги ўн тўққизинчи хон Алоуддин Тармаширинлардан сўнг кенг тус олган. Шундан сўнг турк, мўғул ва форсий улуслар ўртасидаги диний можароларга деярли барҳам берилган. Бироқ ҳамон улусларимиз орасида уруғчилик ва маҳаллийчилик каби бир иллат борким, бизнинг елкамизга офтоб теккизмай келаёт- ган энг катта офат шудир. Мана, Самарқандда жуда кўп мадраса ва дорилфунунлар очдик. Дунёнинг энг улуғ олиму фозиллари

бу ерда сабоқ бермоқдалар. Сен сахрони танг қилиб, чангитиб юрган қавмларингни олиб келиб ўқитгин. Ўқишсин, дунёни фақат жангарилик билан эмас, илм, маърифат орқали танишсин. Илмли инсонлар ҳаётини, яшамоқни ўзгача тасаввур этишларини ўргансинлар. Ўқиш ва емак харажатларини хазина ҳисобидан кўтарамиз.

– Эртагаёқ ўзим ила баробар келган икки ўғлимни ва ёш навкарлардан ўн-ўн беш нафарини ўшал мадрасаларга топширамиз, ҳазрати олийлари. Чиндан ҳам ҳеч бир замонда инсон зоти китоб кўрмай, дунёни тушунмай, элу юртни бошқара олмаган. Қолаверса, ўзимиз ҳам ўқимоғимиз керак, – дея қизариб-бўзариб жавоб қилди Темур Хожа.

Темур ўрнидан туриб келиб, амир Темур Хожани янги унвон билан табриклар, мулозим келтирган шоҳона тўнни унинг елкасига ташлади.

– Биз не бўлсак ҳам, не қилсак ҳам, Темур Хожа, элу юрт, Ватан омон қолмоғи керак! – деди Темур унга момақалди роқ каби қудратли овозда.

Мўғул шаҳзодаси Амир Темурнинг залворли овозида илоҳий бир куч-қудрат борлигини ҳис этди. Ҳақиқатан ҳам Темур тангри ўнг кўзи билан қараган авлиё каби бир инсон экан, деган фикр кечди ҳаёлидан. Бу инсонга хиёнат қилиб бўлмайди...

– Сизни, муҳтарам амир Тангриқули, дунё кўриб, эл таниганингиз учун хос элчи этиб тайинлаймиз! Ўйлаймизки, юртимизга сиздан наф келажак, оғир кунимизга яражасиз! – деди Темур Тангриқули Қорақишлоқийга қараб.

– Қуллуқ, улуғ Амир ҳазратлари! Сиз каби олам Султонига хизмат этмоқ менинг азалий орзуим эрди! Оллоҳга минг шукрларким, ниятимга етдим! Юрт хизматига жонимиз фидо бўлсин! – дея миннатдорчилик билдирди Тангриқули Қорақишлоқий.

– Барчангизга Оллоҳ ёр бўлсин! – дея келганларни йўлчи этди. Хонада амир Боботурк қолди.

– Темур Қутлуғ ўғлон билан Кунча ўғлон қаерда? – сўради Темур Тўхтамишнинг саройидан қочиб келган икки чингизий хонзодани назарда тутиб.

– Шу ерда, ёндош хоналардан бирида, бекламоқдалар.

– Сўйланг, ташриф буюрсинлар! – шаҳзодаларни хузурига чорлади хоқон.

– Толиқдингиз, устоз. Балки бир оз истироҳат этиб, сўнгра кўнишарсиз, – деди Боботурк бўлиб ўтган нохуш гап-сўзлардан ранжиган улуғ Амирга.

– Бу суҳбатдан сўнг черикни кўздан кечирамиз. Энди истироҳат этмоқ ҳам кўнгилга сиғмайди, Боботурк. Бу фалокатни бартараф этмагунга қадар, ётиш-туришимизда ҳаловат бўлмайди.

Бек бош эгганча, индамай чиқиб кетди.

Солинга йигирма беш-ўттиз ёшлар чамасидаги бир-бирига ўхшаш қисикқўз, дўнгпешона, бўрсик юзлари оқ-сарикдан келган икки миқти ва ғўлабир шаҳзода кириб келди.

Уларнинг эғнида мўғул хонзодалари киядиган ёқаси қийшиқ зарбоф тўн, оёқларида ялтирок, тўқ малларанг сахтиён этик, бошларида кичик тожли дубулғасифат бўрклари бор эди.

Ёши каттароқ Темур Қутлуғ ўғлон дастлаб солинга кирди. Ортдан Кунча ўғлон кириб, бош эгганча улуғ Амирга таъзим бажо келтириб, салом бердилар.

Темур тахтдан қўзғалиб, шаҳзодалар олдиға борди ва елкаларига елкасини теккизиб, саломлашди. Меҳмонлар шарафига саройнинг емак хонасида суфра ҳозирланган эди. Шу боис Темур суҳбатни емакхонада давом этдирмоқ учун уларни дастурхонга таклиф этди. Суҳбат мўлжалдагидан анча чўзилди. Хоқоннинг ўзларига кўрсатаётган иззат ва эътиборидан икки ўғлон ҳам бирдек мамнун бўлиб, хўриллатиб шарбат ва қимиз ичишар, иштаҳа билан хусайни узум билан Самарқанд патирини ер эдилар.

– Раъйимизни қайтармасдан, бизни шоҳона қабул қилганингиз ва кўрсатган иззат-икром учун ташаккуримизни қабул этинг, улуғ Амир ҳазратлари, – дея сўз бошлади Темур Қутлуғ ўғлон хонзодаларга хос босиқлик ва салобат билан. – Бизга маълумки, бундан бир неча йиллар бурун бизни юртимиздан қувғин қилган, бойликларимизни тортиб олган Тўхтамиш ҳам худди иккимиз каби ҳузурингизда бош эгиб, нажот тилаб ўтирган эрди. Замон, макон ва инсонни қарангки, улуғ Амир ҳазратлари, ўшал машаққатли ҳамда таҳликали кунлар хон ҳазратларига сабоқ бўлмабдур. Аҳвол шул даражаға етдики, Ўрда худудида яшаётган бирорта Боту авлодидан ўғил туғилса, уни дуо маъносида унсин-ўссин, келажакда хон бўлсин дейилса борми, бу оиланинг бошида қиёмат кўпаётир. Ўша чақалоқнинг териси ши-

линиш даражасига етаётир. Бизга ўхшаган хонзода ёким хонга яқин бўлган амирлар ўғри мушукка ўхшаб юришга мажбурмиз. Ҳар қадамда айғоқчилар. Бу азобдан сиқилиб, остонангизга бош уришни афзал деб билдик, ҳазрати олийлари, – дея сўзини тугатди Темур Кутлуғ ўғлон.

– Биз хеш-акрабо қавмимиз. Ҳар замон бир-биримиз учун эшигимиз-да, дастурхонимиз-да очик бўлмоғи лозим, – дея оҳиста сўз бошлади Темур ўйчан оҳангда. – Ўрдадан ташриф буюрган ҳар бир кишига, хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ фуқаро, раҳм-шафқат ва меҳр-мурувват кўрсатганмиз. Бироқ бугун, шу дамгача қилган барча саъй-ҳаракатларимиз зое кетиб турибди. Биз ҳар қандай душман ила савашмоққа ва унинг танобини тортиб кўймоққа ҳозир эрдук. Аммо Ўрда лашкари ила савашамиз деган фикр аклимизнинг учига ҳам келмаган эди. Начора, мухтарам хон ҳазратлари бизни шундай ҳолатга солдиларки, савашмақдан ўзга чора қолмади. Ул кишимдан биз шу пайтгача ҳеч кимдан кўрмаган ҳурматсизлик ҳамда ёвузликни кўрдик. Бундан буён ҳар ким Тангри қисматига нени ёзган бўлса, шуни кўрадур. Биз ул хонни ҳеч замон ва ҳеч бир дақиқа ўзларини ғолиб ҳис этмоқларига йўл кўймаймиз. Уларни ҳар бир дақиқада таъқиб этамиз ва ўша саҳролари қаърига элтиб, тикамиз. Умуман, нафақат хон, жўчи улусидаги барча элбошилар бундан буён ўзларининг ҳайитлари ўтганлигини, хоҳ Русия ерларида, ёким Туркистон худудида бўлсин, энди ўз ҳукмларини ўтказа олмасликларини чуқур англаб етмоқлари ва шунга кўра иш юритмоқлари лозим. Дунёда ҳеч бир иш ҳеч қачон сўнгига қадар қилич билан ҳал бўлмаган. Қилич воситасида ҳал этилган муаммонинг жавоби ҳам қиличдан келади. Бундан олдинги суҳбатимизда сиз қатнашмаганлигингиз учун у ерда бўлиб ўтган баъзи гап-сўзларни сизга янада қайтармоқчиман. Ҳаддидан ошган хон ва ҳайбаракаллачиларни жойига ўтқазиб қўямиз. Шундаям тавбасига таянмаса, ўзидан кўрсин! Урушу савашлардан улус чарчади. Энди ёшларни ўқитмоқ, фикрини ойдинлатмоқ лозим. Илм ва маърифатга талпинмаган қавм йўқ бўлмоққа маҳкум этилган қавмдур, – дея фикрини яқунлади Темур Кунча ўғлонга сўз навбатини бериш маъносида қараркан.

– Сизга маълумки, улуғ Амир ҳазратлари, Оллоҳ раҳматиға

олган, Баракахон замонидан бошлаб, бизнинг бошкентимиз Сарой Берка илму урфон, фозилу комилларнинг маскани эрди. Олимларнинг сўзларига қараганда, ўша замонда ҳатто Қоҳирада ҳам Саройдагичалик ислом оламининг улуғлари яшамаган экан, — қироат ва бир оз кибр билан сўз бошлади Кунча ўғлон.

Бу хонзодалар чиндан ҳам чорасизликдан, ўлганларининг кунидан Темур остонасига бош уриб келар, ичларида эса буюк Амирга нисбатан катта ҳасад ва чексиз адоват ўти яширин эди. Улар оддан тушсалар-да эгардан тушишмас, имкон келгани замон ўзларининг хон авлоди эканлигини пеш қилиб, душманлари битта бўлса, ўнтага орттириб юрар эдилар. Темур бунинг барчасини сезиб турар, билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка оларди. У ҳар қандай шароитда ўзини боса билар, суҳбатдоши ғурурига тегса ҳам буни унга сездирмас, душманнинг сиртида эмас, ичида бўл деган ақидага амал қилар эди. Аини дамда Кунча ўғлон ҳам Темурга Сарой ва Жўчи улусининг ўтмишидан сабоқ бермоқчидек бўлаётганди.

— Улуғ Хоқонимиз Баракахон ислом хилъатини кийгач, улус қавмлари ҳам ҳанафий маҳзаби байроқларини кўтардилар. Бул ҳақ дин хусусиятларидан одамларни воқиф этмоқ ва ягона Оллоҳни тан олиш йўлларини кўрсатдилар. Уларда тўғри эътиқод ҳосил қилиш учун ҳатто бутун ислом оламининг турли томонларидан машойихларни ўз хузурига даъват этганлар. Баракахон илму фанни ва уламоларни иззатга сазовор этиб, тангри-таоло қонун-қоидаларию пайғамбарлар йўл-йўриқларига чексиз ҳурмат кўргузди. Ўшал замонда Баракахон хузурида ва ундан сўнгра Ўзбекхон ва Жонибекхонлар хузурида маълум ва машхур мавлоно Кутбуддин, аллома ар-Розий, шайх Саъдуддин Тафтазоний, мавлоно Ҳофизуддин ал-Баззозий ва мавлоно Аҳмад ал-Хўжандийлар бўлганлар, — баланд овозда ифтихор билан сўзлар эди Кунча ўғлон.

Хонзода бу билан Темурга сен бугун Самарқандда қўл урган ишга бизнинг боболаримиз юз йил бурун киришганлар дея писанда қилаётгандек туюлди.

Лекин унинг гапини бўлмади. Хонзодага совуққонлик билан мийиғида кулиб, жавоб қилди.

— Биз шунақа қавммиз, иним. Юртимизга ҳинду ҳижоздан —

келган ҳар қандай олиму фозиллар, амиру лашкарбошилар, тужжору хунармандлар, қаландару дарвешлар сиғадю, ўзимиз сиғмаймиз...

Кунча ўғлон хонтахта устидаги қирмизи чин пиёласи каби кизарди. Унинг Темурдек киши олдида қилган одобсизлигидан кибор Темур Қутлуғ ҳам бирдан изза тортди. Бу ноқулай вазиятдан чиқмоқ чорасини ахтараркан, Кунча ўғлонга ёв қараш ила тикилди. Ўртага ноқулай жимлик чўқди.

Толиққан Темур эшик оғасига амир Боботуркни чақирмоқни буюрди. Сўнгра дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўрнларидан кўзгалдилар. Қопу томон йўналган Темур ўйга толганича, берилажак фармони олийнинг жумлаларини такрорлай бошлади.

– Фармони олий матни шундай! – Боботуркга юзланди Темур. – Амир Худойдод, Умар баҳодир ва Шайх Алибекларнинг чериги душман изидан тушсин ва уни борган ерига қадар таъкиб этсун... Кўшинга ғажирчи этиб мухтарам Кунча ўғлон ва Темур Қутлуғ ўғлонлар тайинлансун! Бул икки хонзодамизга истаган ерларидан суюрғол берилиб, тархон унвонига сазовор этилсун! Авлодлари ҳамда бойликларига зиён-заҳмат етказилмасун!

Амир Боботурк фармон матнини қоралаганча, Темурдан яна амр кутиб, турарди.

– Биз ҳовлидаги кўшқда Кунча ўғлон билан икки қўл шатранж ўйнаймиз. Сўнгра черикни кўргани чиқамиз, – деди Темур Боботуркга. – Айтинг, шатранж тахтасини кўшқка келтирсунлар. – Ҳокон Кунча ўғлонга маъноли қараганича гапида давом этди: – Хоҳласангиз нард ўйнаймиз. Нима дейсиз, Хонзода?

– Сиз нени истасангиз-шуни ўйнаймиз, улуғ амир ҳазратлари, – жавоб қилди Кунча ўғлон ҳамон ўзига келолмай.

Шатранж тахтаси устидаги бу тўқнашув эрта-индин икки салтанат ёхуд икки сулоладан бирининг қисматини ҳал этажак оғир ва машаққатли жангнинг шарпаси каби эди.

Икки намоз ораси кечар вақт давом этган ўйин дуранг билан тугади. Бир даъфа Темур, сўнгра Кунча ўғлон ғолиб келди. Меҳмонлар билан хайрлашган улуғ Амир энг яқин мулозимлари йўлдошлигида шаҳар ташқарисига отланди.

– Боботуркбек, гапиринг. Недан жимсиз? – деди меҳмонлар анча олислашганда отини йўрттириб бораётган Темур. – Ниманидир айтмоқчисиз, бироқ мендан истиҳола қилиб тургандай-сиз. Шундай эмасми?

– Шундай, ҳазрат, – дея жавоб берди отини тезлатиб устозига яқинлашган Боботурк.

– Сиз мурувват кўрсатаётган бу икки ўғлон пайти келиб, Тўхтамиш қилган хиёнатни икки баробарини такрорлайдилар, демоқчисиз! Шундай эмасми? – ўгирилиб Боботуркнинг кўзларига тикилди улуғ Амир.

– Шундай, устоз! – яна жавоб қилди Боботурк. – Бу қавмдан ҳеч қачон бизга хайр келмайди. Балки унчалик ҳақ эмасдирман. Бироқ шу фикр ақлим ва кўнглимга ўрнашиб қолган. Инсон совуқ ақли воситасида келишувчиликка бориб, кечиримли бўлиши керак деб ўйлайману бироқ юрак таъкид этган нарса юз бермасдан қолмас экан. Тўхтамиш ҳақидаги баҳсларимиз эсингиздадир.

– Эсимда, авлодим, – деди Темур оғир тин олиб. – Ҳеч нарса, ҳеч қачон хотирамдан чиқмайди. Лекин ёғийга айланган бўлсада, Тўхтамиш булардан ақлли. Бироқ сотқинлик борасида барчасининг тупроғи бир ердан олинган. Бу хусусда иккисининг ҳам ундан бир туки кам эмас. Бироқ буларнида пахта билан бўғизламоқдан бошқа иложимиз йўқ. Биз қабул қилмасак, улар қочиб Усмонли ёким Миср султони хузурига борадилар. Модомики, бу баччалар хоинликдан лаззат туяра экан, уларни бу хузурдан махрум этмайлик. Айни дамда эса бурнини ерга ишқалаб ишлатинг. Бу қавмларнинг мусулмончилиги ҳам турклашмоғи ҳам шунчаки тирикчилик, кун кечирмоқ ва яхшироқ яшамоқ учундир. Аларда ҳеч бир нарсага чин ихлосу эътиқод ҳеч қачон бўлмаган. Улар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Шунга қараб тўнларини бичаверасиз, мухтарам иним Боботурк. Бу қавмнинг ўтроқлашмоғи, маданийлашмоғи учун замонлар кечмоғи лозим. Овга чиққан овланар дейдилар. Жоҳил ва саҳройи қавмлар бирданига ўз ҳаёт ва турмуш тарзларини ўзгартира олмайдилар. Кўктурклар ва Уйғурлар давлатнинг Қоракурумдек бошкентини Чингизхон яксон қилган. Давлат ва мамлакат пойтахтини кўчманчи, чодир пойтахтга айлантирган.

– Оллоҳ теварагимиздаги барча одамлар билан, кимлигидан қатъи назар мулоқот мурсою мадора этмокни буюрган экан, на-чора, ҳазрат. Шунга яраша сиёсат юргизмоқ мажбуриятидамиз, – деди яна устозини сўзламоққа ундаб Боботурк.

– Ҳеч қачон кўнглингдагидек дўст, биродар ёким ҳамсухбат топа олмайсан! Бунинг иложи йўқ! Шунингдек, ўзинга маъқул келадиган ёрдамчи ва ходим топмоқ ҳам жуда мушкул муаммадир. Шу боис сиёсатда энг муҳим нарса сабр-қаноат. Ютсанг ютасан! Ён-верингдаги кишиларнинг камчилик ва нуқсонларига тоқат қилишга тўғри келади. Улар фаолиятлари давомида ўзгалардан сабоқ олиб, ўз нуқсонларини ҳис этиб, ундан қутула борсалар ёнингда олиб қоласан, тарбиялайсан, ўстирасан. Мактаб кўриб-да, сарой кўриб-да шахсиятини камол топдира олмаган кишилардан эса охир-оқибатда воз кечилади. Шу боис ҳам, ё гирди сарой, ёки гирди мантаб дейишган машойихлар. Қаттиққўлликни раҳмдиллик билан баробар ушлаб бормоқ керак. Ортиқча юмшоқ ва кўнгилчан бўлсанг, ҳар кимнинг гапига кираверсанг, одамлар сўзингга қулоқ солмай кўядилар. Интиҳода оёқ ости бўласан. Хато-камчиликларни айтмоқ, кўрсатмоқ асл дўст, тўғри, илмли мусулмоннинг ишидур. Бироқ бу нарса меъридан ошиб, қуюшқондан чиқиб кетмаслиги шарт. Акс ҳолда у нафрат ва ҳақорат чегарасидан ўтиб, фитнага айланади. Ҳар бир кишининг табиатида озми-кўпми ҳасад деган хасталик мавжуддир. Бу бало оқибатида одамлар ўзлари сезиб-сезмай фиску фасод наҳрига тушиб кетадилар. Шул боис мен қари бўрининг айрим ишларига ҳайрон бўлманг. Буни барча одамларга бирдек тушунтира олмайсан. Ҳақиқат – кишиларнинг адолатни англаб етмоқ даражасига қараб айтилади...

– Англадим, устоз! – деди Боботурк Хоқоннинг бу қадар нозик ва теран фикрлашидан ҳайратланиб.

Устоз ва шогирд бир-бирларига меҳр билан бокдилар. Улар кўшинни кўздан кечирадиган майдонга етиб келишганди.





## ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

*Эски туркларда миллат виждонининг шаклланишига шубҳа бўлиши мумкин эмас.*

Бартольд

Минг уч юз саксон еттинчи йил кишини Самарқандда ўтказган улуғ Амир саксон саккизинчи йил илк баҳоридаёқ асосий қўшиннинг сафарга отланишини буюрди. Мўлжал Хоразм эди. Тўхтамининг улуғ амирларидан Илиғмиш ўғлон чериги билан Хоразм волийси Сулаймон Сўфининг қароргоҳини эгаллаб, Тўхтамишхон отидан Хоразмни сўраётган, ўзларича Хоразмнинг яна қайтиб Жўчи улусига қўшилганини нишонлаётган эди. Темур қўшинининг нақ тумшуғи остида пайдо бўлганини эшитган Илиғмиш билан Сулаймон Сўфининг ўтакаси ёрилаёзди. Ҳараму хотин-халажларини олиб чиқишни ҳам хизматчиларига топшириб, хонзода ва волий басма-бас от чоптириб, сахро томон қочдилар. Бошсиз қолган Жўчи ва Хоразм аскарлари ҳам улар ордидан йўлга чиқди. Яғийни таъқиб этмоқ, амирзода Мироншоҳ, Муҳаммад Сулаймоншоҳ, Шамсуддин Аббос, Уч Қаро Баходур, Ййгу Темур ва Севинчак Баҳодирларга топширилди. Улар йўл-йўлакай душманни тутдек тўкиб, катта ўлжалар билан қайтиб келдилар. Амир ва лашкарбошилари маслаҳат учун тўплаган Темур куйидаги амрни берди:

– Муҳтарам биродарлар! Бу ердаги сўзи ила иши бир бўлмаган айрим қабилалар бизга бешинчи бор хиёнат қилдилар! Ҳар қандай хоинликнинг ҳам чек-чегараси бўлади. Шу боис бизга хоинлик қилган уруғларнинг маҳаллаларини бузиб ташламоққа қарор бердик! Сиз нима дейсиз? – ўтирганларга бирма-бир юзланди Темур.

– Биз розимиз, ҳазрат! Булар билан савашмоқ ҳам жонимизга тегди! – дея барчанинг фикрини ифода этган бўлди лашкарбоши Мусика Қавчин.

– Тўғри айтадилар!

– Қўшиламыз! – овозлар эшитилди.

– Бўлмаса, бу ишни Мусика Қавчинга топширамыз. Ҳозир у бу шаҳарни қандай бузса, икки йилдан сўнг, ўзи шу зайлда қайта куради. Хоразм эли Самарқандга кўчирилсун! Қаршилик кўрсатганлар жазолансун!

Темурнинг кайфияти ёмон эди. Шаҳарнинг бузилгани, хотин-халажнинг айюҳаннос солаётгани, ўз уйларини ташлаб, ўзга юртларга жўнашни истамай, чинқиришаётгани унинг руҳиятига таъсир этганди. У ўтирган чодирга Боботурк билан Туркашдан бошқаларнинг киришга юраги бетламай, фурсат беклашарди. Туркаш чодирга бош сукқанида Хоқон шифтга тикилганча, хаёл суриб ётарди.

– Не нохуш хабар? – сўради Темур Туркашнинг яхши мужда билан келмаганини сезиб.

– Кузатиб юрганимиз Муҳаммад Миракнинг укаси Абулфатх чериги билан қочди. Орқасидан Баҳодир Қавчин суворийлари ила кувиб кетди. Демак, Самарқандда Муҳаммад Мирак тек юрмаган кўринадур, – дея ҳисобот берди соҳибхабар паст ва ғамгин овозда.

– Кутилган сотқинлик! – деди Темур ўрнидан туриб кетаркан. – Бу гапга юзда-юз ишонмаган эрдим. Қисматни қарангки, ўғлинг каби бир одам сенга хоинлик қилса. Мен эсам унга бутун бошли бир ўлканинг подишоҳлигини бериб қўйибман! Зудлик билан Мирзо Умаршайхга чопар жўнатынг. У айна дамда Бухорода бўлса керак. Тезда Самарқандга қайтиб, бу онкўрнинг ўлтирар жойини кўрсатсун!

Алп Туркашнинг яна ниманидир сўрамоқчи бўлиб, бироқ оғиз очолмай турганини пайқаган Темур дардли овозда у кутган гапни айтди:

– Унинг гуноҳи оғир кўринадур! Шафқат йўқ, ўлим! – деди қалдираган овозда. – Куфрони неъматнинг жазоси оғир бўлишини аҳли мўмин билмоғи керак! Қариндош-уруғларига тегишмасун!

Алп Туркаш елкасини қисганча тисланиб, чодирдан чикди. Ташқарида уни хос чопар Эртўғрул Турон кутар эди.

– Ҳозироқ ёнингга истаганча суворий ол-да, мирзо Умар-

шайх томон уч! Қаерда бўлса излаб топ! Муҳаммад Миракни таъқиб этсун ва гуноҳига яраша жазосини берсин! Ҳазрат Соҳибқироннинг амрлари! — дея кўрсатма берди Алп Туркаш.

— Шунини амирзодага англатки, бу ишни бир ёқлик қилиб туриб, сўнгра ҳазратга ҳисоб берар эканлар. Муаммо бартараф этилмасдан бурун Самарқандга қайтмасликларини тайинла. Ул кишим лозим топгунларига қадар ёнларида бўл ва зарур хабар етказилиши керак бўлганда изилари ила йўлга чиқ. Ҳазрат ҳам яқин кунда Самарқандга қайтадилар. Йўл-йўлакай Муҳаммад Миракнинг укаси Абулфатх ҳақида бирор хабар олсанг, чопарлардан бирини биз томон учир!

Муҳаммад Мирак Шер Баҳром ўғлини Турон салтанатининг қон душманлари мўғул аслзодалари йўлдан урган эдилар. Пишиб етилмасдан, мансаб шоҳсупасига эрта чиқиб қолган ва тез бойиган тажрибасиз амирни бошини айлантирмоқ осон эди. Мўғулваччалар уни Тўхтамишнинг Темур устидан эришажак ғалабасига астойдил ишонтирдилар. «Ўз вақтида ҳаракатингни қилиб, чора-тадбирингни кўрмасанг, Тўхтамишхон Самарқандни фатх этгандан сўнг тушингни сувга айтасан. Хон вилоятингни Кайхусрав-Хутталонийнинг ота-тахтига даъвогар ўғли Султон Маҳмудга беради. Сен учун ягона йўл эрта кунда вақтинчалик ҳукмдорлардан юз ўгириб, улуғ хонга садоқат кўрсатиб, эътиборини қозонмоқ. Шундагина улусингни ва ўз жонингни сақлаб қоласан». Табиатан фиску фужур ва хиёнатга мойил йигит бу гапларга чиппа-чин ишонди. Жўчи кўшинлари Туронзаминни алғов-далғов қилиб кетгандаёқ унинг фикри ўзгарди. Хоинлик узангисига оёқ қўйиб, хиёнат байталининг жilовини тутмоққа шошилди. Ўзини ўтга урмаса, эр йигитга ўлим йўқ, деганларидай бўлиб чиқди.

Темур сўнги дақиқагача куёвининг бунчаликка боришига ишонмаганди. Муҳаммад Миракнинг қилмиши Тўхтамишникидан-да ошиб тушган эди. У давлат ва салтанатда улуғ амирлик мартабасига эришиб, чексиз ҳуқуқлар соҳиби ва Хутталон ўлкасининг ҳокими бўлиб, қўли узатган ерига етар, бу теваарак-атрофдаги ҳар қандай подишоҳдан қувватли ва устун мақомда эди. Темур уни қон душмани Кайхусравнинг тахтига ўтқазиб қўйган эди. Мана оқибат.

Муҳаммад Мирак ўйламай-нетмай лашкари билан Самарқандга кириб келди. Эски душманлари Оқ Темур билан Додо Маликнинг уйларини талон-тарож қилиб, аскарларига бўлиб берди. Салтанат қўрхонаси, яъни қурол-аслаҳонасини очиб, совут, дубулға, жавшак, қилич, қалқон, хулласи, неки бор бўлса барчасини олиб, черигини мукаммал куруллантирди. Дуч келган қавм-қариндоши ва уруғдошларига, Темурдан норози бўлиб юрган форсий ва арабий қабилаларнинг ўқимаган, авом кишиларига силоҳ, от бериб, тўн кийдирди. Мол тарқатди. Осмондан ёғилгандек бу бойликлардан хангу манг бўлиб қолган одамлар орасида Муҳаммад Мирак дегани Темурдан ҳам кучли бир подшоҳ экан-да, Хоразмда улуғ Амирнинг лашкари енгилган шекилли, унинг пойтахтини талон-тарож қилишаётир деган миш-мишу гап-сўзлар ўрмалай бошлади. Каттагина қўшин Самарқанддан чиқиб, Термизни ўради. Хутталон чериги дея ном олган лашкар шаҳар атрофида ақлига келган номаъқулчиликни қилди. Термиз доруғаси Темуртош шаҳар истехкомини мустаҳкамлаб хоин лашкар билан савашга киришди.

Орқасидан Мирзо Умаршайх қўшини тушганидан хабар топган Муҳаммад Мирак йўналишни ўзгартириб, Малик Барлос ва Оқ Темур Баҳодир тасарруф этаётган Ҳисор ўлкасини босди. Ҳисордаги жайбахонани очиб, етим-есир ва бозорчопонийларга жайба улашиб, оту тўн инъом этди. Мақсади лашкарини кўпайтириб, Умаршайх Мирзо черигини синдирмоқ эди. Мирзо сикувидан чекиниб, Вахш дарёсидан ўтди-да, ота юрти Хутталонга юзланди. Хутталонга ҳам сиғмаган улуғ амир Муҳаммад Мирак ялангоёқ аскарлари билан Дара ва Дарвоз ўлкасининг ҳокими Шох Жалолиддиндан ёрдам сўраб, остонасига бош урди. Бироқ Шох Жалолиддин Муҳаммад Миракни Темурдек кишига алмашмаслигини ҳисобга олмаган эди.

Бу пайтда Мирзо Умаршайх қўшини Хутталоннинг пойтахти Қипчоқ Дара Саройга келиб ўрнашди. Хоин куёвнинг кўшкларига амир ва лашкарбошилар жойлашдилар. Эртаси куниёқ амирзода барча лашкарбоши ва амирларни чериги билан бирга исёнчини тутиб келмоқ учун тарқатди. Самарқанд йўлини назорат этмоққа жўнаган лашкарбоши Усмон Аббос бу ишнинг уддасидан чиқди. Тўрт нафар аскари билан қолган Муҳаммад Мирак отларини

Хутталондаги Уқбан Бута довонида ўтлатиб, дам олаётган пайтда қўлга тушди. Усмон Аббос аскарлари бозор куни кечқурун уларни Умаршайх Мирзо хузурига ҳайдаб келдилар.

Амирзода эгачисининг жуфти ҳалолини жаллодга топширмаққа бирданига журъат этолмади.

– Унинг хиёнаткор қиёфасини менга кўрсатманг! Ҳайъат ҳамроҳлигида Самарқандга олиб борамиз ва у ерда қисматига не ёзилган бўлса шуни кўради! – деди Мирзо Умаршайх дилтанг оҳангда.

Охир-оқибат барибир ака-ука исёнчиларнинг тақдири унинг қўлида қолди. Сотқинларни жазоламоқ ишини у падари бузруквори ҳукмига ҳавола этмасдан бажариши амр этилган эди. Ша роит шуни тақозо этарди.

– Хоин ва ялангоёқ Муҳаммад Мирка ясоққа етказилсун! Унинг хиёнаткор нафаси фирдавсмонанд Самарқанд ҳавосини бузмасин! – деди ниҳоят Мирзо Умаршайх дам олиш учун бир булоқ бўйида тўхтаганларида.

Жаллод амирзода амрини бажо келтирди. Умаршайхнинг кулоғига куёвининг «Вой-дод, онажон! Шаҳзодам! Султонбахт сизни кечирмайди» деган нидоси аниқ-тиниқ эшитилди. Жаллод қиличининг зарби унинг овозини шартта кесди.

– Айнан шу жаллодларнинг ўзи Самарқандга бориб, унинг уқаси Абулфатҳни ҳам ясоққа етказсунлар! – дея буюрди Умаршайх лашкарбоши Усмон Аббоснинг кўзига қарамай. – Ажални ўзлари тилаб олдилар! Бу ишни ул хоинни тутган Лолим Баҳодир бажарсун!

Оғир иш гарданига тушган Усмон Аббос сас чиқармай, кенг елкалари тебранганча оти томон юрди.

Муҳаммад Мирак исёни салтанатнинг жанубий ҳудудларида тартибсизликлар келиб чиқишига сабаб бўлган эди. Дастлаб бурулдай элининг минглик чериги Турон ўрдуси сафларидан қочди. Сўнгра Али ва Жунаид каби икки лашкарбоши уч минглик лашкари билан Темурнинг садоқатли амири Жаҳоншоҳга қарши от қўйдилар. Буларга Қобул амири Абу Саъид ҳам қўшилди. Бу тўполонлардан хабар топган Темур Мўғулистонга одам юбориб, лашкарбоши Оқ Буғони чақиртирди. Унга эски душмани Абу Саъиднинг вилоятини тақдим этди. Жаҳоншоҳ баҳодурга катта қўшин берилиб, Турон салтанатини душманлардан тозалаш вази-  
фаси-юкланди.

Бу дамларда ҳазрат Соҳибқирон ҳамон Хоразм тарафда эди. Хос элчи Суюрғатмишхоннинг Бухорода оғир бетоб бўлиб қолганлиги ва тузалишига умид йўқлиги ҳақидаги хабарни олиб келди. Турон ўрдуси шу заҳотиёқ йўлга тушди. Кўп ўтмай, хоннинг жони узилганлиги маълум бўлди. Уни изатикром билан аждодларига тегишли бўлган Кўпган Ёғоч мавзеидаги мақбарага қўйишгач, бир ҳафталик аза-маросимдан сўнг Суюрғатмишхоннинг энг иқтидорли ўғли Султон Маҳмуд хон қилиб кўтарилди. Темур катта қурултойда амиру уламолар билан кенгашиб, шу қарорга келган эди.

Салтанатдаги муаммоларни бартараф этган Хоқон қиш чилласини бошкентда ўтказмоқ ниятида эди ва бу унга насиб этди. Сокин ва оромбахш дамларга етказгани учун Оллоҳга шукрона билдириб, тоза ва ёқимли ҳаволи, мўътадил иқлимли Самарқанд сари йўл солди.

Темур чексиз кенгликларда, куз ёмғиридан юмшаган сарғиш яйловларда кезмоқни, қор босган тоғларни узоқ кузатмоқни яхши кўрар эди. Ойқор этакларидаги Барлосариқ бўйларида отда қезар экан, давлатни бошқараётганига йигирма йил бўлганлигини, бироқ бу муддат қандай тез ўтиб кетганини ҳатто сезмаганини ўйлади. Ўйлар экан, ўзига лаҳзачалик кўринаётган бу муддат балки ўзгаларнинг, айниқса, нохайрихоҳларнинг назарида жуда узоқ кўринаётган эмасмикан деган ўй хаёлидан чакмоқ каби ёриб ўтди. Одатда подшолар тахтда узоқ ўтирсалар одамларнинг жонига тегади. Ҳатто у одил подшоҳ бўлса ҳам. Кишилар эса подшолар алмашиб турса, янгилик бўлиб, яшашимиз энгиллашади дея ўйлайдилар. Бу қандайдир маънода яхши ҳофиз кўп такрорлаган яхши қўшиқдан толиққан шинаванданинг бўшгина бўлса-да, янги овозини тинглаб, лаззатланганига ўхшаб кетади. Инсон зотининг феъл-атвори шундай. Табиатан ўзлари эришган нарсаларга бора-бора паст назар билан қарайдилар ва омад энди ҳечам қайтиб келмаслигини англаб етгач, ўша дамларни армонла эслаб, янги умиду илинж билан, орзиқиб, яшаб ўтадилар.

Кеч куздан қор қопплайдиган Туркистон тизмалари, унинг қорли чўққилари ўтаётган воқеа ва ҳодисаларни худди ошини ошаб, ёшини яшаб қўйган ёшли мўйсафид каби сукут сақлаб кузатади. Ойқор тоғи этагидаги Кўрғонтепа ва Дунётепа Турк

хоқонлиги замонида жуда катта шаҳар бўлган. У Сўғд ва Қанғ давлатларининг ҳам ҳарбий нуқтаи назардан муҳим шахри эди.

Бу водий барча замонларда ўтган-қайтган босқинчилар ва кўчманчилар кўз тиккан жаннат бир макон бўлган. Уч тарафи тоғлар ила қуршалган шаҳарни ҳатто Искандар ҳам ололмаган. Қўрғонтепаликлар шартларига рози бўлиб сулх тузган. Буни яхши билган арабларнинг Қутайба қўмондонлигидаги қўшинлари ованинг қўйи, очиқ тарафидан кириб борганлар. Ям-яшил водий, адирлар оша қоя ва чўққиларидаги қорлар қуёш нурида товланган, бағри арчазорлар билан қопланган юксак тоғларга кўзлари тушгач, қўмондонлари «вусма, вусма» дея ҳайқирган хайратдан. Бу водий қошида ўсма каби тортилган тоғларга берилган ғоят нозик ва шоирона бир баҳо бўлган. Шу-шу бу манзилни Вусма, Вусмат, Восманд, энг сўнгида Ўсмат дея атаганлар.

Тошлоқ дарё қоқ иккига бўлган гўзал водий тоғ этагида ястаниб ётганга ўхшайди. Водийнинг ғарбий тарафи Зарафшон дарёсига бориб туташади. Улуғ Амир шу йил баҳорда Зарафшондан Ойқор этакларига ариқ олиб чиқишни ўйлади. Оллоҳ насиб этса биринчи кетмонни ўзи уради. Илгари бу дарёдан сувни тудяда тортиб олар эканлар. Номини Тўятортар дея атамоқ ҳаёлида айланди. Оқсоқоллар билан кенгашмоқни кўнглига тугди.

Қиш оёқлаб қолганда салтанатнинг бош қароргоҳи Кўксарой батамом битди. Муҳташам саройнинг ҳукмдор ўтирадиган тўрига ўзи Тангритоғдан келтирган каттакон қимматбаҳо кўктошни қўйдилар. Элчи ва фуқарони шу тош устида ўтирган ҳолда қабул этмоқни ният қилди улуғ Амир.

Шу-шу Туркистон мулкида Темурдан бошлаб, кимки шу муқаддас кўктош устига ўтирмаса, ҳақиқий ҳукмдор деб тан олинмас, эътироф этилмас эди. Бу тошга қонунсиз ўтирган ёки ўтирмоққа муносиб бўлмаганларга нисбатан эса халқ «сенинг ўрнинг бошқа, менинг ўрним бошқа, кетингни ишқама кўк тошга» дея писанда қилар эди.

Кўксаройда салтанат бошқаруви, давлат ва ҳукумат тадбирлари амалга оширилар, унга туташ Бўстонсаройда эса ҳукмдорнинг яқинлари ва вазирларнинг оилалари яшар эди.

Бугун Темур амир Боботуркни ёнида олиб чиқа олмаган эди. Унга қизи Султонбахтбегим билан суҳбатлашмоқ вазифасини

юклаганди. Улуғ Амирга қизи билан Боботурк гаплашиши кераклигини Сароймулкхоним маслаҳат берди. Мана бир неча ой-дирки, қизи отаси ила кўришмоқни сўрайди. Темурнинг одатини барча билар эди. Хато йўлга кириб, оёғини нотўғри босган қавм-қариндош ҳам ким бўлишидан қатъи назар энг аввало улуғ хоқоннинг мажлисидан қувилиб, хузурига кирмоғи ясоқланарди. Бу тадбир гуноҳкорнинг сарой ва салтанатдаги мавқеини ўша дақиқада ўзгартирарди. Айни дамда Султонбахтбегим шундай ҳолга тушган, унинг маликага хос бўлмаган ҳаракатлари отасига етиб келган эди. Аслида марҳум эрини отасига дўст қилиши лозим бўлган аёл ўз такаббурлиги ва нолойиқ ахлоқи билан у кўтарган исён алангасига ёғ қуйганди.

Амир Боботуркнинг гарданидаги вазифа оғир эди. Малика билан суҳбатлашмоқдин олдин у Алп Туркаш хузурига борди. Воқеаларнинг моҳиятини сўраб-суриштирди ва хоним ила қай оҳангда кўнишмоқ кераклиги бўйича маслаҳат олди.

– Бегимда енгилтаклик иллоти йўқ эрмас. Хўжаси ила орала-рида бу қўнуда доимо ғавғолар бўлиб турарди. Биз ушбу ноҳушликлар ҳақида дастлаб ҳазратга сўзламай юрдик. Биласиз-ку, воқеа ва ҳодисаларни устозга тўғридан-тўғри асл ҳолатида етказиб турувчи хос исковуч ва хабарчилар бор. Улар ҳар қандай гап-сўзни етказадилар. Охири бир кун ҳазратнинг ўзлари мендан бу ҳақда сўрадилар. Шундан сўнг хонимни назорат этмоқ бизга топширилди. Ул кишининг ёнига келиб кетувчи турли кишиларнинг йўлини кесишга, ҳатто айримларини бошини танасидан жудо этмоққа тўғри келди. Бироқ бу ёқимсиз ҳолат давом этмоқда. Эри ўлганидан сўнг у ўзини янада номуносиб тутмоққа бошлады, – дея оҳиста вазиятни тушунтирар эди Алп Туркаш. – Бегим ила жиддий сўзлашмоқ лозимдур. Биласизким, ҳазрат бирор-бир қон-қариндошининг сочи тўкилишига йўл қўймайдилар. Уларнинг ўз хатоларидан хулоса чиқариб, инсофга келмоқларини, тўғри йўлга тушиб олмоқларини кутадилар.

Вазиятни тушуниб етган Боботурк саройдаги хизмат хонаси томон йўналди. Ҳовлига чиқар экан, тахтиравондан тушган Султонбахтбегимга кўзи тушди. Бегимнинг узун қўйлагини канизаклар кўтартирганча, сарой томон келарди. Амир кўрган малика у томон юрди. Саломлашиб, сўрашдилар.



– Иккимиз суҳбатлашмоғимиз лозим, – деди амир бегимнинг нокамтарона ҳаракатидан хижолат чекиб ва канизаклар шу ерда қолишига ишора этиб.

– Хонангизгача боришсин, – жавоб қилди Султонбахт эркакшодалик билан.

– Саройга одмироқ кийиниб, қанизаклареиз ҳам келсангиз бўлар эди, бегим, – деди меҳмонга ўтирмақ учун курси кўрсатаркан Боботурк.

– Усиз ҳам ўғри мушукка айланиб қолдим. Энг яқин одамимиз бўлган сиз ҳам менга дашном бермасангиз бўлар эди, – шу заҳотиёқ ўпқаланган оҳангда, лекин кимлигингни унутма дегандай писандалик билан жавоб қайтарди Султонбахтбегим.

– Ўзингиз айтганингиздек, яқин одам ўлароқ дўст сифатида сўйламоқдаман, – энди бегимнинг кўнлига оғир ботмайдиган майин оҳангда сўзлади Боботурк маликанинг овозидаги мунгни илғаб.

– Бир йилдирки қиблагоҳимни кўра олмайман. Бундан хабар топган душманларим устимдан кулмоқдалар. Ўша зоти паст Муҳаммад Мирак нобакор чиққан бўлса менда не гуноҳ? Унинг ифлос ва ярамаслигини тўйимиздан бурун айтганман...– ўзини тутолмай йиғлаб юборди малика.

– Бегимнинг кўз ёшлари юзини ювар, киприк ва кўзларига суртилган сурма-сувалиб, лабларигача-оқиб тушмоқда эди.

Султонбахтбегим рўмолчаси билан юзларини артиб, бир муддат жим қолди. Амир ҳам малика ўзини босиб олгунга қадар, оғиз очмади. Бегимнинг сўз бошлашини кутди.

– Хўш, мен нима қилай? Нима қилсам падари бузрукворим мендан рози бўладилар? – деди Боботуркнинг кўзига тик боқиб, хўрсиниб нафас оларкан.

– Энг аввало буюк Хоқоннинг шон-шарафини ҳар дақиқада сақламоғимиз керак. Бошқачароқ қилиб айтганда, муносиб авлод сифатида ул ҳазрат шаънларига хилоф келадиган ҳеч бир ҳағти-ҳаракатни содир этмаслигимиз лозим. Ҳар ҳолда буни мендан яхши биларсиз деб ўйлайман, – ётиқроқ оҳангда англатмоққа уринди амир Боботурк.

– Менинг аниқ гуноҳим нима? Не учун атрофим пойлоқчи ва айғоқчиларга тўлиб кетган? Нима, мен салтанатни ағдармоқчиманми? Нечун бу қадар зуғум ва зулм? – яна портлади Султонбахтбегим.

– Ўзингизни босинг, мухтарам маликам. Ҳазрат Соҳибқирон сизга бўлган оталик меҳр-муҳаббатлари боис, менга дардингизни тинглаб, зарур кўмакни беришни буюрдилар. Шу боис бугун, мен сизни қози каби сўроқ қилмоқ учун эмас, ёрдам бермоқ, барчамизнинг бошимизга тушажак ташвишлардан огоҳ этмоқ учун бу ерга чорладим. Сиз ақлли аёлсиз. Аслида, бу гаплар меники эмас, отангизники эканлигини англаб етмоғингиз жоиздур. Биласиз-ку, устоз ахлоқ ва адолат борасида издан чиққан авлодидан кўра одоби ва адолати юксак бегонани қадрлайдилар. Сиз, биринчи галда, турли кимсалар билан кўришмоқни тўхтатмоғингиз керак. Иккинчидан, яшаш тарзингизни ўзгартирмоғингиз лозим. Тўғри, сиз, улуғ Темурдек буюк инсоннинг қизисиз. Ҳар қандай орзу-ҳавас сизга ярашади. Бироқ бу ўткинчи, ёлғон дабдабалар, сохта мақтовлар салтанатни ҳам, унинг бирор-бир вакилини ҳам беэмайдди. Аксинча, камтар ва камсуқум бўлмоқ лозим. Бунинг устига сиз аёлсиз. Оллоҳ раҳматига олган Қутлуғ Туркон Оғо каби мадрасалар ва карвонсаройлар қурилишига рағбат кўрсатиб, хузурингизга келувчи кишиларни шул каби хайрли ишларга йўналтирсангиз яхши бўлмайдими?! Ҳазрати устоз аслида сиздан шу каби ишларни кутган. Кечаю кундуз келиб чиқиши номаълум аёллар билан майхўрлик қилишни эмас. Менинг сўзларим оғир ботмасин. Дўстингизман. Бу сўзни сизга ҳеч ким айта олмаслигини ҳам билурмен. Бу воқеа ва ҳодисаларнинг барчаси ҳазрати Соҳибқирон кулоқларига етиб боришини ўйламоғингиз керак эди. Хатти-ҳаракатингизни чеклаб, зарурий хулосаларни чиқармасангиз оқибат не билан тугашини англаб етарсиз деган умиддаман. Чуқурроқ ўйлаб, муносиб бир жуфти ҳалол билан яшасангиз ҳам ёмон бўлмаса керак, – деди сўзи тугагандан сўнг юзи қизариб Боботурк.

Боиси қирққа кирса-да, ҳали сўққабош кишининг оила, болачақа кўрган хотинга турмушга чиқмоқ ҳақида маслаҳат бериши иккисининг назарида ҳам ғалати туюлган эди. Бу гапдан кейин кўз ёшлари шашқатор оқиб турган бегим ёйилиб жилмайди, сўнгра тиззасига уриб кулди-да, юз-кўзларини артиб, ўзини тутатган бўлди. Ранг-рўйи очилиб, овозидаги ҳадикли оҳанг ҳам йўқолди.

– Ҳўп ажойиб одамсиз-да, Боботурк. Яхшиси, опажон, мени

бир онаси ўпмаган, сутга чайиб олгандек оппоқ бир канизагингизга уйлантириб қўйинг десангиз бўлади-ку! Тўй харажатларини ҳам ўзим кўтариб, ўша сиз айтган савобли ишларни бошлаб юборган бўлар эдик! – деди суҳбат мавзуи енгиллашганидан суюниб бегим.

– Сизнинг танти ва мард бир инсон эканлигингизни, сўзида қатъий ва қарор берган ишини қила оладиган бир аёл эканлигингизни барча билади, бегим. Фурсати етган куни бу мурувватингиздан жон-жон деб фойдаланаман, – жавоб қилди қизариб-бўзариб амир.

– Қачон фойдаланасиз, укам? Пайғамбар ёшидан кейинми? Янглишмасам, қирқда борсиз. Айнан мана шу ёшда эркак зоти пишади. Йигирма йил умрингизни беҳудага ўтказиб юбордингиз. Ҳалиям кеч эмас, бизга берган маслаҳатингиз бошимиз устига. Шунга ўзлариям амал қилганларида эди, – ҳамон ҳазиллашарди Султонбахтбегим. – Бироқ сизга ва дўстларингизга қойилман. Сизлар ўзларингизни қиблагоҳ учун фидо этмокдасизлар! Менинг дўстона ҳазилларимдан хафа бўлманг. Мен ҳам сизни иним каби кўрамен. Темурдек одамнинг қизи бўлсам-да, гоҳида ўзимни ёлғиз сезаман. Сизлар ҳам остонамни босиб, опа қандайсиз дея сўраб бормайсизлар. Сизлар келмаганингиздан сўнг бошқалар келади. Бир гапни тўртта қилиб етказишади, – чин юракдан ўпкалай бошлади бегим. – Иниларим ҳам келмайдилар.

– Борганимиз бўлсин. Хоҳласангиз эртага Туркашбек билан меҳмонингиз бўламиз ва суҳбатингизни оламиз, – деди Боботурк мулоқотнинг ижобий изга тушганидан хурсанд бўлиб. – Қайси бир жигарингизнинг имконлари бўлса ул кишини ҳам олиб борамиз. Фақат сиз менга ҳазратни тинчлантирмоқ хусусида сўз беринг. Устознинг усиз ҳам ғам-ташвишлари етарлидир.

– Сўз бераман, Боботурк! Қиблагоҳим лозим топсалар, майли турмуш ҳам қураман. Муносиб куёв топган бўлсалар, айтсинлар, розиман. Фақат бир рижойим, мени ёлғизлатманглар – яна кўзи ёшланди бегимнинг.

– Бу сўровларингиз ҳақлидур ва кўнглингиз тўқ бўлсин, маликам! Бу хусусда елимиздан не келса ҳозирмиз, – деди ўрнидан тураркан Боботурк.

Султонбахтбегимни йўлчи этган амир жиловдорга севим-

ли оти Оқбулут иккинчини олиб келишни буюриб, кийим алмаштирмоқ учун яна хонасига кириб кетди. Бу отнинг биринчиси Темурда эди. Иккинчисини Мироншоҳ Мирзо сўраганида устози: «Иккинчисини амир Боботуркга берамиз, учинчиси эса сизники бўлади, амирзодам. Темурийлар аввал миллатни, сўнгра ўзларини ўйласаларгина ҳақиқий одил хукмдорлар ўлароқ юртни узоқ сўрайдилар. Бу сўзларимни яхшилаб қулоғингизга қуюб олинг ва амал қилинг» деганди.

Отга сакраб минган Боботуркнинг кайфияти яхши эди. У ер тепиниб турган тулпори жиловини Барлосариқ томон буриб, бўш қўйди. Оқбулут куз ёмғиридан кўпчиган юмшоқ, яйловда Ойқор тоғи томон учиб борарди.





## ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

*Итти ўлдирганга судратадилар.*

— Халқ ҳикмати —

Амир Боботурк етиб борганида Хоқон Отламиш фақирнинг узун қулоқларидан бири билан сўзлашар, юзидан хавотир аломати сезилиб турар, бу безовталиқ ўз-ўзидан улуғ Амирнинг йўлдошларига ҳам ўтган эди.

Оти жиловини навбатчи навқарга узатган Боботурк ҳам хоқоннинг амрини кутиб, мулозимлар ёнига боргач қўл қовуштириб турди. Темур махфийга кетмоққа рухсат бериб, улар томон юрди. Ўнг кўлини кўтариб ёнига Боботурк билан Ҳожи Сайфуддинни чақирди.

— Беҳабар қолибмиз, Тўхтамиш қўшнилари Хўжанд<sup>1</sup> сувига етиб келибди.

Икки амир ҳам бу хабардан лол бўлиб, тилларига сўз келмай, туриб қолдилар.

— Бу унинг худудимизга қилган учинчи, ўрдумизга қарши қилган тўртинчи хужумидир. Агар уддасидан чиққанда у аллақачон бизни ер билан яқсон қилар экан. Оллоҳга минг қатла шукрки, Яратган унга шу кучни ато этмабди. Шу боис ул номи улуғу супраси қуруқнинг бул журъатига муносиб даъфи-жавоб этайлик. Энди унинг қўшинини тор-мор этиб, молу мулкини аскарларимизга бўлиб берсак ҳам, қавминини қул қилиб, бошкентини ҳайдаб, арпа эктириб юборсак ҳам ҳақлимиз! Авлодлар бизни ҳеч қачон қаттиққўллик ва ноҳақликда айбламайдилар! Ва ҳар бир даврга ўша кечмиш замон кўзи ила боқарлар! Бир дақиқа ҳам кечикмасдан сафар ва саваш тадоригини кўрмоғимиз керак! Шаҳарга қайтдик! Биз бу ваҳшийларнинг хас-хашагини Дашти Қипчоқ кумларига қўшиб юборамиз! Улар билан бошқа тилда гаплашиб бўлмайди! — деди ҳамон шахдидан тушмаган Темур.

<sup>1</sup> Ўша даврда Сирдарё шу номда аталган.

Минг уч юз саксон саккизинчи йилнинг сўнгги ойи эди. Самарқанднинг ўзига хос совуғи чакмону чопондан ўтиб, этни жунжиктирар, водий томондан эсадиган шамол совуқни изғиринга айлантирар эди.

Темур бошкентдан қирқ фарсах, чамаси, узокликдаги Соғарч мавзесига тўпланган Кеш ва Самарқанд кўшинини кўздан кечирди. Қишнинг қаттиқ келиши лашкар учун оғир эди. Салтанатнинг шимолий худудларидан қалин кигиз ўтовлар олиб келиниб, аскарлар шу қора уйларда ўт ёқиб жон сақларди! Буюк амирнинг кўрсатмаси шундай эди. Бирорта аскар ёзлик чодирда тунамасин. Бирорта аскарнинг оёғида ёзлик енгил чорик бўлмаслиги, таги қалин, сув ўтмайдиган тоштовонлар билан таъминланиши буюрилган, бирорта амиру лашкарбоши бу фармонларни ўринлатмай туриб оёғини узатиб ўтира олмас, егани ичига тушмас эди. Ҳар бир аскарда қалин жун чакмон бўлиб, улар бу тур чакмонларда қор устида ҳам бемалол ўтирар ва ухлардилар.

Черикнинг сафар ҳозирлиги тугагач, Хўжанд томон йўлга чиқиш амри келди. Бу пайтда Тўхтамишхоннинг мўғул, рус, черкас, булғор, қипчоқ, киримли, қаффа, аллон ва азоклардан ибодат кўп сонли лашкари Тошкентга ўн беш фарсах<sup>1</sup> келадиган Ачуқ Зарнуқ мавзесида турар, аслида унинг кўшинлари Самарқанднинг шундоққина биқинида эди. Бу черикка амир Илиғмиш бош кўмондон эди. Тўхтамишхоннинг улуғ амирларидан Эди Берди Бахший кўшини билан қишнинг қировли кунида Сирдарё бўйига етиб келганди. Амирлар ота-боболари каби дарё оралиғига босиб келиб талончилик қилишини, мўмай ўлжаларни кўмсаган эдилар. Айни дамда уларнинг ҳисоб-китобидаги хатolik шул эдиким, масофа узоклиги, билги етишмаслигидан Темурнинг айни кундаги куч-қудрати ва кўшинининг жанговар ҳолати ҳақида етарлича маълумотга эга эмасдилар.

Вазиятни пухта ўрганган хоқон бек ва лашкар бошлиқларини тўплаб кенгашди. Темур Қутлуғ билан Кунча ўғлонлар ҳам йиғилганлар орасида эди. Иззатталаб хонзодаларнинг ўзларини тутишидан энсаси қотган Идику Ўзбек эса ерга қараб қолганди.

---

<sup>1</sup> Бир фарсах тахминан 7–8 километр.

Соҳибхабар Алп Туркаш ҳар икки ўғлоннинг хатти-ҳаракат ва гап-сўзларини зимдан назорат этарди. Улар бугун Турон урдуси сафида савашиб, вазият ўзгариши билан хешу ақраболарини эргаштириб ўз-қавми-төмонга қочиб ўтишлари мумкин эди. Одатда, бундайларни асосий қўшин қочоқ, қочоқлар деб атар, бу аслида дарбадар аскар маъносини англатарди.

Жўчиликлар феълени яхши билган Темур арқонни узун ташлар, модомики, касб-корлари хусумату чоҳ қазимоқ экан, бўйларига ўлчанган бу чоҳга кимсадан домангир бўлмай ўз оёқлари билан тушмоқларига халақит бермаслик керак... дерди ҳазил-чин аралаш.

Икки хонзоданинг ҳам даъвоси катта эди. Улар бу ҳақда Темурга очик сўйлай олмасалар-да, ташрифларининг ўзиёқ шундан далолат бериб турарди. Темурнинг қўли билан Тўхтамишни тезроқ синдириб, унинг тахтига ўлтирмоқ орзусида шайтонлагудек даражада ҳаловатларини йўқотгандилар.

Ернинг тагида илон қимирласа сезадиган сергак Тўхтамиш аллақачон қочоқ ўғлонлар ниятидан хабар топиб, уларнинг яқинларидан бир нечасини зиндонга ташлатган эди. Шаҳзодаларнинг фикрича, Тўхтамишхон аввалгидек Темур-салтанатини тан олиб, вассал мақомида турганида, турум бошқача кечарди. Темур хон ҳузуридан қочган бирорта хонзодаю амирни қабул қилмас эди.

Аслида бу нонкўрларга Темурнинг кўзи учиб турган эмасди. У аллақачон буларнинг барчасидан қўлини ювиб қўлтиғига урган, ҳеч биридан хайр кутмас эди. Аксинча Жўчи улуси вакиллари-нинг Турон сарҳадларида юриши салтанатнинг сиёсий ва ҳарбий ишларига халақит берарди. Улар исковуч ит каби сарой атрофида айланишар, ўзларини Темур ҳал этаётган катта ва дунёвий ишларга дахлдордек кўрсатиб, чўғалчилик қилардилар. Бунинг устига бу тириктонларни ҳараму мулозими, қариндош-уруғи билан бирга қўшиб боқишга ҳам тўғри келарди. Бу масрафларнинг барчаси хазина тарафидан ўталар эди. Темур буни чуқур тушунса-да, тажрибали сиёсатчи ўлароқ дўстингни ўзингдан узоқлатма, душманингни ундан ҳам яқинроқда тут, деган ҳикматга амал қиларди.

Дарё яқинидаги шамолпана ўнгирга тикилган Темурнинг тўк

яшил рангли кигиз ўтови баландлиги ва катталиги билан тева-  
рак-атрофдаги барча қора уйлардан ажралиб турарди. Ўтов тепа-  
сининг гир айлана айвонча шаклида беркитилган кунгурасидан  
арча ва ўрик ўтинининг ҳиди анқир, гоҳо-гоҳода эса оч кўкиш  
рангдаги қуюқ тутун ўрлар, ҳавони аччимтил хид тўлдирган эди.  
Ўтов кечалари чўғ солинган манқал билан иситиларди.

Ерни музлатиб ёққан қор ҳали-вери эрийдиган кўринмас, от-  
улов ва пойи-пиёдалар ит азобида бир манзилдан иккинчисига  
бориб келишарди.

Бундай об-ҳавода сарой овчиларининг ови ҳам, дови ҳам  
юрарди. Балиқчилар Хўжанд суви устидаги музни тешиб, сазан  
ва лаққа овлашар, баракали ов сўнгида қозон ҳам, чўмич ҳам  
мой бўларди. Қуш ва ҳайвон овчиларининг ҳам ошиғи олчи эди.  
Озуқа илинжида қоялардан пастга инган олқор, кийик, товушқон  
ва каклик тизза бўйи қалин қорда осонгина тузоққа тушар, ҳатто  
қувлаб ушласа бўларди.

Дарё сувини мўлжаллаб учиб келган ёввойи ўрдаклар, қор  
босиб қолган тўқайда уясидан чиқолмай қолган оч тустовуқ ва  
қашқалдоқларни овчилар ўқ-ёй билан осонгина отиб олишар,  
баъзиларини қўлда тутишарди.

Улуғ Амир ўтовидан пастрокда жойлашган тепаси ярим очик  
ошчилар ўтовида ҳам баковул ва пазандаларнинг қўли қўлига  
тегмайди. Сархил балиқлар қовурилиб, ерўчоқда олқор гўшти  
тандир кабоб учун кўмиб қўйилган, дошқозонда ёш қора кўчқор  
эти қайнар, Баҳром баковул шаробчининг бошида туриб, олтин ва  
кумуш идишларга ичимлик қўйдирмоқда эди. Мевачи эса катта  
патнисларга олма, нок, анор ва узумларни кўзни кувонтирадиган  
даражада гўзал қилиб терарди.

Барча бирдек, машваратдан сўнг бўладиган базмга ҳозирлик  
кўрарди. Хўжанд сувининг кунчиқиш тарафдаги учи-қуйруғи йўқ  
яланг соҳили лашкарга тўлган, ўтовлар мўрисидан буралиб осмон-  
га ўрлаётган тутун булутларга қўшилиб самога сингарди. Бўлик  
яйлов ва тўқайдан иборат тоғ этаги ва дарё бўйида бир ҳафта ичи-  
да бутун бошли шаҳар пайдо бўлган эди. Урду қароргоҳи катта  
бир бошкент каби ёйилиб кетган, кўчма масжид, дўконлар, емак-  
хоналар лашкаргоҳга яқин ердаги бозорча кечаю кундуз ишлар,  
эхтиёж учун лозим бўлган ҳар нарса ёйиб ташланган эди.



Куруқ мевалар, тут майиз, жийда, олма, беҳи ва шафтоли қоқилар билан бир қаторда чойдиш, мисқозон, толтовоқ, толқошиқу найқошиқларнинг бозори чакқон эди.

Улуғ Амир қора уй тўридаги ярим ётоқ, ярим курси шаклидаги ўриндикда ўлтирарди. Таомилга кўра ўнг тарафга мирзолар ва улуғ амирлар, сўл тарафга саркарда ва баҳодирлар гир айланиб ерлашган эди.

Йиғилганлар билан бош ирғаб саломлашган Темурнинг нигоҳи Ҳожи Сайфуддинга етганда тўхтади. Бу амирга машваратни сиз бошлайсиз деган маънони англатар эди.

– Ўтириб сўзлайверинг, мухтарам амир жаноблари, – деди Темур амир жойидан кўзғалмасидан бурун.

– Қўлимиздаги маълумотга кўра, қаршимизда бир неча пора ёғий чериги турибдур. Қўшин кичик эмаслиги ўз-ўзидан аён. Шундай эркан, Андижондан Умаршайх Мирзонинг чёриги етиб келмоғини кутганимиз маъқул кўринади. Шундан сўнг жангни бошласак, мақсадга мувофиқ бўлар деган фикрдаман, ҳазрати олийлари, – деди Ҳожи Сайфуддин ёнидагиларга бир-бир қараркан. Уларнинг нигоҳида фикрига розилик аломатини кўриб, маъқул гапни гапирдим дея ўйлади ўзича.

– Мухтарам Ҳожи Сайфуддиннинг сўзларида асос бор. Бизга қувват бўладиган қўшинни кутганимиз маъқул. Бунинг устига қор ҳам отнинг қорнига етгулик қадар қалин. Балким унгача бир оз эрир, – Ҳожи Сайфуддиннинг сўзини қувватлади Шайх Али Баҳодир. – Бундай қалин қорда уруш нари турсин шунчаки юриш ҳам бориб турган машаққат.

– Андижон чериги етиб келгунга қадар қор отнинг эгаридан келадиган даражада ёғса-чи? Бу ёғи қанчага тушади? – Унинг сўзига жавоб қилди Темур.

– Буниси ҳам бор... Унда ёғийнинг ҳаракатига қараб иш юритмоғимиз лозим бўлади, – сўзини тўғрилади Шайх Али.

Шундан сўнг кимсадан садо чикмади. Чунки бек ва лашкарбошилар нигоҳида Темур қарорига ризолик аломати кўринмас эди. Буюк амир гапни чўзмасдан муддаога кўчди.

– Азиз дўстларим, биродарларим! Давлатим шериклари ва салтанатимнинг суянч тоғлари саналмиш сафдошларим! Биласизким, ҳар қандай шароитда мен сизларнинг фикрларингизни

тинглайман ва ҳисоблашаман. Қанчалик ақлли фикр билдирмасин, бир киши бир кишидур. Ҳеч қачон бир одамнинг оғзига қараб қолмаслик керак. Бу гап менга ҳам тегишли. Балки менинг янглиш ва эксик ишларимни тўпласа барчангизнинг шу пайтгача қилган хатоларингиздан ошиб тушар! Барчасига Оллоҳ шохид. Гуноҳларимизни афв этгувчи удир! Келгуси наслларимиз соғлом ақл кўзи ила боқиб бизнинг хатти-ҳаракатларимизга баҳо беражаклар! Яхши ишларимизни ёд этиб, камчиликларимиздан сабоқ олажаклардир. Бироқ бугунги кунда, айна мана шу дамда сиз бир нарсани тушунинг! Ёғий шу қадар узоқ йўл босиб, салтанат пойтахтига оти жиловини қўйса етгулик масофада турибди. У давлатимизга қарши аллақачон уруш очиб, йўлида дуч келган шаҳару қишлоқларимизни талаб, топтаб, халқимизнинг қишга ғамлаган ем-хашагини уловига едириб, шундоққина манглайимизда маишатини қилаётир. Агар унинг хужум бошлашини кутадиган бўлсак, нечун бу ерга келдик? Самарқандда, мудофаа девори ичида ҳам қаршиласак бўлар эди-ку? Ана бечора Лоду Қушчи билан Жангирбек Сабронни шу тахлит мудофаа қилиб ётибдилар! Отасига балли! Сабаби, уларнинг бошқа иложлари йўқ. Биз эса мамлакатнинг юрагидамиз! Ёки илтимос қилиб, жангни ёзнинг илиқ-иссиқ кунларига қолдиришни сўрайликми? Масаланинг руҳий бир томони ҳам борки, душман қаршисига келиб, узоқ туриб қолсак, у нима деб ўйлайди? Бу журъатсизлигимиз унга куч-қувват беришини ўйлайсизми? «Энг яхши ҳимоя – хужум» деган гапни шунчаки оддий навкар ҳам билади-ку!

Темур ҳаяжондан сўзидан адашди шекилли, фикрини тўпламоқ учун бир зум тин олди.

– Ат-таъхиру фил-афат, – дейди араблар. – Дарвоқе, кеч қолмоқ офатдур. Боиси, эрта ва индинги кун ўзининг муаммоси, ташвиш-таҳликаси билан келади. Бугунги ишни эртага қолдирмаслигимиз шарт деб ўйлайман! – яна шахт билан сўзида давом этди Темур қўл ҳаракатлари ила тушунтирар экан. – Менинг мана шу сўзларим оҳангини черикка еткуринг! Улар мана шу руҳ ва кайфиятда савашга кирсунлар! Муқаддас китобимиз бизга “кинингиз сизни адолатдан узоқлаштиради” дея таълим

беради. Бизнинг кимсага гина-кудуратимиз йўқ. Бироқ Ҳақдан, ҳақиқатдан тонганлар, узоқлашганлар Яратганнинг иродаси билан жазоларини олажақлар! Қўрқоқ ҳар куни ўлади, ботир эса бир кун!.. Бизга табиатнинг ўзи кўмак беради.

Темур сўздан тўхтади. Нигоҳи ўтов бўйлаб айланди.

– Бир оғиз амрингиз, ҳазрати олийлари! Биз гумроҳ бандаларнинг узрини қабул этинг! Сиз ҳақсиз! – деди Усмон Баҳодир дадил оҳангда ўрнидан туриб.

– Фармон хоқонимизнингдир!

– Маъкул!

– Қўшиламиз!

– Оллоҳ биз билан!

– Ёғий ер билан яксон бўлажак! – дейишди йиғилганлар.

– Амру фармон шундай! Шайх Али Баҳодир, Қунча ўғлон ва Темур Қутлуғ ўғлонлар етакчилигидаги суворийларимиз рақиб устига биринчи бўлиб от қўядилар. Биз черик-черик бўлиб хужумни кучайтираверамиз! Унга қадар Андижон қўшини ҳам етиб келиб қолади! – дея ўрнидан кўзғалди Темур.

Қўшинлар эртаси куни эрталаб Анбор тепалиги устида тўқнашди. Сойлар ва водийни қалин қор қоплаганлиги боис отлар юролмас, яланг тепаликдаги қорни эса шамол учуриб, жанг учун майдон ҳозирлаган эди.

Саваш бошида Темурнинг ўзи турганлигини кўрган Илиғмиш ўғлон билан Берди Бахшийнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди. Черикни бир амаллаб қутқармаса бутун бошли қўшиндан ажралиб қолишлари мумкинлигини англаган хон амирлари ими-жимиди оҳиста чекиниб, сўнгра қочмоққа фармон бердилар. Бироқ бундай об-ҳавода савашмоқ бир мушкул бўлса, тартибли равишда чекиниб қочмоқ икки баробар ташвиш эди. Қалин қорда отлар узоғи билан икки-уч чақиримгача кўкраги билан қорни суриб борар, сўнгра қора терга тушганича, оёқларини ёзиб, хансираб, туриб қолар эди. Айниқса, тепалиқдан сой томон тушаётган суворийларнинг аҳволи оғир эди. Юксакликдан чопиб келаётган отлар қорга тикилиб йиқилар, устидаги навкар учиб кетиб, орқасидан келаётган отнинг остида қолар эди. Тўда-тўда пиёдалар оқ байроқни кўтарганча тоғ томон қочарди. Чекинган катта лашкар ўнг тарафдаги водийда тикилиб, тўпланиб

қолган, бир-бирини босиб, янчиб тоғ тарафга ўрлар эди. Ўлим талвасасида ўзларини йўқотиб қўйган бир неча черик эса оқибатни ўйламай-нетмай ўзини Сирдарё сувига урди. Улардан саноклигина лашкар қарши қирғоққа чиқа билди. Қолганлари дод-лаганча каттакон муз бўлаклари сузиб юрган дарё тубига чўкиб кетди. Совуқда қалин кийинган аскарларнинг пахталик ва тўнлари сув шимгани боис қисқа фурсатда сувга ғарқ бўларди.

Темур тепалиқда, Оқбулут устида жангнинг боришини ва ёғийнинг тартибсиз чекинишини кузатарди.

– Бу ҳам яратганнинг иродаси. У мушкулимизни осон қилди. Ёғий билан биз эмас, қаҳратон савашадиган бўлди,– деди у ғолибона оҳангда сўл тарафида, орқароқда турган амир Боботуркга.

– Эгамизнинг бизга раҳми келгани рост бўлсин! – деди амир хаяжонли оҳангда.

– Лашкарга етказинг! – буюрди Темур овозини баландлатиб, орқада турган бошқа амиру лашкар бошлиқлари эшитсин учун ўнг қўлини кўтариб. – Қочганлар бўйсунса, тутиб келтирилсин, қаршилиқ кўрсатганлар қиличдан ўтказилсин!

Пешиндан сўнг урҳо-ур билан Андижон черигининг олди Хўжандга етиб келди. Бу воқеа қўшиннинг руҳини янада кўтариб юборди. Қўшин энди ёғий билан савашмас, қорга текилиб қолган ёки дуч келган тарафга қараб қочаётган отларни ушлаб тўплаш ва қўлга тушган яроғ-аслаҳа, озиқ-овқат ва ўтову чодирларни кўрхона ва омборхона чодирларга ташиш билан машғул эди. Ўлжалар орасида олис Ўрусия тарафнинг аскарлари киядиган қишбоп кигиз этиклар, сувсар ва кундуз терисидан тикилган пўстинлар ҳамда иславлар яساتган антиқа найзалар, қиличлар, чўқмору ханжарлар ҳам бор эди.

Барча бек ва лашкар бошлиқлари мўл ўлжа иштиёқида имкон қадар кўпроқ ёғий черигини асир олиб ёки маҳв этмоққа тиришар, саркардалар учун улуғ амир, амир ва кўмондонларни асирга тушириш фатҳу ғолибликнинг қаймоғи, шохсупаси саналар эди.

Бу савашда шундай омад Шайх Али Баҳодирга кулиб боқди. Унинг чериги бирваракайига икки юз зотли ўрдалиқни ўраб олиб, асир туширди.

– Фармони олий шундай! Босқинчиларнинг бир чеккадан боши

танасидан жудо этилсун! – бор овози билан ҳайкирарди Шайх Али Баҳодир. – Бу қаҳрагонда ўзимизнинг қорнимиз зўрға тўймоқда, бу дарди бедаволарни қандай боқамиз? Уларни ушлаб турмоқ ҳам хатарли! – дея буйруқ берарди қўмондон аскарларига кичикрок бир тепаликка чиқиб, жангнинг тугашини кузатар экан.

Саркарданинг қулоғига қатлга олиб кетилаётган асирлардан бирининг бор овозда қичқираётгани эшитилди. Шайх Али Баҳодир беихтиёр, аскарнинг сўзларига қулоқ тутди:

– Мен Тўхтамишхоннинг улуғ амири Эди Берди Бахшийман! Мени ўлдирманг! Темурбек ҳазратларининг олдига олиб боринг! – дея бақирарди асир.

– Ёлғон гапирма! Жўчикўппак! Эди Берди бўлсанг нима қилай? Қайтамга ўша итхоннинг улуғ амирини бошини олганман деб мақтаниб юраман! Билдингми? – уни тепкилаб сўқинарди Рустам жаллод. – Кимлигингни яшириб навқар чопонини кийиб олганинг нима-ю, бу гапинг нима? Имконини топиб жуфтакни ростламоқчи эдим демайсанми, муттаҳам!

Асир тинмай бақиравергач, Рустам жаллод буни нима қилай дегандек тепаликда турган Шайх Али Баҳодир томон ўгирилди. Қўмондон қўл ишораси билан асирни ёнига олиб келишни буюрди.

– Кимман дединг? – асирни сўроқ қила бошлади Шайх Али Баҳодир.

– Улуғ Амир Эди Берди Бахшийман! Жон ҳолатда Шайх Али Баҳодир томон талпинди асир. – Мени Темурбек ҳазратларининг ёнларига олиб борсинлар.

– Ҳо-о, ҳазратлари эмуш?! Ҳазратларига қарши қилич яланғочлаб турувдинг-ку, ҳозиргина? – Рустам жаллод пичинг билан асирнинг биқинига туртди.

– Сиз кимсиз? – Рустам жаллоднинг сўзига парво қилмай, яна Шайх Али Баҳодирга мурожаат этди асир. – Менга ўзингизни танитинг!

– Менким амирлашқар Шайх Али Баҳодирмен! Бул кишимни қўлларига кишан уриб, тепаликнинг орқа томонига олиб ўтиб тур! Орқаларингдан ҳозир бораман! – буюрди саркарда чорпахил, чўтир юзли қиёфаси айикни эслатувчи асирга бошдан оёқ тикиларкан ва Рустам жаллодга амир тирик қоладиган бўлса черигининг маҳв этилганини кўрмасин деган маънода ишора этди.

Амирлашкар Шайх Али Баҳодир ўлжа тушган отлардан бирига қўли кишанланган жўчи амирини миндириб, Хўжанд қалъаси томон олиб жўнади. Темур қўши ўтовдан қалъага кўчирилган эди.

Қалъа девори тагида Темур Қутлуғ билан Кунча ўғлон эрта қозонилган ғалабадан мамнун ҳолатда от ўйнатиб туришарди. Кишанланган Эди Берди Бахшийга кўзи тушган хонзодалар тахтадек қотиб қолдилар. Уларнинг кўзига Эди Берди Бахший худди Тўхтамишхон бўлиб кўриндими, иккаласининг ҳам кулиб турган чехраси бирдан гезарди.

Ёғий қочмоққа бошлагандан сўнг Темур жангга раҳбарликни Мирзо Умаршайхга топшириб, ўғрукни Хўжанд қалъасига кўчиришга буйрук берган эди. Амирзода қўшини билан изма-из Хожа Шайх Қавчин, Тўплақ Қавчин, Қорахон Баҳодир, Усмон Вўсматий, Омоншоҳ Баҳодир ва Давлатшоҳ Жайбачиларнинг чериклари ҳам етиб келган. улуғ Амир Хўжанд қалъасига хотир-жам кириб борар эди.

Қалъа дарвозасига етганида Шайх Али Баҳодир амир Эди Берди Бахшийнинг қўлидаги кишанни ечди.

Эди Берди Бахшийнинг пайшахадай узун-узун, қоп-қора панжалари совукда қотиб, кўкариб кетган эди.

– Шундай қаҳратонда қўлимга темир кишан урмасангиз ҳам бўларди, иним. Суякларим қакшаб кетди, – деди Эди Берди ўксик ва ялинчоқ овозда изғиринда кўзидан оқаетган ёшни енги билан артаркан.

– Бу ишга рағбатим йўқ эди, амир жаноблари, – ярим пичинг, ярим насиҳат оҳангда асир амир томон сўзланди Шайх Али Баҳодир. – Бироқ сабоқ бўлсин учун қилдим. Ўзим ҳам қўлда кишан билан олти ой Амир Хўсайннинг зиндониде ётганман. Айбим бир сўзлим, ҳаққа ва Темурбекка садоқатим! Зиндон кўрган ва кишанланган киши қисматнинг бу зарбасидан кейин бошқа одам бўлиб қолар экан. Қусурга боқманг, сизни инсофга келтирмоқ, тавба этмоғингиз учун шундай қилдим! Тағин ҳазратга бу ҳақда сўйлаб юрманг. Ундан ташқари бизда мавжуд тартиб шундай. Одатда аскар ёғийни асир олиб, кишанлаб, келтиргани учун мукофоту улўфа олмоғи керак. Айрим ҳолатларда бундай иши учун дакки ҳам эшитади. Бир кам дунё, амир жаноблари, – дея энди Бахшийнинг кўнглини кўтарган бўлди

Шайх Али Баҳодир.— Бошингиз кундага етгунга қадар кимлигингизни яширгунча олдинроқ ўзингизни танитсангиз бўлар эди.

— Оғир мусибатдан инсоннинг боши айланиб, шундоққина қаршисида турган тўғри йўлни ҳам кўрмай, адашиб кетар экан, иним. Бизларни Темурбек билан беллашмоққа ҳаддимиз сифармиди? Буни хон ҳазратлари англаб етмасалар, биз бечораларда не гуноҳ? Мана энди бутун бошли черикни сувга чўктириб, гуноҳига қолиб, ўзимиз мана бу шармандали ҳолга тушиб ўтирибмиз! Ундан кўра жангда ўлиб-нетиб кетмайманми? Энди у тарафда бола-чакам, хешу ақрабоимнинг ҳоли не кечади? Хон уларни ҳам ўз ҳолига қўймаса керак. Ишқилиб, асир тушганим хабари унга кечроқ етиб борсин-да, илоҳим! — йўл-йўлакай афсус чекканича уф тортиб борарди Эди Берди Бахший.

Шайх Али асирни даҳлизда қоровулга қолдириб, ўзи Темур хузурига кирди. Улуғ Амир ярали оёғини манқалга тутганча, хонтахта устига ёзилган Хўжанд вилояти харитасини кўздан кечирар, ёнида Тоҳир тарихчи билан, китобдор Ориф Бухорий ўтирарди. Баҳодир кириб, таъзим бажо келтирди.

— Не хушхабар ила келдингиз, авлодим Шайх Али? — дея унга юзланди Темур ҳаритадан бош кўтариб. — Буюринг!

— Ўрданинг улуғ амирини асирга олиб эрдук, уни остонангизга бош урмоқ учун келтурдик, Соҳибқирон ҳазратлари, — деди ўнг қўлини кўкрагидан олмай.

— Ким эркан, ул улуғ амир? — чехраси ёришди Темурнинг.

— Эди Берди Бахшийман дейди. Сал қолди жаллод санғиган бошини танасидан жудо этмоғига!

— Асирларни ўлдиртиряпсизми? — сергакланди Темур.

— Бир қисмини, — жавоб қилди Шайх Али.

— Ҳозироқ бориб тўхтатинг ва бошқа черикларга ҳам айтинг! Кимсанинг бурнини қонатишмасин! Уларни тўплаб, пиёда бўлса ҳам Тошкентга олиб боришсин. Етиб боргани яшайди! — деди Темур харитани Тоҳир тарихчи томон суриб қўяркан. — Чорланг ул амирни. Ўзингизга эрса рухсат. Амрни ижро этиб, черикингиз бошида бўлинг! Хизматингиз муносиб тақдирланади!

— Англадим, ҳазрат! Бахтимизга омон бўлинг! — дуо қилди Шайх Али.

Хонага бугдойранг, юзининг яноқ суяклари бўртган япалоқбет,

кенг пешанали, семиз юзи калласини янада катта кўрсадиган елкадор ва пакана, эллик ёшлар чамасидаги амир Бахший кирди. У хўнграганча йиғлаб, Темур оёқ узатган тарафга ўзини ташлади. — Улуғ Амир китобчига қаради. Китобчи ўрнидан туриб, ерга пешонасини тираганча йиғлаётган амирнинг сўл кўлидан олиб турғазди ва манқал ёнига, Темурбекнинг қаршисига ўтқазиб қўйди. Тохир тарихчи унга косада иссиқ куруқ мева дамламаси узатди. Темур ҳамон унга тикилиб турар, қаерда кўрганлигини эсламоқчи бўларди.

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, Темурбек ҳазратлари! — деди асир дамламани ютоқиб ичиб, косани Тохирга қайтариб узатар экан. — Мен сизнинг тузингизни ичганман. Шу тузга хиёнат қилдим! — деди Эди Берди ҳамон кўзидан ёш қуйиларкан.

— Сизни қаерда кўрганман, эслатинг? — унинг сўзини бўлди Темур.

— Тўхтамиш ўғлон саройингизда мусофирликда бўлганларида ул кишимнинг хизматларида эрдим. Шагранж ўйнаганларингизда бир неча бор доналарни териб берганман, — жавоб қилди асир амир бир оз ўзига келгандек.

— Хотирладим. Шундай денг. Унда анча ёш ва озғин эдингиз, — деди Темур меҳмонга диққат билан тикилиб. — Ўшанда ўғлонингиз билан еган тузликларингизга туфурмоқликка астойдил қасам ичган экансиз-да, Эдибек?!

— Гуноҳимиз оғир, улуғ хоқон ҳазрати олийлари! Йўл қўйган буюк хатойимиз учун яратган бизни жазолади. Бу ҳам кам аслида. Гуноҳимиз ўзимизда, қора илон бўйнимизда, — титраб қақшаб гапирарди ўрдалиқ амир.

— Сизларнинг бул хиёнатга қўл урмоқлигингиз етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган эрди. Начора, инсон қисматдан қочиб қутула олмаёқ экан. Улусда сендан гина қилгандан умидвор бўл деган нақл бор. Биз сизларни ўзимиз каби кўрардик. Ёмон кунимизга яраб бир таянч, қалқон деб билар эдик. Бу қалқон элакликка ҳам ярамаганлигига шоҳид бўлиб турибмиз. Бироқ сиз ўғлонингиз тузини оқлагансиз. Сизда гуноҳ йўқ, — оҳиста сўзлар эди улуғ Амир. — Нахот хонга бу ишимиз хатодур, Турон мамлақати устига босиб бормоғимиз кўп уят ва айблидир дея ҳеч бир кимса айтмадим, Эдибек? — сўради Темур.



– Айтдилар! Кўпчилик бу янглиш эканлигини таъкидлади. Мен ҳам икки бор сўйладим...

Шу сўздан сўнг беихтиёр яна жўчи амирининг кўзи ёшланди. Бир Темурга, бир унинг ўнг ва сўл тарафида ўтирган кишиларга қараб, сўзи бўғзида қолган эди...

– Сўйлайверинг. Булар менинг ишончли кишиларим. Ундан ташқари келажак авлод тарих ҳақиқатини шул кишиларнинг қаламлари орқали билади, – деди Темур унинг ниманидир айтмоққа тортинаётганини сезиб.

Ўрда амири чопонининг ўнгири билан кўз ёшларини артиб, сўзида давом этди:

– Тепамда худо бор, Темурбек ҳазратлари. Токчада «Қуръони Карим»ни кўриб турибман. Хон ила бу хусусда икки бора гаплашдим. Биринчисида сўзимни эшитди-да, ҳаям демади, йўқ ҳам демади. Иккинчисида эса ағанатиб, дўппослаб, тепа кетди. Ҳаётимда, кимсадан кўрмаган таҳқирни кўрдим, ҳазрат! Оғзидан чиққан сўзларни лўли, мўлтони бир-бирига айтмайди. Мен унинг амиру лашкарбошиларни калтаклаб урар эмиш дея эшитардим, бироқ ишонмас эдим. Бу шармандаликнинг нимасини айтасиз. Оилам, бола-чақамни эсласам, хўрлигим келиб, йиғлаб юбораман. Уларни эсласам йиғлаяпману, қандай қилиб, юзма-юз бўламан деб бир ҳафта карвонсаройда ётиб юрдим. Қисмат бугун бежизга мени сизга рўпара қилмади. Усиз ҳам бир имконини топиб бошим оққан томонга кетмоқчи эдим. Бундай мамлакатда амир бўлгандан кўра бегона бир юртларда от боққанинг маъқул. Қалъа девори ёнида Кунча ўғлон билан Қутлуғ Темур ўғлонларни кўрдим. Ишонмасангиз, улардан ҳам сўраб кўринг. Мен еган тепкини улар ҳам ейишган. Шундан сўнг бошларини олиб, Сарой Беркадан чиқиб кетдилар ва сизнинг этагингизни тутдилар. Балқи юзлари чидамай, уялганларидан бу ҳақда сизга айтмагандирлар. Бировга оғиз очиб, сўзлайдиган воқеа эмас, ҳазрат. Сизни кўриб, кўнглим бўшаб, болага айланиб қолдим. Бир қошиқ қонимдан кечинг! Усиз ҳам ташвишингиз етиб ортса керак!

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! – деди Темур амир Бахшийнинг ҳикоясидан таъсирланиб. – Астағфируллоҳ!

Китобчи Бухорий билан тарихчи Тоҳирбек ҳам бу воқеадан ҳайратда эдилар.

– Ул кишим шул каби номақбул ишларга ҳам қодир денг!— деди Темур ўйга толиб. — Демак, биз бекорга ундан хафа бўлиб ўтирган эканмиз. Ўзининг энг яқин кишиларига шундай илтифот кўрсатган кимса, бизни узоқ муддат ҳурмат қилиб келган эканлар-да унда. Тўнни шунга қараб бичаверинг, Темурбек, десаңгиз бўлар экан, муҳтарам Тоҳирбек,— дея тарихчига юзланди улуғ Амир. — Мана сизга аччиқ ҳақиқат.

Тоҳир тарихчи ҳам тилига калима келмай, асир амирга тикилиб турар эди.

– Биродаримиз Эди Берди Бахший ичи тоза инсон эрканлар. Ул кишимнинг елкаларига амирона тўн ёпилсун! Сўнгни қарорга қадар амир жаноблари бизнинг ўғруқда қоладилар. Бундан буён қисматларида неки ёзилгон бўлса шуни кўрадилар! — дея амр қилди Темур суҳбат сўнгида.

Эшик оғаси Эди Берди Бахшийнинг елкасига тўн ёпди.

– Сизга лозим бўлган имкониятлар муҳайё этилажак. Энди бир оз дам олинг. Сўнгра яна суҳбатлашамиз, — деди Темур ғамхўр оҳангда асир амирга.

– Бир рижойим бор эди, ҳазрати олийлари, — дея кетар чоғи Темурга мурожаат қилди ялинчоқ овозда.

– Сўйланг! Сўйланг!

– Бир қошиқ қонимдан кечинг! Заҳмат бўлмаса, черикингизга амр этсангиз, асирларни ўлдирмасалар! Уларда гуноҳ йўқ! — деди овози титраб Эди Берди.

– Хотиржам бўлинг. Бу хусусда амр берилди, — оҳиста жавоб қилди Темур.

– Қуллук, ҳазрат! Дунё тургунча турунг! Мен ҳаётимда сиз каби улуғ ва шарафли одамни кўрмадим! — деди Эди Берди Бахший икки букилганча тисланиб хонадан чиқаркан.

– Суҳбатимизни давом этгирсак. Менга мўғул кўшинларининг Хўжанд ва Фанокат фатҳи ҳақида белги бермоқчи эдингиз, — деди Темур меҳмон чиқиб кетгач, тарихчи билан китобдорга.

Темур қишнинг узун оқшомларида тарихчи олимлар билан суҳбатлашмоқни хуш кўрар, бу мулоқотлардан чексиз завқ туяр эди.

– Ўшанда Фанокатни Чингизхоннинг амирларидан Алоқ нўён олади, — ҳикоясини қолган еридан давом эттирди Тоҳирбек. —

Бу даврда шаҳар волииси Ингу Малик бўлиб, Хоразмшоҳнинг Темур Малик каби шарафли лашкарбошиларида эди. Алок нўён шаҳарга яқинлашганда Ингу Малик қалъага кириб, мудофаа жангини бошлади. Уч кунлик жангдан сўнг шаҳар аҳли Алок нўёндан омонлик сўраб, аёлу эркак ва болаларни қалъа ташқарисига чиқаради. Афсуски, ёвузлар уларни қон дарёсига фарқ қиладилар. Бир неча одамгина бу жаҳаннамдан омон қолади. Тўртинчи куни аҳоли омонлик сўраб, майдонга чиққанида, бутун шаҳарда киёмат кўпади, – хикоя қилар эди Тоҳирбек тарихчи.

– Шу ёзилган тарих тўғрими ёким мўғулларга бўлган нафратлари туфайли одамлар фожиаларни бўрттиришганми? – сўради улуғ Амир.

– Менинг ожиз фикримча, юзда тўқсони тўғри, ҳазрат. Боиси, босқинчилар ҳақиқатан ҳам шафқатсизлик қилганлар. Барча тарих китобларида шундай ёзилади, – жавоб қилди тарихчи.

– Ўзимиз ҳам ўнлаб шаҳарларни, минглаб қишлоқларни олдик. Бироқ ҳеч бир жойнинг аҳолисини бул қадар шафқатсизлик билан кириб ташламадик, – деди Темур.

– Бизнинг беш вақт намоз ўқийдиган, машқ ва тарбия кўрган қўшинимиз билан номига диндор, бебош, ёввойи ва саҳройи галаларни тенглаштириб бўладими, ҳазрат!? Ундан ташқари сиз ҳеч қачон Чингизхондек шафқатсизлик қилмагансиз. Ўзингиз айтганингиздек, бугуннинг кўзгусида кечмишни юзда-юз тўғри кўриб бўлмайди.

– Тўғрию, бироқ одамлар бундай ўйламайдилар. Инсон табиатида оқдан кўра қорароқ томонларни кўрмоққа мойиллик кучли бўлади. Бизни ҳам Чингизхондан кам бўлмаган шаклда тасвирловчилар топилиб қолади. Айниқса, бу дунёдан кўз юмганимиздан сўнг, – деди Темур хўрсиниб. – Қабрдан отилиб чиқиб, уларнинг ёқасидан ололмаймиз-ку!

– Ҳеч бир мамлакатни забт этмай, Турон мулкида давлат қуриб муқим ўтираверсак-чи? – гапга аралашди китобдор Бухорий Темурбекни сўзлатмоқ учун.

– Жон деб ўлтирардик, биродар. Қани энди шундай ўлтирсангизу, тинч кўйишса. Тасаввур этинг, айти дамда Эрону Турон ва Хуросоннинг бирлашган қўшинлари билан бир Тўхтамишга зўрға бас келяпмиз. Бу тарафда Жете, яъни

Мўғулистоннинг иштаҳаси карнай. Агар Эрону Хуросонни забт этмаганимизда булар ҳам юқоридаги иккисига қўшилиб устимизга от қўяр эди. Азал-азалдан, айниқса, кейинги юз эллик йилда Туркистон замини ёғийлар учун кўпқари майдони бўлиб келди. Биз ўз куч-қудратимиз билан уларнинг ақлларига ўрнашиб қолган ана шу янглиш, зарарли фикрни чиқариб ташлашимиз керак. Акс ҳолда улар ҳеч қачон бизнинг тупроғимиздан умидларини узмайдилар.

– Фанокатни Шоҳруҳия исми ила қайта курганингиз хўп ажойиб иш бўлди-да, – мавзуни яна тарихга бурди Тохир.

– Кўнглимда бир ҳадик борким, Тохирбек, биз, мана шунча шаҳарлар, буюк иншоотлар, кўприклар, йўллар ва каналлар курмоқдамиз. Эрта кунда бу юртни фарзандларимиз ва авлодларимиз ақл-заковат билан бошқариб, уни асрасалар хўп-хўп. Бўлмаса юртда ҳокимият кучсизланганини билган, бугунги кунда биз қарши курашаётганларнинг авлодлари бу муҳташам саройу мадрасаларимизни яна оёқ ости қилиб, бузадиларми деган андишадаман. Тузук ва кундаликларингизга ёзиб қўйингизким, балки юз эллик йил, ёким бир неча юз йиллар сўнг, Туркистонга хавф-хатар мана шу тараф, яъни шимолдан келажак. Бу хавф аввал Жўчи улусининг катта-кичик қавмларидан, сўнгра насронийлардан, хочлиларнинг авлодларидан келиши мумкин. Бизга диндош ва қондош бўлган саҳро қабилалари бу ишни ўзлари эплай олмагач, уларга Туркистон сари босқин йўлини очиб беришлари мумкин, – дея ўй босган қиёфада жимиб қолди Темур.

– Ҳа, чалғиб кетдик. Хўжанд муҳорабасини сўзлаб бермоқчи эдингиз, Тохирбек.

– Шундай қилиб, Алоқ нўён Фанокатни кунпаякун қилиб, Хўжандга юзланади. Шаҳар волийси Темур Малик уни муносиб қаршилайди ва босқинчиларга қирон келтиради. Сўнгра чекина-чекина сув ўртасидаги қалъага кириб, дарвозаларни беркитади. У шундай баҳодир лашкарбоши бўлганки, дарёдан ўтиб келиб, душманни қийратиб, яна сузиб қалъага қайтиб кетаверган. Бундай саваш бир неча кун давом этган. Мўғуллар унинг бу қадар жасоратидан ҳайратга тушиб, юзма-юз бўлмоққа-да ҳайиққанлар. Шаҳарни ўз кучлари билан олишларига ақли етмаган мўғуллар қўлга киритилган вилоятлардан эллик минг одамни ҳайдаб кел-

тирадилар. Мўғул чериги эса йигирма минг атрофида бўлади. Тўпланган одамларнинг аксари тожиклар, қолгани турклар эди. Ҳар ўн саккиз нафар турку тожикнинг бошига битта мўғул ўнбоши қўйилади.

Темур Малик ўн иккита кема қурдиради. Бу кемаларни қурур деб атаганлар. Кема деворлари намаздан бўлиб, намаз устини лой ва сиркани қориб сувашади. Бундай қотишмадан ўқ ҳам, ўт ҳам ўтмас эркан...

— Ақлларига балли-е, — деб юборди Темур. — Ўйлаб топган тадбирларни қаранг. Давом этинг. Тоҳирбек!

— Ўқ отмоқ учун кема деворларидан даричалар қолдиришади. Темур Малик кўшинлари ҳар куни дарёнинг икки томонидан олтиадан кема билан келиб, астойдил жанг қилади. Вазият янада оғирлашгач, тепаси ёпиқ саксонга кема ясаб, устини лой ва сирка қоришмаси сувалган намаз билан ёпадилар ва чекинишга тайёргарлик кўриб қўядилар. Юклари ва оила аъзоларини шу кемаларга чиқариб, ўзлари қурурларга ўтирадиларда дарё оқими бўйлаб елдек суза бошлайдилар. Бироқ бундан мўғуллар хабар топади. Дарёнинг икки соҳили бўйлаб уларни таъқиб эта борадилар. Қурурлардаги жангчилар ёғийнинг соҳил бўйлаб чопаётган суворийларини тутдек тўқади. Кемалар ва қурурлар Фанокатга етиб боради. Бироқ дарё ўртасига занжир тортилган бўлади. Пишиқ ишланган энг бақувват кема занжирни узади. Дарёнинг белгиланган ерида кемаларни тўхтатиб, саҳрога чиқадилар. Бироқ мўғул лашкари ҳамон уларни қувиб келаётган эди. Темур Малик дўстлари, болалар ва аёлларнинг узоқроқ кетиб олиши учун бир неча нафар ботир дўстлари билан орқада қолиб, душманни тўхтатиб, жанг қилади. Бироқ лашкарининг асосий қисми ҳалок бўлган, мол-мулклари ёв қўлига тушган эди. У сўнгги аскарлари билан ёғий йўлини тўсиб, савашади. Бироқ бу йигитлари ҳам шаҳид бўлади. Темур Маликнинг бир ўзи уч дона ўқ ёйи билан қолади. Бу ўқнинг битгаси синиқ эди. У шу синиқ ўқ билан ўзини қувиб келаётган уч отликдан бирининг кўзини нишонга олади. Кўр бўлиб қолган мўғул бақирганча, отдан учиб тушади. Темур Малик отда чопиб бораркан, икки мўғулга қолган

икки ўқни боши узра кўтариб ҳаволантиради. Таъқибчилар, бейхтиёр, отларининг жиловини тортадилар. Темур Малик шу от кўйганича Хоразмга, тўғри Султон Жалолиддин Мангуберди Хоразмшоҳ ҳузурига етиб боради...

Ҳикоя Темурга гоят таъсир қилган эди. У юзи қизарганча кўзлари ёниб, калта қирқилган соқолини силаб, хомуш ўтирарди.

– Қисматни қарангки, юрт ва улус саодати деб ҳар иккиси, Темур Малик ҳам, Султон Жалолиддин ҳам бору йўғидан, оиласидан, бола-чақасидан, мол-мулкидан, сўнгида азиз жонларидан кечганлар. Ана улус фидойиси, ана юрт учун ҳаётни тикмоқ шарафи, – деди Темур анчадан сўнг чукўр нафас олиб. – Афсуски, ҳар замон ва ҳар бир маконда савобнинг таги тешик бўлган, мухтарам тарихчим, – деди хоқон даврага яқун ясаб.

Худди шу дамда эшик оғаси кириб, амирзода Мироншоҳ ва Хуросон кўшини келганлигини, шунингдек, Балх, Қундуз, Бадахшон, Ҳисор ва яна бир қанча вилоятларнинг чериклари ҳам бугун-эрта етишажақларини билдирди.

Темур мамнун қиёфада бош ирғаб, бу хушхабардан севинганини билдирди. Китобдор ва тарихчи билан хайрлашар чоғи эшик олдида амир Боботуркнинг кимлар биландир баланд овозда тортишаётганига кўзи тушди.

Темурни илғаган Боботурк у томон йўналди.

– Бир арзимаган иш учун овозларини баланд қилишаётир, устоз! – деди Боботурк хаяжонини босиб, – Тинчитдим ҳисоби.

– Не иш эмиш? – қизиксинди Темур.

– Ўзингизга маълумки, ҳазрат, кўшинимизда бошқа динга мансуб одамлар ҳам бор. Помирлик юзбоши Хунишка Андхўй чериги билан тўқайдан битта тўнғизни овлаб, ейишибди. Шунга туман имомларидан бири жанжал кўтарган эмуш. Шуларни муросага келтираётган эдим, – дея ҳисоб берди амир.

Кайфияти чоғ Темур бу воқеадан кулиб юборди. Китобдор билан тарихчи ҳам унга кўшилдилар.

– Шунақа денг, мулла Боботурк, – деди ҳамон ўзини кулгидан тия олмай.

– Шундай гап, ҳазрат, – қизариб жавоб қилди Боботурк ҳам куларкан.

– Гапни индаллосини айтсак, ўша туман мулласига этни

тўнғизники эканлигини айтмай едирсанг, нималигини ҳам сўрамай яна топиб кел дейди, – деди Темур ҳамон кулиб. – Муллага айтиб қўй, ер юзидаги кўп қавмлар юргандан аравани, сузгандан кемани емайдилар, ундан бошқа ҳамма нарса жиғилдонларидан ўтказадилар. Ярим қарич ақли билан у қай бир дин ва маҳзабдаги одамнинг оғзини қўриқлайди. Юрт кезмаган, ўзга элларни кўрмаган имоминг дунёвий илмларни ўқимаганлиги учун шундай ишлар билан шуғулланади. Пайғамбаримизнинг Чинга бориб бўлса-да, илм эгалла деган сўзларига амал қилиб, бир ўша тарафларга борсин. Кўради одамларнинг нималарни еяётганини. – Мен янглиш қўнишмадимми? – дея ёнида турган Тохир тарихчига ўгирилди Темур.

– Тўғри сўйладингиз, ҳазрат! – фикрини билдирди тарихчи. – Бизнинг муллалар дунёга фақат ўзлари билган тўйнуқ орқали боқадилар. Олам кўрингучи бошқа даричаларни инкор этмаслигимиз керак. Дунёга дунёвий кўз ила қарамоқ лозим.

Улуғ Амир ва икки ҳамроҳи билан хайрлашган Боботурк қалъа дарвозаси томон қайтди.

Илгари ҳам шунга ўхшаш бир воқеа юз берган эди. Хуфялардан бири Темурбек ҳазратларига мўғулларнинг яроқсиз бир усулда Мейлибек Анғит юзлигида ғалати бир ўткир ичимлик тайёрлаётганини, бунини ичган навқарлар қуюшқондан чиқаётганларини етказибди. Устоз бу масалани ўрганиб, ҳал этишни Боботуркга топширди. Сарой ошхонасининг ичкилик бўйича икки билгичини ёнига олган амир хуфя айтган манзилга етиб борганида хайратдан ёқа ушлади. На турку на тожикчани биладиган, жетелик икки киши от, сигир тезаги, туя ва қўй қийини бижғитиб, ғалати бир ичимлик тайёрларди.

Боботурк икки мўғулни ҳибсга олишни буюриб, ашқолдашқолларини далил учун аҳдос қозисига элтишларини буюрди. Қайтиб келиб, бўлган воқеани улуғ Амирга арз этди.

– Мейлибек Анғит шундай қилибдими? – дея хайратла сўради Темур. – Ё тавба!

– Шундай, ҳазрати олийлари!

– Демак, Мейлибекнинг иниси шоир Абуанғит Алкухулий ҳам ички ичмоқни акасидадан ўрганган экан-да.

– Шундай бўлиб чиқади, устоз. Бу маю мусаллас тамоман

йўлда қолади, ички шу қадар ўткирки, бир коса ичишингиз билан оёқдан олар экан, — изоҳ бераркан завқланиб кулди Боботурк.

— Ишқилиб ўзингиз синаб кўрмадингизми? — ҳазил аралаш Боботуркка тикилди Хоқон. — “Шу қадар ўткирки” дейишингиздан таъмини тотганга ўхшаётирсиз! Астафйруллоҳ! Мен мўғулларнинг бу хил ичкилари борлигини билардим. Болалигимизда мўғул тенгқурларимиз ҳам уни ичиб сархуш юрганликларини, ичимлик тайёрлангандан сўнг қолган чиқиндисидан чилим ўлароқ қўллаганларини кўрганман. Демак, улар бу хил ичкини ҳалиям тайёрлашар экан-да?!

— Шундай чоғи, устоз. Ризолигингиз билан айбдорларга не чора кўрсак? Ащёларни аҳдос қозиси Салим Сўфига жўнатдим. Лекин Мейлибек Анғитнинг укаси Алқухулий элбурутдан ҳаммага шеърый ҳужум бошлади.

Мейлибек Анғитнинг ички тайёрлаш кирдикорининг фош бўлиши кечаю кундуз ётиб ичадиган шоир укаси Анғит Алқухулийга қаттиқ таъсир этди, у бор истеъдодини ишга солганича акасини Мўғулистонга бадарға қилдирмоқчи бўлаётган мулла Абдусодиқ Абдурашидга шеърый ҳужум бошлаган эди.

— Бироқ ички ичса-да, бул Алқухулий деганингиз худонинг балоси эмишми? Қўйиб берсангиз манман деган уламою фузалоларни жойига ўтқазиб кўяр эмиш деб эшитганим бор. — Солисаройлик шоирни эслади улуғ Амир. — Битиклари ҳам чакки эмас дейдилар. Пичоққа илинадиган шеърлари бормикан?

— Амр этсангиз келтирурман, хоқони ақрам ҳазратлари!

— Нафақат битикларини, ўзини ҳам келтиринг, Боботурк. Давлатимиз тупроқларида, билхосса бошкент ва атрофида яшайдурғон ёзар зоти борким, барчасини жам этинг. Бу ойдин кишилар улус учун хазина аслида. Алқухулийнинг ички ичишига келсак, уни алоҳида ўрганиб, айби-гуноҳига қараб муҳокама этамиз. Зеро, сабабсиз сават аравага чиқмас. Бир дарди борки, ўзини ички билан овулар балки.

Алқухулийни илк кўрган одам уни қўй оғзидан чўп олмаган мусичаи беозор дея ўйларди. У соғ пайтида, айниқса, амалдорлар олдида урғочи мушук қиёфасига кириб шундай майин товланардики, қаршисида турган одамнинг кўнглида раҳм-шафқат туйғуси жўш уриб, унга чексиз яхшиликлар қилгуси келарди. Ўзи қатори ёки пастроқларга эса муомаласи тамоман айрича



эди. Бўғзидан ички ўта бошлаши билан диши йўлбарсни эгаллаш учун унинг болаларини ўлдирадиган ёвуз шерга айланарди. Ҳатто бир даврада у суфрани оёқ ости қилганча, дастурхонни боскилаб, ўртага чиқади-да қур олиб ўлтирганларга “Бандаларим!” дея хитоб этади. Ўшанда мулла Абдусодиқ Абдурашид уни Оллоҳга ширк келтирдиган дея даврадани чиқартириб юборган. Аламдан чидалмаган Алкухулий муллага атаб шеър ёзган. Мулла ҳам шоир шогирди Тўхта Кесакийни ишга солиб, Алкухулийга бағишлаб шеър ёздирган. Уларнинг қораламалари орқаворотдан бўлса-да, оғиздан-оғизга ўтиб юрарди.

Мулланинг шогирдлари Тўхта Кесакий бошчилигида Алкухулийни маст-аласт ҳолда уч даъфа калтаклаб, у ҳақда ёзган шеърларини кўпайтириб, кўча-кўйда тарқатдилар.

Ҳоқон Боботурк келтирган шоир ва мулланинг бир-бирларини ерга уриб битган битикларини диққат билан ўқиди.

Алкухулий:

*Қиёфанг қассобсифат, сен на мулла, имомсан,  
Ҳақ дилдамас, тилингда, сен асли беимонсан.*

Мулла:

*Худога тил теккизма, ёқасини бўш қўйгин,  
Нафс ташвишин қилмасдан, эсаннат учун бош қўйгин.*

Алкухулий:

*Беҳабарсан, бул улус, очми, гадоми, тўқми,  
Худонинг сен гумроҳдан, бошқа ҳеч иши йўқми?  
Ҳақ йўли деб ҳаммани гофилликка итардинг,  
Жаннат чиндан бўлганда, сен биринчи кетардинг.*

Мулла:

*Аслида сен иблиссан, Идрис<sup>1</sup>нинг йўқ бир туки,  
Шайтон шоир ўларсан, бир кун майингга бўкиб.*

Алкухулий:

*Бир оллоҳдин ўзгаси бари ёлгон, бари боз,  
Ақли ҳушинг чўнтакда, асли наслинг хотинбоз.  
Ютган луқма-ю ноним, ўтган кунга инонгум,  
Ерда Ҳоқони Акрам, кўкда Унга инонгум.*

<sup>1</sup> Идрис пайғамбарга ишора.

Шоиру мулла муноқашасини бир неча бор қайта ўқиган ҳокон бир зум ўйга толди.

– Шоирнинг буюк қардошини Мўлтонга сургун этдик. Укасини ҳам юртдан бадарға этсак, бу авлодга жабр зулм қилган бўламиз. Уни ўзинг оталиққа ол, Боботурк. Сиқилганинда майли, у билан бир икки бардоқ май ҳам ич. Шоир зоти бир-бирини сотиши мумкин. Бироқ улар элу юртини, Ватанни сотмайдилар. Шул боис уларнинг бошини силаб, моддий турумидан хабардор бўлиб, маънан қўллаб-қувватламоғимиз жоиздир. Аҳли илм ва аҳли адабиёту санъатга бир оз бағрикенглик билан боқиб, муруввату марҳамат қопумизни очиқ тутмоғимиз керак. Улар зино ёки баччабозлик каби оғир жиноятлар қилмаса қатъий жазола-маслигимиз лозим. Фикримда ноқислик ёхуд кўшилмайдиган жойингиз бўлса очиқ-ойдин айта билурсиз, – дея мулоҳазали оҳангда сўзлаган ҳокон шогирдининг кўзларига тик боқди.

– Фикрингизга сўзма-сўз, ҳарфма-ҳарф кўшиламан, устоз. Усиз ҳам ҳақ сўзни айтмоққа, улус кўзини очмоққа интилганлари учун шоиру ношир аҳлини нохайрихоҳи, рақибу душмани кўп бўлади. Уларни биз ҳам турткиласак, жоҳилу ғофиллар тепкилайдилар. Шул боис бул қарорингиз ғоят адолатлидир, ҳоконим! – жавоб қилди амир.

– Ўзлигини англаб етмаган, яқин орада ета олмайдиган, қавмларни ўзларича тўғри деб билган хатолиқлардан қайтмоғига ҳали юзлаб қовун пишиғи ўтмоғи керакка ўхшайди, Боботурк, – деди ҳокон ғамгин овозда шогирдининг юзига боқиб. – Бу дунёда энг бахтсиз ва адашган одам, мен ҳам хато қилишим мумкин, дея ўйламайдиган янглиш йўлдан дўна билмоқ учун ўзида зако ва куч-қудрат топа олмаган кимсадур. Бизнинг ишимиз эса ким бўлмасин, бу кишиларнинг инсон каби яшамоқларига кўмак этмоқ ва келажакка умид кўзи ила боқмоқларига шароит яратмоқдир. Мулла Абдусодиқ хусусидаги эса фикрим шулдир. Агар у яна ўқимокни ихтиёр этса, масрафдан кўмак этинг. Бағдод ёки Қоҳирада сабоқ олиб, билим ва кўникмасини орғтириб келсин. Илм олмоқ нияти бўлмаса, Қашқар тарафдаги ҳудудларимизга жўнатинг. Бу ҳам бир ҳажу ҳижратдир. Зотан ўз юрти ва ватанини сева олмаган, унинг тупроғини тавоф эта билмаган мусулмоннинг умраю ҳажу ҳам тўқис бўлмайди. Табиийки, бу менинг шахсий фикримдир ва унга кўшилмоққа кимсани мажбур этмайман.

– Ҳақсиз, хоқоним, – деди устозининг оғзига қараб қолган амир.

– Ҳазрат пайғамбаримиз сабоқ берганларидек, эътиқоду эътирозда чуқур кетмоқ янглишдир. Кимса бу можарони диний ёхуд дунёвий мунозараларда баҳс мавзуси этмасун! Бир-бирига юзда-юз қарама-қарши фикрлар ҳар замон ва маконда улус бошига буюк фожиа ва фалокатлар келтирган. Буни катта-кичик, олиму оми барча бирдек англаб ета билмайди. Раият йўлбошчилари ҳеч қачон бу каби эътиқодий, ғоявий тўқнашувларнинг юз беришига йўл қўймасликлари керак. Акс ҳолда, эл-улус бошини қўшиб, олий ҳадафлар, юксак мақсаду манзилларга йўналтирмоқ йўлидаги барча тоат-ибодатлар беҳуда кетади...

Қаҳратон қиш тунида ой маҳзун боқарди. Улус орзу армонларини орқалаган каби сокин оқаётган Сайхун ой нурида жимирларди.

Тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди.

Амир Боботурк хоқоннинг амри ва рағбатига кўра Алқухулийнинг аҳволдан хабардор бўлиб турди. Бошкентда бўлганида ҳафта ёки ўн кунда бир бор шоирни зиёрат этиб, емак-ичмагига кўмак этарди. Карвонсарой хужраларида ҳам унга мусофирпарварлик кўрсатиб иззатини ўрнига қўярди. Гоҳо бу давраларга Алп Туркаш ҳам қўшилар эди.

Илк учрашув ва суҳбатда амир шоирга шу ички ичмоқ дарадидан халос бўлмоқликни маслаҳат берди. Алқухулий маънодор бош сермади-да, ҳа ҳам, йўқ ҳам демади. Бекнинг ҳурматини қилиб шу куни ичмади. Гапнинг рости, амирнинг кутилмаган таклифидан чўчиган, шошиб қолган эди. Бу Темур дегани билан ўйнашиб бўлмайди. Меҳри не қадар чексиз эса, қаҳри ҳам шундай қаттиқ. Астойдил тикилган душману рақибини жойини солмай қўймади. Алқухулийнинг ўрнида кимса танимайдиган бир киши бўлганда кунини кўрарди. У бир неча давраларда кайфи ошиб, “Темурбекни Амир Темур этган биз бўламиз” деб ҳам юборди. Исковучлар бундай гап-сўзларни совутмай хоқонга етказдилар.

Шоир бир неча кун юрагини ҳовучлаб юрди. Бирок Кўксаройдан ҳеч бир садо чиқмади.

Амир Боботурк хужрасига тўсатдан кириб келганида Алқухулий

сўнги ақчасига олган нимча этни декчага солиб, қайнатма шўрва қилиш тараддудида толкосага сўғон<sup>1</sup> тўғрарди. Бурчақдаги эски кўзанинг тагида бир чирпит тўлгулик май бор эди.

Амирнинг ўзини йўқлаб, тўлиб-тошиб кириб келганидан боши кўкка етган шоирнинг кўзлари жикқа ёшга тўлди.

– Бизнинг ҳам ҳолимизни сўровчилар бор экан-а, Эгамга шукур, – деди бекни бағрига босиб.

Бек ҳокон ошхонасидаги ноёб майлардан ҳам келтирган эди. Кичикроқ кадида қуйруқ ёғида қовурилган туймоч, шойи белбоққа Самарқанд паири тугилганди.

– Билаган, – деди шоир улар ўтириб ҳол-аҳвол сўрашгач.– Сизнинг бул ташриф ва саховатингиз, улуғ ҳоконнинг бевосита менга кўрсатган рағбату мурувватлари соясидадир. Акс ҳолда гумроҳлар кофир деб эълон қилган мендек шоиру бенавонинг остонасини ҳатлаб ўтмаган бўлур эдингиз. Бу дунёда ҳокони акрам ва сиз каби кўзи очиқ, фикри равшан, дунёга тўғри нигоҳ ила боқувчи улуғ ва оқил шахсиятлар бор экан, биз каби аҳли ойдин оёқ ости бўлмагай, амирим, – деди Алқуҳулий йиғига ўхшаган овозда. – Сизлар бўлмаганингизда оламга игнанинг кўзи каби бир тешиқдан боқувчи бу жоҳиллар менинг теримни шилар эдилар. Булар эркин фикрлаган, оқни оқ, қорани қора деган одамга шайтон дея қарайдилар. Энг фожиалиси, шу қадар катта халқ ва элу элатлар тўртта саводсиз ва чаласаводнинг оғзига қараб, шариат кесган бармоқ ачимас, дея тақдирга тан бериб яшамокқа мажбур ва маҳкум этилган.

– Чуқур кетдингиз шоири замон, – деди Боботурк суҳбатдошининг сўзини бўлиб.

– Пайғамбаримиз мен айтган саводсизлар учун кўрга ҳасса бўлсин дея шундай деганлар, амирим. Зотан мен муқаддас динимиз, шариату тариқатлар хусусида кимса ила баҳс этмайман. Бу нарса эътиқодимизга ҳам, баҳслашувчи томонларга ҳам ғавғо ва ташвишдан бўлак ҳеч нима келтирмайди. Насронийлар эса ўз эътиқод ва пайғамбарлари хусусида истаганча талашиб тортишадилар. Зотан, инсоният ана шундай баҳсу мунозаралар сўнгида ҳақу ҳақиқатнинг манзили томон боради. Мен сиз айтгандек

---

<sup>1</sup> Сўғон – пиёз.

динда эмас, умуман, фалсафада чуқур кетмоқдаман. Ҳақманми, ноҳақманми, бу менинг кўз қарашларим. Жоҳиллар ўзларининг ақллари етмаган фикрларни сўйлаган, оламга ўзгача нигоҳ ила боққанларни Мансур Ҳаллож каби ўтда ёқиб ўрганганлар. Уларнинг бу қотилона ишларига Ҳоқон Темур каби бир зот барҳам бериши мумкин. Акс ҳолда бул қавми мусулмон ҳеч қачон одам бўлмайди, – куйиниб кўнишарди шоир.

Сухбатдошлар бир-бирларининг кўзларига боққанча бир косадан шаробни сипқордилар.

– Мен довдир шоирни лақиллатиб, гапга солаверманг, муҳтарам амирим. Рухсат этсангиз менинг ҳам сиздан сўрайдиган айрим саволларим бор, – деди шоир бир лукма туймочни оғзига солар экан.

– Истаган саволингизни сўрай билурсиз. Улуғ хоқон марҳаматлари ила Турон салтанатида сиз шоири замон ва ҳокими давронга истаган гапингизни гапирмоқ ва истаган кишингиз фикрига эътироз билдирмоқ ҳақ-ҳуқуқи берилган. Ҳатто мени ҳам бўралатиб сўкишингиз мумкин, – деди Боботурк майин табассум билан косадаги майни майдалар экан.

– Сархуш ҳолатларимизда бир неча бор “хоқон ҳазратларини хоқон этган бизмиз” деган гаплар оғзимиздан чиқиб кетган, бек жаноблари. Хом сут эмган бандамиз-да. Маълумингизким, бул каби гап-сўзларни узунқулоқлар ўз вақтида Амир Соҳибқиронга етказадилар. Бир муддат ичган ичким ҳам томоқдан ўтмай горақ ховучлаб юрдим. Ростини айтинг, шу сўзларим улуғ амирининг кулоқларига етдими, йўқми?

– Ўз вақтида етган, шоирим, – деди амир босиқ оҳангда. – Недан бун сўрамоқдасиз?

– Мени хоқон ҳазратларининг шу сўзларимга муносабатлари қизиқтиради. Айбга буюрманг. Шул боис сўрадим? – хижолато-муз оҳангда фикрида давом этди шоир.

– Хоқони ақрам сўзларингизнинг ҳақ эканлигини ва бу фикрингиз учун сизни таъқиб этмасликларини тайинлаган эдилар ўша пайтда...

– Айтдим-ку, бу Амир Темур деганлари одам эмас, авлиё деб, – дея ўнг кафтини тиззасига урди Алкухулий. – Ана одамнинг марди, эрқаги. Кўп ҳукмдорлар бор. Подишоҳу одам эмас. Хоқон

Темур аввал инсон, сўнгра подишоҳ! – ҳаяжондан елкаси силкиниб сўзларди шоир кўзи ёшовлаб. – Дунёда шундай, дарёдан сув бағишлайдиган одамлар ҳам борда-а, амир жаноблари? – деди ўксик оҳангда.

– Ҳамкасбингиз, Баҳодир Исобек ҳам “Шоирлар шоҳлардан яшайди кўпроқ. Во дариг, шоҳдан улуғман, бўйнимда шоҳнинг сиртмоғи” дея ёзганида ҳузурларига чорлаб, хизматларини тақдирлаб, менга ишга олишимни буюрганлар. Тўғри сўзнинг юки оғир бўлади, дўстим. Уни ҳар ким ҳам ҳазм эта олмайди. Уни фақат оғир бошли, дунё кўрган ва уни англаб етганларгина тушунадилар. Зотан, ҳамма нарсани тушунган одам ҳамма нарсани кечиради.

– Балли, биродар, балли! Дононинг атрофида доно, нодоннинг теварагида нодон йигилганидек, хоқон ҳазратлари ҳам сиз кабиларни бежизга ёнларида олиб юрмаган эканлар, – дея Алқухулий дамсар уриб.

– Хоқон ҳазратлари шоирми, ойдинми, чўпону навкарми шу эл-улуссиз биз ҳеч ким эмасмиз, дея таъкидлайдилар. Одамларнинг турли табақа, наслу насаб, яхши-ёмонга ажратмай тўғри муносабатда бўлишни, бошини силашни уқтирадилар. Сиз каби илм аҳлига эрса алоҳида эҳтиромлари бор.

– Оллоҳ хоқон ҳазратларини бошимиздан эксик тутмасин! – дуо қилди шоир.

– Ҳақу ноҳақ сўзласа-да, Оллоҳнинг ҳар бир қулининг сўзини сўнгига қадар эшитмоқ, унинг дарду ҳасратини диққат-эътибор ила тингламоқ кераклигини улуғ амир алоҳида қайд этадилар. Оқилу доно киши бу фикрлар орасидан тўғрисини олиб, унга амал қилади. Нотўғрисини эса эътибордан четда қолдирмайдики, бир кун келиб, бу янглиш фикрлар яна кўзғалиб, эл-улус, содда ва ишонувчан кийшиларни йўлдан адаштириб, бошларини қотирмасин. Яратгувчи томонидан инсон зотига берилган энг муқаддас илоҳий неъмат – бу сўз сўйламак, ўз фикру қарашини ифода этмак иродасидир. Бунга монелик қилган, кишиларни ана шу илоҳий имкониятдан маҳрум этган кимсалар Оллоҳга қарши борган, унинг яратганлари қадрини ер-ла баробар этган саналадилар. Ҳазрати пайғамбаримиз ҳам “сиз фақат ўз сўзингизни

Ўтказаман дея ўзгалар фикрини тингламасангиз, аҳли мўъмин хоҳиш иродасига кулоқ солмасангиз, динимизнинг бузилишига сабабчи бўласиз” дея таълим берадилар.

– Биз бир шоиру фуқаро, ғарибу ғурабонинг гуноҳимиз-ҳар замон бўйнимиздадир. Соҳибқирони аъзам ҳазрати олийлари ҳар замон бир қошиқ қонимиздан кечиб, хатою нуқсонларимиз устига афву шафқат чизигини тортиб келадилар. Ҳар замон биз ва биз кабиларни бағишлайдилар. Кўзум очик эркан, ул хоқони оламдан миннатдормен ва дуойи жонларини қилиб, эгамдан умрлари узок, давлатлари боқий бўлишини тилайман. Сиз азиз биродаримизга заҳмат ўлмаса ушбу сўзларимни ул зоти олийларига етказсангиз, токи муборак кўнгулларига биз тарафдин бирор озор етмасун.

– Риждолари бош устига, муҳтарам шоирим, – деди амир Боботурк суҳбатдошининг назокатли сўровидан таъсирланиб.

– Ташрифингиздан бул ўксик кўнглим не қадар кўтарилганини, ёруғ олам хоқони эътибори ила салтанат бегининг ғариб кулбам остонасини ҳатлаб кириши мен учун ҳаётимнинг энг мутли дамларидир, амирим. Зеро, одам зоти ҳаётида атрофидаги кишилар, яқинлари, жамоа, ўз давлати ва ҳукмдорларига суяниб, таяниб яшайди. Ана шу ишонч ва суянч тоғлари емирлдим, инсон умрида маъно қолмай, қалбидаги яшаш завқи қайб бўлади. Ўз ақл-идроки, имкону иродасининг мувозанатидан чиқиб кетади. Ҳатто кафтдек текис кўриниб турган йўлда кетаётиб ҳам адашади. Кўзлаган юксак ҳадафлари, нигоҳини тиккан манзилларга ета олмай, сарсонлик саҳросида қолиб кетади. Кишини изтиробга соладиган энг буюк азоб, шу кунгача қилган бутун тоатибодатининг бир пул эканлигини англаб етмоқ экан, амирим. Бу дунё дегани чексиз бир бўшлиқ, инсон закоси қамрай олмас бир муаллақлик эканлигини киши кеч англар экан. Тубига етмоққа уринганинг сари чиқиб бўлмас бир хандаққа томон кетаверар экансан.

Шоирнинг фикрларини диққат билан тинглаган бек кўзларини юмганча ҳорғин ва чуқур нафас олди.



## ЎТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

*Мағрурланма, подшоҳим,  
Сендан буюк Оллоҳ бор!..*

Усмонли султонларининг тахтга  
ўтириш маросимида тўпланган халойиқ айтиб турадиган салот

Турон ўрдуси кундан-кунга ортиб, қувватланиб борар, бу эса барчанинг кўнглида зафарга ишонч туйғусини уйғотарди. Қишдан эсон-омон чиққан лашкар баҳор ёмғирларидан тўлиб-тошиб оқаётган Сайхунда чўмилишар, отларининг сағриларини ишқалаб, ювинтиришарди. Қўшиндаги бу кўтаринки руҳни кўрган Темурнинг ҳам кайфияти жойида эди.

Шаҳарнинг кун ботиш тарафидаги энг баланд тепалик томон от кўйиб чиққан улуғ Амирнинг орқасидан уч суворий от чоптириб борарди. Булардан бири Жаҳонгир мирзо вафотидан сўнг катта ўғил сифатида суяниб қолган амирзода Умаршайх ва Ҳожи Сайфуддин ҳамда Ййгу Темур эди. Суворийлар тевааракатрофни синчковлик билан кузатиб, текис тепаликни отда айландилар. Темур Шоҳ Иброҳим ҳадя этган, кафказлик усталар ясаган амузғин қиличини қинидан чиқарди. Қилич шу қадар нозик ишланган эдики, уни дутор тори каби чертса ҳам бўларди. Тиғининг ўткирлиги ҳар қандай металл қотишмасини кесар эди. Хоконда бу қиличнинг ханжари ҳам бўлиб, у билан устара каби соқол олиш мумкин эди. Темур ёнидагиларга бир қараб кўйиб, қиличнинг учини дарёнинг юқори ўзани томон тўғрилаб, мўлжал олди-да, шерикларига деди:

— Боқинг, амирзодам, сизлар ҳам қаранг. Дарёнинг қиличим учи кўрсатиб турган жойидан кўприк соласиз. Бироқ бу иш ила машғул бўлаётганингизни кимса билмасин. Черик дарёдан ўтишни машқ қилаётган каби кўриниб, ишни уч кунда битирсин. Фармоннинг давомини кўприк битгандан сўнг оласиз! Сизларга Тангри ёр бўлсин!



Уч саркарда ҳам бош ирғаб, вазифани англаганликларини билдиришди.

– Сизларга оқ йўл! Бир оздан сўнг мен ҳам энаман! – деди Темур уларга кетмоққа рухсат этиб.

Оти жиловини эгар қошига илганча, тепалиқдан қиялаб тушаркан, Темур ўзича неча кунда лашкарнинг дарёдан ўтиб, қанчада Жўчи қўшинига етиб олиш мумкинлигини чўтлаб борар эди.

Мис баркашдек қип-қизил қуёш у севадиган Туркистон тизмалари ортига охиста чўккан, даралар ва дарё юзи ёнаётган каби қизғиш тусга кирган эди. Бу дарёда қўлбола кемаларда сузиб, ота юртини ҳимоя этган Темур Малик хаёлида гавдаланди. Қошиқ айланиб бизга келди. Энди ота тупроқ учун биз мужода-ла этмоғимиз керак, кўнглидан кечди хоқоннинг.

Кўприк қандай қурилиб, қачон битганини ҳатто улуғ амирлар ҳам ундан ўтаётганда билдилар. Кўприк устида отда ўтаётган Темур бир муддат туриб, дарёнинг оқишига термилди-да, навбатдаги фармонни берди.

– Темур. Кутлуғ ўғлон, Усмон Вустматий ва Севинч Баҳодирлар илгарига ўтсинлар ҳамда ёғий дуч келса, савашмоққа ҳозир бўлсинлар! Хабарчилар воқеалардан бизни огоҳ этиб турсинлар! Ўзларини ёғийга шундай кўрсатсинларки, гўёки орқада ҳеч қандай катта қўшин йўқ! Шунда душман чекинмай, ғалаба илинжида улар томон ташланади. Биз эса пистирмада турамыз!

Қирқ йилдан бери катта-кичиқ савашларни кўравериб, кўзи қотган Темур қўшиннинг оёқ олиши ва қилич сермашидан савашнинг ниҳоясини кўра оларди.

Бош қўмондоннинг ҳисоби аниқ эди. Кичикроқ черикни кўрган душман қоровули бу ҳақда асосий кучларга хабар етказди. Улар эса нақд турган ғалаба ва ўлжани қўлдан бой бермаслик иштиёқида отларига қамчи босдилар. Худди шу дамда Самарқанд чериги пистирмадан душман устига ташланди. Ёғий доғда қолган эди. Улардан юз чоғли одам омон қолди ва қочиб қутулди.

– Рухсат беринг, ҳазрат, уларга етиб олиб, тинчитайлик! – отини чоптириб келиб сўради Усмон Баҳодир.

– Йўқ, бўтам, – деди Темур ёғий қочган тарафга тикилар экан.  
– Сиз уларни битта қўймай қириб ташласангиз, ким бориб, биз-

нинг куч-қудратимизни сўзлаб, хоннинг ўтакасини ёради. Уларни ўз ҳолига қўйиб беринг. Биз етиб боргунимизга қадар ўз шерикларини мағлубиятга руҳан ҳозирлаб турсинлар!

– Англадим, аълоҳазрат! – деди қамчинли чап кўлини гурсиллатиб кўкрагига ураркан Усмон Баҳодир. – Биз шапқур аскар кўриб турганимизни тутаамиз, ушлаганимизни еймиз. Сиз эса тоғнинг нариги тарафини ҳам кўра оласиз! Тан бердик! Тасанно-е, ҳазрат! Оллоҳ мартабангизни янада юксак этсун! – этана бўлиб дуо этди Усмон Баҳодир.

– Сен ҳам омон бўл, Усмон! Бугундан эътиборан сенга амирлик унвонини берамиз! Салтанатга садоқат-ла хизмат этмоқдасан! Хўжанд атрофида истаган жойингдан суюрғол ол! Беқарор сулдус қавми ҳамда ўжар жалойирларни кўз остида сақлаб турасан! – деди Темур отда турган Усмоннинг елкасига қоқиб.

– Қуллук, ҳазрат! Бу қадар марҳаматингизга лойиқ хизмат қилмаган бўлсам-да, шунчалик сийладингиз. Сизни Оллоҳ сийласин! – Темурнинг пешини ўпиб жавоб қилди Усмон Баҳодир.

Турон ўрдуси шижоат ила илгариларди. Сирдарёнинг Саброн шаҳри яқинидаги Арж ирмоғига етганда Тўхтамишхон ҳамон шаҳарни қамал қилиб турар эди. Темур хузурига ўқдек учиб келган Умаршайх мирзонинг қоровули Тўхтамишхоннинг асосий кучлари дашт томон чекинаётганини айтди.

– Қай томонга чекинмоқдалар? – сўради Темур ўйга толиб.

– Ясси тарафга, ҳазрат! – жавоб қилди чопар.

Демак, хон ҳазратлари биз ила юзма-юз бўлмоқдан ўзини тийган, ўйлади Темур. У айни дақиқада тўғри йўлни танлаган. Савашса, энгилиши аниқ. У чекина-чекина бизнинг қўшинни ҳолдан тойдириб, сўнгра савашмоқ ниятида.

Чопар Темурдан амр беклар эди.

Темур ўзига яқин турган амирларига бир нигоҳ ташлаб чикди. Хожа Шайх Қавчин, Самандар Навқалик, Омоншоҳ Баҳодир, Қорахон Баҳодир ва Давлатшоҳ Жайбачи улуслари муаммоси билан унинг хузурига келган эдилар.

– Муаммоларингизни ҳал бўлди деб билинг ва ҳозироқ душман изига тушинг. Тил олмоқ ва ёғийнинг режасини билмоқ лозим. Шунга қараб ҳаракат этамиз! – қатъий кўрсатма берди Темур.

Беш саркарда ҳам гап-сўзни йиғиштириб, чериклари олдига тушиб ёғий изидан от қўйдилар. Еттисув воҳасидаги Сарик Ўзан манзилида душманни кувиб етдилар. Дархон қавмининг бекларидан Қибта Дархон юз чоғлик одами билан қўлга тушган эди. У сулҳга кўнмади. Оқибатда жанг бошланиб кетди. Ниҳоят асир тушган Қибта Дархонни чериги ва мол-мулки билан Оқсувга, Темур хузурига жўнатдилар.

Катта кўшин ҳамон Жўчи ўрдусини таъқиб этар эди. Ўранг Чақал йўли орқали чўлдан ўтган лашкар Билан, Сарик Ўзан ва Кўрчун манзилларини ортда қолдириб, Ўтрор шаҳри билан Талас орасидаги Ол Қўшун манзилига қўш ташлади. Шу ерда лашкарга икки кун дам олиш учун рухсат берилди.

Улуғ Амир сўнгги бир ой мобайнида илк даъфа тўйиб ухлади. Бироқ эртаси куни келган нохуш хабар истироҳатнинг белига тепди. Етти қайтган кудаси Алибек Жониқурбонийнинг укаси Ҳожибек Жониқурбоний Тус ва Калот лашкарига бош бўлиб, исён кўтарган эди. Бу хабарни совуққонлик билан эшитган Темур эшик оғасига амирзода Мироншоҳни чорлашни буюрди.

Чодир эшигидан барваста қоматли, кийган шоҳона кийими ўзига ярашган Мирзо Мироншоҳ қўшқўллаб таъзим бажо келтириб кирди ва тўрда ўтирган отасининг тиззасига пешонасини қўйди. Амирзода ҳурмати учун Алп Туркаш билан Боботурк ҳам ўринларидан туриб, таъзим-ла бош эгиб турардилар.

– Келинг, амирзодам. Марҳамат, ўтиринг, – ўнг тарафидан жой кўрсатди Темур. – Аҳволингиз нечук? – ўғлига синчковлик билан тикилди ота.

– Сиз азиз ва мўътабар қиблагоҳнинг ёнларида бўлмоқ барчамизга сўз ила ифодалаб бўлмас бир куч-қудрат, илҳом бахш этур! – самимий оҳангда дона-дона жавоб қайтарди Мирзо Мироншоҳ.

– Ташаккур, амирзодам. Сиз салоҳиятли ва шижоатли фарзандимиздан умид ҳам шунчалиқдур! Қаерда бўлманг, сиз – азиз авлодим, салтанатимизнинг адолатли байроғини муносиб қўлда тутмоқдасиз ва бундан барчамиз ғурур туймоқдамиз! – оҳиста, бир оз титроқ оҳангда сўзлар эди Ҳоқон.

Отасининг жиддий қиёфаси ва яқин кишиларининг сукунатидан амирзода бирор нохуш ҳодиса юз берганлигини сезган эди. Унинг чодирга кириб келгандаги ғолибона ва тантанавор қиёфаси жиддий тўс олди.

– Ўзингиз билган эски хоинлар, жониқурбонийлардан одам чиқмайдургонга ўхшайдур, амирозодам, – муддаога кўчди хоқон.  
– У яна бизга ёғийлик эълон этибдур. Бугун хабар олдик.

– Буюринг, қиблагоҳ. Амр этсангиз, черигим ила ҳозирок йўлга чиқурмиз! – ҳаяжон ила жавоб қилди Мироншоҳ.

– Мақсад ҳам шулдир, авлодим! Бироқ кетмоқдин олдин тўрталамиз маслаҳатлашиб олмоғимиз жоизки, бешинчи киши хабар топмаслиги лозим, – мулоҳазали овозда сўзлар эди Темур. – Ҳожибек ўз-ўзидан исён кўтармайди. Унинг Самарқанддаги карт маликлари ва Андижондаги оқуйлик қилинган жониқурбонийлар ила махфий мунозаралар олиб бораётганлиги бизга маълум эди. Бироқ ҳар бир кимсанинг айби юзда-юз ойдин бўлмасидан бурун жазоламоқ Оллоҳга ҳам, бандасига ҳам хуш келмайди. Шундай эмасми, Туркашбек? – дея Алп Туркашга юзланди Темур.

– Шундай, устоз. Бу ҳодисаларга гувоҳ бўлган тўрт хуфямиз шу ерда, – жиддий қиёфада жавоб қилди бош хабарнавис.

– Хуллас, вазифа шундай, жигарим. Сиз эрта-тонгда сафарга жўнайсиз. Сизни бу манзилдан тўппа-тўғри Хуросонга кетди дея овоза тарқатилади. Сиз эса йўлни Самарқандга бурасиз. Шаҳардаги уч карт малиги, Малик Ғиёсиддин, ўғли Зайналобиддин ҳамда Муҳаммадларнинг айбларига иқрор бўлгач, гувоҳлар ва қозилар иштирокида жазолайсиз. Мен бу ишни бир ҳафта бурун Самарқандга жўнатганим Ҳожи Сайфуддинга ҳам айтганман. Лозим бўлган маълумотларни ул кишимдан ола билурсиз. Бул вазифани адо этгач, Хуросон йўлини тутиб, тўхтамай юрмоғингиз лозим бўлади. Хоинлар муносиб жазосини олмоғи шарт, – дея сўзини тугатди улуғ Амир.

– Англадим, қиблагоҳ! – дея яна пешонасини отасининг тиззасига қўйиб, пешини ўпди Мироншоҳ

Темур эса эгилиб турган ўғлининг пешонасидан ўпиб, елкасига қўлини қўйди. Сўнгра ота-бола ўрниларидан туриб, кучоқлашиб хайрлашдилар.

– Омин! Олинг, олдирманг! Йўлингиз оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлсин! – дуо этди Темур. Сўнгра ўғлини кузатиб чодирдан чиқди.

Вақт пешиндан оққан, куёш чарақлаб турган илиқ ёз кунларининг бири эди. Жазирама иссиқлардан дарак бериб илк

чирилдовуқлар чириллай бошлаганди. Турк ва мўғул отларининг туёғидан дам-бадам ларзага келиб турадиган бу чексиз кенгликлар энди сарғайиб, сомон рангига кираётган, тўрғайларнинг ҳавода муаллақ туриб, жуфтини излаб сайрайдиган дамлар яқин эди.

Ўғлини сароларда саҳнида йўлчи этган Темур беихтиёр, дўсти, амир Худойдоднинг еўзини эслади. «Душманни лаълу жавохирдек сақламоқ керак ва бирон тошлоқ ерга келганда уни харсангга шундай урмоқ жоизки, талқони чиқиб, ном-нишони қолмасин». Бироқ Темур карт сулоласидан чиққан подшоҳларга бундай муносабатда бўлмоқчи эмас эди. Улар салтанат даъвосида юрсалар-да, турли исёну ифвогарликларга бош қўшмасалар, Темур уларга ўз вилоятларини қайтариб берган бўларди. Бироқ бу такаббур ва ўжар одамлар ўз билганларидан қолмадилар. Кўзларига эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги эмас, фақат тожу тахт кўринди. Улар Турон салтанатида рўй берган катта-кичик тўплонларда, айниқса, Тўхтамишхоннинг юриши пайтида ўзларини бошқача тута бошладилар. Барча даражадаги амир ва лашкарбошилар уларнинг баҳридан ўтмоқни сўйлашарди. Бироқ Темур ўз эътиқодига кўра шоҳми, гадойми гуноҳ ва жинояти юз фоиз тасдиқланмаса жазога торгтирмас эди.

Ясога кўра ҳар бир айбдорнинг гуноҳи қамида тўрт нафар гувоҳ иштирокида тасдиқланмоғи шарт эди.

Темурнинг чодирдан чиқаётганини кўрган эшик оғаси курси ва ҳошиясига зарҳал югуртирилган соябон олиб чиқди. Шу пайтда этакда икки суворий отдан тушиб, қўш томон кела бошлади. Улуғ Амир Тўплак Қавчин билан Хожа Шайх Қавчинни узокдан таниди. Оёқ олишларидан муҳим бир хабар ила келаётганларини пайқади. Улар салом бериб, Темурнинг пешини ўпдилар. Хос мулозим уларга ҳам курси келтирди.

— Хуш келдингиз, кўп улуғ қавчин қавмининг муҳтарам беклари. Сизларни мана шундай ғолибона ва мағрур қиёфада кўрмоқ менга ҳузур ва ифтихор бахш этади. Сўзлангиз, биродарлар, — дея уларни очик чеҳра билан қаршилади олий бош қўмондон.

— Амрлари муносиб тарзда бажарилди, ҳазрати олийлари! — дея ҳисоб бермоққа киришди Хожа Шайх Қавчин тик турганча. — Хоннинг энг нуфузли кишиларидан бири Қибта Дархонни тутдик. Бул биродаримиз яхши сўзимизга эл бўлмай, биз ила

савашмоқ мақомида турди ва биз ҳам анга жавоб бермоқ турумида қолдик. Рақиб мағлуб бўлгач, уни одамлари ила асир олиб, молу мулки бирлан баробар хузурингизга келтурдик, — дея таъзим бажо этди Хожа Шайх Қавчин. — Улар ҳадемай бу манзилга етиб келадилар. Ана қораси кўринди.

— Боракалло! Боракалло! — деди Темур унинг ҳисоботидан мамнун бўлиб. — Ҳамон уни келтиринг. Сизлардан Оллоҳ рози бўлсин! Ҳақиқий қавчин эканлигингизни исботлабсиз, дўстларим, — дея Тўплақ Қавчинга қаради Темур. — Қани, сўйлагин-чи, Тўплақбек, не учун сизни қавчин дейдилар?

Тўплақ Қавчин бир зум не дея жавоб бермоғини билмай шошиб қолди. Темур уруш-савашни сўзлашавериб чарчаганида шундай қилар, қутилмаганда гап олиш учун мавзунини ўзгартирарди.

— Мана юзларидан кўриниб турибдики, Хожа Шайхбек билар эканлару сизга ўз вақтида айтмабдилар, — дея саволига ўзи жавоб бермоққа киришди Темур. — Қавчин дегани мўғулчада кўшиннинг хос қисми деган маънони англатади. Яъни Чингизхон, Ботухон ва Чигатойхонлар замонида сизнинг ота-болларингиз қоон ўрдусининг хос илғори сифатида савашларда қатнашганлар ҳамда хоқонларга яқин турганлар. Қадимдан бу қавм шонли саналади ва ҳеч замон ўзлигини йўқотмаган, — деди Темур ҳамон ёш қавчин лашкарбошидан кўзини узмай. — Сизда бул тарихий шону шарафингизни сақламоғингиз, авлодларингизни улусимизнинг ибратли эътиқодлари руҳида етиштирмоғингиз лозимдур!

— Ҳар доим, сиз, мухтарам ҳазратнинг самимий маслаҳатларингиз бошимиз ва кўзимиз устидадир. Аймоғимиз сиздан фақат яхшилик кўрди. Орада хатолик ва англашилмовчиликлар содир этилган бўлса узримизни қабул қилинг, аъло ҳазратлари, — деди Тўплақ Қавчин ҳурмат билан Темурга жавоб бераркан. — Ҳар замон амру фармон султонимизнингдир!

— Мен ҳаётга ақл ва адолат кўзи ила қараб, хатоларини англаб етган, ундан хулоса чиқара билган ҳар қандай кишининг айби устига афв рақамини чекамен! Бугундан эътиборан иккингиизга ҳам улус амирлигини бердим. Бундан буён сиз аймоғингизни тўғри йўлдан бошқариб, уни тезроқ тамғага етказинг Бул икки амиримизга бир донадан исфаҳон қиличи ва қўш тулпорлар ҳада этилсин! — шиғовулга ишора қилди Темур.

Хос мулозим шамширларни бирма-бир улуғ Амирга тутқазди. Темур эса ўз навбатида безакли қини ярқираб турган қимматли қиличларни амирларга тақдим этди. Бу орада қавчин аймоғининг жангчилари Қибта Дарҳонни олиб келдилар.

Соқоли ўсиқ, қошининг икки чети кўтарилган қовоғидан қор ёғиб турган сигиркўз Қибта Дарҳон бошини эгиб, Темурга салом берган бўлди, бироқ таъзим қилмади. Сўз ила ҳам саломлашмади. Темур ҳам қани у нима қилар экан дегандек, қизиксиниб қараб тураверди.

– Мени маймун каби томоша этмоқдин муродинг недур, Темур? – деди анчадан сўнг қаҳрли оҳангда асир бек.

– Мен сени томоша қилаётганим йўқ, Дарҳон. Сен ўзингни қандай тутганингдан хурсанд бўляпман. Айтишларича, черигинг-ла жуда яхши савашибсан, – гўёки орада ҳеч нима бўлмагандек оҳиста гапирди Темур. – Мен сени яхши танийман. Сен ҳам мени жуда яхши биласан. Янглишмасам, мендан икки ёш каттасан. Ўзим сени Тўхтамишга тўғри йўл кўрсат, ёрдам бер деб кўшиб юборган эдим. Мана ишончим ва тузимни оқлаб, биродарликни жойига қўйиб, соқолинг Мозандарон чангалзоридек ғовлаб қаршимда турибсан ҳамда биздан беҳуда хафа бўлмоқдасан. Нотўғри қиласан, муҳтарам дарҳон беги. Билсанг, бу сен учун Яратганнинг яна бир синовидир. Демак, шунга яраша хато ҳамда гуноҳинг бор. Гуноҳинг кўп эмас эканки, бошинг ёнингга қолибдур. Бунинг учун мана бу қавчин амирларидан рози бўл. Сени кўзи очиқ одам деб билардим. Дарҳон улусига бизнинг қилган марҳаматларимизни эшитган чиқарсан деб ўйлабман. Унда яна бир бор эслатай! Улус ўтоғоси Боязидбек бизда бешинчи даражали амир ва бу улусдан ўн киши менинг энг яхши юзбошиларимдандир. Ҳар ҳолда сен бизга қарши қилич кўтармасанг бўлар эди. Боиси, ақлинг сенга нонкўр Тўхтамишнинг ноҳақлигини сўйламоғи ва ўз ўрнида сен хонингга бу иш хатолиғ эканлигини англаймоғинг лозим эрди...

– У одам зоти нари турсин, худонинг ҳам айтганини қилмайди! – Темурнинг сўзини бўлиб бақириб юборди Қибта Дарҳон.

– Ўзингни бос, Қибта! Ҳеч бўлмаганда шу қизишган хумдек ақлли калланг узилаётган пайтда ўзингни эр каби тут! – деди Темур ўша босиқ оҳангда.

– Агар шунча одамнинг бошини кесиб, қонга тўймаган бўлсанг, меникини ҳам ол! – жазаваси тутиб кетди Қибта Дархоннинг. – Ҳе энангни...

Асирнинг ёнида турган Тўплақ Қавчин унинг оғзи аралаш юзига қамчи туширди.

– Улуғ Амирни ҳақорат этма, ҳароми! – ўшқирди Хожа Шайх Қавчин.

Темур ўнг қўлини кўтарди. Улар гап ва ҳаракатдан тўхтадилар: Қибта Дархоннинг қамчи учи теккан пешонасидан қон сиза бошлади.

– Бу биродаримизни ҳам тушунмоқ керак, – деди Темур паст овозда. – У ҳаётида бу қадар абгор ҳолга тушмаган. Мусибат кишини йўлдан адаштириб, шох бўлса-да, девонага айлантириб қўяди. Девонадан эса одатда хафа бўлмайдилар ва ўпкаламайдилар. Биз сендан хафа эмасмиз, Қибтабек. Биз, ўзимизни одам бошини кесмаган фаришта кўрсатмаймиз ва сенинг олдинда ўзимизни оқлашга ҳам уринмаймиз. Ҳозир сен қавчинлар қўлига асир тушиб, жонинг сақланиб турибди. Оллоҳ биладиким, булар сенинг қўлингга тушганида турумлари не кечар эди. Сиз дархонлар ота-боболарингиз тархонликка эришгандан буён имтиёзлар соясида ҳеч бир замон, ҳеч бир давлатга солиқ тўламай бойиб, кишиларни одам ўрнида кўрмай яшадиларинг. Шунинг учун ҳам бугун бошингга мусибат келганда чидаёлмай, талвасага тушаётгирсан. Сен калтабин инсонни мен ҳозироқ терингни шилдириб, ичига дағал сомон тикдирмоғим лозим эрди! Бироқ бундай қилмайман! Афт-ангорингга қараганда сенинг энг катта бойлигинг фаҳму фаросатинг эрмас, сигиру йилқинг ва қўй эчкингдир! Сенга жонингдан-да мол-мулкинг азиздир. Аввало, биз сени шундан маҳрум этамиз. Қибта Дархоннинг мол-мулки аскарга тақсимлаб берилсин! Ўзинг эса бизнинг кимлигимизни англаб етгунингга қадар ўғруқимизда қоласан! Шунда мен сен билан яна бир марта, сўнгги бор гаплашаман. Унга қадар еб-ичиб, тоат-ибодатингни қилиб юравер! Олиб кетинг уни!

Қибта Дархон тиз чўкиб, Темурдан мол-мулкини қайтариб беришни сўрамоқчи эди. Бироқ икки навқар унинг оёғини ерга теккизмай ва сасини чиқармай олиб кетди. Одатда Темурнинг юзига тик боққан ва унга сўз қайтарган кимсаларга лашқару ра-



ият нафрат билан қарар ва улуғ Амир уларга тегмаслик ҳақида алоҳида кўрсатма бермаса, ёмон муносабатда бўлишар, охир-оқибат жойини солишарди.

– Тўплақбек! Ўзингиз унинг ахволидан хабардор бўлиб ту-ринг. Озор беришмасин, – деди Темур ибодат учун ўрнидан ту-рар экан.

– Бош устига, ҳазрат. Сизга айтар яна бир сўзим бор эди, – деди Тўплақ Қавчин Темурга яқин келиб. – Аскарлар кимлигини бил-масдан Тўхтамишнинг махфийларидан бири Шойбек Қатагон деганни ярадор этган эканлар. У кўп ўтмай вафот этди. Бирок ўлими олдидан бир муҳим гапни айтди, – деди паст овозда.

Темур қиличига суянганча қавчин улуси амирининг сўзига кулоқ тутди.

– У айтдики, Тўхтамишхон билан Туғлуқ Темурхоннинг ўғли Хизр Хожа ўғлон ўртасида махфий англашма бўлиб, биз Дашти Қипчоққа киришимиз билан Хизр Хожа Фарғона водийсига бо-сиб кирар эмиш. Қуръони Каримга кўлини қўйиб қасам ичди.

– Яхши. Биз бу хусусда кенгаш қиламиз. Сени ҳам чорлайман. Батафсил гаплашамиз, – дея жавоб қилди Темур йўлида давом этар экан. – Ҳа, айтгандек, махфийнинг бу гапини сендан бошқа кимлар эшитди? – яна у томон ўгирилди Темур.

– Тойбек Найман билан Қулмон-Қиёт, – жавоб қилди Тўплақ Қавчин.

– Огоҳлангир! Сасларини чиқаришмасин! Бошлари кетади!

– Англадим, олийҳазрат!

– Оллоҳ кўрисин сени! Боравер, – деди оғир қадам босиб, кўчма масжид томон юраркан. – Лашкарингда қиёт ва найман-лар кўпми? – сўради унга ўгирилиб.

– Қирқ чоғли қиёт ва эллик чоғли найман бор, – жавоб қилди Тўплақ Қавчин.

– Найманлар Жўчи ўрдусида ҳам жуда кўп. Уларга эҳтиёт бўл. Бирор исён чиқариб ёки қочиб кетишмасин.

– Барчаси Тўхтамишдан зулм кўрганларнинг авлодлари. Бирок барибир диққат-ла назорат этмоқдамиз, – улуғ Амирни хотир-жам этди Тўплақ Қавчин.

Темур икки йўл орасида қолган эди. Тўхтамиш хавфини даъф этмоқ учун бораётиб, оёғи остидан Хизр Хожа ва Анқо

Тўра чиқиб қолишини тахмин қилган бўлса-да, бунга унчалик ишонмаганди. Нимагаки хавотирланса албатта шу воқеа содир бўлишини биладиган ва бундай ҳолатлардан юраги пўкиллаб қолган Сароймулкхоним «яхши ният қилинг, ҳазрат, сиз нима десангиз келади» дея уни огоҳлантирганди. Тўхтамиш мўғул хонидан кучли бўлса-да, Темур давлати учун ҳозир Жете хавфли эди. Боиси, у шундоққина тумшуғи остида. Бир от кўйса тоғдан ошиб тушиб, Андижонга кириб келади, Фарғона водийсини эгаллайди.

Сулаймон Сўфи Тўхтамишнинг бир қаноти эди. У синди. Жўчининг илғор кўшини ҳам Сирдарё соҳили ва Саброн саҳроларида тор-мор келтирилди. Бир қаноти билан у Қипчоқ дашти томон чекинди. Демак, у яна қанот қоқадиган бўлгунига қадар Сибирия томон чекинаверади.

Бул орада Жетени бартараф қилмоқ керак. Агар бу гал ҳам Турон кўшини Жете томон энса, бу бешинчи бор улар устига қилинган юриш бўлади. Беклар билан маслаҳатлашмоқ лозим. Не десалар бу гал уларга қўйиб беради. Ҳар ҳолда Тўхтамиш билан тўқнашиб, лашкарни қийнамаслик керак. Жўчи кўшини сони Темурниқидан кўп. Уни шундай қилмоқ керакки, қайтиб сас-садоси чиқмасин!

Темур шу хаёллар билан таҳорат қилиб, узоқ намоз ўқиди. Қуръон сураларини такрорлагани сари вужудига сўз ила ифода-далаб бўлмас бир илоҳий ҳис оқиб кирар ва бу туйғудан қалби ёришарди.

Ибодатдан сўнг чодирга киргиси келмай, ялангликдаги тўрт тарафи очиқ кўшкга келиб узанди. Ошчи билан дастурхончи не емак иташини беклаб, ўн қадамлар нарида қўл ковуштириб туришарди.

– Қийма ва нўхатли қатиқли кесканош, – буюрди Темур ёстиққа ёнбошлар экан.

У одатан турли хил таомларни кетма-кет еб, узоқ муддат емак ёйишни хуш кўрмас эди. Бир ёки икки хил емак билан кифояланар ва тез овқатланар эди.

– Биз Тўхтамиш лашкарининг бошига қилич солаётганимизда орқа тарафдан хавотир олмаслигимиз керак. Модомики, шундай эркан, Жетени бир ёқлик қилмасдан туриб, Дашти Қипчоқнинг

ичкарисига кириб бўлмайди, — деди доимо фикрини очик ва дангал сўйлайдиган лашкарбоши Сулаймонбек улуғ Амир уларни кўшкка чақирганда.

— Муҳтарам лашкарбошимиз Сулаймонбекнинг сўзларини мен ҳам маъкул деб топаман, — деди қалдираган овозда ўз-лаҳжасида амир Қўноқхон Татар. — Бу Жете дегани бошимизга битган бало бўлди. Уни бир ёқлик қилмай туриб, Тўхтамишдек хавfli ва кучли ёғий билан савашиб бўлмайди.

— Бу юриш давомида Жетедда қанчаки от, туя, сигиру кўй бор ҳайдаб келишимиз керак. Бу қавми от-уловсиз қолдириш лозим, — унинг гапини илиб кетди лашкар бошлиқларидан бири Оқйўл Қорлуқ. — Эшагига яраша тушови бўлиши керак.

Темур нигоҳларидан тўпланганларнинг фикри бир эканлигини пайқади. Шу боис гап-сўзни кўпайтирмаслик учун кенгашни тўхтатмоққа ишора қилди.

— Машварат тамом. Мен сизларнинг сўзларингизни тинглайман. Биз аввал Хизр Хожанинг танобини тортамыз. Сўнгра яратган не йўлни кўрсатса шундан борамиз. Балким Тўхтамишхон унга қадар инсофга келиб, хатоларини англаб етар. Биз ҳеч қачон Ўрдадек улуғ давлатни ўзимизга ёғий деб билмаганмиз ва билмаймиз! Сизлардан ҳам ул биродаримиз ҳақида ёмон сўзлар суйламакдин тийилишингизни сўраймен. Ўйлайманки, бизнинг дўстона муносабатимиз Тўхтамишхонни ҳам бефарқ қолдирмағай.

Ўтирганлар бир-бирларига қараб, жимиб қолдилар. Биров улуғ Амирнинг сиёсат қилаётганини англаган бўлса, бошқа бири бу кутилмаган гапдан ҳайрон эди.

Эртаси кун улуғ Амир сафарга отланган кўшиннинг от-улови ва қурол-аслаҳасини кўздан кечирди. Яйловлар қувраб, ўт-ўлан озайгани боис, отлар ориқ ва ҳорғин эди. Серўт ва серсув тоғ этакларига тезроқ етиб олиш ва бу ўтлоқларда лашкарга ҳафтаўн кун дам бериш керак экан, дея ўйлади ўғли Мирзо Умаршайх билан ёнма-ён отда кетар экан.

— Отларимизнинг ориқлигидан безовга бўлдингизми, қиблагох? — деди амирзода эркаловчи овозда.

— Шундай, авлодим. Бир чора-тадбир кўрмоғимиз лозим, — жавоб қилди ота.

– Мен ўзимча фикр қилдим, падари бузруквор, – дея ўз режасини сўзлай бошлади амирзода Умаршайх. – Маъкул кўрсангиз, ҳар ўн суворийдан уч нафарини бошкентга қайтарсак. Қолган етти суворийга уларнинг отини тақсимлаб берсак. Менимча, Жете устига бу қадар катта қўшин билан боришга эҳтиёж йўқ. Ёғийни қувиб етмоқ учун отларимиз бақувват бўлмоғи лозим. Хизр Хожа биз ила савашмоқдан кўра одатдагидек қочмоқни ихтиёр этса керак. Бундай шароитда отлар асқотарди, – ишонч билан сўйлар эди амирзода.

– Ҳисобингиз тўғри, мўлжаллингиз аниқ, амирзодам! – деди Хоқон ўғлининг фикридан мамнун бўлиб. – Айтганингизни қиламиз. Жанг майдонига етиб боргунга қадар қўшиннинг бош қўмондони сизсиз. Мен кекса бўри ҳам одамга ўхшаб, шу ташвишлардан қутулиб, бир дам олайин.

Кўпчилик Темурнинг бу гапини ҳазилга йўйди. Бироқ у чин кўнгилдан сўйлаётган эди. Ота қўшиннинг тақдирини ўғлига топширгач, кўнгли хотиржам тортиб, йўл-йўлакай суҳбат ва сайр ила машғул бўлди.



## ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ БОБ

*Буюклар ҳаммага ўхшайди, бироқ,  
ҳеч ким уларга ўхшамайди.*

Бальзак

Саваш ва қўшиннинг юриши давомида саройдаги каби қатъий бир режа ва аниқ тартиб бўйича иш юритилмас эди. Вазиятдан келиб чиқиб, махфий, хабарнавислар, узунқулоқ, тил ва қоровулдан олинаётган билгилар амир ва лашкарбошилар иштирокида муҳокама этилгач, жамоанинг фикрига кўра бир қарорга келинар эди.

Улуғ Амир салтанат бошкентида бўлганида эса иш тартиби аниқ белгиланар, тўрт нафар вазир ҳар куни девонхонада ҳозир бўларди. Биринчиси, мамлакат ва раият вазири бўлиб, у юртдаги муҳим ишларни, кундалик муомалаларни, халқ аҳволини, вилоятлардан олинган ҳосил, солиғу ўлпонлар ва уларни тақсимлаш, кирим-чиқим, олиқ-солиқ, мамлакат ободончилиги, раиятнинг кундалик ҳаёти ва ҳазинанинг қай йўсинда фаолият олиб бораётганлиги билан шуғулланар эди. Иккинчи, сипоҳ вазири эса қўшиннинг маоши ва танҳоларини, яъни сипоҳнинг тожу тахт учун қилган хизматлари эвазига берилган инъомларни тақсимлашни, қўшиннинг жанговар ҳолати билан машғул бўлар, бу ҳақда улуғ Амирга ахборот бериб турар эди. Учинчи вазир эса эгасиз қолган, ўлиб кетган ва қочганларга тегишли мол-мулкларни, юртга келиб-кетаётган тужжорларнинг мол-мулки ва даромадидан олинадиган закот ва божларни, мамлакатнинг умумий чорвасини, ўтлоқ ҳамда яйловларни бошқарар, булардан йиғилган кирим ва даромадларни омонат тарзида сақлар эди. Бу вазирнинг асосий ишларидан бири ўлганлар ҳамда дараксиз кетганларнинг мол-мулкани меросхўрларига етказиш эди.

Тузукка кўра тўртинчи вазир салтанат ишларини юритарди. У бутун давлат ва ҳукумат идораларининг кирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинган барча харажатлар, ҳатто суворийларнинг

отларига сарф бўлган маблағнинг ҳам ҳисоб-китобини қилар эди. Сарой ва боғлардаги дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган хилма-хил балиқ, қуш, оху ва йўлбарслар ҳам шу вазирнинг рағбати ила емиш ер эди.

Салтанат чегаралари ва унга боғлиқ бўлган мамлакатларга оид ишларни йўналтирмоқ учун уч вазирдан иборат давлат ҳайъати тузилган бўлиб, ҳолиса деб аталувчи бу учлик ҳудудлардаги молиявий муомалаларни ва келадиган даромадни бошқарарди. Бу етти вазир девонбегига бўйсунар ва у билан биргаликда асосий молиявий ишларни йўналтириб, улуғ Амир арзига етказар эди.

Саккизинчи вазир арбеги дея аталар ва сипоҳ, райят ҳамда арзу шикоят билан келувчилар ишларини, мамлакат ободончилиги ва бу хусусдаги ишларнинг боришига масъул эди. Тўққизинчи вазир, яъни садрлар садри ўз навбатида олимлар, саййидлар ва хизмат кўрсатган кишиларга суюрғол тариқасида берилган ерлар ва вақфларнинг аҳволини, бу мансабдор шахслар ўз амалларини қандай бажараётганликларини ўрганиб, ҳисобот берарди.

Турон давлати қонунларига кўра шариат ишлари билан боғлиқ муаммоли ишларни ислом қозиси ўрганиб чиқар ва дунёвий ишлар билан боғлиқ ишларни эса аҳдос қозиси ўрганиб, улуғ Амирга арз этар эди. Улуғ Амир ислом дунёсининг таянч шахси бўлишига қарамай давлат, ҳукумат, сиёсат ва дунёвий ишларга динни аралаштирмас эди. Исломни оллоҳнинг илоҳий бир ваҳийси ўлароқ муқаддас сақлаб, бўлар-бўлмас воқеа ва ҳодисаларга тикиштирмоққа изн бермасди. Дин ва ислом хусусида етарли илму амали бўлмай туриб баҳслашган ва миллатнинг бошини айлантираётган кимсаларни салтанат ҳудудидан бадарга этмоқ амри бор эди.

У ислом, насроний, мусовий ёхуд будда бўлсин, ҳар бир эътиқодга юксак ҳурматда ёндашар, динларга маънавий-маърифий, одобу ахлоқий йўлқўрсаткич сифатида қарар эди. Уни сиёсатнинг нопок ўйинларига қурбон қилиб, бирор мақсадга эришмоқчи бўлган ёки манфаати йўлида фойдаланган кимсаларни ҳеч иккиланмай йўлдан олиб ташларди.

Салтанат ишлари, мамлакатни идора этиш, ундаги ўзгаришлар, мансабдорларнинг алмаштирилиши, сипоҳийлар ва амирларнинг тайинланиши турли кенгаш, машваратлар ва хос мажлис-

ларда муҳокама этилар, унда қатнашган ҳар бир иштирокчи ўз фикрини айта олар, янглиш бўлса-да, унинг сўзи тингланар эди. Махсус котиб, яъни муншийи маҳрам мажлислардаги махфий ва сирли ишларни пинҳон тутиб, алоҳида ёзиб борарди. Бундан ташқари яна бир неча мажлис котиблари бор эдиким, улар девон йиғилишида навбатма-навбат ҳозир бўлиб, кенгашда кўрилган ва ҳал этилган муҳим масалалар, тегишли тафсилотларни қайд этиб, сақлар эдилар. Улар бу ишларнинг умумий мазмунини Темурнинг кундалик дафтарига ёзиб кўяр ва Улуғ Амир вақти-вақти билан бу дафтарни кўздан кечириб, кўрсатмаларнинг ижросини текширар, шу аснода топшириқлар берарди. Сокин дамларда эса ўзи бу дафтарга қайдлар битарди.

Амалдорлар бўлар-бўлмас катта-кичик ишлар хусусида маслаҳат билан ўзига мурожаат қилаверганидан ҳайрон бўлган улуғ Амир ёнига амир Боботуркни чорлаб, иккиси узоқ фикрлашди.

– Нечун барча буюк ва уфоқ юмушлар менсиз ҳал бўлмайди, Боботурк? Нечун арзимаган иш билан ҳам ҳузуримга келаверадилар? – сўради Темур ўғли каби бўлиб қолган ёш амирдан. – Сен тортинмай сўзлайвер, Боботурк. Балким тиш-тирноғимгача ҳокимиятга тармашиб, унинг кичик бир бўлагини ҳам тасарруф этмоқни бошқаларга бермаётгандирман? Очиғини сўйла! – кўшиб кўйди самимий оҳангда.

– Саволингизга ўзингиз жавоб бердингиз, устоз. Ҳақиқатан ҳам салтанатнинг барча узуну қисқа ипларининг учи фақат сизнинг кўлингиздадир. Сиз бу ҳолатга шароит тақозоси ила тушдингиз ва мажбур бўлдингиз. Сиёсат ва ҳарб майдонига кирганингиздан бери хоину сотқинлар қилмишларидан шу қадар юрак олдирдингизки, шу аснода бора-бора ҳеч кимга ишонмай қолдингиз. Ҳатто танангизнинг бир парчаси бўлган қизингизни берган кимса ҳам сотқинлик сўқмоғига тушганини кўргандан сўнг сиздаги бу кайфият янада ошди, – дея одоб билан, улуғ Амирга оғир ботмайдиган оҳангда сўзлади Боботурк.

– Давом эт, Боботурк, ҳақсен! Тўғри сўзлайдурсен. Салтанат йўлидаги машаққатли кураш мени чўпдан-да ҳадиксирайдурғон қилиб кўйган. Сўйла, сен каби юзимга ҳақ сўзлайтургон инсон кўп эрмас, – амирга далда берди Темур.

– Муаммонинг яна бир қирраси ҳам борким, устоз, буни-да эътибордан четда қолдириб бўлмас. Барча амиру амалдор ҳам қабул қилажак қарорининг ҳақлигига юзда-юз инонмайдур. Хато қилиб қўймоқдин қўрқиб, девонга югуриб келаверадур. Босиси, одамларимиз ҳали сиз ўйлаганчалик мустақил қарор қабул қилажак илм ҳамда кўникма соҳиби эмаслар. Секин-аста сиз бу вазифаларни вазирлар ва амир ул-умаро зиммасига юклаб бораверсангиз, ўйлайманки, юкингиз енгиллашажак.

– Тўғри, Боботурк. Бу ишларни сенда назорат эт, бу оғир юкнинг бир бўлагини зиммангга ол. Мен сизларга ишонаман. Акс ҳолда давлатимиз кучаймаган, ҳудудларимиз бу қадар кенгаймаган бўлур эди, – деди Хоқон ўйга толаркан.

– Қайси бир юртни Турон салтанатига қўшган бўлсангиз, ул мамлакатнинг улуғлари, эътиборли кишиларини азиз тутдингиз, ҳазрат. Улар сизнинг қабулингизга етишмоқни орзу этганлари ҳолда даставвал сиз салом бериб, улар хузурида ҳозир бўлдингиз. Уларга суюрғоллар иңъом этиб, вазифалар бериб, маошлар тайин этдингиз. Раият сиздан розидир. Сиз меъеридан ортиқ даражада талабчан инсон бўлганингиз учун, ҳар замон ўз-ўзингиздан қониқмайсиз. Подишоҳлар учун бу ғоят камёб хислатдир. Аксинча, аксарият ҳукмдорлар арзимаган ишни қилиб қўйиб, шундан роҳатланадилар ва халқнинг ўзидан миннатдор бўлиб, оёғини ўпиб яшашини талаб эта бошлайдилар, – мулоҳазали оҳангда оҳиста сўзлар эди ёш амир.

– Эронзаминда бир шоҳ ўтган экан, – дея Боботуркнинг фикрини давом эттирди Хоқон. – Ўзини пайғамбар демаса-да, авлиёдан кам кўрмас экан. Раиятнинг ҳаводан нафас олиб, сув ичмагига аралашмас экан, холос. Ҳеч бир каттаю кичик иш унинг розиризолигисиз амалга ошмас экан. Унинг феъл-атвори, айниқса, бирор бир кишини мансабга тайинламоқ пайтида янада яққол кўзга ташланаркан. У амир ул-умаросига укувли бир девонбеги топишни буюрибди. Уни кўриб ўпоқ дебди, буни кўриб сўпоқ дебди. Хулласи, ҳеч ким маъқул келмабди. Охири ўн биринчи номзодни топган амир ул-умаро шоҳнинг олдига кириб, шу пайтгача суҳбатга олиб келганларимнинг ичида энг ақллиси шу дебди. Шоҳ унга узоқ тикилибди-да, ичидагини айтибди. Мен сенин ўзингни ақлли деб юрардим. Демак, сен мен ўйлаганчалик



даражада закий эмас экансан. Олдинги олиб келганларинг хам ахмоқ эмас эдилар. Бирок мен сенга ақлли одамни топиб кел деганим йўқ. Ақлли одамлар табиатан исёнкор ва тўғрисўздирлар. ~~Файласуфлари-зиндиқ бўлади. Давлатни бошқармоқ учун у~~ қадар қатта ақл керак эмас. Аниқ ҳисоб-китоб керак. Одамларни кўркув ва умид орасида сақламоқ лозим. Менга ақл бўладиган одам эмас, амри-фармонимни айтганимдек қилиб, ўринлатадиган ижрочи, очикроқ қилиб айтганимда, етовга юрадиган ит керак. Англадингми? Кўнглимга теккан замонида уни кўчага ҳайдаб юборайин ва халойиқ бу қароримни олқишласин. Саройдан қувилганидан сўнг итнинг кейинги оёғига айланиб қолсин! Саройни ақлли ва доноларга тўлдирсак, сен билан менга иш қолмайди. Амир ул-умаро вазифани тушунганини таъкидлаб, чиқиб кетибди. Бирок у шу кунни уйига етиб бормабди. Сиримдан воқиф бўлди дея шоҳ уни хуфёна жаллодга топшириб, ўрнига у олиб келган ақллини амир ул-умаро этиб тайинлабди. Янги амир ул-умаро эса шоҳнинг кўнглидаги девонбегини топибди, – дея ҳикоясини тугатди Темур.

– Ғоят ибратли ривоят экан, – деди хайрон бўлиб Боботурк. – Шунинг учун ҳам сиз ҳар доим бунинг аксини қилар экансиз-да, устоз.

– Ҳақиқий давлат ва ҳукумат кураман десанг, оддий аскаринг ҳам ўзига яраша ақли-идрокли, фаҳм-фаросатли бўлиши керак. Бир ахмоқ лашкар ақлли душман чериги қила олмаган ишни бажариши мумкин. Мисол учун, ўша Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ қисматини олиб кўр. Хоразмликлар билан савацда ҳалок бўлган қардоши учун хун олмоққа қасд қилган курд чўпоннинг найзаси охир-оқибатда султоннинг кўксига санчилади. Етти ухлаб тушга ҳам кирмайдиган фалокат. Киши, фожиа ва ўлим ўзини қаерда ва қай шаклда ёқалашини ақлига келтирмайди. Бир оми одамнинг найзаси бутун бошли-сулола ва салтанатни тамсил этган, Чингизхондек кишини ҳайратга солиб, тахтини ларзага келтирган, ҳақиқий ботир ва жасур кишини, шу билан бутун бир даврга нуқта қўйди. Мана сенга оддий бир фуқаронинг кўлидан келган иш. Шулар боис узоқни кўзлаган, уйғоқ, хушёр ва одил ҳукмдор ҳеч қачон ўзига ақлу идрок, амалу тadbирда ноқис ёрдамчи ва маъмур-изламайди. Модомики, у-шундай қилса ўзинкирози учун пойдевор ясаган бўлади...

...Бош кўмондонликни Мирзо Умаршайхга топширган улуғ амир лашкар ордидан шошмай борар, черик Шарқий Туркистонга етиб қолган, бироқ ёғийдан дарак йўқ эди. Ниҳоят, қоровул Қубоқ манзилида душман суворийлари машқ қилаётгани хабарини келтирди. Амирзода вазир ва лашкарбошилари ўнига олгунича орқарокда келаётган отаси ўғруқи томон учди. Қиблагаҳи пешини ва кўлини ўпиб, таъзим бажо келтирди.

– Буюринг, муҳтарам бош кўмондон, садоқатли амирингиз Муҳаммад Тарағай ўғли Темур лашкари ила амрингизни беклайдир, – деди Темур ўғлига мурожаат этар экан, кулиб.

Бу ҳазилдан хижолат чеккан амирзода шоша-пиша отаси қаршисида тиз чўкди.

– Ўрнингиздан туринг, амирзодам! Бош кўмондонликни ҳали менга топширганингиз йўқ! Шу боис, уни энг сўнгги дақиқасига қадар қонун-қоидаси, расми-русми ила ўринлатмоғингиз керак. Фаҳмлашимча, муҳим бир хабар билан келганга ўхшайсиз. Буюринг!

– Анко Тўра лашкаридан хабар топдик. Зудлик билан устига от қўймасак, яна кўздан қочиримиз мумкин. Рухсат ва дуойи фотиҳа берсангиз, қиблагаҳ! – деди амирзода қатъий оҳангда.

– Дуо биздан. Бироқ қарорни сиз беришингиз лозим, амирзодам! Амр этсангиз черигим ила ёв устига мен босиб борайин! – деди ўглининг кўзига тик қараб Темур ним табассумда.

– Модомики, қарор қабул этмоқ рағбату иродангиз ила фарзандингиз зиммасига юкланар экан, ёғий сари юзланмакни ўз гарданимга олиб, олий ўрдунининг тақдирини сизга топширсам! – деди жиддий қиёфада отасининг синаб кўраётганини англаб-англамай амирзода Умаршайх.

– Давлат ишида ота-ўғиллик бир четда туради, султоним! Сиз бош кўмондон ўлароқ қатъий қарор беринг! – овозини баландлатди улуғ Амир.

Отасининг ҳал қилувчи дамларда ва умуман майда-чуйда, бачкана ҳазил-хузулларга тоқати йўқлигини яхши билган мирзо Умаршайх ҳам муносиб жавоб бермоққа қарор қилди.

– Амр биздан бўлса, айни дамда олинган маълумотга кўра, ёғий икки қатга черикка бўлинган. Бирига Хизр Хожа ўғлон, иккинчисига эса Анко Тўра етакчилик қилмоқда. Биз ўз чериги-

миз билан Анко Тўра лашкари устига босиб борамиз. Сиздан эса Хизр Хожа ўғлон черигини бартараф этмоқни рижо этамиз!

Ўғлининг жавобидан мамнун бўлган Темур бир муддат унга термулганча қошларини чимириб, жим қолди. Сўнгра оҳишта юриб-келиб, бағрига босди.

— Синовдан шараф ила ўтдингиз, амирзодам! Сиздан шуни кутган эрдим. Амрингизни бажармоққа ҳозирмиз! — деди Темур бошқалар ҳам эшитадиган овозда. — Оллоҳ биз билан! Яратган тўғри йўлдан адаштирмасин!

Жиловдор улуғ Амирнинг севимли Оқбулутини олиб келди. Соҳиби устига кўниши билан у Тангри тоғ чўққилари томон елдек учди. Улуғ Амир ортидан Султон Махмудхон, Амир Ёдгор Барлос, Сулаймоншоҳ, Шамсуддин Аббос ва Ғиёсиддин Тархонлар от кўйиб борардилар.

Бу орада Хуросондан, амирзода Мироншоҳнинг хос элчиси Эртўғрул Турон етиб келди ва бўлиб ўтган воқеаларни улуғ Амир арзига етказди. Амирзода кўшинлари Сабзавор шаҳри шарқидаги Баҳромобод саҳросидаёқ исёнчилар черигига дуч келган ва жангга кирган. Ҳиротдан Оқ Буғонинг лашкари қичаб юриб, кўмакка етиб келган. Амирзода Тус шаҳрини қамал қилиб, бир неча кундан-сўнг, ишғол этган. Ҳожибек Жониқурбоний қалъадан аранг чиқиб, Ироқ томон қочган. Бироқ у жазодан қочиб кутула олмади. Хазорагир улусининг саййидлари уни тутиб, амирзодага юбордилар. У ўзи бошлаган исённинг қурбони бўлди. Хуросонни исёнчилар ва салтанат ғанимларидан тозалаган амирзода Мироншоҳ ғолиб лашкари билан тантанали равишда Ҳиротга кириб, қиблагоҳининг амри-фармонини бекляжагини билдирган эди.

Мўғулистон сари юзланган кўшиннинг вазияти эса оғирроқ эди. Душман тутқич бермас, ўрганган дара ва сўқмоқлари орасига кириб, қорасини кўрсатмас эди. Қаҳри келган Темур лашкарнинг олдига тушиб, ёғийни ўзи таъқиб этмоққа бел боғлади.

Умаршайх мирзо эса Анқо Тўранинг изига тушди ва унинг қай манзилларда пусиб юрганини аниқлади. Турон суворийлари Қўбоқ мавзесида мўғул черигини қувиб етдилар. Амирзода ўз амир ва сипоҳийларига пистирмадан эҳтиёт бўлишларини огоҳлантирган ҳолда от суришларини тайинлаб, черикнинг

ҳаракатини мувофиқлаштириб борарди. Ниҳоят, икки черик юзма-юз келиб, жанг бошланди. Амирзоданинг кўзлари Анко Тўрани излар, бироқ унинг қораси кўринмас эди.

– Амирзодам, ёғий қочмоққа тушди! – деди от чоптириб келган керайит юзбошиси Эргаш Элқанот. – Йўруқ беринг, не қилайлик?

– Анко Тўранинг изига тушинг! Ким қочса қочсин, бироқ у қочмасин! – буюрди амирзода.

Эргаш Элқанот от кўйганча изига қайтди.

Ёғий чериги синдирилган, жуда кўп миқдорда мол-мулк ўлжа тушган эди. Бироқ Анко Тўра қочиб улгурган, таъқибчиларнинг оёғи етмас авлоқ дараларга кириб кетган эди.

– Узр, қиблагоҳ, бош ёғийни тута олмадик, – деди отаси хузурига қайтиб келган Умаршайх мулзам оҳангда.

– Қисмат, ўғлим. Демак, оллоҳ берган умри бор экан. Яратган уни сақлаган экан, нима дердик. Бундан буён бизга қарши қилич кўтармаса бўлгани. Бизнинг у билан ишимиз йўқдур, – деди Темур ўғлидан ҳисоб оларкан. – Мен Шайх Али Баҳодир билан Ийгу Темурларни ёғийни топмоқ учун изидан юборган эрдим. Узоқ муддат кечдиким, алардин дарак йўқ. Безовтамиз. Не қилсак экан? – ўғлидан маслаҳат солди ота.

– Изн берсангиз бекларнинг изидан тушиб, ахтармоққа киришайлик? – жавоб қилди Умаршайх.

– Бошқа иложимиз ҳам йўққа ўхшайдур, амирзодам, – Олий ўрдудан узоқлашмаган ва алоқани узмаган ҳолда ихчам суворий чериги билан йўлга чиқинг. Ишқилиб, ул бекларнинг ва лашкарлар боши омон бўлсин! Дуч келганингизда ёғий лашкарининг савашмоқ нияти бўлмаса, савашманг ва оддий аскарларга жони омонлик беринг. Бузғунчи амиру лашкарбошилари қаттиқроқ жазолангки, улар бундан буён элни бузиб, бизга қарши бош кўтармасинлар!

Ёнига Пир Ҳожи Арлот, Муҳаммадшоҳ Ясовурий ва Оқ Буғани олган амирзода Умаршайх дараксиз кетган бекларнинг изига тушди ва орадан ҳафта ўтгач, рақибнинг Баён Темур етакчилигидаги уч юз кишилиқ черигига дуч келди. Амирзоданинг ёнида эса эллик нафар сараланган суворий бор эди, холос.

– Савашга кирмай иложимиз йўқ, – деди Пир Ҳожи Арлот қиличини қинидан чиқариб, кўздан кечирар экан.

– Савашга кирамиз, дўстим. Муҳаққақ енгмоғимиз керак, – деди ўзини жангга руҳан тайёрлар экан амирзода.

Вазият шундай эдики, жанг бошланиб тугагунга қадар катта черикдан кўмак етиб келмас, аҳвол оғир эди.

– Сиз ўзингизни асранг, амирзодам! – деди Пир Ҳожи Арлот галати овозда.

Негадир шу дамда амирзоданинг кўз олдидан катта қора қуш учиб ўтгандек бўлди. Бу унга ўлим шарпаси каби туюлди. Суворийларнинг сўнгги ҳозирлигини кўздан кечираркан, ўзини чалғитиб, шарпани эсламасликка ҳаракат қилди.

– Ёғийни руҳан енгмоқ учун биз хужум бошлаймиз! Ёйилиб катта черик каби савашга кирмоғимиз лозим! Оллоҳ биз билан! Бизнинг қўлимиз устун келажак! Боиси, биз ҳақмиз! – отасининг сўзларини такрорлади Умаршайх қошларини чимирганча ҳар бир суворийнинг кўзига тик ва мардонавор боқиб, далда берар экан. – Сиз бу босқинчиларга қарши муқаддас динимиз ва юртимиз учун курашмоқдасиз! Ўлсак шаҳидмиз, енгсак ғозиймиз!

– Ур-хо-ур! – дея биринчи бўлиб ёғий устига Пир Ҳожи Арлот ташланди. – Сур-хо! Сур!

Умаршайх ва унинг чериги учун бу ҳаёти давомидаги энг оғир ва хатарли жанг эди. Чулон ва Сайхун бўйидаги жанглар ҳам осон кечмаганди. Бироқ у савашлар юрт ичида эди. У ерларнинг ўрқири маълум эди. Амирзода не муддат қилич сермаганини эслай олмайди. Қўли толиб, четроққа чиққанида ёғий тоғ томон қочар ва отига осилиб қолган Пир Ҳожи Арлот жон талвасада эди. Шунда беихтиёр ҳаёлига яна ўша қорақуш шаклидаги шарпа келди.

Амирзода отдан тушиб, нималардир пичирлаётган қўмондонни отдан тушириб ётқизди-да, бошини ўнг кафтига олди.

– Мен Темурбек ва ота юртим учун жон бермоқдаман. Бу ўлимдан ҳузур туймоқдаман, амирзодам! Ҳеч қаерим оғриётгани йўқ! Бироқ руҳ қуши танамни тарк этмоқда! Мен барчангизни яхши кўрардим! Сиздан бир рижойим бор! Етти ёшли бир етим набирам бор! Мархум ўғлим, тўнғичим Зиёдулланнинг фарзанди! Шунга оталиқ қилинг! Исми Арғинбек! Мен сизлардан розиман... Оллоҳ барчангизни...

Кўзидан шашқатор ёш қуйилаётган амирзода отасининг машхур саркардаси сўзларини диққат-ла тинглади. Лашкарбоши бир кучли нафас чиқарди-да, жони узилди. Амирзода белбоғи билан унинг жағини боғлаб, кўзларини юмиб қўйди.

Душманни енгган оз сонли черик ҳолдан тойган, ўн беш чоғли ярадор суворий қолган эди. Катта ўлжага эга бўлган суворийлар Қороғучур мавзесида асосий кўшинга бориб қўшилди. Уюр-уюр йилқи қўлга тушганлиги боис черикдаги ориқ ва қари отлар ал-маштирилди.

– Учқаро Баҳодир ва амир Жаҳоншоҳ бошчилигидаги ўттиз минг сонли черик ёғий изига тушиб, Артиш наҳригача борадур! Қаерда бўлмасун душманни топиб, бартараф этмасдан қайтмоқ йўқ! – йўлга отланган амирларга йўриқ берди Темур. – Сиз, – дея Тоғай Буға Барлос, Лаълбек ва Темур Буғага юзланди. – Асирларни ҳайдаб, Самарқанд йўлига тушасиз! Биз эса Урдум саройга етиб бориб, Мўғулистон фатҳига нуқта қўяжакмиз.

Ҳоқоннинг сўнгги сўзини сукут ила тинглаб турган амир Боботурк ер остидан Алп Туркашга қаради. У ҳам амир Боботуркнинг безовталигини кузатиб турган эди. Темурнинг эса кайфияти ёмон, асабий бир ҳолатда эди. У бошини қуйи эгганча, индамай чодирига кириб кетди.

– Ўзимиздаги мўғуллар етмасмиди? Буларга не бор Самарқандда? Устоз юртни ёғий пирсиёну мўғулга тўлдириб юбордилар! – деди Боботурк паст овозда Туркашга. – Булар ул хазратдан кўрқиб жим юришлари мумкин. Бироқ эрта кунда миллат ва келажак авлоднинг бошига битган бало бўладилар.

– Ҳазрат айна дам фақат бир нарсани, уларни ўзимизга эл қилсак, бу худудда бизга қарши қилич кўтарувчилар камаяди дея ўйламоқдалар. Ул кишимни ҳам тушунмоқ керак. Ахир, бу Мўғулистонга қарши қилинган бешинчи юриш. Буларнинг худудимизга бостириб борганларини ҳисобга олсак, тўқнашув ўндан ошади, – жавоб қилди Туркаш мулоҳазали оҳангда.

– Бу қавм ҳеч қачон ўз хатоси ва нуқсонини англаб етиб, хулоса чиқара биладиган ва бизга эл бўладиган улус эмас. Бунинг устига уларнинг динга киритиб, ахлоқини тузатмоқ ҳам оғир кечади, – ҳафсаласизлик билан сўзларди Боботурк. – Ҳеч қачон булардан мўъгадил бир мўмин-мусулмон чиқмайди.

– Йўқ, фурсати эмас. Айни дамда гапимиз ўтмайди. Устознинг феъллари маълум, – жавоб қилди Туркаш Боботуркнинг чодирини томон юрганини кўриб унга эргашаркан.

Боботуркнинг чодирига етиб улгурмаган ҳам эдиларки, хос мулозим уларни улуғ Амир сўраётганини айтиб келди. Амир ва соҳибхабар беихтиёр бир-бирларига қараганча туриб қолдилар.

– Ҳазрат иккимизнинг қиёфамиздан қарорига норозилигимизни сезган. Ул кишимдан ҳеч нимани сир тутиб бўлмайди, – деди Боботурк Темурнинг олтин куббали осмонранг чодирини томон юраркан.

– Ўзлари сўз очмасалар, бу ҳақда индамаганимиз маъқул, – жавоб қилди Туркаш кийими ёқаларини тўғрилар экан.

– Зотан, устоз билан бу мавзуда кўп баҳслашганмиз. Яна оғиз очсак бўлмас ва фойдаси ҳам йўқдур, – жавоб қилди Боботурк.

Улар билан кетма-кет амирзода Умаршайх ва бошқа беклар ҳам чодирга кириб кела бошладилар.

– Кўнглим ғоят безовта ва бу тахлит ёғий ила савашмоғимиз менга маъқул эрмас. Бу гал Хизр Хожа ила Анко Тўра биз билан савашмоқ усулини тамоман ўзгартирдилар. Олти ойдирки, Мўғулистоннинг бошидан кириб, оёғидан чиқдик. Бирок рақибнинг асосий кучига дуч келмадик. Қўшиннинг ўзағини сақлаб қолдилар, – қовоғини уйганча чодир эшигига тикилиб сўзлар эди Темур. – Биз ҳам шунга кўра усулимизни ўзгартирамиз. Модомики, ёғийнинг катта лашкари бир жойда тўпланмаган экан, у бўлинган ҳолда ўру қирда пушиб, қайтиб кетишимизни пойлаб ётибди. Шунга кўра биз ҳам энди лашкарни черикларга бўлиб, уларнинг изига тушамиз. Бунга сизлар не дейсиз? – Чодир айланаси бўйлаб ўтирганларга мурожаат қилди улуғ Амир.

– Кўп маъқул тадбир, қиблагоҳ, – ўрнидан туриб маъқуллади амирзода Умаршайх. – Аллақачон шундай қилмоғимиз лозим эркан ўйлаб қарасак.

– Тўғри!

– Маъқул!

– Тўғри усул! – овозлар эшитилди.

– Барчангиз, қай тарафга юрмоқ хусусида кенгаш ўтказиб, йўл ва ғажирчи танлаб, менга билдиринг. Шулар аснода режа

ҳозирлаймиз, — деди Темур сўзни қисқа қилар экан. — Илкони бўлса, бугун шомга қадар қарорларингизни олсам. Эрта сабоҳдан йўлга чиқа билурсиз.

Амирлар ва лашкарбошилар чодир қаршисидаги сайхонликда маслаҳатлашиб, фикрларини амирзода Умаршайхга етказдилар. Амир ва кўмондонлар ўзлари яхши билган ҳудуд ва йўналишлар бўйлаб йўлга чиқдилар. Амирзода Умаршайх ўзининг Андижон чериги билан Дубшин юлдуз водийси йўналиши бўйлаб юрмоққа қарор қилди. Унга Баён Темур билан Бурхон Ўғлон бошловчи эди. Йўл-йўлакай учраган ёғий черикларини бартараф этиб, Қаро Хожа қасабаси томон борардилар. Амир Усмон билан Аббосбекнинг йигирма мингли лашкари амир Жалол Ҳамид ғажирчилигида Сағизгон йўли орқали Султонлиқдан ўтиб, Кўкёрга етиб бориши лозим эди. Қимор Тўқув йўлбошловчилигидаги Худойдод Хусайний ва Мубашшир Баҳодирнинг йигирма мингли лашкарига эса Ёбқут мавзеси орқали юриб, Булғачи элини ёғийдан тозаламоқ юкланганди. Улуғ Амир Калон Дучинни ғажирчи қилиб, Улуғ кул ва Сичқон Дабон тарафга юрди. Хусайний ва Мубашшир Баҳодур сикувидан қочган Булғачи чериги қутилмаганда Темур лашкарига дуч келиб, қисқа сурган тўқнашувда синдирилди.

Амир Жаҳоншоҳ ва Шайх Али Баҳодир кўмондонлигидаги ўттиз минглик катта қўшин Сунқур Навқар ғажирчилигида, Қаро Арт ва Шўрқалиқ томон юрди.

Юриш бошланиши билан Темур Эртўғрул Туронни ёнига чақириб, қўлига фармони олийни тутқазди. Унда юртни Жўчи хавфидан ҳимоя қилиб турган тўрт амир — Ёдгор Барлос, Сулаймоншоҳ, Шамсуддин Аббос ва Ғиёсиддин Тархонларни зудлик билан Мўғулистонга юришларини ва дуч келган мўғул черикларини бартараф этмоқлари айтилган эди.

Хоқон кўрсатмасини олган амирлар ўша захотиёқ Тўй Буға Шайхни қўшин учун сабзавот ва бошқа экинлар етиштирмоқ учун чегара тарафга жўнатиб, ортидан йўлга чиқдилар.

Бош йўналиш бўйича юрган юз минглик қўшиндан фақат Туркистон чериги мўғул хони Хизр Хожа Ўғлон билан юзма-юз бўлди. Бундай ҳолатни кутмаган Ёдгор Барлос ва қолган уч амир не қиларини билмай, ўзаро маслаҳатлашиб, булғачи ва салучи эллари яйловида, Мулзуд мавзесида туриб қолдилар.



– Хон билан савашиб, унинг черигини сіндирсак фалокат бо-  
сиб, ўзига бирор кори ҳол бўлса, ҳазратдан балога қолиб кетиши-  
миз турган гап, – деди Ғиёсиддин Тархон шерикларига маслаҳат  
солиб.

– Тўғри. Бироқ урушмай қайтиб кетсак-да улуғ Амир кечирма-  
са керак, – фикр билдирди Сулаймоншоҳ.

– Хоннинг чериги ҳам бизниқидан кам эмас. Буни ҳам ҳисобга  
олмоқ лозим, – гапга қўшилди Шамсуддин Аббос.

Шу тариқа икки кун давомида ёйчилар ўқ отишиб, қоровул  
қисмлари савашиб турди.

– Биз Хизр Хожа Ўғлон билан мунозаралар бошлаб, имкони  
бўлса ярашган кўриниб туриб, зудлик ила улуғ Амирга чопар  
юбормоғимиз лозим, – деди Ёдгор Барлос.

Бу фикр барчага маъқул келди. Улар Шоҳ Малик Тархонни  
сахро оркали йўлга солиб юбордилар. У Қайтув мавзесида олий  
ўрду хузурига етишди. Воқеадан хабар топган Темур ўғруқни  
жойида қолдириб, сараланган суворийлардан илғор тузди ва Ало  
Қиё кечувидан ўтиб, Хизр Хожанинг изига тушди. Қорабулоқ ва  
Тертош манзилларидан ўтиб, Қўшин Қоя мавзесига етганлари-  
да ёғий лашкари кўзга ташланди. Рақиб Амир Темурнинг етиб  
келганидан хабар топиб, шу кечадаёқ бўри оралаган сурўвдёк  
Шарқий Туркистон узра тум-тарақай бўлиб кетди. Улардан бир  
гуруҳи амирзода Умаршайх черигига учраб, енгилди. Темур  
Хизр Хожани Қоратош манзилига қадар таъқиб этиб борди. У  
мол-мулкидан воз кечиб, жонини қутқариб қолди.

Фармони олий бўйича Турон ўрдуси Кичик юлдуз ва Улуғ  
юлдуз дарёлари орасидаги хушманзара водийда тўпланиши ке-  
рак эди. Ғолиб лашкар гуррос-гуррос бўлиб, тоғ ва доvonларни  
ошиб, ноғора ва карнайларини гумбурлатиб, овага туша бошла-  
ган эди.

Амир Боботурк ва Алп Туркаш ҳамкорлигида бу тантана-  
вор вазиятни кузатиб турган Темур хос элчилар Худойназар  
Қизилоёқ ва Жўлбек Қирғизни чақиритишни буюрди.

Хоқоннинг кўчма тахти саропарда қаршисидаги сайхонлик-  
ка ўрнатилган бўлиб, кўшиннинг хатти-ҳаракати, кун ботишда-  
ги дарё ва тоғлар кўзга ташланиб турарди. Саропарда сахнига  
қонталаш пешонасини бўрки билан бостириб олган, юзи тир-

налиб, кўкарган чап кўзи шишган Жўлбек юзбоши етиб келиб палос ўпди. Ота-боболари улуғ Амир аждодига қадрдон бўлган, сахро қавмлари лаҳжаларини яхши билган юзбошидан хоқон тез-тез хос элчи ва чопар ўлароқ фойдаланар, муҳим вазифа ҳамда мактубларни унга ишониб топширар эди.

– Кечаси жангда қаттиқ савашибсан чоғи, Жўлбек? Тулки қувган қуёндай бир аҳволдасан. Мен сени амирзода Умаршайх хузурига жўнатмоқчи эдим. Етиб боргунга қадар ўзингга келиб қоларсан, – деди бош қўмондон қош-қовоғи шишгани боис, кўзлари янада қисилиб кетган юзбошига диққат билан разм соларкан.

Шу пайт Андхўй худудларининг хос чопари Худойназар Қизилоёқ етиб келиб, тобуғ расмини бажо келтириб, юкунди ва элчи сафдоши ёнидан жой олди.

– Жўлбек жузбаши парманинғизга азир! – деди юзбоши тиз чўкканча юзи қизариб, ўз лаҳжасида.

Чопарнинг абгор аҳволидан ҳайрон бўлган хоқон не гап-сўз дегандек Боботуркга қаради.

– Ўтган куни Жўлбек юзлиги билан Нурлан қозоқ юзлиги ўртасида бир англашмаслик туфайли ола чиқиб, қирғиз-қозоқ тўқнашуви бўлган. Эллик чоғли киши бир-бири билан ёқалашган. Бироқ ўлим бўлмаган, – вазиятга ойдинлик киритган бўлди амир Боботурк. – Зиддият тафсилотини сўнггига қадар ўрганиб улгурмаганимиз боис, зоти олийларига билги бермай турган эрдик.

Жўлбек Қирғиз хоқон Самарқандга чопар ўлароқ жўнатмоғидан беҳабар, бўлиб ўтган машмаша муносабати билан чақирган деб ўйлаб келаётгани учун, хижолат чекканидан тили айланмай қолди.

– Тепалаш қўнусида биз айбдормиз. Гуноҳимиз бўйнимиздадир. Узримизни қабул этинг, қоон ҳазратлари, – деди юзбоши ерга киргудай бўлиб.

– Бу нохуш хабарни энди туйиб турибман, Жўлбек. Недан дўвушдингиз? Англа-чи? – ҳайрон бўлиб сўради хоқон босиқ ва ғамхўр оҳангда.

– Бизнинг Олтой қирғизларида саваш чоғи ўпкаси жароҳатланган ярадорни даволаш учун инсон ўтини ичириш одати

бор, хоқон ҳазратлари. Мен ҳам бу ҳақда эшитардим, бироқ ўз кўзим билан кўрмагандим. Бекжон ўнбоши ўқ теккан инисини даволамоқ учун ярадор ҳолда ётган бир қозоқ аскарнинг чап қовурғасини ёриб, ўтини кесиб олибди. Бундан Нурлан юзбешининг одамлари хабар топиб, устимизга бостириб келишди. Муштлашув бўлди. Охири товон тўлаб, англашдик, – жавоб қилди юзбоши.

– Ярадорнинг сўйиб ўтини олаётганда у тирик бўлган. Мени ҳам жанг майдонидан олиб чиқиб кет. Даволасанг тузалиб кетман деб ёлворган. Бироқ Бекжон ўнбеги кулоқ солмаган, – юзбешининг сўзига қўшимча қилди амир Боботурк.

– Шу гап тўғрими, Жўлбек? – сўради хоқон.

– Тувра, султаним!

– Ўпкаси хасталанганларга айиқ ўтини ичиришганини эшитган эдим. Бироқ бу каби ҳодисани илк бор туйишим, – ҳамон ҳайрон эди бош қўмондон. – Кишиларингга диққатли бўл, Жўлбек. Сен қирғиз туғишганларимизнинг ўтоғосисан. Элингга ўнгоёқ бўл. Уларнинг увол-савобини сендан сўраймиз. Жуда катта сўғишу савашлар мана шундай кичик бир сабаб ва баҳоналардан бошланган. Бундан ташқари, тирик одамни сўйишга қандай қўли борди? Бунинг устига ўз одамимизни? Ўлганлар йўқмиди?

– Ўлган кишининг ўти ярамайди деб ўйлаган бўлса керак. Бу фалокат бизга сабоқ бўлди, хоқоним! – жавоб қилди юзбеги масаланинг тинч ҳал бўлаётганидан ўзига келиб.

– Қозоқ бовурларимизнинг Бекжон ўнбошига даъволари йўқми?

– Талаб этганлари миқдорда товон тўладик. Аҳдос қозисига кетмайдурғон бўлдилар, – жавоб қилди юзбоши.

– Қирғиз чериги ўнбошилари ўз ораларидан юзбеги сайласинлар ва юзлик ҳудуд ҳимояси учун Мўғулистонда қолдирилсин! Қозоқ чериги эса Саброн синирига юборилсин! Жўлбек Қирғиз олий ўрду қошида хос элчи ва чопар ўлароқ қолади, – амр берди хоқон.

– Фармон хоқонимизнингдир! – дея уни ижро этмоққа киришди амир Боботурк.

Чопар Худойназар Қизилоёқни ёнига чорлаган хоқон унга

кимса эшитмайдиган паст овозда жиддий қиёфада ниманидир астойдил англадиб, тушунтирди ва Андхўй томон йўлга чиқишини тайинлади.

— Сен авлодим, Жўлбек, ҳозироқ елдек учиб, амирзода Умаршайх ҳузурига отлан. Ул кишимга сўйлаки, овора бўлиб бул тарафга келиб юрмасун. Қаҳлаға йўли орқали юриб, елкаси ерга тегмаган Жете амири Кўплакбекни ҳисоб-китобини қилсун. Ундан ул тарафи Қашқар орқали Андижон икки қадам. Андижонга етиб бориб, юртни сўраб турсин. Биз Самарқанду фирдавсмонанд сари не замон йўлга чиқишимиз ҳақида қўшимча хабар берурмиз. Амирзоданинг бизга айтажак сўзларини тинглаб, ортга дўн!

Жўлбек Қирғиз амирзода Умаршайх қароргоҳи томон, Худойназар Қизилоёқ эса Андхўй тараф йўлга тушдилар.

Хизр Хожа Ўғлоннинг жони ёнига қолган бўлса-да, қўшиннинг бир қисми синдирилган, қолгани тарқаб кетган, мол-мулкидан айрилган эди.

Нурлан Қозоқнинг чериги эса «қазақ, жургўн толун азап» дея Саброн сари отланди.

Тўхтамишхон ўзининг энг ишончли иттифоқчисидан маҳрум бўлган эди.

Ғолиб ўрду Кичик Юлдуздан Улуғ Юлдуз томон селдек кўпириб, тўлқинланиб оқиб борарди.

Мўғулистон фатҳи муносабати билан Улуғ Юлдузда тўй-тантаналар бошланиб кетди. Улуғ Амирлардан тортиб пиёда лашкарга қадар мўл-кўл улуфа тарқатилди. Тўй тўйдек, эчки кўйдек бўлди.

Амир Жаҳоншоҳни ўғрукда қолдирган, хоқон зулукдек ялтираб турган Оқбулут жиловини салтанат сайқали Самарқанд сари бурди.



## ЎТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ

*Душманга у қадар қаттиқ зулм  
қилмаслик керак, токи тарафдорлар  
ҳам умидсизликка тушиб қолмасин.*

Навоий

Улуғ Юлдуздаги тантана сўнггида жангда ўзини кўрсатган амир, мингбоши, юзбоши ва ўнбошиларнинг рутбаси оширилиб, тақдирланди. Темур саройининг юсунига кўра ўн икки катта амирларнинг ҳар бирига битта байроқ ва бир ноғора берилар эди. Амир ул-умарога эса байроқ, ноғора, тумон туғи ва чортуғ тақдим этиларди. Тумон туғи ва чортуғ амирларнинг даражасини билдириб, учи ўткир найзали эди. Мингбошига бир туғ ва карнай берилар эди. Юзбоши ҳамда ўнбошига биттадан катта ноғора бериларди. Аймақларнинг амирларига эса биттадан бурғу ажратилар эди. Тўрт нафар бегларбегининг ҳар бири эса биттадан байроқ, ноғора, чортуғ ва бурғу олардилар.

Катта амирларнинг амирлик даражасини ошириб бориш ва рағбатлантирмоқ ҳам фақат меҳнати ва жасорати асосида амалга ошириларди. Ўн икки амирдан қай бири рақиб фавжини енгса ёки душман тасарруфидаги бирор мамлакатни фатҳ этса, биринчи даражали амир бўлса иккинчи даража билан тақдирланар, иккинчи бўлса учинчи ва шу тартибда даражаси оширилиб борилар эди. Биринчи даражали амирга битта туғ, иккинчига иккита ва учинчисига учта берилиб, шу тартибда улар тумонтуғ ва чортуғ олиш мартабасига қадар рағбатлантириларди.

Тартибга кўра ўн киши навкар ўлароқ бирлашиб, ўнлик тузсалар тўққиз нафари англашароқ ўзларига ўнбоши сайларди. Бу ўнбоши тадбиру жасоратда қолган тўққиз сипоҳийдан устун, уларни бошқара билмоқ қобилиятига эга бўлиши талаб этилиб, ўнликнинг ўнбоши сайлаш ишига кимса аралашмас эди.

Ўнбошилардан ўн нафари эса ораларидан тадбирли, саваш майдонларида тобланиб, тажрибаси юксалган, баҳодир сифатида тан олинган бир ўнбошини амир сайлаб, уни юзбоши деб атар

эдилар. Шу тахлит ўн юзбоши бир қарорга келиб, юзбоши ва амирзодалардан ақли шижоатда ажралиб турган жасоратли бир баходирни амир этиб сайлардилар ва у мингбоши, минглик амири дея улуғланарди.

Қўл остидаги сипохий ҳалок бўлса ёки қочиб кетса, ўрнини тўлдирмоқ вазифаси ўнбошининг зиммасида бўлар, юзбошилар ўнбошларни, мингбошилар юзбошиларни тайинларди. Булардан ўлган, қочган ва янги тайин этилганлар ҳақидаги маълумотлар бош қўмондонга етказилар эди. Жанг кунларида салтанат ишларини бошқаришда мингбошининг ҳукми юзбошига, юзбошиники ўнбошига, ўнбошиники унга қарам аскарларига мажбурий эди. Бу тузукни бузган ёхуд қарши иш тутган киши жазога тортилар эди. Саваш даврида хато, камчиликка йўл қўйган мансабли сипохий ўрнига янгиси тайин этиларди.

Темур минг уч юз саксон тўққизинчи йилнинг тўққизинчи ойининг тўққизинчисида Улуғ юлдуздан отланиб, йигирма бир кун деганда Самарқандга етиб келди.

Амир Боботурк тавсиясига кўра кишни Бухоро яқинидаги Паркат кўли атрофида ўтказмоққа қарор қилинди. Турли хил ва сон-саноксиз қушларга бой бу кўл каби бетакрор маскан Турон мулки нари турсин ажаму араб, Чину Сибирияди ҳам йўқ эди. Ундан ҳар ҳафтада минглаб ботмон қуш овланар эди. Чингизхоннинг ўғиллари Чигатой ва Ўктойхонларнинг авлодлари саналмиш шахзодалар қуш ови бобида беназир эдилар. Улар Темурнинг кўнглини олмоқ ва хизматига кириб, садоқатли мулозим бўлмоқ иштиёқида ҳафтанинг ҳар куни айри турдаги қушни тутиб, унга ҳади этардилар. Темур яқин йилларда қишни бундай хузурда, мароқли ўтказмаган эди.

Хонимлар ва оғолар унинг теварак-атрофини байрамга айлантириб юборишган, кўл атрофи афсонавий бир шаҳар қиёфасини олган эди. Улуғ Амир Боботурк билан шатранж ўйнаганча кўшқда ўтириб, кўл устида учиб кўнаётган қушлар галасини кузатар, бу оромбахш лаҳзаларнинг тотини чиқарарди.

Қушларнинг бир-бирига ўхшамас сайроғи сўз ила тасвирлаб бўлмас, мусиқа оҳанги каби теварак-атрофни тутган эди.

– Ижозатингиз билан муҳим бир хусусда сўзлашмоқ жоиз, ҳазрат, – деди отни суриб устознинг юзига қарар экан амир Боботурк.

– Кулоғим сизда, – жавоб юриши қилиб, сўнги сўзга урғу берди Темур.

– Муҳтарама Султонбахтбегим хатти-ҳаракат, гап-сўз ва юриш-туришда яна асл ҳолатларига қайтиб, сизга муносиб авлод эканликларини кўрсатмоқдалар. Шул боис бегимни пешингизни ўпмоқ шарафига муяссар этсангиз ва дардларини эшитсангиз деган ўйда эдим, – одоб билан сўзлади Боботурк.

– Ул кишимнинг не дарди бор эркан? Дардлари бўлса сизга ёким Сароймулкхонимга айтсун, – деди Темур бу мавзуда сўзлашмоқни истамай.

– Бу дарддан мен воқифмен ва Бибихоним ҳазрати олиялари ҳам хабардордирлар.

– Сўйлай билурсиз, – шатранж тахтасидан бош кўтармай сўзлади Темур.

– Сиз билган мингбошимиз, жасоратли саркарда Сулаймоншоҳнинг катта амакиси Яйлов Султон олдимга келиб эдилар. Улар жиянлари учун бегимни сўрамоқдалар.

Темур тахтадан бошини кўтариб, не ишлар билан шуғулланиб юрасан-а, дегандек Боботуркга тикилди.

– Бу каби ишлар-ла илгиланмоқ ғоят оғирдур, ҳазрат! Билурсизким, дунёда қисматдан мушкул муаммо йўқдур. Бироқ бегимга кўмак бермоғимиз ва ул кишимни ёлғизлатмаслигимиз керак, – деди Боботурк жувоннинг тақдири изга тушаётганидан мамнун бўлиб.

– Улар бир-бирларини маъқул кўрибдурларми? – салмоқдаб сўради Темур.

– Шундайга ўхшайдур, ҳазрат.

– Буюк хоним-ла маслаҳатлашиб, бу ишни ҳал этинг. Бегим ила тўй олдидан кўришиб, оқ фотиҳа берурман.

Илк баҳор кунлари Султонбахтбегим билан Сулаймоншоҳнинг тўйлари бўлди. Бир йил бурун эса марҳум амирзода Жаҳонгирнинг ўғиллари Муҳаммад Султон ва Пирмуҳаммадларнинг тўйлари бўлиб ўтган эди. Тўнғич ўғлидан бўлган икки набирасининг тўйи кунлари Темур ярим тушга ўхшаш ғалати бир ҳолатда юрди. Кечаси рўёсида эса Жаҳонгир мирзо келиб ўғилларидан бирини беришни сўради. Темур чўчиб

уйғонди. Калимаи шаҳодат қайтариб яна ётди. Эрталаб эса етим-есирларга етти минг танга садақа улашди. Туш таъсирида тўйдан сўнг ҳам узоқ муддат қарахт бўлиб юрди.

Шу йили қишда салтанат яна бир амирзода, учинчи ўғил Мироншоҳнинг бош фарзанди Абу Бакрнинг тўйини ўтказди. У Ҳожи Сайфуддиннинг қизига уйланган эди. Бу тўйлардан сўнг Темурнинг тарбиясига хизмати синган иккинчи онаси Қадоқ Хотун вафот этди. Уни Кешга элтиб, иззат-икром билан тупроққа бердилар.

Қишлоғни кўнгилдагидек ўтказиб Самарқандга қайтаркан, Оқёр мавзесига қўш ташлаб, қурултой ўтказди. Амир Ҳожи Сайфуддин, Жаҳоншоҳ Жаку ва амир Шамсиддин Аббос каби энг яқин кишиларининг тўйларида қатнашди. Келин-куёвларга қимматбаҳо совғалар тақдим этди.

Турон ўрдуси Жўчи сари юзланганда орқа тараф бежавотир бўлмоғи учун Шарқий Туркистонга икки туман қўшин юборишга қарор қилинди.

Лашкарга янги куёв Сулаймоншоҳ кўмондонлик қиладиган бўлди. Унинг ёнида Худойдод Ҳусайний, Шамсуддин ва Усмон Аббослар, қўшин бекларидан Сиддиқ Тобон, Султон Санжар, Ҳасан Жондор, Тилак Қавчин, Иди Хожа, Нусрат Қиморий ва Тўкал Бовурчилар ҳозир эди.

Қўшин қисқа муддатда Жетенинг қолган-қутган аскарини саваб, Иртиш сувидан ўтказиб қайтди. Бу қочганларнинг бошлиғи Темурнинг эски рақиб Қамариддин баҳрин эди. Улар етти ой деганда Самарқандга қайтиб келдилар.

Ҳоқоннинг асосий иши энди бошланган, қаршисида уни ғазаб отига миндирган Тўхтамишхон турар эди. Ниҳоят, баҳор ва ёзнинг илиқ-иссиқ кунларида ёғий ҳудудига етмоқ учун улуғ Амир ўрдуни Самарқанддан чиқиб, Тошкент атрофида қўш ташлашини ва қишни шу ерда ўтказишни буюрди. Қолган вилоят ва бўлуқлар чериклари ҳам шу манзилга етиб келмоғи тайинланган эди.

Тошкентда улуғ Амир бехосдан роҳатсизланди. Ҳафта бурун Хўжандга бориб, шайх Маслаҳат Хўжандий турбасини зиёрат қилиб, етим-есир ва бева-бечораларга ўн минг олтин кепакий хайрия қилган эди. Ногоҳ хасталик унинг атрофидагиларни шошириб қўйди.



У ўзининг оғир дамлари ва изтироблари хусусида кимсага оғиз очмас, амир Боботурқдан бошқа ҳеч ким ҳаётининг сирли томонларни билмас ва бунга йўл қўйилмас эди. Улуғ Амир Тошкент ҳокими қароргоҳининг меҳмонхонаси шифтига боққанча Қуръони Карим сураларини такрорлаб ётарди.

– Бу Тошкентда иккинчи бор хасталикка чалинишим. Демак, бу маскан ҳавоси менга ёқмайдура чоғи, – деди Темур сўлгин кўзларини Боботурқга тикара экан.

– Оллоҳ шифо бериб, кўрмагандек бўлиб кетасиз, ҳазрат! Мен яратгандан ўз умримни-да сизга беришни сўрайман! – деди Боботурқ устозининг эти қочган қўлини силара экан.

– Яратган сиз ёшларга умр берсин! Мен қари бўри ҳали ўлмайман. Қачон ўлишимни ҳам биламан, ўшанда айтаман, Боботурқ. Ёғийлар суюнмоғига ҳали эрта, – хаста овозда секин гапирарди. – Мироншоҳ мирзонинг Хуросон чериги етиб келмадими?

– Бугун-эрта етиб келса ажаб эрмас. Бекляпмиз, ҳазрат.

– Унгача мен ҳам тузалиб кетаман! Айтинг, яхши бир ҳусайни узум билан иссиқ патир келтиришсин. Негадир иштаҳам очилиб, кўнглим шу неъматларни тусамокда.

– Демак, тузалапсиз, устоз! Бу хайриятлик белгиси! – дея суюниб ўрнидан турди шогирди.

Дарвоқе, сарой табибларининг маслаҳатли муолажалари ўз самарасини бериб, улуғ Амир кун сайин безгақдан тузала борди ва оёққа туриб кетди. Отда бир-икки соат сайр қиладиган бўлди. Барча бирдек хурсанд эди. Саройнинг каттаю кичик аъён ва мулозимлари хурсандчиликларини яширолмаи ўтган-кетган девоная фақир-фуқарога садақа улашишар, беклар қўй сўйиб, худойи қилишар, Қуръон тиловат этишарди.

Ўз навбатида улуғ Амир ҳам беклар ва давлат арконларини инъому эҳсонлар билан сийлади. Қўшиннинг қурол-яроғи мукамал бўлишини таъмин этиб, назорат қилди. Лашкарга ҳам қимматбаҳо ҳадялар, учқур ва йўрға отлар, зардўзи тўн, қаболар, ақчалар улашилди.

Буюк амир энг ёш хотини Чўлпон Мулк оғони ёнида олиб қолиб, бошқа хоним ва оғоларга Самарқандга қайтмоққа ижозат берди.

Минг уч юз тўқсон биринчи йил сафар ойининг ўн бешида, яъни йигирма иккинчи январь куни Турон ўрдусининг Дашти қипчоқ юриши бошланди. Катта кўшин Қаросмон мавзесини тўлдириб, денгиздек чайқалиб турар, Темур давлатида шу пайтда бунчалик кўп сонли лашкар тўпланмаган эди. Бир йилга етадиган озиқ-овқат ва ем-хашак жамғарган ўрдунинг сони илк бор икки юз мингдан ошган эди.

«Туркистон юртида салтанат ишини юритмоқ, раиятни идора этмоқ фарзанди аржумандимиз Шохрух мирзо зиммасига юклансин! Амир Лаъл билан амир Милкат амирзодага ноиб этиб тайинлансун! Амирзодага элни ақлу идрок ва фаҳму адолат ила бошқармоқ вазифаси юклатилсун!» деган сўнгги олий фармон эълон қилинди.

Худди шу дамда қоровулбеги Яйловбек Боласоғун от чоптириб келиб, Абруйбек Қорақирғиз бошчилигидаги Тўхтамишхон элчилари келганлиги хабарини арз этди.

– Хон ҳазратлари ҳайитдан сўнг хино излабдиларму, дейман? – ёнидаги бекларга ҳазил аралаш мурожаат этди улуғ Амир. – Майли, уларга чодирлар бериб, мусофирпарварлик кўрсатинг. Сазалари ўлмасун! Кўнгилларини олиб туринг, сўнгра хабарлашурмиз, – буюрди Темур.

У шундай дея Оқбулутнинг жilовини яна қайтиб жilовдор Қодир Курамага тутқазди-да, ҳали йиғилмаган чодир томон юрди. Амирларга кўлини кўтариб, йўлингизда давом этаверинг деган ишорани қилди.

Бу дамда Турон ўрдуси Қаросмон мавзесида турар, лашкар салтанатнинг азалий хавфли ва маккор душмани билан савашмоқ иштиёқида ёнарди.

Бетиним ёғаётган ёмғир қорга айланиб, бир оздан сўнг яна шиғалаб ёмғир қуярди. Бундай шароитда кўшинни бир жойда тутиб бўлмасди. Озгина бепарволик қилинса манзил балчиққа айланиб кетиши мумкин эди. Бундай об-ҳаво шароитида тоғли, адирли тепаликларда илгариламоқдан бошқа чора йўқ эди. Вилоят, туман ва кўшун беклари чериклари бошида сергак туриб, дадил йўл босардилар.

Амиру хос мулозимлар билдиларки, улуғ Амир элчиларни бугун-эрта қабул қилмайди. Демак, орадаги ишонч қасри кулади.

Шу пайтгача лашкарнинг ярми бу тўқнашувнинг юз беришига ишонса, юзда эллиги ишонқирамай турган эди. Улуғ Амирнинг Тўхтамиш элчиларини омон-омон замонлардаги каби кутдирмай қабул қилмагани кўп нарсани англатарди. Бу гап қўшин ичида яшин тезлигида тарқалди. Лашкарнинг туркий, арабий ва форсий аймақлардан ташкил топган бўлинмалари янгиликни совуққонлик билан қабул қилган бўлса, мўғулий улуслар аскарларининг чехрасида ташвиш-тахлика аломати зоҳир бўлди. Дарвоқе, Хизр Хожа Ўғлондан сўнг Тўхтамишхоннинг тиз чўктирилиши Эрону Турон юртларида мўғулларнинг шу пайтгача бўлган мавқеини тушириб юборарди. Бироқ аксарият мўғул аймақлари, сувни лойқалатаётган Тўхтамиш эканлигини билишарди. Улуғ Амир атрофида ўралашиб юрган Кунча Ўғлон, Темур Кутлуғ ўғлон каби чингизий хонзодалар Тўхтамишга бирор кори ҳол бўлса Ўрда тахтидан умидвор эдилар.

Гапнинг ўғил боласини айтганда эса буларнинг ўнтасидан бир Тўхтамиш чиқмас эди. Ҳар бир одамнинг оёқ олишиданоқ қўлидан не иш келувини биладиган синчков Темурнинг ҳисобига кўра булар ичидаги пичоққа илинадигани Идику Манғит эди. Тўхтамишни синдирганидан сўнг ҳокимиятни бошқаришни Темур ўзича Идикуга топширишни мўлжаллаган, бироқ бу хусусда кимсага оғиз очмаган эди.

Тўхтамишхон элчиларининг ичини ит тирнай бошлаган, қудратли Турон ўрдусининг салобати уларни шошириб қўйганди. Мезбонлар келтираётган тансиқ таомлару ўткир майлар ҳам татимас, бу қалтис вазиятда кўп ақлли ва азиз бошлари кетиб қолиши ҳам ҳеч гап эмаслигидан хавотирланиб ўтиришарди.

Ҳамал яқинлашиб қолган бўлса-да, ҳамон қор аралаш ёмғир ёғади. Сой ва наҳрлар тўлиб-тошиб оқар, баъзан йўл ярмида катта-кичик қўл ва кўлчалар пайдо бўлиб қўшиннинг одимлашини қийинлаштирарди. Қаҳратоннинг қирчиллама совуқлари ўтиб кетган бўлса-да, қиш ўчоғи тор эди.

Отлик чериклар йўл бошловчилар танлаган тоғ этаклари ва бўз ерлардан юришарди.

Туманли ва рутубатли кунлар Темурнинг ярадор қўл ва оёғини роҳатсиз этарди.

Кенжа хоним Чўлпон оғо эрининг атрофида парвона эди. Темур ҳам беихтиёр бу соҳибжамолга боғланиб қолганди.

Улуғ Амир ўтовининг эшиги кунгай томонга қаратиб тикилган бўлиб, ўртадаги сандалга ўрик чўғи ташланган, хонани Чўлпон оғо сурган анвойи атирларнинг ҳиди тутиб кетганди.

– Болалигимда қўй боқиб юриб жуда кўп бора қор, ёмғир ва изғирин совуқда қолиб кетганман. Шу боис қаттиқ кишни хуш кўрмайман, – деди Темур оёқларини оҳиста уқалаётган Чўлпон бегимга.

– Одатда қишда туғилганлар совуқни, ёзда туғилганлар иссиқни ёқтирмайдилар, – деди Чўлпон бегим кафтининг орқаси билан пешона терини артаркан.

– Гапингизда жон бор, – хоним сўзини маъқуллади Темур.

– Айтгандек, ҳалиям Тўхтамишнинг элчиларини қабул қилмадингизми? – сўради кутилмаганда суҳбат мавзусини ўзгартириб Чўлпон оғо.

Темур бир зум хонимга қараганча, жим қолди.

– Челакни ташлаб ошга югурган кишидек нечун бирдан хон элчилари ташвишини чекиб қолдингиз? – ҳайрон бўлиб, сўровга сўров билан жавоб берди улуғ Амир.

Чўлпон оғо каловланиб, тилига калима келмади.

– Улар айғоқчидек қўшинга эргашиб юраверадими демоқчи эдим? – сўзини тўғрилаган бўлди. – Янглиш сўзлаган бўлсам, узр тилармен.

– Узрингиз қабул, бегим. Хонимлар учун энг буюк илоҳий хислат бу оналик, аёллик ва тарбиячи бўлмоқдир. Сиёсату жангу жадал ишини эркак зотига қўйиб бераверинг! – деди Темур ҳам юмшоқ оҳангда.

Шундан сўнг Чўлпон оғо қайтиб сарой ва ўрду иши хусусида оғиз очмади. Бу ҳуқуқ хонимлар орасида фақат бир кишига, Сароймулкхонимга берилган эди. У улуғ Амир сафардалиқ чоғида ҳам мактуб ёки чопар орқали у ёки бу масала хусусида мулоҳаза билдирар ёхуд Темурнинг ўзи маликадан фикр сўрар эди.

Улуғ Амир бир оздан сўнг бу хусусда ўзи гап очди.

– Хонимларимиз салтанатимиз тожининг гавҳарларидир. Уларнинг саройу райят орасидаги ўрни ва мавқелари хусусида муҳтарама Бибингиз сизларга тегишли билгилар ва йўл-йўриқларни англатган бўлмоқлари керак. Қабул этсангиз, мен ҳам бу ҳақда билганларимни сўйлайин, – деди Темур берган

саволидан хижолат тортиб қолган Чўлпон оғонинг кўнглидан гашликни кеткизмоқ учун мулойим оҳангда сўзларкан. – Сиёсат хоҳ тинчлик, ёхуд жанг майдонида бўлсин бир мужодала, савашдир. Мен, хусусан, ожиза ва нозик аёлларимизнинг бу поқунопоқ тирикчилик ичида бўлишларини истамайман. Бу нарса аёлнинг оналик, тани махрамлиқ, соғлом насл етиштирмоқ ва тарбияламоқ каби муқаддас мақсадларидан четлаштиради. Бу хусусда биз Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг хатти-ҳаракатлари ва ҳадисларидан сабоқ ва йўналиш оламиз. Пайғамбаримиз умрлари сўнгида оғир бетоб бўлиб қоларкан. Бир куни жумада саҳоблари масжидда имом ўтмоқлари учун ул кишимни беклаб одам юборадилар. Бошларида Ойиша ва Ҳафса онамиз қараб ўтирган эканлар. Ойиша онамиз: Пайғамбардан сўрабдилар: «Ё набиуаллоҳ, намоз вақти бўлиб қолди масжидга боришга эса мадорингиз йўқ, буюринг, кимни имом қилиб, намоз ўқисинлар?»

– Абу Бакрни, – дейдилар Муҳаммад алайҳиссалом. Иккинчи бор сўраганларида яна: «Абу Бакрни» дейдилар.

– Мен икки марта сўрадим, Ҳафса. Энди сен сўрачи, чунки Абу Бакрнинг кўнгли бўш, ҳазратни қаттиқ севади, меҳробни кўриб, кўз ёш қилиши ва ўзини тутолмай, ўзи ва қавми намозларини бузиши мумкин. Умари Ҳаттоб кучли кишидир. Айт, уни буюриб, намозга имом қилсинлар, – дейди Ойиша Ҳафсага.

Ҳафса бу мулоҳазаларни Набиуаллоҳга айтади. Пайғамбар алайҳиссалом шундай жавоб қиладилар:

– Сизларнинг сўзларингиз Юсуф ва Кирсиф масалига ўхшайди. Мен бундай сўзларга кириб, амр беролмайман. Яхшиси, Абу Бакрга айтинлар, жамоа олдига ўтиб, намозни бошқарсин. Шунда савоб бўлади.

Чўлпон оғо хўжасининг оғзига тикилганча, ҳикоясини тинглар эди. Ҳикоянгизни жон-қулоғим билан тинглайман дегандек эрининг кўзига тикилди.

– Эътибор берадиган ҳолат шундаким, – дея сўзини давом этди Темур. – Ойиша онамиз ғоят олима ва зукко хоним бўлганларига қарамай, пайғамбар алайҳиссалом унга қарши иш тутадилар.

– Юсуф ва Кирсифлар ким бўлган? – астойдил қизиқиб сўради Чўлпон оғо.

– Зотан бу хикоятни айтиб бермасам, юқоридаги хадисни тўла-тўкис англаб ета олмайсиз, – жавоб қилди улуғ Амир майин оҳангда. – Аслида араблар ва яҳудийлар ака-уканинг фарзандларидир. Араб қавми Исмоилдан, яҳудийлар эса Исҳоқдан таркаган деган гап юради. Бани Исроил даврида шундай бўлган эканки, қирқ йил гуноҳ қилмай, рўза тутиб, ибодатини ўз вақтида қилиб, кимсага озор бермаса, Аллоҳ таоло унинг уч истагини ижобат этаркан. Исроилнинг фарзандлари орасида Юсуф исмли диёнатли ва порсо бири бор экан. Унинг мастура ва бокира хотинининг оти Кирсиф эди. Юсуф қирқ йиллик тоат-ибодат ва ҳалол-покиза яшамок шартини бажаргандан сўнг Тангридан бирор истагини сўрамоқ ҳақида ўйлайди. Ким билан маслаҳатлашсам экан дея бош қотириб, уйига келганда хотинига кўзи тушади. «Жаҳонда менга хотинимдан яқин одам йўқ. Болаларимнинг онаси, жуфт-ҳалолом. Яхшиси, шу билан маслаҳатлаша қолай» деган фикр келади хаёлига.

– Менинг ҳам бу ёруғ дунёда сендан бошқа ҳеч кимим йўқ, – дейди эрининг гапидан суюниб кетган Кирсиф. – Хотинлар эрининг томошагоҳи ва экинзоридир. Мендан доим хурсанд бўлай, айшу суҳбатимиз марокли ўтсин десанг, эгамдан менга шу пайтгача ҳеч кимга берилмаган хусну жамол сўра. Қачонки, уйга кириб келсанг, хусну жамолимни кўриб, шоду хуррам бўласан. Қолган умримизни хурсандчилик ва тинчликда ўтказамиз.

Кирсифнинг сўзлари Юсуфга маъқул келади ва дуога кўл очади.

Эртаси куни уйқудан турганида Юсуфнинг ёнида хурлиқо пари ётарди. Олам аҳли ҳали бундай гўзални кўрмаган эди. Ҳайратдан шодланган Юсуфнинг боши осмонга етди.

Аёлнинг гўзаллиги кундан-кун ортиб, кўзи тушган эркагу аёл маҳлиё бўлиб ортидан эргашиб юрар эди. Ҳатто узок шаҳару кишлоклардан ҳам уни кўрмоққа келардилар. Бу ҳолдан ҳаволанган, кибрга берила бошлаган Кирсифнинг феъли ўзгаради. «Мендек жаҳонда яккаю-ягона гўзал нечун бу қашшок кимсага хотин бўлиб, қора нонини еб юрибман? Эрим бу дунё бойлик ва неъматларидан маҳрум ва қийинчилик билан кун кечирмоқда. Мен подшоҳларга муносиб хотинман. Зебу зийнатга ботиб, султон севгилиси бўлиб яшаганим маъқул эмасми?»

Ўз фикрларига ишониб қолган аёл эрини оёқ учида кўрсатиб, таҳқирлай бошлайди. Унинг бир бурда нонга зорлигини, ўзининг тенги эмаслигини бетига солади. Бу муносабатдан афтодаҳол бир турумга тушган Юсуф осмонга қараб, мурожаат этиб дейди:

– Ё Худоим, бу аёлни айиққа айлантир!

Хотини кўз очиб юмғунича айиққа айланиб қолибди. Узоққа кетолмай, уй атрофида айланиб юрган айиқ инграганча, кўз ёш тўқаркан. Болаларини эпполмай қийналган Юсуф оғир аҳволга тушиб, тоат-ибодат қилишга ҳам вақт тополмай қолади. Ниҳоят, у яна самога қараб, сўнги, учинчи ноласини қилади:

– Худо-ё, айиққа айланган хотинимни олдинги шаклига келтир, бу болаларга ўзи оналик қилсин. Мен эса сенинг тоат-ибодатинг билан машғул бўлай!

Айиқ дарҳол хотинига айланиб, ўз болаларини бағрига босибди. Бу воқеа ҳақида сўрасалар. Қирсиф уларни тушида кўргандай бўлар ва сўзларкан. Шу тариқа бир хонимнинг янглиш маслаҳат ва калта ақли билан қирқ йиллик тоат-ибодат чангу ғубордек тарқалиб, зое кетган ва бу воқеа оламда масал ва мақолларга сабаб бўлган экан. Шулар боис эрқагу аёл, ким бўлмасин бировга маслаҳат бермокнинг тош каби оғир юки ва масъулиятини ҳис этмоғи керак, хоним, – дея мийиғида қулиб ҳикоясини тугатди улуг Амир. – Дунёда энг оғир, масъулиятли иш кишига тўғри маслаҳат бериб, ҳақ йўлни кўрсата билмоқдир. Бироқ кўпчилик кишиларимиз қаршиларисидаги текис ва туз йўлдан юрмоқни билмаганлари ҳолда ўзгаларга ақл бўлмоқ, йўлбошчилик қилмоқ даъвосида яшайдилар.

– Ҳазрати пайғамбаримиз ҳадисларида «агар бирор кишини бирор кишига сажда қилишга буюришим мумкин бўлганда эди, аёлларни эрларига сажда қилишга буюрар эдим» деган эканлар, – деди хушсурат Чўлпон ого афсонавий эрининг сўзларидан таъсирланиб, мадраса талабаси каби унга ҳавас ва ифтихор билан тикилар экан.

– Ўша ҳадислар китобининг бошида «бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс олиш эса уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдир». «Кишининг саховати – унинг эътиқоди, муруввати – ақли, насаби эса хулқидир. Илм ибодатдан афзалдир ва тақво диннинг устунидир» дейилган. Ин-

сон сўнгги нафасига қадар ўқимоғи, ўрганмоғи лозим. Акс ҳолда унинг ҳаёти кўзи очиклигидаёқ тугайди, – дея суҳбатга яқун ясади улуғ Амир.

Юракни сиқувчи сурункали ёмғирли кунлар ортида қолиб, куёш чарақлаб кетди. Ёмғирдан кўпчиган далаларда илк баҳор куёши нурини эмган майсалар нишлай бошлади. Қўшин тўхтаган жойдаги ошчилар чодирини атрофида суяк сарқит отикларга ўрганган қарғалар ва турли қушлар тўдалари учиб кўнишарди. Оғир қиш машаққатларини ортида қолдириб, интиқиб кўкламга етган аскарлар бу илик узилди дамларида кечаси билан ухламай, сумалак қайнатишар, думба ёғига қовурма атала қилиб ичишар ва мижозга иссиқ келадиган мошдан суюқ ҳамда қуноқ емаклар ҳозирлашарди.

Асосий ўрду билан бирга кўчиб-кўниб юрадиган тужжорлар минглигининг ўзи бир овулча келарди. Бу ерда сумалак учун тайёрланган оппоқ майса буғдойдан тортиб, хинд атир-упасига гача ҳар нарса топиларди. Савдо пул билан, мол айрибошлаш ва қарзга амалга ошириларди. Пули йўқ ҳар қандай аскар тужжорлардан маълум муддатда ўташ шарт билан бирор емак ёки матоҳ сотиб ола биларди. Қарзга мол олган навқар ҳалок бўлса ёки хизмат юзасидан узоқроқ ўлкага кетиб қолса, унинг қарзини черик бошлиқлари тўларди.

Лашкарнинг ҳолати яхшилана бошлаганидан кўнгли жойига тушган Темур амир Худойдодга Ўрда элчиларини ҳузурига олиб келишни буюрди. Ниҳоят, ранги кути ўчган тўрт нафар Жўчи элчилари ҳоқон ўтирган шоҳона палосни ўпдилар.

– Хуш келдингиз, муҳтарам элчибейлар! Ўрда вакилларни элчи мақомида кўрмак, ҳар замон, ҳар бир туронлик учун хайриятлиғдир! Об-ҳаво ҳам орамиздаги муносабатлар каби рутубатли келди. Қусурга боқманг! – деди Темур уларни совуқ ва синчков нигоҳда қузатар экан.

– Рабъи маскуннинг подишоҳи, Турон султони Темурбек Муҳаммад Тарағай Кўрагонга Ўрда хони Тўхтамишхоннинг саломларини келтирдик. Мен ким, буюк элчи Абрўйбек Қорақирғиз, элчилар Турқоқ Болғали, Аччибек Уйрат ва Оломонбек Туматлар сиз улуғ Амир ҳазрати олийларига сиҳат-саломатлик, давлатингизга боқийлик тилаймиз! – деди титроқ овозда катта элчи.



Темур элчибоши ва унинг шериклари саломига алиқ олиб, бош ирғади. Буюк элчи Тўхтамишхон юборган тўққиз тулпорни ва чиройли шунқорни тақдим этди. Темур амир Худойдодга шунқорни олмоқни буюрди.

– Рухсатингиз ила, Амир Соҳибқирон ҳазрати олийлари, ўз хизмат-вазифамизга кўра улуғ хонимиз Тўхтамишхоннинг сўзларини сизга етказмоқ мажбуриятидамыз! Ул ҳазрати олийлари сизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромларини билдириб шундай дедилар: «Амир Соҳибқирон ҳазрати олийлари менга нисбатан оталиқ мақомидадурлар. Ул зотнинг менга бўлган ҳуқуқи ҳадду ҳисобсиз ва ҳар қанча баёндин ортиқдур. Ўтинчим шулки, мен ўз бахтсизлигим ва паст кишиларнинг бузғунчиликлари туфайли йўл қўйганим бу нолайиқ ҳаракатим ва ноўрин мухолифатим гуноҳини кечириб, хатоларим дафтари устидан афв каламини тортгайлар!»

Буюк элчи Тўхтамишхоннинг сўзларини айта туриб, кўз кири билан улуғ Амир атрофидагиларга ҳам бир кўр нигоҳ ташлаб олди. Темурдан бошқа ҳамманинг афт-ангори ўзгарган, элчига пичинг ва иддаоли жавоб бергилари келиб, бир-бирига маъноли ишорат этишарди.

– Хон ҳазратлари бўлиб ўтган ноҳуш воқеалардан ғоят таасуфдалар ва сиздан ўз гуноҳларидан ўтмоқликни рижо этадилар! – дея сўзини мухтасар қилди буюк элчи Абрўй Қорақирғиз ўртага чўккан оғир сукутни юмшатмоқ илинжида.

Темур чап қўлидаги тасбеҳини сиқимлаганча бошини ирғаб, бир муддат жим қолди. Амир ва лашкарбошиларнинг юз қиёфасидан аниқ бир фикрни уқиб бўлмаса-да, энсаси қотиб тўрт элчига гезариб қарашларидан ўзларини савашга руҳан ҳозирлаб қўйгани кўриниб турарди. Зеро, бу қадар катта кўшинни савашсиз боқиб ҳам бўлмас эди. Одам боласи шундай қўймижозки, эрта кунда боши кетишини билса ҳам, кираётган жангидан қандай ўлжа олишни ўйлайди.

– Сизларнинг элчилик ва инсонлик одоб-ахлоқи доирасидаги тўғри ва самимий сўзларингизга мен ишонаман! – деди Темур тўрт элчига бирма-бир тикиларкан, – Зотан элчига ўлим йўқдур. Сизга амр берган кимсанинг сўзини оқизмай-томизмай иккинчи бир томонга етказмоқ мажбуриятида экансиз, буни вазифангиз

тақозоси ва таомилига кўра ўринлатмоғингиз жоиз. Мен, амирларим ва лашкарбошиларимиздан ҳеч биримиз Тўхтамишхон ила муносабатларимиз охир-оқибат мана шу аҳволга келади дея ўйламаганмиз. Шу боис бундай оғир ва машаққатли дақиқаларда бизнинг ҳолатимизни ҳам тушунасиз деган умиддамен. Бу менинг билхосса сиз муҳтарам элчиларга бўлган сўзимдир. Улуғ Турон мулкида Амир Темур Муҳаммад Тарағай сўзим шулдир. Эсон-омон ватанингизга қайтиб сўзимни хон жанобларига етказинг! Биз томондан Тўхтамишхонга нисбатан яхшилик ва одоб риоятлари ҳеч бир замон бузилмаганлиги бутун аҳли мўъминга равшандир. Ул кишим туфайли Ўрусхондек бир подишоҳга мухолиф бўлдим. Аксинча, ҳеч бир мақсадсиз у билан сулҳ тузиб, тинчгина яшашимиз мумкин эди. Бунинг ўрнига биз Тўхтамиш ўғлонга аскар, емак, қурол аслаҳаю неки бўлса бериб, Ўрда тахти томон сафарбар этдиким, ул биродаримиз охир-оқибатда муддаоларига эришдилар. Биз ҳам ўшал дамда, ул тарафда ишончли қўшнимиз ва садоқатли дўстимиз эл бошига ўтирди дея мамнун бўлдик. Кўмагимизни аямадик. Бироқ бугунги кунда умид ила эккан буғдойимиз ўрнига буғдойиқ олиб ўлтирибмизки, бу ҳақда сўйламак ҳам ғоят оғирдир. Ул кишим шул кейинги йигирма йил мобайнида бизга нисбатан ҳеч бир хукмдор журъат этмаган номақбул ишга қўл урди. Унинг бебош лашкари муқаддас Бухоро ва Самарқанд атрофларини вайрон қилиб, улусни талади.

Темур шу ерда сўздан тўхтаб, эшик оғасига қаради. У эса улуғ Амирнинг нигоҳидан не истаётганини англр эди. Улкан чодир четида турган патнисга сабзи сувидан қуйиб келтирди. Темур кумуш пиёладаги шарбатдан бир неча қултум ичиб, яна қайтариб патнисга қўяркан, атрофига ҳам разм солди.

Сўзлари лашкарбошиларига мойдай ёкаётганини нигоҳларидан илғади. Ҳаммининг руҳи кўтарилган, қаршиларида тўрт элчи эмас, Тўхтамишхоннинг ўзи тургандек, ўлжасига ташланмоқчи шер каби уларга еб қўйгудек важоҳат билан тикилиб ўтиришарди.

– Биз бу хунук воқеани бузук, дину иймонсиз кишиларнинг фасоди деб билдик ва билиб билмаганга, кўриб кўрмаганга олдик, – сўзида давом этди Темур чуқур нафас оларкан. – Ул биродаримизнинг инсофга келмоғини, шуҳрат ва бойлик кўр қилган

кўзининг очилмоғини кутдик. Бироқ ўғри ва ғарнинг тавбаси бўлмаганидек, у яна биз сари лашкар тортди. Босқинчилари ила савашмоқ мажбуриятида қолдик ва унга қарши отландик. Инсон бир ишни аввало бошламасун. Бошлагандан сўнг охирига етказсун. Босқинчи лашкар қорамиз кўриниши билан изиға қараб қочди. Шундай катта мамлакатнинг ҳукмдори биз билан сичқон мушук ўйнамоқдан муддаоси нелигини ҳали-хануз ҳеч ким англаб етмаётир. Айни кунда, биз мана қаршингизда ўлтирган ислом подишоҳи Султон Маҳмудхоннинг ёрлиғ-ҳукми ила лашкар йиғиб, юртимизни оёқ ости қилган, халкимизни одам ўрнида кўрмаган, ўзимиз қўлдан ясаган хонга қарши майдонга чиқдик.

Темур шундай деганига ўнг кўлини ҳавода ҳурмат ила кўтариб, Султон Маҳмудхонни элчиларга такдим этди. Хон ҳам элчиларга ҳурматан бош ирғаб қўйди.

— Бизнинг курашимиз очик ва мардонадир. Биз ҳеч қачон ва ҳеч кимнинг орқасидан пичоқ урмаганмиз ҳамда урмайжакмиз, — сўзида давом этди Темур. — Сизларнинг ҳам сочингиздан бир туки тўкилмайду. Боиси, сиз рақиб элчиси бўлсангиз-да, бизнинг меҳмонимиз ва авлодимизсиз. Бул саваш Тўхтамишхон юлдузини сўндиражаги муқаррар бўлса-да, биз учун орзикиб кутилган зафар саналмагай! Ҳар қандай шароитда Ўрда билан Турон давлати ўртасида ўт чиқмаслиги керак эрди. Таассуфки, бу нарса эндиликда бизга боғлиқ бўлмай қолди. Вақти замони келиб, бул буюк хатони барчангиз бор бўйи басти ила англаб етарсиз. Аксинча, биз бирлашиб лозим ўлдиги замон эски, азалий душманларимизга қарши курашмоғимиз, эл-улус кўксини, юртимиз ша рафини кўтариб кетмоғимиз керак эрди. Не қисматким, бу бизга насиб этмади. Балки, бундан сўнг ҳеч бир турк хоконига-да насиб этмас. Боиси, Туронда биз қурган каби буюк ва қудратли салтанатни бундан сўнгра қурмоқларига кўзим етмайду.

Шу сўздан сўнг Темурнинг қиёфаси ғамгин тус олди. Бирпас кўзни юмиб, тирсагини тиззасига қўйганча ўнг қўли билан пешонасини ушлади. Бир неча бор оғир ва чуқур нафас олди.

— Мен ҳеч қачон ва ҳеч бир ишни факат қилич ила битирмоқ жаддида бўлмадим! Буни ўнг ва сўл қулоғингиз ила эшитиб олингим, сўнгра одамларга бу буюк хатолғ ҳақида, унинг келиб чиқиши хусусида, тепангизда Оллоҳ борлигини; у барчаси-

ни кўриб турганлигини унутмаган ҳолда ростини сўйланг! Кимнингки сўзи ила иши бир бўлмаса икки дунёси ёнажак! Аслида хонингиз сизни ҳам бизни яна аҳмоқ қилмоқ учун ҳузуримизга юборган бўлиши мумкин. Унинг тавба-тазарруси ҳам қалбаки. Эрта кунда бунга ўзингизда амин бўларсиз балким. Сўзимнинг исботи ўлароқ, сизга шуни маълум қилурманки, Жўчи улуси ҳурмати, раият қони тўкилмаслиги учун бизда ҳамон сулҳ ва яраш дарвозасининг бир табақаси очикдур. Агар Тўхтамишхоннинг нияти ҳақиқатан ҳам рoст бўлса ҳузуримизга амир ул-умароси Алибекни юборсун! У ила кенгашиб, бир қарорга келайлик! Бирингиз эртагаёқ жўнаб кетиб, унга шул таклифимизни еткуринг! Учингиз эса биз-ла баробар йўлда давом этурсиз! Энди эса мухтарам кўноқларимиз шарафига суфра ҳозирлансун! Уларга шоҳона саруполар кийгизилиб, белларига камарлар боғлансун! Машшоқлар кечамизга тароват бахш этсунлар. Бугун барчангиз хон ҳазратлари ва менинг ҳурматли кўноғимизсиз!

Темур шундай деб ўрнидан турди ва элчилар билан қўл олиб кўришди. Ўзи билан кўришмоқ ниятида турган амиру лашкарбошиларга бирма-бир қўл узатди.

Улуғ Ҳокон саропардани айланиб, буюк элчи Қорақирғизнинг олдига келганда тўхтади. Унинг кийим-кечаги ва бўй-бастига тикилганча, туриб қолди.

– Қандай, ота авлод, қирғиз тувгандаримиз яхшими? – сўради элчининг чап елкасига ўнг қўлини кўйиб, ним табассумда.

– Қудайға шукур. Жақши журушиб еле, – жавоб қилди шошиб қолган элчи.

– Осмонда юлдуз кўп, қирда қирғиз кўп дегандек, қирғиз уруғларимиз тоғу қирларда яшар эдилар. Сен қандай қилиб даштга бориб қолдинг? Қирғиз эли қирларда яшаб, юлдузни кўзлаган қавм бўлади.

– Еже томондан қан азретлариға томир бўлавиз. Айтганингиздек, сарайда биздин қирғиз аз. Ата унарин унутуп, элчилик жасаб жатиппиз, қааним! – жавоб қилди буюк элчи илик мулозиматдан кўнгли кўтарилиб.

– Ҳа, бу ҳар икки эл, қавми мўғул ҳам, қавми қирғиз ҳам ўз-ўзини кўллаб-қувватловчи, борини ошириб, йўғини яширувчи қавм келади. Ҳокимият илгига кечса, ёнларига ўзга эл-улусларни

йўлатмайдилар. Фақат ўз элатлари манфаатини кўзлайдилар. Кул ҳақ-хукуки борасида ҳам ноҳақ бўлса-да, ўз қабиладошлари тарафини оладилар. Бошқа халқ ва аймоқларнинг ҳақ-хукуklarини тан олмоқни хуш кўрмайдилар. Элчи ўлароқ юрт кезиб, элу улус таниб, сенинг кўз қарашларинг бир оз ўзгаргандир, Абрўйбек, – ҳамон ўша ним табассумда кўнишарди хоқон.

– Сундай, сундай! – деди бу кутилмаган танбеҳли лекин ҳақиқатга яқин гапдан ўзини йўқотиб қўйган Қорақирғиз.

– Устозинг, ўғлон жаноблари ҳам жуда катта сиёсатчида. Қара, барча улус ва элатлар қўли остида эканлигини таъкидлаб, уйрат, тумат, болғали ва қирғиз қабилалари вакилларини ҳузуримизга юборибди. Ёнларингга мужик деган бир ўрисни ҳам кўшмабдида. Улфати панж, ишлар бўлар ланж деб кўрққан-да. Дарвоқе, улфати чор, анда маза бор деганидаям маъни бор, – ҳазиллашди Хоқон.

Улуғ Амирнинг бир сўзига тушунса, бирини англаёлмаган буюк элчи ва шериклари оғизлари очилганча, тилларига калима келмай, ҳервайиб туришарди.

Уларнинг ҳолатини тушунган улуғ Амирнинг чиройи очилиб, янада илиқ оҳангда кўнишди.

– Дунёдаги барча катта ва жиддий ишлар ҳазил-мутойиба орқали силаб-сийпаб ҳал-қилинади; Абрўйбек. Муттасил-жиддий бўлмоқ ва жиддий ишлар-ла илгиланмоқдан юрак сиқилиб кетади, авлодим. Менинг сўзларимни тўғри тушун ва кўнглингга олма. Англамаган жойингни ана у амир Боботурқдан сўра. У бу ёруғ дунёдаги, ҳатто нарёқдаги барча туркларнинг бобоси саналади. Турк тилида сўзловчи улуслар ҳақ-хукукларини учун курашади. Қани энди унинг халқсевар ва ватансеварлигини чаласавод миллатдошлари англаб етса. Бизнинг лаҳжада араб ва форс сўзлари кўп. Сенинг қирғиз тилинг эски туркийчага жуда яқиндир. Қирғиз тувгандаримиз айтгандек, биз барибиз турк атанинг балдаримиз. Тўғрими? Тўғри сўйладимми? – дея элчига илтифот кўрсатарди хоқон.

– Тура, тура! Ҳақаним! – ҳамон бу самимий муносабатдан ўзига келолмай довдирарди элчи. – Тура суйлейсиз!

– Отангга балли, Абрўйбек! Борасан-да ўша далаю даштинга. Биз билан юриб, яна бир оз юрт кез! Одам тани. Мусофир бўлмай мусулмон бўлмас дейдилар. Сўнгра обрўйингни

жойига кўйиб, хонингга жўнатамиз. Унга қадар хонинг эски одати кўзиб, хузуримизга қочиб келиб қолмаса, албатта. Биз-ла юзма-юз келмоқдан чўчиб, қочоқлик расанини бўйнига олиб, Сумер йўлига тушса, ўз-ўзидан хонсиз қоласан. Кўрқма, унда сенга амирлик мартабасини бериб, Олтой қирғизлари минглигига мингбоши этиб тайинлайман. Дону ризқингни териб юраверасан. Бизнинг ҳисоб-китобимиз бир киши билан. Жўчининг қолган эл-улуси бизга душману рақиб эрмас. Кўриб турганинг каби кўнглимиз ва бағримиз кенгдур. Унга Темур Қутлуғ каби хонзодалар ҳам, саройдан қочган дарвешу қаландарлар ҳам сиғади. Сен ҳам шунга қараб иш тут. Давлат эгаларига эрмас, қалб ва кўнгил султонларига хизмат этмоқ ҳаракатида бўл. Шундагина молу жонинг омон, қолган умрингни тинч, хотиржам ўтказасан. Нафс, мулку давлат дея дуч келган ўткинчи ва зolim ҳукмдорларга хизмат этсанг, бирда эмас, бирда бошингни кундага қўймоққа мажбур бўласан. Балиқ сувда туриб ҳам чанқгани каби инсон зоти борки, бойлик ва давлатга тўймайди. Киши боласи бойгани, ҳукмронлиги узоқ сургани сари балиққа айланиб бораверади. Шундан худо асрасин, Абрўйбек! Ошиқиб, шошиб, пухта ўйланмай қабул қилинган қарор яхшиликка олиб келмайди. Бир кун ошиққандан қирқ кун ақл қочади дейдилар. Сўзларимни англаяпсанми? – сўради хоқон элчининг кўзларига тик боқиб.

– Англадим, ҳақаним! Англадим! – жавоб қилди элчи кўзлари жовдираб.

– Англасанг, кўп яхши. Тушунмаган жойингни сўра. Менким Амир Темур Муҳаммад Тарағай ўғли очиқ кўз ила дунёга боқиб, бошни кундага қўймоққа арзигулик ҳукмдор зотини эшитмаганим ва кўрмаганимни ҳам сенга айтиб қўймоғим керақдир. Тирикчилик тошдан қаттиқ, ҳаёт шафқатсиздир. Мендан эшитган гапларни сенга кимса сўйламас, балки. Сўзларимни тинглаётган барча биродарларимиз ҳам тегишли хулосани чиқаргайлар дея ўйлайман. Чексиз худудларни бошқармоқ масъулияти ва машаққатини орқалаб юрмоқ мен учун ҳам ғоят оғир юк ва ташвишдир. Разил ва сотқин одамлар шунчалик кўпки, уларни инсофга чорлаб, худонинг минг бир зорини қилсанг-да фойда йўқдир. Одам боласи етгисида надир, етмишида удир. Қавм ва қабилалар

ҳам кишилар кабидир. Тизгинини тортиб турмасанг, худонинг балосидир. Мулку давлат илгига кечса, зўрлик қиладилар. Кўпчилик бўлсалар ўрлик, озчилик эканлар, ўғирлик қиладилар. Мехр бериб, бағрингда асраб юрганларинг ҳам фурсат пойлаб, аввал-орқангга, сўнг-елқангга, ниҳоят бошингга чиқадилар. Оқибатда қилган ишидан лаззат туйиб, бошингга етадилар. Бу сўзларни сенга айтиб қўймоқ, менинг оғалик бурчимдир, Абрўй. Тағин бу гапларни ўзингга олиб юрма. Гап эгасини топади. Сен билан биз отадошмиз. Отадошлар ҳеч қачон бир-бирларини сотмайдилар. Қиблагоҳим раҳматли турклар ила қирғизлар хундош дердилар. Кейин билсам, бирор ёғий келиб, бир туркни ўлдирса, қирғизлар тўпланиб бориб, ўша қотилни ўлдириб, туркнинг хунини олиб келаркан. Турклар ҳам қаерда бўлмасинлар қирғизларни ҳимоя этар эканлар. Сўзларимни мушоҳада эт ва ёдингда тут, Абрўйбек! Йўрға миниб, йўлдошидан адашганларга эргашсанг, эрта кунда сен ҳам саҳрода сувсиз сарсон қоласан. Дунё шундай қурилган, керакка терак йиқилар. Ҳаёт бозор. Биров кеч қайтади, биров эрта. Бу бозорда қандай олувчисан, сотувчисан ёхуд даллолсан, баҳойингни ортингда қолганлар беради. Кетган келади жигарим, кетмонланган келмайди...

Оқшом зиёфатида эса Ўткун Тегин бахшининг шогирди Олтой Оққалпоқ шеър у қўшиқни қалпоқ қилди. Ўткун Тегин бахши эндиликда кексайиб, улуғ Амир ҳофизлари, қиссахон ва тарихчилари орасида узоқ сафарларга юролмайд қолган, бу вазифани садоқатли шогирди Олтой Оққалпоққа топширган эди.

Эртаси куни ошхона хизматчисидан тортиб амир ул-умарога қадар унинг туркиси мисраларини такрорлади.

*Миллат  
Миллатсизга қолди  
Ватан  
Ватансизга қолди.  
Улуснинг  
Қадр и йўқолди,  
Бир ўлим  
Ҳақдир бугун!*

Тўнғиз  
Тепага чиқди,  
Сичқон  
Капага чиқди.  
Адоват  
Ҳақни йиқди.  
Муаллақ  
Тақдир бугун.  
Бой борки,  
Бойга боқар.  
Сув борки  
Сойга оқар!  
Йўқлик  
Эшикни қоқар,  
Ҳақсизлик  
Нақддир бугун.

Оқ юзлар  
Қаро бўлди.  
Нобақор  
Сара бўлди.  
Пок қалблар  
Яро бўлди.  
Юзсизлик  
Бахтдир бугун.

Ҳақ-  
Ноҳақни кўрмасанг.  
Миллат  
Ҳолин сўрмасанг.  
Элла  
Бирга юрмасанг  
Битазасак  
Тахтдир бугун.  
Оти чиқмаган йигитдан,  
Номи чиққан тепа афзал.  
Қону жон чиққан қасрдан,  
Ертўлаю қапа афзал.

Меҳру шафқат риштасин узолмаслар, яхши бил,  
Эл-улус гам-ташвишин чўзолмаслар, яхши бил.  
Ҳақ-ҳақиқат қасрини бузолмаслар, яхши бил,  
Асли насли хоинлар тузалмаслар, яхши бил.



# Бахтиёр НАЗАРОВ

## Тарихий ҳақиқат ёғдулари

ёхуд

~~Ўзликни бадиий англаш~~

(С ў н г с ў з)

### I

Романни ўқиб чиққан китобхон унда тасвирланган воқеа-ходисалар, қахрамонлар моҳияти хусусида ўйга берилиш, уларни қалбга сингдириш баробарида ўзини бу бадиий дунёга деярли асир қилиб қўйган ёзувчи ҳақида ҳам муайян маълумотга эга бўлишни исташи, табиийдир.

Нурали Қобулни аслида китобхонга танитишнинг кучли зарурати йўқ. Ўтган асрнинг, тахминан, саксонинчи йиллари аввалдан адабий жараёни кузатиб келаётганлар уни яхши биладилар. Асарларини китоб расталардангина эмас, кутубхоналардан ҳам топиш қийин бўлган вақтларни яхши эслайдилар. Улар адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида атрофлича маълумотга эга экани шубҳасиз.

Бугун китобхоннинг янги авлоди етишиб чиқди. Уларнинг Нурали Қобул ҳақидаги маълумотлари ўзлари истаган даражада эмасдир балки. Шунинчак олиб, адиб ҳақида қисқагина тўхталиб ўтсак, ўринли бўлади деб ўйлайман.

Нурали Қобулнинг бундан ўттиз-ўттиз беш йил аввал чоп этилган дастлабки ҳикоялари ва қиссаларийёқ китобхон, танқидчи ва таниқли адибларнинг бирдек эътиборини тортди. Унинг дастлабки асарларини Матёқуб Қўшқонов, Озод Шарафиддинов каби мунаққидлар, Одил Ёқубов ва Раҳмат Файзий каби ёзувчилар юқори баҳоладилар.

Йигирма беш ёш устидаги ёзувчи Ўзбекистондан ташқари, Иттифоқ миқёсида эътиборга туша бошлади. Москвада деярли уч ярим миллион нусхада чоп этилган “Юность” журнали истевдоди тан олинаётган ёш шоир, адибларнинг энг юксак минбари эди. Журнал тарихида кам учраган ҳодиса – бир йилдаёқ (1981) унинг биринчи ва ўн-иккинчи сонидан Нурали Қобулнинг “Тубсиз

осмон” ва “Салом, тоғлар” номли икки қиссаси босилиб чиқди. Фақат “Тубсиз осмон” қиссаси ададининг ўзиёқ журнал ва китоб ҳолда ўн миллион нусхадан ошиб кетди. Ҳатто, ҳозиргача адабиётимизда бир асар қисқа муддатда кенг тарқалиши жиҳатидан кам учрайдиган бу ҳодиса ёш ўзбек адабиётига эмас, умуман, ўша давр ўзбек адабиётининг ҳам жиддий ютуғи эди. “Юность”дек журналда асар чиқишининг ўзи бўлмаган, албатта. Танлов чиғириғини-ку, кўяверасиз. “Тубсиз осмон”нинг чоп этилишини қатор машҳур адиб ва мунаққидлар маъқулладилар, “Небо твоего детства” қиссаси билан биз адабиётимиз учун янги бир ёзувчини кашф этдик. Бу қисса билан адабиётимизга пойдевори мустаҳкам, нурли ёш ёзувчи кириб келаётганини кўрмоқдаман” деб ёзган эди Борис Полевой. “Ёзувчи тасвиридаги ҳаётга ўқтам ва тиниқ муносабатга қойил қолдим,— деб ёзганди Андрей Дементьев. — Ҳақиқатан ҳам бу асар билан биз Иттифоқ китобхонига талантли бир адибни кашф этмоқдамиз”.

1981 йили “Небо твоего детства” қиссаси Иттифоқ бўйича йилнинг энг яхши қиссаси деб топилиб, журналнинг биринчи даражали мукофоти билан тақдирланди. Ҳозир бу мукофот Б.Полевой номи билан аталади. Кўп ўтмай муаллифнинг рус тилида чоп этилган “Ойқор” қиссасига Бутуниттифоқ М.Горький мукофоти берилади.

Бу воқеалар ва юқоридаги фикрлар айтилганига ҳам ўттиз йилдан ошди. Нурали Қобул ўтган вақт мобайнида “Янги қор ёққан кун”, “Сангзор”, “Тоғбеги”, “Буғдой пишиғига етмаганлар”, “Мен ҳаммани севаман” қиссалари, ўнлаб ҳикоялари, публицистик ўткир мақолалари билан адабиётимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшди. “Унутилган соҳиллар” асари билан роман жанрида кучини синаб кўрди. Асар рус ва турк тилларида кўп нусхада чоп этилди. Нобел мукофоти соҳиби Габриел Гарсиа Маркес (Анвар Жўрабоев билан биргалиқда) қаламига мансуб “Ёлғизликнинг юз йили”, Чингиз Айтматовнинг “Болалик” асарларини ўзбек тилига ўгирди.

Туркологларнинг анъанавий халқаро илмий анжуманларидан бири янглишмасам, 1988 йил Қирғизистон пойтахтида бўлиб ўтди. Анжуманда Чингиз Айтматовнинг теран ва чуқур бир маърузасини тингладик. Ўша вақтда менга ўхшаб ўз мамлака-

ти академиясининг тил ва адабиёт институти раҳбари, тенгқур дўстим Абдуғани Эркабоевдан юрак ютиб, иложи бўлса Чингиз Тўракулович билан таништириш ва учраштиришни илтимос қилдим.

Чингиз Тўракулович, дўстим ва мен учовимиз доvon этагида қисқа муддатли бир давра қурдик. Улуғ адиб салобати босдимиз, ҳар қалай мўлжаллаб қўйган саволларим доирасида тузук гаплашолмадим. Ҳозирги ўзбек адабиёти, ёш ёзувчиларимиз ҳақидаги фикрларини сўраганимда Чингиз оға Одил ака, Пиримқул ака, Абдулла Орипов ҳақида илиқ фикрлар айтгани ёдимда. Шукрулло оға яхши юрибдиларми дея сўради. Ёш ёзувчиларингдан Нурғали микти ёзувчи, обдон тоза ёзади деди. “Юность”да босилган қиссаларини самимий бир руҳда эслади-ю, асарлар номини хотирлай олмади. Ўшанда улуғ ёзувчи Нурали ижодига нисбат берган “тоза” сўзида “тиниқ” маъносини ифодаладимиз, “янги” деган фикрни айтмоқчи бўлдими, билолмай қолганимни эслаб, ҳикоя қилиб юраман.

## II

“Етти иқлим хоқони ёхуд аҳд ва тахт”ни ўқиб чиқиб, нурли тарихимиз ва Амир Темур ҳақидаги шу вақтгача мавжуд билим ва тасаввурлари янада бойигани, ўзи эса фикр ва туйғулар оламида, бир ой аввалги ўздан ажабтовур бошқачароқ бўлиб қолганини сезган муҳтарам китобхонга бу романнинг аввалги қисми ҳам бор эканлигини, бошқача айтганда, Нурали Қобулнинг Амир Темур шахси ва шавкатига бағишланган кўп жилдлик, серқамров эпик асарнинг биринчи китоби “Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич” номли салкам беш юз саҳифали романи 2011 йилда чоп этилганини, кўлингиздаги ушбу асар эса унинг бевосита давоми ва узвий қисми эканини, бу борадаги адиб маҳоратини аниқроқ тасаввур этиш ва улуғ амир ҳақида ёзилаётган маҳобатли асар тўғрисида яхши тасаввурга эга бўлиш учун ана шу биринчи китобни ҳам ўқиш зарурлигини эслатиш ортиқча бўлмас деб ўйлайман.

Синчков ўқувчида аввалги китобдан кейинги – буниси бир йил ичидаёқ ёзилиб, чоп этилибди-да, деган мулоҳаза к: йдо бўлиши

мумкинлигини эътиборга олиб ва унга ойдинлик киритиш мақсадида кўп жилдлик бу эпик асар Нурали Қобулнинг кейинги йигирма-йигирма беш йил мобайнида изланишлари, машаққатли ижодий меҳнати самараси эканлигини таъкидлаш жоиздир.

Нурали Қобулнинг мазкур “Етти иклим хоқони ёхуд аҳд ва тахт” романидан аввалги “Буюк турон амири”ни ўқиган адабиёт ихлосмандлари бу навбатдаги асарда биринчи романдан таниш бўлиб қолган қахрамонлар билан яна қайтадан учрашадилар, албатта. Олдинги асар билан танишиб улгурмаганлар эса буни билиб қўйганлари маъқул бўлади, деб ўйлайман. Булар Амир Соҳибқироннинг ўзидан ташқари амир Боботурк, амир Сайфуддин, Сароймулкхоним, Алп Туркаш, Ўткун Тегин бахши, Тоҳир тарихчи, Тўхтамишхон ва бошқалар.

Аввалги роман Амир Темур туғилиб, вояга етган тарихий муҳит акс эттирилишидан бошлаб, унинг шахс ва инсон сифатида камол топиши, мамлакатни мўғуллар асоратидан халос этишдан тортиб, Буюк империяга асос солиш йўлидаги азобукубатлар, бу борадаги жангу жадаллар ички-ташқи интригалар, Темурнинг инсон ва Улуғ амир сифатида намоён бўлувчи феъл-атвори ва ниҳоят, Тўхтамиш ўғлоннинг хон кўтарилишида Амир Темурнинг тутган ўрнини тасвирлаш билан яқун топган эди.

Биринчи романдаги марказий ғоя – 1370 йилда Балхда Темурнинг эски турк хоқонлари анъанасига кўра оқ кигизга ўтқазилиб, Буюк Турон Амири эълон этилиши, шу юксак мақомга олиб келган қудрат унинг фақат қиличи, ҳарбий кучигина эмас, балки энг аввало, ақл-заковат эканини, у муросою мадора, сулҳу битимга жой қолмагандагина қилич қўлламоққа мажбур бўлганини кўрсатишдан иборат. Буни улуғ бобомиз ўзининг тузуқларида “ўнда тўққиз ишни яхши сўз, сулҳу ярашга чорлаш билан, бунга имкон қолмаганида эса бир фоизини қилич кучи ила битирдим” дея қайд этади.

Демоқчиманки, ҳозиргина ўқиб тугатганингиз ушбу романдаги Амир Темур сиймоси ва қудратини, уларнинг шаклланиш ва оёққа туриш жараёнларини янада аниқроқ ва мукамалроқ билиш учун, “Буюк турон амири”ни ҳам албатта ўқиб чиқишимиз зарур бўлади. Мутолаа фақат ушбу романдан бошланса, амир Темур даҳоси, қудрати, салтанати тарих саҳнасига гўё (ушбу

асардан бошлангандек) етилган ҳолда юзага келгандек таассурот қолдириши мумкин. “Буюк Турон амири”да эса, биз буюк бобомиз даҳоси ва салтанатининг оёққа туриш даври, шахсий ва ижтимоий қийинчиликлар, дастлабки сотқинлик ва садоқатларнинг теран бадий талқинларини кузатиш имкониятига эга бўламиз.

Ўзбек адабиётида соҳибқирон ҳақида яратилган асарлар оз эмаслигини биламиз. Улар ичида айниқса Пиримқул Қодировнинг “Амир Темур сиймоси” публицистик асари, Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” драмаси, М.Алининг “Улуг салтанат” трилогияси сизга маълум.

Амир Темур ҳақидаги бу қадар ранг-баранг палитрали ҳаққоний асарларни ўқиш, адибларимизнинг ранг-баранг услуб ва маҳоратларини кузатиш, ҳамда ўзига хос бу бадий дунёлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш имконияти фақат Мустақиллигимиз туфайлигина пайдо бўлди. Зеро, Амир Темур ҳақидаги янги бадий асарларимизнинг бош мақсади ҳам мозийни фақат кўкларга кўтаришгина эмас, тарихимиз ва отабобларимизни холис ва ҳаққоний бадий тасвирлаш орқали Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, истиқлолимизни янада юксалтиришдан иборатдир.

“Етти иқлим хоқони” романи моҳият эътибори билан, тарихимизнинг бугунги боқий нурлари ва ўзликни янада чуқурроқ, теранроқ англаш ҳақидаги ана шундай асардир.

### III

Тажрибали китобхон, асар моҳиятини унинг номиданок пайқай олади. “Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич”да Улуг Темурнинг Буюк амир даражасига етмоғи жараёнларидаги товланиш қиёфаси, ақлнинг уйғониш омиллари ва қилич билан мустаҳкамланиш сабаблари тасвирланган бўлса, “Етти иқлим хоқони ёхуд аҳд ва тахт”да, энди, Буюк амирнинг етти иқлим хоқони сифатида тан олинмишидаги эвирилишлар, четлаб ўтилиши мумкин бўлмаган турли миқёсдаги юришларининг ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлари ва уларнинг қонуний асослари, инсоният тамаддунига фаол таъсир этган процессларда етила борган Соҳибқирон дунёқараши ва фалсафаси, бу

қийфадаги миллий диний, ижтимоий ва башарий рух, афсуски, на ўтмиш ва на бугун манамен деган давлатларни бошқарган ва бошқараётганларда кўринмовчи – жаҳон тарихида камдан-кам учрайдиган аҳд ва тахт бирлиги, шуларни бадиий идрок этиш натижасида ҳозирги китобхон томонидан ўзликни англаш муаммолари бадиий акс эттирилади.

Амир Темур ҳақида кўп ёзилди, ёзилмоқда, келгусида, шубҳасиз, яна ёзилади. “Етти иқлим хоқони” муаллифининг бу борада ўзигача ёзганлардан фарқланиб турувчи хусусиятларидан бири шундаки, у Темур билан боғлиқ тарихий воқеалар ҳамда феъл-атворидаги шу вақтгача такрор-такрор эътироф этилган маълумотларга яна аҳамият беришдан қочишга интилади. Уларга муносабат билдириш ёки тасвирга тортиш зарурати, эҳтиёжи туғилганда эса бу тарихий нуқталарнинг янги-янги фалсафий, ҳаётий қирраларини очишга эътибор қаратади. Умуман ёритилаётган масалалар ёхуд Амир Темур, Тўхтамиш, Идику Темур, Эртўғрул Турон, Малик Буқрот каби қаҳрамонлар образига мустақил нуқтаи назар ва бадиий муносабатда бўлиш, ўзининг тарихга бадиий қарашлари орқали имкони борича ҳозирги кун муаммолари учун ҳам бадиий ҳулосалар чиқаришга интилиш романнинг етакчи хусусиятидир.

Романда ҳар бири мустақил ўринни эгаллаган Жаку Барлос, Боботурк, Туркаш, Мироншоҳ, Ўткун Тегин бахши сингари ўнлаб тарихий ва адиб тахайюли асосидаги қаҳрамонларга дуч келамиз.

Маълумки, роман жанрининг мумтоз хусусиятларидан бири унда бош ва етакчи қатор қаҳрамонлар ҳаёт йўли, бу йўл ва қисматнинг муҳим босқичлари, уларнинг барчасини муштарақ уйғунликда тутиб турувчи тарих ва замон образи гавдалантирилади.

“Етти иқлим хоқони” муаллифи бу анъанани такрорламайди, унга ижодий ёндашади ва роман жанри имкониятларини бойитиш йўллариини излайди. Қаҳрамонларнинг ҳаёт йўли ва қисматини тасвирлаш йўлидангина бормайди. Аксар қаҳрамонлар бош ғоя ва бош қаҳрамон характерини очишга бўйсундирилгани ҳолда, кўпинча фрагментар ҳолатларда тасвирланади. Адиб, ҳатто,

бош қаҳрамоннинг ҳам ҳаёт йўлини тасвирлашдан ўзини тияди. Унинг образи ҳам, асосан, характернинг энг муҳим қирраларини очувчи аспектларда ёритиб борилади.

Амир Темур узоқ вақт, яқин-яқингача, гўё ўзга ҳудудларни забт этмаса — туролмайдиган, бойликка тўймайдиган, ўзга ҳукмдорларни қақшатмаса роҳат қилолмайдиган фотиҳ сифатида таърифлаб келинди. Буларни тамомила инкор этувчи тарихий манбаларнинг ўзи Амир Темурнинг асл қиёфаси қандай бўлганини кўрсатишда ожизлик қилади. Унинг ҳақиқий қиёфаси қандай бўлганини ана шу тарихий манбаларга суянган ҳолда фақат бадий адабиётгина кўрсата олади. Бадиийлик — тасаввурдаги жон дегани. Шундай экан, бадий адабиёт тарихий қаҳрамонга жон бағишлаб, уни замонавий одамлар ичига жонли одамдек олиб киради. Шу маънода тарих етарлича ишонтира олмаган ҳақиқатни бадий адабиёт иқно эта олади. Нурали Қобулнинг “Етти иқлим хоқони” романи ана шундай фазилатлари билан қимматлидир.

Адибнинг тарихий ҳақиқатга изчил асосланган бадий талқинидаги Амир Темур сиймосига муносабат масаласида узоқ асрлар мобайнида шаклланган стереотип тамоман бузилади. Еру осмон Оллоҳга тегишлидир, дейди асардаги лавҳалардан бирида Улуғ Амир “Бу давлат, бу бойлик ва ҳудудлар барчамиздан қолажак. Ҳеч ким уни нариги дунёга олиб кетмайди. Жаҳонни забт этган Искандар Зулқарнай ҳам бўш қўл билан кетган”. Амир Темурнинг бу фикрлари шунчаки декларация бўлмай, унинг ҳаёти ва аъмолидан келиб чиққанини кўрсатиш романдаги бадий концепциянинг марказий нукталаридан бирини ташкил этади.

Асарда кечувчи аксар воқелик ва бош қаҳрамон хатти-ҳаракати тасвиридаги ҳаётийлик ва ҳаққонийлик шу қадар аниқ ва тиникки, Темур юришлари ва феъл-атворидаги жараёнлар (ўзга мамлакатларда тинчлик, адолат ва исломни мустаҳкамлаш учун кўп ҳолларда шу юрт халқи ва кайвониларининг даъвати билан юриш, Туронга ҳужум қилишга ҳозирлик кўраётган муҳолифиятини пайқаб, аввалроқ отланиш, салтанат бирлигини парчалашга ҳаракат қилаётганларга муносиб ҳарбий чора кўриш, муайян юришлар қилмасдан сукут сақланиши ташаббусни бериб

қўйиш эканлиги ва бу масалада орқага чекинишга йўл йўқ эканлиги, аксар юришлар шу боис, ноиложлик ва мажбурликдан иборат бўлгани ва бошқалар) моҳияти тарихий қонуниятдан келиб чиққанлигига адиб китобхонни тўлиқ ишонтира олади.

Ёзувчи маҳорати боис тасвирланаётган айрим ҳодисалар айнан тарихий ёки шунга яқин эканини китобхон деярли унутиб қўяди. Чунки ёзувчининг моҳир қалами тасвирланаётган тарихий ҳақиқатга жон киритади ёки бошқача айтганда, акс этаётган асос адиб тахайюлида тамоман қайта ишланиб, бадиий тус олади ва янги бир ҳаётий ҳақиқатга айланади. Шу маънода Амир Темурдан бошқа қаҳрамонлар образи ҳамда сюжет линияларининг қай бири тарихий ҳақиқату қай бири бадиий тўқима эканини ажратиш олиш осон кечмайди. Бундай ҳол тарихий ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқат хужайралари билан тўлдирилиши туфайлигина содир бўлади. албатта. Тарихий роман ёзишдаги энг қийин ва айни вақтда, асар муваффақиятини белгиловчи хоссалар мана шу нуқтада кесишади. Нурали Қобул маҳорати ана шу хоссалар кесишган нуқталарда аён тортади.

Амир Темурнинг етти иқлим ҳоқони, Улуғ Амир, Соҳибқирон ва ҳоказоларгина эмас, айниқса, оддий инсон сифатидаги фазилатлари тасвири бу образга янада ҳаётийлик ва жонлилик бахш этади. У адирда зира ва кийик ўти териш юриши, жайрон бола-сига меҳрибонлик кўрсатиши ва ҳатто кўзига ёш келиши, боғига баъзан ўзи дарахт экиши, кайфиятга қараб, уларни парвариш қилиши, овни яхши кўргани билан бирор-бир жониворга ўқ узмагани, болалик ва ўсмирлик чоғларидаги дўстлари билан учрашувда ўзини тутиши, таранг бир вазиятда тоғаси Жаку Барлосга кўполлик қилиб, яхши гаплашмай, хузуридан чиқариб юборгани учун, фурсати келганда, махсус мактуб орқали ундан узр сўраши, қуртовани, кулчатоғни хуш кўриши, тол товоқда қурут эзилишини кузатиши, айб, хато ва баъзан, ҳатто сотқинлик қилганларга мурувват кўрсатиши, падари бузрукворини соғиниш манзаралари, Эрон ва Ироқ фатҳидан сўнг Самарқандга олиб кетилаётган олим, шоир, наққош, меъмор, созандаларга кўрсатилган ҳурмат ва илтифот, шу ҳолатдаги сўз эркинлигига муносабат ва бошқалар тасвиридаги Амир Темур киёфаси уни китобхонга худди ўзига ўхшаш бир оддий инсондек яқинлаштириб қўяди.



Бундай ҳолатлар тасвирида ёзувчи ўз қаҳрамонининг бугунги, замонавий қиммати ва аҳамиятини очишга алоҳида эътибор беришини таъкидлаш ўринлидир.

Хусусан, Темурнинг ижодкорларга, сўз эркинлиги масаласига муносабати уни ҳозирги ҳаётимиз билан янада яқинлаштиргандек бўлади.

#### IV

“Етти иқлим хоқони”ни ўқиган китобхон асарнинг тарихий моҳиятидан ташқари, унинг, айниқса, замонавий аҳамиятини сезмаслиги мумкин эмас. Аслида бутун асар бўйлаб ўтувчи бу руҳни роман гоёвий-бадий структурасидаги бир неча мисол орқали кўрсатишнинг ўзи кифоя қилади.

Амир Темур киёфасини ичдан ёритувчи мунтазам хушёрлик ва огоҳлик, ўзини ниҳоятда дўст ҳамда садоқатли кўрсатгани билан, аслида, чўнтагидаги тошни кулай пайт келди дегунча ишга солишга тайёр айрим ҳукмдорларга нисбатан доимо сергаклик, ғаним юриш-туриши ва ўй-фикрлари, режаларига бепарво бўлмаслик, бош қаҳрамон тилидан айтилган, ёзувчи дунёқарашининг бир учини акс эттириб турувчи: “Оддий бир эътиборсизлик, баъзан, ҳатто тарих ғилдирагини бошқа томонга буриб юбориши мумкин”, “Инсонга қош-қовоғига қараб турадиган қул эмас, дўст керак”, “Урушда қонуният камдан-кам бўлади” қабалидаги ностандарт мулоҳазалар, бош образнигина эмас, умуман асарни бугунги ҳаётимиз билан туташтириб туради ва замонавий руҳини кучайтиради.

Амир Темур салтанатидаги иқтисодий асосларни, бошқарув тизимидаги ўзига хосликларни, шунингдек, ҳам ҳарбий, ҳам ҳокимият иерархиясидаги маош билан таъминлаш, бу йўналишдаги рағбатлантириш ва жазолаш, мансабга тайинлаш, чунончи, ҳатто, Темур фарзандлари ва қариндошларига бирор-бир лавозим бериш, ҳамда суюрғол ажратишни маъшварат муҳокамаси ва қарори асосида ҳал этиш ва ҳоказоларни ёритишда ёзувчи бир тарафдан олисдаги тарихий муҳит тасвирида ҳаққонийликка эришишни назарда тутди ва иккинчи томондан, энг асосийси, бу масалалар тасвири ва бадий таҳлили замирида

асарнинг замонавий руҳини ифодалашни унутмайди. Мана Амир Темурнинг ўз амалдорлари олдига қўядиган талаби: “Ҳар бир амиру элбоши дастлаб, элу юрт аҳволи яхшиланишига эришиб, райятни рози қилмоғи шарт. Модомики, унинг ризқу рўзи ана шу халқнинг устидадир”. Соҳибқироннинг айрим амалдорлар хусусида айтган: “Молу дунёга муккасидан кетиб, бола-чақаси, авлод-аждоди билан юрт мол-мулкига мўри-малаҳдек тармашган қасларга бизнинг даргоҳимизда ер йўқ” сингари фикрлар ундаги ҳозирги замон учун ҳам ниҳоятда муҳим бўлган элпарварлик, инсонпарварлик, ростгўйлик қиёфасини очади. Темурнинг ахлоқ масалаларига муносабатда ҳам айнан шундай йўл тутишига асарнинг қатор манзараларида шоҳид бўлаемиз.

Ёзувчининг баъзан сезилмас равишда ўтиб кетувчи, тарихий ҳужжат ва манбаларда бўлмаган, лекин тахайюл билан бадиий ҳақиқат даражасига кўтариб, Улуғ Амир феъл-атворида аниқ мавжуддек тасвирлаган шундай нозик ва нафис топилмалари борки, улар адибнинг, тасвирланаётган қаҳрамон қалбигина эмас, умуман, инсон руҳиятини чуқур билиши, инсон руҳиятидаги тарихий ва замонавий томирлар уришини нозик ҳис этишини кўрсатади. Масалан, кичик бир деталь. Амир Темур турли миқёсдаги муҳорабалар олиб борган эса-да, уларнинг аксариятига мажбуран киришганини юқорида айтдик. У муҳолиф билан уруш олови ёқилмаслигига бхирги кун, сўнгги сония ва дақиқаларгача ҳаракат қилган, тўқнашувнинг олдини олишга тиришган. Ана шундай вазиятлардан бирида у: “Учкундан ёнғин чиқиб кетмаслиги керак!” деган иборани ишлатадики, бу ибора Соҳибқирон табиатига муҳтасар таъриф бўла олади. Амир Темур бу иборани айтган-айтмагани ҳақида бирор-бир тарихий манбада аниқ маълумот борми-йўқми шахсан менга номаълум. Ҳарқалай, Соҳибқирон тили орқали айттирилган ёзувчи фикри бўлиб, унда адибнинг ҳам теран ва чуқур эстетик идеали ўз ифодасини топади. Нурали Қобул замондошлари ва тенгқурлари қатори декабристларнинг “учкундан аланга пайдо бўлади” деган шиорларини тарихчи сифатида яхши билади. (Ёзувчи Фарғона давлат университетининг тарих факультетини битирган.) Адиб дунёқараши бир вақтлар ва, эҳтимол, яқин-яқинларгача инқилоб маъносини ифодаловчи шу шиорнинг кучли таъсирини бошдан кечирган бўлса, ажаб эмас.

Юрт ва улус кечмишини яхши билган, халқимизнинг ўз ўтмишига тўғри қарай олишини йўналтириш йўлида астойдил меҳнат қилган адибнинг мутахассис ўлароқ тарихчилиги, бу ерда қўл келган.

Адиб асарлари ўз халқи ва ватани тарихига бефарқ бўлмаган, улуси тақдирини ҳаётининг мазмуни деб билган, кечмишни яхлит ижобий ва салбий томонлари билан бир бутун ҳолда кўра оладиган, унга соғлом, тўғри ва теран нигоҳ ила боқа биладиган ҳар бир ватандошимиз кўнглида, фикру зақосида хира кўрина келган қатор сўроғу саволларга очиқ-ойдин, ишончли, ватаний оҳангда жавоб беради.

Сиз бу жонли бадиий тасвирларда Буюк Амир Темурнинг Султон Йилдирим Боязид ва Тўхтамишхон, Миср султонлари Барқук ва Носир, Бағдод ҳукмдори Султон Аҳмад Жалойир ва Қора Юсуф каби улкан тарихий шахслар орасида кечган, бугунга қадар баҳсу мунозараларга сабаб бўлиб келаётган нозик муносабатлар каби қатор тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг эксик, тугунли тарафлари ечимига шоҳид бўласиз. Таъбир жоиз бўлса, ўша мислсиз суронли йиллар ва юлдузли онларнинг бевосита иштирокчисига айланасиз.

Замонлар ўзгарди, дунёқарашлар янгиланди. Ҳаёт ва давр инқилобий тўнтарувга чорлаш тўғри бўлмаганини кўрсатди. Янги замон учқундан ўт олиш эмас, учқундан аланга чиқиб кетмаслик ғоясини маъқуллади. Ёзувчи Нурали Қобул дунёқарашида қарор топган бу бадиий ғоя унинг “Етти иқлим хоқони” романида Соҳибқирон образи билан туташди ва унинг сиймосидаги тарихий ҳақиқатни ёритишда айни муддао бўлди. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томондан, Амир Темур сиймоси ва фаолиятида ифодаланган бу ғоя, айни вақтда, ёзувчи учун асарнинг замонавий руҳини теранлаштиришда, айни қўл келди. Зеро, “учқундан аланга чиқиб кетмасин” деган фикр ва унда ўз ифодасини топган ғоя худди шу кунимизда деярли барча қитъаларда – Осиёю Оврупо, Араб мамлакатларию Африка, Россияю Эрон ва ҳоказо мамлакатларда рўй бераётган талотумлар ҳамда ўзаро муносабатларда чарсиллаб турган учқунлар ва уларнинг ўт олиб кетиши мумкинлигига ишорадек туюлмайдими?

Романнинг замонавий аҳамияти ва моҳияти ҳақида гап борар экан, шу мавзу нуктаи назаридан асарда Темур сиймосида бадий акс эттирилган яна бир масалага қисқача тўхтаб ўтиш ўринли бўлади.

Кўпдан-кўп тарихий манбалардан маълумки, Амир Темур дини ислом ақоидларини ниҳоятда маҳкам тутган ва бутун умрини, қудратини унинг мавқеини мустаҳкамлаш учун сафарбар этган сиймодир. Улуғ хоқон ҳақидаги барча асарларда бу масалага деярли беистисно равишда алоҳида эътибор берилади. “Етти иқлим хоқони” ҳам бундан истисно эмас, албатта.

Лекин Нурали Қобулнинг бошқа адиблардан бу масалага муносабатда маълум даражада фарқи шундан иборатки, у мазкур муаммода бошқа адиблар тутган йўлни такрорламасликка ҳаракат қилади. Бу ўзгаларни такрорламаслик хоҳишигина эмас, Амир Темурнинг ислом динига муносабатидаги муҳим ҳаётий ва тарихан ҳаққоний нуқталардан бирини теран бадий гавдалантириш заруратидан келиб чиққан ижодий принципнинг намоён бўлишидир.

Амир Темур ислом динига нақадар ва нечоғлик садоқатли бўлмасин, у ислом билан алоқадор барча масалаларга беистисно ва кўр-кўрона эргашган эмас. Унга онгли равишда итоат қилган даҳодир. Зеро, унинг шахсида тажассум топган тийрат ва қудрат ҳам шуни тақозо этади. Амир Темур дин вакиллари қиёфасидаги инсоният ва ислом манфаатига мос, мутаносиб келувчи ва уларни тўғри йўлга тарғиб этувчи жиҳатларини қўллаб-қувватлаган. Адиб улуғ хоқоннинг динни суиистеъмол қилувчи кимсаларга қарши бўлган қиёфасини ҳам кўрсатиб, унинг характеридаги тўлақонлик масаласида жиддий муваффақиятга эришади.

“Бизнинг дин нимаю динсизлик нималигини фарқламайдиган, диндан фақат шахсий манфаатлари йўлида фойдаланадиган мусулмонларнинг бошидан ҳеч қачон жанжалу офат аримайди” дейди Темур. “Қавм қанчалик художўй ва тақводор бўлмасин, у илм ҳамда маърифат сари интилмас экан, итнинг кейинги оёғи бўлиб қолаверади” деган фикрда ёзувчи Улуғ Амирнинг, бир жиҳатдан, чўрткесар ва қатъиятли

характерини кўрсата олса, бошқа томондан ҳам асар, ҳам қаҳрамоннинг замонавий шахсиятини очишдаги маҳоратини намоён этади.

Нурали Қобул Амир Темурнинг исломга муносабатидаги қатъий ва нозик тутумини жаҳрия-тариқати таълимотига қарашларида ҳам аниқ ифодалайди. Жаҳрия тариқатининг кўзга кўринган вакилларида бири Бобо Сангуннинг тутаетган йўлига қарши эканини билдириб, Улуғ хоқон асар лавҳаларидан бирида шундай дейди: “Худо Куръони каримни ва бу дунёни тириклар учун яратган. Бу шайх эса узлатга чекинган. Нима, бу Аллоҳга қарши исёнму? Шу боис динни парчаловчилардан эҳтиёт бўлмоқ керак. Ҳар бир иш ақл-идрок доирасида бўлмоғи керак”.

Ҳозир, ҳатто XXI асрда ҳам кенг жўғрофий иқлимлардаги ислом дунёсида турли тарафчилик кўзга ташланиши давом этаётган бир вазиятда ва ҳатто, ўз худудимизда, хизб ут-тахриру ваҳҳобийликка ўхшаш оғишу қийшайишлар бўй кўрсатиб турган шароитларда Нурали Қобул тасвиридаги Амир Темур сиймоси бу масалада замондошларимиз учун буюк бир ибратдир.

Баъзи бир “...гумроҳ диндорлар дин байроғи остида улусимизга қарши курашмоқдалар” дейди бир ўринда амир Боботурк. Бу ўринда, биринчидан, дин ниқоби остидаги хатти-ҳаракатларни идрок этишда Улуғ Амир танҳо бўлмаганини кузатамиз, иккинчидан, бу тасвир бизни олис мозийдаги кўндоқдан қолган ҳолатларга гувоҳ этмоқдан ташқари, асар ўзининг ҳозирги китобхонларини ушбу масалада огоҳ ва хушёрликка чақираётгандек бўлади.

Асар манзараларидан бирида ёзувчи қаҳрамон тилидан “ватаний ишлар” деган иборани ишлатади ва бу тасодифий бўлмай, асар ғоясига дахлдор бадий қирранинг намоён бўлишидир. Гап шундаки, ёзувчи романда Миллат ва Ватан деган тушунчага ёхуд сўзларга кўп ҳам урғу беравермайди. Агар янглишмасам, бутун бошли романда ўрни билан улар йўл-йўлакай икки-уч марта ишлатилади, холос. Китобхон бунга кўп ҳам эътибор бермаслиги мумкин. Лекин ёзувчининг усталиги шундаки, у асарида бу сўзларни қайта-қайта такрорламай, Амир Темур ҳамда унинг атрофидаги Боботурк, амир Сайфуддин, Тохир тарихчи, китобдор-Ориф-Бухорий, Ўткун Тегин-бахши-ва бошқа ўнлаб

садоқатли бекларидан иборат қахрамонлар тимсолида ватанпарвар, мамлакатпарвар, шу мақсад йўлида жонини фидо қилишга тайёр жўмард ва ҳалол инсонлар қиёфасини гавдалантира олган.

Қўшдарё ораси ва атрофида ёвуз мўғуллар зулмига барҳам бериш учун курашиб юрган ёш амирлашкар Темур ўз сафдошларига: “Уларга хонлик керак, бизга эса Ватан” дейди мардонатор оҳангда. Унинг бу фақат энг юксак ватаний ахлоққа эга бўла олган шахсият айта оладиган бащоратли сўзини романнинг ҳар бир боб ва саҳифасида ҳис этасиз.

Амир Темурнинг “сарой аҳлимиз она тилида гапиришни унутиб қўймоқда” дейиши, мадраса, масжид, девонда, асосан туркий тилни қўллаш ҳақида фармон тайёрлашни зарур деб билиши, Куръони каримнинг “илк туркий тафсир”ини яратишга буйруқ бериши, “Девони луғатит турк”, “Қутадғу билик”ни кўпроқ нусхаларда кўчиртиришни топшириши, бир жихатдан унинг миллатпарвар, ватанпарлигига ишора бўлса, иккинчи томондан, миллий тил, бу миллат ва Ватаннинг асосий куч-қудратини ҳис этиш, ҳамда уни муқаддас тутиш масаласида ҳозир биз билан ҳамкор ва ҳамнафас эканига бадийий урғу демақдир.

## V

Гап асардаги бош қахрамон образи тасвирида ўз ифодасини топган Соҳибқироннинг давлат тилига муносабати масаласига келиб тақалар экан, умуман, “Етти иқлим хоқони ёхуд аҳд ва тахт” романининг бадийий тили хусусида қисқагина тўхтаб ўтиш ўринли бўлади. Асарнинг тили бой, гўзал, манзарали, руҳиятли ва тарихий.

Романнинг бадийий тили фокусида сиз ўзингизни руҳан асарда тасвирланаётган тарихий замон ва муҳит ичида яшаётгандек ҳис этасиз. Ёзувчи нутқини ҳисобламаганда, қахрамон назаридан ўтган бирор-бир лавҳа, қахрамон монолог-нутқи, диалог, ўй-кечинмалар тасвири йўқки, фақат ҳозирги адабий ёки бадийий тилдагина берилган бўлсин. Роман бошидан охиригача ўзининг тарихий бўёқдорлиги билан ажралиб туради. Бир тарафдан аниқ ва тиниқ тарихий ранглилик, иккинчи тарафдан, тил усуллари бугунги кун китобхони ҳеч қийналмасдан идрок эта оли-

шига бўйсундириш... Бадиий тилдаги бундай услубга эришиш тарихий асар ёзаётган адиб учун осон бўлмаган, машаққатли ишдир. Бунга тарихни, ўша давр тилини, тарихий манбаларни ўрганиш орқалигина эришиш қийин. Бунга тасвирланаётган тарихий замондаги тил руҳияти ва руҳиятидаги тил адиб идрокдан ташқари унинг туйғуларига чуқур сингиб кетгандагина эришиш мумкин. Нурали Қобулнинг Буюк Темур даҳоси билан бирга у мансуб туркий руҳиятга чексиз ва ҳатто, баъзан тизгинсиз лисоний муҳаббати бутун асар бўйлаб балқиб туради. Агар бадиий тилга ошуфталик сизга бегона бўлмаса, ажойиб мусиқа, чаппор уриб гуллаган боғлар, мовий денгиз, оппоқ қорга бурканган тоғ чўққилари, чақалоқнинг кикирлашлари, соғинган дўстларнинг дилкаш суҳбати сизга таърифланиши қийин бир ҳузур бағишлаганидек, бу романнинг бадиий тилидан ана шундай роҳатланиш ҳис этасиз. Бу адибнинг туркий адабий ва бадиий тилнинг тарих ва бугундаги жозоба ва гўзаллигини билишга эмас, чуқур ҳис этиши туфайлидир.

Тасвирланаётган феъл-атвор ва характерни аниқ тасаввур этмасдан, юракдан ҳис қилмасдан туриб, қаҳрамонлар тилидаги гўзалликка эришиш, яъни асар тилини бадиийлаштира олиш мумкин эмас, албатта. Бу масалаларда ёзувчи ўзининг аввалги “Буюк турон амири” романидагига нисбатан жиддий ютуқларга эришган, деб хулоса чиқариш мумкин. Бу билан асар тили идеал даражада демоқчи эмасман. Унда гоҳ-гоҳ изоҳталаб сўзлар учраб туради. Айрим қаҳрамонларда тил нуқтаи назаридан индивидуаллик доим ёрқин кўринавермайди. Лекин бундан қатъи назар тарихий қатламни сақлаган ҳолда бугунги турк адабий-бадиий тилидан унумли фойдалана билиш ҳамда ҳозирги ўзбек адабий-бадиий тилидаги олис тарих руҳиятига мос лисоний бирликларни маҳорат билан тасарруф этиш, роман бадиий тилидаги жозибани таъминлаган омиллар ҳисобланади. Тарихий асарда – мозий тилдаги хосликни сақлаган ҳолда бугунги китобхон қийналмай, тушунадиган бадиий тилни тасарруф этиш ёзувчи олдидаги энг қийин вазифалардан биридир. Нурали Қобул ана шу вазифани юқори савияда уддалай олган.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, му-

аллифнинг мен ўқиганим икки романи ўзбек адабиётида араб, форс ва бошқа хорижий тиллардаги сўзлар энг кам ишлатилган Абдурауф Фитрат ижодидан кейинги иккинчи асарлардир.

Бутун асар бўйлаб, гоҳ ёзувчи нутқида, гоҳ дейлик Отламиш хуфя каби қаҳрамонлар тилидан ишлатиладиган “хангама ўтиришнинг каштаси” қабилдаги гўзал халқона иборалар, афоризм даражасидаги теран бирикмаларга дуч келамизки, ўзбек тилининг бениҳоя тароватини кўрсатувчи бундай мисоллар романга зеб бериб туради.

## VI

Романда, фикримизча, айрим камчиликлар ҳам йўқ эмасдек. Асосий ва етакчи образлар ўлчами, бичими аниқ ва меъёрли бўлса-да, йўл-йўлакай иштирок этувчи, эсланувчи ва тилга олинувчи қаҳрамонлар, жой ва ҳудуд номлари, назаримизда, зарур бўлмаган даражада кўпайиб кетгандек таассурот қолдиради. Тўғри, бундай ҳолат асарнинг тарихийлигини кучайтиришга хизмат қилиши мумкиндир. Лекин айни вақтда унинг бадийлигига маълум даражада соя солишини ҳам унутмаслигимиз керак. Аввалги “Буюк турон амири”да бошланиб, давоми ушбу романга ўтган амир Боботурк муҳаббати тарихи муайян бир тутимга етмай, чала қолгандек туюлади. (Балки келгуси, учинчи ёки тўртинчи китобда бу воқеалар тафсилотига дуч келармиз.)

Амир Темур образидаги адолатпарварлик, ҳақгўйлик, муруват тарихий ҳужжатларга, тарихий ҳақиқатга асосланган. Лекин роман тасвиридаги бу масалада баъзан меъёрдан ошгандек кўринади.

Романдаги воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати, ўй-фикрлар, баъзи ҳолларда ўта тигиз, бири иккинчисини сиқиштириб қўяётгандек. Баъзи ҳолларда кўзга ташланувчи қисқа ва гўзал табиат манзаралари, ёзувчи нутқи мавжуд. Лекин улар истагимиздан оз бўлиб, эркин ҳаво ва хузурли нафас вазифасини бажарувчи бу унсурларга китобхон муҳтожлик сезади. Айниқса, роман жанридаги асар ўқувчини толиқтирмаслиги ва зўриқтирмаслиги учун бу бадий заруратларнинг асардаги вазифаси муҳим эканлигини ёдда тутишимиз керак.



Романда Темур тилидан айтилувчи ажойиб монолог-фикрлар мавжуд. (Суюрғатмишни ўртадан олиб ташлаш керак, деган амир Боботурк фикрига муносабат билдирган Темур монологи-ни эсланг). Бироқ улар ифодасидаги айрим монотонлилик баъзан бадий таъсирдаги эффектни сусайтириб қўяётгандек. Алп Туркаш, Умаршайх, амир Сайфуддин ва яна қатор образларнинг портрети ва характери тасвирида (масалан, Қодир Кенагас даражасидаги) индивидуаллик янада кучайтирилса яхши бўларди.

Ёзувчи Амир Темурдаги қаттиққўллик, қатъий ва чўрткесарликни баъзи лавҳаларда керагидан (масалан, Шероз волийси шоҳ Шужьонинг ўғли Зайнобиддинга муносабатда кўринганидек) ортиқроқ даражада юмшатиш тамойилини тутган кўринади. Айрим ҳолатларни ҳисобга олмаганда, у доимо ва муттасил кечирувчи, ғанимларига фақат яхшилик тилувчи, уларни сийлаб, совға-салом тортиқ қилувчи. Бу ҳол Соҳибқиронга баъзан афсонавий тус беради. Тўғри, Темурда ўша ижобий ҳислатлар оз бўлмаганини тарихий манбалар тасдиқлайди. Лекин бундан қатъи назар, Темур қиёфаси тасвиридаги бу йўналишнинг қуюқлашуви асарда изчил реалистик тасвир типини ўз ўрнини романтик тасвир типига бўшатаётгандек таассурот уйғотиши мумкин. Бу билан биз улуғ амир қиёфасида жазолаш-у қаттиққўллик ва шунга ўхшаш жиҳатлар кўпроқ кўрсатилиши керак демоқчи эмасмиз. Аксинча, жазога муносибларга ўта кўнгилчанлик, кечиримлилик меъёрдан ортиқ тасвирланмагани маъқул демоқчимиз. Зеро, ҳаёт ҳақиқатининг бадий ҳақиқатга айланишида бадий меъёр бузилмаслиги керак, деган фикрдамиз.

## VII

Роман бадий композицияси ва қурилишидаги ёзувчининг кўпда сезилавермайдиган, аммо маҳорат ва усталик билан тутган йўлини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлур эди. Ёзувчи асар бошидан охиригача бирор-бир бобда сюжетни анъанавий усулда ривожлантириш йўлини тутмайди. У ёки бу ҳодиса, воқеани бошлаб, уни традицион равишда бир нуқтага ёки тугалликка олиб бормади. Воқеа, ҳодиса, муаммо, қаҳрамонлар характерининг очилиши, эстетик идеалининг инкишоф топиши масаласи-

да ёзувчи: давр, замон, муҳит, ҳудуд тасвирида табиий моҳирлик билан биридан иккинчисига ўтиб кетадики, сезмай қоласиз. Лекин тасаввурингизда ҳам таҳайюлингизда ҳам узилиш рўй бермайди, бу адибнинг хронотоп муаммосидаги назокатни чуқур эгаллагани туфайлидир.

Модерн руҳдаги адибларнинг асар қурилиши, кўпинча ўта фавкуллоддалик, ҳақиқат билан шартлиликнинг қоришиб кетилиши, обсурднамо ташкилланиш сезилиб туради. “Етти иқлим хоқони”да эса бундай эмас. Матн замирида, асосан реалистик тасвир усули ётади. Макон ва замон, муаммо ва мақсаддаги кўчиш эса шаклгагина дахлдор. Шу маънода “Етти иқлим хоқони” шакл ва мазмун, композиция ва сюжетнинг алоқадорлигини намён этиш жиҳатидан романчилигимиз имкониятларини бойитади. Унда анънавий тасвир усули, назаримда, модерн романчилигининг илғор тажрибалари билан сингишиб кетган ҳолда бир уйғунлик ҳосил этади.

Романнинг бошидан охиригача бирор қисм, бобда на Темурнинг юришларию, на жанглари, на бирор-бир ижтимоий, сиёсий, интим воқеа ва на характернинг боши ҳамда сўнгги бўлган тугал тасвирни учратмаймиз. (Ҳолбуки, бу – роман жанрининг анънавий ва мумтоз, етакчи хусусиятидир). Лекин роман матнидан адиб мақсадлари доирасида улар ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Уларни уйғунлаштириб, бир бутунлик ҳосил қила борамиз. Романнинг бундай қурилиши ва композициясини яратиш осон эмас. Бу узоқ ва чуқур ўйланган ижодий меҳнат ва маҳорат самарасидир.

Бу композиция ва қурилиш ёзувчи мақсадининг ғоя билан чамбарчас боғланишидан келиб чиқади, албатта. Зеро, бош мақсад Темур жаҳонгирлиги, фатҳлари, юришлардаги саркардалик шижоати, давлату салтанатнинг улуғворлиги ва шавкатини кўрсатиш эмас, шуларнинг бунёд бўлишига асос солган ва раҳнамолик қилган, аҳди ва тахтига содиқ қолган буюк шахснинг характерини тасвирлаш, унинг муҳити ва даврини бадиий гавдалантиришдан иборатдир. Бу айни вақтда айрим, тахт теграсида не-не ёрқин машъалалар ёнмасин, мушақлар бодроқ сочмасин, бебурдликнинг эртаси таназзулдир деган фикрга теран бадиий ишорадир.

Буюк Амир Темур тахтининг кудрати буюк аҳдларга муносиб ва мутаносиб бўлгани туфайлидир деган ғоя “Етти иқлим хоқони” романига бошдан охири нур сочиб туради.

Миллат, Ватан, Туронга муносиб ҳокимгина эмас, келажакда уларга муносиб фарзанд бўлиш туйғуларини асраб-авайлаш Амир Темурнинг фикру зикри, вужудини муттасил исканжада тутган масаладир. Темурнинг чуқур ўй-фикрларга берилган чоғдаги: “Давомли зулм ва босқинлар, бу элларни фақат бир парча экмак илинжида яшамоққа мажбур этди. Юрт сўраганлар эса ўз тўқлиги ва амалига махлиё бўлиб, элдан узилиб яшайвердилар. Улус дунё ила боғлиқлик, олам билан мулоқот ва катта халқларга хос фикрламоқдан олислашди... Миллат маънавий зарбалар таъсирида ўзлигини йўқотиш йўлидан кетаверган. Оёққа туришга улгурмасданоқ бошига ураверганлар. Натижада Турон юрти асл эгаларининг эмас, қочган-писган ўткинчи қавмларнинг масканига айланган” сингари фикрлари бу улуғ шахснинг у ёки бу юртни эгаллаш, давлат ва мамлакатни кенгайтириш, мустаҳкамлашгина эмас, миллат бошини бирлаштириш ва мустаҳкамлаш, юксакликка элтиш, унинг бугунидан ташқари, келажаги ҳақида қайғуриш билан яшашни ҳаётининг бош аъмоли деб билганини кўрсатади.

Ёзувчи муваффақиятларидан бири бош қахрамон характеридаги ана шу фазилатларни теран тасвирлаб бера олганида.

Ўзликни йўқотмаслик, ўзликни мустаҳкамлаш, ўзликнинг кудратини синдирмаслик – Темур вужудини кўпинча банд этган туйғулар, ўй-хаёлида доимо ғужғон урган фикрлар – шулардан иборат. Буларсиз халқ ҳам, давлат ҳам, мамлакату салтанат ҳам куч-қувватини йўқотиб, теран ва чуқур илдиэларидан узоқлашиб, ўзгалар етовига тушиб қолиши турган гап. Бир эл-юрт бошида турган ўзга бир қавм эса унга дўст ва ғамхўр бўлиши қийин. Ёвлар ва босқинчилар, тарихий рақибу душманлар илгига тушиб қолган халқлар, табиий, ўзга халқларнинг овига айланади. Ёвлардан йўриқ олиб яшамоққа махкум этилади. Халқ ўзидан чиққан Темур каби даҳо фарзандларининг саъй-ҳаракати туфайлигина нурли-бир манзилга етиб, инсоният тарихидаги муносиб ўрнини

...ши мумкин. Шекспир халқлар шахсларни бошқара олмай-дилар, бироқ шахслар халқларни бошқара биладилар, деганида шунини назарда тутган, албатта.

Биз романнинг бошидан деярли сўнгигача Амир Темурни ана шундай ўй-хаёлларга берилган, ўзини ўзи ичдан таҳлил этаётган ҳолатларда кузатамиз.

Муҳтарам китобхон! Сиз романи ўқиб бўлдингиз. У нима ҳақида экан деб сўралса, дарҳол ва мухтасар равишда жавоб беришга қийналишингиз ҳам мумкин. Ва бу табиий. Чунки бу асарда биз бошқа романларда ўрганиб қолган, бир ёки, ҳатто, бир неча сюжет линияси йўқ. Бир жойда бошланиб, бошқа бир жойда тугайдиган, мазмунини кимгадир айтиб бериш мумкин бўлган романбоп узун воқеа-ҳодисалар ҳам йўқ. Шу боис мазмунини айтиб беришга қийналасиз. Бу – тасодифий ҳол бўлмай, ёзувчи услубда танлаб тарашлаган махсус йўлдир. Бошқача айтганда “Етти иқлим ҳоқони” асосан Буюк Амир Темур шахсини гавдалантиришга бағишланган, тарих – инсон – замонни ичдан фалсафий руҳда тасвирлашга мойил романдир. У Соҳибқирон ҳақида яратилган қатор роман, драма, қисса, дostonлардан яхлитликдаги ана шу хусусияти билан фарқланади. Роман айни вақтда, тарих мисолида, Амир Темур тимсолида ўзлигимизни англаш муаммолари бадийий ёритилган асардир.

## VIII

Асарни ўқиб тугатдик. Хўш, унинг асосий концепцияси нимада?

Темур аниқ бир дин, аниқ бир миллат, аниқ бир даврга дахлдор, аниқ бир салтанат ҳоқони бўлгани билан, фақат уларгагина мансуб эмас. Улардан юқорироқ кўтарила олган ва ҳозирги кунимиз билан ҳам чамбарчас боғланиб, бизга камарбаста бўла олишида. “Етти иқлим ҳоқони ёхуд аҳд ва тахт” романининг етакчи бадийий концепцияси мана шунда. Ёзувчи ўз олдига мана шу концепцияни бадийий гавдалантиришни мақсад қилиб қўйди ва ўйлайманки, имконият даражасида эришди. Бунга ўзингиз гувоҳ бўлиб турибсиз.

Улуслар, ҳукмдорлар, ҳокимиятлар ўзаро бир-бирларини тушунмоғи керак, яратганнинг бандалари ҳамжиҳат бўлмоғи,

халқлар ўзаро биродарлашмоғи зарур, инсоният тинч, яшамоғининг бирдан-бир йўли, асоси шудир. Нурали Қобул Амир Темур фалсафаси, у тепасида турган хоқонликдаги ички ва ташқи сиёсатнинг моҳияти бўлган шу муаммоларни романнинг бош-ғояси сифатида белгилади ва бор кучини асарда шу ғояни бадиий гавдалантиришга қаратди.

Роман номи, “Етти иқлим хоқони ёхуд аҳд ва тахт” экани дуруст. Эҳтимол, “Етти иқлим ва кўнгил хоқони ёхуд аҳд ва тахт” ҳам бўлиши мумкин эди. Зотан, асарнинг аввалидан охирига қадар Амир Темур кўз ўнгимизда етти иқлимгина эмас, инсон кўнглининг ҳам султони сифатида намоён бўлади. Кенг жўғрофий кенгликлардаги буюк давлатни тузмоқ ва фатҳ этмоқ учун аввало инсонлар кўнглини фатҳ этиб, улар бошини кўшиб, катта ватаний вазифаларга йўналтира олган Амир Соҳибқирон одамларга бўлган ана шу чексиз меҳр-муҳаббати қанотида тарихда ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган юксакликка кўтарилди.

Зеро, мулоқотларимиздан бирида муаллиф романга ном танлаганда аслида хаёлида “Қалб қасрининг султони” жумласи айланганини ва уни бошқа бир жилдларда қўлламоқ ниятида эканлигини таъкидлади.

Асар воқеалари ва қахрамонларнинг ўй-фикрлари, мулоҳазалари нима ҳақда бўлмасин, уларнинг замири ва вужуди Соҳибқирон ўй-фикрлари ва фалсафасига бориб боғланган ҳолда, қисмат, тақдир, инсон – уларнинг Аллоҳ, жамият, миллат ва Ватанга муносабатлари муаммоларига туташиб кетади.

Асар ниҳоятга яқинроқ, Амир Темурнинг: “Биз авлодлар кўзи ва ақлининг тарhini очадиган улуғ ишларни амалга оширмоғимиз керак”, деган фикрида ўз ифодасини топган романнинг туб бадиий ғояси бизнинг қалбимизда ҳам акс садо бераётгандек ҳис этамиз ўзимизни. “Келгувчи насллар учун бизнинг фатҳларимиздан кўра хайрли ишларимиз ибратлидир”, дейди улуғ амир яна бир ўринда.

Бизни худди кўриб туриб айтилаётгандек бу сўзлар, кўнглимизда ана шу хайрли ишларнинг ворислари эканлигини янада чуқурроқ туйиш ғурурини уйғотади, юксалтиради. Нурали Қобулнинг “Етти иқлим хоқони ёхуд аҳд ва тахт” романи ана шу эътиқод ва шууригимизни янада мустаҳкамлайди.

## МУНДАРИЖА

Биринчи боб .....	3
Иккинчи боб .....	20
Учинчи боб .....	29
Тўртинчи боб .....	38
Бешинчи боб .....	45
Олтинчи боб .....	60
Еттинчи боб .....	83
Саккизинчи боб .....	91
Тўккизинчи боб .....	103
Ўнинчи боб .....	115
Ўн биринчи боб .....	127
Ўн иккинчи боб .....	144
Ўн учинчи боб .....	152
Ўн тўртинчи боб .....	159
Ўн бешинчи боб .....	168
Ўн олтинчи боб .....	181
Ўн еттинчи боб .....	191
Ўн саккизинчи боб .....	202
Ўн тўккизинчи боб .....	215
Йигирманчи боб .....	230
Йигирма биринчи боб .....	242
Йигирма иккинчи боб .....	252
Йигирма учинчи боб .....	263
Йигирма тўртинчи боб .....	279
Йигирма бешинчи боб .....	294
Йигирма олтинчи боб .....	304
Йигирма еттинчи боб .....	317
Йигирма саккизинчи боб .....	330
Йигирма тўккизинчи боб .....	339
Ўттизинчи боб .....	356
Ўттиз биринчи боб .....	370
Ўттиз иккинчи боб .....	382
Ўттиз учинчи боб .....	409
Ўттиз тўртинчи боб .....	422
Ўттиз бешинчи боб .....	438
Сўнгсўз .....	458

*Адабий-бадиий нашр*

**НУРАЛИ ҚОБУЛ**

**ЕТТИ ИҚЛИМ ХОҚОНИ ЁХУД  
АҲД ВА ТАХТ**

*Тарихий роман*

*(қайта нашр)*

Масъул муҳаррир: А.Қоржовов

Муҳаррир: О.Қанаев

Тех.муҳаррир: Ш.Ҳошимов

Саҳифаловчи: Н.Муҳитдинова

Босишга берилди 15.12.2015. Қоғоз бичими 60x84  $\frac{1}{16}$  “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 30,0. Нашр босма табоғи 30,0. Адади 3000. Буюртма № 39

*«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.  
Нашриёт лицензияси: АІ №270*

*«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.  
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28а-уй.*